

Ўлмас УМАРБЕКОВ

# САЙЛАНМА

Биринчи жилд

Тохир Малик

## «ҚИЁМАТ ҚАРЗ»

«Бунчалар ширинсан, ҳаёт!»

Ўлмас Умарбековнинг асарларини ўқий туриб шундай деб ҳайқиргинг келади.

«Бунчалар бешафқатсан, ҳаёт!»

Ўлмас Умарбековнинг қалбида туғилиб, қоғозга кўчган асарларни ўқиб бўлгач, беихтиёр шундай деб юборгинг келади.

«Бунчалар маккорсан, ҳаёт!»

Ўлмас Умарбековнинг ҳаёт сўқмоқларида адашган қаҳрамонлари билан танишгач, «макр ва муҳаббатнинг илдизлари қайда экан?» деб ўйлай бошлайсан.

Ёзувчининг эллик йил муқаддам ёзган илк ҳикоясидан бошлаб то сўнгги сатрларигача — ҳамма-ҳаммасини оддий асар эмас, балки авлодларга васиятнома сифатида қабул қилмоқ дуруст. Ёзувчи ҳаёт ҳақидаги мулоҳазаларини ўнлаб қаҳрамонларининг тақдирини баён қилиш баҳонасида ўқувчи диққатига ҳавола этган.

Ўлмас Умарбеков каламига мансуб асарларнинг қаҳрамонлари — турли феъл-атворга, турли тақдирга эга турли даврларнинг кишилари. Лекин адибнинг қалби уларни бир нурли нуқтада бирлаштириб туради. Бу қаҳрамонлар — эзгулик изловчилар, эзгулик истовчилар, соғинувчилар, зулм ёки бешафқатлик қаршисида бўйин эгмовчилар — буларнинг барча-барчаси ёзувчи юрагида туғилгандир. Ёзувчининг бу қаҳрамонлари худди ўзига ўхшайди, дейилса муболаға бўлмас. Ўлмас Умарбеков ҳамма қатори ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, хиёнатни, шафқатсизликни, мунофиқликни ҳам кўрган, аммо бу каби иллатлар қаршисида ожиз қолмаган, яхшиликка ишонган, ҳақиқатга суянган эди. «Одам бўлиш қийин», «Фотима ва Зухра» каби романларни ёки «Севгим, севгилим», «Ёз ёмғири», «Жўра қишлоқ» каби қиссаларни, юзга яқин ҳикояларини ўқиймизми ёки «Шошма, Қуёш», «Қиёмат қарз», «Комиссия», «Кузнинг биринчи куни» сингари сахна асарларини тамоша қиламизми, Абдулла, Гулчехра, Ойпопук, Мунисхонлар, Санобар Камолова, ҳатто ёшини яшаб қўйган қариялар ҳам ҳаётдан умидларини Ўзишмайди. Баъзан хато қиладилар, баъзан мағлуб бўладилар, гоҳида ғолиблик майдан маст бўладилар. Шунда ҳам яшамоқ лаззатини бой бермайдилар. Эзгуликка, озод ҳаётга фақат тўғрилиқ йўли билан бормоқлик мумкин — Ўлмас Умарбековнинг барча асарларига ана шундай шиор муносиб.

Гулзорда ҳар бир гулнинг иси ўзича бўлгани каби, адабиёт оламидаги ҳар бир адибнинг фақат ўзига хос овози мавжуддир. Ўлмас аканинг асарларини бошқаларникидан фарқлаб, ажратиб олиш қийин эмас. Тепасига адибнинг номлари ёзиб қўйилмаса ҳам бу ҳикояни ёки романни айнан Ўлмас Умарбеков ёзганлигини зукко китобхон дарров билади. Ўлмас ака ижодининг бошқалардан фарқлантириб турадиган жиҳати — самимийликда кўринади.

Ўлмас ака ҳаётда самимий бўлганлар, атрофидагиларга ишонганлар, одамларни тоифаларга, навларга ажратмаганлар. У кишининг энг севган сўзлари — «АЗИЗИМ» эди. Ўлмас ака ёқтирмаган, ғашларини келтирувчи одамга ҳам «азизим» деб мурожаат қилардилар. Бу

хислатни асарларидаги қаҳрамонларига муносабатда ҳам кўраимиз. Ёзувчи ўзлари севган қаҳрамонларга ҳам, асардаги сериллат одамларга ҳам «азизим» деяётгандай туюлади. Кўпчилик адибларга хос одат — ёмон одамни булғаб ташлаш Ўлмас ака ижоди учун ёт нарса. Ёзувчи ёмон одамга лаънат ёғдирмайди, нафратини баён қилавермайди, балки ёмонликнинг охир-оқибатини кўрсатиб кўя қолади. Ёзувчининг бундай сатрларини ўқиган одам ҳаётдан безмайди, балки яхшиликка умид қилиб яшамоқ лозим экан, деган ҳақиқатни англаб етади.

Адабиётда турли йўналишлар мавжуд. Баъзилар бадиий асар ҳаётнинг бешафқатлигини куюқ бўёқларда тасвир этмоқ керак, токи ўқувчи ўзини бу кўргуликларга тайёрласин, нохушликларга дуч келганда довдираб қолмасин, дейишади ва шу йўсинда ёзишади. Оқибатда ҳаётга муҳаббат ўрнига нафрат уйғотиб қўйишади. Шу ўринда адабиёт ўзининг асосий вазифасидан чекинади. Аммо ҳаётга нисбатан нафрат уйғотмасликни куруқ маддоҳлик қилмоқлик шарт, деб тушунмаслик жоиз. (Адабиёт тарихида бундай ҳоллар ҳам бўлган. Конфликтсизлик, яъни «зиддиятсизлик назарияси» деган замонлар, шу назария асосида яратилиб, яралгани ҳамон ўлимга ҳукм бўлган асарлар ҳали кўпчиликнинг ёдида. «Совет жамиятида зиддият, қарама-қаршилик йўқ», бу жамиятда барча озод, бахтиёр, ҳаммаёқ обод», деган ёлғонни ҳақиқат байроғи сифатида тақдим этиш узоқ яшамади).

Яна бир йўналиш тарафдорлари «адабиётда энг муҳими — жиддий гап айтиш, долзарб муаммони кун тартибига қўйиш» деган талаб билан яшади. Оқибатда адабий асар қаҳрамонларининг оёқлари ердан узилди. Ҳаётда бегона одамдай юрдилар. Долзарб муаммо эса колхоз раиси билан партком котибининг олишувидан иборат бўлди.

Яна бир тоифа ҳаётни танқид қилишга кўпроқ эътибор бериш тарафдори бўлди, оқибатда насрда ҳам, назмда ҳам асабий, бакироқ асарлар вужудга келди.

Бошқа бир тоифа эса рамзийлик билан мавҳумликни фарқламай, аралаштириб юборди. Асарларига одамлар тушунишмаса «бу ерда ақли гап бор, келажак авлод англайди» деб изоҳ беришди. Шундай адиблардан бири «Ялдо кечасида шафтоли гуллади», деб ёзибди. «Ялдо кечаси 22 декабрга тўғри келади, бу пайтда шафтоли гулламайди-ку?» десак, «Йигитнинг қалбида севги уйғонди» дейилмоқчи», дейди. «Бунинг ўрнига содда қилиб «йигит шу қизни севиб қолди», дея қолинса бўлмасмикин?» десак, «Йўқ, бу ерда ақл бор, фикрлаш керак», дейишади.

Бу йўналашларни рад этмай, ёки пастга урмай, уларни изланишлар самараси деб баҳолаш мумкин. Уларнинг қанча яшамоғини эса вақт кўрсатади. Балки чиндан ҳам келажак авлод «йигит севди» деган иборани ҳазм қила олмас, «шимолий музликларда, айсберг чўққисидаги ғўза шоналади», демоқликни маъқул кўрар. Лекин ҳозирги авлодга, бизнингча, содда, равон ёзилган асарлар ёқади. Ўлмас Умарбеков асарларининг севиб ўқилиши айнан шундан.

Ўлмас аканинг асарларидаги соддалик, равонлик жиддий масалаларни четлаб ўтиш, ёки рад этиш эвазига эмас. Маълум ҳодисаларга нисбатан танқид йўқ, деб ҳам бўлмайди. Бу ерда гап баён этиш услубининг самимийлигида. «Ер ёнганда», «Менинг ўғилбола жияним», «Ойнинг олтин ўроғи»ни эсласак, фикримиз ўз далилини топган бўлар.

Сир эмаски, йўналишлар, аниқроқ айтилса, катта-кичик гуруҳлар ўз ғоялари байроғини баланд кўтариш мақсадида ўзгачароқ ёзадиган адибларга танқид кўзлари билан қарадилар. Бу гуруҳларнинг ўзларигагина хизмат қилувчи хос мақтовчи — танқидчилар мавжуд эди. Улар ўзлари тобе бўлган гуруҳдагиларнинг асарларини кўкларга кўтаришиб мақташарди, бошқаларни эса танқид қилмоқдан чарчашмас эди. Ёки «бошқачароқ» ёзилган асарни менсимай, индамай кўя қолишарди. Ўлмас аканинг бундай гуруҳлари ҳам, мақтовчилари ҳам йўқ эди. Бирон ерда танқидий фикр пайдо бўлиб қолса, «мевали дарахтга тош отилади», деб кўя қолардилар. Танқидга қарши махсус жавоблар уюштириш у кишининг хаёлларига ҳам келмасди. Ўлмас аканинг фикрларича, энг асосий ва одил танқидчи — китобхон эди. Китоб тарқалдими, ўқилдими, маъқул тушдими? Ёзувчига яна қандай даъво бўлиши мумкин? Ахир

китоб бир-икки танқидчи учун эмас, минглаб ўқувчилар учун ёзилади-ку?

«Фотима ва Зухра» романи ёзилганида Ўлмас ака оғир хаста эдилар. Шунга қарамай, қўлёмани «Шарқ юлдузи» журнали таҳририятига ўзлари олиб келдилар. Нашрга тайёрладик. Дастлабки қисми эълон қилинган, журнални кўтариб, шифохонага бордим. Ўлмас ака гапиролмай қолгандилар, томоқларидаги махсус тешик мослама ёрдамида нафас олардилар. Аммо хасталик азобини, тушкунлик учқунини сира-сира сездирмасдилар. Лабларининг қимирлашидан «азизим», демоқчи эканликларини англаш мумкин эди. Асар билан табриклаганимдан сўнг дафтарчаларига бир нима ёзиб, узатдилар: «Раҳмат, энди асарни ҳимоя қиласизларми?» Бу гапдан ажабланиб: «Асар ҳимояга муҳтож эмас», дедим. Ёзув дафтари ёрдамида анча гаплашдик. Ёзмоқчи бўлган асарларидан ҳам сўз очдилар.

Ўлим ҳар куни, ҳар соат эшик қоқиб турган дамда ҳам ёзувчи ҳаётга муҳаббат ва ишонч билан яшарди. Бу каби саботли ва иродали одамлар ҳақида ёзилган асарларни жаҳон адабиётида учратамиз. Балки қачондир Ўлмас Умарбековнинг ҳаёти ҳам бирон асарга асос бўлар...

Мен Ўлмас аканинг «асарни ҳимоя қиласизларми?» деган ташвишларини кўп ўйлайман. Ўлмас аканинг дўстга ҳам душманга ҳам самимий муносабатда бўлишлари замирида қалб оғриқлари мавжуд эканини энди-энди тушуниб етгандай бўламан. Ўлмас ака ҳаммага бирдай ишонар эдилар. Бу — юқори мақомдаги фазилат. Аммо, айти, чокда шахсинг озми-кўпми фожиаси ҳам эди. Албатта, одамларга ишониб яшаган яхши, бироқ, бу ишончни суистеъмол қиладиганлар мавжуд экан, эҳтиёткорликни унутмаслик керак. Ўлмас акада шу эҳтиёткорлик йўқ эди. Бундан эзилганлари шубҳасиз, лекин дардларини бошқаларга сездирмаганлар.

Дардни ичга ютиб яшамоқликдан кўра оғирроқ юмуш бормикин дунёда?

Бир киши донишманддан насиҳат қилмоқлигини сўради. Донишманд унга жавобан:

— Агар хотиранг жуда яхши бўлса ҳам, икки нарсани эсан чиқар: бири — халқ учун қилган яхшилигини, иккинчиси — бировларнинг сенга қилган яхшиликларини, — дебди.

— Мардлик ва одамийлик ҳақида ҳам бир сўз айтинг, — деб илтимос қилибди у киши.

— Миннат юкига бардош бермоқлик — одамийликдир, кўлидан келадиган ишни бошқалардан дариғ тутмаса, у мардликдир, — дебди донишманд.

— Мўмин ва мусулмон бўлиб юрмоқлик хусусида ҳам айтинг, — дебди у киши.

— Кишининг айбини қидирмаслик — мусулмонликдан, ёмон сўзларни гапирмаслик эса мўминликдандир», — дебди донишманд.

Баён қилинган бу фазилатларни мен Ўлмас акада кўрганман.

Етмишинчи йиллар бошларида Ўлмас ака Ўзбекистон радиосида, адабий-драматик эшиттиришлар таҳририятида бошлиқ эдилар. Бир куни қувониб келдилар: янги асарга сўнгги нуқта қўйибдилар. Эшитганлар табриклашди. Бир неча соатдан сўнг эса бу асар изсиз йўқолди. Кимдир хоналарига кириб, Ўлмас аканинг портфелларини кўтариб чиқиб кетибди. Тасаввур қилинг-а: бир неча йиллик меҳнат йўқ бўлди. Атрофдагилар ташвишлана бошлашганда ҳам Ўлмас аканинг кўзларидаги мулоимлик ўзгармади. Воқеани катта шов-шувга айланишига йўл қўймадилар. «Фалончи олгандир» деган гумонларни ҳам рад этдилар. Бунинг ўрнига яна неча тунларни бедор ўтказиб, асарни қайтадан ёздилар.

Шуларни ўйлайман-у, «Қиёмат қарз»ни, «Шошма, Қуёш»ни ёки «Фотима ва Зухра»ни биров эмас, балки айнан покиза, мард одамгина ёзиши мумкин эди, деган хулосага келаман.

Қалбида озгина кир мавжуд, ўзгалардан ҳадиксирайдиган, ўзгалардан яхшилигини дариғ тутадиган одам бундай асарлар ёза олмайди, деб ўйлайман.

Ёзувчи Ўлмас Умарбеков билан биринчи учрашувим эълон қилинган асарлари орқали кўп қатори ғойибона тарзда бўлган эди. Таъкид жоизки, Ўлмас ака дастлабки ҳикояларини эллигинчи йилларнинг бошларида ёзган эдилар. Юқорида зикр этилган «зиддиятсизлик назарияси» ҳали ҳаёт чоғида адабиётга дастлабки қадамларини қўйган ёш ёзувчи бу назарияни қабул қилмади. Ўша даврда ёки ундан сал илгарироқ адабиётга кириб келган бир қатор

ёзувчилар орасида бу назариядан узилиб чиқиб кета олмаганлар ҳам бўлди. Ўлмас ака бу назариянинг касаллигини ўзларига юқтирмаганликларининг боиси: у киши анъанавийликдан, яъни кўп киши босиб ўтган йўлдан юришни ёқтирмай, ўзларининг сўқмоқларини очишга ҳаракат қилар эдилар. Ўша «Ширинсой оқшомлари» дейсизми ёки «Бобоёнғоқ»ми, «Ҳаёт кўшиғи»ми... барчасида услубий янгиликка интилиш мавжуд эди.

Олтмиш тўққизинчи йилнинг куз ойларида радиода ишлаш ҳаваси билан Ўлмас акага учрашдим. Матбуотда уч-тўрт йил ишлаганим, беш-ўн ҳикоя эълон қилганим билан Ўлмас ака олдида мен ҳеч ким эмасдим. Келажакда кўлимдан бирон иш келиш-келмаслиги ҳам аниқ эмасди. Шунга қарамай, Ўлмас ака худди ўз тенгқурлари билан гаплашгандай суҳбатлашдилар. Гаплашганда ҳам бозордаги нарх-наволар эмас, адабиёт муаммолари бўйича фикр юритдилар. Адабиётга, хусусан айрим асарларга бўлган муносабатим билан қизикдилар. Саволлар мени синаш мақсадида берилмаган эди. Гап мароми худди икки ижодкор дўстнинг суҳбати каби эди. Бундан мен бир оз ҳижолат ҳам бўлардим. Ўлмас ака ҳижолатимни сезиб, янада самимийроқ, янада соддароқ тарзда гаплашмоққа уринардилар. Бир маҳал кутилмаганда:

— Ҳозирги замон романи қандай бўлиши керак? — деб сўраб қолдилар. Ҳозир, ёшим эллик бешга етиб, ҳали ҳам роман ёзмаганлигим инобатга олинса, у дамда мазкур саволга тайинли жавоб бермоғимнинг нақадар мушкул бўлганини тасаввур этмоқ мумкин. Ўшанда Ўлмас аканинг ўзлари мени бу қийин аҳволдан қутқариб, янгича романга муносабатларини билдирдилар:

— Ҳозир ёстикдай-ёстикдай «семиз» китоблар ёзиш вақти эмас, бунақа китобларни ўқишга ҳозиргиларнинг тоқати етишмайди. Энди китобхонга ихчам, мағзи тўқ романлар керак. Тез ўқишсин, аммо кўпгина маъно дурларини теришсин...

Ўлмас аканинг ўшанда «Одам бўлиш қийин» деб номланган биринчи романларини ёзаётганларини кейинроқ билдим. Суҳбатдан бир неча ой ўтгач, ҳарбий хизматга чакирилдим. Хизматимнинг адоғига яқин дўстим Абдужалил Зокировдан бир китоб олдим. Қарасам, Ўлмас аканинг янги китоблари. Ўзлари айтгандай ихчам, ўзлари айтгандай, бош кўтармасдан бир зарбда ўқиб чиқиладиган асар, мағзи тўқ асар. Аскар йигитлар китобни қўлма-қўл ўқишди. Асар қаҳрамонларининг тақдири уларни бефарқ қолдирмади. Айниқса Гулчехранинг тақдири севги ёшидаги аскар йигитларнинг дилини поралаб юборган эди.

Ўшанда Ўлмас ака роман ёзишлари билан икки томонлама синовга дуч келган эдилар: биринчиси — ўттиз беш ёшга кирган адиб ўша давр қаричи билан ўлчалганида «ёш ёзувчи» деб ҳисобланарди. «Ёш ёзувчи»нинг эса роман ёзиши кўпчиликка ғалати туюларди. У дамда ёш ёзувчиларнинг «романчилик довонини» ошиб ўтмоқлари осон эмасди. Чунки роман ёзган адиб энди етук ижодкорлар сафига ўтарди. Иккинчиси — «ёш ёзувчи» ёзган романнинг ҳажми кичик. Бошқаларники каби «семиз» эмас. Бошқалар каби синалган йўлдан юрмаган.

Романдаги баён услубининг ўзича равонлиги, қаҳрамонлар руҳиятининг атрофлича таҳлил этилганлиги, ҳаёт фалсафасининг теран акс этирилиши ҳар икки синовдан муваффақиятли ўтишни таъминлаган.

Ўлмас Умарбековни замонавий ўзбек детектив адабиётининг асосчиларидан бири, деб аташ ҳам ўринли. Ўлмас аканинг Қўқон театри саҳнасида кўйилган биринчи саҳна асарлари — «Суд», «Ёз ёмғири» қиссалари замонавий детектив тарзида ёзилган асарларнинг дастлабкиларидан бири эди. Бу ҳам ёзувчининг фақат янгиликка интилиб ижод қилганига бир далил бўла олади.

Ўлмас ака фақат ижодда эмас, хизматда ҳам ранг-барангликка интилар эдилар. Радиода то ҳозиргача давом этиб келаётган «Табассум», «Дугоналар», «Гулшан» каби радиожурналларнинг пайдо бўлишида у кишининг ҳам хизматлари бор. Ўлмас ака радиода ишлаганларида таҳририят адабиёт дарсхонасига ўхшаб кетарди. Ёзувчилар, актёрлар кўп келишарди, студияда ишлари битгач, дарров изларига қайтмай, таҳририят хонасида гурунг қилишарди.

Бирон эшиттириш тайёрлаш лозим бўлганида у киши бошлиқ сифатида бирор ходимни ҳузурларига чақиртириб «фалон ишни қилинг», деб буюрмасдилар. Балки ўзлари муҳаррирлар ҳузурига чиқиб, гурунглашиб ўтириб «шундай эшиттириш қилсак қандай бўларкин? деб вазифа юкланаётган одамга қараб кўярдилар. Буйрук таклиф тарзида берилибгина қолмай, маслаҳат, йўл-йўриқ ҳам кўрсатиларди.

«Ўзбекфильм»ни бошқарган пайтларида ўзбек киносига миллий руҳ беришга анча уриндилар. Ёзувчиларни ўзбек тилида сценарий ёзишга жалб этиш мақсадида махсус «сценарий студияси» ташкил этдилар. Ёзувчиларга маош ҳам тайин қилдилар. Аммо ёзувчилар бу рағбатга бефарқ қараганлари сабабли студия ижобий самара, ижодий мева деярли бермади. Ўзбек киноси билан ҳориж киноси усталарининг биргаликдаги ҳамкорлигида ҳам Ўлмас аканинг ҳиссалари бор. Ҳиндистон киночилари билан биргаликда ишланган «Алибобо ва қирқ қароқчи», Югославия киночилари билан ҳамкорлик шулар жумласига киради.

Ёзувчилар уюшмасида ишлаганларида ҳам устоз ёзувчиларнинг маҳорат мактабларини очишга уриндилар. Лекин у пайтдаги бақироқ замон кўп яхши ишларнинг амалга ошувига тўсқинлик қилди.

Дунёда тасодифлар кўп бўлади. Шулардан бири — Ўлмас ака 1934 йилда, улуғ шоир, аллома, сиёсий арбоб, дипломат, ўзбек театрининг асосчиси Абдулла Авлоний вафот этган йили туғилганлар. Миробод маҳалласида Абдулла Авлоний асос солган мактабда ўқиганлар. Худди устоз каби ўзбек драматургиясига хизмат қилдилар.

Ўлмас аканинг болаликлари оғир уруш йилларига, ноҳақлик авжга чиққан замонларга тўғри келган. Бир бурда нонга муҳтожлик, айрилиқлар, мотамлар... буларнинг барчасини кўрдилар.

«Фотима ва Зухра»ни ўқиётганимда бир неча ерда «нон-қовурдоқ» деб аталмиш таом тилга олинганига эътиборни қаратиб, у киши билан учрашганимда «нонпалов»ни яхши кўрар экансизда, а?» деб ҳазил оҳангида сўрадим. «Йўқ, — дедилар Ўлмас ака, жиддий тарзда, — уруш пайтида онам раҳматли шу таомни кўп пиширардилар. Камбағалнинг тўйимли таоми эди-да, бу. Ҳозир бу аҳволга тушганимда қарасам, «қора кунимга яраб колар», деб бойлик тўплаб қўймаган эканман. Ўша таомни кўп эслаяпман...»

Чиндан ҳам Ўлмас ака бойликка ружу қўймаган эдилар. У кишининг бойликлари — оилалари, уйдаги китоблари-ю, ёзув столлари, қоғоз-қаламлари эди. Уйда ортиқча ҳашам, безак йўқ. Аҳли аёлларининг билакларида тилла билак-узукни биров кўрмаган. Ҳолбуки Ўлмас ака катта бойлик тўплаш имконига эга ерларда ишлаган эдилар...

«Ер ёнганда» ҳикоясида ҳам нонқовурдоққа дуч келамиз. Замоннинг аянчли қиёфасини бу қадар маҳорат билан ифодалаш учун аввало ёзувчининг ўзи покиза бўлмоғи лозим эди. Ҳаромдан ҳазар қилувчи Солиҳаббининг ўзига ўт қўйишини асосламоқ учун ёзувчининг ўзи аввало ҳаромдан ҳазар қилмоғи шарт эди.

Солиҳаббиби — покизалик рамзи. Ер ҳам яралишида покиза бўлган. Бағридаги ҳаром-ҳариш ишлардан безиб неча бора ёнган, аламлардан неча бора тарс-тарс ёрилиб кетган экан?! Ўғлининг поклигига, бегуноҳлигига, тухмат билан қамалганига ишониб, ўзини ҳам, келини, набирасини, қариндошларини ҳам ишонтириб, овутиб юрган она беркитилган тилла тангаларни кўриб, назарида Ер ёнгандай бўлади. Ер унга гўё хабар беради, бағрига чақиради. Кечагина ўзини осмоқчи бўлган келинига танбеҳ берган кампир бу кеч ўзининг устига керосин қуяди...

Ўзга чораси йўқ унинг. Ҳатто Она Ер ҳам чорасиз...

Дунёни чархпалак дейдилар. Чиндан ҳам кўп воқеалар орадан йиллар ўтиб янги шаклда, кўринишда такрорланади. Сталин даври ваҳшати саксонинчи йилларда Ўзбекистонда қайта тирилди. Ўрмонга ўт кетгандай бўлиб, ҳўлу қуруқ баравар ёнди, гуноҳқору бегуноҳларни баравар қамадилар. Бу аянчли тadbирга ёзувчилардан биринчи бўлиб Ўлмас Умарбеков муносабат билдирдилар. Билдирганда ҳам замонни холис тарзда таҳлил қилдилар.

Ёзувчи болалигида «халқ душмани»нинг фарзандларига, қариндошларига мактабда ёмон

муносабатда бўлинганига ўзи гувоҳ эди. Шу боис ҳам отаси қамалган Турсунбойнинг хўрликларини таъсирли тарзда баён эта олди. Сталин замонида ҳам, «ўзбеклар иши» даврида ҳам оилалар ҳақиқатнинг тагига етолмай гаранг эдилар.

Ўлмас аканинг асарлари нашрдан чиқиши билан қизиқиб ўқирдик. Асарлар, айниқса, ҳикоялар билан чиққан вақтида битта-битта танишиш бошқа-ю, тўпланган ҳолда ўқиб кўриш кишида ўзгача таассурот уйғотади. Ёзувчининг маҳоратини, бетакрорлигини айтиш аниқ-равшан кўрсатиб туради. Ёзувчининг танланган асарлари мажмуида алоҳида жилд ташкил этиб, «Ер ёнганда», деб ном олган мазкур китоб ҳам бундан мустасно эмас. Адибнинг йигит ёшида ёзган ҳикояларидан тортиб то сўнгги нафасига қадар қоғозга туширган асарлари турли мавзуларда бўлса-да, уларни нурли бир занжир ўзаро боғлаб туради. Бу нурзанжирнинг номи — муҳаббатнинг тотли ва азобли алангаси, поклик ва макр олишуви, меҳр ва ҳаё... Қисқа қилиб айтилса, ҳикояларни инсон ҳаётининг аччиқ ва ширин бодаси ҳақидаги яхлит асар ҳам демоклик мумкин. Айтиш мумкинки, маълум бир масалага турлича муносабатда бўлишлик, турлича таҳлил ва турлича хулосалар чиқаришлик ёзувчининг дунёқараши нақадар кенглиги, мушоҳадаси бақувватлигини исбот этувчи далилдир. Талабчан китобхоннинг диққатини яна бир нуқтага тортишни истардик: айрим асарлар ярим асрдан бери яшаб келяпти. Бундан кейин ҳам яшайди. Фақат ёлғондан узоқ самимий асарларгина шундай узоқ умр кўришлари мумкин.

Ўлмас Умарбековнинг ҳикояларида ўз фарзандига меҳри баланд оналарни тез-тез учратамиз. Бироқ, уларни бир-бирларига ўхшатиш мумкин эмас. Уларнинг ҳар бирлари фарзандларини ўзларича кадрлайдилар. Солихабиби («Ер ёнганда»), Севара хола («Куз ҳавоси»), раиса Маъпиратнинг онаси («Ҳусн»)… Буларнинг ҳаётлари ҳам бўлакча, фарзанди аржумандига меҳри ҳам бўлакча. Қизининг оқсоқлигидан ичи куйиб раиса Маъпиратнинг онаси «Эй Худо! Уни шундай яратгандан кўра, кўзимни кўр қилсанг бўлмасмиди?!» деб кўнгли вайрон бўлади. Қизининг ўзини аямай ишга берилиши ҳам онани безовта қилади. Саври хола эса урушда бедарак кетган ўғлини ҳар куни кутади. Назарида ўғли Бердиали қовун қўлтиклаб эшикдан кириб келаётгандай бўлаверади. Урушда бедарак йўқолган бир одам йигирма бир йилда уйига қайтибди, менинг боламга ўн етти йил бўлибди, деб умид қилади. Уни бу дунёда, бу ҳаётда шу умид ушлаб туради. «Совға»даги Шаҳодат хола эса шаҳардан кўним топган ўғлидан пул олганида бутун қишлоққа жар солгиси келади, фахрдан кўнгли яйрайди. Бемеҳр ўғли хат ёзмай қўйганида эса фарзандининг бу иллатини яширишга уринади. Дардини ичига ютади. Ҳикоянинг якуни эса ҳар қандай одамнинг кўнглини вайрон қилиб юборади.

Ёзувчи фақат ўзбек оналарига хос фазилатларни илғай олган ва маҳорат билан тасвирлаган.

Ўлмас аканинг барча асарларида кексаларнинг ички дунёси алоҳида маҳорат билан акс эттирилган. Кексалар — дунёни ташлаб кетишга тайёрланаётган одамлар — авлодларига нималарни қолдиришяпти? Уларнинг қандай армонлари бор, умидлари қандай? Гуломқодир ота («Бобоёнғоқ») қишлоқнинг янгиланишига қарши эмас, аммо ўтмишдан ёдгорлик дарахтни кўзи қиймайди. Бобоёнғоқ — ўтмиш қадриятлари тимсоли. Уни кесиш ўзига хос фожиа. Гуломқодир ота билан набира — ўтмиш ва эртанинг боғлиқлигини акс эттирувчи бир тимсол. Сулаймон отанинг тақдирига бефарқ қарамайдиган биродарлари Холпаранг билан Ҳакимбек оталар («Маруся холанинг милтиғи»), уруш йиллари танкнинг кескин бурилиши натижасида уйининг бир чети шикастланган аёлни қидириб борган Низомиддин ака («Сўнгги сафар»), урушга кетган Ҳайдаралининг қўйларини боқиб, кўпайтириб, энди ўз эгасига топшириш илинжида яшаётган Сарсонбой отани («Қиёмат қарз») кимнинг, қандай асарида кўриш мумкин? Ҳа, булар бетакрор одамлардир! Бу соддалик, бу тўғрилиқ ҳамма халқларда ҳам айнан шундаймасдир. Шунинг учун ҳам ўзга адабиётларда бундай образларни деярли учратмаймиз.

Ўлмас аканинг ижодларига хос яна бир нарса — номус, ҳаё, ифбат масалалари турли образлар ёрдамида турлича ечилади. Гулчеҳра («Одам бўлиш қийин»), профессор Сабоҳат Қодирова («Ота ва ўғил»), Ўғилой («Менинг ўғилбола жияним»)нинг тақдирларида номус

борасида озгина ўхшашлик бордай. Бирок, уларнинг ҳаётлари, оқибат эса бир хил эмас. Уларга нисбатан ота-оналарининг муносабатлари ҳам турлича. Санобарни ота-онаси, қариндошлари сира-сира кечиришмайди. Ҳолбуки, унинг номуси ўзининг хоҳиши билан топталмаган эди. Ўғилойни эса ота-оналари кечиришади. Ҳатто эрини қидириб Покистонга бориши учун отаси машинасини сотиб, пулини беради.

Бу каби асарларни бирлаштирувчи яна бир ғоя — ота-она дуосини олмаслик барибир яхшилик билан тугамайди, деган ҳақиқатдир.

Ўлмас аканинг сўнги ҳикоялари — ёзувчининг васиятлари ҳам ўқувчини покликка, тўғри яшамоқликка ундайди. Нопоклик оқибатидан огоҳлантиради. Ўлмас ака сўнги нафасларида ҳам қаламга хиёнат қилмадилар. Юраклари тўхтагунга қадар ҳам одамларга яхшиликни истадилар. Сўнги нафасгача одамларни севиб яшадилар. Шу жиҳатдан қараганда Ўлмас ака ўзларини ўқитган, тарбия қилган, тўйдирган Она Ватан, Она халқ олдида бурчларини садоқат билан адо этдилар. Ёзган асарларидан келиб чиқиб айтсак, қиёмат қарзларини тўлаб кетдилар.

Инсон покиза меҳнати билан улуғ, инсон покизаноми билан мангу яшайди. Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбеков бугун орамизда йўқлар. Бирок у кишининг кўплаб бадиий етук асарлари руҳларини ёритувчи чирок бўлиб хонадонларимиз тўрида турибди. Йиллар ўтаверади, мухлислар эса бу асарларни интиқлик билан, меҳр билан ўқийверадилар. Булоқ суви ерга сингани билан йўқ бўлиб кетмайди, У дарахт шохларида тотли мева бўлиб пишади, кўкатлар орасида гул бўлиб очилади... Зеро, умрбоқий асарлар муаллифининг умри ҳам боқийдир.

Ўлмас ака олтмиш ёшга тўлган кунлари у кишига бир тасбеҳ совға қилдим-да, Маккаи мукаррамадан олиб келинганини айтдим. Ўшанда Ўлмас аканинг кўзлари шодликдан худди ёш бола каби чакнаб кетди. Тасбеҳни ўпдилар — худди Каъбада ҳажарул-асвадни — жаннатнинг қора тошини ўпган каби... Тасбеҳни димоқларига тутдилар — худди жаннат ҳавосидан тўйиб нафас олган каби...

Ўлмас аканинг меҳнатларини қадрлаш, покиза умр ке-чирган у зотни дуо қилиб ўтмоқ — энди бизга қиёмат қарз.

Дуо қиламиз: Оллоҳ у кишининг тавбаларини қабул этсин, билиб-билмай қилган гуноҳларини кечирсин. Жаннат ҳаволаридан нафас олмақликни насиб этсин. Омийн йа Роббил алабийн.

## 1. Баҳор севинчлари

### ШИРИНСОЙ ОҚШОМЛАРИ

Ширинсой оқшомлари! Нақадар жозибадор, нақадар оромбахш!.. Қуёш қизил бахмал сингари товланиб, ўзини азим чинорлар панасига олганда, бу оқшомлар кўхна табиат кўрки — тонгдан ҳам мусаффо бўлиб кетади. Гўё бутун қишлоққа атлас пояндоз солингандай... Кенг кўчалар ҳам, қатор оқ уйлар ҳам, олди гулзор колхоз клуби ҳам гоҳ сарик, гоҳ қизғиш тусга кириб қишлоқ ҳуснига ҳусн қўшади. Бу ернинг одамлари-чи? Улар оромбахш оқшомлардан ҳам гўзал. Бу одамлар билан суҳбатлашиб тўймайсан. Улар уддасидан чиқмаган иш йўқ. Шунинг учун ҳам лабларида доим табассум, кўзларида севинч, улар тонгни ҳам, тунни ҳам қўшиқ билан қарши олишади.

Қишлоқ қизларининг шўх, ўйноқи яллаларини эшитсанг, Шохимардоннинг шифобахш булоқларидан тўйиб-тўйиб сув ичгандек бўласан, ғуборинг тарқалиб, роҳатланасан.

Назира қишлоққа тушиб келган куннинг эртасигаёқ, қизлар уни ўртага олиб, қўшиқ айттиришган эди. Йўқ деганига қўйишмади. Шунда у қандайдир лапарни тутила-тутила айтиб, зўрға қутулган эди...

Ҳозир у икки қўлини иягига тираб, дераза ёнида ўтираркан, даладан қайтаётган қизларнинг яллаларини эшитиб, негадир шу воқеани эслади. Ўшанда бир чеккада дарахтга суяниб турган Қосимжон ҳам: «Йўқ, деманг, айта қолинг. Барибир қутулмайсиз» — деган эди. Қосимжон шундай демаганда, Назира қизларга қулоқ солмасди. Билмайман, деярди-қўярди. Лекин нега Қосимжоннинг сўзини қайтара олмади? Яхши кўринмоқчимиди унга?

Назира бир хўрсиниб қўйди. Йўқ, яхши кўринаман деса, билмаган нарсасини айтармиди? Ишқилиб, нима бўлса ҳам лапар Қосимжонга ёқди. Қизларга қўшилиб чапак чалди. Кейин... Кейин... меҳмонхонагача кузатиб қўйди. Хайрлаша туриб, қўлини маҳкам сиқди. Энди-чи? Энди бундай қилмайди... Кечқурунлари қолмайди. Қолса ҳам, энди барибир Назирага бунинг аҳамияти йўқ. У уйланыпти. Боя тўйга айтиб кетди. «Ўзингиз бош бўлинг», деди. Бош бўлинг, эмиш. Нимага? Ўзининг эшсиз севгисигами? Йўқ, у кетади, ҳа, кетади.

Назира деразани беркитди, сиқилиб кетди шекилли, яна очди. Чуқур бир уҳ тортди, бошини кичкина қўллари устига қўйди.

Шу пайт кимдир дераза олдидан ўтиб кетди. Кетидан яна кимнингдир шарпаси эшитилди. Кўп ўтмай, меҳмонхона қаршисидаги клуб одамлар билан тўлди. Кимдир дутор чала бошлади. Бу Шерали бўлса керак, Назира дарров англади. Шерали дутордан ҳеч ажралмайди. Ишга ҳам олиб боради. Бўш қолди дегунча, тинғиллатгани-тинғиллатган. Ана, кимдир ашула айтиб юборди. Ким бўлди экан? Бирам яхши айтяптики... Назира беихтиёр қулоқ солди.

*Қуралай кўз йигитга*

*Ишқим тушиди.*

*Туш кўрибман, тушимда*

*Мени қучди,*

*Мени қучма, топганинг*

*Мен эмасман.*

*Ваъдаси йўқ йигитни*

*Ёр демасман.*

«Ваъдаси йўқ йигитни ёр демасман»... Ваъда... Ваъда берганмиди? Шунчаки, келинг, бирга ишлаймиз, деган эди, холос. Биргина шу гапи билан келавердимми?



Назира олдида турган Қосимжоннинг суратига тикилди ва беихтиёр хаёл суриб кетди.

Қосимжон институтни битираётганида, Назира тўртинчи курсда эди. Иккови бир-бирини яхши билса ҳам, алоқалари салом-алиқдан, ўқиш ҳақидаги гаплардан нари ўтмасди. Нима бўлди-ю, янги йилни бир жойда кутадиган бўлиб қолишди. Ўшанда қора костюмини яхшилаб дазмоллаб, биринчи марта галстук таққан, қўнғир сочларини чап томонга текис қилиб тараган Қосимжон Назирага жуда бошқача бўлиб кўринди. Қўл бериб кўришганда эса, юраги жиз этиб кетди. Ўтириш авжи қизиган пайти, Қосимжон ҳазил аралаш:

— Уйлансам, Назирадақа қизга уйланман, — деб юборди.

Йигитлар «дидинг дуруст», дегандай Назирага қараб қўйишди. Назира сесканиб кетди. Лекин ҳазил аралаш айтилган шу сўз икковини бир-бирига жуда яқин қилиб қўйди. Қосимжон қишлоғига кетадиган куни:

— Битириб, Ширинсойга боринг, бирга ишлаймиз, — деди.

Назира қанот пайдо қилиб, орқасидан учғудай бўлди. Ҳа, ўшанда у ўз хаётини Қосимжонсиз тасаввур қила олмади. Шунинг учун ҳам институтни битириши билан Ширинсойга йўл олди. Колхоз раиси меҳмондўст одам экан. Назира келиши билан уйига олиб кетди. Алоҳида уй беришгунча шу ерда туришни таклиф қилди. Чой ичиб ўтиришган эди, бир қиз келиб қолди.

— Танишиб қўй, Гулчеҳра, — деди Нурмат ака Назирани кўрсатиб, — бу киши янги зоотехнигимиз.

Қиз мулойим жилмайиб қўйди.

— Жуда яхши. Салом, — деди қўлини узатиб.

Икки қиз чой ичилиб бўлгунча апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Раиснинг эътирозига қарамай, Гулчеҳра янги дугонасини уйига олиб кетмоқчи бўлди.

— Нурмат ака, хўп дея қолинг. Иккаламиз гаплашиб ётамиз. Хўпми?

Назира уялинқираб ерга қаради.

— Мана кўрдингизми? — Гулчеҳра яна раисга ёпишди. — Бир марта хўп десангиз нима қилади? Қосимжон акам билан қирга юборинг, деб қанча ялиндим, юбормадингиз. Энди бунга ҳам йўқ дейсизми?

Назира Қосимжоннинг исмини эшитиши билан ялт этиб унга қаради-ю, қизариб кетди. Буни ўзи ҳам сезди шекилли, юзини дастрўмоли билан секин яширди.

— Хўп, хўп. Бунча қақилламасанг? — деди ниҳоят раис кулги аралаш. — Сенга йўқ деб бўлармиди? Меҳмон рози бўлса, олиб кета қол. Сиз нима дейсиз, Назира?

— Майли, — деб розилик берди Назира. У Гулчеҳрадан Қосимжоннинг қачон келишини тезроқ билишга ошикарди.

— Бўлмаса, буларни эртага ўзинг фермага олиб борарсан.

— Хўп бўлади. Қани, кетдик, — Гулчеҳра Назирани қўлидан ушлаб ҳовлига олиб тушди. Шу маҳал қаердадир ит ҳуриди, товуқ қақиллади.

— Тавба, — деди Назира, — далада кун жуда тез кеч бўларкан-а?

— Ёқмадимми? — самимийлик билан сўради Гулчеҳра.

— Йўқ, нега? Яқиндагина машинадан тушганимда кун тепамда эди. Бирпасда кеч бўлди-қўйди. Шунга айтяпман.

— Тўғри, ўрганмаган кишига шунақа кўринади. Қосимжон ака ҳам янги келганларида шунақа бўлувдилар.

Назиранинг юзига яна қизиллик югурди. Лекин бу гал ортиқ чидай олмади. Шериги қиз бўлгани учунми, ё ҳозир ўзини раиснинг уйидагидан дадилроқ сездимми, сўради:

— Айтгандай, Қосимжон акангиз қирдан қачон келади?

— Эртага. Ана, уйга ҳам келдик.

Назира сўнгги гапни эшитмади. Эртага... Майли, эртага бўлса эртага! Кўпи кетиб, ози қолди. Қандай бўлиб кетган экан? Қандай кўришар экан? Ҳали ҳам аввалгидек камгап, мулойим,

уятчанмикан?.. Ё... У шундай хаёллар билан Гулчехранинг меҳмондўстлигига ҳам унча эътибор бермади. Икки чимдим ош еди-ю, бир хўплам чой ичди. Кейин Гулчехра солиб берган ўринга ёнбошлади.

«Мана, Қосимжон ака, — ўйлади Назира, — қишло-ғингиздаман. Севинчим ичимга сиғмаяпти. Сиз-чи? Сиз хурсанд бўлармикинсиз?»

У кўзларини ширингина сузиб, юмшоқ пар ёстикка юзини кўйди.

Бегона жойда олдинга хилма-хил овқат қўйишса ҳам, егандай бўлмайсан, кечаси қандай ухлаганингни билмайсан. Шунинг учун бўлса керак, Назира дугонасидан олдин ғира-ширада уйғонди. Тиззаларини кўрпанинг устидан кучоқлаб, биринчи меҳнат кунининг қандай бўлишини, Қосимжон билан қандай учрашишни ўйлаб кетди. У ишдан кўрқмасди. Албатта, шундай катта колхозда зоотехник бўлиб ишлаш анча масъулиятли нарса, лекин бу уни чўчитмасди. Бироқ юрагига ғулғула солган нарса ҳам йўқ эмас... Қосимжон уни қандай қарши оларкин? Орзулари рўёбга чиқармикан?

Тонг ёришганда икки қиз фермага кириб келишди. Бу ерда аллақачон иш бошланган эди. Биров хашак ташиган, биров сигир суғорган. Катта ферма ҳовлисининг ўртасида иккита сут ташийдиган машина турибди. Ёнида қатор-қатор бидонлар... Назира алан-жалам, ҳамма нарсага суқ билан қарайди.

— Назира! — кимдир тўсатдан чақириб қолди.

Назира бу овозни таниди, таниди-ю, юраги шув этиб кетди, турган жойида қотиб қолди.

— Салом. Кечирасиз, кеча қирда эдим, кутиб ололмадим.

Назира орзиқиб кутган кишиси олдига қанот пайдо қилиб учиб келган, юрагига яқин одами пайдо бўлиб қолганини, аввал унинг, кейин кулиб турган Гулчехранинг кўлини сикқанини билмай қолди. Қосимжон уларни хонасига бошлаб кириб, диванга ўтказганидагина Назира ўзига келди, бироқ ҳали ҳам бошини кўтара олмай, ер остидан Қосимжонга қаради.

— Тинч юрибсизми?

— Раҳмат. Э, бу ерда тинч юриб бўладими? Бир кун ҳам бошингиз ғалвадан чиқмайди. Иш-иш-иш.

— Кўйинг, — гапга аралашди Гулчехра. — Бу кишини ҳалитдан чўчитманг.

— Назира кўрқадиганлардан эмас. Иннайкейин, шу ерда ишлайдиган бўлсалар, ғалва, ташвишларимизга шерик бўлсинлар-да!

Учовлари кулиб юборишди. Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Қосимжон трубкани олди.

— Лаббай. Салом, Нурмат ака. Ҳа, шу ерда ўтирибдилар. — Қосимжон Назирга қараб жилмайиб кўйди, — ҳа, энди кўникиб кетарлар. Хўп, ҳозир.

Қосимжон трубкани кўйди.

— Раис сизга, салом, дедилар.

— Раҳмат.

— Мен ҳозир идорага бориб келаман, кейин бафуржа гаплашамиз. Унгача Гулчехра билан фермани айланинглар. Янги аппаратларни кўринглар.

Қосимжон қандайдир папкани олиб чиқиб кетди. Назира енгил нафас олди. Унга Қосимжоннинг шу топда кетгани ёқди. Ферманинг ишлари билан яхшилаб танишиб олади, бўлмаса, қулоғига гап кирармиди? Лекин шу куни Қосимжондан дарак бўлмади. Гулчехра билан фермани айланар экан, эшик томонга қараб-қараб олади. Қани энди келса! Узоқдан бир кўриниб кетса ҳам майли эди. Назирага ҳозир шу ҳам кифоя қиларди.

«Иши кўп, — деди ўзича, янги туғилган бузоқларни кўришаётганда, — бечора, тиниб-тинчимайдиганга ўхшайди».

— Буларда ҳеч тиним йўқ, — қизишиб гапирди Гулчехра. — Сигирлардан ҳам кўра буларга кўп қараймиз. Шундай қилмасангиз ҳам бўлмайди. Ҳаммаси зотли! Фермани шулар ҳисобига кенгайтирамиз. Қосимжон акам ҳам ҳар куни икки маҳал шу ерга кириб кетмасалар, кўнгиллари

жойига тушмайди. Раисни айтмайсизми? У киши ҳам шундай. Колхознинг бўлинмас фонди эмиш булар.

Назира беихтиёр жилмайди. Шундай ёнгинасида кулоқларини диккайтириб, оппоқ тилини чўзиб турган ола бузоқнинг бошидан силади.

«Иши кўп. Битта «бўлинмас фонд»нинг ўзи қанча иш. Майли, қўлимдан келганича ёрдам бераман. Лекин нега келмаяпти? Кеч кирди. Бугун ҳам дараги йўк...»

Кейин-чи? Кейин нима бўлди? Қосимжонни кунда кўрадиган бўлди. Ҳатто, кечалари фермада қолиб ҳам кетишди. Назира ўз ҳаётининг энг қувончли даври ҳисобланган ана шу тўрт-беш ой ичида Қосимжоннинг ҳақиқий кўмакчисига айланди. Сигирларнинг рацион икки марта кўпайтирилди. Электрчўпон, электропоилкалар ҳар бир бўлимга қурилди. Назира колхозда ҳаммага яқин ва жонкуяр бўлиб қолди. Колхоз умумий мажлисларининг бирида раис ҳамманинг олдида унинг пешонасидан ўпди.

— Агар ўғлим бўлганида, ўзим келин қилардим, — деди ҳазил аралаш.

Залда кулги кўтарилди. Назира ер остидан ёнида ўтирган Қосимжонга қараб қўйди. Қосимжон самимийлик билан жилмайди.

Мажлисдан сўнг клубда одатдагидек ўйин-кулги бошланиб кетди. Гулчеҳра кўшиқ айтди. Яхшигина овози бор экан. Ферманинг шофёри Шерали дуторда унга жўр бўлди. Биринчи пок севги ҳақидаги юракдан айтилган бу кўшиқ Назирани тўлқинлантириб юборди. Кўшиқ тугаши билан эшикка чиқди.

Тун. Ширинсойнинг оромбахш туни. Кўкда сон-саноксиз юлдузлар... Қайси бири сўниб, қайси бири ёнаётганини сезмайсан киши. Шулардан бири Назираники. Ҳов, ана... Ҳаммасидан ёруғ, ҳаммасидан катта. Бироқ нега ёлғиз?

Эндигина баргак ёзган толзордан майин шамол эсди. Назира ўша томонга юрди... Бир маҳал олдинда кимнингдир шарпаси кўринди. Унинг ёнида яна биров борга ўхшайди? Ким экан булар? Назира юришини ҳам, орқага қайтишини ҳам билмай, тўхтаб қолди.

— Энди қўйиб юбормайман, — дерди эркак овози, — Гулчеҳра ростини айтинг, қачонгача қийнайсиз?

Назира бўшашиб, оёқлари мадорсиз чалишиб кетди. Бу Қосимжон эди.

«Қосимжон... Энди нима қилдим? Ишқилиб, ўзимни сездирмай... кетиш керак, билдирмай кетиш керак».

Назира зўрға уйга етиб келди. У ечинмасдан ўзини совуқ каравотга ташлади-да, йиғлаб юборди.

Эртасига эрталаб Қосимжон келди. У худди ёш боладек севинчини ичига сиғдира олмай, тўй ҳақида гапирди. Ўзингиз бош бўлинг, деди Назирага. Назира юрак йиғисини бўғиб, жилмайди...

— Рост, сиз ҳамма нарсанинг уддасидан чиқасиз. Бормасангиз, хафа бўламиз. Келишдик-а?

«Наҳотки, сезмаган бўлса? Наҳотки, севишимни билма-са? — ўйларди Назира, унинг гапларига кулок соларкан.

Билса шундай дермиди? Айб ўзимда. Нега билдирмадим? Нега айтмадим? Ҳозир айтайми?»

— Қосимжон ака?

— Нима, борасизми? Назира орир хўрсинди.

— Ҳа, бораман... Қосимжон чиқиб кетди.

— Кетиш керак, — деди ўзига келиб Назира. — Тезроқ кетиш керак.

Бу сўз унда куч пайдо қилди. Ўрнидан туриб бор нарсасини тахлади.

«Кетиш керак, тезроқ кетиш керак!»

Бирпасда кийиниб, чамадонини кўтарди-да, кўчага чиқди. Шу маҳал клубда чироқ ёнди. Яна Шерали дуторини черта бошлади. Нега мунгли, боягидек қувноқ эмас? Ҳа, бу куйни Шералининг ўзи яхши кўради. Ёлғиз қолса, нукул шуни чалади. Қизик, наҳотки у ҳам Назирага ўхшаса?..

Назира катта йўлга чиққунча ҳеч кимни учратмади. У енгил нафас олди. Марказга ҳали йироқ. Лекин ҳечқиси йўқ. Шу ердан кетиб олса, бўлди. Назира атрофга меҳр билан боқди. Қанчалик таниш жойлар!.. Ярим йил ичида бу ерлар худди туғилган қишлоқдек унга жуда азиз ва яқин бўлиб қолган эди. Нурмат ака-чи? Шерали-чи? Қизлар-чи? Уларни ташлаб кетаверадими? Лекин кетиши керак.

Унинг ўпкаси тўлди. Кўзларига яна ёш келди. Ўзини қанчалик босмасин, қуйилиб келаётган бу ёшни тўхтата олмади. Шу алфозда қанча юрди, билмайди, қаршисидан келаётган машинанинг чироғи кўзларини қамаштириб юборди. Машина унинг ёнига келиб таққа тўхтади.

— Шу маҳалда қаёққа? — Назира ҳовлиқиб машинадан тушаётган кишининг Нурмат ака эканини билди. Билди-ю, нима дейишини билмай қолди.

— Қаёққа кетаяпсан, ҳой, менга қара? — сўради яна раис ва ҳеч нарсани билмагандай рўмолчасини узатди. — Ма, юзингни артиб ол. Қаёққа кетяпсан?

— Шаҳарга... — бўшашиб жавоб берди Назира ёшларини артаркан.

— Шундай дегин? Қани, машинага чиқ-чи!

Нурмат ака бир зумда чамадонини машинага солди ва Назирани ёнига ўтказди-да, кишлоқ томон ҳайдаб кетди.

— Қаёққа олиб кетяпсиз, тўхтатинг! — Назира жонҳолатда раиснинг қўлига ёпишди.

— Қаёққа бўларди! — жилмайиб жавоб берди раис. — Ширинсойга! Сен бизни ташлаб кетармидинг?

Назира жавоб бермади. Нурмат ака ҳам анчагача жим борди.

— Нега хафалигингни билмайман, лекин ғам ёмон нарса, — деди ниҳоят раис. — Уни енгмасанг, ҳаётинг бузила-ди, орзуларинг пучга чиқади. Уни енгиш керак!

«Уни енгиш керак, — такрорлади раиснинг сўзини ичида Назира ва шу топда қаттиқ чарчаганини сизди, — енгиш керак. Қандай қилиб?»

Ўзига-ўзи берган бу саволи жавобсиз қолди. Мудроқ босган кўзлари юмилиб, бошини секингина Нурмат аканинг елкасига қўйди. «Барибир кетаман. Лекин шундай елкага бош қўйиб ухлаш қандай яхши!..» У бундан бир неча йил муқаддам отаси фронтга кетадиган куни ана шундай ором олган эди. Лабидан табассум аримайдиган Нурмат ака, ҳозир унинг учун ўз отасидек азиз ва меҳрибон бўлиб кетди.

«Шуларни ташлаб кетаманми? — хаёлидан ўтказди Назира. — Ўз қизидек бағрига олишди. Ёлғизлигимни билдиришмади. Наҳотки бахт фақат севгида бўлса? Бу одамлар билан яшашнинг ўзи бахт эмасми?!»

Машина колхоз идорасига яқинлашганда, клубдан яна кувноқ куй янграй бошлади. Назира анча енгил тортди. Бошини кўтариб, қулоқ сола бошлади. Бунча дилбар чалаётган ким экан? Шералимасми?

1959

## ЮЛДУЗЛАР

Тунда машина ҳайдашнинг ўзига хос гашти бўлади. Ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит. Олисларда чироқлар милтиллаб кўринарди. Йўл юқорилаб борган сари кўкда гоҳ ёниб, гоҳ сўниб турган сон-саноксиз юлдузлардан фарқ қилиб бўлмайти уларни. Юлдузлар... Юлдузлар... Юлдузлар порлаб турган тунда йўлнинг сира тугамаса, қанча олислар юрсанг, шунча яхши. Чарчоқ сезмайсан, роҳат билан нафас оласан, руҳинг енгил тортади, нималарнидир хиргойи қиласан.

Кун бўйи шағал ташиган Назирполвон қурилиш омборидан ҳаммадан кейин чиқди. Самосвалини муюлишдаги сув крани тагига тутиб, кўйлагини ечди, бошини тариллаб оқаётган сув тагига тутиб, шалоплатиб ювинди. Кейин, қониб сув ичиб, кўйлаги билан артинди. Яқиндагина ўстирган ингичка, майин мўйловини силаб қўйди.

Кўп ўтмай, машина гувиллаб катта йўлга чиқди-да, шаҳар томон елиб кетди.

Назирполвоннинг кайфи чоғ эди. Бугун ҳар кунгидан кўп ишлаган бўлса ҳам, чарчаганини сира сезмасди. Папирос тутатар экан, икки томондан лип-лип ўтиб турган кўм-кўк дарахтларга, кўкда кўзни камаштирадиган даражада жимирлаётган оқ сариқ юлдузларга суқ билан қараб кўярди. Бир маҳал нимадир эсига тушиб қолди, шоша-пиша кабина қутисини очди. Унда учи зар қоғоз билан ўралган беш юлдузли коньяк тебраниб ётарди. Назирполвон жилмайиб қўйди, ой шуъласида текис, оппоқ тишлари худди коньякнинг зар қоғозидек ялтираб кетди. У кўлига шишани олиб, у ёқ-бу ёғини кўрди-да, яна жойига қўйди.

Бугун сўнгги бир йил ичида иккинчи марта кўлига ичимлик олиши. Биринчи марта қамоқдан чиққан куни олди. Унда ҳам ўзи эмас, дўсти Семён ичирган эди. «Кел, ошна, — деган эди у ўшанда. — Бизнига юр. Бир ўтиришайлик. Бугун ғам-ғуссаларингни кўнгилдан чиқариб ташлайсан». Назирполвон йўқ демади.

Ўша куни дўстининг уйида қолди. Мана ҳозир ҳам шу уйга кетяпти. Бугун Семённинг туғилган куни. Кеч бўлса ҳам, бориб табрикламаса, кўнгли жойига тушмайди. Семён унга не-не яхшилиқлар қилмади!

Машина юришини секинлатди. Назирполвон хаёл билан бўлиб, Қўрғонтепадан ўтиб бораётганини энди пайқади. Педални босиб, газ берди. Ўчиб қолган папиросини ёндирмоқчи бўлган эди, олдинда икки кишининг қўл кўтариб турганини кўриб қолди. Тормозни босди.

— Ҳа, нима гап? — Назирполвон машинадан бошини чиқарди.

— Ака, илтимос, — ўрта бўйли йигит машинага яқинлашди. — Шу кишининг ҳожатини чиқариб юборинг. Кўк-орол қурилиш трестига кетаётувдик, баллон ёрилиб қолди. Запас баллон олиб юрардим, бу гал жин уриб, эсимдан чиқибди.

Шу пайт йигитнинг олдида кичкина чамадон кўтарган бир аёл пайдо бўлди. Назирполвон унга энсаси қотиб қаради-да, йигитдан сўради:

— Шу кишими?

— Ҳа, илтимос, элтиб ташланг.

— Эртага ойлик тарқатмасам отпускичилардан балога қоламан, — гапга аралашди аёл.

Назирполвон ўйланиб қолди. Йигитнинг ялиниб-ёлвориши, аёлнинг ёқимтой кўнғироқ овози шунга мажбур қилган эди. «Икки соатда бориб келаман, — хаёлидан ўтказди у. — Барибир Сёмка мени кутмайди-ку!»

— Майли, ўтиринг!

— Яшанг-э, ака. Ҳури опа, бу ёққа ўтинг.

Йигит бирпасда аёлни кабинага ўтказиб, чамадонини олдига қўйди-да, ёнига ўзи ҳам жойлашди.

— Ҳа, сиз қаёққа? — сўради аёл ундан.

— Сизни қўйиб келаман.

— Кўйинг, ўзим кетавераман.

Йигит нима дейишини билмай қолди, Назирполвонга ғалати қараб қўйди-да:

— Ахир, ёлғиз ўзингиз... қандоғ бўларкин? — деди иккиланиб.

— Ҳечқиси йўқ, биринчи марта эмас-ку. Яхши қолинг!

Назирполвон машинани орқага бурди, йигит ҳамон жойидан жилмас, чамадоннинг бандини маҳкам ушлаганча жим ўтирарди. Бу Назирполвонни ғижинтирди.

— Ишонмасангиз юринг, айланиб келасиз! — деди у захархандалик билан.

— Йўқ, ишонишга-ку ишонаман-а, лекин... — йигит аёлга ўтирилди. — Ҳай, майли, ўзингиз бораверинг. Эрталаб баллон юборишсин, эсингиздан чиқиб қолмасин.

Аёл бошини қимирлатди. Йигит машинадан тушиши билан Назирполвон газ берди.

Яна ўша маълум ва таниш йўл... Ҳамма ёқ жим-жит. Моторнинг бир оҳангда гуриллашидан бошқа ҳеч нарса кулоққа чалинмайди. Олдинда сон-саноксиз юлдузлар... Назирполвон боя сахарга қайтаётганида, битта анжирдек юлдузни кўз остига олиб қўйган эди. Ўша юлдуз мана ҳозир ҳам шундай тўғрисида турибди, на нарига ўтади, на берига. Худди соқчидек у билан баробар боради. Қани энди шундай ҳаёт юлдузинг бўлса! Оғирингни енгил қилса, ўнқир-чўнқир кўчаларга тушиб қолиб адашиб юрганингда, сени қўлингдан ушлаб, қатта кўчага олиб чиқса, йўлингни равшан қилиб турса!

Назирполвон папирос тутатиб, чуқур ух тортди. Кейин аёлга кўзқирини ташлади, секин бошини ҳам шу томонга бурди.

— Кассирмисиз?

— Ҳа, трестда ишлайман. Нима эди? — аёл Назирполвонга қаради.

— Ўзим шундай.

— Отпусага чиқадиганлар бор эди, банкда ушланиб қолдим. Йўлда баллон ёрилди.

Назирполвонни нимадир силтаб юборгандай бўлди. Кўзлари ўздан-ўзи чамадонга қадалди.

— Кўпчиликми отпусачилар? — сўради у бўғиқ овоз билан.

— Ўн киши.

— Ўн киши?!

Назирполвон шундай савол берди-ю, ўз овозидан ўзи кўрқиб кетди. У бу овозни таниди, танигани учун ҳам кўрқиб кетди. Бу Назирполвоннинг эмас, бундан икки йил бурунги Назир олифтанинг овози эди. Унинг бутун бадани жунжикиб кетди. Пешонасида совуқ тер ялтиради. Ўзидаги яшин тезлигида юз берган ўзгаришни яшириш учунми, секин ёнига қаради-да, енги билан пешонасини артди.

Аёл эшикнинг бандига тирсагини тираб, парвозсизтина ўтирарди. Кўзлари йўлда, ёкут юлдузларда. Чарчаганми, ё уйқуси келяптими, баъзи-баъзида суянчиққа суяниб, чуқур нафас олиб қўяди.

Назирполвон енгил тортди. Сезмапти. Яхши бўлди сезмагани. Уни шайтон васвасага солаётгани маълум эди. Шунча-я? Чамадон тўла бўлса керак. Нима қилса экан? Яхшиси, машинани тўхтатиб, тушириб юбориш керак. Нега? Беихтиёр келиб қолган бу савол Назирполвоннинг тишларини ғижирлатиб юборди. Тўғри-да, нега тушириб юборади? Омад ҳар доим келавермайди-ку!

Назирполвон атрофга олазарақ бўлиб қараб чиқди. Милт-милт қилиб турган юлдузлардан бошқа ҳеч нарса кўзга чалинмайди. Ҳозир темир йўлни кесиб ўтилади. Ўндан сал нарироқда йўл қалин тутзорнинг ичига кириб кетади. Кўк-оролга эса, эҳ-ҳе, ҳали қанча бор. Ўша ёққа кўп қатнаган. Ҳар бир уй, дарахт унга маълум. Трест дарвозасининг олдидаги пивоҳонада шериклари билан роса пивоҳўрлик қилган. Трестдагиларнинг кўпини билади. Қамоқдан янги чиққанида Семён уни машинасида олиб борган эди. Тўртта-бешта шофёр йигитлар билан ярим кечагача чақчақлашиб ўтиришган. Шаҳарга қайтаётганида биттаси, эрмак қилиб туринг, деб қанчаям пул узатган эди.

Ана, темир йўлдан ҳам ўтилди. Тутзор бошланди. Қоп-қоронғи. Назирполвон беихтиёр

машинани тўхтатди. Ўчиб қолган папиросини тутатиб, устма-уст тортди. Шунча пул-а! Ҳазил гапми? Қурувчилар яхши топади. Назирполвон эшикни оҳиста очиб, пастга тушди. Қаёқданир қўлида катта ключ пайдо бўлиб қолди. Уни маҳкам сикди-да, аёлга қаради. У ширин уйқуда эди. Полвон бир оз ўйланиб туриб, зарб билан зинага оёғини қўйди, ключни кабинанинг пастки томонига улоқтирди. Нимадир тарақлаб кетди.

— А? Тинчликми? — аёл чўчиб уйғонди.

Назирполвон жавоб бермади.

— Нима, сизникиям бузилиб қолдимми? — сўради аёл кўзларини ишқалаб.

— Ҳм... — деди полвон ва истехзо билан жилмайди, буни аёл сезмади.

— Кўзим илинибди, — деди у енгил эснаб. — Йўлда ҳеч ухлайдиган одатим йўқ эди. Анча тураимизми?

Назирполвон аёлнинг гапига эътибор бермай, педални харсанг тош итаргандай, куч билан босди. Машина бундан бир дақиқа олдин ҳукмрон бўлиб турган хавфли сукунатни бузиб, юриб кетди.

Анчагача иккови ҳам жим борди. Аёл орқага бошини ташлаб, нималарнидир ўйлаб борар, гоҳ-гоҳида жилмайиб кўярди. Назирполвон ҳам ўз ўйи билан банд. Аммо бу ўйлар боя шахарга қайтаётганидаги ўйлар сингари қувноқ эмас, кўз остига олиб қўйган юлдузи ҳамон унинг олдида кетаётган бўлса ҳам, боягидек унга ҳузур бағишламайди. Назирполвон унга қараб ижирғаниб қўйди, гўё кимдир бахайбат қўли билан шу юлдузни осмондан узиб олиб, ёруғида унинг юрагини тимирскиляпти.

— Менга қаранг, — деди тўсатдан Назирполвон аёлга, — мендан кўркмайсизми?

— Нега кўркай? — ҳайрон бўлди аёл, кейин кулиб юборди. — Нима, сиз қароқчимидингиз?

Назирполвон қулоқларигага қизариб кетганини сезди.

— Нега сўраяпсиз?

— Йўл олис... Аёл киши...

— Аёл киши ҳам одам-ку! Одам одамга ишониши керак! Назирполвон ялт этиб унга қаради. Одам одамга ишонади... У бу гапни иккинчи одамдан эшитиши. Биринчи гапирган одам қамоқхона бошлиғининг ёрдамчиси, милиция капитани Қодиров эди. Назирполвоннинг эсига тўладан келган, новча бу одам келди-ю, сўнгги йиллардаги бутун қилмишлари, тортган азоблари, ёлғизгина онасининг фарёди, бир хиллари тишининг оқини кўрсатиб тиржайган, бир хиллари эса, жирканч, ачиниш билан уни кузатиб қолган таниш-билишлари, ёр-биродарлари, худди ҳозир лип-лип ўтиб турган дарахтлардек, кўз олдида пайдо бўла бошлади.

Назирполвон мактабни битирган йили отаси вафот этди. Қийинчилик кўрмай ўсган йигит бу оғир мусибатдан таҳликага тушиб қолди. Ўйдаги йиғи-сиғидан, онасининг юракларни эзиб юборадиган нидоларидан узоқда, кечгача кўчама-кўча сандироклаб юрадиган бўлиб қолди. Шу кезлари таниш-танишмас сирдош оғайнилари уни қўлтиқларига олишди, ўзларича юпатишди, ўйнатишди. Бир куни қаёққадир бориб, шулар билан узоқ қолиб кетди. Ичишди, кулишди. Алламаҳал кўзи соатга тушиб чўчиб кетди. Кетаманга тушиб қолди. Йўқ, дейишди. Уни раҳматли отаси бекорга полвон деб атамас эди, ҳақиқатан ҳам полвон эди. Йигит ёнида турган шерикларидан биттасини қулочкашлаб туширди. Тўполон бўлиб кетди. Назирполвон анчадан сўнг ҳушига келиб қараса, қоронғи бир хонада қўл-оёғи боғлиқ ётибди. Шу кундан бошлаб у, қўлтиқларига олган оғайнилари билан чинакам сирдош бўлиб қолди. Нималар қилмади улар билан бирга!

Маҳаллада Назир олифта деган ном чиқарди. Қоп-қора сочини жингалак-жингалак қилиб тараган, ингичка, илон изи нусха галстук тақиб, кифти кенг костюм кийган ўрта бўйли йигитга илгарилари хавас билан қараган одамлар энди уни кўришса, четлаб ўтадиган бўлиб қолишди. Маҳалланинг кексаси Холпаранг отанинг сандиққа солиб қўйган пули йўқолди. Яна аллакимнинг икки кийимлик кимхоби, тилла асбоблари Назир олифта кириб, ҳол-аҳвол сўраб

чиққан куни ғойиб бўлди. Гувоҳлик бериш қийин бўлса ҳам, бу ишларни ҳамма полвондан кўрди. Буни пайқаган Назирполвон бундай ишларни четроқ жойларда қиладиган бўлди. Ўқиш ҳам эсдан чиқди, онаси ҳам. Тўғри, узок юриб келиб, унга қимматбаҳо совғалар бериб туради. Бироқ, ўртада гап йўқ, онанинг сўроқлари жавобсиз қолади. Қанча вақт ўтди шундан кейин, Назирполвон яхши билмайди, тугун ечилди. Ярим кечада уни олиб кетишди. Она бечора уйни бошига кўтариб юборди. Кўни-кўшни йиғилди. Ҳамманинг юзида изтироб, биров бир оғиз гапирмайди. Сўкишса ҳам, ўласи қилиб уришса ҳам майли эди ўшанда. Назирполвон ўзи елкасини тутиб берарди, аммо бу жимжитлик, совуқ кўзлар... Назирполвон чидай олмади, кўзларидан тиркираб ёш чиқиб кетди. Қалби изтиробга тўлди.

Судда у қўлга тушган шерикларининг қанақаликларини жуда яхши билиб олди, билиб олди-ю, ўқинди. Бошқа нима ҳам қила олар эди? Уларнинг ҳаммаси пиво дўконини босишда Назирполвонни айблашди. Бироқ, суд уларга ҳам тегишли жазо берди. Назир олифта эса уч йилга кесилди.

Эрининг вафотидан кейин мадордан қолган она учун бу — ўлганнинг устига кўмган бўлди. Икки оғир дардни кўтаролмай, йил ўтмасдан қазо қилди.

Назирполвон бу хабарни ярим кечаси камера дарчасидан кўкда чараклаб турган юлдузларга қараб ётганида эшитди. Капитан Қодировнинг ўзи кириб айтди. Назирполвон ётган жойидан туролой қолди. Нимадир бўғзига келиб тиқилди. Кейин худди гўдак боладек хўнграб юборди. Эртасига капитан уни чақиртирди.

— Сенга энди жавоб, — деди уни ёнига ўтқазиб. — Қилган аҳмоқликларингга тегишли жазо олдинг. Отанг, онанг хотираси хурмати, тўғри юр!

Назирполвон гапиролмади. Кўзларини пирпиратиб, Қодировга анча вақт қараб турди-да, оёғига ўзини ташлади.

Ўша куни Назирполвон онасининг қабри ёнида кунни кеч қилди. Минг хил фикр миясини чулғаб олган эди. Уйга борсинми? Қариндош-уруғ, кўни-кўшни қандай кутиб олар экан? Ё бошқа ёққа бош олиб кетсинми? Нима деган одам бўлади кетса?

Назирполвон ўрнидан турди-да, чигирткалар чириллаб, зим-зиё кечага сеҳрли тус бериб турган қоронғи қабристондан чиқди. Битта-битта қадам ташлаб борар экан, уйига келиб қолганини сезмади. Эшик тирқишидан ичкарига қаради. Ҳовлида беш-олти киши ғивирлаб юрибди... Холпаранг ота самовар қўяётган болага ниманидир қизишиб гапиряпти. Назирполвон эшикни очди, ҳамма унга ўгирилди. Ҳовлига жимлик чўқди. Аввалига Назирполвон нима дейишини билмай турди. Ниҳоят, зўрға тили танглайига ёпишиб:

— Мени кечиринглар... гуноҳкорман... — деёлди, холос.

Одамлар худди шу гапни кутиб туришгандек, ҳаракатга тушиб қолишди.

— Ўтган ишга салавот, — деди унга кўлини узатиб Холпаранг ота. — Саломат келдингми, энди бу ёғига хушёр бўл.

Шу куни у ухлай олмади. Одамлар тарқалишгач, бир оз мизғиб олмоқчи бўлиб, ҳовлидаги сўрига чузилди-ю, аммо кўзини юма олмади. Юраги ҳаприқиб, ўрнидан туриб кетди. Кўчада бирга копток тепишиб ўсган ўртоғи Семённи учратиб қолди. Ишдан келаётган экан, кўярда-қўймай уйига олиб кетди. Кейинчалик ишга жойлаштириб қўйган ҳам шу бўлди...

Назирполвон чуқур хўрсиниб қўйди. Мана, Кўкоролга ҳам оз қолди. Яна чорак соатда етилади. Йўлда ҳамон жимжитлик ҳукмрон. Фақат бир марта Қўрғонтепада кетишаётганида битта «ГАЗ-69» «виз» этиб ўтиб кетди. Бошқа ҳеч нарса учрамади.

Назирполвон аёлни уйғотиб юбормаслик учун рулни чап кўли билан ушлаб борарди. Бечора, роса чарчаганга ўхшайди. «Йўлда ухлаш одатим йўқ эди» — деб тутзордан энди ўтилганда айтувди. Мана, бир соатча бўлди, кўз очмайди. Тутзор... Назирполвон сесканиб кетди. Нима қилмоқчи эди-я, боя? Агар ўшанда иш ўйлаганидай чиққанда, ҳозир қаерда бўларди? Қодиров, сенга ишонамиз, деган. Манави кассир хотин ҳам шундай деб уйқуни уряпти.



— Етиб қолдик, тулинг, опа! — деди Назирполвон баланд овоз билан. Шундай деди-ю, руҳи енгиллашганини сизди, юзида табассум ўйнай бошлади. — Юлдузларни қаранг, чарақлаб ётибди-я.

Аёл секин бошини кўтарди. Кичкина думалоқ мушталари билан кўзларини ишқалади.

— Ростдан ҳам келиб қолибмиз-ку! Ўзим ҳам роса ухлабман шекилли!

Назирполвон кулди. Аёл ҳам унга қўшилди. Узокдан трест базасининг дарвозаси кўринди.

— Қаерда тушасиз?

— Пулни базага ташлаб кетаман.

Назирполвон машинани шундай дарвоза олдида тўхтатди. Аёл ерга тушди.

— Раҳмат, — деди кўлини чўзиб. — Катта раҳмат. Сизни анча овора қилдим.

— Ҳечқиси йўқ, — Назирполвон уни дарвозагача кузатиб қўйди. — Дарров чиқасиз-а, пойлаб тураман. Уйингизга олиб бориб қўяй.

— Раҳмат, — деди аёл жилмайиб ва база рўпарасидаги тўрт каватли бинони кўрсатди. — Мана шу ерда тураман. Яхшиси, ўзингиз қолинг.

Назирполвон кулди.

— Раҳмат, мен бир ўртоғимникига бормоқчиман. Хайр.

— Хайр, раҳмат.

Аёл ичкарига кириб кетди. Назирполвон анчагача орқасидан қараб қолди. Унинг кайфи чоғ эди. Папирос олиб тутатди-да, осмонга қаради. Ғуж-ғуж юлдузлар. Унинг юлдузи ана шундай тепасида порлаб турибди. Назирполвон нимани-дир эслади, ўзича жилмайиб қўйди-да, кабинага чиқди.

Яна ўша таниш йўл. Анжирсурат юлдуз ҳамон тепасида чарақлайди. Юлдузлар... Юлдузлар... Юлдузлар порлаб турган тунда йўлинг сира тугамаса, қанча олис юрсанг, шунча яхши. Чарчамайсан, роҳат билан нафас оласан. Машинани ўз холига қўйиб, ўй ўйлайсан ё нималарнидир хиргойи қилиб кетасан. Назирполвон ҳам ниманидир куйлаб борарди.

1960

## ҲАЁТ ҚЎШИҒИ

Марказий хирургия клиникасининг бош врачлари Мирсидиқ Жалилов бир ҳафтадан бери Наманганда дам оларди. Шу ерлик ҳамкасби, уруш йиллари бир қисмда хизмат қилган кадрдон ошнаси: «отпускангни бир гал бизнинг шаҳарда ўтказ, Наманган ҳам курорт жойлардан қолишмайди», деб чақиртириб келган эди.

Мирсидиқ дўстининг таклифига рози бўлиб, яхши қилган экан, Абдуқодир уни қаёқларга олиб бормади, нималарни кўрсатмади! Кунини кеча беш-олти киши бўлиб, истироҳат боғидаги оролчада ошхўрлик қилишди. Ўйин-кулги, аския билан ўтириш ярим кечагача чузилиб кетди. Кимдир ашула қилди. Ширин овози бор экан, деди Мирсидиқ берилиб эшитди.

— Яхши айтар экан, — деди қайтишаётганида. — Эртага уйга чақириб, ўзимиз ўтиришсак!

Абдуқодир жавоб бермади.

— Ҳа, индамайсан? Сенга ёқмадими?

— Йўқ, ёқди, лекин, ашула эшитмоқчи бўлсанг, эртага сени Янгибозорга олиб бораман. Маъкулми?

— Ихтиёр сенда, — Мирсидиқ елкасини қисиб. — Қаёққа сургасанг, кетавераман.

Эртасига икки ошна Янгибозор қишлоғига қараб йўл олишди. Мирсидиқ бу қишлоқ қаерда ўзи, узоқми, яқинми — суриштирмади. Инжиқ, чўрткесар дўстининг одатини яхши биларди. Сўрагани билан барибир айтмайди, юраверсанг-чи, сени ёмон жойга бошламайман-ку, дейди, энсаси қотиб. Сўраб ҳам нима қилади. Отпусқада, барибир эмасми, қаёққа борса?

Янгибозорга кечга яқин кириб боришди. Қишлоқнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган асфальт кўча гавжум. Далада қовун-тарвуз ортиб келаётган арава, машиналар ғиз-ғиз ўтиб турибди. Одамлар қаёққадир шошилишади.

Абдуқодир катта кўк дарвоза олдида тўхтаганда, бир тўп ёш-яланг, қаҳ-қаҳ уриб ўтиб кетди.

— Келдик, — деди у ошнасига. — Ашуланинг сарасини шу ерда эшитасан.

Улар ичкарига киришди. Кенг ҳовлининг ўртасидаги баланд шийпон ёнида оқ яқтак кийган бир мўйсафид гул қирқиб юрарди.

— Ҳорманг, Дўсимбой ота! — деди Абдуқодир ўша томонга юриб. — Саломат бормисиз?

— Ие, ие, келинг, Абдуқодир ўғлим, — мўйсафид гулларни шийпонга қўйиб, меҳмонлар билан кўриша кетди. — Бу нима деган гап ўзи? Жуда жим бўлиб кетдингиз? Қани, марҳамат.

Меҳмонлар шийпонга кўтарилишди.

— Оббо, ўғлим-эй, жуда соғинтириб қўйдингиз-ку, а?

— Хизматчилик, қўл тегмайди, — деди Абдуқодир кулиб. — Мана, отпусқага чиқиб, бобойни бир зиёрат қилиб келайлик, деган эдик.

— Ҳа, баракалла, кам бўлманг, ўғлим.

— Хатамжон қанилар?

— Клубда. Қўшни райондан мусобақадошлар келган экан. Раис қўймай олиб кетди. Концерт беришар эмиш. Ўзи кечагина қирдан қайтувди.

— Ҳа, қирда нима бор экан?

— Шу касбни орттирди-ю, ишқибозлари кўпайиб қолди. Қирда ҳам концерт бериб келди.

Дўсимбой ота бошидаги янги марғилон дўпписини олиб, тиззасига уриб, чангни қоққан бўлди, кўкрагига тушиб турган мошкичири соқолини тутамлаб, оғир хўрсинди.

— Қаёққа борса ҳам майли, кўнглини тинчитиб юрса бўлгани.

— Ишқилиб, кайфияти тузукми? — сўради Абдуқодир.

— Шукур. Илгариги хафагарчилиги йўқ деса бўлади. Аммо ёлғиз қолса эзилади. Кечалари билан ухламай чиқади. Қўлига танбурни олиб, ашула қилгани-қилган. Кўнгиллари ўртаб юборади. Онаси шўрлик чўп бўлиб кетди. Ўртоқлари омон бўлсин, ёлғизлатишмайди. Клуб мудирлари қилиб қўйишди. Кун бўйи ўша ерда. Тўғарак тузиб, нималарнидир ўргатиб юрибди

ёшларга. Мен ҳозир...

Дўсимбой ота ўрnidан турди. Абдуқодирнинг эътирозига қарамай, дастурхон ёза бошлади. Нимагадир ичкари уйга кириб кетганида ҳеч нарсага тушунолмаётган Мирсидиқ сўради:

— Хатамжонга нима қилган?

Абдуқодир «тсс» деб бармоғини лабига қўйди.

— Кейин айтиб бераман. Бунинг тарихи узун. Бобойнинг олдида ҳеч нарса сўрама. Ярасига туз сепган бўласан. Хатамжон шу кишининг ёлғиз ўғли.

— Зерикиб қолмадиларингми? Кампир тушмагур қиём қилувди, чумолидан беркитиб қўйган экан, зўра топдим. Қани, нонга қаранглар.

Дўсимбой ота меҳмонларнинг рўпарасида чордана қуриб ўтирди. Шу пайт узокдан чирманданинг овози эшитилди.

— Бошланганга ўхшайди, — деди Дўсимбой ота Мирсидиққа чой узатар экан. — Олинг, ўғлим. Қиёмдан солинг.

— Биз ҳам клубга чиқсак, — деди Абдуқодир бир пиёладан чой ичилгач. — Анчадан бери Хатамжонни кўрганим йўқ. Бу ошнаимиз ҳам ўғлингизнинг ашуласини эшитмоқчи эди.

— Шундайми? — Дўсимбой ота меҳмонларга қараб чиқди. — Майли бўлмаса. Холангиз ҳам ўша ёқда. Бирга қайтинглар, қўлбола ош қилиб тураман.

Меҳмонлар кўзғалишди. Ота уларни эшиккача кузатиб чиқди.

— Кутаман-а, Абдуқодир? Хатамжон билан албатта бирга қайтинглар.

— Раҳмат, раҳмат.

Мирсидиқ муюлишга етганда, шеригига ўтирилди.

— Қани, энди гапир, Хатамжонга нима қилган, ким ўзи?

Абдуқодир ўйланиб қолди. Бароқ қошлари чимирилди.

Анчагача индамай борди-да, кейин деди:

— Хатамжон ҳам врач эди. Шу қишлоқнинг врачлари эди. Бундан етти-саккиз йил муқаддам фалокат юз бериб, икки оёғидан ажраган...

Мирсидиқ бир сапчиб тушди. Абдуқодирнинг ҳам томоғига бир нарса келиб тикилди шекилли, гапиролмади. Икки ўртоқ бошларини эгганларича жим боришар экан, колхоз клубига етиб келишганини пайқашмади. Эшикни очишлари билан гулдурос қарсақ садолари эшитилди. Кейин кимдир ашула бошлади. Клуб сув қўйгандек, жим бўлиб қолди.

— Хатамжон! — деди Абдуқодир шивирлаб. — Юр.

Ғилдиракли кичкина аравадада бир йигит ўтириб куйларди. Мирсидиқ аввал қандай ашула эканлигини аниқлай олмади. Саҳнага кўзи тушди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Уни шу топда кўшиқ эмас, йўқ, аравадада ўтирган яримта тана сеҳрлаб қўйган эди. Умрида йиғламаган одам, кўзларидан ёш чиқиб кетганини сезмай қолди. Шўртанг бир нарса лабига оқиб тушганда, ўзига келди. Ёшини артиб, ашулага кулоқ сола бошлади. Хатамжон «Ўн саккиз ёшимдадир»ни айтди. Ҳа, Абдуқодир айтганича бор экан. Бу йигит гўё ашула айтиш учун яратилгандай эди...

Бирдан қарсақ кўтарилди. Абдуқодир дўстини тирсагидан ушлаб, олдинга бошлади. Кимдир меҳмонларни кўриб, иккита стул олиб келиб қўйди. Ёшгина бир қиз кенг атлас кўйлагини ҳилпиратиб, саҳнанинг ўртасига келди-да, ниманидир эълон қилди. «Гур» этиб кўтарилган қарсақдан нималигини англаб бўлмади. Хатамжон араваданинг ғилдиракларини итариб, олдинроққа чиқди, залга қандайдир илиқ бир назар билан жилмайиб боқди-да, янги кўшиқ бошлади.

Залга жимлик чўқди. Хатамжоннинг ниҳоятда ширали, тиниқ овози кўшиқ сўзларини киши юрагига қуйиб, ҳаяжонга соларди:

*Куйла, созим, куйла, тинма,*

*Куйла, куй бу — шодлигим.*

*Боглару қирлар, адирлар*

*Сенга жўрдир шодлигим.*

Мирсидиқ кўшиқни тинглар экан, алланечук бўлиб кетди. Сўзлари танишдек туюлди. Қачон, кимдир эшитган экан бу кўшиқни? У диққат билан Хатамжонга қаради. Қирра бурни ёнидаги мошдек холга кўзи тушди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди. Нахотки... нахотки ўша, бундан олти-етти йил илгари ўзи операция қилган йигит шу бўлса?! Мирсидиқ зарб билан шеригини туртди.

— Менга қара, Хатамжон Тошкентда даволанганмиди?

— Ҳа, — деди Абдуқодир саҳнадан кўзини узмай. — Профессор Власов ҳам кўрган.

— Профессор Власов?

— Ҳа.

Мирсидиқ янглишмабди. Бу ўша, унинг ўзи операция қилган йигит. Хатам... Хатамжон Дўсимбоев... Ҳа, бу йигит унга таниш. Мирсидиқ ўйга толди. Унинг кўз олдида операция столи устида ётган йигирма уч-йигирма тўрт ёшлардаги нимжон йигит пайдо бўлди. Ўшанда москвалик машхур профессор Власов клиника ишлари билан танишаётган эди.

Кунларнинг бирида кечга яқин навбатчи врач янги касал қабул қилингани, аҳволи оғирлигини айтиб қолди. Биргалашиб касал ётган палатага киришди. Хатамжон иккала оёғини кимирилтолмай ётарди. Мирсидиқ очиб кўриб, кўрқиб кетди, аммо сездирмади.

— Нима бўлди? — сўради у ўзини босиб.

Хатамжон сўзлаб берди.

Бундан бир йил олдин қирда чўпонлардан бири оғир бетоб бўлиб қолибди. У бу хабарни эшитиб, ярим кечаси отда йўлга тушибди. Қишлоқдан чиққанида от нимадандир ҳурқиб, олиб қочибди. Хатамжон тўхтатаман деб жиловидан маҳкам тортган экан, от қоқилиб йиқилибди-ю, йигит унинг тагида қолибди. Ҳушига келиб қараса, ўтовда ётган эмиш. Врачнинг келмаганидан хавотир олиб, йўлга чиққан чўпонлар уни олиб кетишган экан. Хатамжон белида бир оз оғриқ сезибди, аммо эътибор бермай касални кўрибди, дори-дармон қилиб уйига қайтибди. Отдан йиқилганини ҳеч кимга айтмабди ҳам. Лекин эрталаб оғриқ зарбидан туролмай қолибди. Оғриқ шу-шу қолмас экан.

Мирсидиқ палатадан чиқиб, профессор Власов билан маслаҳатлашди. Беморнинг умуртка суягини рентгенга солиб, операцияга тайёргарлик кўра бошлашди. Бироқ бу операциянинг фойда беришига Мирсидиқнинг ўзи ҳам ишонмас эди. Бемор жуда кеч мурожаат қилган экан. Шундай бўлса ҳам операция қилинди. Профессор Власов ўзи бош бўлиб турди, аммо шундан кейин бир ой ўтди, икки ой ўтди, бемор тузалмади. Унинг иккала оёғи аллақачон палаж бўлиб қолган эди. Буни беморнинг ўзи ҳам тушунди, кулча юзидаги кулги йўқолди, эрталабдан кечгача шифтга тикилиб ётадиган одат чиқарди.

Бир куни Мирсидиқ уни клиника боғига олиб чиқишни буюрди. Ўзи ҳам чиқди. У ёқ-бу ёқдан гапга солди, овутомқчи бўлди, аммо бемор оғиз очмади. Унинг учун энди ҳамма нарса тугагандек, бутун орзу-умидлари пучга чиққандек, ҳаёт бу — фақат қийноқ, азобдан иборатдек туюларди. Шу алфозда бир неча ҳафта ўтди. Мирсидиқ бемор ётган палатага репродуктор ўрнаттириб қўйди. Яхши концерт бери-лаётган бўлса, ўзи келиб бураб кетади. Аввал бу ҳам таъсир қилмади, бироқ, бориб-бориб у беморнинг кўшиқларни диққат билан эшитадиган бўлиб қолганини кўрди. Яна гапга солди. Аммо жавоб ололмади. Шундан бир неча кун ўтгач, дахлиздан ўтиб кетаётиб, кимнингдир хиргойи қилаётганини эшитиб қолди. Қулоқ солди. Овоз Хатамжоннинг палатасидан келар эди. Мирсидиқ эшиқни секин очди-ю, севиниб кетди. Хатамжон ярим овозда куйларди. Деворга суяниб эшита бошлади:

*Куйла, созим, куйла, тинма,*

*Энди сенсан шодлигим.*

*Боглару қирлар, адирлар*

*Сенга жўрдир, шодлигим...*

— Э, кечирасиз доктор, — Хатамжон Мирсидиқни кўриб қолиб, докадек юзига қон югурди.

— Хаёл билан бўлиб кўрмабман.

— Ҳечқиси йўқ, — Мирсидиқ унинг ёнига ўтирди... Яхши кўшиқ экан. Қандай кўшиқ бу? Хатамжон жиддийлашди, ингичка лаблари енгил титради.

— Ҳаёт кўшиғи...

— Ҳаёт кўшиғи? Яхши ном.

— Сизга ёқдими?

— Жуда ҳам. «Куйла, созим, куйла, куйла, тинма...

Энди сенсан шодлигим...» Яхши кўшиқ. Ким ёзган экан?

Хатамжон жилмайди.

— Биз томонларда деярли ҳамма кўшиқ тўқийди. Ўзим тўқидим.

— Жуда яхши. Бу кўшиқ ҳақиқатан ҳам сизнинг ҳаёт кўшиғингиз бўлсин!

Мана, ҳозир Мирсидиқ шу кўшиқни иккинчи марта эшитиб ўтирибди. Тағин ўша нимжон йигитнинг ўзи айтяпти. Мирсидиқ диққат билан унга тикилди. Йўқ, унинг олдида бундан беш-олти йил илгариги яримта тана эмас, катта қалб, катта ҳаёт эгаси гўзал ҳаёт кўшиғини куйларди. Бу кўшиқда на нолиш бор, на азоб, унда яшаш иштиёқи, пок муҳаббат, битмас-туганмас орзу ва кудрат бор эди!

Концерт тугаши билан Абдуқодир дўстини сахнанинг орқасига бошлади. Ичкаридан иккита йигит аравачадаги Хатамжонни олиб чиқмоқда эди. Хатамжон сочида битта ҳам қораси қолмаган жиккаккина бир кампирнинг қўлидан ушлаб олган.

— Ойи, қаранг, Абдуқодир акам! — деди у шу топда.

— Вой, бўйидан ўргилай, қани? — кампир шундай деб, гапини тугатгани ҳам йўқ эдики, ўғли билан кучоклашиб кўришаётган Абдуқодирни кўрди: — Сизнинг ҳам келадиган кунингиз бор экан-ку, болам, эсонмисиз-омонмисиз?

— Мирсидиқ ака!.. Доктор!..

Мирсидиқ ичидан тўлқинланиб келадиган ҳаяжон билан Хатамжоннинг қўлини сиқди.

Улар клубдан чиқишганда, вақт алламаҳал бўлиб қолган, кўк бетини сон-саноксиз юлдузлар қоплаб олган эди. Баланд қайрағоч тепасидаги ой худди болаларини кўриқлаб юрган она ўрдадек, секин-секин сузиб борарди.

— Хўш, ишлар яхшими, Хатамжон? — сўради Мирсидиқ аравача ёнида битта-битта одим босиб боришар экан.

— Мана шу клубдаман. Музика тўгараги очганмиз. Яхши болалар. Улар билан ишлаб зерикмайсан киши.

— Анчадан бери ишляпсизми?

— Ҳа, икки йил бўлиб қолди.

— Жуда яхши, жуда яхши.

Шу пайт узокдан Дўсимбой ота кўринди.

— Ҳаяллаб қолдиларинг? — Дўсимбой ота меҳмонларни олдинга ўтказиб, ўғлига юзланди.

— Чарчамадингизми, ўғлим?

— Уғлингиз чарчашни биладими? — гапга аралашди кампир. — Кўйиб берсангиз, эртлабгача клубда қолиб кетса! Яхшиям меҳмонлар бор экан.

— Чарчамадим, дада, — деди Хатамжон жилмайиб.

— Ундай бўлса, уйда ҳам хизмат қиласиз. Меҳмонлар атайлаб сизни деб келишган.

Меҳмондорчилик анчагача чузилди. Тонг ёришгунча кўшиқ янгради. Эртасига кечкурунгина Хатамжон меҳмонларга руҳсат берди. Икки ошна кечки салқин билан пиёда йўлга тушишди. Икковининг ҳам фикрини алланарсалар чулғаб олган эди. Йўлнинг ярмини босиб ўтишганда, Абдуқодир:

— Шу йўлдан икки йилча қатнадим, — деди. — Дори таъсир қилмади, лекин бориб-келишим таъсир қилди.

— Тўғри гапирдинг. Яхши гап, диққат-эътибор ҳам қандай доридан кучли экан.

Мирсидиқ дўстини кўлтиқлаб йўл бошлади. Кўп ўтмай, азим чинорлар ичида ғарқ бўлган шаҳарга кириб келишди. Ёқимли ёз шабадаси эндигина қад кўтариб келаётган ёш ниҳолларни тебратар эди. Ҳамма ёқда гул: оқ, пушти, қизил, сариқ, қўйинг-чи, минг хил тусдаги гуллар очилиб-сочилиб ётибди.

Мирсидиқ кўчанинг икки бетидаги турнақатор фонарлар нурида эрон гиламидек товланиб ётган бу гулларга суқ билан тикилиб борар экан, бир шохи синган наъматакка кўзи тушиб қолди. Қайси бағри тош синдирди экан? У яқинроқ келиб қаради, йўқ, синибди-ю, узилмабди. Қуёшга томон бўй чўзиб қадини ростлаб боряпти. Мирсидиқ жилмайиб қўйди. У, албатта ўсади, улғаяди. У очган гулнинг муаттар ҳиди кишилар чехрасига табассум, шодлик бахш этади, қалбларини равшан қилади. Ҳаёт қонуни шундай!

Икки дўст шаҳар кўчаларидан ўтиб боришар экан, юраклари қандайдир ўзларига номаълум қувонч, ғурур билан лиммо-лим эди.

1960

## ЙЎЛДА

Тошкент — Наманган поезди йўлга чиққанда, қош қорая бошлаган эди. Боягина кўзга ташланиб турган паст-баланд иморатлар, дарахтлар аста-секин қоронғилик ичига ғарқ бўла бошлади. Шаҳардан чиқилганда эса, ҳеч нарса кўринмай кетди. Фақат олисларда туп-тўп бўлиб чироқлар милтиллар ва вагон деразаси ортида семафорларнинг кўм-кўк кўзлари липиллаб ўтиб турарди.

Олис сафарга чиққанингда атрофингдаги одамлар билан тезроқ танишиб, бирпасда кадрдон бўлиб кетасан ва кўпинча ҳаммадан, ҳатто энг яқин дўстларингдан ҳам сир тутган нарсаларни уялмай-нетмай айтиб берасан, бу ҳам етмагандай, сирли, нозик, фақат ўзингга, жуда бўлмаганда, дўстингга тегишли бўлган орзуларингни ўртага ташлаб, бегона одамлардан маслаҳат сўрайсан. Хуллас, бошқа пайтда иззат-нафсингга тегадиган анча-мунча гаплар билан ўзингни овутиб, сафарни кўнгилли ўтказишга ҳаракат қиласан. Бизнинг купеда ҳам шундай бўлди. Поезд бир станция йўл босар-босмас, ҳаммамиз танишиб олдик. Ҳамроҳларимнинг биттаси ёши элликлардан ўтиб қолган банк инспектори экан. Қора қундуз ёкали, кўкимтир пальто кийиб олган бу одам асли наманганлик бўлиб, ҳисобот ишлари билан марказга тушган экан. У вагонга чиққанидан бери қора майиз ейишу кўк чой ичиш билан овора эди. Айтишига қараган-да, майиз билан чой ҳар қандай дори-дармондан афзал эмиш.

— Ота-боболаримиз бунинг сирини яхши билишган, — дерди у гап орасида. — Ёзда нонуштадан узумни канда қилишмаган, қишда майизни. Шунинг учун-да, касал нималигини билишмаган. Мана, мен ўзим ҳам шу ёшга келиб, ҳалигача бирон марта докторга мурожаат қилганим йўқ. Ё ишонмайсизми?

Унинг гапларига ишонмай бўлмасди. Қип-қизил мағиздек юзлари, оқ оралай бошлаган соч-соқолидан соғлом, бакуват одамнинг нафаси уфуриб турарди.

Иккинчи ҳамроҳимиз биринчисидан бир оз кексароқ, қотмадан келган, кўз ости қовоқлари салқиб тушган... Чекса керак, мошкичири мўйлови сарғайиб кетган эди. Бу одам шаҳар архивида ишлар экан. Қариндошларини кўргани келаётган экан. Учинчи ҳамроҳ билан фақат салом-алик қилдик, холос. Чарчаган эканми, поезд юриши биланок, бир оз мизғиб оламан, узр, деб тепага чиқиб олган эди.

Поезд қандайдир бир станцияга келиб тўхтади. Банк инспектори термосини кўлтиклаб ғизиллаганича пастга тушиб кетди. Мен ҳам ўрнимдан турдим. Пастга тушайми, тушмайми, деб бирпас деразадан ташқарига қараб турдим. Станция кичкина бўлса керак, икки-уч жойдагина чироқ ёниб турибди. Бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Тушишга ахд қилиб, энди эшик томон юривдимки:

— Улгурмайсиз, — деб қолди хирилдоқ овоз билан мўйловли ҳамроҳим. — Бу ерда поезд кўп тўхтамайди.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. У гапни тугатиши билан кўнғироқ чалинди. Поезд бир силтаниб, секин кўзғалди. Банк инспектори ҳовлиқиб кириб келди. Унинг юзида севинч барқ уриб турарди.

— Сал бўлмаса қолиб кетардим-а! — деди у нафасини ростлар экан. — Йўлда иссиқ чой бўлмаса қийин. Айниқса, мендақа чойхўрларга! — У катта оғзини тўлдириб кулиб қўйди. — Пиёладан буғ чиқиб турмаса, чой ичгандай бўлмайман, гапимдан адашиб кетавераман. Ҳозир янгитдан дамлаймиз. Қани, марҳамат қилинглр!

У менга рўпарасидаги бўш жойни кўрсатиб, пальтосини еча бошлади. Кейин, киссасидан бир сиқим майиз олиб столга сочди-да, чой дамлай бошлади. У бу ишни шундай хафсала билан қилдики, гўё чой дамлаш ҳаёт-мамот масаласини ҳал қиладигандек туюлди. Дамлаб бўлиб, оғир хўрсинди, ҳаммага бир-бир қараб чиқди. Ундан кўзимизни узмай турганимизга қаноат ҳосил қилгач:

—Қани, олинглар, — деди майизга ишора қилиб ва термоснинг кумуш ранг қалпоғига чой қуйиб биринчи ўзи ича бошлади. — Асил чой бўлибди.

Биз кулиб қўйдик.

—Қани, қарасинлар, тақсир, — деди кўп ўтмай у ва термос қопқоғини янгитдан тўлдириб, ёнидаги мўйсафидга узатди. — Бу, ошнамит дейман, роса уйқуни уряптилар-ку, а?!

Беихтиёр тепага қарадим. Юқори полкадан енгил хуррак товуши эшитиларди.

— Ҳар кимнинг табиати ҳар хил экан-да, — инспектор жилмайиб қўйди. — Йўлда ухлаш у ёқда турсин, мен кўзимни ҳам юмолмайман.

— Мен ҳам шундай, — унинг гапини қувватлади архив-чи, — ўзимни мажбур қилсам ҳам бўлмайди. Йўл азоби — гўр азоби, дейишади-ку, аммо йўл қанчалик оғир бўлса ҳам уйқу келмайди. Ишхонада-чи? Қандай хужжатни текширма — қизиқми, қизиқмасми, барибир тушдан кейин эсноқ босаверади. Ҳа... ҳар кимнинг табиати ҳар хил. Гўё минг йиллик архив дейсиз. Қаёғидан кириб ўқиманг, тушуниб тагига етолмайсиз.

— Йўлда гаплашиб кетганга нима етсин? — инспектор яна оғзини катта очиб жилмайди. — Баъзилар вагонга чиқдим, тамом, ё ўзини уйқуга уради, ё бирор нарса ўқишга тушиб кетади. Зарурми шу, нозарурми, чўт қоқиб кўрмайди. Ишқилиб, биронта нарса устида кўз югуртириб турса бўлгани. Ҳа, айтгандай, янги газета олиб чиқдим, талабгорлар бўлса, марҳамат.

У қўлини чўзиб, купе эшиги ёнига осиб қўйган пальтоси чўнтагидан тўрт буклоғлик газета олди.

— Газета ўқисам, аввало тўртинчи бетини кўриб чиқаман. Қизиқ-а? Ҳамма ҳам шундаймикин? Тағин қаерини денг? Эълонларини. Қўйди-чиқдилар ёзилган ерини. Нега шундай, ўзим ҳам тушунолмайман. Айтгандай, бу газетда ҳам бир-иккита қўйди-чиқди бор.

Инспектор чойни қандай жиддийлик билан дамлаган бўлса, газетани ҳам шундай жиддийлик билан ўқий бошлади. Унинг бургутники каби ўйноқи кўзлари эълондан эълонга ўтар, лаблари худди майиз чайнаётгандай нималарнидир шивирларди. Бир маҳал қошлари чимирилиб кетди, пешонаси тиришди. Лекин дарров аввалги ҳолига қайтди.

—Тавба, ҳозирги ёшларга ҳайронман-да, — у юзини буриштириб, битта эълонни чертиб қўйди. — Мана бу йигит бултур уйланган эди, ажралишга тушиб қолибди. Тўйида бўлганман. Хотинини кўрганман. Суқурдай жувон эди. Нимаси ёқмайди-кан?..

— Характерлари тўғри келмагандир-да, — сўз қотди мўйсафид архивчи.

—Характер? Характер нима ўзи? — инспектор қизишиб гапира бошлади. — Характер деб, мен феъл-атвор, одоб, тарбия, иззат-икромни тушунаман. Шундай эмасми?

У ўз гапини тасдиқлаш учун менга бир қараб қўйди. Жим ўтирганимни ўзича тушуниб, гапини давом эттирди:

— Шундай экан, характерлари тўғри келмади, деган гап — биттаси одобли, биттаси одобсиз, деган гап бўлади, менимча. Демак, бу йигит хотинини одобсизга чиқарган. Мен бунга қўшилмайман. Одамнинг қанақалигини бир кўришдаёқ билиб олиш мумкин. Тўй куниёқ бу қиз менга ёқиб қолган эди. Киройи келин қилсанг, шунақасини қилсанг-да, дебўйлагандим ўзимча. Шу қиз энди беодоб бўлиб қолдимиз?! Йўқ, бунга қўшилиб бўлмайди. Шунча ёшга кириб, одам ажратишни билсак керак, ахир!

Инспектор жаҳл билан купени айлана бошлади. Лекин жойнинг торлигидан баттар жаҳли чиқиб, мўйсафиднинг ёнига ўтирди.

— Мен сизга ростини айтсам, ҳозирги ёшларнинг, умуман, мазаси йўқ. Айниқса, йигитларнинг. Булар ўзларига шунақанги бино қўйган, шунақанги катта оғиз, маҳмаданаки, бунақаларни бизнинг давримизда қидириб топиб бўлмасди. Кийим танлаш, овқат танлаш, ўйин-кулги тушимизга ҳам кирмасди. Оилавий ҳаёт биз учун қандайдир сирли, муқаддас дунё эди. Ҳозир-чи, кечкурун топишиб, эрталаб ЗАГСдан ўтиб келишяпти.

— Бунчалик эмас, — деди истехзо билан архивчи. — ЗАГСда, бир ой ўйлаб келинг,



дейишади.

— Боринг, шундай дейишсин ҳам. Бир ой нима деган гап? Бир ой ичида иккита бутун бошли одам бир-бирини ўрганиб, бир-бирига кўнгил қўйиши мумкинми? Албатта, йўқ. Ақл бовар қилмайди бунга. Лекин ҳозирги ёшларга шу муддат ҳам кўп. Бир ойнинг ичида бир неча марта қўйди-чикди бўлишлари мумкин.

— Ҳамма ёшлар ҳам шундай эмас.

Биз ялт этиб тепага қарадик. Тўртинчи ҳамроҳимиз ўнг ёнига ёнбошлаганича, бизга тикилиб ётарди. Уйғонганига анча бўлган бўлса керак, қийиқ кўзлари тетик, суяги йўғон юзига қизиллик югурган эди.

— Ҳамма ёшлар ҳам шунақа эмас, — деди у яна дона-дона қилиб.

Инспектор, яхши овқат пайтида эшик тақиллаб иштаҳаси бўғилган одамдек, ўрнидан бир кўзғалиб қўйди. Кейин бизга кўзларини жавдиратиб, тепа томонга юзини бурди.

Мўйсафид архивчи бепарволик билан папирос тутата бошлади.

Мен инспектордан кўзимни узмасам ҳам, қулоғим тепада эди.

Купега бир зум сукунат чўқди.

— Ёшларнинг кўпчилиги ҳозир биз катталар қилолмаган ишларни қияпти, — деди ниҳоят жимликни бузиб юқори полкадаги йўловчи. — Қурилишларда — ёшлар, кўриқ ерларда — ёшлар. Олий математика, физиканинг биз тушунмайдиган сеҳрли участкаларида ҳам ёшлар. Яна нимани истайсиз?

Инспектор кулиб қўйди.

— Сиз мени тушунмадингиз. Мен ёшларнинг фаолияти ҳақида гапираётганим йўқ. Бу ҳақда баҳс бойлаш ҳақиқатдан кўз юмиш бўлар эди. Мана, менинг бошлиғим ҳам худди сиз айтган ёшлардан. Эндигина йигирма саккизга кирди. Агар у ҳозирги ғайрати билан ишлайверса, билмадим, уч-тўрт йилда нима ишларни қилмасикин?! Мен бу ҳақда эмас, ёшларнинг ҳаёти ҳақида, уларнинг маънавий, ахлоқий томонлари; оилавий турмуш масалаларига бўлган муносабатлари ҳақида гапиряпман. Соддароқ қилиб айтганда, мен ёшларнинг муҳаббат, вафо каби нозик фазилатларга қараши ҳақида гапиряпман. Бу масалаларда уларни енгилтак деб ҳисоблайман. Мана, ўзингиз қаранг-а, ёшгина йигит, яхши касб эгаси бўлган одам уйланганига бир йил бўлар-бўлмас, хотинидан ажралмоқчи. Уйланмасдан илгари қаёқда эди эси? Бир йил турар-турмас ажралар экан, экан, нега уйланади?!

— Бунақалар жуда ҳам оз. Улар севги нималигини билишмайди. Ҳали ҳақиқий севги келмасдан туриб ё уни ўтказиб юбориб, ишқ-муҳаббат ҳақида лоф уришади. Натижада ҳаётлари бузилади. Бошқаларнинг ҳаётини ҳам бузишади. Лекин... лекин, биласизми, илгарилари..

— Илгарилари биз севги нималигини билмасдик, — гапни бўлди архивчи. — Бунақа сўзларни қариганимизда эшитяпмиз. Мен кампиримни никоҳ куни гўшангада кўрганман.

— Ажрашмаганмисиз, ишқилиб? — кулги аралаш сўради инспектор.

— Нега ажрашар эканман, яхши бўлгандан кейин, — ғурур билан жавоб қилди у. — Қирқ йилдан бери яшаб келяпмиз.

— Баракалла. Кўрдингизми? — инспекторга жон кирди. — Илгари бунақа қўйди-чикдилар кам эди ёшлар орасида.

— Балки шундайдир. Лекин сиз битта эълонга қараб баҳо берманг. Ёшлар биз кексаларга қараганда, ҳаётни яхши тушунади. Чунки уларнинг кўз олдида шундай воқеалар содир бўляптики, бу воқеаларнинг ҳар бири катта тарих. Бизнинг илгариги бир йилимиз ҳозирги ёшларнинг бир кунига ҳам тенг келмайди. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, ёшларнинг ички дунёсига таъсир этяпти. Кўп нарсаларни ўйлашга мажбур қияпти, ёшлар жиддийлашиб кетяпти. Агар хўп десаларинг, мен бир воқеани айтиб бераман.

Ҳаммамиз рози бўлдик.

Ҳикоячимиз ўрнидан туриб, пастга туша бошлади. Шу маҳал дераза ортида чироқлар

кўриниб кетди. Поезд юришини секинлатди.

— Станцияга келиб қолдик шекилли? — деди инспектор ихтиёрсиз равишда термосга қўл чўзиб. — Ҳа, станцияга келибмиз. Қаер экан?

— Билиб бўлмапти, — деди архивчи янгитдан папирос тутатиб.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Доғ сув бўлса, бўлди. — Инспектор шундай деб эшик томон юрар экан, ҳикоячимизга қараб жилмайди. — Янги чой билан эшитадиган бўлдик-да энди, а?

Поезд тўхтаганда, мен ҳам тамбурга чиқдим. Эшикни очишим билан юзимга гуп этиб муздек ҳаво урилди. Беихтиёр орқамга тисарилдим, эшикни ёпдим-да, деразадан осмонга қарадим. Ҳаво очилибди, у ер-бу ерда юлдузлар чарақлаб турибди. Икки соат чамаси булутлар орасида яшириниб юрган кулчадек ой сезилар-сезилмас нур сочяпти.

— Шунақа станцияларнинг садағаси кетсанг арзийди-да! — Термосини кўтариб вагонга инспектор чиқди. Совукдан кизариб кетган юзларида ҳар доимгидек севинч барқ уриб турарди. — Доғ сув бор экан. Қани, юринг!

Унинг кетидан купега кирдим. Кўп ўтмай яна йўлга тушдик. Инспектор яхшилаб чой дамлаб, ҳаммамизга бир сиқим-бир сиқимдан майиз улашиб чиққач, тепадаги ҳамроҳимиз ўз ҳикоясини бошлади.

— Мен курувчи-инженерман. Тошкентдаги Олмазор массивида бўлган бўлсаларингиз керак. Шу массивдаги янги услубдаги кўп қаватли турар-жой биноларини биз қурганмиз. Илгарилари Олмазор номига мос тушмаган куп-куруқ дашт эди. Сув йўқ, дарахт йўқ. Битта-яримта машина ўтиб қолса, ёзда тупроққа, қишда лойга ботарди. Сўнгги икки йил ичида массив ўзгарди-қўйди. Биринчи бино қад кўтариши билан кўпчилик курувчилар бутун мавсум бўйи шу ерда яшаб ишлашга аҳд қилишди. Бинонинг қуёш кам тушадиган томонига чодирлар тикиб яшай бошладик.

Мен кўп курилишларда бўлганман. Мирзачўлда ҳам, Оҳангаронда ҳам. Лекин Олмазорнинг нимасидир мени ўзига ром қилиб қўйган эди. Балки ишнинг кўп ва тезкорлигидир, билмадим. Ҳар ҳолда қандайдир янгича куч ва ҳаяжон билан мен ҳам ишга киришиб кетдим. Комплекс бригадасига бошлиқ қилиб қўйишди. Буни қарангки, ҳаммаси ёшлар. Аввал ранжидим. Худди бояги сиз айтган гап миямдан ўтди. Ҳатто бошлиқларга тўполон қилиб кирдим. Кулишди. Оёғимни тираб туриб олувдим, майли, бошқа бригадаларни кўр, истаган одамингни ол, дейишди. Лекин олмадим. Бундай қарасам, қолган бригадаларда ҳам деярли ёшлар экан. Бунинг устига, бекорга ранжиган эканман, мени шошириб қўйишди. Ҳаммаси эмас, албатта, лекин кўпчилиги. Ишдан қочиш деган гап йўқ, брак йўқ. Айтганингизни қилишади. Қурилишда бундан муҳимроқ яна нима бўлиши мумкин? Қирқ саккиз квартирали ғишт уйни биринчи гал роппа-роса бир ярим ойда битказдик. Бу, албатта, катта ютуқ. Ишлар, умуман, яхши эди, болаларнинг димоғи чоғ. Улар хурсанд бўлгандан кейин, менинг ҳам дўппим яримта эди. Бошқармада Олмазорнинг орқа томонига тушадиган бинони бермоқчи бўлишувди, кўнмадим. Бу ерда анчагина қийналишга тўғри келарди. Чунки иморат пастликка қурилиши керак эди. Бу, пойдеворни чуқур қазиш деган сўз. Лекин йигитлар ғайрати жўшиб кетганиданми ё бу қийинчиликни қийинчилик санашмаганиданми, олаверинг, қурамыз, деб қолишди. Олдим. Кейин билсам, буларнинг гапида ҳам жон бор экан. Олмазорнинг орқа томонида катта ариқ бўлиб, ёнверидида озми-кўпми дарахтлар бор экан. Ёшлик-да, иш оғир бўлса ҳам майли, лекин кўнгил чоғ бўлсин.

Шундай қилиб, яна ишга тушиб кетдик. Иккита бульдозер ерни текислай бошлади, иккита кўтарма кран келтирилди. То уларни ўрнатгунча, йигитларнинг бўшлари чодирларни кўчириш билан овора бўлишди. Ёзнинг ўрталари эди ўшанда. Жазирама иссиқ томоқни қуритади, қўйлак-шим ўшанда. тердан баданга сирачдай ёпишиб кетган... Иморатни қуриб битиргандан кейин гашти кат-та-ю, азоби ҳам чакки эмас. Ахир, ўйлаб кўринг, уйингизда битта чўпни у ердан-бу ерга олиб қўйиш учун неча марта эгиласиз-турасиз! Бу иморат-ку! Тагин қанақаси

денг! Ёшлиқда эътибор бермас экансан киши. Аммо улғайганинг сари меҳнатнинг қадрига етар экансан. Айниқса, ҳар бир ғиштида ўзингдан бир нима қолган бинони кўрсанг, шундай бўлар экан.

Ана шу пайтлари бригадамизда янги бир йигит пайдо бўлиб қолди. Бошқармада, институтга киролмабди, бирон ишга қўй, отаси илтимос қилиб келди, дейишди. Нима дердим, хўп, дедим. Лекин уни кўрдиму, энсам қотиб кетди. Нега десангиз, у ҳали юзига офтоб тегмаган нозик йигитлардан эди. Жуссаси ҳам кичкина, қурилишдаги йигитларга мутлақо ўхшамайди. Мактабни битиргану, институтга ариза берган, лекин киролмаган. Ҳаётидаги биринчи кўрган қийинчилиги ҳам шу бўлса керак. Лекин нима қиласиз? Ишга келгандан кейин биронта иш берасиз-да. Аввал бошим қотди. Нима ишга қўйишни билмадим. Охири, ўйлаб-ўйлаб сим қирқадиган дастгоҳга қўйиб қўйдим. Биласизларми, йўқми, бетон плиталарни пойдеворга ётқизилганда орасига сим тикиб кетилади. Биринчидан, бу, плиталарни бир-бири билан улайди. Иккинчидан, ғишт тераётганда кўз адашмайди. Шундай қилиб десангиз, йигитча ишга тушиб кетди. Лекин роса бизни хуноб қилди. Иш бошлаган кундаёқ ундан шикоят устига шикоят ёғилиб кетди.

Аввал мен кулдим-қўйдим. Беш панжа баравар эмас, бир кун олдин-бир кун кейин ўрганиб кетар, деб ўйладим. Лекин мен ўйлаганча бўлмади. Бир куни туш пайти ҳаммамиз овқатланиб бўлиб ариқнинг лабида ўтирган эдик, слесаримиз Фатхилла деган йигит бир боғлам сим кўтариб келиб қолди. Қовоғи солиқ, кўзларидан ўт чакнайди. Уни ҳеч қачон бунақа аҳволда кўрмагандим. Фатхилла бригадамиздаги энг қувноқ, шўх йигитлардан эди. Ҳатто, ўзи билан ўқийдиган бир қизни таллашиб, ўртоқларидан биттасини пичоқлаб қўйгани учун институтдан ҳайдалган, қамалиб ҳам чиққан. Қамоқдан хунарли бўлиб келиб, қурилишларда ишлаб юрган. Оҳангаронда менинг бригадамга тушиб қолди. Шу-шу қаёққа борсам, мен билан бирга. Ана шу йигитнинг авзойини кўриб, ҳайрон қолдим.

— Ҳа, нима бўлди? — сўрадим ундан.

Фатхилла жавоб ўрнига қўлидаги симларни оёғим тагига ташлади. Кейин, рўпарамга ўтириб, «чирс» этиб тупурди-да, ер остидан менга тикилди.

— Бу ойимқизни қаердан топдингиз?

Ҳамма кулиб юборди.

— Нега куласанлар? — деди Фатхилла дўқ аралаш тишларини қисирлатиб. Болалар жим бўлишгач, у яна менга қаради. — Қилган ишини кўринг! Ахир кўр одам ҳам бунақа қирқмайди-ку!

Мен оёғим тагида ёйилиб ётган симларга қарадим. Фатхилланинг жаҳли чиққанича бор экан: симларнинг ҳаммаси ҳар хил қирқилган эди.

— Ўлчаб бермаганимдаям майли эди, билмаган-да, дер эдим, — куюниб гапирди Фатхилла. — Эрталаб келишлари билан қўлларига метрни тутқаздим. Уч метр-уч метр қилиб қирқасиз, дедим. Бу ҳам етмагандай, биттасини ўзим қирқиб ўлчов қилиб бердим. Складга бориб келгунимча ҳаммасини расво қилибди-қўйибди!

— Ўзига кўрсатдингми?

— Кўрсатиш ҳам гапми? Бурнига тикиб олай дедиму ўзимдан чўчидим. — Йигитлардан биттаси, пиқир-пиқир кула бошлади, лекин Фатхиллага кўзи тушиши билан кулгиси оғзида қолди. — Иннайкейин, Усмон ака, жон ака, ростини айтсам, менга шогирд керак эмас. Ана, Восиққа беринг, ғишт теришга ўргатсин.

— Нима? Нима дединг?! — оёқларини сувга солиб ўтирган Восиқ Фатхиллага ўқрайди. Фатхилла бутун қурилишда фақат ундан хайиқарди. Ораларида нима ўтган, билмайман, лекин камгап, оғир табиатли, тўладан келган бу йигитнинг гапларини Фатхилла нимагадир ҳеч маҳал иккита қилолмасди. Биласизми, баъзан шундай одамлар бўладики, улар сени нималари биландир ўзларига сеҳрлаб оладилар, уларни хафа қилгинг келмайди. Ё бўлмаса, доим уларнинг

айтганларини бажо келтиргинг келади. Восиқ ҳам нима биландир Фатхиллани ўзига сеҳрлаб олган эди. Унинг шу, нима дединг, сўзининг ўзидаёқ Фатхилла гангиб қолди.

— Ҳазил-ку бу, ҳазилни тушунмайсанми? — деди гулдираб.

— Хўп, бу иккинчи масала, — дедим мен. — Ўзи қани?

— Ушатда, — энсаси қотиб гапирди Фатхилла. — Ойиси бир халта варақи сомса бериб юборган экан, кавшаб ўтирибди.

— Қани, чақир-чи!

— Мен бормайман, кўргани тоқатим йўк.

— Сомса евотган бўлса, Парпи борсин, — деди кулиб Восиқ.

Парпи пакана, бақалоқ йигит. Унга яхши овқат бўлса бўлди, бошқа ҳеч нарса билан иши бўлмасди. Дам олиш кунлари қурилиш чойхонасида ош қилишадиган бўлса, ярми ҳазил-ярми чин қабилда унга алоҳида лаганда уюб бериларди. Шундай бўлса ҳам, ўзиникини еб бўлиб, бизнинг лаганга қўл чўзарди. Ўшанда ҳам сомсанинг дарагини эшитиб:

— Майли, борсам бора қолай, — деб дик этиб ўрнидан турди.

— Жа бўлмаса, халтаси бизга қолсин, — деди кимдир.

— Хомтама бўлма, очофат, ойимқизга ўзим туя қилиб бераман.

Кўп ўтмай Парпи икки лунжини сомсага тўлдирганча ойимқизни, яъни Шавкатни — унинг асли исми шундай эди, бошлаб келди. Бечорани кўрдиму раҳмим келиб кетди. Ҳеч кимга қаролмайди, икки юзи шолғомдай қизариб кетибди. Битта-битта юриб ёнимга келди-ю, нима қилишини билмайди: дам лабини тишлайди, дам оёғи билан ер чизади.

— Ҳа, ишлар чатоқми? — дедим уни хижолатликдан чиқариш учун.

— Ҳа, чаток, — деди секин лабилабига тегмай.

— Нима қиласан энди?

— Билмадим.

— Варақи ейдилар, — деди кимдир. Гур этиб кулги кўтарилди.

— Жўналаринг!

Жаҳлим чиққанини сезишди шекилли, йигитлар ўринларидан туришди. Улар кетиши билан.

— Хўш, нима қиласан энди? — деб сўрадим яна.

— Ҳайронман. Сим қирқишниям билмаганимдан кейин, яна нима қилардим...

Унинг лаблари титрай бошлади. Ҳозиргина уни уришмоқчи бўлган одам, юпатишга тушиб кетдим.

— Ҳечқиси йўк, ўрганиб кетасан, кунт керак. Мен ёшлигимда сендан баттар эдим. Дикқат қилсанг, ҳаммасини ўрганаверасан.

Шавкат бошини этганча жим турарди. Назаримда, ҳамма гапни тушунгандай бўлди, аммо эртасига ақлга сиғмайдиган ҳодиса юз берди. Шавкат ишлаётган дастгоҳ чўрт иккига бўлиниб кетибди. Қандай қилиб, нима сабабдан — ҳеч ким билмасди. Уни ўзи ҳам тушунтириб беролмади. Кейин билсак, Фатхилланинг қовоғига дош беролмай, станокка етти-саккизта симни қаторлаштириб қўйиб, болға билан ураверибди. Эҳтиёт қилмаса, тош ҳам синади-да, ахир! — Усмон ака совиб қолган чойини бир кўтаришда симириб, бўш идишни банк инспекторига узатди-да, ҳаммага бир-бир қараб чиқди. — Ана шунақа, эҳтиёт қилмаса тош ҳам синади. Лекин ҳар бир кишининг ҳаётида уни ё тубанликка туширадиган ё кўкларга кўтариб мартабасини баланд қиладиган бир нарса бўлади. Шахсан менга, уруш шундай нарса бўлди. Урушга бориб келиб ҳаётга бошқача кўз билан қарайдиган бўлдим. Ўтмишни гапиришнинг ҳожати йўк, ростини айтсам, урушдан одам бўлиб қайтдим. Шавкатнинг ҳаётида эса, шундай бурилиш ясайдиган нарса муҳаббат бўлди. Гап шундаки, бизнинг бригадамизга ўша кезлари янги бир кранчи қиз келди. Бу техникумни битирган, Маҳфуза исмли ёшгина, кўҳлик қиз эди.

— Қиз дейсанми? — ҳайрон бўлиб сўради архивчи. — Кранчи-а?

— Ҳа, ҳа! Кранчи қиз! — гапида давом этди Усмон ака. — Мен ҳам сизга ўхшаб жуда ҳайрон

бўлдим. Ўн беш йиллик иш давримда аёл кишидан кранчи чиққанини кўрмаганман. Албатта, ўзбеклардан. Биласиз-ку, бизда негадир, бундай ишларга панжа орасидан қарашади. Тўғрироғи, қара-шарди. Ҳозир бундай эмас. Мен яқинда бульдозер ҳайдаётган ўзбек қизларини кўрдим. Ваҳоланки, бундан оғирроқ иш йўқ... Маҳфуза жуда аломат қиз эди.

— Аломат эди? — унинг гапини бўлдим мен нимадан-дир чўчиб. — Унга бирон нарса бўлдими?

— Айтиб бераман, ҳали йўл олис. Қани, домла, чойдан куйинг-чи! — Усмон ака инспекторга ўгирилиб, ютиниб кўйди. Термос қопқоғидаги буғи кўтарилиб турган чойдан босиб бир-икки хўплагач, яна менга юзланди. — Мен сизга боя уни кўхлик дедим. Балки бир оз ошириб юборгандирман. У унча чиройлик эмасди. Лекин нимасидир, сал чўзиқ-роқ рангпар юзига омонатгина ўрнатилиб қўйилган кичкина думалок бурними ва тийрак, кўнғир кўзларими, ё бўлмаса, ўнг кулгичи устидаги мошдек холими, билмадим, ишқилиб, алланимаси ўзига маҳлиё қиларди. Жуссаси ҳам айтарли эмас: кўпчилик қизларникидек елкалари бир оз эгилиб тушган, бўйни ингичка, лекин қўллари... бунақа қўлларни мен учратмаганман. Ҳам нозик, ҳам бакувват бу келишган қўллар унга ҳусн бўлиб тушган эди. Менга у биринчи кўришимдаёқ ёкиб қолди. Эрталаб ишга келганида ҳамма билан таништирдим. Йигитларга аввал хуш келмади -шекил-ли, истар-истамас кўришишди. Парпи бўлса ҳатто:

— Ишимиз хуржун экан-да энди, — деб тўнғиллаб кўйди.

— Хуржун ҳам гапми, сассикалаф! — деди кимдир.

— Парпи! Энди қоринни сиқиброқ боғлайсан-да, ука, — гап кистирди Фатхилла.

— Нега? — Парпининг кўзлари йириклашиб кетди.

— Нега бўларди? Гишт пойлаб сарғайганингдан кейин муллажиринг камаяди-да!

— Бас қилинглар, — деди Восиқ жаҳлим чиқаётганини кўриб. — Кетдик. Яхши қиз, борарсиз-а?!

Маҳфуза индамади.

— Хафа бўлма, қизим, — дедим мен. — Қизлар билан ишлашмаган, билишмайди-да. Ёмон болалар эмас, кўникиб кетасан.

— Мен ҳам шундай ўйлаяпман, — деди Маҳфуза жилмайиб. — Унинг овози жуда ширали эди. — Бораверайми?

— Ҳа.

Маҳфуза кетди. Анчагача орқасидан қараб қолдим. Ростини айтсам, ўзим ҳам чўчиган эдим. Ёш бўлса, бунинг устига қиз бола, эплай олармикин?..

Ўйим нотўғри чикди. Кечкурун чодирга йиғилганимизда гап фақат шу ҳақда кетди. Парпи билан Восиқнинг боши осмонда эди.

— Беш мингта-я, қойил!

— Йўқ, сен қарагин ўзинг, чарчадим демайди-я. Тагин, яна олиб берайми, дегани қизиқ.

— Ишқилиб, кўз тегмасин. Лекин эрталаб бекорга хафа қилдиларинг.

— Ким? — Восиқ Парпига ўқрайди. — Ўзинг-ку бошлаган, пакана.

— Мен нима дедим? Айтдим-қўйдим-да... — Парпининг лаблари осилди. — Фатхилла-ку, сасиган.

— Ўзи қани, ўзи? — сўради Фатхилла.

— Кетди. Ширинда турар экан.

— Ширинда? Яқин экан-ку, — Фатхилла илжайди. — Лекин ўзи ҳам ёмон эмас-а, Восиқ?

— Тузук.

— Тузук ҳам гапми! Лабларига эътибор бердингми? Худди пишган олчанинг ўзи. Биласанми, мен уни танийман.

— Танийсан? — хайрон бўлди Восиқ.

— Ҳа.

— Нега айтмадинг?

— Нима кераги бор? — Фатхилла яна илжайди.

— Ҳа, нима?

— Шундай, ўзим. Ёшлигим эсимга тушиб кетди. Эҳ... агар истасам, эртагаёқ шу қиз меники бўлади.

— Юракдан урдими дейман-а? — домино тераётган Парпи пиқ-пиқ кулди.

— Жиғимга тегма, пакана, — зарда билан гапирди Фатхилла. — Юракдан урадиган ҳали онасининг қорнида.

— Нега бунақа дейсан бўлмаса?

— Ўзим шундай. Эрмак учун-да, — Фатхилла яна илжайди. Ҳеч ким индамади. Унинг баъзан шунақа жиннилиги тутиб туришини, кўпол ҳазил қилишини билганим учун мен ҳам индамадим, Шундай бўлса ҳам овқатланиб бўлиб, домино ўйнагани ўтирганимизда бир оғиз гап ташлаб кўйдим:

— Ўйлаб гапир. Ҳазил ҳам эви билан, — дедим. Ўшанда мен чиндан ҳам ҳазил деб ўйлаган эдим. Фатхилла менга бир қараб кўйди-ю, жавоб бермади. Ўйинга берилиб кетганимдан жавоб ҳам кутмадим. Кўп ўтмай у яна шу гапни бошлади.

— Восиқ, ишонасанми?

— Йўқ.

— Истасам, бир кунда кўлга оламан.

— Ололмайсан. Анча пишиққа ўхшайди.

— Сен уни билмайсан-да. Қанчадан ўйнайсан?

— Қанчадан эмас, нимадан дегин.

— Хўп, нимадан?

— Бир литр билан битта ошдан.

— Бўпти, фақат ҳозир эмас.

— Майли. Кўчгунимизгача.

— Бўпти.

— Бу ахир пастлик-ку!

Ҳаммамиз бирданига бошимизни кўтардик. Бу — Шавкат эди.

— Бу ахир пастлик-ку! — деди у яна баланд овоз билан. Унинг муштлири тугилган, ингичка лаблари титрар, ранги қув ўчиб кетган эди.

Палаткага бирдан жимлик чўкди. Шавкатнинг журъатидан ҳамма ҳайрон қолган эди. Ростини айтсам, мен ҳам ундан буни кутмаган эдим. Шунинг учун бўлса керак, анчагача индамай қолдим. Бошқалар ҳам шундай. Бир маҳал Фатхилла бир лунжи билан илжайди, кейин секин ўрнидан турди. Ҳаммамизнинг кўзимиз унда. Лекин биттамыз ҳам қимир этолмаймиз.

— Қайтаринг-чи, ойимқиз, нима дедингиз? — деди у бўғиқ овозда. — Яна бир марта эшитай.

— Қайтаришим мумкин! — аввалгидай шаҳд билан гапирди Шавкат. — Сиз қиз болани ҳақорат қилдингиз. Бу — пастлик!

Фатхилланинг тишлари қисирлаб кетди. Косадай мушт билан кўтарилди. Мен ўрнимдан туриб кетдим. Бироқ кечиккан эдим. Фатхилла билан Шавкатнинг ўртасида Восиқ пайдо бўлган эди. У менга қараб жилмайган бўлди-да:

— Ётсак-а энди, кеч бўлиб қолди, — деди ва Фатхиллага каравотни ишора қилди.

Ўйигитлар секин-секин тарқалишди. Фатхилла ҳам жойига бориб ётди. Шавкат эса ҳамон жойидан қимирламасди. Мен ҳам ётдим. Ҳозир бирон нарса дейиш бефойда эди. Аммо кўзим Шавкатда. Ундан хурсанд эдим. У анчагача қимир этмай турди, кейин югуриб чодирдан чиқиб кетди. Кўзимга уйқу келмади. Битта менми десам, Парпи ҳам уйғоқ экан. Қўлида китоб, лекин

ўқимаяпти. Чамамда ярим соатча вақт ўтди. Шавкатдан дарак йўқ эди. Бир маҳал Парпи секин ўрнидан турди. Фатхилла томонга қараб кўйди-да, эшикка чиқиб кетди. Кўп ўтмай қайтиб келди. Палатканинг ўртасида бирпас хаёл суриб тургач, Восикнинг ёнига бориб, уни турта бошлади. Лекин ҳеч уйғота олмади. Иттифоқо, кўзи менга тушиб қолди, олдимга келди.

— Усмон ака, — деди шивирлаб. — Йиғлаб ўтирибди!

— Қаерда?

— Ариқ бўйида.

— Чақирдингми?

— Йўқ, олдига борганим йўқ.

— Борма. Ўзи келади.

— Келмаса-чи?

— Келади. Қаёққа борарди?!

Парпи жойига бориб ётди. Уйқу бутунлай қочган эди. Ҳамма ёқ жимжит. Фақат аҳён-аҳёнда курбақа қуриллагани, ит вовиллагани кулокка чалинади. Палатканинг очиқ эшигидан осмонга қарадим. Ҳаво очиқ. Юлдузлар чарақлаб турибди. Олисида, жуда баландда тўлин ой сузиб бормоқда. Бир маҳал у тўсатдан хираланди. Чўчиб қарадим. Бир парча олатароқ булут унга ёпишиб қолгандай эди. Қаердан пайдо бўлди экан, ўйлаб тагига етолмайман. Ростини айтсам, табиат сирларига унча тушунмайман, кизиқишим ҳам йўқ. Лекин ўшанда беҳузур бўлиб кетдим. Ўрнимдан даст туриб, кўнгли озор чеккан болани бағримга босгим, ўрнига олиб келиб ётқизгим келиб кетди. Ўзи келиб қолмаганда шундай қилишим турган гап эди. Келди-ю, Парпининг ёнидаги каравотига чузилди. Парпи уни кўриши билан китоб ўқишга тушиб кетди. Кўзимни юмдим. Бир маҳал Шавкатнинг овозини эшитиб қолдим: — Нима ўқияпсан?

П а р п и. «Самарқанд осмонида юлдузлар». Ўқиганмисан?

Ш а в к а т. Ўқиганман.

П а р п и. Яхши-а?

Ш а в к а т. Нимасини айтасан? Сенга Темура образи ёқадими?

П а р п и. Темура, нимаси?

Ш а в к а т. Образи.

П а р п и. Бу нима?

Ш а в к а т. Китобдаги асосий қахрамонларни образ дейилади.

П а р п и. Балосан-ку!

Ш а в к а т. Агар истасанг, ғалати китобларим бор. Бераман. «Қутлуғ қон»ни ўқиганмисан?

П а р п и. Яхшими?

Ш а в к а т. Зўр. Йўлчи деган бир йигит ҳақида.

П а р п и. Э, бўлди, киносини кўрганман. Битта бойни роса дўппослайди-да. Мазза!

Ш а в к а т. Китоб ундан зўр. Ўқисанг, Йўлчи, Гулнорлар худди ёнингда тургандай бўлади.

Севги деб шуларнинг севгисини айтса бўлади.

П а р п и. Ҳозир бунақалар йўқ.

Ш а в к а т. Йўқ, бор. Фақат биз билмаймиз-да. Бизнинг бир қўшнимиз бор, кўрга теккан.

П а р п и. Қўй-э?!

Ш а в к а т. Рост. Боягидақа гапларни эшитганингдан кейин, бунга ишонмайсан-да.

П а р п и. Қўй, ўшани эслама. Фатхилла ўзи ёмон одам эмас.

Ш а в к а т. Одамда ҳамма нарса яхши бўлиши керак.

П а р п и. Бизга ўтмайсанми?

Ш а в к а т. Ҳозир эмас. Жуда бўлмаса, сим қирқишни ўрганиб олай.

Мудроқ аралаш уларнинг кулгисини эшитдим.

Эртасига эрталаб гўё ҳеч нарса юз бермагандек, ҳамма ўз иши билан овора бўлиб кетди. Тушга яқин Восик олдимга келди. Унинг тўла юзлари кулиб турарди.

— Усмон ака, — деди бирпас ўйланиб тургач. — Парпи билан бир нарсани маслаҳат қилувдик. Айтсам, йўқ демайсизми?

— Йўқ. Нима эди? — сўрадим мен ҳам беихтиёр жилмайиб.

— Бугун ош қилсак?

— Ҳа, тинчликми ўзи?

— Тинчлигу лекин бригадамизга иккита янги одам келди. Ювсак бўларди. Ишдан кейин, албатта.

Нима дердим? Хўп дедим. Ҳатто йигитларнинг зийраклигидан хурсанд ҳам бўлдим. Гап, албатта, ошда эмас, иккита янги одамга бўлган ҳурматда.

— Лекин, — дедим унга, — қиз бола чойхонага борармикин?

— Олиб бормаймиз, — деди ҳозиржавоблик билан Восиқ. — Ошни қилиб, чодирга олиб келамиз.

— Майли, бўлмаса айтиб қўй, кетиб қолмасин.

— Йўқ, ўзингиз айтинг. Мен нима дейман? — деди у қизариб.

Кулдим.

Кечқурун ҳаммамиз чодирга йиғилдик. Маҳфуза очиқ қиз экан. Бирпасда бизга кўшилиб кетди. Ювиниб-тараниб, икки-уч партия домино ўйнаб бўлишимиз билан, катта тоғорани кўтариб Восиқ билан Парпи келиб қолишди. Қаердандир икки шиша «Оқ мусаллас» ҳам топилди. Восиқ менга айёрона қараб қўйиб, шишаларни очди. Биринчи қадахни, одат бўйича, ёши каттароқ одам, яъни мен кўтардим. Кейин Восиқ алланима деган бўлди. Хуллас, жуда ширин ўтирдик. Бир маҳал Маҳфуза кетаманга тушиб қолди. Хавотир олишади уйда, деди. Йўқ демадим.

— Мен кузатиб қўяман, — деди Фатхилла ўрнидан туриб. Кўпроқ ичганидан кулоқларигача қип-қизариб кетган эди. Бошқа ҳеч ким индамади. Иттифоқо, кўзим Маҳфузага тушиб қолди. Унинг ҳозиргина кулиб турган кўзларида сўлғинлик пайдо бўлган эди. Нима бўлдийкин? Нега бирдан хафа бўлиб қолди? Фикримни Шавкат бўлиб юборди:

— Мен ҳам бораман, — деди у менга қараб.

— Нима қиласан? — Фатхилла илжайди. — Мен кичкина боламанми? Яхшиси, ухла, эртага узилиб қолмагин тагин.

Кимдир кулиб юборди. Шавкат бирон нарса деса хунук бўлади-да, деб турган эдим, ҳайтовур индамади. Фақат туфлисини кийиб бўлиб:

— Мен ҳам бораман, — деди қатъий қилиб.

— Бормайсан! — Фатхилла тутақди.

— Қўйинглар, ўзим кетаман, — деди Маҳфуза жилмайишга ҳаракат қилиб. — Қўрқмайман.

Восиқ гапга аралашди:

— Фатхи, сен чарчадинг, дам ол, — деди вазминлик билан. — Шавкат кузатиб келсин. Ё ҳаммамиз борайлик.

— Овора бўлманглар, ўзим кетаман, — деди яна Маҳфуза. Бу гап у расмана жилмайди. Назаримда, Восиқнинг гапидан кейин кўнгли жойига тушди шекилли.

— Йўқ, Шавкат боради, — деди Восиқ Фатхиллага тикилиб.

— Майли, раҳмат, — Маҳфуза шундай деб палаткадан чиқди.

Шавкат ҳам кетди. Палаткага жимлик чўқди. ҳамма бирин-кетин ечиниб ёта бошлади. Фақат Фатхилла қимир этмай ўтирарди.

— Мен ҳам сени юбормасдим, — дедим ётганимдан сўнг унга. — Кеча нималар дединг?!

— Ҳазил эди, нахотки ишонмасангиз? — Фатхилланинг кўзлари олайиб кетди. — Сен-чи, Восиқ?

— Ҳазилнинг таги зил, — деди Восиқ.

— Шу тирранча, кўлидан бир тийинлик иш келмайдиган ойимқиз мендан афзал бўлдимми?



—Бўлди, ёт, — дедим зарда билан. — Тилинг қичишяптими?

Шу воқеа сабаб бўлдим ё ўзлик-ўзи топишиб кетишдим, Шавкат билан Маҳфузани кўпинча бирга кўрадиган бўлиб қолдик. Тушлик пайтида бирга овқатланишади, кеч-курунлари бўлса, Шавкат апил-тапил ювиниб, ғойиб бўлади. Ҳаммамиз бунга кўникиб қолдик. Бу орада янги бинонинг бетон плиталарини ётқизиб бўлдик, биринчи қаватни кўтариб, иккинчисига уннай бошладик. Шу кунларнинг бирида мен, иттифоқо, ғалати суҳбатнинг гувоҳи бўлиб қолдим. Якшанба эди. Эрталаб ҳаммамиз ясаниб, шаҳарга тушадиган бўлдик. Ҳар дам олиш куни одатда ўзи шундай қиламиз. Мен болаларнинг олдига тушаман. Восиқ ҳам. Фатхилла билан Парпи шаҳарни айланади. Ё уйларига посилка жўнатишади. Фатхилла асли қаршилиқ, ҳеч кими йўқ. Парпи пскентлик, ўқишга меҳри бўлмай, ишга берилиб кетган. Оиланинг каттаси шу. Тўртта укаси бор. Шавкат Тошкентнинг ўзидан. Отаси катта инженер-геолог. Онаси ҳам ўқимишли аёл. Бир-икки марта уйларида бўлганман. Яхши одамлар. Шавкат уйга бориб қолса, ўтқазгани жой топишолмайди. Лекин ўшанда у негадир уйга бормади. Кейин бораман, деди. Мен ҳам зўрламадим. Уйга бориб, кечкурун қайтдим. Энди қоронғи туша бошлаган эди. Чодирга яқинлашганимда аёл кишининг овози эшитилди. Киришимни ҳам, кирмасимни ҳам билмай тўхтаб қолдим.

—Йўқ, йўқ, ундай деманг! — гапирарди қиз бўғиқ овозда. — Сиз мени билмайсиз. Нима қиласиз ўзингизни ҳам, мени ҳам қийнаб?! Ўша куни, ариқ лабида ўтирганимизда айтганларим рост... Ўтиниб сўрайман, қўйинг.

Бу — Маҳфузанинг овози эди.

—Нахотки, менга ишонмасангиз? Ўша куниёқ, сизни ўша биринчи марта кўрганимдаёқ буни сезган эдим. Маҳфуза, менга қарасангиз-чи!

Бу овозни ҳам танидим: Шавкат.

Билмайман, ўшанда менга нима бўлди, нимадандир ха-вотирланар, чўчир ва шу пайтнинг ўзидаёқ нимадандир қувонар эдим. Шунинг учун бўлса керак, жойимдан жилмадим. Чодирга бир зум жимлик чўкди. Лекин кўп ўтмай яна Шавкатнинг овози эшитилди:

— Нега индамайсиз? Ё мени...

—Ундай деманг. Йўқ, ундай деманг, Шавкатжон, — Маҳфузанинг овози қалтирарди. — Лекин мен сизга айтдим-ку, мени билмайсиз. Билганингизда бундай демас эдингиз. Айтсам... Мендан кулмайсизми?

Ш а в к а т. Йўқ, нега куларканман?

М а ҳ ф у з а. Кулманг, хўпми? Рост, менга бари-бир. Чунки энди ҳеч кимни севолмайман... Ҳа, севолмайман.

Ш а в к а т. Нима гап ўзи? Тинчликми?

М а ҳ ф у з а. Эшитинг... мен... мен... сиз ўйлаган, сиз орзу қилган қиз эмасман. Мен алданган, хўрланган, бахтсиз бир одамман...

Ш а в к а т. Қўйинг, Маҳфуза, ўзингизни қийнаманг. Менга бунинг кераги йўқ. Гапирманг.

М а ҳ ф у з а. Йўқ, энди айтмасам бўлмайди. Эшитинг, ҳаммасини эшитинг. Мен ўн уч ёшимда ўғай ота кўлида қолганман. Ойим оғир касалликдан вафот этган. Ўз отамни эса мутлақо билмайман. Урушда ҳалок бўлганлигини эшитганман, холос. Ойимнинг вафотидан кўп ўтмай ўғай отам уйланди. Уйланди-ю, бошим ғалвадан чикмай қолди. Ҳар куни гоҳ пулдан, гоҳ овқатдан жанжал чиқарди. Чидай олмадим. Шаҳардаги холамникига қочиб кетдим. Орадан тўрт йил ўтди. Мактабни битирадиган пайт келди. Шунда бир йигит билан танишиб қолдим. Кинода танишдим. Чиройли йигит эди. Пули кўп эди. Холам бўлса, ўз боласидан орттириб, менга кинога ҳам зўрға пул топиб берарди. Шунинг учун бўлса керак, мен ўзимни йўқотиб қўйдим. Бунинг устига у, сизни севаман, сизсиз турулмайман, деб кунда онт ичарди. Мактабни битирган куним у, бугун бир жойга йиғилсак, уйдан бир амаллаб чикинг, деди. Рози бўлдим. Кечкурун холамга алланималарни баҳона қилиб, уйдан чиқдим. Белгиланган жойда учрашдик. Кейин...

кейин... йўқ, айтолмайман, айтолмайман!..

Маҳфуза йиғлаб юборди. Томоғига бир нарса келиб қадалди. Шавкатнинг ҳам овози титрарди.

— Қўйинг, йиғламанг, — дерди у нукул. — Йиғламанг.

Кўп ўтмай палатка яна жимжит бўлиб қолди. Маҳфуза ўзини тутиб олди шекилли, йиғиси эшитилмай қолди.

— Фатхилла билади, — деди у бир оздан сўнг оғир хўрсиниб. — Бир маҳаллада турганмиз.

Бу гапни эшитдим у миямга бир нарса келиб урилди. Маҳфуза янги келган кундаги Фатхилланинг гаплари эсимга тушиб, ўзидан ўзи қўлларим мушт бўлиб тугилди. Мана, нима учун у мақтанган экан! Беихтиёр йўлга қарадим. Лекин ҳеч кимнинг қораси кўринмас эди.

— Кейин холам билан Ширинга кўчиб келдик, — гапида давом этди Маҳфуза. — Мана энди мени билдингиз. Фикрингиздан қайтгандирсиз?

Ш а в к а т. Йўқ. Энди қарорим қатъий!

М а ҳ ф у з а. Ачиняпсизми?

Ш а в к а т. Бу ачинишдан эмас. Сизни... севаман!

М а ҳ ф у з а. Шунча гапдан кейин-а?

Ш а в к а т. Ҳа.

М а ҳ ф у з а. Сиздан катта бўлсам ҳам-а?

Ш а в к а т. Ҳа. Мени қийнаманг, Маҳфуза. Севсангиз бўлди. Нима десангиз шуни қиламан. Севасизми?

Маҳфуза индамади.

Эртасига у ишга чиқмади. Кечқурун трестдан телефон қилиб, унинг бўшаб кетганини айтишди. Ҳамма хайрон эди. Ҳеч ким ўйлаб ўйининг тагига етолмасди. Фақат мен билардим. Лекин айтмадим. Нима кераги бор? Шу куни туни бўйи Шавкат мижжа қоқмай чиқди. Эрталаб ёнимга келиб, кетмоқчи эканини айтди. Рози бўлмадим. Шунда у, билмадим, нима учун шундай қилди, юрагини бўшатгиси келдими, ё бўлмаса, мени ўзига яқин олди:

— Мен Маҳфузани топишим керак, — деди.

Нима дея олардим? Хўп, дедим. Шу кунгек у ҳам кетди.

— Ҳа... — деди хаёлга чўмиб банк инспектори. — Шунақа севги ҳам бўлар экан.

Ҳеч ким индамади. Купеда жимлик ҳукм суради, фақат поезд ғилдиракларининг бир оҳангдаги тақ-тукигина бу жимликни бузиб турарди.

— Чойдан борми, инспектор? — деди анчадан сўнг Усмон ака кулимсираб.

Бу кулимсираш ўтирганларга жон киргизди шекилли, ҳамма жой-жойидан қимирлаб қўйди.

— Чой совиб қолибди-да, — деди инспектор термосни олиб.

— Майли, бизга бўлаверади.

— Марҳамат.

— Улар ҳозир қаерда экан? — деди ўзича кекса архивчи янги папирос тутатар экан, ўйчан ҳолда.

— Шу ерда, Тошкентда.

Усмон аканинг бу гапидан ҳаммамиз бир чўчиб тушдик.

— Кеча бирга эдик.

— Шавкат, Маҳфузалар билан-а? — ишонқирамай сўради инспектор.

— Ҳа. Иккови ҳам Қаршидан қурувчилар съездига делегат бўлиб келишибди. Кичкина қизалоқлари ҳам бор. Худди отасининг ўзи.

Усмон ака фахр билан ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди.

— Сиз съезддан келяпсизми? — сўради кекса архивчи.

— Ҳа.

— Баракалла, баракалла.

Унинг бу гапи кимга қаратилганини билиб бўлмади.

— Ҳа, айтгандай, съездда Восиқ ва Фатхилла ҳам бор эди, — деди Усмон ака. — Кеча кечкурун ҳаммамиз бизникида йиғилдик. Фақат Фатхилла келмади. Маҳфузаларнинг бўлишини билиб уялган чоғи.

— Баракалла, баракалла, — деди гапини чўзиб архивчи.

Банк инспектори унга бир қараб кўйди-да, кўзларини юмди. У хаёлга чўмган эди.

Мен купедан чиқиб, рўпарадаги деразанинг пардасини очдим. Ҳаво очиқ эди. Кўкда чарақлаб турган сон-саноксиз юлдузлар ва кулчадек ой биз билан баробар сузиб борарди.

1960

## ҲУСН

— Мана, сиз районда янги одамсиз. Ҳали қишлоғимиздагиларнинг ҳаммаси билан танишиб чиққанингиз йўқ. Аммо лекин, Маъпиратимни таниб олган бўлсангиз керак. Уни, мен сизга айтсам, танимаган одам йўқ, областда. Область қаёқда? Бутун, Ўзбекистонда деяверинг. Газеталардан номи тушмайди. Радиода ҳам икки гапнинг бирида уни тилга олиб туришади. Колхоз планни бу йил ҳам қойиллатиб бажарувди, мухбирларнинг, вакилларнинг кети узилмай қолди. Қани айтинг, шундай қиз билан фахрланмай бўладими? Кечкурунлари ҳориб-чарчаб ишдан келади, топган-тутганимни олдига қўяман. Бир пиёла чойни чала-чулпа ичиб, шундай столнинг ёнига чузилади-ю, донг қотади. Юмуқ кўзларига, чимирилган қошларига, алланималарни эслаб пичирлаган лабларига қараб дам қувонаман, дам дув этиб кўзимдан ёш келади. Рўмолимнинг учи билан юзимни бекитиб, йиғлаб оламан. Нега йирлайман? Нега бўларди, шу болам билан тортган азоб-уқубатларимни эслаб йиғлайман. Урушга қирғин келсин, урушга! Қанча одамнинг ёстиғини қуритиб юборди. Мен ҳам куёвимдан ажраганман. Невара кўрмай ажраганман. Ўртоқларига энди чакирув келганда ундан қорахат олдик. Не ҳасратда ўзи куёвли бўлувдим. Кўзингиз тушдим, тушмадим — билмадим, Маъпиратимнинг чап оёғи калтароқ, шундай тукқанман. Бола бечора шунинг устида қанча азоб тортмади? Ёшлигида эътибор қилмаган бўлса ҳам, эс-ҳуши тўлишганда одамови бўлиб қолди. Ўқишдан келади-ю, хонасига кириб кетади. Баъзида ўпкаси тўлиб, йиғлаб ҳам олади.

Кўпинча, ўртоқлари келиб-кетганда шунақа бўлади. Ёшлик эмасми, ҳали кинога чақиришади, ҳали клубга олиб чиқмоқчи бўлишади. Маъпират бўлса жим. Жуда қўйишмаса, бошим оғрияпти, дейди. Ишқилиб, баҳона топиб уйда қолади-да. Буни кўриб юрагим эзилади, томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди. Кечалари уйқим қочиб, худодан нолийман.

— Э, худо! — дейман зардам қайнаб. — Уни шундоқ яратгандан кўра, кўзимни кўр қилсанг бўлмасмиди?!

Ўнинчини битириб, институтга кирди. Қувончи ичига сиғмай кетди, мени бўлса ташвиш босди. Гуноҳ бўлса ҳам айтай, ким келин қилади, дейман-да. Бир йилнинг ичида беш-олтита ўртоғи эрга тегиб кетди. Маҳфуза дегани бор эди, бирам кўхлик, бирам келишган. Кўпинча дарс тайёрлаб, бизникида қолиб кетарди. Шу ҳам эрга тегди. Раиснинг ўғлига тегди. Она-бола бошлашиб тўйига бордик. Тумонат одам. Ҳовлига сиғмайди. Қизнинг ўртоқлари қўшайвонли данғиллама уйни эгаллаган. Дастурхонга йўқ нарсани тўкиб ташлашибди. Бир маҳал шаҳардан чиққан гажақдор ашулачи аёл дуторни чертиб «Тановор»ни бошлаб юборди. Торт-торт бўлиб кетди, ўйнамаган одам қолмади. Деразадан қараб турибман. Маъпиратим ҳам очилиб-сочилиб ўтирибди. «Э, худо, ишқилиб, битта-яримта эси паст ўйинга тортмасин-да» — дейман ичимда лабимни тишлаб. Йўқ, кўрққаним бежиз эмас экан. Маҳфузанинг ўзи ликиллаб келиб кўлидан тортса бўладими? Аъзойи баданим жимирлаб кетди.

— Қўй, билмайман, билмайман, — дейди қизим шўрлик.

Қани энди Маҳфуза кулоқ солса?!

— Менинг тўйимда ўйнамасанг, кимникида ўйнайсан? Йўқ дема! — дейди ўртага тортиб.

Одамлар ҳам унинг тарафида.

— Бўла қолинг, йўқ деманг, куттириб қўйдингиз, — дейишади ҳар чеккадан.

Маъпиратнинг бўлса юзи олов бўлиб кетибди. Сезиб турибман, жаҳли чиқиб кетяпти. Агар яна биттаси бир гап қилса, шартта чиқиб кетади-қўяди. Шу гапни қилишди. Ким қилди денг? Етти яшаридан бирга қўғирчоқ ўйнаб ўсган ўртоғи Маҳфуза қилди.

— Мунча ноз қилмасанг? — деди қошларини чимириб. — Сенга ким орзуманда эди, оёғингга қарайди?!

Тараша бўлиб қотиб қолдим. Ўзимга келиб, бундай қарасам, ҳовлида беш-олтита қиз Маъпиратни овутишяпти. Биттаси «хафа бўлманг», дейди. Биттаси «қолинг» дейди. Бир маҳал

рўмол ёпиниб, Махфузанинг ўзи чиқди. Мени кечир, аҳмоқман, деди. Аҳмоқ ҳам гапми, пастан, деб бетига тупурмоқчи эдим, қизимдан уялдим.

Шу куни она-бола мижжа қоқмай чиқдик. Жонидан ҳам азиз кўрган ўртоғи шундай дегандан кейин уйку келадими, ўғлим? Деразанинг олдига чўкка тушиб алланималарни шивирлайди. Мен бўлсам олдига боргани кўрқаман. Ўзингиз айтинг, шу топда уни қандай овута олардим? Шундай кун ўзимнинг бошимдан ҳам ўтган. Раҳматли Боқижон акангиз тўй куни гўшангада юзимга бир тарсаки туширган эди.

— Нега урасиз? — десам, дағ-дағ титраб:

— Юзингда холинг йўқ экан-ку, нега алдашади? — деса бўладими?!

Ҳали-ҳали эсимда, у кишига яхши кўринаман деб, бир-икки йил ўсмадан хол кўйиб юрганман. Шунақа жоҳил одамлар ҳам бўлар экан. Холим бўлди, нима-ю бўлмади нима? Кейинчалик кўникиб кетди, яхшигина яшадик. Бечоранинг умри қисқа экан. Маъпирим етти ёшлигида у қазо қилиб кетди. Дадасига ўхшаган шунақа жоҳил одамлар энди йўқ дейсизми? Битта-иккита бўлса ҳам бор. Шунақанинг кўлига тушиб қолса борми, одам ош ўрнига ҳар куни заҳар ютади-да. Лекин қизим, айланай, унақа бўлмади, дўст-душманинг олдида қаддим букилмади. Махфузанинг тўйидан бир йил ўтар-ўтмас раисимиз Ҳақимжон уйга кириб қолди.

— Қани, хола, битта кўк чой дамланг, — деди айвонга ўтиб.

— Чой сиздан айлансин, ҳозир-да, болам, — дедим-у, ўчоқ бошига югурдим. Ҳақимжон ҳам биллади-да, уйимда самовар доим шақиллаб қайнаб турмаса, кўнглим жойига тушмайди. Дарров чинни чойнақда чой дамлаб келиб, раиснинг олдига дастурхон ёздим. Нон синдирияпману, хаёлим бошқа ёқда. «Ҳеч бунақа одати йўқ эди Ҳақимжоннинг, доим типирчилаб турарди. Нима гап топиб келган экан?» — дейман ичимда.

— Хола, маслаҳат билан келдим олдингизга, — деди анчадан кейин. — Қизингизнинг бошини иккита қилиб кўйсак, нима дейсиз?

Нима дердим? Суюнишимни ҳам, суюнмасимни ҳам билмайман.

— Ҳа, ўйланиб қолдингиз?

Раис жилмайиб кўйди.

— Кошқийди, — дедим охири ўзимни босиб олиб. — Маъпиратнинг ўзи нима деркин?

— Нима дерди, хўп дейди. Менга қаранг, бунақа йигит етти ухлаб тушингизга кирмаган.

Ҳақимжон ҳамма гапни айтиб берди. Институтда Маъпиратнинг ўзи билан ўқийдиган бир йигит бор экан. Шу бола ошиқ бўлиб қолибди қизимга. Мен сизга айтсам, ўрталарида муҳаббат пайдо бўлибди. Йигит охири дадасига айтибди. Дадаси Ҳақимжонни ўртага кўйибди. Бирам севиндим, бирам севиндим. «Яхши одамлар ҳам бор экан-ку, дунёда» дейман ичимда.

— Хўш, тўйни қачон қиламиз? — сўраб қолди Ҳақимжон.

Ўйланиб қолдим. Ўйланмай бўладими?! Ҳамманинг ҳам ўзига яраша орзу-ҳаваси бор. Тўй қилсам, отаси йўқлигини билдирмай қилишим керак. Ўртоқларининг тўйидан яхши бўлса бўлсинки, ёмон бўлмасин.

— Қовун пишиғига қиламиз, — дедим қатъий қилиб.

Жавобим раисга ёқмади.

— Нима қиласиз чўзиб? Мен борман-ку, ёнингизда, — деди зарда билан. — Келаси яқшанбага қиламиз. Гап тамом. Ёшларни қийнаманг-да.

Нима ҳам дердим? Ҳақимжон раҳматли Боқижон акан-гиздан ҳам инжиқ. Хўп, дедим.

Энди мен сизга айтсам, шунақанги тўй бўлди, бу карнай-сурнайлар, бу саруполар... Ҳақимжон барака топкур, ўзи бош-қош бўлиб турди.

Аммо лекин, тўйдан кейин бир ҳафта ўтар-ўтмас, уруш деган касофат бошланиб, куёвимни, Шерзодимни ўз қаърига тортиб кетди. Она-бола бўтадек бўзлаб қолдик. Кўп ўтмай, Ҳақимжон билан ўғли Азимжонга ҳам баравар чакирув келди. Махфуза ҳам эмизикли боласи билан ёлғиз қолди. Ҳақимжон урушга кетди-ю, колхоздан ҳам путур кетди. Райондан биттасини

юборишувди, олти ойми, етти ойми ишлаб, колхозни қарз қилиб кетди. Ўрнига Худойкуловми, Облокуловми дегани келди. Унинг ҳам дарди қорнидан нари ўтмади. Фермадан ўнта қўйни бозорга юбориб, кетидан ўзи ҳам кетди. Шу кетганича ҳали ҳам бедарак. Э, болам, не кунлар бошимизга тушмади! Маъпират институтни ташлаб, далага чиқди. Хотин кишининг бошига бирон фалокат тушса, дарров гангиб қолади. Ўзини ўнглаб олгунча анча азоб чекади. Бизда ҳам худди шундай бўлди. Эркак зоти қишлоқда қолмади, десам бўлади ўшанда. Бор, йўқ эмас, лекин ҳаммаси ярим жон, хотиндан беш баттар нимжон. Худойкулов дараксиз кетгандан кейин ферма мудирлари бор эди, барзангидай йигит, билмадим, нима бало қилиб, урушга бормади қолган, шуни раис қилиб қўйишди. Оти қурғур тилимининг учиди турибди. Нима эди? Ҳа, Сотиболди.

Сотиболди ҳам олдингилардай учар чиқиб қолди. Сўлақмондай йигит идорадан чиқмай ўтирса, хунук кўринар экан. Эртаю кеч пул санаш билан овора. Зиёфат, ошхўрлик, норинхўрлик. Бунинг устига, бузуқ экан. Буни қаердан билдинг денг? Аҳвол ўзингизга маълум — оғир. Арпа нон, зоғора нондан бошқа нарсани халқ билмайди. Ҳафтада бир қозон қайнаса қайнайди, бўлмаса йўқ. Лекин бунга чидай олмаганлар ҳам бўлди. Шуларнинг биттаси Маҳфуза эди. Эридан қорахат келди-ю, Сотиболдининг тузоғига илинди-қўйди. Маъпиратнинг жиғибийрони чиққанини кўрсангиз ўшанда. Кўзига ҳеч нарса кўринмайди. «Паст-пастлигини қилди» — дейди нуқул. Бир куни чидолмай:

— Раис билан алоқангни ё қонунлаштир, ё қишлоқдан чиқиб кет! — дебди.

Бу гап Маҳфузага таъсир қилганми ё қўрққанми, ис чиқариб, тўй қилишди. Маъпират бормади. Қизим бормагандан кейин менга бало борми? Тўйдан уч кун ўтди чамам-да, райондан милиса келиб, Сотиболдининг уйини босди. Очофат ўлгур колхознинг неччи минг пулини йўқ қилиб юборган экан. Кесилиб кетди. Шундай хуснига бино қўйган Маҳфуза нима бўлди? Эски тос, эски ҳаммом, итнинг ке-йинги оёғи бўлиб қолаверди. Ҳозир нон заводда историж эмиш. Сотиболди қамалгандан кейин Маъпиратни раис қилиб кўтаришди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, раислик осон ишми? Дастлабки йиллар, айниқса, қийин бўлди. Бечора қиз ишни нимадан бошлашни билмайди денг.

— Районга боргин, маслаҳат беришсин, — дедим.

Борди, маслаҳат беришди. Аввало одамлардан ҳол-аҳвол сўраб чиқинг, дейишибди.

Шундай қилди. Молининг хашаги тамом бўлганга хашак берди, томидан чакка ўтганнинг томини суватди. Тўғриси ҳам ўзи шу-да! Одамнинг дастлаб уйдан кўнгли тўқ бўлиши керак. Уйи тинчми, қанча иш десангиз қилаверади. Бизда ҳам шундай бўлди. Бир-икки йилда оёққа туриб олдик. Ҳозир бўлса, ўзингизнинг хабарингиз бор, районда бизнинг колхознинг олдига тушадиган колхоз йўқ. Аммо лекин, мен сизга бир сирни айтай. Қизим билан раис бўлмасдан олдин сира уришмасдик. Энди анча-мунча жанжаллашиб турамыз. Қўлимда битта сигир бор. Жонивор жуда серсут, сузсангиз қаймоғи бир энлик келади. Бир куни фермага қирдан пичан ташишаётган экан, бирам ҳавасим келди, бир арава ташлаб кетинглар, дедим. Маъпиратнинг ўзи районда эди. Болалар ҳам сўзимни иккита қилмай ташлаб кетишди. Эсим бўлса шундай қиламанми? Кечқурун Маъпир келди. Эшикдан кириши билан кўзи бир ғарам қилиб уйиб қўйилган пичанга тушди-ю, лаблари чўччайиб кетди:

— Пичан қаердан келди? — деди ўқрайиб.

— Қирдан келди. Нима эди? — дедим пинагимни бузмай.

— Уялмайсизми, ойи? Бу ахир колхознинг пичани-ку?

Индамадим. У ҳам индамади. Индамай овқатни едик.

Эрталаб ҳали хўроз қичқирмасдан кимдир елкамни туртади. Туриб қарасам, Маъпир.

— Ҳа, — дедим. — Тинчликми?

— Тинчлик, манави пулни олинг. Хашак керак бўлса бозорга тушинг. Ё правлениега ариза беринг.

Шундай деди-ю, тасир-тусир қилиб чиқиб кетди. Ярим соат ўтар-ўтмас кечаги болалар

қовоғидан қор ёғилиб, пичанни ташиб олиб кетишди. Бирам алам қилди. Шундай қилгани ҳам бир ҳисобда яхши. Халқнинг мулки бўлгандан кейин, халқдан сўраб олиш керак-да.

Хуллас, мен сизга айтсам, мен қизимни билмас эканман, ё у ишга шўнғиб кетди-ю, ўзгарди-қўйди. Майли, қайси тўғри бўлса, шунга розиман. Чунки боламан энди, чўлоқман, деган гап қийнамайди. Уззукун одамларнинг орасида. Тунов куни қизиқ бўлди. Аълобуш деган қўшним бор. Қизим бўйга етганда, чўлоқ, уни ким оларди деб, устидан кулганини ўзим эшитганман. Шу совчи юборибди. Мен сизга айтсам, бирам жаҳлим чиқди, бирам жаҳлим чиқди...

—Ҳа, — дедим, — қизим илгари керакмасди, энди, раис бўлгандан кейин керак бўпти-да? Аълобушга бориб айтинг, қўчада қолган қизим йўқ.

Шундай дедиму, дастурхоннинг устини ёпдим-қўйдим.

Кечкурун Маъпир келганда айтиб берувдим, роса кулди, унга қўшилиб мен ҳам кулдим. Куладиган гап-да ўзи, айланай.

Лекин, мен сизга айтсам, Маъпирим, баъзида иши камроқ бўлса, ё бирон нарсадан димиқиб келса раҳматли Шерзодиннинг суратига қараб ўтиради-да, йиғлаб олади. Шундай пайтларда мен ҳам ўзимни тутиб туролмайман.

—Қани энди, куёвим бўлса-ю, иккаловининг роҳатини кўриб ўтирсам. Шунчалик ҳам бераҳм бўласанми, худо? — дейман ўпкам тўлиб.

Баъзида, бу ташвиш бир менинг бошимдамас-ку деб, ўзимни овутаман.

Яқинда чидай олмадим. Идорадан эртароқ қайтувди, юрагимга анчадан бери туғиб қўйган гапимни тўкиб ташладим:

—Болам, — дедим секин, — қачонгача ёлғиз юрасан? Шерзод акангнинг хурматини қилиб, шунча юрдинг, етар. Мени ҳам ўйла. Бир оёғим ерда бўлса, бир оёғим гўрда, неvara кўрсам деган ниятим бор.

Биласизми, нима деди? Аввал бошимдан оёғимгача бир разм солиб чиқди. Кейин лаблари титраб:

—Ойи, бу гапни бир гапирдингиз, — деди, — иккинчи гапирманг. Шерзод ака юрагимда. Уни олиб ташлай олмайман. Иннайкейин, нега ёлғиз бўлар эканман?! Мана, Маҳфузани ёлғиз деса бўлади. Яна эрга тегибди. Ўғли номусига чидолмай кетиб қолибди. Ана унга ачининг.

— Нима дердим? Ҳеч нарса демадим. Ўзи хурсандми, бахтлими, шунисига мингдан-минг розиман. Аммо лекин, бугун яна бир жанжаллашиб олдик. Аслида, шу жанжал баҳонаси билан олдингизга келганман.

Беш-олти кундан бери, биқиним санчади, дейди. Бугун ҳам идорага чиқиб ўтиролмабди, уйга келиб ётиб олди. Овқатни вақтида емагандан кейин, уйқусида ҳаловат бўлмагандан кейин ҳар қандай темир биқин ҳам санчади-да!

— Дўхтирга қаратгин, — дедим.

—Вақт йўқ, ойи. Райкомга боришим керак. Элликта янги уй қурмоқчимиз, шунинг планини кўрсатиб келаман, — деди.

Жаҳлим чиқиб кетди.

— Эртага кўрсатсанг осмон узилиб ерга тушадими?

—Тушади. Ваъда берганман. Райкомда ҳозир янги одам. Бормасам, уят бўлади, — деди.

Йўқ, бир амаллаб кўндирдим.

—Планингни менга бер, ташлаб келаман. Ўзи ўша ёқда ишим бор. Сен дўхтирни чақир! — дедиму, бу ёққа югурдим.

Энди мен сизга айтсам, болам, янгисиз. Биз томонларга ҳам борарсиз. Шунда эсингизда бўлсин. Маъпиримни бир уришиб қўйинг. Сағал ўзига қарасин. Қарамаса, мана бугунгидай ётиб қолади. Етиб қолса, қувончи йўқолади.

Отда қамчин ўйнатиб, далама-дала юрганини кўрганмисиз? Қиз бола бўлсаям шундай ўзига ҳусн бўлиб тушган. Ана шу ҳусни йўқолмасин дейман-да, болам.

1961.

## БОБОЁНҒОҚ

Ғуломқодир ота айвоннинг бурчагидаги устунга суяниб ўтирарди. Уч кундан бери у шундай, оқшом бўлди, тамом, ўзи биринчи ғиштани қўйган болохонали уйнинг олдидаги очик айвонга ўтириб олиб хаёл суради. Илгарилари бундай эмас эди, қоронғи тушдими, бўлди, эшикни орқасидан занжирлаб чойхонага чиқиб кетарди. У ерда ошна-оғайнилари, ўртоқлари билан гурунглашиб ярим кечада қайтарди. Фақат якшанба кунлари ҳеч қаяққа бормай, уйда бўларди. Интернетда ўқиётган невараси, ўн тўрт ёшга энди қадам қўйган Мамадалини кутиб ош дамлаб ўтирарди. Мамадали ҳам бувасига ўхшаб паловни яхши кўради. Айниқса, пўстдумба солинганини. Ғуломқодир ота буни билиб, ҳар шанбада бозор қилиб келади. Баъзида Мамадали бундан хафа бўлиб қўяди.

— Нима қилардингиз овора бўлиб? — дейди лабларини осилтириб. — Кошки бозор яқин бўлса!

— Э, болам-а, қари одамга овораси бор эканми, — жавоб қилади Ғуломқодир ота бепарвогина, лекин ичида неварасининг меҳрибонлигидан хурсанд бўлиб қўяди. — Бизнинг авлод ўзи ошхўр авлод. Даданг раҳматли иложи бўлса кунда ош қилдирарди. Ойинг ҳам. Балнисада ҳам ошдан бошқа нарса эмасди.

Ғуломқодир ота шундай дейди-ю, ўйлаб кетади. Қовоқлари бужмайиб осилиб тушган йирик кўзлари устидаги узун, лекин сийрак кул ранг қошлари чимирилади. Лаблари бир-икки тортилиб, гапга тушиб кетади. Ғуломқодир ота ўтмишни эслаб анча ўзини ранжитишини билса ҳам ўғли, келини ва кампирини гапиришни яхши кўрарди. Мамадали улар ҳақида жуда кўп эшитган бўлса ҳам, бувасининг гапини бўлмайди. Дикқат билан кулоқ солади. Ойисини у эс-эс билади. Уч ёшлигида касалхонада вафот этган. Оппоқ, тўладан келган хотин эди ойиси. Доим кулиб турарди. Бир марта у буваси билан касалхонага борганда — баҳормиди ўшанда — иккала кулоғига қўшалок гилос тақиб қўйган. Дадасини эса кўрмаган, фақат уйнинг тўрида осифлик турган суратидан билади. Иннайкейин, Германиянинг қайси бир шаҳрида, номини айтишга тили келмайди, мина портлаб ҳалок бўлганини эшитган. Бунга анча бўлди. Шу-шу катта ҳовлида буваси иккалови туришади. Колхозда интернат очилганда Ҳаким ака уни олиб кетди. Кейин билса, Ҳаким ака дадасининг ўртоғи экан, бирга фронтда бўлишган экан, интернатда она тили ва адабиётдан дарс беради. Буваси уни яхши кўради. Ҳаким акангнинг айтганини қил, бўлмаса шартта кулоғингни кесиб ташлайман, дейди кўпинча ҳазиллашиб. Тўғриси, илгари шундай дерди. Ҳозир Мамадали катта бўлиб қолган, бувасидан энди бунақа гап эшитмайди. Энди бува билан неvara тенг одамдай гаплашишади. Буваси гапиради, Мамадали тинглайди. Шунинг учун ҳам у кўп нарсани билади.

Ғуломқодир отанинг гапи қоронғи тушганда ҳам тамом бўлмайди, шунда Мамадали секингина:

— Бува... — деб, юлдузларга ишора қилади.

Ғуломқодир ота милтиллаб бирин-кетин ёнаётган сарғиш юлдузларга қараб, аввал ҳеч нарсани тушунмайди, кейин неварасига кўзи тушиб, интернат эсига келади. Гап узилади. Катта қизил пиёладаги совиб қолган кўк чойни йигитларга хос шахд билан симиради-да, неварасига тикилиб жилмайиб қўяди. Мамадали бувасининг шу жилмайишига ишқибоз. Жилмайганда кўзлари кичрайиб, икки чаккасида йирик-йирик учта чизик пайдо бўлади. Йўғон даҳанини қоплаб турган кўкимтир соқоли ёйилиб, серсавлат бўлиб кетади.

Ғуломқодир ота шу жилмайганича, бир-икки йўталиб:

— Қани, дўхтир, даптаризни кўрсатинг-чи, — дейди.

Нега «дўхтир» дейди, Мамадали билмайди. Дарров папкасидан кундалик дафтари олиб кўрсатади. Ғуломқодир ота ундаги қатор бешларни кўриб, жиддийлашади, чаккасидаги чизиклар йўқолади, соқоли жойига тушади. Эҳтиётлик билан дафтари хонтахтага қўйиб,



шошмасдан арабчалаб кўл кўяди. Ўзининг исмига узоқ тикилиб, дафтарни ёпади-да, неварасига қайтаради.

— Баракалла, — дейди вазминлик билан, — баракалла.

Бобо билан неваара шундан кейин интернатга йўл олишади. У ердан қайтиб, вақт хали эрта бўлса ҳам, Ғуломқодир ота чойхонага бормади, тўғри уйга киради-да, ҳозиргина невараси ўтирган жойга ўтириб, мириқиб чой ичади, эртасига қиладиган ишларнинг режасини тузади. Хўжаликнинг ўн гектарлик ёнғоқзори унинг қарамоғида. Эртадан кечгача ўша ёқда бўлади. Кечқурунлари ўртоқлари олиб кетишади ё чойхонага чиқади. Уч кундан бери эса ҳеч қаёққа бормади, фақат уйда. Қишлоқ кенгашининг раиси келиб кетгандан бери шундай бўлиб қолди.

Гап шундаки, Ғуломқодир отанинг уйи бузиладиган бўлди. Қумарик билан Қорасув қишлоқлари бирлашиб ўртадан катта кўча ўтар экан. Кўча шундай Ғуломқодир отанинг уйини кесиб чиқар экан. Ота уйнинг бузилишига қарши эмасди. Қишлоқ обод бўлса, катта-катта кўчалар тушса, ким қаршилиқ қилади. Бунинг устига ҳукумат йўлнинг устига, қишлоқ марказига уй қуриб берса! Ғуломқодир ота қишлоқ кенгашининг раисига ҳеч нарса демади. Фақат маъқул дегандай бошини энгаштириб соқолини тутамлаб кўйди. Лекин ёлғиз қолди-ю, бир нарса юрагини чимчилаб кетди. Меваларни нима қилади? Шундай ташлаб кетаверадими? Ўн туп олма, ўн туп гулос, ўрик, шафтолилар нима бўлади? Ёнғоқ-чи, ёнғоқни нима қилади? Кун қизиқ кетган саратон пайтлари терак бўйи келадиган шу бобоёнғоқнинг остидаги супада у дам оларди. Кузда эса учига япалоқ тунука қоқилган хода билан қоқиб, неварасининг ўртоқларига бир этак-бир этак улашиб чиқарди. Қишлоқда шу ёнғоққа суқ билан қарамаган одам йўқ эди. Қулочга сиғмайдиган танаси, бўйи, ҳосилининг таърифи ён-атрофдаги қишлоқларда ҳам дoston бўлиб кетган эди. Ҳаммадан ҳам унинг тарихи қизиқ эди.

Ғуломқодир ота кураш йиллари эскадронга командирлик қилган. Ҳовлисидаги бобоёнғоқни шу йиллари ўтказган.

Бир куни у ғаним одамларини қувиб ўз қишлоғидан ўтиб кетаётганда, кўча лабида қонга бўялиб ётган чолни кўриб қолади. Шартта отини тўхтатиб тушади-да, унинг ёнига боради. Чолнинг афт-башарасини таниб бўлмасди. Ҳамма ёғи қон, лой. Бир кўзи оқиб тушган, Афтидан, отнинг думига боғлаб судрашганга ўхшайди. Қўлида эса ингичка бир таёқча бор эди. Худди бир қимматбаҳо буюмдай маҳкам чангаллаб олибди.

Ғуломқодир ота узоқ тикилиб туриб уни танийди. Бу одам қишлоқ мутаваллиси Саидазим деҳқон эди. Қўлидаги таёқча эса эндигина ниш урган ёнғоқ кўчати эди.

Ғуломқодир ота икки йигитга деҳқоннинг жонсиз мурдасини топшириб, унинг қўлидан кўчатни секингина бўшатиб олади-да, ўзи билан олиб кетади. Жангдан кейин, ғанимлар ўт кўйиб кетган уйига тушиб, ҳовлининг ўртасига ўтқазиб кўяди.

Бобоёнғоқнинг тарихи ана шундай. Хўжаликнинг ёнғоқзори ҳам асосан шу ёнғоқнинг уруғидан.

Мана шундай гапларнинг сабабчиси бобоёнғоқ энди қирқиб ташланади. Ўрнига кўча тушади.

Ғуломқодир ота ер остидан унга қараб кўйди. Ёнғоқнинг бутун ҳовлига соя ташлаб турган япалоқ барглари кечки шамолдан худди қуроқнинг қўшпирпирагидай ёқимли шитирларди. Ғуломқодир ота анчагача шу овозга маҳлиё бўлиб ўтирди. У бу овозни кунда эшитса ҳам, қулоқ солиб тўймасди. Кўм-кўк, нимранг, сарғиш барглари кунда ингичка оҳанг кашф этиб шитирларди. Баъзида улар отага ёшлигини, кўча чангитиб от чопган, қилич ўйнатиб юрган навқирон йигитлик йилларини эслатиб юборарди. Баъзида эса унинг ҳозирги тинч, сокин ҳаётини кўз олдига келтириб, майин шабадада оҳанрабо «сайқал»дек тебранарди. Бундай пайтларда Ғуломқодир ота ўзининг анча кексайиб қолганини ҳам, илгариги қуввати йўқлигини ҳам унутарди. Йирик қорамтир қўлларидаги ҳисобсиз чизиқларга тикилиб, кўнгли тўлишарди-да, «ха, хали кўп ишга ярайсан, чол», деб кўярди.

Қош қорая бошлади. Шабада совиди. Ғуломқодир ота ҳамон жойидан кимирламасди. Ёнғоқнинг айвон тарновига чузилиб келган ингичка шохидан иккита чумчуқ «пир» этиб ерга тушди. Чик-чириқлаб ўчоқ ёнидаги қум уюмига яқинлашди. У ёқ-бу ёққа бир-икки қараб олиб, ҳафсала билан чўмила бошлади.

«Ёмғир ёғади, — деди ичида ота буни кўриб. — Чўмилишини қара, сув кўрмаган одамга ўхшайди-я!»

Битта чумчуқ қанотларини ёзиб сакрай бошлади. Иккинчиси узала тушиб ётиб олди.

«Бозорга бориш керак, — хаёлидан ўтказди Ғуломқодир ота. — Айтгандай, бугун кун нима ўзи? Жумами, шанбами?»

У қишлоқ кенгашининг раиси келган кунни эслади. Сешанбада келган эди. Демак, бугун жума. Эртага бозорга тушса бўлар экан.

— Келмаса бўларди шу ҳафта, — деди овозини чиқариб.

Шундай деди-ю, ўзининг овозидан ўзи чўчиб кетди. Атрофга аланглаб қараб чикди. Ҳовли жимжит. Фақат ариқда бир бақа завқ билан қурилларди.

— Тавба, ўзимдан ўзим чўчийдиган бўб қопманми? — ота ранжиб гапирди. Илгари бунақа одатим йўқ эди, шекилли. Ҳа... келмаса бўларди. Мамадали тушмагур жуда зийрак. Мени кўриб анча ўксинади. Яхшиси ўзим бориб кела қолай. Ҳали кун узок.

Ғуломқодир ота шундай деб ўрнидан турди, ҳовлига бир-икки разм солиб, ёнғоқнинг тагига борди, бирпас тикилиб турди-да, ўзининг бўйнидек тўр боғлаб кетган танасига шапиллатиб уриб кўйди.

— Ҳа, жонивор, қаримайсан-а, қаримайсан, илигинг бақувват. Майли, яшаб қол. Неча кунлигинг бор экан ҳали.

Аллақаерда чигиртка чириллади, қурбақанинг қурқури авжига чикди. Қуёш бўзариб, пахса деворнинг орқасига беркинди. Шамол ёнғоққа бирдан ёпирилиб, аллақаердан пиёздоғнинг хидини олиб келиб димоққа урди.

— Шунақа, ошна. Неча кунлигинг қолди, билмайсан.

Ғуломқодир ота оғир хўрсиниб, эшик томон юрди. Интернатга етганда ўзидан ўзи тўхтаб қолди.

«Нима қиламан кириб, безовта қилиб? — деди ичида. — Нахотки тушунмаса, хабари бор-ку!»

Шу фикр ўзига маъқул тушди шекилли, орқасига қайтди. Қишлоқ марказига етганда чойхонада чирок кўринди. Ота бунга эътибор бермади, битта-битта қадам ташлаб, уйи томонга йўл олди...

Эрталаб, ҳали хўроз қичқирмасдан ўрнидан турганда, кўк бетини булут қоплаган, ҳатто ёмғир бир-икки томчилаган ҳам эди. Ота ҳовлига тушиб ариқ лабида ювинди-да, самоварга ўт ташлаб юборди.

— Майли, ёғсин, меваларнинг танаси яйрайди. Ё тўғримасми?

У энди ўзи билан ўзи овоз чиқариб гаплашишга кўникиб қолган эди.

— Тўғри. Сув бўлади-ю, зиён қиладими? Ҳали саратонга эрта. Энди ўрик думбул бўлди. Ёнғоқ-чи, ёнғоқ ҳали шундоқ сут.

Ғуломқодир ота шундай деди-ю, ичини алланарса тимдалаб кетгандай бўлди. Самоварнинг ёнида туриб, ўйлаб кетди.

— Чакки бўлди, чакки. Увол кетади.

У оппоқ яктаги ёмғирдан ивиб кетаётганига ҳам, қар-найи ағдарилиб, самовар ўчиб қолганига ҳам парво қилмасди. Кўзлари олмадан ўриққа, олчадан шафтолига ўтиб, беихтиёр ёнғоққа тушарди. Назарида ёнғоқ кушхонанинг хидини сезиб, бўғилиб-бўғилиб маъраган сигирдай йиғларди. Ёмғирнинг ёнғоқ баргларини тебратиб, бир охангда шитирлатиши яна нимани эслатиши мумкин?

Ғуломқодир ота сесканиб кетди.

— Ё тавба, бу нима кўргилик ўзи? Бунчалик бўш эмасдим-ку!..

Шу пайт кимдир уни чақириб қолди. Ота ўзига келиб эшик томон юрди. Абдужалил ака билан қишлоқ кенгашининг раиси экан.

— Тузукмисиз? Кеча чойхонада кўринмадингиз? — деди Абдужалил ака унга қўл узатиб. — Янгийўлдан Сайфи кизик келган экан, ярим кечагача ҳангамаллашиб ўтирдик. Ё тоб йўкми?

— Йўк, отдайман. — Ғуломқодир ота базўр жилмайиб гапирди. — Қани, ичкарига.

— Хўш, бу янги уйга қачон кўчасиз? — сўради қишлоқ кенгашининг раиси, айвонга кўтарилишганда. — Ё уй ёқмадимми?

— Нега? Уй яхши. Қачон десангиз ўтаверамиз. Икки кишига бундан ортик яна нима керак?

Ғуломқодир ота кулиб қўйди.

— Ундай бўлса, ҳали одам юборайлик. Керакли нарсаларни кўчиришсин.

— Дарахтларни нима қиламиз? — гапга аралашди Абдужалил ака. — уларни кўчириб бўлмайди-ку!

— Қиркилади-да, — чолнинг ўрнига жавоб қилди раис. — Бу ахир проблемамас-ку.

— Нима?! — сўради Ғуломқодир ота унинг сўнги сўзига тушунмасдан.

— Бу қийин масала эмас, деяпман. Баҳона билан қишга ўтинли бўлиб қоласиз.

Ғуломқодир ота сесканиб кетди. Эндигина ёзмоқчи бўлиб турган дастурхони кўлида тахлоғлигича қолди. У нима дейишини билмасди. Ранги ўчиб, лаблари титрарди.

— Ёмғир ҳам тинди, — деди Абдужалил ака ўрнидан кўзғалиб. — Бу йил мева йили бўлди-да, ўзиям.

Ота индамади.

— Ҳай, биз турдик. Ҳали кўришармиз-а, боғда ота?

Абдужалил ака шундай деди-да, ўрнидан туриб эшикка юрди. Кетидан қишлоқ кенгашининг раиси турди.

— Одамлар келишганда ишни дарахтлардан бошлай қолишсин. Бу ёнғоқни ағдариш ҳам ҳазил эмас.

— Йўк.

— Лаббай?

— Йўк, одам керакмас. — Ғуломқодир ота қишлоқ кенгашининг раисига эшикни кўрсатиб гапирди. — Марҳамат. Ўзим қирқиб бераман.

— Йўғ-э, қўйинг...

— Қўйинги бор эканми, ўзим қирқаман. Вассалом. Ўтинни тўғри сизникига олиб бориб ташлайман!

— Йўғ-э, тўхтанг. Нима деяпсиз ўзи? Абдужалил ака, бу ёққа қаранг! — Бироқ Абдужалил ака қарамади. У аллақачон кетиб қолган эди. — Ахир мен сизнинг фойдангизни ўйлаб гапиряпман. Тушунинг.

— Тушундим, тушундим. Хайр.

Ғуломқодир ота эшикни шартта ёпиб орқасига қайтди. Унинг бутун вужуди титрарди.

— Ўтин эмиш! Ўзингни ўтин қилиш керак!

У янада аччиқроқ бир гапни айтмоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаганди-ю, лекин тилига ҳеч нарса келмади.

— Тавба! — деди алам билан, бироқ бу сўз қишлоқ кенгашининг раисига қаратилганмиди, ўзигами, билиб бўлмасди.

Айвонга келиб, устуннинг ёнида турган бир коса яхна чойни охиригача симирди-да, мўйловини енги билан артиб ёнғоққа қараб қўйди. Кейин тез-тез юриб кўчага чиқди. Кўча жимжит. Ҳеч зоғ йўк. Фақат иштончан бир бола йўл четига ўтириб олиб «ҳаммопиш» ўйнади. Ғуломқодир отани кўриб, бола оғзини катта очиб илжайди. Узоқдан, ёнғоқзор томонидан том

баравар беда ортган ҳўкиз арава кўринди. Ота шу томонга юрди. Бугун шанбалиги, бозорга бориши кераклиги хаёлидан кўтарилган эди.

Кечкурун у уйга қайтганда чехраси анча очиқ эди. «Боғ аро қўйсам қадам»ни ярим овозда хиргойи қилиб, гўшт тўғради. Ўчокқа олов ёқа туриб, нимадир эсига тушиб кетди-да, овозини баралла қўйиб кулди.

—Оббо Абдужалил тушмагур-эй!! Ёнғоқ жиннисисиз, дейди-я. Ўзинг-чи, хўш, ўзинг нима жиннисисан? Улоқ чопаман деб, иккита тўриқни уч йилдан бери боқтириб ётганингни билмайманми? Ҳар бир киши бир нарсага ихлосманд бўлади. Мен ёнғоқни яхши кўраман. Бунга раҳматли Саидазим ака, мана шу ёнғоқ сабабчи бўлган.

Ғуломқодир ота девдек қулочини ёзиб турган бобоёнғоққа қаради-ю, дарров кўзини олди. Нимагадир икки қулоғининг учи қизариб кетганини сезди.

— Ҳа, мана шу ёнғоқ сабабчи бўлган...

У шундан кейин қандай қилиб овқат пиширганини бил-мади. Пишганда эса томоғидан ўтмади.

—Мамадали бўлганда ҳозир яхши бўларди, — деди хўрсиниб каравотга чузилар экан. — Иккаламиз гаплашиб ётардик. Нега энди менинг ҳовлимдан кўча ўтаркан? Жуда ҳозир зарурмиди, шу?! Ўтинмиш-а, ўтин!

Ота ҳовлига назар ташлади. Қоп-қоронғи тун, ҳовлида ҳеч нарса кўринмасди. Деворда қандайдир чўзинчоқ шарпалар сузиб юрарди. Бу баргларнинг сояси, ёнғоқ баргларининг сояси. Ота уларга тикилиб-тикилиб, кўзи илинганини сезмай қолди.

Эрталаб нимадандир чўчиб барвақт уйғонди. Боши ғувилларди. Анчагача каравотда оёқларини осилтириб ўтирди. Алланарсаларни ўзича шивирлади. Кейин, одатича, ариқ лабида ювиниб, хужрага кирди. Бу ерда унинг дурадгорлик асбоблари турарди. Асбоблар хужра деворларига қатор қилиб, бир текисда қоқилган михларга осилган эди.

Ғуломқодир ота қўларра билан тешани олиб ёнғоқнинг тагига келди. Юраги дук-дук ура бошлади. Ҳаво салқин, шабада эсиб турган бўлса ҳам, пешонасида тер йилтиради.

—Мамадали келгунча бир ёқлик қилиб қўяй. Тагин бувам битта дарахтниям кесолмади, бўш экан, демасин.

У шундай деди-ю, аррани ёнғоқнинг метин бўлиб кетган танасига солди, бироқ тортолмади, қўли титраб арра тушиб кетди.

Ғуломқодир ота ичида севиниб қўйганини пайқади.

—Йўк, лозим бўлгандан кейин кесиш керак. Бу нима деган гап ўзи? Ҳар ким ўзи эккан нарсани ўзи кесолмаса, қаерга кўча тушади-ю, қаерга иморат қурилади. Қорасувгаям ҳозир ёнғоқ зарурми, кўча зарурми? Албатта, кўча. Кесиш керак.

У кўлига яна аррани олди.

— Оббо чол-эй, мунча ивирсийсан? Солсанг-чи, сол. Нега қўлинг титрайди? Сол!

Шу пайт қандай куч билан аррани улоқтириб юборганини ўзи сезмай қолди. Ғуломқодир ота ҳансираб у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради-да, уйдан чиқиб кетди. Тўғри идорага борди. Абдужалил ака қишлоқ кенгашининг раиси билан қандайдир қоғозни кўриб ўтирарди.

Ғуломқодир отага кўзи тушиб, қишлоқ кенгашининг раиси секингина:

—Келинг, — деди-ю, қўл узатишини ҳам, узатмаслигини ҳам билмай, қизариб кетди.

—Абдужалил! — деди ота саломлашишни унутиб. — Машина бер, кўчаман.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, беш-олти киши отанинг юқларини машинага жойлаб, янги уйга олиб кетишди. Ҳувиллаган ҳовлида отанинг ўзи ёлғиз қолди. У қандайдир гуноҳкор назар билан бобоёнғоққа тикилиб, айвоннинг бурчагида ўтирарди. Шу алпозда у қанча ўтирди, билмайди. Бир маҳал олдида жилмайиб турган неварасини кўрди-ю, севинчданми, ё хўрлиги келганиданми, кўзларида ёш йилтираб кетди.

—Келдингизми, ўғлим, — деди у юзини яктаги ичига яшириб. — Сизни кутиб ўтирибман.

Ошни энди янги уйда қиламиз-да, а? Кўрганмисиз?

— Анча бўлган, — деди Мамадали гўё сири очилгандай уялинқираб. — Абдужалил ака кўрсатганлар. Шунақа ҳам чиройлики!..

— Қани, бошланг бўлмаса.

Мамадалининг гапи тўғри чиқди. Янги уй ҳақиқатан ҳам чиройли эди. Катта ҳовли, тўрт хонали уйнинг олдида баланд айвон.

Ғуломқодир ота янги ўчоқда ош дамлар экан, эски уй томондан бульдозернинг овозини эшитиб, кўнгли яна бузилди, руҳи тушиб кетди. Аммо дарров ўзини тутиб, неварасига сездирмаслик учун ўзи севган «Боғ аро кўйсам қадам»ни хиргойи қила бошлади. Бульдозернинг овози эса тун бўйи тинмади.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Мамадали буvasини янги кўчага бошлаб борди. Ғуломқодир ота ўша томонга бормасликни қанчалик истамасин, неварасининг раъйини қайтаролмади. Кўчани бирпасда ўтказишибди, ҳатто тош ҳам ётқизишибди.

Уйга яқинлашар экан, юраги увуша бошлади. Ана, ҳов анави жойда айвон бор эди. Энди йўқ, теп-текис бўлиб кетибди. Ариқдан ҳам асар қолмабди. Ий-е, янги ариқ қазилибдими?

Ғуломқодир ота ариқ кетган томонга разм солди. Шу пайт... Шу пайт қай кўз билан кўрсинки, кўчанинг лабида бир дарахт, ўзига таниш баҳайбат дарахт савлат тўкиб турарди. Тагида ҳаво ранг скамейка. Нега илгари кўрмади. Бу ахир ёнғоқ-ку! Ўша ўзи ўтказган бобоёнғоқ!

Ғуломқодир ота нима қилишини, нима дейишини билмасди. Кўзларида ёш йилтирарди. У энди бунга яширмасди. Мамадалини маҳкам бағрига босиб:

— Раҳмат, раҳмат, — дерди.

Мамадали бу сўзлар кимларга қаратилганини яхши биларди.

1961

## МЕХР

Ҳар куни саҳарда, ҳали қуёш чиқмасдан сайр қилиш одатим бор. Кўчага чиқаман, анҳор лабида айланаман, кейин боққа ўтаман.

Эрта тонгда боғнинг хусни ўзгача бўлади. Ҳаво муздек, бунинг устига тиниқ. Қушлар шохдан-шохга ўтиб сайрайди, гоҳ олисда, боғнинг орқа томонида, гоҳ шундай тепангизда какку кукулайди. Читтак ўйнашиб оёқларингиз орасида ўрмалайди ё пир этиб юзингизни силаб ўтиб кетади.

Бўм-бўш турган саҳналар, камалак тус скамейкалар эса чумчуқ галалари ихтиёрида. Гур-гур учиб, дон излашади.

Шундай тонгларнинг бирида боғда айланиб юрган эдим, катта саданинг тагида ўзимга таниш чол — боғ қоровулини кўриб қолдим. У супургига иягини тираб хомуш турарди.

Яқинроқ бордим. Алланарса жонҳолатда чирқилларди. Чолнинг қулоғи шунда. Овоз гоҳ тинади, гоҳ кишини сескантириб чирқиллайди. Анча қулоқ солиб турдим. Чол ҳам жойидан қимирламасди. Кўзлари ўйчан. Бир маҳал супур-гисини ташлади-ю, саданинг орқасидаги экиннинг ичини чўккалаб олиб тита бошлади.

Канча вақт титкилади, билмадим, ўрнидан турганда, қўлида ҳали шундоқ жиш қуш боласи бор эди. Жонивор кичкина тумшукчасини катта-катта очиб чирқилларди.

Чол алланарсалар деб қушчани эркалаган бўлди, тили билан авайлаб оғзини очиб хўллади. Кейин садага қаради. Мен ҳам қардим. Саданинг одам бўйи келадиган булоғида қандайдир қушнинг ини бор эди.

Чол шунга тикилиб қолди. Қушча ҳамон чирқилларди.

Чол бир оз ўйланиб тургач, қўлини чўзиб уни инига қўйди. Қушчанинг овози тинди, чол жилмайди-да, супургини елкасига ташлаб, боғнинг ичкарисига кириб кетди.

Мен унинг орқасидан қараб қолдим. Кўз олдимда хароба бўлган шаҳар, ёнғин, гумбур-гумбур товушлар, тупроққа қоришиб ётган аёл ва унинг совуқ кўкрагини таталаб, чинқириб йиғлаётган бола келди...

Балки мени ўша офатдан қутқариб олган, ном берган одам шу чолдир? Фақат у шинелда эди.

Беихтиёр томоғимга бир нарса тикилиб ўтиб кетди, чолни қидира бошладим. Аммо тополмадим.

Шу пайт боғ ёришиб кетди, олтин шуълаларини сочиб, қуёш чиқди. У ниҳоятда катта эди.

1961

## ҲАЙКАЛ

Қрим йўлларида бўлганмисиз? Қатор тизма тоғлар орасидан ўтган паст-баланд бу йўллар кишининг баҳри дилини очади. Йўлнинг икки бетидаги қорамтир, оқ, қизил дарахтларнинг танга-танга барглари илиқ қуёш нуридан марвариддек товланади. Олисда эса, уфққа туташган зангори денгиз...

Ўтган йили шу томонга йўлим тушиб қолди. Тумшуғини денгизга чўзиб турган Айиқтоққа етганимизда шофёр, шу ерлик йигит, менга тоғнинг чўққисини кўрсатди. Чўққида қакқайиб турган бир дарахтдан бошқа ҳеч нарса кўрмадим.

— Яхшилаб қаранг, — деди шофёр бепарволик билан. — Дарахтнинг пастида ҳеч нарса кўрмаяпсизми?

Мен яна чўққига тикилдим. Дарахтнинг тагида бир нима ғивиллади. Кейин бир оҳангда «так-туқ, тақ-туқ», деган овоз эшитилди.

— Тўхтатинг! — дедим шофёрга машина пастликка тушаётганда.

Шофёр тўхтатди. Машинадан тушиб тепага қарадим. Ҳамон ўша овоз эшитиларди. Аммо, ҳеч кимни кўролмадим. Шофёр енгимдан тортиб, йўлнинг муюлишига олиб чиқди.

— Ана, энди қаранг, — деди у қўлларини қўзига соябон қилиб.

Қарадим. Чўққида бир одам ҳафсала билан тош йўнарди. Лекин олисдан унинг афт-башарасини билиб бўлмасди.

Мен, бу ким, нима қияпти, деган маънода шофёрга қарадим.

У индамади. Қора бароқ кошларини чимириб, бир зум денгизда сузиб бораётган теплоходга қараб турди-да:

— Юринг! — деди ва машина томон тез-тез юриб кетди.

Биз анчагача жим бордик. Кўзим шофёрда.

Текис йўлга чиққанимизда, у папирос тутатди-ю, чуқур тортиб, деди:

— Бу йигит — етим. Фашистлар Қримга бостириб кирганда у етти-саккиз яшар бола эди. Отаси бор эди, онаси, опаси ҳам бор эди. Лекин бир кечада ҳаммасидан ажради... ўзини эса, ўзини ўлиб ётган бир солдатнинг тагидан топишган. Қорачадан келган, кулча юз йигит эди солдат. Лекин тожикми, ўзбекми ё туркманми, ҳеч ким<sub>д</sub> билмайди. Ростини айтсам, бунинг аҳамияти йўқ ҳозир. Йигит чўққида ўша солдатнинг ҳайкалинини ишляпти...

Шофёр жимиб қолди. Мен ҳам ўйга толдим. Гурзуфга келганимизда:

— Ҳар куни эрталаб шу Айиқтоғдан унинг «так-туқ»и эшитилади, — деди у ва яна хаёл суриб кетди.

Орадан бир ой ўтди. Уйга қайтаётганимда Айиқтоғнинг этагида шу воқеа эсимга тушиб, машинани тўхтатдим. Му-юлишга чиқиб, чўққига қарадим. Кимдир ҳафсала билан «так-туқ» қилиб тош йўнарди. Бу ўша, шофёр айтган йигит эди. Лекин қанча тикилмай, у ишлаётган ҳайкални кўра олмадим. Чўққига анча тикилиб турдим-да, йўлга тушдим. Айиқтоғ ортда қолиб кетди. Аммо қулоғим тагида ҳайкалта-рош йигитнинг бир оҳангдаги «так-туқ»и ҳамон жангларди.

1961

## КЎК ДАФТАРНИНГ СИРИ

Бу дафтарни мен тўқимачиларнинг маданият саройи олдидаги хиёбондан топиб олдим. Болаларнинг қишқи таътили бошланган пайт эди. Шаҳарнинг барча майдонларидаги каби тўқимачилар хиёбонида ҳам катта арча ўрнатилиб, хилма-хил ўйинчоқлар билан безатилган. Эртадан-кечгача атрофидан болалар аримайди. Ҳатто, кечқурун ишдан қайтаётганимда ҳам одам бўйи келадиган Қорбобонинг кўм-кўк кўзларига, ранго-ранг чирокларга маҳлиё бўлиб турган болаларни кўраман.

Дафтарни топиб олган куним ҳам хиёбон гавжум эди. Болалар бир-бирларини қувлашган, осмонни бошларига кўтаргудай қичқиришган... Фақат тўрт-беш ёшлар чамасидаги қизил қалпоқ кийган бир болагина Қорбобонинг дам ёниб, дам ўчиб турган кўзларидан кўзини узмасди. Нега у менинг диққатимни ўзига тортди? Дум-думалоқ лўппи юзими, ё кичкина бурни ёнида ялтираб турган ёш томчисими, билмадим, ҳозир эслолмайман. Аммо унга анча тикилиб қолдим. Бола худди эртақлардаги Қорбобо музлатиб кетган гўдақдек, турган жойидан жилмасди. Тим қора кўзлари Қорбобода, аммо назаримда, у Қорбобони кўрмас, нималарнидир ўйларди. Бир маҳал қалин лаблари титраб кетди ва овози борича:

— Опа! — деб қичқириб юборди. — Қаттасиз, опа?

— Шўтгаман, нима қилди, нима?

Кимдир югуриб келиб, боланинг юзидан «чўлп» этиб ўпди. — Нима қилди, нима?!

Бу ўн тўрт-ўн беш ёшлар чамасидаги қизча эди. Эгнида кўк пальто, бошида ойисининг рўмоли бўлса керак, икки учини қўлтиғидан ўтказиб орқасига боғлаб қўйибди.

— Совқотдингми? — сўради қиз боланинг қўлларини ишқалаб.

— Ойимла қачон келалла? — бола унга қарамасди. — Сиздан сўраватман, ойимла қачон келалла?

— Боя кўриб келдик-ку? Дарров соғиндингми?

— Ойимла қачон келалла девобман, ойимла?!

Бола ҳўнграб йиғлаб юборди. У йиғи аралаш нималарнидир гапирар, аммо нималигини тушуниб бўлмасди. Опаси овутамаман, деб қанча уринмасин, бола йиғидан тинмасди. Қизчага раҳмим келиб кетди. У нима қилишини билмасди. Сезиб турибман, агар укасининг йиғиси яна бир-икки минут чузилса, ўзи ҳам қўшилиб йиғлайдиган. Ўзимни тутиб туролмадим. Арчани айланиб, уларнинг олдига ўтдим.

— Ҳа-ҳа, акаси, нега йиғлаяпсан? — дедим боланинг бошига қўлимни қўйиб. — Биров урдими?

— Ҳеч ким ургани йўқ, ўзи йиғлаётди, — жавоб берди қизча менга бир қараб қўйиб.

— Ўғил бола ҳам йиғлайдими? Сен ўғил боламисан, ё қиз боламисан?

— Ўғил боламан... — деди бола энтикиб.

— Отинг нима?

— Аҳмад...

— Ў-хў... шунақа чиройли отинг бор экан-ку, йиғлайсанми? Аҳадлар йиғламайди.

Бола менга кўзини бир олайтириб қўйди, кейин тили билан лабларини артиб, опасига ўгирилди.

— Кетовузами?

— Кетовуз, кетовуз, ҳозир кетовуз, юр.

Опа-ука қўл ушлашиб, хиёбоннинг чап тарафидаги тўрт қаватли бино томон кетишди. Анчагача уларнинг орқасидан қараб, хаёл суриб қолдим. Кўзларим олдидан уруш йиллари ота-онасиз етим қолган болалар, қаҳратон қишда оёқ яланг мактабга, ўзларидан ҳам катта сумка кўтариб бозорга югурган қизчалар ўтди. Ҳозир яхши эсимда йўқ. Аммо Қорбобога хомуш тикилиб турган боланинг қиёфаси ҳали-ҳали кўз олдидан кетмайди. Нега у сўлғин эди? Онаси



қаерда? Нима учун тенгкурларининг чехрасидан кулги аримайди-ку, қизнинг овози дардли? Минг хил хаёлларга бориб, арча атрофидаги кумуш ранг скамейкалардан бирига ўтирдим-да, энди папирос чекмоқчи бўлган эдим, ёнимда ётган кўк муқовали дафтарга кўзим тушиб қолди. Дарров уни олиб атрофимга қарадим: ҳеч ким йўқ. Ким унутиб қолдирди экан? Ҳайрон бўлиб варақлай бошладим. Эскириб, учлари титилиб кетган дафтарнинг муқовасига чиройли ҳарфлар билан «Холида» деб ёзилган. Ичи ҳам қандайдир ёзувлар билан тўла. Сўнгги бир варағи бўш қолган, холос. Юрагимдаги яшликни йўқотиш ўйи билан секин ўқий бошладим:

«Еттинчи сентябрь.

Кеча Руқия опамлар дарс пайтида: «Ҳамманглар кунда-лик дафтар тутсанглар, яхши бўларди. Кўрган-билганларингизни, қилган ишларингизни ёзиб борардинглар дедилар. Ҳамма «Ура» деб чапак чалиб юборди, мен ҳам чалдим. Уйга келганимда дарров ойимларга айтдим.

— Ойи-чи, ойи! Биз энди кундалик дафтар тутамиз.

Ойимлар ҳам хурсанд бўлиб кетдилар.

— Кундалик тутадиган бўлсанг, катта бўлиб қолибсан. Майли, тута қол, — дедилар.

Чой ҳам ичмасдан шкафдан янги дафтар олдим, муқовасига чиройли қилиб «Холида» деб ёзиб қўйдим. Кейин биринчи бетини очдим. Юрагим дук-дук ура бошлади. Нимани ёзсам экан? Руқия опамлар кун бўйи нима қилсанглар, шуни ёзинглар, деган эдилар. Бугун нима қилдим? Эрталаб туриб чой қўйдим. Аҳадни уйғотиб ювинтирдим, ойимлар ҳар куни дадамларга гўшт қовуриб берадилар. Бугун ҳам туришлари билан овқатга уннаётувдилар, қарашиб юбордим. Жаҳллари чиқди. Мени деб ўқишдан кечга қоласан, чойингни ич, дедилар. Кейин пешонамдан ўпиб қўйдилар.

Мактабга кетаётганимда, дадамлар билан хайрлаша олмадим, ухлаб ётган эдилар. Ичиб келсалар доим шунақа, ҳаммадан кеч турадилар. Нега ичадилар-а? Афтиларига қараб бўлмайди, ҳамма ёқлари чанг-тупроқ. Ҳамма нарса кўзларига бошқача кўринади. Кеча кечкурун келганларида Аҳадни ўпаман, деб қайнаб тунган самоварга пешонасини босиб олдилар, лаблари кип-қизариб пишиб кетди. Аҳад йиғлаб хум бўлди.

Мактабда она тилидан яна «беш» олдим. Руқия опамлар елкамга қоқиб қўйдилар. Яхши қизим, оппоқ қизим, дедилар. Улар мени жудаям яхши кўрадилар. Фақат менимас, яхши ўқийдиганларнинг ҳаммасини яхши кўрадилар.

Ҳа, энг зарури эсимдан чиқибди. Раънонинг тоби йўқ. Уч кундан бери мактабга келмайди. Бугун ўқишдан чиққанимиздан кейин Мунира билан бориб кўриб келдик. Қаттиқ иситмалабди.

Шуларни ёзиб ўтирган эдим, эшикдан дадамларнинг товушлари эшитилиб қолди. Нега бақиряптилар?..»

Ўқишга берилиб кетиб, кун алламаҳал бўлиб қолганини унутибман. Боягина кўк бетини қоплаб турган сон-саноксиз юлдузлар энди йўқ эди. Ҳамма ёқни қуюқ туман ўраб олган, икки қадам наридаги нарсани ҳам кўриб бўлмайди. Қорбобонинг фақат кўзларигина милтиллаб турибди.

Ўқишнинг иложи бўлмади. Дафтарни маҳкам ушлага-нимча уйга қайтдим. Ойим, болалар меҳмонхонада телевизор кўриб ўтиришган экан, сездирмай хонамга ўтдим, эшикни ичидан қулфлаб, ғижимланган дафтарни ўқишга тушдим.

«Саккизинчи сентябрь.

Мактабдан келсам, ойим айвонда йиғлаб ўтирибдилар. Бошларида пушти рўмоллари. Шу рўмолни жудаям яхши кўрадилар. Яхши кўрадилару, ёлғиз қолганларида ўрайдилар.

Мени кўриб дарров ўринларидан турдилар, апил-тапил ёшларини артиб жилмайдилар, кейин кўлимдан портфелимни олдилар.

— Кечга қолдинг? Қачондан бери чой қўйиб, пойлаб ўтирибман.

— Мунира билан гаплашиб қолдик, — дедим жўрттага. Бўлмаса ўзим ўқиш тугаши билан уйга чопганман.

— Уканг ухлаб ётибди, тақир-тукур қилма тагин!

— Хўп, — дедиму, уйга кирдим.

Бечора ойим. Чой кўйдим девдилар, кўймаган эканлар, электр чойнак стол устида турибди. Ўзим кўйиб юбордим.

— Вой, қайнамабдими?! — дедилар ечинаётганимда кириб, кейин нимагадир қип-қизариб кетдилар.

— Ҳозир қайнаб қолади. Қорним ҳам унча оч эмас, — дедим.

Нега ойим хафалар-а? Дадамлар кеча қаттиқ хафа қилганга ўхшайдилар. Рост-да, одам ҳам шунақа кўпол бўладими?! Илгари бунақа эмас эдилар. Ойим касал бўлиб, икки ой касалхонада ётиб чиқдилару, дадамлар ўзгардилар-кўйдилар. Кеча бўлса оғизларидан боди кириб, шоди чиқди, ёзишга уяламан.

Эшикдан киришлари билан:

— Мен бу уйда кимман? Хўжайинманми ё хизматкорманми? — дедилар ойимларга ўдағайлаб.

— Нима бўлди? Нега бундай деяпсиз? — сўрадилар ойим.

— «Нега бундай деяпсиз?..» Шу ҳам гап бўлдими? — дадамлар худди Аҳадга ўхшаб лабларини чўччайтирдилар, деразадан кўриб турибман. — Хотин деган эр келганда бундай кутиб олмайди. Мен келганда жўрттага ўзингни ўчоқбошига олиб қочасан.

— Овқатингиздан хабар олай девдим.

— Овқатмиш... Аҳад қани? Аҳадий! Аҳадичка!

Дадамлар ойимларни итариб ташлаб, уйга кирдилар. Мени кўриб, тўхтаб қолдилар.

— Салом, — дедим секин.

— Ҳа, шу ердамидинг? — Ниманидир ўйлаб жим қолдилар. Кейин ўқрайиб тикилдилар.

— Ойингга ўхшайсан. Наритур. Аҳад! Аҳадидзе! Қаёқдасиз, ўғлим?

Аҳад келавермагач, диванга ёнбошладилар.

— Овқатингизини еб олинг, — ойим кириб столга бир коса лағмон кўйдилар.

Дадам индамадилар. Ойимлар, сен гапир, дегандай, мени туртиб кўйдилар.

— Дада, ошингиз совиб қолди, — дедим мен.

— Емайман, ойинг тайёрлаган овқатни емайман.

Шундай деб кўрсаткич бармоқларини пешоналарига бир-икки марта уриб кўйдилар. Ойимларнинг тишлари ғижирлаб кетди. Хўрсиндилар, кейин секин косани кўтариб чиқиб кетдилар. Мен ҳам орқаларидан чиқдим. Кўзларида ёш йилтирарди.

— Кўйинг, ойи, йиғламанг, — дедим енгларидан тортиб.

Индамадилар.

— Бор, дарсингни қил, — дедилар анчадан кейин ва идиш-товокларни юва бошладилар.

— Йиғламайсизми?

— Йўқ, йиғламайман. Бор, хонангга кир.

Шу пайт дадам чақириб қолдилар. Ойим косаларни шундай тоғорага ташладилару, ичкарига отилдилар. Эшик очик қолди.

— Менга қара, сенда гапим бор...

Бу — дадамларнинг овозлари эди. Бироқ шундан кейин ҳеч нарса демадилар. Ойимларнинг ҳам овозлари эшитилмади. Кўллари кўкракларига кўйиб стол ёнида турган бўлсалар керак. Дадамларнинг жаҳллари чиқса, доим шунақа турадилар. Гапиролмай қоладилар. Тавба, мунча кўрқадилар-а? Нима, ахир, одам эмасмилар? Мана, икки ой бўлибдики, юриш-туришлари ғалати. Биров эшикни қаттиқроқ тақиллатса ҳам чўчиб тушадилар. Дадамлар билан иложи борича гаплашмасликка ҳаракат қиладилар. Ораларидан нима гап ўтган, билмайман. Лекин гаплашсалар ҳам худди Аҳадга ўхшаб гаплашадилар, лаблари титрайди, кўзлари олазарак бўлиб туради. Илгари бунақа эмас эдилар. Доим кулиб турардилар. Дадам билан икковлари мени

етақлашиб киноларга, театрларга боришганда ҳаммининг хаваси келарди. Қанчадан бери кинога бирга бормаймиз. Нукул уйдлар. Кечкурун бўлса, дадам келганларидан кейин икковлари худди мушук-сичқонга ўхшаб қолишади. Шумшайиб ўтиришгани-ўтиришган.

Мана, ҳозир дадамлар бир нарса демоқчилару, лекин айтолмаяптилар. Бу фақат бугун эмас, бир неча кундан бери, тўғрироғи, ойим касалхонадан чиққанларидан бери шундай бўляпти. Нима демоқчи эканлар? Наҳотки айтиш шунчалик қийин бўлса? Заводда ишлари чатокми? Ундай деса, яқинда яхши ишлаганлари учун мукофот олдилар-ку!

— Менга қара... — дедилар хўрсиниб. — Мен... мен... ўрнимни солиб бер.

Ойим елкаларини қисиб, ичкари уйга кириб кетдилар. Бечора ойим! Худди ёш болага ўхшаб қолдилар. Район доктори келганда, сиз кўп койинманг, оғир бўлинг. Қанча қувноқ бўлсангиз, шунча тез тузалиб кетасиз, деган эди. Қувноқ бўлиш қаёқда, кўзларидан нукул ёш томиб туради. Бугун ҳам шундай. Чой ичиб бўлганимиздан кейин, анча ўзларига келдилар. Уй вазибаларимни сўрадилар. Уқиш дарсида ўрганган «Она» шеърини ўқиб бердим. Жилмайиб кўйдилар. Жилмайсалар бирам чиройли бўлиб кетадилар. Лип этиб бориб юзларидаги чуқурчаларидан ўпиб олдим.

— Ойи, нега доим хафасиз? — дедим тиззаларига ўтириб. — Касал бўлганизгами?

— Ҳа, касални ким яхши кўради?

— Дадамлар-чи? Нега улар ҳам хафалар?

— Даданг ҳам касал бўлганимга хафа-да. Айтяпман-ку, касални ким яхши кўради.

— Нега бўлмаса сизга жаҳл қиладилар?

— Хафа бўлганидан жаҳл қилади-да. Бунга сен эътибор берма. Катталарнинг ишига аралашиб яхши эмас. Хўпми?

Мен индамадим. Фақат:

— Ойи, биласизми, — дедим, — мен сизни касал бўлсангиз ҳам яхши кўраман, жудаям яхши кўраман.

— Менам!

Бу Аҳад эди. Уйғониб, эшикнинг тагида кўзларини ишқалаб турарди. Ойим унинг овозини эшитиб, кулиб юбордилар. Кейин иккаламининг маҳкам кучоқладилар...»

Мен ҳаяжондан ўрнимдан туролмай қолдим. Ўн уч-ўн тўрт ёшдаги қизнинг сўзлари мени буткул сеҳрлаб қўйган эди. Ўзимни ўзга бир дунёда ҳис қила бошладим. Кўз олдимда онасининг қайғу-ҳасратига шерик бўлган нимжон қизча, сочига бевақт оқ оралаган сўлгин бир аёл пайдо бўлди. Кимлар улар? Каерда яшайди? Тошбағир ота ким? Буларнинг ҳаммаси ҳали менга сир. Лекин, шубҳа йўқки, улар қандайдир катта бир кулфатни ўз бошларидан кечирмоқдалар. Шу кулфатдан уларнинг қандай қутулишларини ўзимча мулоҳаза қилиб, кўнгилни тинчитадиган бир хулосага келдим-да, дафтарни яна варақлай бошладим. Лекин саҳифадан саҳифага ўтар эканман, вужудимни титроқ боса бошлади.

«Ўттизинчи сентябрь.

Дадамдан уч кундан бери дарак йўқ. Ойимлар бизни ухлатадилару, ўзлари мижжа қоқмай чиқадилар. Дадам қаёқда қолишлари мумкин-а? Сафарга кетганмикинлар? Кетган бўлсалар, нега бизга айтмадилар? Аҳад йиғлагани-йиғлаган. Ярим кечада туриб олиб «дада, дада», дейди. Ойим иккаламининг уни овулгунча ўлиб бўлди. Бирам дадасини яхши кўрадики... Мен ҳам яхши кўраман, лекин улар мени яхши кўрмайдилар. Нукул, сен ойингнинг қизисан, деяве-радилар. Анави куни Аҳадга туфли олиб келиб бердилар. Аҳад кўлларидан олиши билан:

— Менга-чи? — деб юборибман.

Бир ўқрайиб бердилар. Индамай ичкари уйга кириб кетдим.

— Кўзи ёмон қизингни, — дедилар кетишим билан ойимларга.

— Менинг қизим бўлса, сизнинг ҳам қизингиз, — ойим жаҳл билан гапирдилар. Уларнинг дадамлар билан биринчи марта шундай гаплашишлари эди. — Кўчадан олиб келганим йўқ.

Қанча уришсангиз мени уришинг, болада нима гуноҳ? Қовоғингиздан қор ёғилиб келганда, кўзларини жавдиратиб пинжимга киришими? Билмадим, шу бола бўлмаса, ҳолим нима кечарди.

Мен, ҳозир дадам ойимларни урадилар, деб кўрқиб турувдим, йўқ урмадилар. Кўрққан бўлсалар керакда. Ойимлар жуда қаттиқ гапирдилар. Мана, уч кундан бери дадам йўқлар. Шу уч куннинг ичида ойим чўп бўлиб қолдилар».

«Иккинчи октябрь.

Кеча ойим заводга бориб келдилар. У ерда ҳам йўқмишлар. Ишхонасидагилар, касал бўлиб қолган бўлса керак, деб ўйлашган экан. Уйда йўқликларини билиб, хайрон бўлиб қолишибди.

Ойим билан анчагача бир-биримизга қараб ўтирдик. Ов-қат қилиш ҳам эсимиздан чиқиб кетибди. Чой кўйиб юбордим. Тўртта тухумни самовар ичига солиб кўйдим. Доктор ойимларга яхши овқатланишни буюрган. Мен зўрламасам, ўзларига қарамайдилар.

Уйга берилган масалани ечолмадим. Вақт бўлмади. Аҳад билан қолсам, ҳеч нарса қилолмайман. Эртага Руқия опамларга нима дейман?» «Учинчи октябрь.

Мендан сўрамадилар. Олдимга келиб, негадир пешонамдан ўпиб кўйдилар. Уйга келсам, ойим йўқлар. Ҳовлининг ўртасида Аҳад йиғлаб ўтирибди. Овутиб, уйга олиб кирдим. Диванда бир хат ётибди. Ойим қаёққа кетдийкинлар? Хатни ўқий бошладим. Бу — дадамдан эди.

«Мени қидирманглар. Қайтиб бормайман. Мавжуда, мени тушун. Оғир касалликка умрбод мубтало бўлган киши билан ҳаёт қуриш учун сенга уйланганим йўқ. Болалар бўлса, болаларга муносабатимни ўзинг биласан, ўрнашиб олганимдан кейин Аҳадни олиб кетишим мумкин».

Йиғлаб юбордим. Мени кўриб, Аҳад ҳам йиғлади. Иккаламиз баравар йиғладик. Кейин нима бўлганини билмайман. Бир маҳал қарасам каравотда ётибман. Тепамда Руқия опам билан кўшнимиз Хайри опалар ўтиришибди. Аҳад хуррак отиб ухлаб ётибди.

— Ойимлар қанилар? — деб сўрадим.

— Шу ерда, ҳозир келади, — жавоб бердилар Хайри опам Руқия опамларга қараб туриб. — Поликлиникага кетган.

— Бу ёққа чиқайлик, сен ҳам ўрнингдан тур, — дедилар шунда Руқия опамлар.

Ҳаммамиз айвонга чиқдик. Руқия опамлар мени имладилар.

— Ўтир, гап бор.

Юрагим увушиб қолди. Нима гап экан? Ишқилиб, ойим тузук бўлсинлар-да!

— Хавотир олма. Ойинг тузук, — дедилар Руқия опам, кейин ўйланиб қолдилар. — Менга қара, — дедилар анчадан сўнг. — Сен катта қизсан. Ҳаммага нарсага ақлинг етади. Гапларимни яхшилаб тушуниб ол. Ойинг... Ойинг касалхонада... Бир ойча ётса керак. Уй бошлиғи энди ўзингсан. Оғир бўл. Мен келиб тураман, мана Хайри опанг ҳам шу ердалар, хабар олиб турадилар. Йиғламайсанми?

Мен «йўқ» дедиму, уйдан чопиб чиқиб кетдим. Хужрага бекиниб олиб роса йиғладим. Руқия опамлар ҳам, Хайри опамлар ҳам мени қидиришмади. Анчадан кейин уйга кирсам, икковлари Аҳад билан ўйнаб ўтиришибди. Руқия опам мени кўриб жилмайдилар. Мен ҳам...»

Кундалик шу ерда тугаган эди. Дафтарнинг сўнгги бетларига ҳеч нарса ёзилмаган. Фақат охирида қалам билан илова қилинган кичкина жумла бор эди, холос.

«Саккизинчи январь.

Ойим анча тузуклар. Руқия опамлар бугун ҳам бизни олдиларига олиб бордилар. Бизларни кўриб, ойимнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Яқинда чиқаман, дедилар. Анча гаплашиб ўтирдик. Дадамларни сўрамадим. Нима қиламан сўраб? Ўзлари қийналиб ётибдилар-ку. Аҳад лунжини тўлдириб «дада» демоқчи бўлиб турувди, чимчилаб олдим. Лекин унга қийин бўлди. Нукул йиғлайди. Дадам бўлганларида йиғламасди. Қаерда эканлар-а, ҳозир?»

Кундаликни ёпиб кўйиб анча ўйланиб қолдим. Миямда минг хил фикр. Саҳифалардаги қайғули сатрлар вужудимни ҳаяжонга солди. Дарчани қия очиб, чека бошладим. Ташқарида ёмғир шиваламоқда. Чироқ нурида бир-икки қор учкунлари худди кўзмунчоқдай ялтираб

кўринди. Бу учкунлар арча ёнида боя мен кўрган қизча ва унинг укасини эслатиб юборди. Ҳа, ўша қиз шу кундалик муаллифи Холида эди. Бунга ҳеч шубҳа йўқ. Нима қилиш керак? Уларга қандай қилиб ёрдам берса бўлади. Бемехр отани топиш керакми, йўқми?

Эрталаб ҳам шу хаёллардан бўшай олмадим. Наридея нонушта қилиб, тўғри район маориф бўлимига бордим-да, Руқия опанинг қайси мактабда ишлашини суриштирдим. У ўзимизнинг райондаги қирқинчи мактабда ишлар экан. Ўша ёққа югурдим. Руқия опа ўрта ёшлардаги хуштабиат аёл экан. Дафтарни узатдим.

— Кечирасиз, — дедим унинг ўзгариб кетганини кўриб. — Ўқиб чиқдим. Ўқувчингиз жуда жиддий қиз экан.

— Ҳа, Холида тез катта бўлди, — деди Руқия опа жиддий оҳангда. — Отаси...

— Ҳозир қаерда у одам?

— Ҳеч ким билмайди, — Руқия опа бир оз жим қолди. Кейин қўлини бир силтади-да, гапида давом этди. — Тўғриси айтсам, ҳеч ким билишни истамайди ҳам. Бундай одамнинг бўлганидан бўлмагани маъқул. Шундай эмасми?

Мен бош силкиб қўйдим.

— Хотинининг касаллиги учун кетиб қолиши, ўзининг тинчлиги деб болаларидан, оиласидан юз ўгириши — ўтакетган тубанлик.

— Мавжудахон ҳозир тузукмилар?

— Ҳа, кеча бориб келдик. Яқинда чиқиб қолади.

\* \* \*

Орадан бир ҳафтача ўтган бўлса керак, шанба куни эди. Ишдан қайтаётиб, тўқимачилар хиёбонида аёл кишининг:

— Аҳаджон! — деган овозини эшитиб қолдим.

Ялт этиб фонтан томонга қарадим. Икки киши Қорбобони олиб ташлашаётган экан. Катта-кичик болалар қий-чув қилиб туришибди. Олдинги қаторда ўша мен кўрган Аҳад ҳам бор эди. У икки кўзини қийшайиб турган Қорбободан узмасди. Бир маҳал кимдир келиб қўлидан тортди. Бу Холида эди. Опа-ука етаклашиб болалар орасидан чиқишди-да, катта сада тагидаги скамейкада ўтирган иккита аёл олдига боришди. Уларнинг биттаси Руқия опа, иккинчиси эса, Мавжудахон эди. Уни пушти рўмолидан танидим. Юрагимни тасвирлаб бўлмадиган қувонч туйғуси қоплаб олди. Битта-битта қадам ташлаб борар эканман, ранги сўлғин, лекин лабларида, юзида табассум порлаб турган аёлдан — Мавжудахондан кўзимни узолмасдим.

1961

## АБДУЛЛА ҚОВУНЧИ

Севгининг кўзи кўр дейишади. Тўғри экан. Кўр бўлмаса, менга Абдулла қовунчи ёқиб қолармиди? Баъзида хўрлигим келганидан йиғлайман. Баъзида, бор-е, худо олсин ўшани, бошқа йигит куриб қолдим дейману, клубга чиқаман, қизлар билан ўйин-кулги қилиб, ўзимни овутаман. Аммо уйга қайтиб чирокни ўчираману, юрагим орқамга тортиб кетади, бир нима томоғимга келиб тикилгандай бўлади. У ёнимга ағдариламан, бу ёнимга ағдариламан, бўлмайди, кўз олдимдан кулиб турган башараси ўтаверади. Шунчалик ёқимтой бўладими одам дунёда? Қалин қора қошлари остидаги қўй кўзлари доим кулиб туради, гапирганида худди ашула айтяпти, дейсан киши! Фақат битта айби бор: ҳар ўн кунда сочини устарада олдириб туради. Бунинг устига уч тийинлик одеколондан септириб келади денг, одамнинг кўнгиллари айниб кетади. Бошқа йигитларга ўхшаб соч ўстирса, чиройли қилиб ёнигами, орқасигами ётқизиб тараб қўйса, қандай яхши. Йўқ, бундай қилмайди. Балки, шундай қилмагани тузукдир. Агар соч қўйса, ўртоқларига ўхшаб ука тутган кўйлак кийса борми, қизларнинг бошини айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас. Айлантирганда ҳам майли эди, тинчроқ юрардим. Қишлоққа келган кунимок ўзига сеҳрлади-қўйди. Машинадан тўғри идоранинг олдида тушдим, чамадонимнинг устида бирпас ўтирдим. «Мана, яхши қиз, шу бугундан бошлаб оингизнинг қарамоғидан чиқдингиз, ҳолингиз нима кечар экан?» — дедим ўзимча. Кейин ичкарига кирдим. Раиснинг хонасидан гўнғир-гўнғир товуш эшитиларди. Киришимни ҳам, кирмасимни ҳам билмай, беихтиёр кулоқ сола бошладим.

— Ука, сенга минг марта айтдим, — дерди зарда билан йўғон овоз. — Менга қовун керак эмас, ҳа, пахта керак. Колхознинг обрўйини оширадиган ҳам, унинг юзини ерга қаратадиган ҳам — пахта. Буни этагини тугиб юрган бола ҳам билади-ю, сен билмайсан. Бошқа бир қарич ҳам ер бермайман.

— Атиги беш гектар, Сулайман ака, хўп денг, — ялинганомуз ингичка овоз эшитилди. — Учтепанинг пасти бекор ётибди, жуда бўлмаса шуни беринг, қовун ҳам керак-ку, ахир!

— Бермайман, дедим, бермайман. Тушингни сувга айт.

Хонага жимлик чўққи. Эшикни тақиллатиб ичкарига кирдим. Рўпарамда ноппа-нозандай йигит турарди. Кенг елка, баланд бўй... Мени кўриб уялди шекилли, қип-қизариб кетди. Салом бердим. Раис келиб қўлимдан ушлади, кейин энсаси қотиб йигитга ишора қилди.

— Танишинг: бригадир — Абдулла қовунчи. Қовундан бошқа дарди йўқ.

Абдулла қовунчига қарадим. Юрагим жиз этиб кетди. Нега? Ўзим ҳам билмайман. Сулаймон ака менга бир олайиб қўйди-да, шоша-пиша Абдулла қовунчини чиқариб юборди. Жаҳл билан нималарнидир тушунтирди.

Тавба, нега шу колхозга келдим? Бошқа колхозлар ҳам агроном сўрашган эди-ку!

Қизлар кечқурунлари ётоқхонада ётганимизда севги ҳақида кўп гапиришарди. Аммо мен бир кўришдаёқ кўнгил қўйишимга сира ақлим етмас эди. Наҳотки, севиб қолган бўлсам?! Ўзимни ўзим алдаб, уни ўйламасликка ҳаракат қилардим, аммо бу қўлимдан келмасди. Кундузи ҳам уни ўйлайман, кечаси ҳам. Далага чиқсам, беихтиёр отни унинг бригадасига бураман. Ўзини кўрмасам, қизларни гапга соламан, унинг кимлигини билиб олишга ҳаракат қиламан. Келганимга бир ҳафта бўлдим-бўлмадим, билмадим, унинг тўғрисидаги ҳамма гапларни билиб олдим.

Абдуллажон ўн уч яшарлигида отаси фронтга кетибди, онаси билан ёлғиз қолибди. Ўқишдан келар экану, далага, онасининг ёнига чопар экан. Ўйин нималигини билмас экан. Ҳали помидорнинг тагини чопган, ҳали пиёз ўтоқ қилган, кечалари онасининг йўқ, дейишига қарамасдан, чайлада қовун полизни кўриқлаб чиқар, эрталаб ўртоқлари билан почтага югурар экан. Орадан бир йил ўтибди. Шу бир йил ичида отасидан атиги иккита хат келибди. Биттасида: «Ўғлим, арзанда, яккаю ягона ўғлим, ҳали урушнинг охири кўринмайди. Мен албатта

душманни йўқ қилмагунча қайтмайман. Онангизга эҳтиёт бўлинг, уни сизга топширдим. Учтепаннинг орқасидаги қовунлардан хабар олиб турунг. Оғилхонанинг бўғотидаги эски телпақда ғалати қовун уруғ бор. Фарғонадан олиб келганман. Кучингиз етса, шуни кўпайтирунг. Сизни соғинган отангиз — Ҳамидулла қовунчи» — деб ёзибди отаси. Иккинчисини... иккинчисини ўзи ёзмабди, рота командири ёзибди. Бу хат бутун қишлоқнинг тўс-тўполонини чиқариб юборибди. Бу — қорахат экан.

Абдуллажон шу хат келгандан кейин уч кун кўринмай кетибди. Тўртинчи куни сахарда уйга қайтиб, отасининг кетмонини олибди-да, Учтепага қараб жўнабди. Шу-шу, бутун республикага донғи кетган қовунчи Ҳамидулла аканинг ўрнини унинг ўғли Абдуллажон эгаллабди. Отаси етиштиролмаган қовунларни етиштирибди. Ҳақиқатан ҳам қовун полизга борсангиз, оғзингиз очилиб қолади. Сап-сарик олтиндай чўғирлар, кўк беқасам тўн кийиб, қатор чузилишиб ётган ананасларни егани кўзингиз қиймайди. Ўтган йили Москвага кўрғазмага бизнинг хўжалик номидан Абдуллажон ўз қовунлари билан қатнашди. Жуда қизиқ бўлди. Кечкурун раис билан омборда қайси бригада қанча нарса топширганини текшириб ўтирувдик, дарвозадан Абдуллажон эшак арава хайдаб келиб қолди. Араванинг усти брезент билан ёпилган.

— Ҳа, қовунчи, бу нима қилиқ? — деди раис ҳайрон бўлиб.

— Қовун олиб келдим, — Абдуллажон нимагадир илжайиб қўйди.

— Машина куриб қолдимми?

— Заха ейди.

— Заха еса, биттаси ейди, иккитаси ейди, тезроқ йиғиштиришни ўйлаш керак, ука!

— Ўзи битта-да.

— Битта? Нима битта?

— Қовун битта.

Абдуллажон жилмайиб қўйди. Брезентни олган эди, оғзимиз очилиб қолди. Умрим бино бўлиб бунақа катта қовунни кўрмаганман. Аравани битта ўзи эгаллабди-қўйибди, десам лоф бўлмас. Сулаймон аканинг кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Яша, ўғлим! — деди Абдуллажонни пешонасидан ўпиб. — Сени билмаган эканман. Раҳматли отангдан ҳам ўтиб кетдинг.

— Энди ер берарсиз-а, раис? — дедим қулай пайтдан фойдаланиб.

— Ер? Ҳа, айтгандай... ер... — Сулаймон ака ўйланиб қолди, кейин қўлини бир силтади-да.

— Майли, қанча керак? — деб сўради.

— Эллик гектар.

— Эллик гектар?! Ҳай, майли олгин! Раис шу заҳотиёқ районга телефон қилгани кетди. Абдуллажон ёнимга келиб:

— Раҳмат, — деди ва қўлимни шундай сикдики, «дод» деб юборай дедим.

— Сизга... сизга раҳмат, — дедим зўрға қўлимни ишқалаб туриб. — Шундай қовун етиштириш ҳазил иш эмас.

Шу пайт Сулаймон ака келиб қолди.

— Бўлди, — деди у Абдуллажоннинг елкасига қоқиб. — Эртага райондан одамлар келишади. Москвага жўнайсан.

Ҳақиқатан ҳам раис айтгандай бўлди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас Абдуллажон кўрғазмага жўнади. У йўғида ўтказган ўн беш куним ўн беш йил бўлиб кетди. Шу кунлари уни севиб қолганимга чиппа-чин ишондим. Бироқ нима қилиш керак? Миқ этмайди. Фақат ишдан гаплашади. Бошқа йигитларга ўхшаб клубга чиқмайди, чиқса ҳам бир бурчақда ўтириб олиб, илжайгани-илжайган. Майли, қайтсин-чи, ўзим биламан нима қилишни! Институтда йигитлар: «Сенинг тилинг ёмон!» — дейишарди ҳазиллашиб. Шу тилимни ишга соламан. Аммо у қайтди ҳам, ишга тушди ҳам, лом-мим деб оғиз очолмадим. Қайтага илгарилари бемалол гаплашадиган одам, энди у билан ёлғиз қолсам, тилим танглайимга ёпишади-қолади. Москвадан қайтган куни идорада анча

ўтирдик. Бутун кўрган-билганларини гапириб берди. Худди сеҳрлаб қўйилган одамдай, ундан кўзимни узолмайман. Озарбайжондаги қайси бир колхоз чўғирининг уруғидан сўрабди. Хуллас, «Ўзбекистон павильони» кунда ғуж-ғуж одам эмиш. Ҳамма тарқалгач, у мени кузатиб қўймоқчи бўлди. Бирам севиниб кетдим!

— Овора бўлманг, — дедим жўрттага бепарволик билан.

— Овораси бор эканми? Юринг!

Йўлга тушдик. Менга қишлоқнинг чеккасидан уй беришган. Катта кўчани қўйиб, чапга бурилдим. Шу ёқ сал узоқроқ.

— Чарчамаяпсизми? — сўради Абдуллажон ёнма-ён борар эканмиз.

— Чарчаш қаёқда! — дедим кулиб. — Чарчашга қўл ҳам тегмайди.

— Рост айтасиз. Мен ҳам ишни жуда соғиниб қолдим. Ўн беш кун иккала қўл чўнтақда юрса-я! Айтгандай, бизнинг бригадага ҳам бориб турибсизми? Ишлар қалай?

Устимдан биров бир челак сув қуйгандай бўлиб кетди. Бошим айланди, тўхтаб қолдим.

— Ишлар яхши! — дедим хўрлигим келиб. — Бригадангизнинг ишлари яхши! Пиёз ўтоқ қилинди... кечки... кечки қовун чопиб қўйилди... гармдори суғорилди... Яна нимани гапириб берай?

— Мавжудахон, нима бўлди? — Абдуллажон ўзини йўқотиб қўйди. — Мендан хафа эмасмисиз?

— Йўқ, сиздан хафа эмасман, — дедим лабимни тишлаб. — Тишим оғриб қолди. Бу ёғига ўзим кетаман, раҳмат.

— Кузатиб қўяй? Ёлғиз ўзингиз...

— Раҳмат.

— Мавжудахон, ахир...

— Йўқ, йўқ, — дедим зарда билан. — Сиз ишингиздан қолманг.

Шундай дедиму кучим борича уйга югурдим. Келиб ечинмасдан ўзимни каравотга ташладим-да, тўйиб-тўйиб йиғладим. Тавба, қандай одамларки, ишдан бошқа нарсани билмайди?!

Шу алфозда мана бир йил ўтди. Ўзимни ундан олиб қочганим сари унга интиламан. Аммо, Абдуллажондан ҳеч қандай садо йўқ. Гаплашсақ, бир-биримизга қарамай гаплашамиз. Абдуллажон ҳам мендан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Саҳарда далага кетади, қоронғи тушганда қайтади. Идорага ҳам чақиртирилганда келади.

Аламимни ишдан оладиган бўлдим. Куннинг иссиғига, совуғига қарамай, далама-дала юраман. Ҳатто, кечалари ўша ёқларда қолиб кетаман. Тўрт юз гектар янги ер очдик. Шунинг ярмисига пахта эдик. Қолганига мева кўчатлари ўтқазиб чиқдик. Абдулла қовунчига ўша ваъда қилинган эллик гектар ер берилди. Шу пайтгача уни бундай деб атамас эдим. Энди айтавераман. Бир куни, ҳатто мажлисда ҳам шундай деб юбордим.

Эҳ, нега ўғил бола эмасман-а! Шартта олдига борардим-да: «Яхши йигит, ростини айтинг, анави қиз сарғайиб кетди-ку, кўнглингиз борми-йўқми?» — деб сўрардим. Йўқ деса-чи? Ўзимнинг бу бемаъни хаёлимдан ўзим сесканиб кетдим. Йўқ, Абдуллажонсиз ҳаёт-ҳаёт бўлармиди? Қирдан жуда чарчаб келган бўлсам ҳам, ўрнимдан турдим, костюмимни елкамга ташлаб, кўчага чиқдим. Қоронғи тун. Клубдан қандайдир музыка эшитилипти. Дарё томонга юрдим. Ҳеч зог йўқ. Битта-битта қадам ташлаб, олмазордан ўтдим. Оёғим остида хазон ёқимли шитирлайди. Булут орасидан ой сузиб чиқди. Тўлқинланиб оқаётган дарё кумушдек ялтираб кетди. Яқинроқ бориб томоша қила бошладим. Шу пайт, шу пайт...

— Мавжуда! — деб қолди таниш овоз.

Ялт этиб орқамга ўгирилдим: Абдуллажон!

— Салом! — дедим ҳовлиқиб, эрталаб кўришган бўлсак ҳам.

— Салом. Нима, уйқингиз келмаяптими?



— Ҳа, — дедим жилмайиб. — Сиз-чи?

— Менми? Мен... — Абдуллажон ҳам жилмайди.

— Кечаси сайр қиладиган одатим бор. Шундай бир айланиб келмасам, уйку келмайди.

— Қачондан бери?

— Бир йилдан ошиб қолди.

— Ухлатадиган дори ичинг.

— Ичиб кўрдим, фойда бермаяпти.

— Бўлмаса...

— Мавжудахон!

— Лаббай?

— Биласизми?

— Нимани? Абдуллажон ютинди.

— Юринг, ҳов анави ёкқа бориб келамиз. Майлими?

— Майли, — дедим жўрттага эрингандай бўлиб, аммо ичимда «бор экансиз-ку, яхши йигит», деб кўйдим.

Биз анча сайр қилдик. Осма кўприкдан ўтиб, бедазор бўйлаб кетдик. Бир маҳал қовун полизга келиб қолибмиз. Абдуллажон битта қирқмани узиб чикди. Этигининг қўнжидан пичоғини олиб, шундай тегизган эди, жонивор «тарс» ёрилиб кетди. Совуқдан тишим-тишимга тегмай турса ҳам, бир тилим олдим. Бирам ширин.

— Дунёда бундан ҳам ширин нарсалар бор, — деди Абдуллажон.

Ҳайрон қолдим. Гапига эмас, унинг журъатига ҳайрон қолдим. Аммо ўзимни эшитмаганга солиб, индамадим. Буни пайқади шекилли:

— Янаги йилга шу уруғдан кўпроқ экайлик, — деди қовун полизга суқ билан қараб.

— Аввал тажриба қилиб кўрайлик, — дедим унга қўшилиб. — Кейин майли.

— Ёрдам берасиз-а?

— Албатта.

— Яхши чикса, киши билан бузилмай турадиган қовун бўлади-да.

— Туринг, кетдик. Кеч бўлиб қолди.

Йўлда Абдуллажон чурқ этмади. Мен ҳам жим бордим. Гапнинг нима кераги бор? Иккаламиз ҳам ўз хаёлимиз билан бандмиз. У нималарни ўйлаётганикин? Балки қовунларини ўйлаётгандир? Майли, ўйласа, ўйлайверсин! Ўйи бор одамнинг юраги бор. Балки шунинг учун ҳам уни яхши кўргандирман. Мен-чи, мен уни ўйлаяпман. Ўйласам арзийди.

— Мавжуда, — деди Абдуллажон олмазорга етганимизда.

— Лаббай?

— Эртага... эртага ҳам чиқасизми?

У шу топда ёш болага ўхшаб кетди: кўзлари жавдир-жавдир қиларди.

— Чиқайми? — дедим жилмайиб.

— Ҳа, албатта чиқинг.

Уйга қушдек учиб келдим. Келдиму, ечинмасдан ўзимни каравотга ташладим ва анчадан бери биринчи марта тинч, ором олиб ухладим.

1961

## ОЛТИН ЯПРОҚЛАР

Дам олиш кунларидан бири эди. Кўчага чиқдим. Кеч куз бўлса ҳам ҳаво очик, қуёш чарақлаб турарди. Ҳамма ёқда япроқлар: ок, сариқ, яшил япроқлар... Гўё кўчага чиқишингизни кимдир билгану йўлингизга гилам тўшаб қўйган.

Ҳар йили кузда, хазонрез пайтида менга шундай туюлади. Шунинг учун ҳам кўчага чиқаман, сердарахт хиёбонларни узоқ-узоқ айланаман.

Бугун ҳам шундай бўлди. Уйимиз рўпарасидаги қайинзорга ўтдим. Оёғингиз остида япроқлар, минг хил рангдаги япроқлар ғалати оҳанг кашф этиб шитирлайди. Ёқимли ўрмон иси димоғингизга урилади. Шимириб тўймайсан киши.

Бир оз айланиб, қайинзорни кесиб ўтган ариқча лабидаги скамейкага ўтирдим. Бирдан қайинзор қоронғилашди. Дарахтлар орасидан тушиб турган танга-танга шуълалар сўнди. Тепага қарадим. Кўк бетини парча-парча қора булутлар қоплаб олган эди. Кўп ўтмай, қайинзорни тасир-тусир товушлар қоплаб, ёмғир қуя бошлади. Панжара девор орқасида алланима дуп этиб ерга тушди. Шу топдаёқ қўрқув аралаш қуқулаган хўроз овози эшитилди. Чумчуқлар галаси чирқиллаганича, гур этиб бир дарахтдан иккинчисга ўтар, у ерда ҳам тинчимасдан, яна гур этиб учинчисига учиб қўнарди.

Ерда тангадек очик жой қолмади. Ҳаммасини хазон қоплади. Ёмғир зарбидан барглар дув-дув тўкиларди.

Мен бу манзарадан кўзимни узолмай, костюмимнинг ёқасини кўтариб олиб туравердим. Атрофим бирпасда халқоб-халқоб сув бўлиб кетди. Ёмғир япроқларни худди варрак пирпирагандай пириллатар, кейин эса, бутун кучи билан ерга ёпиштириб, мутлақо кимир этмайдиган қилиб қўярди. Ўз новдаларидан узилиб, ер билан теп-текис бўлган бу япроқларни кўриб, кўнглим бузилиб кетди. Ёмғир эса ҳамон ёғарди. Баъзи жойларда лойқа сувдан бошқа ҳеч нарсани кўриб бўлмасди.

Бир маҳал қайинзор ёришди. Ёмғир сийраклашди. Панжара девор томондан хўроз кичқирди ва бир-икки қуқулаб, қанотларини қоқиб қўйди.

Юзимдаги ёмғир томчиларини енгим билан сидириб, тепамга қарадим. Қарадиму, кўзларим қамашиб кетди. Рўпарамдаги қайиннинг энг юқори шохида бир нарса худди олтиндек товланиб турарди. Қўлимни соябон қилиб яхшилаб қарадим. Бу... оддий япроқ, сап-сарик қайин япроғи эди.

Унга, шу кичкина, енгилгина тебраниб турган япроққа тикилар эканман, бир воқеа эсимга тушиб кетди.

Эрта баҳор эди. Даладан келаётган эдим. Нима учун борганман у ёққа, ҳозир эслолмайман. Анчагина йўл босиб, кўприк тузатаётган одамлар олдидан чиқиб қолдим. Сўрашиб, бўш ётган замбил устига ўтирдим-да, папирос тутатдим.

— Ҳаво айнапти, — деди пахталик чопон кийган ёшгина йигит осмонга қараб. — Булутнинг авзойи бошқача.

Беихтиёр осмонга қарадим. Ҳақиқатан ҳам ҳаво айнамоқда эди. Бир папирос чеккулик вақт ўтмовдики, аллақерда момақалдиروق гулдурди.

— Ана, айтмадимми? — деди ўша йигит, қаршисида хода йўнаётган чолга қараб. — Бўлди қила қолайлик. Иннайкейин...

У гапини тугатолмади, шаррос ёмғир қуйиб кетди. Яна момақалдиروق гулдурди. Йигит қўлидаги белкурагини ташлаб, чопиб кетди. Қолганлар ҳам унинг кетидан йўлга тушишди. Фақат чол парво қилмади, бир ходани йўниб бўлиб, иккинчисини қўлига олди. Унинг кўм-кўк томирлари бўртиб чиққан узун қўллари ниҳоятда тез ҳаракат қиларди.

— Қўйинг, кейин қиларсиз, — деди кимдир жаҳл билан. — Қочиб кетмайди-ку.

Чол индамади. Кўм-кўк кўзларини одамларга тикиб, жилмайди-да, яна муккасидан ишга

тушиб кетди. Ёмғир зўрайиб жалага айланди, аммо у ўрнидан турмасди. Унинг ёнида мендан бошқа ҳеч ким қолмаган эди. Чидай олмадим:

— Ота, юрсангиз-чи! — дедим.

Шундай дедиму, ўзим одамлар кетган томонга югурдим. Улар бекинишган жой — эгаси ташлаб кетган чайла эди. Мен ҳам шу ёққа кирдим. Ҳаммамиз жим эдик. Ёмғир эса ҳамон ёғарди, гўё осмон тешилгандек. Бир маҳал кимдир ўрнидан туриб, ташқарига чикди. Кўприк томонга бирпас тикилиб турди-да, қайтиб кирди.

— Ишляпти, — деди секин ва ҳаммага бир-бир қараб, югурганича чайладан чиқиб кетди. Кўп ўтмай, чайлада мен билан пахталик кийган йигитдан бошқа ҳеч ким қолмади. Йигит кўзларини ердан узмасдан ўтирарди. Мен ҳам ғалати бўлиб кетган эдим. Бир-биримизга қарай олмай, ниҳоят ўрнимиздан турдик. Ташқарига чиққанимизда ёмғир ҳамон ёғар, аммо булутлар орасидан қуёш мўралаб турарди. Кўприкка яқинлашганимизда ҳеч ким бизга эътибор бермади. Йигит белкурагини олиб яна ишга тушиб кетди. Мен чолга тикилиб қолдим. Унинг қип-қизил юзида, пешонасида, қалин кулранг мўйлови устида олтин доналари ялтирарди. Булар терми ё ёмғир томчиларими, ажратиш қийин эди.

...Қайин дарахти учидаги кичкина япроқ менга шу чолни эслатиб юборган эди. Тепамга яна қарадим. Япроқ қуёш нурида олтиндек товланиб, енгил тебранганича кўкка дадил бўй чўзиб турарди.

1962

## ЧАРОС

Эрта тонг эди. Эндигина кўтарилган офтобнинг илиқ нурлари деразаларга тушиб, уйларни ёрита бошлаган эди. Ишга вақтлироқ бориш, тўғрироғи, олтин куз ҳавосидан тўйиб нафас олиш иштиёқида уйдан чиқдим. Бир оз этни жунжитадиган шабада эсарди. Кечаси ёмғир ёғиб ўтибди шекилли, асфальт йўлка нам.

Муюлишдан ўтиб катта кўчага чиққанимда кўк дарвоза олдида турган бир болага кўзим тушиб қолди. Оёғида, дадасиники бўлса керак: катта калиш. Бир томонга қийшайиб кўзларига тушиб турган қалпоқ ҳам ўзиники эмас эди. Яқинроқ бордим. Бола кўзларини кўчага тикканча, иштаҳа билан қарс-курс қилиб алланарса ерди. Ҳавасим келиб кетди.

— Нима еясан, ошна! — дедим ёнига яқинлашиб.

— Узум, — деди бола қалпоқ остидан кўзларини менга тикиб. Кейин қўйнидан бир нима олди. Бу — етилиб турган катта бир бош қора чарос эди. — Олинг.

У шундай деди-да, оғзини катта очиб илжайди. Совуқданми ё узумнинг рангиданми лаблари кўм-кўк кўкариб кетган эди.

— Олинг, — деди бола яна. Лекин ўзи жавобимни кутмасдан бир ғужум узумни оғзига ташлади-ю, бир-икки карсиллатиб ютиб юборди. Тамшаниб қўйдим. Йўлга тушдим. Аммо, йўлнинг ярмига етганимда боланинг қўлидаги чаросдан, шунақа етилган тимқора чаросдан бирам егиб келиб кетди! Қани энди бир боши бўлса-ю, худди шу боладек қарс-курс сувини сачратиб есанг?!

Болалигимизда кўпинча шундай қилардик. Бизнинг қишлоқ боғ қишлоқ эди. Каттабоғ деб бекорга аташмаган. Қишлоқнинг орқа томонида, эс-эс биламан, катта узумзор бор эди. Атрофи пастак пахса девор билан ўралган бу узумзорнинг юз хил рангдаги узумлари ҳамманинг ҳавасини келтирар, ўтган ҳам, кетган ҳам суқ билан қарамай иложи йўқ эди. Биз, болалар учун эса, узумзор сирли бир дунё эди. Ҳаммамизнинг уйимизда хусайними, бувакими ё бошқа хил узум исталганча бўлса ҳам, шу боғдаги узумлардан кўзимизни узолмасдик. Ҳамманикида узумдан кўп барг бўлса, бу боғнинг ишқомларида барг деярли йўқ эди. Пўсти шилинган оппоқ тол пояларига оқ, қизил, сарик, қора маржонлар гўё ғуж-ғуж қилиб осиб қўйилгандек эди.

Бир куни ўқишдан қайтаётиб, болалардан беш-олтита шўхроғимиз бир жойга йиғилдик-да, ўғирлик қилишга қарор қилдик. Икки киши соқчилик қиладиган, қолганларимиз боққа тушадиган бўлдик.

Китоб-дафтарларни кичик болалардан бериб юбориб, пойлай боладик. Кўчада ҳеч ким қолмади. Ҳамма ёқ жим-жит. Секин деворга яқинлашдик-да, битта-битта боққа тушдик. Узум! Оғзимиз очилиб қолди. Бир чеккадан узиб кетавердик. Бир қўл билан юлиб қўйнимизга соламиз, бир қўл билан оғзимизга. Бирпасда қўйнимиз тўлиб кетди. Кимдир чўнтақларига, дўпписига ҳам солиб олди. Энди кетамиз деб турган эдик, узокдан:

— Хў-хў-хўй! Ким бор? — деган овоз эшитиб қолдик-ку!

Шерикларим тапира-тупурига олиб қочиб қолишди. Мен бўлсам узумни кўп еб қўйганимданми, ё қаттиқ қўрқиб кетганимданми, қимирлолмай қолдим. Нима қилишимни билмай кўзимни чирт юмдим-да, жойимда туравердим. Қанча турдим, билмайман. Кўзимни очсам, рўпарамда қизил этик, оқ якак кийиб, устидан кўк қийикни боғлаб олган баланд бўйли бир чол жилмайиб турибди. Қалтираб кетдим.

— Кўркма, кўркма, болам, — деди у майин товуш билан. — Узум керак экан, айтмайсанми, ўзим узиб берардим.

Бундай муомалани мен сира кутмагандим, йиғлаб юбордим. Кўзимдан оққан ёшни артиш учун қўлимни кўтарган эдим, қўйлагим иштонбоғимдан чиқиб кетиб, қўйнимдаги узум ер билан битта бўлди. Аммо, чол эътибор бермади. Кўрган бўлса ҳам ўзини кўрмаганликка солиб мени юпата бошлади.

—Йиғлама, нега йиғлайсан, тентак, — деди у бошимни силаб. — Бир бош олибсанлар, икки бош олибсанлар, нима бўпти? Камайиб қоладими? Қара, бу узумларни! Қанча ахир. Ҳаммага етади. Қани, бу ёққа юр!

Чол қўлимдан ушлаб етаклаб кетди. Боғнинг ўртасидаги ишкомга кирдим. Ишком тўла ёнғоқдан-ёнғоқдек келадиган қора чарос эди.

—Тузукми? — деди чол менга қараб ва кулиб қўйди. Кўкрагига тушиб турган қалин оппоқ соқоли силкиниб кетди. — Тузук бўлса, шундан узиб бераман.

У қийиғига осиб қўйган пичоғини қинидан суғуриб узум уза бошлади. Бирпасда яктагининг иккала бари тўлиб кетди.

— Мана, болам, ол. Ўртоқларингга ҳам олиб бор.

Мен апил-тапил узумни қўйнимга солиб, кўчага югурдим. Раҳмат айтиш ҳам эсимдан чиқибди. Эшик тагига етганимда орқамга бир қараб қўйдим. Чол менга тикилганича жилмайиб турарди.

Шу-шу, деярли ҳар куни боққа чарос егани кириб турадиган бўлиб қолдим. Аммо бу узоққа бормади. Шаҳарга кўчиб кетдик.

Мана, шунданбери қанча йил ўтиб кетди. Ҳозир қишлоқ қалай экан? Ўша машҳур узумзорчи? Бормикан ҳали ҳам? Боғбон чол-чи? Бу хаёллар менга тинчлик бермай қолди.

Орадан икки-уч кун ўтмай, Каттабокқа қараб йўл олдим. Эски қишлоқ ўз ўрнида эди. Аммо ўзгариб кетибди. Чиройли уйлар, янги кўчалар тушибди. Анҳор ёкалаб, қишлоқнинг орқа томонига ўтдимув севиниб кетдим. Узумзор, ўша қадим узумзор, аввалгидай яшнаб турарди. Девор ҳам ўша девор, фақат текис қилиб суваб қўйилибди. Тагида уч-тўртта бола ёнғоқ ўйнаб ўтирибди. Боққа қарадим. Юз хил рангдаги узумлар оппоқ тол пояларига атайин териб қўйилгандек гуж-гуж эди.

—Ошна, — дедим, болалардан биттасини чақириб. — Менга қара, бу узумчи ота шу ердамиканлар ҳозир, билмайсанми?

Бола ғалати назар билан қаради-да, дўк аралаш сўради:

— Сиз кимлари бўласиз?

—Ҳеч кимлари. Ўзим шундай кўрай деб келдим.

—Узумчи бувам йўқлар. Бултур ўлганлар. Сесканиб кетдим. Бутун вужудимни титроқ босди. Менга ҳайрон бўлиб тикилиб қолган болаларга эйтибор бермай, секин орқамга қайта бошладим. Лекин юролмадим, тўхтаб қолдим. Қанча турдим, билмайман, бир маҳал орқамдан:

— Қани, ҳой болалар! Болалар-ов! — деган овоз эшитилди.

Шартта узумзор томонга ўгирилдим. Деворнинг орқасида оппоқ яктагининг этагига тўлатиб узум солиб олган бир йигит жилмайиб турарди. Мен то ўзимни ўнглаб олгунимча болалар этакни бўшатишди, йигит узумзор ичида ғойиб бўлди.

— Ким бу? — сўрадим ҳалиги боладан боққа ишора қилиб.

— Узумчи бувамнинг ўғиллари.

Юрагим ўйнаб кетди. Боғ томонга югурдим. Деворга етганимда чақирмоқчи бўлиб оғиз жуфтладиму, лекин дарров айнадим. Оёғига қизил этик, яқтак устидан кўк қийиқ боғлаб олган баланд бўй йигит ишкомлар орасидан битта-битта қадам ташлаб борарди. Унга тикилар эканман, ёшли-гимнинг ширин хотираси — узумчи бобони кўргандек бўлиб кетдим.

1962

## КУЗ ҲАВОСИ

Саври хола хиёбондан битта-битта юриб борарди, шошмасди. Шошиб нима қилади? Уйда болалари йиғлаптимми ё биронта иши чала қоляптимми? Ҳамма иши жойида, болалар йўқ. Болаларни Худо унга кўп кўрган. Нима қилади шошиб? Иннайкейин, ҳали кун эрта. Офтоб энди икки терак бўйи кўтарилди. Эрталабки муздек шабада ҳали илигани йўқ, лекин тафти босилган, этни жунжитмайди. Шудринг тушган япроқларнинг учларида мунчоқдек-мунчоқдек кумуш исирғалар пайдо бўлибди. Офтоб кўп қизиқ нарса-да. У бўлмаганда шу исирғалар бўлармиди?! Қушлар ҳам гала-гала бўлиб офтобда дарахтларга ёпишиб олибди. Илгари йўлнинг устида кам кўринарди, чуғур-чуғурлар хиёбоннинг пастки томонларидан эшитиларди. Мана энди бу ёқда, очикда. Одамлар ҳам шундай. Дарахт соясидан қочиб юришибди. Хиёбонда одам кам. Ҳамма ишда. Борлари бозор-ўчар қилиб юрганлар, ё бўлмаса унга ўхшаб ишдан қайтаётганлар. Лекин у ўзининг ишлаганлигини сезмасди. Ишлаган одам чарчайди, мадори қурийди. Унинг сира мадори қуримайди. Тагин кампир нарса. Уч кам етмишга кирди. Ҳа, бу йил товук йили бўлса шу ёшга кирган бўлади. Наҳотки, иш шунақа бўлса?! Ё Сотиболди тушмагур уни шунақа ишга кўйиб кўйдими? Эрталаб келади, супуради-сидиради. Баъзан хоналарнинг полини ювади. Деразаларни артади. Хизматчилар келганда ҳамма ёқ чиннидек тоза, саришта. Бўлди, шу билан иш тамом. Мана, икки ой бўпти ишлаётганига, аҳвол доим шунақа. Лекин суриштиргани уялади. Суриштириши унга норози бўлаётгандай туюлади. Шунинг учун ишхонасининг аниқ номини ҳам билмайди. Ҳамма хоналар баланд-баланд қийшиқ столлар билан тўлиб кетган. Хизматчилар типпа-тик туриб шу столлардаги катта-катта қоғозларга нималарнидир чизишади, нималигини у билмайди. Сотиболдининг хонаси алоҳида, эшигининг тагида доим битта жувон ўтиради. Лекин жувонни у кам кўради. Эрталаб келганида ишни аввал шу хонадан бошлайди-да. У пайтда ҳеч ким бўлмайди. Сотиболди ҳам бўлмайди. Бу ерни супуриб-сидириб, бошқа ёққа ўтганидагина келади. Бирин-чи кун Сотиболди анчагача тепасида қараб турди. Кейин:

— Ҳорманг. Чарчамадингизми? — деб сўради. Саври хола кулди.

— Нега чарчарканман, болам! Шу ҳам иш бўптимми?

— Билганга иш бўлмасаям, билмаганга иш, — деди шунда Сотиболди. — Сиздан олдин нечтаси келиб кетди.

Саври хола индамади. Лекин бу гапдан кейин бирон нарса қилгиси келди, ҳозиргина артган жойларига янгитдан латта уриб чиқди. Иш тамом бўлгач, Сотиболдининг ўзи эшиккача кузатиб кўйди.

— Адашмайсизми? — деб сўради хайрлаша туриб, — Нега адашарканман, болам? Хиёбондан ўтсам бўлди. Катта кўча билан тўғри уйимга бораман, — деди кампир ва кўчани кесиб ўтиб, хиёбонга кирди.

Хиёбон ёзда яхши эди, гавжум бўларди. Қаёққа қарама одам, бўш жой йўқ ўтиришга. Эрталаб ҳам шунақа, кундузи ҳам, кечқурун ҳам. Энди бунақа эмас. Ҳамма ёқ хувиллаб ётибди. Скамейкалар бўм-бўш. Тагин қанақанги скамейкалар!.. Ўтирсанг, ўтирганинг билинмайди, ётгандайсан. Бўёқлари ҳам турли-турли: оқ, сариқ, қизил, кўк... Бамисоли Ҳазрат Алининг ёйлари дейсан. Кампир шу скамейкаларда бирпас-бирпас ўтган-кетганга қараб ўтирарди. Кейин хиёбонни айланарди. Нима йўқ унда. Дунёда бор дарахтлар, гуллар таг-туғи билан кўчирилгану шу ёққа олиб келинган.

Айниқса, кўғирчоқ уйдек кичкина, жимжимадор уйнинг атрофи чиройлик. Гўё шу уйга келин тушадигану ерга палақдан пояндоз ясаб кўйишган. Кампир шу томонда кўпроқ юради, кейин катта кўчага чиқиб, пиёда уйига кетади. У пиёда юришни яхши кўради, иннайкейин кўникиб ҳам қолган. Шу ёшга кириб, ҳали бирон марта машина ёки трамвайга тушган эмас. Раҳматли эри Усмон ака агар бирон жойга бирга боришадиган бўлса роса хуноб бўларди. Жонингга жабр қилиб нима қиласан, деб сўкарди. Бу ҳам кор қилмагач, ҳукуматда қасдинг

борми, нега у чиқариб қўйган трамвайга чиқмайсан, деб кўрқитарди. Лекин фойда бермасди. Саври хола унинг гапларига парво қилмай, сабабини билмаса ҳам, пиёда кетаверарди. Мана, жонига жабр қилмай эллик ёшида Усмон ака оламдан ўтиб кетди. Касал бўлгани йўқ. Майиб бўлгани йўқ. Кечқурун шавла еб ўтириб — раҳматли шавлани яхши кўрарди, — мудроқ босяпти, бирпас мизғиб олай, деб шундай танчанинг ёнига ёнбошлади. Шу ётганича турмай қўя қолди. Раҳматли паст бўйли — Саври холанинг елкасидан келарди — жиккаккина, мўмин-қобил одам эди. Шунчалик мўмин эдики, кўпинча уйда бор-йўқлиги ҳам билинмасди. Бечоранинг ўлими ҳам ўзига ўхшаб билинмай ўтиб кетди. Саври хола кўп қайғурмади. Юракда изи қолмаганидан кейин қийин экан. У ҳатто эрининг юз-кўзи қандай бўлганини ҳам эслолмайди. Лекин ҳар ҳайитда мазорбошига бориб, қабрини зиёрат қилиб келади. Уйдан Минор анчагина олис, айланма бўлса ҳам, пиёда боради. Пиёда юришга нима етсин?! Кўрмаганини кўрасан, билмаганини биласан. Сотиболди ишга киритиб қўйиб, кўчага чиқадиган бўлди-ю, дарди енгиллашди. Урушда бедарак кетганлар кўп экан, битта унинг ўғли эмас экан. Аза очиб бекор қилибди. Бунга Сотиболди ҳам айтди. Қўйинг, боши омон бўлиб кириб келиб қолса, нима деган одам бўласиз, деди. Қулоқ солмади. Тилаб олган ўғлининг дарди бошқача бўлар экан. Омон бўлса келади, умри тугаган бўлса жанозасиз ётмасин, деди. Лекин ўшанда тўғри қилибдими, ё нотўғри қилдими, ҳали ҳам билолмайди. Кўчага чиқиб, биттаси йигирма бир йил деганда келганини эшитди. Бердиалининг кетганига қанча бўпти? Энди ўн етти йил! Ажаб эмас келиб қолса. Кўпинча кечқурунлари бир капир ош қилиб, чимчилаб еб ўтирганда хаёл қурғур минг ёққа олиб кетади-ю, Бердиали иккита қовунни қўлтиқлаб кириб келаётгандай бўлади. Нега албатта қовун қўлтиқлаб келади — Саври хола билмайди. Лекин бир нарса доим эсида. Бердиали қаёқдан келмасин, ўқишданми, бошқа ёқданми, барибир, ишқилиб бир нарса кўтариб келарди. Жўнашидан бир кун олдин ҳам шундай қилган эди. Хаёли урушда-ю, бир сумка шафтоли олиб келибди. Шунинг учунми, хаёлидан Бердиали ўтса, қўлида қовун билан ўтади. Қовун миясига ўрнашиб қолган. Ўтади-ю, қулиб турган қиёфаси бир неча кун кўз олдидан кетмай қолади. У чиройли куларди. Болалигидан шундай. Кулганда чап юзида кулгич пайдо бўларди. Ҳамма шу кулгичга ишқибоз эди. Бирпас кўчага чиқдими, чап юзи қизариб қайтиб келарди. Қўни-қўшнилар ўпаверишарди. Саври холанинг ўзи ҳам уни ҳолжонига қўймасди. Бўлар-бўлмасга кулдириб, ўпаверарди. Жўнаётган куни ҳам вок-залда Саври хола уни шу кулгичидан ўпган эди.

Бу сўнги ўпич унинг хотирасидан сира чиқмайди. Уни эслаганда, беихтиёр кўзлари ёшланади. Бунинг устига ёлғизлиги қўшилиб, бир дарди ўн бўлади.

Яхшиям Сотиболди бор экан. Аза тутгандан бери тинч қўймай, охири, ишхонасига киритиб қўйди. Биринчи куни ўзи машинада олиб кетди. Хиёбонни ўшанда кўрди. Кўрди-ю, пиёда юргиси, шу хиёбондан ўтгиси, умрида кўрмаган танаси бир қулоч-бир қулоч келадиган дарахтларни, ҳуснини кўз-кўз қилиб турган хилма-хил гулларни томоша қилгиси келиб қолди. Қайтишда шундай қилди, хиёбонга йўл солди. Мана, икки ойдан бери шу йўлдан юради. Боришдаям, келишдаям. Бунга пиёда юришни яхши кўришидан ташқари, бошқа сабаб ҳам бор. У шу йўлдан юриб Собиржон билан танишиб қолди. Собиржон катта кўчада ямоқчилик қилади. Дўкони бор. Ноп-нозандай йигитсан, нега ямоқчилик қиласан, бўй-бастингга яраша иш қилсанг бўлмайдими, деб кўпинча сўрамоқчи бўлади Саври хола, лекин сўрай олмайди, уялади. Иннайкейин, унинг нима иши бор? Ҳар кимнинг ўз ихтиёри, кўнгли тусаган ишни қилаверади. Сирасини айтганда, Собиржон қўли гул йигит. Косиблик гўё унинг учун яратилган дейсиз. Қорайиб тарам-тарам бўлиб кетган бакувват қўлларида бигиз, игна ўйнаб туради. Унинг хушмуомалалигини айтмайсизми?! Ҳар кўрганида қўлини кўксига қўйиб салом беради, хол-аҳвол сўрайди.

— Ассалому алайкум, холажон, — дейди. — Йўл бўлсин?

— Уйга болам, уйга, — дейди Саври хола қадамни секинлатиб, кейин мағрурлик билан

қўшиб қўяди. — Ишдан келяпман.

— Чарчагандирсиз бўлмаса, — дейди Собиржон ишини қўйиб. — Бирпас ўтириб чой ичиб кетинг. Селон чой. Янги дамлаганман.

Саври хола уйдан кўнгли тўқ бўлса, рози бўлади. Уйдан эса кўпинча кўнгли тўқ. Овқатга анча бор. Ҳовли шипший-дам. Ўтиради. Собиржон кичкина курсича қўйиб беради. Ана шунда, ишда озгина чарчагани билинади. Лекин бир-икки пиёла аччиқ цейлон чойидан ичиб, танаси яйрайди. Буни бутун баданига иссиқ тарқаб, пешонасидаги уч-тўртта калин чизикларнинг остида, қирра бурни учида тер томчилари пайдо бўлганидан билади-да, тургиси келмай қолади. Шунақа пайтлари баъзан оқшомгача шу ерда қолиб кетади. Собиржоннинг ишига маҳлиё бўлиб, гапларига кулоқ солиб ўтираверади. Собиржонда гап кўп, тагин бирам маънили. Дунёда нима гап, подшолар нима қилишяпти, нима дейиш-япти. Америка яна қанақа найранг қилмоқчи — ҳаммасидан хабардор. Ҳаммасини эринмасдан гапириб беради. Жуда гап тополмай қолса, қўлидаги ямаётган нарсасидан маъно чиқариб гапиради.

— Манави ботинкага қаранг, — дейди. — кўряпсизми, таги туянинг кўзидай тешилиб кетибди. Пошнаси ҳам қолмаган. Эгаси қанақа одам, биласизми?

Саври хола бошини сарак-сарак қилиб, йўқ, дейди. Собиржон гапида давом этади:

— Бу одам ўлгудек меҳнаткаш. Иш бўлса бўлди унга. Елиб-югураверади, ўзини ўйламайди. Оёғига тош-пош ботганда қараб қўяди. Усти бутун. Яна парво қилмай кетаверади. Ечиб, тагини қарашга вақти йўқ.

Собиржон унга тагдўзи қоқиб, ён-верини яхшилаб текислайди-да, бошқа бир туфлини қўлига олади.

— Бунга нима дейсиз? — сўрайди кампирдан, кўзларини айёрона сузиб.

Саври хола туфлининг ямоқ-ямоқ бўлиб кетганини кўриб:

— Бечора, жуда камбағал бўлса керак, — дейди.

Собиржон жилмаяди. Анчагача жавоб бермай туфлига қараб туради-да:

— Йўқ, хола, топмадингиз, — дейди. — Бунга қаранг. Бутун жойи қолмабди, ҳаммаси ямоқ бўлиб кетибди. Шундоқ бўлсаям яна яматгани олиб келибди. Энди, тозалигига қаранг. Гард юкмаган-а! Ким шунақа кияди? Ўлгудек зикна, хасис одам шунақа кияди. Ўзиниям ўн йил кийган бўлса керак. Камбағал шунақа киядими?! Уники ёзгаям, қишгаям, лойгаям, сувгаям битта. Худо пошшо, деб кияверади. Соб бўлгунча кияди. Яматмайди. Яматгани ораси ёқ яланг Қолади. Шунинг учун кияверади. Соб бўлганда, ташлаб, янгисини олади. Тўғри эмасми?

Саври хола тўғри, дегандай бош қимирлатади. «Шунча ақлинг билан битта катта идорани тебратишинг мумкин, бу ерданима қилиб ўтирибсан», демоқчи ҳам бўлади-ю, демайди. Ўғлини эслаб кетади. «Шундоқ ўтирса ҳам катта давлат эди», дейди ичида ва томоғига нимадир келиб тикилади. Яна бирпас ўтирса кўзи ёшга тўлишини билиб:

— Умринг узоқ бўлсин, болам, — деб фотиҳа ўқийди-да, ўрнидан туради. — Қўлинг дард кўрмасин!

— Раҳмат, хола, — дейди Собиржон. — Яхши боринг.

Саври хола йўл-йўлакай ўзини тутиб олади. Жуда хаёлга берилиб кетса, уйга келиб, дарров овқатга уннайди. Баъзан бу ҳам фойда бермайди, ёш қуйилиб келаверади. Шунда куруқ чойни култ-култ ютиб, тонг отишини кутади. Хўроз қичқирганда кўнгли анча жойига тушади. Ишхонада, кейин Собиржоннинг олдида овунишини билади. Лекин уч кундан бери дўкон берк. Собиржон йўқ. Биринчи куни унча парво қилмади. Шундай бўлса ҳам дўкон берклигини кўриб юраги увушиб кетди. Бирпас, келиб қолар, деган хаёл билан кутди. Йўқ, келмади. Иккинчи куни ҳам шундай бўлди. Собиржонга жуда ўрганиб қолган экан. Зарур нарсасини йўқотиб қўйган одамдек қарахт бўлиб уйига қайтди. Овқат татимади. Кечаси билан ҳам ухлалмай чиқди. Нима бўлдий-кин? У ёқ-бу ёққа кетиб қолдимикин? Ундай бўлса айтарди. Иннайкейин, қаёққа боради? Ҳеч кими йўқ. Нима бўлдийкин?



Саври хола битта-битта юриб борарди, шошмасди. Шошиб нима қилади? Уйда болалари кутяптими ё биронта иши чала қолганми? Ҳамма иши жойида. Иннайкейин, ҳали кун эрта. Офтоб энди тиккага келибди. Универмагга ҳам кириб чиқса бўлади. Бугун ойлик олди. Арзимаган ишгаям анча пул беришаркан. Илгари пенсиянинг тийини ҳам ҳисоблик эди. Энди бунақа эмас. Универмагга кириб чиқса бўлади. Битта маҳси олиш керак. Қиш ҳам келиб қолди.

Саври хола шу хаёллар билан ўзини чалғитишга уринди. Лекин, барибир, фикр-зикри Собиржонда эди. Охири чарчади шекилли, ўзига ихтиёр бериб юборди. Қадамлари бирдан тезлашди. Универмаг қолиб кетди. Катта кўчага чиқиб, театрга етганда эса қадамлари баттар тезлашди. У энди бутун вужуди билан олдинга интиларди. Кўзлари йўлда эди, лекин ҳеч нарсани кўрмасди. Лаблари нималарнидир шивирлар, лекин нималигини ўзи билмасди.

Йўловчилар ҳам ҳайрон эди. Қора духоба нимчасининг тугмачаларини ечиб, қўлларини қаттиқ-қаттиқ силтаганича, йўлканинг ўртасидан ҳеч кимга парво қилмай кетаётган бу кумуш соч кампирни кўриб, баъзилар тўхтаб орқасидан қараб қолишарди. Олдиндагилар эса худди аскар этигининг темир нағалидек асфальтга тапиллаб тушаётган овозни эшитиб орқаларига ўгирилишар ва кекса аёлнинг зарб билан келаётганини кўриб, шошганларича йўл беришарди.

Кўп ўтмай олисдан Собиржоннинг дўкони кўринди. Саври хола тўхтади. У ҳансирарди. Нимчасини ечиб қўлига олди. Шу билан дам олган бўлди-да, яна жадал юриб кетди. Шунча ҳаракат қилса ҳам дўконнинг очик-ёпиқлигини билолмади, қадамини яна тезлаштирди. Бир қақиримча юриб, дўконга етди. У очик эди. Кампир овозининг борича:

— Собиржон! — деб юборди. Деразадан кимдир мўралади.

— Лаббай, хола?!

Саври хола уни кўрди-ю бўшашиб кетди. Бу — Собиржон эмас эди:

— Собиржон қани? — сўради у бор кучини йиғиб. Лекин овози чиқмади.

— Лаббай? — дўкон эшиги очилди, ичкарида шоп мўйлов бир киши ўтирарди.

— Келинг, кампир, — деди у ва курсига ишора қилди. — Ўтиринг.

Саври хола худди шуни кутиб тургандай шилқ этиб курсига ўтирди. Унинг бутун мадори қуриган, рангида ранг қолмаган эди.

— Собиржон қани? — сўради у бир оз ўзини босиб олгач.

— Собиржонми? — деди шоп мўйлов киши. У кампирга парво қилмасдан, қўлидаги этикка нағал қоқиш билан банд эди. — Собиржоннинг тоби йўқ. Ётибди.

— Нима қилди? — шошиб сўради Саври хола. — Қаерда?

— Уйда, — этикдан кўзини узмай жавоб берди шоп мўйлов киши. — Уйда ётибди. Нима қилганини билмайман. Ўрнига бориб тур, дейишди, келдим.

Саври хола секин турди. Бутун бадани қақшарди. Оёқлари зўрға қимирларди.

— Ҳа, кампир, ўтирибсиз-да, — деди ямоқчи. — Собиржонда нима ишингиз бор эди? Мен қилиб берай?!

Саври хола индамади. Битта-битта қадам босиб уйи томон юриб кетди. У шошмасди. Қўлида нимчаси судралиб борарди. Нима қилади шошиб? Уйда нима, болалари борми йиғлайдиган? Йўқ. Болаларни Худо унга кўп кўрган. Шошиб нима қилади? Кун ҳам ҳали кеч эмас. Энди қиём бўлибди. Ана, муздек шабада эса бошлади. Ҳаво совиди. Терлагани учунми, Саври хола буни дарров сезди. Нимчасини кийиб олди. Офтоб кўп яхши нарсада. Курт-кумурсқаям, жонивор ҳам, одам ҳам офтобга интилади. Усиз нима бўларди?

Саври хола уйига келиб, айвонга чўккалади. Анча ўтирди. Кейин самоварга озгина сув солиб, ўт ёқди. Цейлон чой ичгиси келди. Собиржон бир пачкасини қўярда-қўймай бериб юборган эди. Таҳорат олиб, юз-қўлини ювгунча самовар қайнаб чиқди. Аччиқ қилиб дамлади. Шу тоб бир нарса эсига тушиб қолди. Нимчаси устидан апил-тапил камзул кийди-да, эшикка отилди. Тўғри дўконга келди. Дўкон берк эди. Кампир ўйланиб қолди. У нима қилишини билмасди. Кейин нимадир эсига тушиб, дўкон орқасидаги уч қаватли бинонинг ҳовлисига

кирди. Ҳовлида йўл-йўл камзул-шим кийган, кўқон дўппили бир киши ғилдирак симини тўғрилаётган боланинг тепасида томоша қилиб турарди.

— Айланай, — деди Саври хола унга рўпара келиб. — Собиржоннинг уйини билмайсизми?

— Собиржон? — сўради кўқон дўппили киши. — Қайси Собиржон?

— Ямоқчи йигит.

— Танимайман, — деди у, гап тамом, дегандай яна болага қараб. — Ямоқчига ишим тушмаган.

— Мен биламан, — деди бола шу пайт ўрнидан туриб. — Бир марта халталарини кўтаришиб олиб борганман. Кўрсатиб қўяйми?

— Бўйингга қоқай! — Саври хола севиниб кетди.

— Майли, — деди бола бурнини шўлқ этиб тортиб. — Фақат машинада борамиз.

— Машинада? Қанақа машинада?

— Мана кўрмаяпсизми! — деди бола ғилдирак билан симини кўрсатиб. — Мен олдинда кетаман. Орқамдан сиз юрасиз. Кўркманг, олдинга кетиб қолсам, қайтиб келаман. Майлими?

— Майли, болам, майли, — деди Саври хола.

Шундай килиб, у умрида иккинчи марта машинага «тушди». Лекин бу гал эътироз билдирмай тушди. Бола ғилдирагини ғилдиратиб ҳовлидан чиқди.

— Бип, бип, кетдик! Юринг!

Собиржоннинг уйи олис эмас экан. Бирпасда етишди.

— Мана, — деди бола кичкина қизил эшикни кўрсатиб, — шу ерда турадилар. Кираверинг. Мен кетдим. Бип, бип!

— Бўйингга қоқай, ойинг роҳатингни кўрсин!

Саври хола ичкарига кирди. Торгина ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Тўрда эшик кўринди. Шу ёққа юрди. Юраги дукиллаб ура бошлади. Эшикка яқинлашиб, секин тақиллатди.

— Ким? Кираверинг!

Бу Собиржон эди. Кампир овозидан дарров таниди. Таниди-ю, энтикиб кетди. Эшикни очиб, ичкарига кирди.

Собиржон эшикка қараганича, каравотда ёнбошлаб ётарди.

— Ие! Хола! Келинг! — деди қаддини ростлаб, лекин турмади.

— Келдим, — деди Саври хола. У ўзини энди анча босиб олган эди. — Нима қилди, болам? Тузукмисан?

— Эски ярам кўзиди, — деди Собиржон.

— Қанақа яра?

— Оёғим...

— Оёғингга нима қилган, болам? — хавотирланиб сўради Саври хола каравотга яқинлашиб.

— Оёғимгами? — деди Собиржон ўйланиб. — Оёғим... оёғим йўқ.

— А?! — Саври хола қотиб қолди.

Собиржон ҳам жим эди. У нимадандир уялиб, кўзларини юмиб олган эди. Бир маҳал у жилмайди, кўзларини очиб, Саври холага қаради. Кампирнинг юз-кўзи ёш эди.

— Кўйинг, йиғламанг, фойдаси йўқ. Урушнинг оқибати бу. Йиғламанг. Яхшиси, ишингиздан гапиринг, Қалай, хурсандмисиз.

Саври хола жавоб бермади. У Собиржоннинг оёқ томонидаги юпқа кўрпани чангаллаганича қотиб қолган эди. Бирдан у каттиқ ютинди, серажин юзи тортилиб, ёш боладек хўнграб йиғлаб юборди.

— Болам, болажоним! Оти курсин урушнинг, оти курсин! — дерди йиғи аралаш.

Шу куни Саври хола алламаҳалгача Собиржонникида қолиб кетди. Кўчага чиққанида қош қорайиб қолган эди. Уйи томон борар экан, у шошиларди. Нега шошилмасин? Бутун ишлари чала. Собиржонга иссиқ овқат қилмаса бўладими? Ўзига ўхшаб у ҳам ошни яхши кўрар экан.

Йўл-йўлакай Сотиболдиникига кириши керак ҳали. Кўрпа-ёстиғини, кампир нарса, олиб кела олармиди? Иннайкейин, куни бирам яхши! Эрталабки юзни ачитадиған муздек шабада йўқ.

Жоннинг роҳати, куз ҳавоси кўп қизиқ-да. Айнаб қолмасин тағин? Шошиш керак.

1962

## БАҲОР НАФАСИ

Тунги сменадан қайтардим. Кун ҳали эрта. Эндигина ранг олиб келаётган баркашдек қуёш тоғлар ортидан кўтарилмоқда эди. Кўча жимжит. Онда-сонда пишқириб юк машиналари ўтиб қолади. «Гурр» этиб чумчуқлар галаси ерга кўнади-ю, чирқиллаб яна кўздан ғойиб бўлади. Қаердадир, тепада эрта кўчиб келиб, ёлғизликда қоронғи тунни ўтказган булбулнинг ўқтин-ўқтин нолиши эшитилади. Дам ачинасан, дам унинг мунгли ноласига қулоқ бериб, янги фаслнинг қанот ёзаётганига қувонасан киши. Қувонасану беихтиёр кўзларингни беғубор мовий осмонга тикасан, тонг ҳавосини ўпканг тўлгунча шимирасан. Ариқ бўйларидаги эндигина барг ёзаётган толларга, баланд-паст деворлар ор-қасидаги меваларнинг оқ, пушти, қизил гулларига табассум билан қарайсан, чарчоқларнинг унутилади.

Ҳар баҳор шундай. Ҳар баҳор шу манзара такрорланади. Ҳар баҳор дон талашган шу чумчуқлар галасини, худди шу пишқириб ўтган юк машинасини кўргандай, адашган булбулнинг айнан шундай ноласини эшитгандай бўласан, шулардан нимадир сенга кучлироқ таъсир қилади-ю, яна бир ёш улғайганингга гумон қилиб қоласан. Ёшлигинг эсингга тушади, аллақачонлар унут бўлиб кетган воқеалар, юрагингнинг қаеридадир бир умрга қулфлаб ташланган, бошқаларгина эмас, ҳатто ўзинг эсласанг қизарадиган ёшликнинг шўхликлари эсингга тушиб, хаёл суриб кетасан.

Ҳар баҳор шундай, ҳар баҳор шу хаёллар қалбингни қитиклайди. Лекин... лекин ўша куни шундай бўлмади. Тўқимачилар хиёбонига қадам кўйганимда нима учундир бузилмай қолган пахса деворнинг тагида очилган лолақизғалдоқни кўриб қолдим. У қуёш нурида чўғдек ловиллаб турарди. Юрагим ҳаприқиб кетди. Бордиму шартта узиб олдим. Нега уздим — унинг гўзаллигига ҳавасим келганиданми, ё қўлим билан ушлаб, лабларимга теккизиб, баҳор нафасини ҳис қилгим келдим, билмайман. Узганимдан кейин раҳмим келиб кетди. Рангпар банди мўрт, бирпасда узилган еридан сув томиб, қорайди. Чанги тўкилиб, бармоқларим олтин суви югуртирилгандек сарғайди. Аммо япроқлари таранг, шабадага парво қилмай, қулиб турарди. Афтидан, илдизлар бор кучларини тўплаб, япроқларга берган... Нима қилишимни билмай, унга тикилиб қолдим. Бир маҳал:

— Амаки, нима қияпсиз? — деган овоз эшитилди.

Ёнимга қарасам, семиз портфель кўтариб олган бир қизча офтобдан юзини буриштириб, менга қараб турибди.

— Нима қияпсиз-а, амаки? — сўради у яна.

— Томоша қияпман, — дедим.

— Нимани, лолақизғалдоқними? — сўради қизча.

— Лолақизғалдоқни.

— Яхшияканми?

— Жудаям.

— Мен ҳам кўрай?

— Ма.

Қизча портфелини оёқлари орасига қистириб, ҳовучини тутди. Бердим.

— Вуй, жудаям кичкина-я! — деди қизча уни авайлаб пуфларкан.— Қаердан олдингиз? Шу ердан узиб олдингизми?

— Ҳа, — дедим.

— Нима қилардингиз узиб? — деди қизча лолақизғалдоқдан кўзини узмай. — Ҳали катта бўларди...

— Қуриб қолмасин, деб уздим. Сенга берайми?

— Майли, беринг, — деди қизча. — Мен уни қуритмайман. Сувга солиб кўяман. Берасизми?

— Олақол.

—Раҳмат, амаки.

Қизча чап қўлини секин бўшатди-ю, портфелини олди. Кейин ўнг кафтида банди қорайган лолақизғалдоқни ушлаганича кетди. Унинг орқасидан қараб қолдим. Галина ҳам худди шундай, кичкина, оппоқ қўлларини чўзиб турган эди... Бунга анча бўлди. Биз иккита разведкачи — Владимир Казаков ва мен Курск ёнида қуршовда қолдик. Тун эди. Юракни эзадиган жимжитлик... Душман ҳам, биз ҳам ҳал қилувчи жангга тайёргарлик кўрмоқда эдик. Тонг отиши билан жанг бошланар эди. Урмондамиз. На шамол бор, на тун қушларининг чинқириғи. Баъзан гоҳ чапдан, гоҳ ўнг томондан немисча гаплар эшитилиб қолади, бошқа ҳеч нарса қулоққа чалинмайди. Тонгга яқин бир амаллаб ўрмондан чиқиб олдик. Таниш ёғоч чайла кўринди. Шундан икки юз метр нарида бизникилар. Олисдан истехкомларнинг деворлари билиниб турибди. Чайланинг орқасига эсон-омон ўтиб олсак, марра бизники. Вақтни бой бермай эмаклаб кетдик. Бир маҳал шеригим:

— Ўртоқ сержант! Қаранг! — деб қолди жонҳолатда.

Чайла томонга қарадим. Кичкина бир қиз чайланинг олдида ўтирарди. Ғира-ширада унинг башараси яхши кўринмаса ҳам, жуда ёшлиги билиниб тўрарди.

— Нима қиламиз? — сўради Казаков шошиб.

— Борайлик-чи, — дедим ҳаяжонимни яширишга ҳаракат қилиб.

Шеригимнинг ҳовлиқиб қолганини тушунардим. Агар қизча бизни кўриб қолиб, бақириб юборса борми, иш тамом, қўлга тушардик.

Ундан ўзимизни яшириб, эмаклаб кетдик. Чайлага етганимизни ҳам у сезмай қолди. Секин чақирдим:

— Ҳой қиз, кимсан?

Қизча бизга бошини ўгирди, лекин жойидан қимирламади.

— Галина, — деди бамайлихотир.

— Қаёқдан келдинг? У ўрмонни кўрсатди.

— Нима қилиб ўтирибсан?

— Дадамнинг олдида кетяпман.

— Даданг қаерда?

— Урушда...

— Ойинг-чи?

— Фашистлар отиб ташлашди.

Юрагимни бир нарса тимдалаб кетди. Ёнимга чақирдим.

— Дадангнинг олдида олиб борайликми?

— Ҳа.

— Юр, бўлмаса. Эмаклашни биласанми?

— Биламан.

— Қани, юр.

— Амаки, тўхтанг.

— Ҳа, нима бўлди?

— Лолам қолиб кетди.

— Қанақа лола?

— Хув ана.

Галина чайладан сал нарини кўрсатди. Мина кўпориб ташлаган тупроқ устида биттагина лола очилай-очилай деб турарди.

— Мен олиб келаман, — деди Казаков ва эмаклаб кетди. Бирпасда қайтиб ҳам келди. — Мана, юр энди тезроқ.

Галина икки қўлини ҳовуч қилиб узатди. Шу пайт бир нарса «виз-з-з» этди-ю, Казаков инграб юборди.

— Нима қилди? — сўрадим шошиб.

— Уқ тегди шекилли, лаънати! — сўқинди у биқинини ушлаб.

Ҳақиқатан ҳам ўқ теккан эди. Гимнастёркаси бирпасда қонга бўялди.

— Сизлар кетаверинглар, — деди у инграб. — Мен юролмайман.

— Бемаънилик қилма, — дедим жеркиб. — Кел, опич.

— Кўйинг, ўртоқ сержант. Фойдасиз.

— Опич деяпман!

Кўп ўтмай орқага қайтдик. Устимда Володя, ёнимда лоласини ушлаб олган Галина. Қирк метрча юрдим. Қизча ҳам чарчади, мен ҳам. Тер қуйиб кетди. Устим қондан жикка хўл.

— Кўйинг, ўртоқ сержант. Оғирман. Иннайкейин, фойдасиз, — деди кучини тўплаб Володя.

— Нима деяпсан ўзи? — дедим. — Озгина қолди. Етиб оламиз.

— Етиб оламиз, — деди Галина. Унинг жуда ширин овози бор эди. — Сиз, ўламан деманг, эркаклар бунақа демайди.

Володя зўрға илжайди.

— Қаердан биласан сен?

— Дадам айтганлар.

— Даданг ботир одам экан, — дедим.

— Дадамлар қахрамонлар! — деди Галина.

Яна эмаклай бошладик. Кўп ўтмай тўплар гумбурлаб кетди. Бизникилар хужумга ўтишди.

Володяни госпиталга ётқиздик. Галина ҳам ўша ерда қолди. Қайтар эканман, у орқамдан югуриб келиб, энгимдан тортди:

— Ўртоқ сержант, манави сизга! — деди банди чайналган лолани узатиб. — Дадам лолани жуда яхши кўрардилар.

— Раҳмат, — дедим унинг узатилган оппоқ қўлчаларини ушлаб. — Олиб кўй, дадангни топганинда берасан.

— Дадамларни тополаманми?

— Топасан, — дедим. — Даданг ахир қахрамон-ку!

— Раҳмат, амаки.

Шу-шу уни кўрмадим. Урушнинг сўнгги йили Володядан хат олдим. Конвертни очсам, ичида қотирилган лола. «Галина бериб юборди, — деб ёзибди у. — Дадасини топса, янгисини ҳадя қилармиш».

Билмадим, дадасини топдимми-йўқми? Лекин ҳар вақт альбомни варақлаб, лолани кўрар эканман, Галинани эслайман. Унинг хайрлашаётганимиздаги чузилган ориқ қўллари, ишонч билан боққан йирик зангори кўзлари кўз олдимда гавдаланади.

Ўшанда ҳам шундай бўлди. Хиёбондан кетяпману, хаёлим унда. Қаерда экан ҳозир? Нима қилаётган экан? Отасини топдимикин? Балки топгандир. Шундай нимжон нарса Ҳаётга интилиб, ерни ёриб чиқибди-ку, у топмаганмикин?!

1963

## СОАТ

Биз кўпчиликмиз. Дадам, ойим, мен. Тўртта укам ҳам бор. Ойим билан дадам ишлашади. Мен ўқийман, иккита укам ҳам ўқийди. Шунинг учун ҳам ҳар бир хонада соат бор. Биттасида осма соат, биттасида будильник... Лекин ҳеч қайсимиз бу соатларга қарамаймиз. Ойимлар ўзлари юргизиб турсалар ҳам, қарамайдилар. Ҳаммамиз вақтни дадамлардан сўраймиз. Уларнинг қўл соатлари бор. Оддий, лекин катта соат. Билақларига зўрға сиғади. Будильникка ўхшаб «жаранг-журинг», «жаранг-журинг», қилиб юради.

Бу соат бувамларники. Улар урушда ҳалок бўлганлар. Уйга қорахат билан шу соат келган. Ўшанда дадам ҳам фронтда эдилар. Ойим қутчага солиб беркитиб қўйганлар. Дадам қайтиб келганларидан кейин ҳам анчагача кўрсатмаганлар. Мен туғилганимдан кейин кўрсатганлар. Шундан бери қўлларидан тушмайди.

Ишхонадан тақдим қилишган соатлари ҳам бор. Тақмайдилар. Шуни тақадилар.

Таниш-билишлари баъзан:

— Бошқасини тақинг, эскиб кетибди-ку! — дейишади.

Шунда:

— Бу оддий соат эмас, дадамларники, — дейдилар. Яқинда мен техникумга кирдим.

— Мана, — дедилар шунда қўлларидан ечиб, — катта бўлиб қолдингиз. Сиз тақинг.

Энди уйда вақтни ҳамма мендан сўрайди. Дадамларнинг ўзлари ҳам мендан сўрайдилар. Минут, секундигача айтиб бераман соатимга қараб. У жудаям катта. Билагимга зўрға сиғади. Будильникка ўхшаб «жаранг-журинг», «жаранг-журинг» қилиб юради. Рақамларига доғ тушган. Лекин оддий эмас, дадамларники.

1963

## ДУТОР

У ғира-ширада уйдан чиқарди. Қўлида кетмон сопидек узун сопли эркаксупурги, челак. Чиқарди-ю, кўчага разм соларди. Кечқурун қалин қилиб сув сепилган асфальт тротуарнинг нами тарқалган. Шарқираб оқаётган ариқ бетидаги қатор ёш чинорлар орасидан танга-танга нур тушиб турибди. Ҳамма ёқ топ-тоза. Шундай бўлса ҳам у ер-бу ерга супурги уради, кейин катта кўчага чиқаверишда бурчак бўлиб тушган беш қаватли уй томон юради.

Пенсияга чикқандан бери у шу ерларни супуриб-сидиради. Уйда ўтириб бўлармиди. Кампирнинг ўзига иш етмайди-ю, у нима қилади? Яхшиям шу ишни беришди. Тўғрироғи, ўзи сўраб олди. Бўлмаса юраги нақ ёрилиб кетарди.

Катта уйнинг олдидаги хиёбонни, йўлакларни тозалаб бўлгач, муюлишдаги дераза тагига келиб туради. Шу ерда у машқ эшитади, дотор машқини эшитади. Бир ойча бўлиб колди, кимдир шу уйда ҳар куни саҳарда дотор чалади. Кўп эмас, уч-тўртта куй чалади. «Чор зарб»ни чалади, «Танавор»ни... Яна нималарнидир чалади. Кейин дотор тинади. Тингунча у кулоқ солиб туради. Қўлида кетмон сопидек узун сопли супурги, челак...

У ҳам чаларди, яхши чертарди доторни. Айниқса, «Танавор»ни чертганда, юракларни сел қилиб юборарди. «Кўйинг, бўлди», дерди шунда кампири тушмагур енги учи билан кўзларини артиб. Мана энди ўн етти йилдан бери кўлига олмайди доторни. Уйнинг тўрида, ўғлининг ҳошияли рамкадаги сурати тагида осифлиқ турибди. Ҳар куни бир қараб кўяди, лекин тегмайди. Юраги бетламайди тегишга. Уни мактабни битирганда ўғлига ҳадя қилган эди. Раҳматлик чалолмади, урушда йўқ бўлиб кетди. Шу-шу, деворда осифлиқ. Ҳеч ким тегмайди — на кампири, на ўзи.

Дераза тагида чол машққа маст бўлиб ўғлини ўйларди. Тирик бўлганда у ҳам шунақа чалармиди?!

Бир куни хаёлга чўмиб ўтирганда катта уйдан бир йигит чиқди. Қўлида қизил духоба ғилофли дотор. Чолни кўриб салом берди.

— Яхши чертаркансиз, — деди чол. — Лекин доторингизнинг мазаси йўқ.

— Ҳа, — деди йигит, — қорни ёрилган эди, яхши тузатолмадим.

Эртасига у катта уйга эртароқ келди-да, деразани тақиллатди, Йигит чиқди.

— Кечирасиз, ўғлим, безовта қилдим, — деди чол. — Манавини чалинг-чи.

Бу ўша ўғлига ҳадя қилган дотор эди.

Берди-ю, хиёбонга ўтиб кетди.

Кўп ўтмай «Танавор» жаранглади. Чол дераза ёнига келди. Машққа маст бўлиб туриб колди. Қўлида узун сопли супурги, челак...

1963



## БАҲОР

Лола сайли жуда гаштли бўлди. Қуёш тепамизга келгунча икки кучоқ-икки кучоқдан лола териб қўйдик. Собиржоннинг севинчи ичига сиғмасди. Касалдан яқинда турган бўлса ҳам, худди ёш боладек у ёқдан-бу ёққа сакраб чопар, кўм-кўк майсалар устига думаларди.

— Уриниб қоласан, — дедим охир, пешонасидаги терни кўриб.

— Касал бўлмагандекман, — деди у чўккалаб. — Фақат белим сал оғриди.

— Ўтир, чой ичиб оламиз.

Лолазор четида турган машинамиздан адёл билан термос олиб келдим. Шарқираб оқаётган жилға ёиига ўтирдик.

— Баҳорда, албатта у ёқ-бу ёққа чиқиш керак экан, — деди Собиржон пешонасидаги терни артар экан. Унинг чарчаганлиги сезилиб турарди. — Чиройли жойлар кўп, қараб тўймайсан киши.

Биз борган жой ҳақиқатан ҳам гўзал эди. Бир томони тоғ, бир томони кўм-кўк дала. Олисда кумушдек товланиб дарё оқмоқда. Лолазор эса, худди моҳир тўқувчи қўлида тўкилган чорси қизил гиламга ўхшарди.

— Анави чўккига қара, — деди Собиржон завқ билан. — Худди оқ ятак кийиб от суриб кетаётган чавандозга ўхшайди. Шу ёққа бу чиқсам!

— Ҳозир эмас, — дедим мен. Унинг буйрагини операция қилишган эди. — Кейинчалик. Янаги йилга.

— Сен ҳам врачлардан баттарсан.

Собиржоннинг энсаси қотди. Ўтибор бермадим. Аслида унинг завқига мен ҳам шерик эдим. Эрталаб лолазорга келганимиздаёқ, шу чўккига бир чиқсам, деб қўйган эдим.

— Врачларни менга пеш қилма, — дедим. — Менинг ҳам чиққим бор. Лекин узилиб қолишинг мумкин.

— Шу гапни кечадан бери эшитаман. Дадам тиниши билан ойим бошлайди. Мени ҳали ҳам касал деб ўйлашади шекилли.

Кулдим.

— Нега куласан? — сўради Собиржон.

— Ўзим, шундай. Ҳали ҳам болалигинг қолмабди. Ўзингдан бошқага ишонмайсан. Кел, яхшиси ёнбошла.

Собиржон индамай ёнимга чузилди. Бошидаги адёл тагига термосни қўйдим. Шу пайт қарсиллаган милтиқ овози эшитилди.

— Нима? — деди Собиржон сакраб ўрнидан туриб.

Биқинидаги чандиқ тортилиб кетди шекилли, инграб юборди. — Биров милтиқ отди, — у биқинини ушлаб яна ётди.

— Ҳа, биров милтиқ отди, — дедим унга қўшилиб.

Бирдан лолазорнинг ўртаси чайқалиб кетди. У ердан кўзимни узиб улгурмаган эдим, лолазорнинг этаги чайқалди, қалпоқдек оппоқ бир нарса сакраган бўлди, эрта очилган лолалар унинг зарбиданми, ё тоғдан эсиб келаётган шабададанми танга-танга бўлиб тўкилди. Олисда ҳаллослаб чошиб кетаётган бир одам кўринди. Қўлидаги милтиқ тасмаси ерга тегай-тегай деб турарди. Машина ёнига етгач, шартта лолазор томонга югурди. Тасма лолаларни бир текисда синдириб кела бошлади. Бу, чопишига халақит берса ҳам, у парво қилмасди, аксинча, милтиқни силтаб-силтаб қўярди. Бизнинг рўпарамизга келгач, у тўхтади. Қўнжи букиб қўйилган резинка этиги билан лолаларни топтай бошлади. Баъзан милтиқ учи билан у ер-бу ерни туртиб ҳам қўярди. У шу қадар берилиб ниманидир қидирардики, ҳатто бизни кўрмас, жигарранг қоракўл телпаги остидан тиришиб турган пешонасидан юзларига оқиб тушаётган терни ҳам сезмасди.

— Бу нима қилиқ? — сўради Собиржон бошини кўтариб.

— Ким билади, — дедим, — бир нарса қидираётганга ўхшайди.

— Шунақа қидирадимми?!

Собиржоннинг ғазабдан лаблари кўкариб кетди.

Менинг ҳам жаҳлим чиқа бошлади. Боягина биз сайр қилган, яшнаб турган жойнинг топталиб расвоси чиққан эди.

— Ҳо, ака, нима қиялпсиз? — қичкирди Собиржон. Лекин кучи етмади, бўғилиб қолди. Кейин йўтал тутди, биқинини чангаллаганича менга суянди.

Мен уни секин ётқизмоқчи бўлдим, лекин у ётмади. Лолазор томонга ўгирилди. Бироқ бояги одам йўк эди. Атрофга қарадим. Ҳеч қаерда йўк, гўё ер ёрилгану, тагига кириб кетгандай.

Ичимда севиндим, лекин кайфиятим бузилган эди. Боягина бутун вужудимни қоплаб турган хушчақчақликдан асар ҳам қолмади. Топталган лолазорга қадалиб қолдим. У худди бемаҳал кўзғалган довулдан кейин ер билан битта бўлиб ётган кулупнай доналарини эслатарди.

— Нима қилиб кетди-а? — деди титраб Собиржон.

Индамадим. Шу маҳал мени ҳам титроқ босди. Лолазор этагида ҳалиги одам турарди! У телпагини ечди. Қора наमतдек бошидан гуп этиб буғ кўтарилди. Пиджагининг энги билан юз-кўзларини, пешонасини артди. Кейин телпагини икки кўли билан бостириб кийди. Бир кўлига милтигини, бир кўлига оппоқ бир нарсани олиб биз томонга юрди. Милтиқ тасмаси лолаларни яна чирт-чирт узиб кела бошлади.

Қўлларим ўз-ўзидан мушт бўлиб тугилди. Собиржон ҳам унга қараб турган экан:

— Бир боплаймизми? — деди.

— Бўлди, — дедим қатъий. — Лекин сен аралашмайсан.

— Нега? — Собиржон ҳайрон бўлди.

— Сен ётавер. Бир хузур қилай. Менга қўйиб бер. Мақсадимни унга айтмадим. Хафа бўлади. Операцияси ҳали битмаган, иннайкейин ўзи инқиллаб турибди. Биқинига тушириб қолса, тамом. Яна касалхонага жўнайди.

— Менга қўйиб бер. Бир хузур қилай, анчадан-бери ўзи кўлим қичиб турибди.

— Нима қиласан? — сўради у.

— Одатдагидек. Чап кўл билан.

Собиржон тушунди, индамади. У ҳам бу усулни биларди. Институтда бирга ўрганган эдик.

— Сен ётавер. Ма, чой ич.

Собиржон ёнбошлади. Адёл тагидан термосни олиб чой қуйиб бердим.

Овчи рўпарамизга келиб тўхтади. У менга иккита келарди. Кўлидаги нарса эса, тумшуғи қонга бўялган оппоқ қуён эди.

— Чекишдан борми? — сўради у бепарволик билан.

— Чеккингиз келдими? — дедим мен ва секин ўрнимдан турдим. — Чектирамиз ҳозир...

Собиржонни йўтал тутди. Орқамга ўгирилдим. Нимадир туфлигимга сачради. Собиржоннинг кўнгли ағдарилаётган эди. У икки букчайганича арикқа интиларди. Белидан кучоқладим. У ўзига келганида овчимиз ройиб бўлган эди.

— Қуённи... қуённи кўрдингми? — деди Собиржон кўз ёшларини артар экан.

— Кўрдим, — дедим. — Жуда катта экан.

— Кўнглим ағдарилиб кетди, — деди у. — Тумшуғини кўрдиму шунақа бўлди, мени кечир.

— Ҳечқиси йўк, бўлади, — дедим мен.

— Кел, чой ичамиз, — деди Собиржон.

Термос қопқоғини тўлатиб узатдим. Кейин ўзим ичдим.

— Кетамизми? — сўради Собиржон бир оздан сўнг.

— Кетамиз, — дедим мен.

Нарсаларимизни йиғиштирдик. Машинага ўтирганимиз-да:

— Ҳар ҳолда бу ёкка чиққанимиз яхши бўлди, — деди

Собиржон кулишга ҳаракат қилиб.

— Яхши бўлди, — дедим мен ҳам.

Йўлга тушдик.

Кун оға бошлаган эди. Машина исиб кетди. Дала жойда шундай бўлади, Собиржоннинг пешонасини ҳатто тер қоплай бошлади. Ойнани туширдим. Гуп этиб муздек ҳаво юзга урилди. Тез кетаётган эканман, Собиржон энтикиб кетди.

— Ўпкам ёрилади, — деди кулиб.

— Ҳаво яхши. Тўйиб ол. Яна бу ерларга келамизми, йўқми!

— Келамиз, — деди Собиржон. — Келгуси якшанба яна келамиз. Тўйиб-тўйиб шимамиз бу ҳаволарни.

Қишлоққа кирдик. Икки томонимиздан баргак ёзган толлар липиллаб ўта бошлади. Пешайвонли сариқ бино олдидан ўтаётганимизда бир боғлам сирень кўтарган кичкина бир қизча бизга қўл силкиб қўйди.

— Туғруқхона, — деди Собиржон. — Ойисини кўргани келганга ўхшайди. Баҳорда туғилиш ҳам кайф-а?

— Кайф, — дедим унга қўшилиб.

Табиат билан баравар кўз очасан. Гўзалликдан бошқа нарсани кўрмайсан.

Унинг нима демокчи эканлигига тушундим.

— Одамлар ҳар хил бўлади.

— Бу масалада бир хил бўлгани яхши эди, — деди Собиржон. — Гўзалликнинг фойдадан бошка нимаси бор?!

— Сезяпсанми? — сўрадим ундан.

— Нимани?

— Биров кабоб пиширяпти.

— Ҳа, — деди Собиржон мен томонга суқилиб. Унинг ойнаси берк эди. — Чойхонада бўлса керак.

— Чойхонада бўлса биттадан еб кетамиз.

— Менга тўғри келмайди, — деди Собиржон биқинига ишора қилиб.

Еқимли хид борган сари яқинлашиб, димоқни қитиклай бошлади.

— Писта кўмирга ўхшайди, — деди Собиржон ўзи томондаги ойнани тушириб. — Ҳа, писта кўмир.

Машина сой бўйидаги толзорга яқинлашди. Чойхона шу ерда эди.

— Тўхта, — деди Собиржон. — Биттадан еб кетамиз.

— Ихтиёринг.

Машинани қишдан нураб чиққан супа ёнида тўхтатдим. Кабоб қўра шу супа устида эди.

— Жигар кабоб! — Собиржон иштаҳа билан лабларини ялаб қўйди.

Чойхонага кирдик. У бўм-бўш эди. Фақат тўрдаги сўрида тиззаси устидаги тўрт буклоғлик чопонига тирсақларини тираб бир чол чой ичиб ўтирарди. У бир чойдан ҳўплаб, сўлиб қолган ялпиз хидларди.

Сўрашдик.

— Тешавой, ҳа, Тешавой! — қичқирди чол чойхонанинг бурчагидаги эшикка қараб. — Меҳмонлар келди!

Кўп ўтмай, эшик очилиб, калта, оқ халат кийган йигит чиқди. У бир патнис гўшт кўтариб олган эди.

— Аввал меҳмонларга қарасанг-чи! — деди чол.

— Чиқдим-ку, — деди чойхоначи. — Бу киши ҳам тиқилинч қилиб қолди.

— Лаббай? — ичкаридан кимдир чиқди.

Бу бояғи овчи эди. Ўрнимдан туриб кетдим. Собиржон шошиб енгимдан тортди.

— Кўй, кайфиятини бузма, — деди ялингансимон.

— Лаббай, — деди яна овчи чойхоначига.

— Бир соатларда тайёр бўлади деяпман, — деди чойхоначи чолга кўз қисиб қўйиб. — Бир айланиб келинг.

Овчи бизга назар ташлаб, ташқарига чиқиб кетди. Орқасидан чойхоначи ҳам чиқди ва шу заҳотиёқ бир чойнак чой билан иккита пиёла кўтариб қайтиб келди.

— Кўк чой олиб келдим-а? — деди олдимишга уларни қўяркан. — Чўллаган бўлсаларинг керак.

Биз, майли дегандай, бошимизни қимирлатдик.

— Нима дейди овчи? — сўради чол ялпизни мўйловига суркаб.

— Жаркоп, — деди чойхоначи. — Боя куён отибди. Хўш, нима берай? Кабоб бор, — у бизга ўтирилди.

— Раҳмат, ҳеч нарса, — деди Собиржон шошиб.

— Ҳеч нарса, — дедим мен ҳам. — Яна битта чой беринг.

Кўз олдимишга оғзи қонга бўялган оппоқ куён, топталган лолазор келиб кетди.

— Меҳмонлари бор экан-да, — деди чол.

— Меҳмонлар нима қилади! — чойхоначи ёнимизга ўтирди. — Доим аҳволи шу. Хотини кетиб қолиб, баттар бўлди.

— Ким ўзи у одам? — сўради Собиржон.

— Шу ерлик, — деди чойхоначи энсаси қотиб. — Бизда ҳосилот бор эди. Узок йили қирда отдан йиқилиб ўтган. Ўшанинг ўғли.

— Мен ҳам эшитувдим хотини кетиб қолганини, — деди чол. — Қирда алланима қидириб юрган гиволог билан кетиб қолибдими?

Чойхоначи бошини қимирлатди.

— Оббо занғар-ей! Эпчил экан-да?

— Э, гап эпчилликдами? — чойхоначи ташқарига чиқиб, яна бир чойнак чой олиб келди. — Яхши дам еди, манавидан ичинглар.

Чой чиндан ҳам яхши бўлибди. Эскисини тўкиб ташлаб, янгисини пиёлаларга қуйдим.

— Кайф, — деди Собиржон бир хўплаб.

— Гап эпчилликда эмас, — чойхоначи гапида давом этди. — Яхши одамдан ким кетади? Неча йилдан бери танийман, оғзидан бир марта ҳам ширин гап эшитмабман-а! Тағин ҳам хотини фил экан. Бизникилар шунақа бўлсак, бир кун ҳам турмайди. Қўлингизга чиптангизни бериб, «фишт-т», дейди. Тағин ҳам хотини фил экан.

Чойхоначи бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Нима, гиволог билан анчадан бери дон олишиб юрар эканми? — сўради чол.

— Бунисини билмадим, пойлайдиган одатим йўқ. — Чойхоначи қошларини чимириб, биз томонга қараб қўйди. Кейин сирли оҳангда деди: — Годовойдан кейин «акамлар» бир ойча йўқ бўлиб кетдилар. Экспедиция энди иш бошлаган пайт эди. Ўшанда ўша новча геолог уйларига кириб юрувди. Илгаридан таниш экан-да.

— Э-э... — деди чол.

— Сувонкул аканинг кенжаси ҳам сой бўйида бир куни кечкурун кўрган экан. У уч кундан бери йўқ. Геолог ҳам йўқ.

— Яхши бўлмапти, — деди чол. — Яхши бўлмапти.

— Ўзидан кўрсин! — деди қатъий қилиб чойхоначи ва тўғрими, дегандай, бизга қараб қўйди.

Ҳеч ким жавоб қилмади.

— Ўзидан кўрсин, — деди ўрнидан туриб чойхоначи яна.

— Соат неча бўлди, меҳмон?

— Олти.

— Чиқай, овқатини қилиб берай. Тўполонига тоқатим йўқ. — У чиқиб кетди. Биз ҳам турдик.

— Ўтирибсизлар-да, — деди чол.

— Раҳмат, борайлик, — деди Собиржон. — Хайр.

— Келиб туринглар.

— Раҳмат, — дедим мен.

Чойнак ёнига битта танга ташлаб ташқарига чиқдик. Кун совий бошлаган эди.

— Негадир жуда енгил тортиб кетдим, — деди Собиржон машинага ўтирганимизда.

— Баҳор-да, баҳор! — дедим мен.

Машина елдек учиб кетди. Ойналарни кўтармадик. Оқшом туша бошлаган эди. Муздек шабада ўт-ўлан ҳидини димоққа уриб, юзимизни силаб борарди.

1964

## СОВҒА

— Мен тайёрман. Тайёрмисиз? — сўради Валижон.

— Тайёрман, болам. Ёз! — деди Шаҳодат хола. - Лекин нимадан бошлашни билмай, ўйланиб қолди. У сира ўғлига хат ёзмаган эди. Эрига ёзар эди. Раҳматли Раҳмонкул ака арабча ўқишни биларди. Иннайкейин, унинг ёзувини яхши кўрарди. «Шаҳодат, зерзабарини хўп келтирасан-да. Пулемётдай ўқийман хатингни!» — дерди хар ёзганида.

Ўғли арабчани билмайди. Ўзининг эса янги алифбега укуви йўқ. Укуви бўлганда қўшнисининг ўғлини чақириб ўтирмасди, ўзи ёзарди. Ёзадиган гапи кўп эди. Мана, бир йил бўлдики, ўғлидан хат олмайди, ном-нишонсиз кетди. Ўқиб юрган пайтларида тузук эди, ҳафтада, жуда бўлмаса ойда бир ёзиб турарди. Ишга кирди-ю, бедарак кетди. Аммо ишга кирганда ўн беш сўм пул юборди! Эрта куз эди ўшанда. Авжи долзарб пайт. Бутун қишлоқ, тирик жон борки, далада. Шаҳодат хола колхоз боғчасида тушлиқдан кейин болаларни эндигина ухлатиб ўтирган эди, ҳовлини бошига кўтариб Қоровой почтачи келиб қолди.

— Шовқининг курсин, намунча бақирасан? — деди бўғилиб Шаҳодат хола. — Болла ухлавотти! Нима дейсан?

— Сизга пул келди, пул! — деди почтальон оғзининг таноби қочиб.

— Қанақа пул? Қатдан? — ҳайрон бўлди Шаҳодат хола.

— Қанақа пул бўларди? Қоғоз пул-да! — деди почтальон. — Нахт ўн беш сўм! Ўғлингиз юборибди.

— Ўғлингиз юборибди? Вой, ўғлимдан айланай! — Шаҳодат хола севиниб кетди, болалар эсидан чиқди, шанғиллаб гапира бошлади. — Вой, болагинам-а! Пул юбориб нима қиларкан! Хат-пат ҳам борми?

— Э, хола! — почтальоннинг жаҳли чиқди. — Хатни нима қиласиз? Пул юборибди, бўлди-да. Ночор одам пул юборадими! Пул сўрайди. Хўш, ҳозир оласизми? Ё эртага почтахонадан оласизми?

Шаҳодат хола ўйланиб қолди. Нима қилиш керак? Ҳозир олиб қолса, ҳеч ким билмайди. Билса яхши бўларди. Айниқса, Қумри отин билан Аълобуш билса яхши бўларди. Гўё иккаловининг фарзанди фарзанду бошқаларники фарзанд эмас. Боладан гап очилдими, тамом, бири бирига гап бермай эртани кеч қилишади, кечни эрта. «Холпошшам тушмагур... бало-да, бало!..» деб отин бошласа, билгинки, кетидан Аълобуш туради: «Собиржонимни айтмайсизми, тасаддук!» «Тасаддук» демай кет иккаловинг ҳам!

— Эртага почтахонадан ола қолай?!

— Ўзим ҳам шундай дерсиз, деб турувдим, — почтальон тиржайди. — Бутун қишлоқ билсин, дейсиз-да! Дуруст, дуруст. Аълобуш кеннойим ҳам ҳеч уйда олмайдилар, бориб оладилар.

Эртасига эрталаб Шаҳодат хола янги кавуш-маҳсисини, Қумри отин билан бирга ўзоқ йили тиктирган қора духоба камзулини кийиб кўчага чиқди. Ҳали эрта эди. Ҳеч ким йўқ. Фақат муюлишда раис шофёрининг эшигини тақиллатиб турарди. «Ичибди-да яна, — хаёлидан ўтказди Шаҳодат хола. — Раис энди еб кўяди». Шу пайт димоғига гуп этиб иссиқ ноннинг ҳиди урилди. Осмонга қаради. Аълобушнинг мўрисида тугун чиқиб турарди. Шаҳодат хола шу ёққа юрди.

— Аълобуш! Ҳой, Аълобуш! — деди эшикни қия очиб. — Аълобуш-увв!

Аввал жавоб бўлмади. Кейин:

— Хувв, тасаддук, хув-в-в! — деган чўзиқ овоз эшитилди.

Бу Аълобуш эди. Шаҳодат хола жилмайиб кўйди. Кўп ўтмай бир сават буғи чиқиб турган кулча кўтариб йўлакда Аълобушнинг ўзи кўринди.

— Эшикда нима қилиб турибсиз, тасаддук? — деди Аълобуш Шаҳодат холага бошдан-оёқ

қараб чиқиб. — Ичкарига киринг. Чойим тайёр.

— Шошиб турибман, раҳмат, — деди Шаҳодат хола.

— Ҳа, йўл бўлсин, тасаддуқ? — сўради Аълобуш, янги кавуш-маҳсига кўз қирини ташлаб.

— Пўштага кетяпман, айланай, — деди бепарволик билан.

— Ҳа, тинчликми, тасаддуқ? — сўради Аълобуш.

— Адҳамжон пул юборибди, — деди Шаҳодат хола. — Шунини олиб келмоқчиман.

— Вой, тасаддуғ-эй, эй, вой, тасаддуғ-эй! Хў-ўп болаларимиз бор-да, тасаддуқ! — деди Аълобуш. — Собиржонимни айтмайсизми, тунов куни ҳатида, ойи, мандалинни посилка қилсам нима дейсиз, депти. Йўқ, дедим, тасаддуқ, йўқ, дедим. Ўзинг киявер, дедим. Маскопда ярашади бунақа кийимлар, дедим.

— Мандалини нима экан, айланай? — сўради Шаҳодат хола, кулгидан ўзини зўрға тийиб.

— Нима бўларди, тасаддуқ, алламбало материял бўлса керак-да!

Шаҳодат хола энди ўзини тутиб туrolмади. Мандариннинг нималигини айтиб юборай деди-ю, лекин айтмади, ўртоғини хафа қилгиси келмади. Фақат тўйиб-тўйиб кулди.

— Нега куляпсиз, тасаддуқ? — сўради Аълобуш.

— Болаларнинг қилган ишига кулмай бўладими?

— Тўғри айтасиз.

Аълобуш қўшнисига қўшилиб кулди. — Хўп, мен борай бўлмаса, — деди Шаҳодат хола ва кўчага чиқди. Чиқди-ю, куруқдан-куруқ кетаётганидан тортинди. Мақтангани кирган экан, деб ўйламасин тагин Аълобуш! Орқасига қайтди.

— Айтгандай, Аълобуш! Эсим курсин, нега кирдинг ҳам демайсиз. Бир қатим оқ ипингиз борми? Бувинисанинг кенжаси фартуғини йиритиб қўйибди. Тикай десам, ипим тамом бўлибди.

— Бир қатим эмас, бир ғалтак олинг, тасаддуқ. Ип сиздан айлансин!

Почта Қумри отиннинг уйдан икки ҳовли нари эди. Шаҳодат хола кирай деди-ю, боғчага кеч қолишини ўйлаб, кирмади. Кириб ҳам нима қилади?! Аълобуш билди — бутун кишлок билди деган гап!

Почтада дарров иши битди. Тахи бузилмаган ўн сўмлик билан беш сўмликни қўлига олар экан, кўзларида ёш йилтиради. Пичирлаб, ўғлини дуо қилди. Пулни чўтагига солишни ҳам, солмасликни ҳам билмай, қўлида ушлаганча кўчага чиқди. Тўлиб турган юраги бўшашиб кетди — йиғлаб юборди. Унинг биринчи марта шундай йиғлаши эди. Раҳматли эридан қолган дард ҳам, ўзининг тортган ҳамма қайғу-аламлари ҳам, ўғлининг мана шундай обрўга эришиб, пул юбориши ҳам шу йиғида акс этар эди.

— Шаҳодатхон, ҳо, Шаҳодатхон! Кўчанинг ўртасидан нима қилиб турибсиз?

Шаҳодат хола шоша-пиша рўмол учи билан кўзларини артди, ёнига қаради.

Икки қўлини белига тираб, эшик олдида Қумри отин турарди.

Шаҳодат хола ўзини босиб олиб, шу томонга юрди. Пулни чўнтагига солмоқчи эди, солмади. «Отин ҳам билиб қўйсин!» — деди ичида.

— Ассалому алайкум! Эрталаб пўштада нима қилиб юрибсиз? Адҳамжонга пул юборяпсизми? Бола тушмагурга ҳалиям пул юборасизми-а?

— Йўқ, отин, — Шаҳодат хола жилмайди. — Мен юбораётганим йўқ. Адҳамингизнинг ўзидан пул келибди. Шунини олиб келяпман!

— Шундоғ денг, вой, умрингдан барака топкурэй. — Қумри отин қўлини ёзиб дуо қилди. — Мартабаси баланд бўлсин, топгани тугаллик билан ўтсин. Омин! Шундоқ денг?

— Шундоқ, айланай, шундоқ.

Шаҳодат хола уйига қандай етиб келганини билмади. Келди-ю, пулни кечагина ўқиб ўтирган «Юсуф ва Зулайҳо»нинг ўртасига солиб, токчага қўйиб қўйди. Ўн сўмлиги ҳали ҳам тахи бузилмай турибди. Беш сўмликни ишлатиб юборди. Ишлатмоқчи эмас эди, Адҳамжон келганда икковини ҳам ўзига бермоқчи эди. Пулга зор бўлмаса нима қилади ишлатиб? Бунинг устига

яқинда пенсия бера бошлашди. Пулга зор эмас. Лекин ишлатиб юборди. Қоровой почтачи уйланганда тўёна олди-ю, миёнчага етишмай қолди. Шунда ишлатиб юборди. Ўн сўмлиги турибди. Жуда ўқиб кетганда токчадан китоби билан олиб қараб ўтиради. Кеча чидолмади. Почтага борди. Қоровой ёлғиз ўтирган экан.

— Йўқми? — сўради унга термилиб.

— Йўғ-а, хола, йўқ, — деди Қоровой айбдор оҳангда. — Мен ҳам тушунолмай қолдим. У ёқ-бу ёққа кетиб қолган бўлса керак-да... — У шундай деди-ю, яхши баҳона топгандай, шу гапга маҳкам ёпишиб олди. — Ҳа, у ёқ-бу ёққа кетган!! Инженер деган гап ҳозир жуда зарур гап, хола. Инженер ҳамма ёқда керак. Бирон ёққа жўнатишган. Келиб қолади. Мана кўрасиз, ё хат келади, ё ўзи келиб қолади.

Шаҳодат хола уйига қайтди. Кўнгли хира эди. Зора Қоровойнинг айтгани келса?! У эринибгина овқатга уннади. Пиёз билан гўштни қовуриб бўлиб, нима қилишини билмай ўйланиб қолди. Кейин, бўлганича бўлар, деб бир товоқ сув солиб ёпиб қўйди.

Шу пайт кимдир эшик томондан:

— Хола, кирсам майлими? — деб қичқирди.

— Бўмаса-чи, киравер, — деди Шаҳодат хола. Бу Бувинисанинг тўнғичи — Валижон эди.

— Кел, болам, кел, — деди Шаҳодат хола. — Ҳа, нима дейсан?

— Хола, мени мактабимдан юборишди, йўқ... ўзим келдим. Анақа... — Валижон тутилиб қолди.

— Ҳа, қанақа? Гапиравер, — деди Шаҳодат хола.

— Биласизми, яқинда... Саккизинчи Март, — деди Валижон ўйланиб-ўйланиб. — Шунга... шунга совға қилмоқчийдик. Мен. Аннақа... қанақа совға қилишимни билмайман.

Валижон бурнини шўлқ этиб тортди-да, Шаҳодат холага қараб жавдирай бошлади.

— Тузукроқ гапир, болам, нима қилмоқчисан, қанақа совға?

— Сизга совға, — деди Валижон.

— Менга? — ҳайрон бўлди Шаҳодат хола.

— Сизга. Учунчи «Б» дагилар ҳамма хотинларни бўлиб олишди. Мен ойим билан сизни танладим. Укам сизни яхши кўради. Нукул боғчадан келганда «бувимга бояман» деб йиғлайди.

Шаҳодат хола жилмайди.

— Шунинг учун менга совға қилмоқчимисан?

— Ҳа, — деди Валижон. — Лекин нима қилишимни билмаяпман. Ўзингиз айтиб бера қолинг.

Шаҳодат хола кулиб юборди. Кўнгли бирдан ёришиб кетди. Валижонни бағрига босди.

— Раҳмат, болам, раҳмат, — деди у Валижонни ўпаркан. — Менга совға керакмас. Ҳамма совғани ойингга қилгин. Ойингга керак совға. Сенларни боқаман, деб бечора тиним билмайди.

— Ойимларга тайёрлаб қўйдим, — деди Валижон.

— Бўлмаса, қўя қол. Менга керакмас.

— Айта қолинг!

Валижон йиғлағудай бўлиб турарди. Кампир ўйланиб қолди.

— Нима совға қилсанг экан? Кўп ўйлади. Ниҳоят топди:

— Ёзувинг кўхликми? — сўради у.

— Доим беш оламан! — деди Валижон.

— Бўлмаса Адҳам акангга битта хат ёзиб берасан.

— Хат? — Валижоннинг лаблари чўччайди.

— Мен айтиб тураман, сен ёзасан. Бу жуда ғалати хат. Ана шу менга совғанг бўлади. Бўптими?

— Бўпти! — деди Валижон.

— Ёзмаймизми? — сўради Валижон зерикиб.



— Ёзамиз, болам, ёзамиз, — деди Шаҳодат хола ўпкаси тўлиб ва секин гапира бошлади.

У шунчалик секин гапирардики, Валижонга бир марта ҳам қайта сўрашга тўғри келмади. Қош қорайганда хат тайёр бўлди.

— Қани, ўқиб бер-чи, — деди Шаҳодат хола.

Валижон салмоқлаб ўқий бошлади:

«Ассалому алайкум, Адҳамжон, ўғилгинам! Эсонмисан, омонмисан? Тинчмисан? Юборган пулингни олиб, бошим осмонга етди. Раҳмат. Раҳматли дадангнинг ўрнини босиб турганлигиндан бениҳоя хурсандман. Ишқилиб, умринг узок, мартабанг баланд бўлсин. Ниятингга ет.

Ўғлим, болажоним, кўнглимни ғаш қилиб турган бир гапни айтсам, хафа бўлма, ҳар ҳолда онангман. Мана, йил бўлиб қолди, сендан хат олмаяпман. Ўзинг ҳам келмайсан. Биладан, ишинг кўп, вақтинг йўқ. Лекин икки энлик бўлса ҳам хат ёзсанг, шу менга кифоя. Соғлигингни, ўйнаб-кулиб юрганингни билсам, бас.

Мендан аҳвол сўрасанг, аҳволим яхши. Ҳали ҳам боғчада болалар билан бағ-буғлашиб ётибман. Кеча мазор бошига бориб, дадангнинг мазорини суваб келдим. Раҳматли орзу-ҳавасингни кўролмай кетди. Тунов куни Собиржондан хат келган экан, сени сўрабди. Яхши, дедим. Ишқилиб, қаерда бўлсанг ҳам омон бўл.

*Сен соғиниб кутгувчи ойинг Шаҳодат».*

Валижон хатни шу кунгидан почта қутисига ташлади.

Орадан бир ҳафта ўтди. Шаҳодат хола боғчадан келиб, айвонда кўрпа қапиб ўтирарди. Кўчадан шанғиллаб Аълобуш ўтиб қолди. Кўп ўтмай ўзи кириб келди. Қўлида посилка қути.

— Тасаддуқ! Собиржонингиздан посилка келди, — деди у айвонга чиқиб ва бирдан кулиб юборди.

— Ҳа, тинчликми? — сўради Шаҳодат хола.

— Тинчлик, тасаддуқ, тинчлик!... — у кулгидан ўзини тўхтатолмай зўрға гапирарди: — Малдалини тушмагур кийимлик эмас экан, тасаддуқ, ейдиган нарса экан, ейдиган! Нима экан, деб сабрим чидамай пўштада очдим. Бундоқ қарасам малдалин! Олинг, мазасини кўринг, тасаддуқ.

У бир ҳовуч мандаринни Шаҳодат холанинг этагига ташлади.

— Бирам мазали, бирам мазали! Маскопда йўқ нарса бор экан, тасаддуқ, йўқ нарса бор экан.

Шаҳодат хола зўр-базўр илжайди.

— Умридан барака топсин Собиржон.

— Илойим айтганингиз келсин, тасаддуқ. Хўп, мен чиқай, овқатим кечикиб кетди. Чиқинг, тасаддуқ чакчақлашиб ўтираминг, чиқинг.

Аълобуш яна шанғиллаб чиқиб кетди.

Шаҳодат хола мандариндан биттасини арчиб, оғзига солди. Лекин ўтмади. Чайналиб қолди. Кўзлари ёшга тўлди. Миясига қуйилиб келаётган оғир фикрларни ҳайдамоқчи бўлиб ўрнидан турди. Ҳовлига, тушиб оғзидагини тупуриб ташлади. Ўчоқ бошига бориб, қайтиб келди. Айвон устунига суянди.

— Яна кўз ёшими-а? — деди шу пайт кимдир. Шаҳодат хола чўчиб орқасига ўгирилди. Йўлакда оғзи қулоғига етиб Қоровой турарди.

— Қани, дарров кўзингизни артиб олинг-чи!

— Хўп, болам, хўп.

Шаҳодат хола энги билан кўзларини артиб, жилмайган бўлди.

— Мана бу бошқа гап, — деди Қоровой. — Энди манави хатни олинг.

Шаҳодат холанинг юраги ўйнаб кетди.

— Ўғлимданми?

— Ҳа, ўғлингиздан.

—Вой, болам-эй, болажоним-эй! — Шаҳодат хола гуллик конвертдаги хатни бағрига босиб йиғлаб юборди.

— Ия-ия! Бу қанақаси бўлди? — деди Қоровой кулиб. — Хат келмасаям йиғи, келсаям йиғи экан-да? Ўқиб берайми?

Шаҳодат хола бош ирғади.

— Бу ёққа беринг.

Қоровой конвертни очди-ю, ҳайрон бўлиб қолди. Хатни у ёқ-бу ёққа айлантириб кўрди, конвертни янгитдан қараб чиқди. Кейин ўйланиб қолди.

— Ўқимайсанми?! — деди Шаҳодат хола енгидан тортиб. — Адҳамдан эканми?

— Ҳа, ҳа, ўғлингиздан.. Адҳамдан... — деди Қоровой хатдан кўзини ўзмай.

— Ўқи бўлмаса!

— Ҳозир... мана... эшитинг, — Қоровой Шаҳодат холага бир қараб кўйди-да, ўқий бошлади. — «Ассалому алайкум, ойижон. Сизни соғинтириб кўйганим учун мени кечиринг. Узоққа кетиб қолувдим. Ойижон, сизни жуда соғиндим. Аҳволларингиз тузукми? Хатингизни олиб жуда хурсанд бўлдим. Ўзингизни уринтирманг. Менинг ишларим яхши. Яқинда учрашиб қоламиз.

Ойижон! Сизни хотин-қизларнинг халқаро байрами — Саккизинчи Март билан табриклайман. Хатингизни соғиниб кутувчи ўғлингиз — Адҳам».

— Болам, болажоним!

Шаҳодат хола кўзини дарё қилиб хатни Қоровойнинг қўлидан олди-да, бағрига босганича уйга кириб кетди.

Қоровой ҳеч нарсага тушунмай жойида туриб қолган эди.

Хатни Валижон ёзганидан у ҳам хабарсиз эди.

1964

## II. Булзор кўшиқлари

### МУҲАББАТ ҚЎШИҒИ

#### 1

Кимнинг овози бу? Ким куйлаяпти? Булбулмикан сайраётган? Саъвамикан? Булбул эмас сайраётган, саъва эмас, Бай Василнинг гўзал қизи — Атина бу!

#### 2

Бай Василни ўлдиришди. Қоратоғ этагида, маккор ёвнинг ўнтасига бас келди у бир ўзи. Ўн биринчи ёв ташланиб қилич санчди бағрига... Етти ёшли ўғли Илчо, гўзал қизи Атина ёлғиз уйда ёлғиз қолди, етим қолди иккиси.

#### 3

— Ўғлим, — деди ўлаётиб Бай Василь Илчосига. — Сен етимсан, опанг етим, сўзларимни унутма: ўч олгин сен душманлардан, ҳам асрагин опангни!

#### 4

Бай Василни кўмдилар, Марица қирғоғига. Илчо билан Атина-чи, етим қолди иккови!

#### 5

Кунлар ўтди, ойлар ўтди, Атина — енгилтак қиз, оғир жангда ҳалок бўлган отасини унутди... Қачон кўрманг, деразанинг ёнида, у кўчада. Тоғу тошда акси садо кўнғироқ овозидан. Кўнғил кўйди Атинага йигитларнинг қанчаси. Дейишарди ғурур билан: «Ким куйлаяпти экан? Булбулмикан сайраётган, саъвамикан? Булбул бундай куйлолмайди, саъвалар ҳам! Бай Василнинг гўзал қизи Атина — бу!»

#### 6

Шўрлик Илчо совчилардан гангиб кетди, ахир деди йигитларга, отасидек салмоқлаб:

— Атинанинг ўзида гап, ихтиёри ўзида!

Атина-чи? У ҳеч кимни ёқтирмасди, суймасди. Қаҳ-қаҳ уриб йигитларни мазах қилиб куларди. «Кимга кўнғил кўяркин у, кимга салом бераркин?» Қишлоқдаги бирон одам буни сира билмасди...

#### 7

Кунлар ўтди, ойлар ўтди, йил ўтди. Лаънати ёв яна келди бостириб.

#### 8

Кўчалар қон. Доду фарёд тутиб кетди оламни.

#### 9

«Э, парвардигори олам! Ўзинг мадад бер, босқинчини еримиздан ҳайдайлик».

#### 10

Ёшу қари жангга кирди... Тангри бермади мадад. Беглар беги қилич солди шафқат қилмай ҳеч кимга! Гўдакларнинг устида у тулпорини ўйнатди, кексаларнинг кўз ёшига парво қилмади

мутлак, мевалари ҳил-ҳил пишган боғларни пайҳон этди, ўт чакнади кўзларида, оғзи олов пуркади, ятағони чакмоқ чакди йигитларнинг бошида, аёлларнинг кўкрагидан қон аралаш сут оқди...

### 11

Ҳаммасини кўриб турди деразадан Атина, киприклари маржон такди аламзада ёшидан. Шу топ нима бўлди ўзи?! Биби Марьям, кўмак бер! Беглар беги дубулғаси учиб тушди бошидан. Кўриб қолди уни ногоҳ бизнинг гўзал Атина...

— Йигит бўлса шундай бўлса! — деди яшиндек чакнаб. Ҳали бундай латофатни кўрмагани умрида. Қошлар худди шоҳи чойшаб гулидаги ёй каби, бургут кўзлар санчилади ўкдай қизнинг қалбига. Чўчиб тушди қиз бечора ва севинчдан бўшашди... Ғойиб бўлди жангга кирган йигитларнинг барчаси, қони дарё бўлган Пётр, Стефан ҳам йўқолди, кўнғир сочли Минчо, Генчо, Аспарухлар йўқолди... Қулоғига кирмай қолди аёлларнинг йиғиси. Нима бўлди ўзи шу топ? Биби Марьям, кўмак бер!

### 12

Севиб қолди Бай Василнинг гўзал қизи Атина, севиб қолди отасининг ашаддий душманини, она юрти унга берган нонни ҳаром қилди у, отасини унутди у ва зотини унутди.

### 13

Гайдукларим, азаматлар, нафратингиз ўринли! Аммо кўшиқ тугамади, кулоқ беринг, тугатай.

### 14

Оғир жангда беглар беги ғолиб чиқди. Асирлар занжирбанд бўлди. Ўлжалар хачирларга ортилди.

### 15

Тўхтанг, тўхтанг! Ким келмоқда? Келаётган ким ўзи? Кампирми у, ё бевами ёлғиз қолган бу юртда? Йўқ! Атина, Бай Василнинг гўзал қизи — Атина!

### 16

Келинчақдай ясанган у. Лабларида табассум, Юришлари товус каби хиромон ва мулойим. Тўғри келди майдонга у, салом берди ғолибга — бекка назар ташлади у оймомодек эгилиб. Кейин деди:

— Бегим, сенга ошиқ бўлдим, қулингман! — шундай дея тиз чўкди қиз тулпор билан ёнма-ён.

### 17

Ҳамма ҳайрон. Ҳатто, бек ҳам ҳайрон бўлди аввали. Кейин қизни даст кўтарди ва ўтқазди олдига, момикдай оқ кўкрагидан бўса олди лаънати!

### 18

Оҳ, Атина, ноқобил қиз, сени нима жин урди?! Қаердасан, Илчо, отанг ҳурмати — кўр опангни!

### 19

Белглар беги отига қамчи босди, йўлга тушди асирлар. Қаердасан, Илчо, отанг ҳурмати — кўр опангни!

Ё ўч олгин хўрланган зот, тупроқ учун улардан, ё бўлмаса бош олиб кет аламдийда кишлоқдан.

## 20

Илчо хомуш. Кўзи йўлда, карвон кетган томонда.

— Ота, ўзинг қўлла, — дерди ичида у дам-бадам. — Қувватинг бер қўлларимга, ўч олайн душмандан... — Шунда деди, билаклари кучга тўлди ғойибдан, уйга кирди, отасининг камарини боғлади, елкасига милтиқ осди, қилич тақди белига. — Ота, ўзинг қўлла мени, қувватинг бер қўлимга!

## 21

Беглар беги куйламоқда Атинага жўровоз, асирларнинг қўллари мушт, лаблари тугун, бошлар хам.

— Бадбахт дунё! Бай Василда нима қасдинг бор эди? Бечора қиз юрагини заҳарладинг не учун?!

## 22

Олисдан отлик кўринди. Қўллар бўлди соябон. Бу — хўр-ланган ер ўғли! Келаётган бу пахлавон азамат йигит — Илчо!

## 23

Девдек наъра тортди, Илчо, беглар беги тўхтади. Атинани титроқ босди, хўжасига ёпишди.

## 24

— Эй, лаънати беглар беги! Юрак бўлса отдан туш, куч синайлик якка-якка, ё бўлмаса ўликсан!

## 25

Беглар беги ёйдек эгри қиличини суғурди, ботир Илчо шердек бўлиб қаршисига югурди.

## 26

Олишдилар роппа-роса уч кечаю уч кундуз, қилич синиб, навбат келди, навбат келди ханжарга...

## 27

Укасининг ботирлиги Атинани шод қилди. Кўпик сочди беглар беги дош беролмай ҳужумга. Боши узра ўйнаб кетди ботир Илчо ханжари. Шу топ... Нима бўлди ўзи?! Биби Марьям, кўмак бер! Лаънати қиз қалқон қилди бекка ўз кўкрагини! Юрагини кесиб ўтди укасининг ханжари... Беглар беги қочди отга қамчи уриб кетма-кет. Йиқилди қиз.

— Бегим, тўхта! — бекка томон чўзди қўл. Беглар беги тўхтамади, чанг ичида йўқолди...

## 28

Ох, Марица, Марица, ғамгин ва сокин дарё, қирғоғингдан қабрлар кимларнинг қабрлари? Гўр бошида дев қаддини букиб йиғлаётган ким?!

— Бай Илчо бу. Бай Василнинг содик, асл фарзанди. Қабрларда Бай Василь ҳам Атина ухламоқда... Йигирма йил бўлди Илчо ҳар кун келар бу ерга, қабрларга янги гуллар қўяди-да, йиғлайди.

— Ота, мени кечиргил, сен, гуноҳимдан ўтгил сен, севикли Атинангни арсаб қола олмадим!

## ГАЙДУК ҚИЗИ

### 1

Купрившица воқеаси қўшиқ бўлса арзийди, рухсат этинг, куйлаб берай, қойил қолинг эшитиб...

### 2

Беш бор қўлдан-қўлга ўтди узоқ йили бу қишлоқ, юзлаб болгар ҳалок бўлди, қанча-қанча уй ёнди, далаларда кишнар эди эгасиз қолган отлар, буруқсаган ўт ичида етимлар йиғлар эди.

### 3

Олтинчи бор ҳужум қилди душман яна куч тўплаб, тоғ ичига яширинди — чорасиз исёнкорлар. Сўнгги марта назар солди қишлоқ томон Бай Крум, беихтиёр кўз ёшланди, лаблар недир сўзлади. Ким биледи не деди у? Режа тузди неларга?! Балки қасам ичгандир у, яна қайтиб келишга, қонхўр душман калласини найзасига илишга! Балки ўйлар уйда қолган икки арзандасини. Уйда қолган Лилиана, Христони эзилиб!

— Атаман, — дер аллаким. — Бўлди, энди кетайлик.

— Бўлди, — деди кўкрак кериб бизнинг жасур Бай Крум. — Кетсак кетдик, аммо билки, қайтишимиз мукаррар!

### 4

Йўлга тушди Бай Крумнинг ғазабнок йигитлари, йўлга тушди қасам ичиб яна қайтиб келишга, қонхўр ёвлар калласини найзаларга илишга!

### 5

Уйда ёлғиз атаманнинг икки бахтсиз фарзанди — етим қолган Лилиана, етим қолган Христо. Кўзлари тўрт икковининг ота кетган томонга, икковининг кўзларида ялтирарди ёшлари. Лилиана ўша ёзи тўлган эди ўн тўртга, Христо-чи, эндигина ўнга қадам қўйганди.

### 6

Гайдуқларим, кўряпсиз, улар ҳали ёш эди, улар ҳали ҳаёт нима, ўлим нима — билмасди, улар ҳали бола эди, зулм нима билмасди, улар ҳали бола эди, қуллик нима — билмасди!

### 7

Кечга яқин Лилиана танбалади эшикни, занжир солди ичкаридан дарчаларнинг барига. Яхши тушлар орзусида ўрин тўшаб эртароқ, укасини кучоқлади, мажбур қилиб ухлашга... Шу топ бирдан гумбурлади недир эшик ёнида, деразалар чил-чил бўлди, ғала-ғовур бошланди.

### 8

Нима бўлди, не фалокат яна келди бу уйга?

### 9

Лилиана чўчиб тушди ва югурди эшикка, қай кўз билан кўрсин шўрлик — эшик тўла ёв эди. Эшик тўла қон деб келган, мол деб келган одамлар!

### 10

— Тўхта, опа, оча кўрма! — деди шунда Христо. — Тўхта, опа, сени аввал яширайин бир ерга...

Хаёлига нелар келиб, рози бўлди шўрлик қиз, яширинди тахмонга у, укасига мўлтираб.

**11**

Ўн нафардан ортиқ эди бостириб кирган душман, ҳар биттаси Христога тўртта келарди лофсиз.

**12**

—Қани сўйла, кофир ўғли, отанг кетди қаёққа? — деди бири Христонинг елкасига мушт уриб. — Христовдан садо чиқмас, кўзида ўт чақнарди. — Сўйла, дейман, кофирвачча, отанг кетди қаёққа? — Христо жим, тиши тишда, қўллар муштга тугилган...

**13**

—Сўйла, — деди яна бири. — Айтсанг омон қоласан, қишлоқнинг энг гўзалини хотин қилиб оласан...

Душман бари қаҳ-қаҳ урди. Христовдан садо йўқ. Шунда кимдир қулочкашлаб урди юзи аралаш, гандираклаб йиқилди у, аммо овоз бермади. Шундан кейин нима бўлди, билолмади Христо.

**14**

Моматалоқ бўлди бадан, бирон соғ жой қолмади, суяклари зирқирарди тепкиларнинг зарбидан, охир чидаш беролмади, ҳушдан кетди Христо.

**15**

Кўз очганда шўрлик бола, Лилиана бошида — ўлтирарди юм-юм йиғлаб, ўлтирарди қон ютиб.

**16**

Ташқарида эса, душман ўт қаларди гулханга.

**17**

— Опа, кўрдинг, — дер Христо, — сотқинлик қилганим йўқ, жасур отам маконини айтганим йўқ душманга, лекин, опа... чидолмайман яна шундай қилишса, — шундай деди шўрлик бола, дарё бўлди ёшлари.

**18**

—Кўй, йиғлама, ўзингни бос, — юпатди Лилиана. — Отанг каби мардлигингни ўзим кўриб турибман. Кўй йиғлама, ўзингни бос, сен ҳақиқий гайдуксан!

**19**

Душман яна уйга кирди Христони эзиш-чун. Уйга кирди ва лол бўлди Лилианани кўриб.

**20**

— Сен қаердан пайдо бўлдинг? — душман сўради ундан. Қиз қадини ростлаб деди:  
— Мен шу ерлик бўламан, Бай Крумнинг қизиман мен, атаман Бай Крумнинг...

**21**

— Сўйла йўкса, эй, гўзал қиз, отанг кетди қаёққа?

22

Лилиана бошин эгди, неларнидир ўйлади, хушсиз ётган укасига термилди меҳр билан. Кейин деди:

— Майли, айтай, фақат битта шартим бор: сотқинлигим билинмасин, укам буни билмасин!

23

Шу заҳоти қилич узди Христонинг бошини, бу даҳшатни кўриб турди Лилиана дарчадан. Юрак-бағри зардоб бўлди, ёш қоплади юзини, аммо, нима қилсин шўрлик, ўзи шуни истади.

24

Душман деди:

— Энди гапир, гўзалларнинг гўзали, хизматларинг эвазига олтинга ғарқ бўлурсан.

25

Лилиана индамади, бирдан кўзи чакнади, бирдан ёвни ҳайрон қилиб, қаҳ-қаҳ урди ва деди:

— Мен укамдан чўчигандим, ҳали гўдак дегандим, нима қилсанг қилгин энди, сотқин йўқдир бу уйда!



## ЧЎПОН ВАСИЛЬ ВА УНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ

### 1

Мен ҳам битта кўшиқ айтай, кулоқ солинг, гайдуқлар! Аммо кўз ёш тўкманг сира, кўз ёш сизга ярашмас. Оёқ ости бўлган юртим шер гербини таққанда — майли, йиғланг, кўз ёшингиз Искрадай дарё бўлсин.

### 2

Червенбрегда чўпон Василь яшар эди бир замон. Кулбаси бор эди унинг, фариштадек хотини, Тангри ато қилган эди уларга етти ўғил, каттасининг эндигина мўйлови ниш урганди.

### 3

Ҳар ўн кунда бир келарди чўпон Василь уйига, болала-рин бир-бир ўпиб шўртанг пешанасидан — гап сўрарди хотинидан подшо Шишман сингари:

— Хўш, онаси, қани сўйла, ким кирмади сўзингга? Тўполонда қайси бири узиб кетди йўғимда? Кенжатоинг Аспарухми, Николайми, Иванми? Ё Ефтимми — эзмачурук, Йорданми ё Генчо?!

### 4

Болаларга бир-бир қараб, дерди шунда онаси:

— Йўғингизда ҳеч қайсиси тўполон қилгани йўқ. Кенжатоим Аспарух ҳам, Николай ҳам, Иван ҳам, Ефим ва Йордану жингалак соч — Генчо ҳам, йўғингизни билдир-мади, ўтин ёрди, ер чопди...

Чўпон Василь хурсанд бўлиб, мўйловини бурарди ва тонггача болаларга эртак сўйлаб берарди.

### 5

Бир кун тонгда қишлоқ бўйлаб нохуш хабар тарқалди: ёвуз душман лашкарлари бостириб келмоқдамиш! Қонсираган ёв галаси шамолдек елмоқдамиш!

Бутун қишлоқ темир кўрғон бўлди қош қорайгунча, деразалар ёпилди-ю, танбаланди эшиклар. Бай Василь ҳам шундай қилди, фақат кўча томонга икки тешик очиб қўйди — отиш учун душманни.

### 6

— Келавер, ёв келавергин! Червенбрегда кўрқоқлар туғилганмас! Келавер, ёв, кел, Муҳаммад уммати, қарғаларга ем бўласан бу кеча!

### 7

Тонгга қадар давом этди тенгсиз жанг. Черков ёнди, кулбаларнинг кўпчилиги кул бўлди. Ҳалок бўлди Червенбрегнинг азамат ўғлонлари! Ўғлонларки, ҳар биттаси тоғни талқон қилгудек, ўғлонларки, ҳар биттаси улуғ пошшодан улуғ!

### 8

Бай Василнинг боши қотди, нима қилсин бечора?! Душман зоти бас келолмас унинг мерганлигига, лекин ўқлар адо бўлди, ўнта қолди атиги! Бай Василнинг боши қотди, нима қилсин бечора? Ўт қўйсинми кулбасига, қочсинми йироқларга! Ўт қўйсинми уйига у, ёндирсинми ўзини, ўт қўйсинми уйига у — ҳалок бўлсин хотини, ҳалок бўлсин тангри ато қилган етти фарзанди. Ҳалок бўлсин — Аспарухи, Николай ва Ивани, ҳалок бўлсин Ефтим, Йордан, шалпангқулоқ Генчоси! Бай Василнинг боши қотди, нима қилсин бечора!

9

Битта ўқ ҳам кетди шу топ, битта ёвни йиқитди.

10

Тўққиз ўқинг қолди, Василь, душман эса тўққиз минг, тўққиз ўқинг қолди, Василь, нима қилмоқчисан, айт!

11

Бай Василнинг боши қотди, юраги тўлди қонга, яшин каби чакнаб кетди бирдан ҳорғин кўзлари. Етти марта ўқ узди у, етти ўғил йиқилди. Кенжатоий Аспарухи, Николаий, Ивани, жингалак соч — Ефтим, Генчо барра мўйловли Йордан...

12

—Хотин, кечир, — деди Василь, — хотин, гуноҳимдан ўт — ёв қўлида болаларим ўлмасин деб ўйладим. Ёв қўлида мен ўзим ҳам ўлишни истамайман! Мана сенга милтиқ, олгин, икки дона қолди ўқ, сен севган кўзларимни юмиб турай, от мени, юрагимни мўлжаллаб от, мен отгандай Генчони, кенжатоийинг Аспаруху Николай ва Иванни, жингалак соч Ефтим билан тўнғичинг Йорданни...

13

Қарсиллайди ногаҳон ўқ: уйни тутун қоплади, яна битта ўқ узилди... Ва сукунат босди уйни, қабристон сукунати...

Душман лашкарлари бостириб кирган замон — тўққиз ўлик ётар эди бир-бирини қучоқлаб. Бай Василнинг лабларида ўйнар эди табассум, гўё дерди:

—Сўйла, хотин, ким кирмади сўзингга! Кенжатоийинг Аспарухми, Николайми, Иванми? Ё Ефтимми — эзмачурук, Йорданми ё Генчо?

14

Гайдуқларим, бош ирғаманг, бу қўшиқ — афсонамас, мен кўрганман Бай Василни, шаробидан ичганман!

## ҚИРҚҚИЗ

### 1

Бу кўшиқни Добружада эшитганман, гайдуклар!

### 2

Баҳор экан, адир кўм-кўк, дов-дарахт кўм-кўк, мўйсафиднинг соқолидек қоялар ҳам кўм-кўк. Боғлардаги гуллар атри тутиб кетган оламини, сигирларнинг сағрилари ялт-ялт қилар офтобдан...

### 3

Бава-вида ҳукмдори зерикиб, одам қўйди ҳар тарафга — ўн беш кун муҳлат билан.  
— Келтиринглар болгарларнинг қизларидан бир тўда, гўзалликда ҳарамимга мос бўлсин!  
Ором олай бу дунёнинг ташвишини унутиб, наврўз кирсин саройимга парилар либосида!

### 4

Жонҳолатда от қўйдилар навкарлар ўша куни. Ҳукмдорнинг истаги ўк — бажармасанг ўликсан.

### 5

Гайдукларим, сиз баҳорнинг нималигин биласиз! Адир кўм-кўк, дарахтларнинг нозиккина барглари — бошларини қуйи солган зумрад исирғалардан. Добружа қизларининг қаҳқаҳаси сингари — юракларни қитиқлайди — дарёларнинг шовқини. Ҳамма ёқда баҳор иси — гўдакда, тоғу тошда...

### 6

Баҳор билан гўзал эди ота-бобомиз ери, баҳор билан куртак ёзган эди ёшлар севгиси, қизлар юзи табассумдан барқ урарди куёшдек. Йигитларнинг кўшиқлари янгратарди дарани.

### 7

Бирдан осмон қора чойшаб ёпди кўм-кўк юзига, қоронғулик босди душман пайдо бўлган қишлоқни. Кампирларнинг ноласидан юраклар бўлди зардоб ва йигитлар ғазабидан замин келди ларзага...

### 8

Ғам бор бўлган уйда доим кулфат меҳмон, дейдилар, кампирларнинг ноласи ҳам йигитларнинг ғазаби — сира ёрдам беролмади — қизлар бўлди асира... Баҳор экан, ўша дамда, ажиб, гўзал навбаҳор. Мўйсафиднинг соқолидек қоялар ҳам кўм-кўк. Добружа қизларининг қаҳқаҳаси сингари юракларни қитиқларкан дарёларнинг шовқини... Иўлда эса, шўрпешана асиралар аста-аста қадам ташлар бош яланг, оёқ яланг.

### 9

Қадам ташлар қирқ нозанин, қирқта ҳарам бандаси, Қирқталови ой билан тенг, париваш, бири Донка — кўзларини денгиз дейсиз, бири Люба — фариштанинг ўзгинаси, Лилиана — қирмизи юз, қоши камон, яна бири — онасининг арзандаси... Юрагимнинг ярасига туз сепмайин, ҳаммаси ҳам гўзалларнинг гўзали...

### 10

Хурсанд бўлди ҳукмдор, боши кўкка етди. Ҳаммасини бир-бир кўрди — мол кўргандай...

Кейин деди:

— Ҳарамимга жойлаштиринг, эртагача ювинтиринг, пардоз беринг. Эрта эса, базм қурурмиз шоҳлар каби, наврӯз кирар саройимга парилар либосида.

## 11

Ҳарам тўлди бандиларнинг йиғисига. Бунда қирқ қиз, қирқталови ой билан тенг. Бири Ляна — кўзларини денгиз дейсиз, бири Светка — фариштанинг ўзгинаси, Каталина — қирмизи юз, қоши камон, яна бири — отасининг арзандаси... Ярим тунга қадар йиғи ҳеч тинмади, шунда Донка кўзи чақнаб:

— Тўхтанг, — деди. — Дугоналар, йиғи фойда берармиди?! Йиғи ёвдан бизни озод қилармиди?! Менинг битта таклифим бор, кулоқ беринг, ёв қўлида қул бўлгандан ўлмоғимиз яхшироқ!

## 12

Тонг пайтида ланг очилди ҳарамнинг эшиклари, кириб келди ҳукмдорнинг навкарлари бирма-бир. Аммо ҳарам бўм-бўш эди, кўринмасди бирон зот, ҳар биттаси ой билан тенг қизлар қани? Қани Донка — олтин соч қиз, қани Ляна? Қирмизи юз, қоши камон Каталина? Қани Люба — онасининг арзандаси?!

## 13

Ҳукмдорнинг кўзи ёнди ғазаб билан, ҳар тарафга одам қўйди — фойдаси йўқ. Хомуш бўлиб у юзланди девор томон. Шунда бирдан чўчиб тушди, тисарилди... Бававида зар панжара деворида қирқ жуфт кавуш турар эди қатор бўлиб, қирқ жуфт кавуш — қирқта қизнинг орномуси, қирқ жуфт кавуш — қирқта мардлик нишонаси! Пастда эса, қуёш бўлиб, чўғдай ёниб аста-секин оқар эди сокин Дунай.

## 14

Ҳукмдорнинг кўзи ғазаб билан ёнди. Навкарларин тўплаб туриб шундай деди:  
— Кофир қизлар агар тирик бўлса эди, биттасига алмашмасдим мингтангизни!

## 15

Баҳор экан ўша дамда, ажиб баҳор, боғлардаги гуллар атри тутиб кетган оламни. Ҳамма ёқда баҳор иси — қушларда-ю ўтларда, ҳамма ёқда баҳор иси — тоғу тошда, одамда.

## САРКАРДА ПЕТРО

### 1

Пахлавон Бай Петрони кўрган борми? Алам тўла суҳбатида бўлган борми?!

### 2

Пахлавон Бай Петрони мен кўрганман. Алам тўла суҳбатида бўлганман! Шуҳратпараст укаси сотди уни. Бу қайғули воқеадир, оғайнилар.

### 3

Етти кун давом этди Силистра учун жанг, етти кун ер титради отларнинг дупуридан. Момагулдурак каби ботирларнинг овози янграб турди гоҳи у, гоҳ бу ерда етти кун. Дунай сувми ёки қон — билиб бўлмади мутлоқ.

### 4

Ботирларнинг ичида энг ботири Бай Петро! Ҳар қилич солганда у тутдек тўкиларди ёв! Найзасини отганда душман отдан қуларди. Бай Петро эса, кулиб, мўйловини бурарди.

— Саркарданинг кайфи чоғ! Демак, ғалаба бизда! — дейишарди гайдуклар уни кўрганда ҳар чоқ. Димитр эса хафа, ичини ит тирнарди...

### 5

Етти кун давом этди Силистра учун жанг, етти кун ер титради гайдуклар наърасидан. Ботирларнинг ичида энг ботири Бай Петро! Ҳар қилич солганда у тутдек тўкиларди ёв! Димитр эса хафа, ичини ит тирнарди:

— Нега мен саркардамас, нега акам саркарда?!

### 6

Етти марта ёв чекинди — дош беролмай зарбага ва ниҳоят ҳийла қилди — ёллади Димитрни. — Силистра сеникидир, саркарда ҳам сен ўзинг! Фақат бизга аканг керак, уни келтир сен туриб! — шундай деди душман, қуллуқ қилди Димитр.

### 7

Нозу неъмат тўлиб кетди Димитр чодирда.

— Ака, — дер у. — Тонгга қадар ёв чўчийди хужумдан. Тонгга қадар дам олайлик, меҳмон бўл чодиримга! Ором олсин гайдуклар ҳам, отларга ем беришсин.

### 8

Йўқ, демади содда ака, йўқ демади Бай Петро. Ярим тунда қулади у ука берган захардан ва наматга ўралди у ҳушидан кетиб мутлоқ.

### 9

Лашкарбоши ўтирибди ҳушсиз Петро олдида, ҳасад билан, ғазаб билан тикилар пахлавонга. Бай Петронинг ҳушсизлиги — ҳушли жангчидан афзал!

— Занжирбанд қилинг уни ва элтинг она юртга, бу гайдукнинг ўлигидан тириги фойдалироқ!

### 10

Йўл юрди ёв карвони, йўл юрса ҳам мўл юрди. Қўнғироқлар жаранглаб, карнай-сурнай чалиниб, кутиб олди карвонни подшо хизматкорлари.

**11**

Фақат саройдагина кўзини очди Петро. Ўткир экан лаънати ука берган захри. Кўзини очди Петро ва ҳеч нарса тушунмай аланглади атрофга. Бирдан ёнди кўзлари, бирдан муштга айланди паҳлавоннинг кўллари. Мудҳиш тақдирни кўриб йўлбарс каби ўкирди.

—Кайғурма кўп Бай Петро, — деди султон илжайиб. — Қул бўлиш ёки ўлиш жангчининг бошида бор! Бизга ўтгин, хизмат қил менга садоқат билан, шунда озод бўлурсан, олтинга ғарк бўлурсан.

**12**

Рози бўлмади Петро, бизнинг асир паҳлавон! Нафрат билан тупурди султон башарасига.

—Сенга хизмат қилишдан ўлганим яхшироқдир, сенга хизмат қилишдан қул бўлиш яхшироқдир!

Султон дарғазаб бўлиб, ханжар отди Петрога, қоронғи бўлди дунё, кўзсиз қолди бечора. Кўзсиз қолди саркарда Бай Петро ўша куни.

—Ҳайданг, — деди султон, — бугуноқ саройимдан. Кўзсиз жангчи — ўқсиз камон деганнинг ўзгинаси. Ҳайданг уни, бўлсин энди овора ва дарбадар, кўзсиз одам — тирик мурда деганнинг ўзгинаси.

**13**

Йўлга тушди саркардамиз Бай Петро, йўлга тушди қўлда ҳасса, кўзда ёш...

**14**

— Паҳлавон Бай Петрони ким кўрган? Алам тўла суҳбатида ким бўлган?!

— Бай Петрони мен кўрганман, кўп кўрганман, алам тўла суҳбатида кўп бўлганман.

**15**

Шухратпараст Димитр-чи?! У энди йўқ. Ниятига етмади У. ўлдирилди...

**16**

Омон бўлсин, Бай Петромиз, омон бўлсин, қўшиқлари Болгария бўйлаб юрсин! Жарангласин Родопида, Қоратоғда, гайдукларга илҳом берсин, қувват берсин!

## ОТА

### 1

Ефтим деган чол яшарди. Қоратоғ этагида, дехқончилик эди касби, эрта-ю кеч далада. Кулбаси бор эди хароб, ўлимтик бир ҳўкизи, икки таноб ерда боғи — яшаш учун кифоя.

### 2

Бай Ефтимнинг бор қувончи эди икки фарзанди, икки ўғил, ҳар иккиси отасидай заҳматкаш. Бири тоғда ўтин терса, бири омоч ҳайдарди, шундай ўтар эди кунлар қайғусиз ва кулфатсиз.

### 3

Шундай ўтар эди кунлар Қоратоғ этагида, шундай ўтар эди кунлар бутун болгар элида...

### 4

Бир кун боғда Ефтим, ўғиллар ҳам ёнида, от дупури эшитилди, кейин қий-чув бошланди. Бош кўтарди ердан Ефтим, йўлга тикди кўзини ва кўп ўтмай кўрди қишлоқ ёнганини буруксаб. Бай Ефтимни титроқ босди, қалтиради лаблари. Ким билади, балки шу топ ёлворгандир Худога?

### 5

Қишлоқ эса, ёнар эди алангаси тоғ кучиб. Кимдир уввос солиб йиғлар, кимдир сўкинар эди... Икки ўғил икки ёқдан ёпишди отасига, ғазаб лов-лов ёнар эди икковининг кўзи-да...

### 6

Шу топ йўлни чанг қоплади, пайдо бўлди отлиқлар, пайдо бўлди тиш-тирноғи билан журулланган ёв. Пайхон қилди экинларни от қўйиб ҳар тарафга. Кишан солди кейин душман икки ёшнинг қўлига. Бай Ефтимнинг ғазабдан кўзлари чакнаб кетди. Бор кучини тўплаб туриб чангал солди душманга. Лекин чол-ку? Чол бечора не қиларди журулсиз? Не қиларди ўнта душман журушаб турса атроф-дан? Аламини ичга ютиб ялиндил бекка шунда:

— Бегим, ўзинг раҳм қилгин, олиб кетма уларни. Ҳали улар ёш жуда ҳам, ҳали ҳаёт кўрганмас. Керак бўлсам мен амрингда, қулинг бўлай умрбод.

Қаҳ-қаҳ урди душман бари, қаҳ-қаҳ урди аблаҳлар!

— Эсинг борми? — ўшқирди бек. — Сен кимсану булар ким? Булар энди кучга тўлган жийрон отнинг ўзидир. Сен ким бўлдинг? Қари бир чол, бир оёғинг гўрда-ку? Сени бизга фойданг ҳам йўқ, зиёнинг ҳам тегмайди.

### 7

Шундай дея қамчи босди отига бек, лек шу топ, у тўхтади ва илжайди чолга қараб мулойим.

— Майли, эй чол, раҳм қилай ёшинг ҳурмати сенга. Болалардан биттасини, майли, ўзинг танлаб ол.

Бай Ефтимни титроқ босди, қалтиради лаблари, ким билади? Балки шу топ ёлворгандир Худога — ёлворгандир бағри ёниб бу даҳшатли ҳукмдан, ёлворгандир лаънат ўқиб бебахт оталик учун.

— Нега жимсан? — сўз қотди бек. — Танла севган ўғлингни! Танла, йўкса иккалови сотилади кул бўлиб.

### 8

Бай Ефтимнинг боши қотди, нима қилсин бечора? Қай бирини танласин у? Илчо ёки Ивайло? Иккалови ўз фарзанди, иккалови ўз пуштидан — икковининг томирида оқади унинг

қони! Бай Ефтимнинг боши қотди, нима қилсин бечора?

— Ота, — деди шунда Илчо. — Ивайлони олиб қол. Мендан у ёш, кейин мендек... ўйинқароқ боламас.

— Йўқ, йўқ, ота, — деди шунда Ивайло уни бўлиб. — Илчо қолсин ҳузурингда, Илчо мендан кучлироқ.

## 9

Бай Ефтимнинг боши қотди, нима қилсин бечора? Қай бирини танласин у? Ивайло ё Илчони? Иккалови ўз фар-занди, иккови ўз пуштидан — икковининг томирида оқарди унинг қони.

— Бўл, чол, тезроқ! — дўқ урди бек. — Танла севган ўғлингни! Танла, йўқса иккалови сотилади кул бўлиб.

## 10

Бай Ефтимнинг боши қотди, хаёл сурди узоқ вақт. Титроқ босди вужудини, қалтиради лаблари. Ким билади, балки шу топ ёлвордими Худога? Ёлвордами бағри ёниб қутқаргин, деб бу даҳшатли тақдирдан? Йўқ, Бай Ефтим йиғламади, ёлвормади Худога! Кўзи бирдан чўғдек ёниб, тикилди у душманга! Ва нафрат-ла деди:

— Лаънат! Лаънат! Лаънат, сен ит ўғлига!

## 11

Шу захоти у қулади душман ятағонидан. Йўлга тушди икки ўғил зардоб бўлиб юраги, йўлга тушди неларнидир сўзлаб қонсиз лаблари, иккови ҳам йиғламади, ёлвормади Худога!



## ГУЛ ВОДИЙСИ

### 1

Мен туғилдим гўзал воҳа — Гул водийси кўйнида, қулоқ солинг, сўзлаб берай бу водий қиссасини. Сўзлаб берай, нега бу юрт Гул водийси аталмиш.

### 2

Ботир Демир йўлга тушди тенгқурлари қатори. Йўлга тушди жанг қилиш-чун Родопи тоғларида. Уйда қолди ўн тўрт кунлик ойдек гўзал қайлиғи, уйда қолди чимилдикдан кеча чиққан Людмила.

### 3

Кунлар ўтди, ўн кун ўтди, ой ҳам ўтди пилдираб, Людмиланинг кўзи йўлда, эри кетган томонда. Хаёлида минг хил фикр, минг хил режа, орзулар... Лекин, дўстлар, кучли экан айрилиқнинг алами — ўзи сезмай Людмиланинг ранги бўлди заъфарон, кулиб турган кўзларини ғам пардаси қоп-лади. Яна қанча кунлар ўтди, йил ҳам ўтди пилдираб, ботир Демир отрядидан хабар бўлмади сира. Ғамга тўлди бутун кишлок, ғамга тўлди Людмила. Эрта тонгдан кўзи йўлда, эри кетган томонда, ўзи сезмай, гоҳи-гоҳи кўзига ёш келади. Хаёлига энди кирмас минг хил режа, орзулар... Хаёлида битта фикр, омонми ёстикдоши? Омонми паҳлавони, севгига интизори?

### 4

Жавоб қайда бу саволга? Ҳамма жим, бошлар эгик. Ҳамма маъюс, лекин кўзлар ғазаб билан ёнади, қони қочган лаблар тун-кун лаънат ўқийди ёвга!

### 5

Тонг маҳали йўлга тушди Людмиламиз бир куни, йўлга тушди, аммо қайга борсин бечора ёлғиз? Қайда унинг ботир эри, қайда унинг тулпори, шу йўл билан юрса агар етарми висолига?

Оқшом тушди далаларга, дарё боши қизарди, чигирткалар чириллаши солди юракка ташвиш. Олисларда ит ҳуриди, от кишнади депсиниб, паға-паға булут ичра ним ранг ой сочди шуъла. Людмилани ваҳм босди, қайтсинми орқасига? Людмилани ваҳм босди, нима қилсин бечора? Хаёл суриб туриб қолди кенг далада паришон, шу топ отлар дупуридан чўчиб тушди у бирдан...

### 6

Душман келди Людмиланинг эри кетган томондан, у бир эмас, ўн ҳам эмас, балки минг нафар бордир? Беглар беги уни кўрди ва тўхтатди отини.

— Ким бўлди бу ҳурилиқо? — сўради у навқаридан.

— Ғолибона йўлингизга пояндоз бўлган гўзал! — жавоб берди содиқ навқар бошин эгиб ергача.

— Олиб кетинг, йўқса уни, бирга ором олурмиз. — Шундай деди беглар беги, қамчи босди отига.

### 7

Людмиланинг ранги сўлғин, лек томирда қон ўйнар, Людмиланинг ранги сўлғин, ертўлада у ёлғиз. Хаёл сураб ғамга ботиб, кўзларида ёш маржон. Қайғу тўла юрагига энди кирмас юрзулар. Миясида битта фикр, нима қилсин энди у? Бўйсунсинми ғолиб бекнинг буйруғига шу топда? Ё қочсинми бу даргоҳдан рози бўлиб ўлимга?

8

— Бегим, — деди беглар беги ётоғига кирганда, — Менинг битта орзум бордир, рози бўлсанг, кулингман.

Рози бўлсанг, бир умрга чўринг бўлиб қоламан. Истагинг не, ҳаммасини бажараман бегумон. Орзум шуки, ёрим ётур сен келган йўл устида, бир зиёрат этиб келай, хурсанд бўлсин арвоҳи, истагинг не, барчасига рози бўлурман шунда.

Беглар беги мафтун эди ёш жувоннинг хуснига, рози бўлди ва:

— Тонггача, майли бориб кел, — деди.

9

Йўлга тушди Людмиламиз, зардоб бўлиб юраги, йўлга тушди қанча ташвиш, хаёл билан бечора. Ва бир маҳал етиб келди Марица қирғоғига. Шунда яшин каби кўнглин тилиб ўтди бир фикр, бўйсунсинми қонхўр бекка, ё ўлсинми шу ерда? «Ёстикдошим, мени кечир, роҳатим кўролмадинг, паҳлавоним, мени кечир, содиқлигим кўрмадинг!» — шундай дея, ханжар урди кўкрагига Людмила ва йиқилди беҳол-беҳуш Марица қирғоғига. Қони дарё бўлиб оқди, қони сувга кўшилди... Шундан бери Марицанинг суви қизил ранг олмиш, шундан бери бу водийда қизил гуллар ўсармиш, шундан бери бу водийни Гул водийси демишлар...

10

Шу водийни ким сайр қилса, шу гуллардан ким узса, вафо унга ёр бўлармиш, бахт кулармиш умрбод. Ҳар ғунчада Людмиланинг соф қони сақланармиш, ҳар бир гулда барқарормиш Людмиланинг севгиси!..

## ХАДИЧА

### 1

У ётарди ғор ичида бир неча кундан бери, кайғу билан тўла эди аламзада юраги. Нима бўлди? Нега келмас ёнига севгилиси? Нима бўлди? Унутдимми? Ё топдимми ўзига эр?! Шу хаёллар гирдобада ётар эди Сайфиддин — Қоратоғда донғи кетган паҳлавон ва қароқчи. Ётар эди ва ўйларди хотини Хадичани, ўйлар эди, тиши-тишига тегиб шўрлик ғазабдан: нима бўлди? Нега келмас ёнига севгилиси? Унутдимми, ё биронта айлантирди бошини? Айлантирса арзигулик Хадичанинг хусни бор: икки юзи Гул водийсини безаган лолалардек, қошлар худди паҳлавонлар кўлидаги ёй каби, лаблар худди атиргулнинг ғунчасидай хушбичим, момикдек оқ кўкраклари Червенберг олмаси... О, Хадича!... Нима бўлди? Нега сендан дарак йўқ? Ноқобил эр, қароқчингни унутдингми, вафосиз! Шу топ нима қилмоқдасан? Узга эркак кўйнида ётибсанми ёки?.. Йўқ, йўқ! Ўзинг кўмак бер, олло! Бу дахшатли хаёллардан қутқар ғариб бандангни!..

### 2

Шиддат билан сакраб турди ўша туни Сайфиддин, ғордан чиқди, аланглади атрофга бир дақиқа! Сўнгра юрди қишлоқ томон хавф-хатарни ўйламай. Елкасида қўшотари, қўллари мушт ғазабдан...

### 3

Кириб келди қишлоққа у қоплон сингари пусиб, ҳаяжондан титраб секин тақиллатди эшикни.

— Ким у? — деди ичкаридан қўнғирокдек бир овоз. Эшитди-ю, қон қуюлди қароқчининг бошига!

— Ким бўларди! — зарда қилди. — Худо қўшган эрингман. — Занжир бирдан шарақлади, эшик очилди шу зум, рўпарада пайдо бўлди қароқчининг хотини — Хадича!

— О, секинроқ!.. — деди жувон сесканиб. — Қишлоғимиз аскарларга тўлиб кетган, секинроқ!..

Ичкарига кирди Сайфи, қўл узатди ёрига, соғинган лаб шивирлади неларнидир шу маҳал, бошлар бошга суянишди, кўкрак тегди кўкракка. Ва тонгача ором олди ёр кўйнида қароқчи... Тонгда эса, йўлга тушди яна ғорига томон, йўлга тушди яна пусиб, аскарларга кўринмай.

### 4

— Қани сўйла, эринг қайда? — деди тонгда юзбоши. Хадичани ваҳм босди, ким сотди экан уни? Ким кўрибди ярим тунда эри келиб кетганин? Ё юзбоши алдадимми, синамоқчимми уни?

— Қайдан билай? — деди жувон. — Эрим қочган сизлардан, йилдан ошди кетганига. Қаерда, мен билмайман.

— Ёлғон гапинг! Туни бўйи бирга эдинг у билан. Ё бошлаб бор, ё бўлмаса ўласан шу қўллардан! — ва юзбоши имо билан кўрсатди аскарларни, Хадичани ваҳм босди: ҳовли тўла аскарлар, ҳар биттаси арслондек, тикиларди шўрликка. — Бошлаб борсанг, соғ қолади, — деди юзбоши шунда, — соғ қолади ва қайтади уйингга.

Хадича жим. Минг хил фикр чулғаб олган бечоранинг бошини. Нима қилсин! Нима десин? Душман кутар бетоқат.

— Қани бўл! Йўлни бошла! — деди яна юзбоши. Ночор йўлга тушди жувон, ёши кўзда шашқатор, йўлга тушди, орқасида эрининг жаллодлари.

### 5

Она қишлоқ ортда қолди, ортда қолди далалар. Ортда қолди биринчи бор Сайфиддин қучган

сой ҳам. Таниш сўқмоқ йўл бошланди, висол йўли — ёр йўли, қайғуга эш, серюлдуз тун, шодликка зор-зор йўли... Тоғ ҳам келди. Хадича жим, қадам босар зўр-базўр, яқин қолди, яқин қолди таниш ғорга! Ё, Худо! Асра ўзинг паноҳингда шўрпешана бандангни!..

## 6

Ғор олдида ўлтиради Сайфи пастга тикилиб, сўқмоқ йўлда бирдан недир ялтиради ва сўнди. Нима бўлди? Ким бўлдийкин? Ғорга кирди у шошиб, ханжарини белга такди, милтиғини ўқлади. Шу топ овоз келди пастдан:

—Сайфиддин чиқ! Бу менман! Агар тушсанг тегишмайди, ваъда берди юзбоши!

Олов бўлиб ёнди шу топ, титраб кетди Сайфиддин:

—Нима қилдинг, сотқин хотин! — алам билан қичқирди. Тоғ гумбурлаб кетди шунда: ўк узганди Сайфиддин, ўк узганди мўлжал қилиб Хадича кўкрагини...

\* \* \*

—Кейин нима бўлди, дерсиз? Эсимда йўқ, гайдуклар, пастга тушиб, балки ўзи асир бўлгандир ёвга? Лекин бунга ишонмайман. Сайфи паҳлавон эди, ё қочган, ё олишиб, мардларча ҳалок бўлган.

1966

### III. Олис, яқин манзиллар

#### КЎПРИК

Қишлоққа ҳали олис эди. Улар анча юриб қўйишганига қарамай, унинг қораси кўринмасди. Атроф бийдек дала. Одам зоти йўқ. Илик баҳор нафаси уфуриб турган бўлса ҳам, на ерда бирор жонивор кўринади, на осмонда. Бутун борлиқ ҳамон киш уйкусида. Фақат у ер-бу ерда шудгор қилинган карталар четида ёш йигитнинг соқолидек яккам-дуккам туртиб чиқиб турган майин ўт-ўлан ўлик чўлда ҳаёт энди куртак ота бошлаганидан дарак бериб турарди. Аммо бу ўт-ўлан ҳам олатароқ, пастқам жойларда унаётганидан, кўзга тезда илғанмас рангпар, дилчўкар чўл манзарасига ҳали айтарлик қувонч келтирмаган, чумчуқ боласидек ҳали жиш, қанот ёзмаган эди.

Кўпи билан бир-икки ҳафтадан сўнг бу ерлар бутунлай ўзгариб кетиши, чўл бети келинчак уйидек минг гуллик туркман гиламлари, чўгдек кип-қизил палаклар билан ясениб оли-шини йўловчилар билишарди. Лекин билиш бошқа, кўриш бошқа. Шунинг учун ҳозир кетма-кет оғир қадам ташлаб боришар экан, иккалови ҳам ўз хаёллари билан банд эди.

— Қоронғига қолиб кетсак-а? — деди бир маҳал орқароқда келаётган ёш йигит нимадандир хавотирланиб.

— Кўрқяпсанми?! — сўради киноя билан шериги.

— Йўғ-э! — кулишга ҳаракат қилди йигит ва уялинқираб шеригининг тер ялтираб турган йўғон, тарам-тарам гарданига кўз қирини ташлаб қўйди.

— Оз қолди, — деди шериги ва олдинда туянинг ўрқачидек сарғайиб турган тепаликка ишора қилди. — Шу тепаликдан ўтсак бўлди, у ёғи бир чақиримча...

Йигит индамади. Кўнглида у шеригидан норози эди. Эрталаб шаҳардан чиқишаётганда ҳамма кам-кўстини тўғрилаб олмайдими? Қандай шофёрки, олис йўл олдидан машинасини бир кўздан кечирмаса? Машина ҳам аксига олиб бирон гавжумроқ жойда бузилмай, қоқ чўлнинг ўртасида такқа тўхтади. Прокладка топишса-ку, майли, топишмаса нима бўлади? Йигит шуларни ўйлар экан, баттар хуноб бўларди.

— Хуноб бўлма!

Йигит чўчиб тушди. Шериги гўё унинг хаёлларини уқиб олгандай гапирди.

— Хуноб бўлма, — деди у яна. — Уйингга албатта бугун етасан. Жуда бўлмаса, биронта машинага ўтқазиб юбораман.

Йигит қизариб кетди ва илжайди.

— Хуноб бўлаётганим йўқ.

— Фойдаси йўқ, — деди шериги. — Бунинг устига мени биласан. Мен билан ҳеч шунақа бўлмасди. Билмадим, нима бўлди? Қаридимми, ҳайронман. Радиатор тўладек кўринган эди.

— Қишлоқда прокладка топилармикин? — сўради йигит иложи борича мулоимлик билан.

— Ҳа. Колхоз гаражида бўлиши керак.

— Келганмисиз?

— Узоқ йили қишда бир кун тунаб кетганман шу қишлоқда.

Йигит «Нега?» деб сўрамади, шеригининг ўзи ҳам айтмади. У йигитни тинчитган бўлса ҳам, ўзи тинч эмас эди. У ростини гапирди. Шу маҳалгача у билан бундай хунук воқеа содир бўлмаган эди. Урушдан қайтгандан бери шофёрлик қилади, машинаси доим эгарланган отдек ҳар қандай олис йўлга шай турарди. Нима бало бўлди бугун? Ё чиндан ҳам қариб, эси кирди-чикди бўлиб қолдими? Агар шундай бўлса иш чатоқ, бошқа бир енгилроқ ишга ўтиш керак

бўлади. Анчадан бери гаражнинг ўзида ишлашни таклиф қилиб келишяпти, шунга ўтадимми?.. Ўтса, яхши эмас, кўчага ўрганган одам, бир жойда диққинафас бўлиб кетади. У хўрсинди, кейин нохуш фикрларни ҳайдаш мақсадида, қошигача тушиб турган кулоқчинини кўтариб, олдинга тикилди. Муздек шабада гуп этиб тер босган пешонасига урилди. У кафти билан пешонасини сидирар экан, йўлни мўлжаллади. Тепаликка оз қолибди. Демак, етишди, деган гап. Бир соатларда қайтишса, қоронғигача трестга кириб боришади.

— Келиб қолдик, — деди у овозини чиқариб.

—Йўлни яхши билар экансиз-а, Самад ака! — деди йигит. — Адашмаяпсиз. Бўлмаса, бир марта келгансиз. Мен тополмасдим.

Йигитнинг бу гапи уни қувонтирди.

—Ҳа, энди шофёр бўлгандан кейин йўл билиш керак-да. Йўл билмаган шофёр — шофёрми! Мен шу пайтгача ҳеч адашмаганман. Бир марта кўрдимми, тамом, ҳар қандай йўл миямга пресс бўлади-қолади.

— Фақат шу прокладка чатоқ бўлди-да, — деди йигит мийиғида кулиб.

—Лаббай?

—Зўр экансиз, — деди йигит баланд овоз билан.

—Ҳа, энди тузук.

Улар тепаликка кўтарилишди. Олдинда дарахтзор қорайиб кўринди.

— Айтмадимми! — деди Самад ака. — Мана шу ўрикзорнинг орқаси кишлок. Энди тинчидингми?

Йигит илжайди. Яна йўлга тушишди. Кўп ўтмай тепалик орқада қолиб кетди. Ўрикзорга етай деб қолишганда, бирдан олдиларида катта ариқ кўринди.

—Ий-е! — хайрон бўлди Самад ака. — Ариқ йўқ эди-ку?! Йигит кифтларини учирди.

—Ариқ йўқ эди илгари, — деди яна Самад ака.

—Янги казишгандир-да, — деди йигит парвосизлик билан. — Бир йилда ҳозир шаҳар куриб юборишяпти-ку!

Улар ариққа етиб келишди. Бу — хатлаб ўтиб бўлмайдиган, ҳайқириб сув оқаётган расмана канал эди.

—Ҳа, дуруст, — деди Самад ака лойқа сувга тикилиб.— Энди бу ерларни таниб бўлмай қолади.

Йигит унинг гапини эшитмади. У атрофга олазарак бўлиб қарарди.

— Самад ака деди бир маҳал. — Бундан қандай ўтамиз?

— Лаббай?

—Қандай ўтамиз, деяпман, кўприк йўқ-ку?! — деди йигит.

—Дарвоқе, — Самад ака каналга янгитдан разм солиб чикди. — Кўприк йўқ. Яқинда казишибди-да.

—Яқинда казишса ҳам кўприк бўлиши керак эди-ку, — деди ташвишланиб йигит. — Ўзлик-ўзи қандай ўтишади?

—Ўтишмайди бу ердан нариги ёқда йўл бор.

—Энди нима қиламиз?

—Хуноб бўлма, — деди Самад ака — Иложини топармиз. Сен ўннга юр, мен чапга юрай. Ўтадиган жой чиқиб қолар...

—Кўриниб турибди-ку, кўприк йўқ, — деди қизишиб йигит.

— Кўрайлик аввал.

Йигит нималарнидир ғўлдираганича канал ёқалаб ўнг томонга кетди. Самад ака ҳам йўлга тушди. Юз кадамча юрди. Кўприкдан асар йўқ. Кечиб ўтишга тўғри келади, Қарор қилди у. Шу топ йигитнинг овози эшитилди:

— Бу ёққа келинг! Бу ердан ўтамиз!..

Самад ака орқасига қайрилди. Йигитнинг олдига келганда канал устига кўндаланг тушиб ётган дарахтни кўрди. Каналнинг бир ёғи ўпирилиб, дарахтнинг қип-қизил илдизлари қовжираб ётарди. Самад ака унинг қора танасидан ўриклигини билди.

— Мана шунинг устидан ўтсак бўлади, — деди йигит қувонч билан.

У шеригининг жавобини кутмай, ўрикнинг устига оёғини кўйди ва дорбоздек кўлларини ёзиб, каналдан ўта бошлади. Ўртага етганда, бир томонга оғиб, йиқилай деди-ю, ўзини ушлаб олди, кейин силтаниб, каналнинг нариги бетига сакради.

— Қойилми? — йигит ўзида йўқ шод эди. — Самад ака!

Йигит шеригига қаради-ю, хайрон бўлиб қолди. Самад ака, йўғонлиги кўқон арава шотисидек ўрикка кўзларини тикканича, қимир этмас, мошкичири мўйлови, қалин, ажин босган лаблари титрарди.

— Самад ака! — деди йигит унинг жим турганини ўзича тушуниб. — Қўрқяпсизми? Нега нидамайсиз?

Самад ака бошини кўтарди.

— Лаббай, — деди бўғиқ овозда.

— Ўтмайсизми?

— Ҳозир.

У шундай деб ўрикка оёқ кўйди. Лекин кўлларини ёзмади. Битта-битта қадам босиб, каналнинг ўртасига етиб келди. Йигит уни кузатар экан, ҳозиргина ундан кулганидан ичида ачинди.

— Тузук экансиз-ку! — деди ҳавас билан.

Лекин шу пайт кутилмаган ҳодиса юз берди. Самад ака тўхтаб қолди. Кўзи тинди шекилли, бошини кўтарди, аммо бу фойда бермади, тебрана бошлади. Кўлларини ёзган эди, мувозанатни йўқотди ва шалоп этиб сувга ағдарилди.

— Самад ака! — қичқириб юбоди йигит ва югуриб бориб лапанглаб қирғоққа интилаётган шеригининг кўлидан торта бошлади.

Самад ака унинг ёрдамида бир амаллаб қирғоққа чиққанида, ҳамма ёғи жикка хўл, кўллари ва тиззалари лой эди, плашининг енглари, этакларидан шариллаб лойқа сув оқарди. У ўзига бошдан-оёқ бир қараб чиқди-да, энсаси қотиб кулиб кўйди.

— Ечининг! — буюрди унинг қимир этмай турганини кўрган йигит.

Самад ака бош қимирлатиб, канал лабига борди, кўлларини ювиб, ечина бошлади. Унинг бахтига кун илиқ, куёшнинг ботишига ҳали анча бор эди. У битта иштонда қолиб, йигит билан кийимларини сиқиб, ерга ёйди, кейин йигит ёзиб берган енгил пальто устига ўтириб, оғир хўрсинди. Яна мўйлови, лаблари титрай бошлади. Йигит унинг бу авзойини кўриб, кўрқиб кетди.

— Самад ака! Сизга нима бўлди? — сўради у шеригининг олдига чўккалаб.

— Эслаб кетдим... — деди Самад ака.

— Нимани?

— Худди шунақа кўприкни...

Самад ака жимиб қолди. Йигит ҳеч нарсага тушунолмади, анграйиб турарди.

— Папиросингдан ол, — деди бир маҳал Самад ака. Йигит ҳозиржавоблик билан унга «Беломор» узатди, шошиб гугурт чақди. Самад ака папиросни устма-уст қаттиқ тортиб, оғиз-бурни аралаш қуюқ тутун чиқарди-да, деди:

— Қирқ иккинчи йил эди. Қиш. Бизни Украинанинг Мартова қишлоғига олиб боришди. Мудофаа чизиғи шу ердан ўтарди. Совуқ қаттиқ. Тупласанг, тупугинг қотади, қор тиззага чиқади. Қишлоқнинг ёнидан Шимолий Донецкнинг бир ирмоғи ўтган эди. Катта эмас, шу каналдек келади, балки бундан кичикроқ ҳамдир. Полкнинг хўжалик қисми шу ирмоқнинг бериги томонида, биз эса нариги томонида жойлашган эдик. Ирмоқ музлаб қолган, бети қалин

қор эди. Шунинг учун бемалол, истаган жойимиздан ўтиб юраверардик. Февралнинг охирларида кун, кутилмаганда, исиб кетди. Қор эрий бошлади. Лекин эригани қандай дейсан, ер устида билинмайди, шакарга ўхшаб ялтирарди. Фақат ирмоқда билинарди. Уч-тўрт кун ичида унинг ўртасида қора ипдек ингичка чизиқ пайдо бўлди. Кейин кенгайиб, жилдираган сув кўринди. Ўтиш хавфли бўлиб қолди. Худди боягидек биронта кўприк-пўприк бормикин, деб у ёқ-бу ёқни текширдик. Биз турган жойда юз қадамча нарида кимдир ирмоқ устига кўндаланг тушиб ётган бир нарсани кўриб қолди. Бу ходами, тахтами, қор тагида бўлганидан билиб бўлмади. Лекин бакувват, устига чиқиб бир-икки тепдик. Икки кишилаб у ёқдан-бу ёққа ўтиб кўрдик. Йўк, бакувват, синмади. Шу ердан ўтиб турадиган бўлдик. Шу ердан овқат таший бошладик, шу ердан музни ёриб, сув оладиган бўлдик. Лекин полкнинг отлик отряди бор эди, шу отряднинг отларидан биттаси ҳам унинг устидан ўтмади. Қадам кўяди-ю, ўтмайди. Урсанг ҳам, сўксанг ҳам ўтмайди. Бир қадам босиб тўхтади, кейин тисарилиб, ёнидан сакраб ўтади. Албатта, бунга ҳеч ким эътибор бермади, сабабини кейин билдик...

— Нима экан? — сабрсизлик билан сўради йигит.

— Ҳозир, — деди Самад ака ва шошмасдан зихигача чекилган папиросини ерга эзгилиб ботирди-да, гапида давом этди:

— Бир куни овқат кечикиб қолди. Командир мени чақириб, хабар олиб келишни буюрди. Йўлга тушдим. Ирмоққа етиб келганимда, сув ичгим келиб қолди. Чанқаганимдан эмас, сувнинг тиниклигидан ичгим келиб кетди. Кўприкчамизнинг ўртасига келиб энгашиганимни биламан, шалоп этиб, кўприк-пўприк билан сувга тушиб кетдим. Белимгача жикқа ҳўл бўлди. Лекин мени бу чўчитмади, мен кўприксиз қолишимиздан кўрдим. Ҳақиқатан ҳам у оқиб кетаётган эди. Шалоплаб кетидан чопдим, бир учидан ушлаб олиб қирроққа сураман, қани энди сурилса?! Муз-да, сирпанади. Хай, бир амаллаб олиб чиқдим. Шу пайт юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Биз кўприк қилиб юрган нарса — одамнинг мурдаси эди.

— Одамнинг мурдаси?! — ҳайрат ичида сўради йигит.

Йигит сесканиб кетди.

— Одамнинг мурдаси эди, — давом этди Самад ака. — Додлаб юбордим. Дарров беш-олти солдат югуриб келди. Нима бўлди, деб сўрашади, жавоб беролмайман. Тишим-тишимга тегмай, дағ-дағ титрайман. Ниҳоят, ўзимни тутиб олиб ўликка ишора қилдим. Ҳеч ким аввал ҳеч нарса пайқамади, чунки мурданинг ҳамма ёғини муз қоплаган, фақат олдинга чузилган қўлларининг кўрсаткич бармоқлари муз ичидан чиқиб турарди.

— Одам!.. Кўприк!.. — дедим зўрға тилим танглайимга ёпишиб.

— Қанақа кўприк? Қанақа одам? — ҳамон тушунмай сўрашди солдатлар.

— Анави кўприк... одам экан! — дедим мен, кейин энгашиб ўликнинг бармоқларини кўрсатдим.

Шунда уларга ҳамма нарса аён бўлди.

— Оловга олиб бориш керак, — маслаҳат килди кимдир.

— Нима қиламиз ҳамма ёқни саситиб? — деди яна кимдир.

— Сасиса ҳам одам-ку! — жеркиб берди бошқа бир солдат. — Қани, кўтарларинг!

Солдатлар мурдани кўтариб овқат пиширадиган арава ёнига олиб боришди. Дарров мени ертўлага тушириб янгитдан кийинтиришди. Чикқанимда, мурданинг атрофи одамга тўлиб кетган эди. Туртиниб-суртиниб ўртага ўтиб олдим. Музни эритишибди. Мурда ёшгина йигит экан. Новча, қирра бурун, қора соч. У худди қаттиқ чарчаб яқиндагина уйкуга кетган одамни эслатарди. Ўпкам тўлиб кетди. Беихтиёр кўзимда пайдо бўлган ёшни енгим билан беркитиб артар эканман, йиғлаб юбормаслик учун, ёнимдагилардан сўрадим:

— Бизникими?

— Ёқасини кўрмаяпсанми?

Шундагина унинг шинели ёқасидан сержантлик белгисини пайқадим.



— Ким экан?

— Билиб бўлмади. Қоғозлари ивиб кетибди, — деди ёнимдаги солдатлардан бири.

Ўша куни унинг соқолларини қириб, белигача қорайиб кетган ярадор оёқларини яхшилаб ўраб, кишлоқ четидаги тепаликка кўмдик. Қабри ёнида ўттиз киши ўн мартадан ўқ уздик. Унга бу ҳам камлик қиларди. У фақат тириклигида эмас, ўлгандан кейин ҳам хизмат қилди, бизга кўприк бўлди... Папиросдан ол!

Самад ака яна устма-уст папирос тортиб, жимиб қолди. Йигит ҳам жим эди. Унинг юзида қон қолмаган эди. Шу алфозда улар анча ўтиришди.

— Унга нима бўлган экан? — ниҳоят сўради йигит.

— Ким билади, — деди Самад ака ўйланиб. — Урушда нималар бўлмайди?! Назаримда, ярадор бўлган, анча жойгача судралиб келган, ҳолдан тойиб, ирмоқдан ўтолмаган. Шундай қўллари қирғоққа етгану, жони узилган, музлаб қотиб қолган... Ҳай, кетдикми?

Йигит жавоб бермади. Самад ака ўрнидан туриб ҳали нам кийимларини кийди. Яна папирос чекди-да:

— Қани юр, — деди ва йигитнинг туришини кутмай, йўлга тушди.

Йигит зўрға кўзгалди.

Улар кетма-кет оғир қадам ташлаб боришар экан, қош қорайиб, ўрикзор орқасида милтиллаб чироқлар кўрина бошлаганини ҳам, орқада, йўл устида юк ортилган машиналари қолиб кетганини ҳам ўйлашмас, икковининг хаёли бир нарса билан, номаълум солдат билан банд эди.

1967

## ГУЛ СОТУВЧИ ҚИЗ

Мен тез-тез Тошкентга келиб тураман. Ҳар келганимда у менга ўзгача, янги бир шаҳардай туюлади. Ҳар келганимда ҳали мен билмаган, ёки била олмаган гўзаллигини кўз-кўз қилади, сахий бағрини кенг очиб, олис йўлдан келган фарзандини кучоғига олаётган отадай, мени меҳр ва табассум билан қаршилайди. Бу меҳр ва табассумни мен олов тафтли қуёшнинг сербарг дарахтлар орасидан тушиб турган найза нурларида, илиқ шабада ўйнатиб турган косадек-косадек атиргулларнинг ёқимли ҳидларида ҳис қиламан. Қанчалик зарур бўлмасин, ишимни ташлаб, камалак тус скамейкаларда бир дақиқа бўлса ҳам ўтиргим, худди шундай камалак тус йўловчиларга қараб хаёл сургим келади. Кўпинча шундай қиламан ҳам. Хиёбондаги бир-бирига туташ уч фаввора ёнига ўтириб, атрофни томоша қиламан. Хиёбон кундуз ҳам, тун ҳам тинч, осойишта. Шу ерда ҳамма нарса сеҳрли олам оғушида. Дарахтларнинг кўплиги ё хиёбоннинг ўзига хос физилатими — йўловчилар шу ерга кирганда ярим овозда гаплашадилар, ярим овозда куладилар, бошқа кўчаларда кулоқни қар қилувчи игнапошна туфлиларнинг тақ-туқи бу ерда эшитилмайди. Эшитилса ҳам пастки пардалардаги мусиқа садосидек сеҳрли, кишини аллаловчи ёқимли куйдек эшитилади. Фаввора сувларининг бир оҳангдаги жилдираши хаёлга чўмдиради. Кўчаларда машиналарнинг кети узилмайди: бири ёғоч ташиган, бири ғишт, бири тупрок. Радио эртадан-кечгача тинмай қурувчиларни мадҳ этади. Қурилиш шовқини, ташвиши ҳамманинг бошида, ҳам-манинг уйи, идорасида... Лекин хиёбон тинч, ҳамма нарса сеҳрли олам оғушида. Хиёбоннинг ўзига хос фазилатими ё улкан чодирлардек тизилиб турган баҳайбат дарахтларнинг кўплигиданми — кўчаларнинг ғала-ғовури бу ерга мутлақо бегона, одамларнинг юриши ҳам бошқача— оғир, сервиқор. Афтидан, шу ерга қадам қўйиш билан ҳамма шаҳар ташвишини, ўз ташвишини унутади. Серсоя дарахтлар шохларида бир-бирларига маҳлиё бўлиб сайраган қушлар, барглари шитир-шитири, минг хил шакл, минг хил рангдаги туфлиларнинг бир оҳангдаги энгил тақ-туқи ҳаммани ўзга оламга, сокин ҳаёт қўйнига олиб киради.

Шу одамларга қараб, шаҳарнинг келажagini ўйлайман. Улар кўҳна Самарқанд обрў ва доврўғи, Истамбул гўзаллигига тенг шаҳарга мансуб дейман. Шундай бўлишига ишонаман ҳам. Чунки уларнинг ҳар бир қадамида қатъият, ҳар бир сўзида ғайрат сезилиб туради. Шулардан бирини танийман. Унинг овози баъзи-баъзида хиёбонда эшитилиб қолади, у гул сотади. Хиёбоннинг чап биқинидаги кичкина, хашамдор гул дўқонида ишлайди. Исми Гўзал. Лекин исми жисмига монанд тушмаган. У билан мен ўтган йили танишганман.

Кеч куз эди, қайнарбулоқлик дўстим «Помир тоғларининг сейсмик прогнози» деган мавзуда диссертация ёқлай-диган бўлиб қолди. Мавзунини қаранг?! Қурама тоғларини ўрганиб қўя қолса нима қилар экан?! Агар шундай қилганда, Тошкент кулфати анча камайган бўлармиди? Қачон ер қимирлашини одамлар олдиндан билиб, тайёргарлигини кўриб қўярмиди?! Ҳай, майли. Ўшанда Қўқондан келдим. Қанча қидирмай, ҳеч қаердан бир даста гул тополмадим. Кимдир шу гул дўқонни эслатди, кирдим. Пештахта ортида ёши ўтиб қолган бир қиз берилиб китоб ўқиб ўтирарди. Кирганимни сезмади. Атрофимга қарадим. Катта-кичик тувакларда ҳар хил гуллар... Лекин биттаси ҳам гулдаста бўладиган эмас. Нима қилиш керак. Қайтиб кетмоқчи бўлиб, эшикка юзландим. Кейин қандайдир умидда ортимга ўгирилиб, пештахтага тирсагимни қўйдим.

— Яхши қиз...

Аммо қиз мени эшитмади. Янги варақни очиб, жилмайди-да, яна ўқишга тушиб кетди. Эгилиб китобнинг муқовасига қарадим: Тургенев: «Баҳор тошқини». Шуни кўришим билан қиз эрга тегмаган бўлса керак, деган фикр миямга келди. Лекин бунинг менга мутлақо қизиғи йўқлигини билганимдан, секин йўталдим. Қиз яна эшитмади. Кичкина юзига адашиб омонатгина ёпиштириб қўйилган катта букри бурнини шўлқ этиб тортди-да, ўқишда давом этди.

— Қизиқ китоб экан-а? — дедим овозимни озгина кўтариб.

Қиз еб қўйгудек бўлиб ўгирилди ва дағал овоз билан сўради:

— Сизга нима керак?

Бундай муомаладан жаҳлим чиқса ҳам, ўзимни тутишга ҳаракат қилдим. Шундай қилмасам ниятимга етмаслигим табиий.

— Синглим, менга гул керак эди...

— Ана гул, олаверинг! — қиз тувакларга ишора қилиб, яна китобга тикилди.

— Бунақа гул эмас, менга гулдаста керак...

— Гулдаста йўқ, — чўрт кесди қиз бош кўтармай. Нима қилиш керак? Уйланиб қолдим. Шунда миямга лоп этиб бир фикр келди. Агар шу дўкондан гулсиз кетишимни билсам, бу қўпол қизни муомалага ўргатиб кетаман. Дўконга ит кирдим, одам кирдим, унга барибирга ўхшайди. Лекин аввал илтимос қилиб кўриш керак. Пештахтага суяниб, секин гап бошладим.

— Тургеневнинг «Ася»си ҳам жуда ўқишли...

— Ўқиганмисиз? — қиз ялт этиб менга ўгирилди.

— Ўқимасам, шундай дейманми?

— Бу ҳам жуда яхши экан. Ташлагим келмаяпти.

— Кўриниб турибди. Одам кирганини ҳам сезмадингиз.

— Кечирасиз, — қиз уялинкараб жилмайди-да, китобни ёпиб, ўрнидан турди. — Келинг, нима керак эди?

— Гул керак, битта гулдаста...

— Гулдаста? — қиз ҳайрон бўлиб менга тикилди. — Соб бўлган-ку...

— Битта топиб беринг. Кичкина бўлса ҳам майли!..

Қиз ўйланиб қолди. Унинг кўзларигина чиройли эди.

Йирик, қўнғир, сал ғамгинроқ... Бу кўзларга тикилиб, узун, ингичка бўйни сўлиб, гули тўкилган наъматакни эслатувчи қалин лабларини, чекка суяклари бўртиб чиққан юзини кўрмагандек бўлиб кетдим. Унинг бутун гўзаллиги, киши эътиборини беихтиёр тортадагина иссиқлиги шу ўйчан, сал ғамгин кўзларида эди. Ота-онаси, назаримда, шу кўзларга қараб, исминини Гўзал қўйган бўлса керак. Лекин буни мен кейинчалик билдим. Ўшанда эса бу ҳақда мутлақо ўйламаган эдим, фикр-зикрим гулдастада ва илтижо билан қизга тикилиб турар эдим. Қиз жим эди.

— Ўртоғим бугун диссертация ёқлайди. Қўқондан келдим. Бир амаллаб битта...

— Тўхтаг-чи! — деди қиз гапимни бўлиб. — Мен ҳозир...

У ичкарига кириб кетди. Кўнглим тинчиди. Топиб чиқади, ўйладим ўзимча. Чиндан ҳам кўп ўтмай, қиз кичкина бир гулдаста кўтариб чиқди.

— Кечирасиз, туззугига иложим йўқ.

— Бундан яхшиси бўлмайди! — дедим топилганига шукур қилиб. — Раҳмат!

Кейин гулдастани апил-тапил газетага ўраб, дўкондан чиқдим. Қандайлигига қараганим ҳам йўқ.

Орадан кўп вақт ўтмай, Гўзалга яна ишим тушиб қолди. Энди гулчамбар деб олдига кирдим. Кейинчалик Тошкентга нима иш билан тушмай, хиёбондан ўтсам, албатта у билан кўришадиган, бирпас у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирадиган бўлдим.

Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш, дейишади. Биз ҳам анча-мунча қалинлашиб қолдик.

Гўзал асли қўқонлик экан. Отаси фронтга кетганда у олти ёшли қизча экан, ёлғиз фарзанд экан. Мактабга кирганда отасидан қорахат келибди. Онаси дарров аза тутиб, йиғи-сиғи қилибди. Ҳатто маҳаллага ош берибди. Бундай очикқўлликдан баъзилар хурсанд бўлса, баъзилар қуюнибди. Бир кампир кўчада Гўзалнинг бошини силаб:

— Ишқилиб, сен бечора тинч бўлган, Еганинг ош бўлсин! — дебди.

Бу гапнинг маъносига Гўзал аввал тушунмабди. Бир куни мактабдан келса, равонда шоп мўйлов бир киши ёнбошлаб ётганини кўрибди. Онаси унинг оёқларини уқалаб ўтирган экан.

Иккалови ҳам қизни кўришмабди. Гўзал нима қилишини билмай остона олдида туриб қолибди. Бир маҳал бегона киши онасининг билагидан ушлаб, бағрига тортибди. Онаси хахолаб кулибди. Гўзал нима қилишаётганини яхши англамас ҳам, ёмон воқеа содир бўлаётганлигига ақли етибди. Ўпкаси тўлиб:

— Ая! — деб бақириб юборибди.

Онаси сапчиб ўрнидан турибди. Қизини кўриб, кулоқларигача қизариб кетибди. Кейин ўзига келиб, лаблари оқара бошлабди. Жаҳли чиқса, доим шундай бўлар экан.

— Вой! Кела қолдингми дарров? — дебди қизи томон юриб. — Чик, амакинг билан сўраш. Сенга конфет олиб келибдилар.

Гўзал беихтиёр бегона кишига қарабди. У ёнбошлаганича кўзларини олайтириб ўтирар экан. Гўзал қўрқиб кетибди. Ўзини тутолмай хўнграб йиғлаб юборибди-да, кўчага отилибди.

— Ҳой қиз, ҳой жувонмарг! Қаёққа! — деб қолаверибди онаси ортидан.

Шу куни Гўзал қош қорайгунча кўчама-кўча санқибди, йиғлабди. Қорни очиб уйига қайтибди, аммо кирмабди. Равондаги манзара, бегона эркак кўз олдига келиб, киргиси келмабди. Эшикни қия очиб, ҳовлига мўралабди. Ҳеч ким кўринмабди. Оёқ учида йўлакка кириб, уйга қарабди. Уйда ҳам ҳеч ким кўринмабди. Оҳиста юриб, дераза тагига келибди. Келибди-ю, гилам устида ёнма-ён ўтирган бегона киши билан онасини кўрибди. Улар тўрдаги деворга қараб, нималарнидир гаплашишар экан. Бир маҳал онаси уҳ тортибди-да:

— Нима бўлса ҳам ўгай ўгайлигини қиларкан-да. Отасидан қорахат келди-ю, ўзгарди-қўйди, — дебди.

— Кўйинг, шуни ҳам ташвишини қиласизми! — дебди шоп мўйлов киши. — Энди ўзимизнинг боламиз бўлади.

У шундай деб ўрнидан турибди-да, тўрга бориб, девордаги катта, тилла суви юритилган рамкадаги суратни олиб, кейин деразага яқинлашиб, ҳовлига улоқтирибди. Суратнинг ойнаси чил-чил бўлибди. Гўзал хўрлиги келиб, йиғлаб юборибди. Лекин овоз чиқармабди. Сурат — отасининг сурати экан. Уни ердан олиб, маҳкам бағрига босибди-да, қоронғи тушганига қарамай, яна кўчага чиқиб кетибди. Шу кетганича уйга қайтиб бормабди. Отасининг суратини бағ-рига босганича бировга ялиниб, бировни алдаб, поездга минибди, Етти кунми, саккиз кун деганда, не-не азоб-машаққат билан Тошкентга келиб тушибди. Бегона шаҳар, бегона одамлар уни ёмон чўчитибди. Лекин буларнинг ҳаммаси отасининг йилини кутмаган ўгай она, унинг шоп мўйлов ўйнаши олдида ҳолва эди. Гўзал кўчада бошини силаб, унга ачинган кампирнинг ташвишига энди тушунибди. Демак, у ўгай! Ўгай нималигини у яхши биларди. Лекин ўзи шу аҳволга тушишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Отаси сир тутган, онаси эса ё чўчиган ё лозим топмаган.

Вокзалда Гўзал тумонат одам, йиғи-сиғи, қий-чув ичида қаёққа боришини, нима қилишини билмай, трамвай йўлидан кетаверибди. Юриб-юриб Госпиталь бозорига келиб қолибди. Шунда у қорни очлигини, ниҳоятда чўллаганини эслабди. Лекин бир тийин пули йўқ. Нима қилиш керак? Кундуз-ку бир амаллаб ўтар, кечаси нима қилади? Қаёққа боради? Шу хаёллар билан бозорга кирибди. Бу ерда ҳамма нарса бор. Лекин бир бурда нонни қаердан олади, ким беради? У мева растасидан ўтаётиб, кичкина боланинг: «Кимга нон! Иссиқ нон!» — деган овозини эшитиб қолибди. Қидириб уни топибди. Ўзи тенги бола экан. Қўлида кир дастурхонга ўроғлик уй нони. Гўзал югуриб унинг олдига борибди. Лекин нима қила оларди! Сўрасинми? Ялинсинми? Бола унга парво қилмай растама-раста айланарди. Гўзал ортидан ютиниб юраверибди. Харидор қўлида нон кўрганида, ичаклари буралиб, кўз олди қоронғилашиб кетаётгандек бўлар экан.

Охири чидай олмабди.

— Эй бола, бир бурда нонингдан бер! — дебди беихтиёр қўлини чўзиб.

— Бор, бор! Туёғингни шиқиллат! — дебди бола. — Синдириб бўладими бу нонни?! Неча

пул туришини биласанми?!

Гўзал индамабди. Бечора битта нон неча пул туришини қаердан билсин? Лекин нимадандир умидвор бўлиб шу юзига сепкил тошган боланинг кетидан қолмабди. Бола эса тинмасдан: «Кимга нон! Иссиқ нон! Жиззали нон!», деб кичқирар экан. Ниҳоят, Гўзал чарчабди. Растанинг устунига суяниб, кўзларини юмибди. Бир маҳал кимдир жонҳолатда қичқириб юборибди. Гўзал кўзини очса, бир милиционер нон сотувчи болани судраб кетаётган эмиш. Бола чинқирар, милиционерни тепар ва тишлар экан. Шу пайт боланинг қўлтиғидан дастурхон тушиб, кулчалар сочилиб кетибди. Томоша қилиб турганлар худди шуни кутиб туришгандек, думалаб кетаётган кулчаларга ўзларини отишибди. Бола эса даҳшат ичида:

— Жўра ака, амакижон, энди сотмайман! Қўйиб юборинг! — деб кичқирармиш.

Гўзал ўйлаб ўтирмай, одамларни ёриб ўтиб, нонларни дастурхонга ўрай бошлабди. Лекин атиги тўрттами, бешта нонни олиб улгурибди. Улар ҳам синган, оёқ остида эзилганлари экан. Дастурхонни тезлик билан бағрига босибди-да, милиционер кетидан кетибди. Бозорнинг бурчагида ми-лиция будкаси бор экан. Милиционер болани шу ерга олиб кирибди. Гўзал эшик тагида қолибди. Бир соатлар чамаси вақт ўтгач, бола чиқибди. Икки кўзи, қовоқлари шишиб кетибди бечоранинг.

— Эй бола! Нонингни ол, — дебди Гўзал унинг қаршисига бориб.

Бола шошиб дастурхонни олибди. Нонни санабди.

— Ўнта олдирибман, — дебди жилмайишга интилиб, кейин уввос солиб йиғлаб юборибди.

— Қўй, йиғлама, — юпатибди Гўзал. — Ўзингни қўйиб юборишди, шунга суюнсанг-чи!

Бола индамабди. Кейин иккалови бозордан чиқишибди. Гўзал қаёққа боришини билмай, трамвай йўлига етишганда, тўхтабди.

— Ҳа, — дебди бола. — Юрмайсанми?

— Қаёққа?

— Қаёққа бўларди! Бизникига-да! Юр. Нон ейсанми? Ма!

Бола битта эзилган нонни Гўзалга узатибди.

— Тез ема. Тиқилиб қолади.

Шу куни Гўзал шу сепкил юзли бола — Миразизларникида қолибди. Онаси жуда яхши хотин экан. Дарҳол иссиқ овқат берибди, ювинтирибди. Мана, йигирма уч йилдан буён шу уйда. Шу уйнинг аччиғи, чучугига шерик бўлиб яшаб келаётган экан.

— Икки йилдан бери шу дўконда ишлайман. Ойимларнинг ўрниларида ишляпман. У киши пенсияга чиққанлар. Лекин кетмоқчиман... — деди бир куни, гап орасида Гўзал.

— Нега?

— Қизлар уялтиришяпти.

Гўзал жилмайишга ҳаракат қилиб, хўрсинди. Мен ҳеч нарсага тушунмадим. Кейин сўрашга мажбур бўлдим.

— Қари қиз бўлиб қолдинг, дейишяпти. Ҳеч кимга ёқмасам, нима қилай?

Гўзал илтижо билан менга тикилди. Унинг сахий кўзларида ёш пайдо бўлди.

— Қўйинг, хафа бўлманг, — дедим раҳмим келиб. — Бахт эрта турмуш қуришда эмас-ку! Менинг бир танишим бор, қирқ бешга кирганда турмуш қурган.

— Ростданми? — болалардек севиниб сўради Гўзал.

— Ҳа. Мана, шундай ёнингизда ишлайди. Университетда.

— Ҳеч ким таъна қилмаганмикин уларни?

— Яхши одам таъна қилмайди...

— Тўрри айтдингиз... Иннайкейин... Яхши кўрмасдан турмуш қуриб бўладими?! Ойим шундай дейдилар.

— Ойингиз тушунган одам экан.

— Жуда ҳам. Тошкентга келиб қолганимдан мингдан-минг розиман...

Биринчи ер қимирлаган куни мен яна Тошкентга келган эдим. Вайрон бўлган кўчалар, уйларни кўриб, кўнгилни ёзиш учун гул дўконига кирдим. Гўзал севиниб кетди.

— Келганингиз жуда яхши бўлди.

— Уй тинчми? — сўрадим гапини бўлиб.

— Қаёқда! Бир томони ағаниб тушди.

У бу гапни шундай хурсандчилик билан айтдики, хайрон қоладим.

— Шунга хурсандмисиз? — дедим киноя билан.

— Тўй қиялмиз!..

— Тўй!

— Ҳа. Келаси шанба куни. Эртага ЗАГСга борамиз. Бирга боринг, илтимос.

Гўзал шошиб, оғзи тўлиб гапирарди. Унинг қувончи; менга ҳам ўтди. Завқ билан унга қарадим. Шодлик, бахтли келажак орзуси одамни қанчалик ўзгартиб юбориши мумкинлигини шунда ўз кўзим билан кўрдим. Гўзал чаккалари, ясси пешонасидаги ажинлари йўқолиб, юзига қон югуриб, тўлишиб, очилган атиргулни эслатарди. Энг муҳими — кўзларидаги ғамгинлик аломатларидан асар ҳам қолмаган эди.

— Табриклайман, — дедим, иссиқ кўлини самимий сиқиб.

— Раҳмат. Борасизми эртага?

— Ўртоқларингиз борса яхши эмасми?

Гўзал жавоб бермади.

— Агар сиз борсангиз... дадамларни кўргандек бўламан, — деди охири эшитилар-эшитилмас.

— Хўп, бораман, — дедим.

Эртасига эрталаб, яхшироқ кийиниб гул дўконига келдим. Дўкон лик тўла одам эди. Гўзал мени кўриши билан югуриб олдимга келди. Эғнида оқ крепдешин кўйлак, битта қилиб ўрилган қалин сочи белига тушиб турарди.

— Танишинг! — деди кўлимдан тортиб ва пештахтага суяниб турган иккита йигит ёнига бошлаб борди. — Миразиз! Бу йигит эса куёвингиз, Комил.

Биз сўрашдик. Куёв хушбичимгина, яхши кийинган, кулча юз йигит экан. Университетда сиртдан ўқиркан, лекин қаерда ишлашини айтмади, мен ҳам ботиниб сўрамадим.

Кўп ўтмай йўлга тушдик. Гўзал куёв билан мени қўлтиқлаб олган эди. Икки гапнинг бирида кўчани бошига кўтариб куларди. Унга қўшилиб биз ҳам кулардик. Йўловчилар хайрон бўлиб бизни кузатиб қолишарди. Биз эса, парво қилмасдик. Қулоғимиз остида уй бузаётган экскаваторларнинг гумбури, самосвалларнинг шовқини эмас, Гўзалнинг кулгиси жаранглаб турарди.

ЗАГСга кирдик. Келин билан куёв хужжатни тўлата бошлашди.

— Гўзал, адресингиз қанақа эди? — сўради бир маҳал куёв.

Гўзал айтди. Кўп ўтмай бир ҳафтадан сўнг келиш шарти билан кўчага чиқдик. Келин билан куёвни табрикладик. Қомил ҳаммамизни ресторанга таклиф қилди. Бу таклифдан Гўзал илгаридан хабардор бўлса ҳам «ура» деб қарсак чалиб юборди.

— Шампанское бўладими? Кавоб-чи?

— Ҳаммаси бўлади, — деди Комил кулиб.

— Мороженое ҳамми?

— Бўлмасам-чи!

Гўзал худди ёш болага ўхшарди. Комил билан Миразизнинг қўлларига осилиб сакрарди ва хахолаб куларди. Бир маҳал нимадир эсига тушди шекилли тўхтади.

— Боя адресни нега сўрадингиз, Комил ака?

Комил ғалати бўлиб кетди, кейин жилмайди.

— Сизникида тураман.

— Сизларники-чи? Бизларники бузилиб кетди-ку!

— Шунинг учун ҳам сизларникида турамиз, — деди хотиржамлик билан Комил.

— Нега? — хайрон бўлди Гўзал.

Биз ҳам ҳеч нарсага тушунмай, Комилга тикилиб қолган эдик. Кечагина Гўзал Комилларнинг катта уйи борлигини, у ўша уйга кўчиб боришини, бунинг устига, бу уй зарар кўрмаганини айтган эди.

— Нега? — яна сўради Гўзал.

Комил, шуни ҳам тушунмайди, дегандек бизга қараб қўйди-да, деди:

— Ортиқча уй беришса, зиён қиладими?

Гўзал турган жойида қотиб қолди. Менинг ҳам юрагимни нимадир тимдалаб кетгандек бўлди. Миразизга қарадим. У бошини эгганича жим турарди. Шу пайт нимадир шарақ этди. Ялт этиб Гўзалга қарадим. Унинг ранги докадек оқариб кетган эди. Комил эса юзини беркитиб олиб, атрофга олазарак бўлиб қарарди.

— Гўзал! — деди Миразиз жаҳл билан, нима бўлганига тушунолмай, аммо Гўзал қарамади.

Бирдан у хўнграб юборди-да, хиёбоннинг ичига югуриб кетди. Миразиз ортидан югурди.

— Гўзал! Тўхта! Гўзал!

Комил эса жойидан кимирламади.

Орадан бир ярим ой ўтди. Шу вақт ичида мен уч-тўрт марта Тошкентга келдим. Аммо гул дўконида Гўзални кўрмадим. «Қаёққадир акаси билан кетган, қачон қайтади, билмаймиз», дейишди сўраганимда. Қаёққа кетган экан? Тинчмикан? Шуларни ўйлаб, хиёбонда ўтирар эканман, одамларни синчиклаб кузатардим. Зора шулар ичида учратиб қолсам, деб умид қилардим. Аммо ундан дарак йўқ эди.

Бир куни кечки пайт, ишларимни битириб, хиёбонга келдим. Фаввора ёнига ўтириб гул дўконига қараб қўйдим. Боргим келар, лекин «йўқ» деган гапни эшитгим келмасди.

Ҳаво ниҳоятда дим эди. Фонтан ёнида иккита чумчуқ хансираб қумга думалаб ётарди. Рўпарадаги скамейкада ўрта ёшли семиз бир одам юзига газета қўйиб ухларди. Баъзи-баъзида унинг хурраги эшитилмаса, хиёбон сув қуйгандек жимжит эди.

Жазирама иссиқнинг бу ёқимсиз манзараси менга яна Гўзални эслатди. Қаёққа кетдийкин?.. Тинчмикин?.. Шу хаёл билан секин ўрнимдан турдим.

Шу пайт баланд кўнғироқ овоз хаёлимни бўлиб юборди.

— Кимга гул! Атиргул! Янги гул!

Бу — Гўзал эди. Унинг овози эди. Назаримда, бу овоздан кушлар ҳам, хиёбон ҳам жонланиб кетгандек бўлди. Кимдир шарақлаб кулди. Кимдир тарақлатиб қаёққадир югурди.

— Гўзал! — дедим севинчимни яширмай ва хиёбоннинг сеҳрли тинчлигини бузиб, гул дўкони томон чопиб кетдим.

1967

## ВЕЛА

Велинград — Родопи этагидаги яссиликка жойлашган кичкина шаҳар. Ўтган йили Болгарияга борганимда шу шаҳарда ҳам бўлдим. Уни, албатта, қанчадан-қанча тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган Улуғ Тирново ёки Плевень билан солиштириб бўлмайди. Унда на ярим белигача ерга кўмилиб ётган христиан черковлари бор, на олтин куймаларни эслатувчи, ҳамон сайёҳлар эътиборини тортувчи тор ғиштин йўллари, на турк бекларининг жимжимадор пештоқлари кўчанинг ярмигача туртиб чиққан сербўёқ ёғоч қасрлари бор. Ҳамма бинолар оддий, содда ва деярли бир хил, фақат шаҳарнинг қоқ ўртасига тушган тўрт қаватли меҳмонхонагина ажралиб туради. Олди чорси майдон, атрофи гулзор, майдон ўртасидаги каттагина ҳовуздан мис қурбақа гулзорга сув пуркаб турибди. Бино деворлари бошқа иморатларникидек силлиқ эмас, қандайдир ҳайвонлар, уларни қувлаб кетаётган тош давр овчилари расмлари билан безатилган. Мени шу меҳмонхонага жойлаштиришди. Ювиниб, кийимларимни ўзгартириб, пастга тушдим. Кун пешиндан оққан эди. Ёз келганига қарамай, ҳаво салқин. Шамол ғувиллаб турибди. Бирпас майдонни айланиб, меҳмонхонага қайтдим.

— Шаҳримизни кечқурун томоша қилинг, — деди администратор хонамга кўтарилаётганимда. — Ҳали у янги. Фақат одамлар, чироқлар билан чиройли. Ҳозир ресторанга кириг. Бизда яхши қаҳва тайёрлашади. Бутун Болгарияда бундай қаҳва ичолмайсиз.

Мен у айтгандай қилдим. Ресторанда икки-уч кексадан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Администратор айтганича бор экан. Чиндан ҳам қаҳва яхши эди. Бети юпка қаймоқ тортган тўқ шоколад тусидаги бу ичимликни ичар эканман, чарчоқларимни унутдим, кўнглимнинг бир четини хижил қилиб турган олис сафар ғашлиги йўқола бошлади. Ўзимча, шундай жойларни ҳам кўриш керак, гўзаллик ва тарих фақат қадимий, машҳур шаҳарларда эмас, деб ўйладим, деразага тикилдим. Икки томонида олхўри қизариб турган йўл тоққа туташиб кетган. Унда ҳеч ким кўринмайди: на одам, на биронта машина. Олисда фақат қор босган қумуш қоялар ялтиради. Улар ҳисобсиз, бири кетидан иккинчиси туртиб чиққан, худди мрамор зинапояларга ўхшайди. Кун оққан сари бу зиналар бирин-кетин қорайиб, гўё кимдир гилам тўшаётгандек туюлади. Гиламнинг эса чегараси йўқ, борган сари у сизга яқинлашиб, оёғингиз остига пояндоз бўладигандай... чузилади, чузилади, аммо етиб келмайди. Мен шу манзарага қараб, тоғли шаҳарнинг ҳам ўзгача ҳусни борлигини, қайтарилмайдиган, ҳеч қандай бошқа жойга ўхшамайдиган ҳусни борлигини кўрдим ва шу кичкина шаҳарга келганимга энди ачинмай кўйдим.

— Қалай, қаҳва дурустми?

Ўгирилдим. Тепамда администратор турарди.

— Зўр.

— Мен сизга айтдим-ку, бутун Болгарияда бундай қаҳва топилмайди. Яна ичасизми?

— Раҳмат. Назаримда...

Администратор гапимни кутмасдан официантга ишора қилди.

— Ўтиринг ўзингиз ҳам, — дедим ёнимдан жой кўрсатиб.

У йўқ, демади. Танишдик...

— Нега бошқа жойда бундай тайёрлаша олмайди?

— Бу одамга боғлиқ, ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Пейчонинг ўзи тайёрлайди бизда қаҳвани. Эҳ-ҳа, унинг таърифи сизларга, Москвага ҳам кетган. Бай Василнинг шогирди-да, у ахир!

Мен Пейчо ким, Бай Василь қандай одам, мутлақо хабарсиз эдим. Суриштиргани эса — у шундай ишонч ва Эйнштейн ҳақида гапиргандай қатъият билан гапирди — уялдим, кулиб қўя қолдим. Қаҳва келди. Ўтирозимга қарамай, Эмиль — янги танишимнинг исми шундай эди — иккита коньяк буюрди.



— На здраве, — деди у.

Уриштирдик. Эмиль ўзи ҳақида гапирди. Шу ерда туғилган экан. Софияда савдо техникумини битириб, яна шу ерга келибди. Яқинда уйланибди. Янги уй олибди. Таклиф қилди. Мен ҳам ўзим ҳақимда гапириб бердим. Бир-икки ойдан бери Болгарияни айланиб юрганимни айтдим. Эмиль жуда кувноқ йигит экан. Бир қанча латифалар айтиб, кулдирди, Москвада бўлганини, метрога тушиб, кун бўйи чиқолмай юрганини кула-кула ҳикоя қилиб берди. Яна ичдик. Хаёлим Бай Василда эди, аммо Эмиль у ҳақда чурқ этмасди. Ниҳоят, чидай олмадим:

— Бу бояги айтган қахвачингиз, Бай Василь ким?

Эмиль бирдан жиддийлашди, қалин қошлари чимирилиб, бир оз ўйланиб қолди.

— Веланинг отаси, менинг тоғам — Бай Василь, — деди кейин маъюс оҳангда. — Ўлиб кетди. Қирқ тўртинчи йили уни ўлдиришди. Велани ҳам ўлдиришди. Шаҳримиз унинг номига қўйилган...

Эмиль жимиб қолди. Назаримда, у ўша мудҳиш йилларни эслаб кетди. Йирик қўллари мушт бўлиб тугилди, кўзлари ғазабга тўлиб, ёна бошлади. Кейин ўзини босиб сигарет тутатди.

— Вақтингизни олмаяпманми?

— Мутлақо! — дедим мен.

— Беш ёшларда эдим ўшанда, — Эмиль ҳикоясини бошлади. Ҳаммамиз ёнма-ён турардик. Бир ҳовлида тоғамгилар, бир ҳовлида биз. Унда бу жойлар кичкина бир қишлоқ эди. Мана шу меҳмонхонанинг ўрнида черков бор эди. Ярми тошдан, ярми ёғочдан қурилган кўримсиз бир черков. Қирқ тўртинчи йили фашистлар ўт қўйиб юборишди унга. Ичида партизанлар бор эди. Ўнтача одам. Ҳайтовур омон қолишди. Қизил аскарлар келиб қолишди. Ҳай, гап бунда эмас. Немислар сизларга ҳужум қилганидан кейин, бутун Родопини партизанлар босиб кетди. Шундай бўлиши табиий эди. Биринчидан, халқ эзилган, иккинчидан — қайси бир болгар русларга қарши уришарди, дейсиз? Бундай бўлган эмас, икки дунёда бўлмади ҳам. Ўшанда, қишлоғимизда қурол ушлашга ярайдиган битта ҳам эркак қолмади. Ҳаммаси тоққа чиқиб кетди. Менинг отам билан Бай Василь ҳам кетди. Ҳафтада, ойда бир кўрадиган бўлиб қолдик уларни. Лекин партизанлар ҳақида кўп эшитамиз. Ҳали қурол-яроғ ортилган эшелон издан чиқиб кетибди, деган хабар келиб қолади, ҳали қамокхона портлаб кетибди, қамокдагилар қочибди, дейишади. Ким қилган бу ишларни, ҳеч ким билмайди, билса ҳам ўзини билмаганликка солади. Қишлоқнинг тепасидан ҳарбий йўл ўтган. Шу йўлда иккита ўқ-дори ортилган машина портлаб кетгандан кейин, Қишлоқни полицаёлар босиб кетди. Кечқурун қоронғи тушиши билан ҳеч ким кўчага чиқолмайдиган бўлиб қолди. Ким чиқса отилади, деган буйруқ. Биз ўзимиздан эмас, тоғдагилардан хавотир ола бошладик. Келиб қолишса нима бўлади? Қўлга тушишлари аниқ. Лаънати полицаёлар нима қилишган денг? Ҳаммаси хонадонларга бўлинган. Кеч бўлди, уйнинг тўрига кириб ётиб олади. Ҳеч кимни ташқарига чиқармайди. Чиқарса ҳам, бирга чиқади. Шунинг учун эрталабгача қишлоқда нима бўляпти, ҳатто қўшнингизникида нима бўляпти, билиб бўлмайди.

Бир куни эрталаб Вела бизникига чиқди. У мендан анча катта эди. Ўн олтиларда эди. Ойим билан гаплашиб ўтириб, Спас амаким тинч, деб қолди. Бу гапни мендан яшириб айтди, албатта, лекин эшитиб қолдим. Югуриб бориб уни кучоқлаб олдим.

— Қачон келадилар? — сўрадим суюниб.

Ойим нима дейишини билмай, лабини тишлади.

— Ҳеч кимга айтмайсанми? — сўради Вела хавотирланиб.

— Нон урсин, айтмайман!

— Яқинда, — деди Вела. — Лекин, билиб қўй, мен гапирмадим, сен эшитмадинг.

Хўп, дедим. Лекин шу куни кечқурун мудҳиш воқеа юз берди. Ойим билан мен ётувдик. Полицай ошхонада тимирскиланиб юрувди, отишма овози эшитилиб қолди. Кейин аёл кишининг қичқириғи эшитилди. Дарров танидим. Бу Вела эди. Сакраб ўрнимдан турдим. Ойим

ҳам турдилар. Эшикка энди қадам кўювдиларки, полицай қичқирди:

— Қаёққа?! Тўхта! Орқага қайт.

— Кўшнимизникида бир нарса бўлганга ўхшайди, — дедилар ойим. — Хабар олайлик.

— Мумкин эмас! — ўшқирди полицай.

— Жияним ахир. Инсофинг борми?

— Мумкин эмас, деяпман. Бор жойингга.

Биз ноилож ётдик. Аммо тонггача миужа қоққанимиз йўқ. Эрталаб ҳаммамизни черков ёнига тўплашди. Шунда, кечаси Бай Василь кишлокқа келиб кўлга тушиб қолганини эшитдик. Уни ўлдиришибди. Бизни черковга олиб келишганда, унинг ерда тупроққа беланиб ётганини кўрдим. Ҳамма йиғилгач, кўллари боғлиқ Вела билан унинг онасини олиб келишди.

— Кўринглар, — деди немис офицери. — Булар партизан. Агар ким бизга қарши бўлса шу ҳолга тушади. Ҳозир уларни сизнинг олдингизда сўроқ қиламиз. Партизанларнинг қаердалигини айтиб беришса, озод қиламиз. Айтишмаса, шу ерда осилади.

У шундай деб, Марина холага яқинлашди.

— Хўш, айт, эринг қаердан келди? Отряд қаерда?

— Билмайман, — деди Марина хола. Унинг иккала кўзи эрининг мурдасида эди.

— Ёлғон! — қичқирди офицер. — Биласан. Айт. Айтма-санг, эрингнинг холига тушасан.

— Билмайман.

Офицер уни ура бошлади. Бечора Марина хола бошини қаёққа беркитишни билмасди. Офицер уриб чарчади. Шун-да унинг олдига чўғ солинган челақ келтиришди.

— Кўряпсанми? — деди офицер. — Айтмасанг, қиздирилган темирни оёғингга санчамиз.

— Билмайман, — деди яна Марина хола.

— Шундайми! Аблах!

Офицер милтиқ найзасини чўққа тикди.

— Тўхтанглар! — қичқириб юборди шу пайт Вела. — Ойимга тегманглар. Ойим билмайди ҳеч нарсани!

— Сен биласанми? — сўради офицер.

— Ҳа, — деди бошини эгиб Вела.

Ҳамма ҳайрон бўлиб қолди.

— Вела! — кучини тўплаб қичқирди Марина хола. — Эсингни едингми? Агар айтсанг, сендан юз ўгираман.

Вела жавоб бермади. Офицер унга яқинлашди.

— Айтасанми?

— Ҳа, дедим-ку! — деди Вела ҳамон бошини кўтармай, — Ўзим бошлаб бораман. Фақат... фақат онамга тегманглар.

Офицер уни ечишни буюрди. Шу пайт:

— Сотқин! — қичқирди кимдир оломон ичидан.

Кимдир тош отди. Тош шундай Веланинг пешанасига тегди. Тирқириб қон оқа бошлади.

— Тарқал! — офицер шундай деб, полицайларга буйруқ берди.

Ҳаммамизни кўй ҳайдагандек ҳайдай бошлашди. Ҳамма хуноб эди, ҳамма Веладан нафратланарди. Онам ҳам ғазабдан ёниб, уни қарғарди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, битта Веланинг сотқинлиги қишлоғимиздан кетган йигирмадан ортиқ кишининг ёстиғини қуритиши мумкин эди. Бировнинг акаси, бировнинг отаси, эри... Бунинг устига, отрядда қанча одам бор? Онам Велани қарғар, айна вақтда бизнинг уруғдан сотқин чиққанидан қуярди.

Орадан бир соат ўтар-ўтмас немис офицери бошлиқ полиция отряди Велани ўртага олиб, тоғ томон йўлга тушди.

Ўша куни қандай кеч кирганини билмаймиз. Қишлоқ сув қуйгандек жимжит. Унда полицай қолмаган эди. Фақат черковда Марина холани кўриқлаб қолган бир соқчи бор эди, холос. Тонг

отди, кун пешин ҳам бўлди, қишлоқ ҳамон жимжит. Ҳамма тиқ этган овозга қулоқ солади. Кечки пайт от туёклари дупурлари эшитилди. Ҳаммамиз кўчага отилдик. Бахтни қаранг, қишлоққа партизанлар кириб келишди. Улар орасида отам ҳам бор эди. Дарҳол Марина холани озод қилишди. Бечора нуқул йиғларди ва йиғи аралаш қизини қарғарди. Партизанлар ҳеч қандай полиция отрядини кўришмабди. Бўлмаса, Вела йўлни жуда яхши билар экан. Кўп бориб турар экан. Ҳамма яна ҳайрон эди. Вела фашистларни қаёққа олиб кетди экан? Буни ҳеч ким билмасди. Охири отрядни қидиришга қарор қилишди. Ўн-ўн беш кишини қишлоқда пистирмада қолдириб, йўлга тушишди. Икки кун деганда отряд топилди. Аммо улар ичида Вела йўқ эди.

Вела отрядни адаштирибди. Алданганини билган офи-цер уни отиб ташлабди. Буни асир тушган полицайлар айтиб беришди.

Эртасига Веланинг ўлиги олиб келинди. Уни отасининг ёнига кўмдик. Бутун қишлоқ мотам тутди ўша куни. Ўшанда гилос энди пишган эди. Вела гилосни яхши кўрарди. Қиз бола бўлишига қарамай, дарахтнинг учига чиқиб терарди. Ҳар гилос пишиғи унинг кабрига бораман, гилос олиб бораман...

Эмиль жимиб қолди. Нималарнидир ўйлаб кетди. Кейин янгитдан сигарет тутатди.

— Болгария озод бўлгач, қишлоғимизни унинг номига кўйдик. Мана энди кичкина қишлоқ шаҳарга айланиб кетди. Қаранг, кеч кияпти, шаҳримиз очилапти!..

Мен деразага қарадим. Ҳа, у чиндан ҳам очилиб бормоқда эди. Ҳамма ёқ чироқ, минг хил тусдаги чироқлар... Кўча тўла одам. Шўх, қувноқ одамлар! «Яхшиям келдим бу шаҳарга, — дедим ўзимча улардан кўз узмай. — Яхшиям келдим!»

1970

## ТУН

У энди шошилмасди. Отишмалар анча орқада қолиб кетган ўрмонга эса у орзиқиб кутган қоронғилик чўккан эди. Шундай бўлса ҳам узоқ югуришдан ва ҳалигача бутун вужудини исқанжага олган қўрқувдан юраги дукиллаб урар, чарчаган тиззалари ҳар қадам босганида букилиб кетай, букилиб кетай дер эди.

Атроф жимжит. Онда-сонда орқадан ўқ товуши эшитилиб қолади. У шундай яққол эшитилардики, гўё ёнингда отишаётгандек бўлиб юракни баттар ғулғулага соларди. Ҳар ўқ отилганда, у орқасига ўгирилар, аммо оёқлари юришдан тўхтамасди, кучи борича, судралиб бўлса ҳам, олдинга интиларди. Шу алфозда у анча юрди, отишма бу-тунлай тинди ё унга шундай туюлди, дарахтлар орасидан сарғайиб бир-иккита юлдуз кўринди. Юрак уриши бир оз секинлашди. Кичкина бир тепаликка чиққанда, тўхтади, бирпас дам олгиси келди. Аммо ҳамон тарқалмаган қўрқув билан орқасига қаради. Орқада ҳеч нима кўринмасди. Ҳаммаёқ қоронғилик ва жимлик ичига ғарқ бўлган эди. У буни сабрсизлик билан кутган бўлса ҳам, энди юрагига ғулғула туша бошлади. Одатда шундай жимликдан сўнг ҳаммаёқни итларнинг товушлари тутиб кетарди. Немисларнинг ўзларидан кўра итлари уни кўпроқ қўрқитарди. Лагердаги итларни у яхши биларди, қанча одам уларга қурбон бўлмади, қочганларнинг деярли ҳаммасини шу итлар топди. Унинг ўзини ҳам биринчи марта қочганда итлар талаган эди. Бу гал қандай бўлар экан? Наҳотки, яна тутиб олишса? У шуни ўйлаб, ҳозиргина босиб ўтган йўлига тикилди. Қоронғи парда ва соқчилардек қаққайиб турган дарахтлар танасидан бошқа ҳеч нарса кўринмади, ҳеч қандай товуш ҳам эшитилмади. Шу топда агар юз қақирим нарида бирон нарса тикиллеса у эшитар, бирон нарса ғимирласа, бехато кўрарди. Лагерь хаёти унинг бутун вужудини кўз билан қулоққа айлантириб қўйган эди. Шунинг учун ҳам атро-фига яна бир қараб чиқиб, бир оз таскин топди, аммо ўтирмади. Олдинда, пастликда нимадир ингичка кумуш тасмадек ялтиради. Наҳотки йўл бўлса? У беихтиёр чўчиб тушди. Ҳозир йўл унинг душмани эди. Шу душман уни яқиндагина шерикларидан ажратди, яна асирликка гирифтор қилди. Қандай бўлмасин, ундан тез ўтиб олиш керак. Дам олиш хаёлидан кўтарилиб, у пастга отилди. Тепаликдан тушганида кумуш тасма йўқолди. Йўқолди-ю, у енгил тортди. Кумуш тасма йўл эмас, жилға эди. Сувнинг оҳиста жилдираб оқаётганини у аниқ эшитди ва юрагини бениҳоя севинч қоплади. Бир неча ойдан бери у жилғанинг овозини биринчи марта эшитиши, бир неча ойдан бери тайёргарлик кўриб келган қочишнинг биринчи марта муваффақиятли амалга ошганига ишониши эди. Шундагина у ниҳоятда чанқганини, лаблари қуриб, ёрилиб кетганини сизди. У ютинди, аммо ҳеч нарса томоғидан ўтмади. Оғзи қақраб кетган эди. Жилғага етиб келди-ю, энгашди ва шошиб иккала қўлини сувга тикди. Аммо ҳовучида сув ололмади. Иккала қўли банд, иккала қўлида у таглари ейилиб, эгилиб қолган лагерининг ёғоч кавушларини ушлаб олган эди. Уларни кўрди-ю, тишлари аламдан ғижирлаб кетди: бирпас тикилиб турди-да, бор кучи билан улоқтирди. Кавушнинг иккала пойи қандайдир дарахтнинг шохларига илинди, кейин бирин-кетин дўп этиб, ерга тушди. Шундагина у расмана чўккалаб, қўлларини яна сувга солди, муздек сув тирсақларигача кўмди, ҳовучини оғзига олиб бормасданок, вужудини оромбахш сокинлик қоплай бошлади. Юз-кўзи, қуриган лабларида қотган тер шўри аралаш у неча ҳовуч сув ичди, билмайди. Лекин ҳеч маҳал эсини таниганидан бери бунчалик ширин сув ичмаган эди. Жилға унга янгитдан қувват берди, чарчоқлари унутилгандек бўлди. Энди у ҳамма нарсага, ҳатто ўлимга ҳам тайёр эди. Бироқ энди у тирикликча қўлга тушмаслигини биларди. Шунга аҳд қилган эди. Немисларнинг ўзи ҳам энди уни тутиб олишса, омон қўйишмасди.

Немислар хаёлига келиши билан у яна хавотирланиб атрофга қулоқ солди. Жилғанинг сокин, бутун дунё ташвишларига бефарқ жилдирашидан бошқа ҳеч нарса эшитилмади. Наҳотки қутулган бўлса, у шунга ишонгиси келарди, аммо лагерда орттирилган тажриба, биринчи марта қочгандаги таҳлика умр бўйи олис ўрмон этагида қолиб кетган шерикларининг жасадлари ҳали

суюниш эрталигидан, ҳали неча марта ўлим унга юзма-юз келишидан дарак бериб турарди. Немислар ҳали тинчишмайди. Ҳозир улар, албатта, бутун лагерни оёққа турғазишади, тирикларни ҳам, ўликларни ҳам тонг отиши билан яна санаб чиқишади, уни топишмагач, ўрмонни тит-пит қилишади, ҳамма постларга, отрядларга хабар беришади, хабар беришгандир ҳам. Бугун эса бўлди, бугун ўрмонга бошқа киришмади, киришга кўрқишади. Тун қочоқларники. Унга ўхшаганларники. Эртага бошқа гап. Эртага у мабодо қўлга тушадиган бўлса, фақат ўлиги тушади. Эртагача эса ҳали вақт кўп. Бутун тун унинг ихтиёрида.

У шундай хаёллар билан осмонга қаради. Янги ойнинг такадек ним ранг гардиши ғарбда кўринди. Юлдузлар кўпайди. Аммо ҳамон ўрмон ёришмаган, юз метр нарида нима бор, нима йўқ билиб бўлмасди. У ойга қараб тонггача тахминан қанча вақт борлигини ҳисоблаб чиқди ва ўзи кутмаган хотиржамлик билан оёқларини сувга солди. Солди-ю, оғриққа чидолмай инграб юборди. Товонлари ва пан-жаларига кимдир пичоқ солиб юборгандек бўлди. Дарров тортиб олди. Нега бундай бўлганини у энди билди. Иккала оёғи ҳам олис йўлда тилиниб, тарам-тарам бўлиб кетган эди. Иккинчи марта оҳиста сувга туширганда оғриқ унча билинмади ва беихтиёр, шундай оёқларини тиззаларигача сувга солиб жилға лабига чузилди. Туриш кераклигини, бу ердан тезроқ кетиш кераклигини билса ҳам, ҳозир ҳеч қандай куч уни турғаза олмас, уч йиллик уруш, асрлар каби чузилган даҳшатли асирлик давомида эришган шу биргина дақиқалик оромини бузолмас эди. У роҳат билан кўзларини юмди, аммо ухлаб қолишдан кўркиб, дарҳол очди, шунинг ўзи, шундай ётишнинг ўзи бир олам бахт эди. Қанча чузилар экан бу бахт? Йилларми, ойларми, кунларми? Ё шу туннинг ўзими? Буни у билмасди, билишни ҳам истамасди. Икки томонга ёйилган қуш қанотидек қўллари тагидаги майин, нам майсалар, юмшоқ тупроқ, оёқларидаги ҳар бир мўйни силаб оқаётган беғубор жилға, тепада, сокин осмонда милтиллаб турган юлдузлар, бугундан бошлаб, унинг сирдоши, халоскори, дўсти бўлиб қолган қоронғи ўрмон уни олис хаёлларга ғарқ қилган эди. Кўз олдида онасининг сурати келди. Нега ўзи эмас? Нега унинг юриш-туриши, ўқишдан келишини пойлаб, эшик тагида ўтириши, кечалари бир неча марта туриб, устидан сирғалиб тушган кўрпасини тузатиши эмасу, оддийгина, бозордаги беш дақиқалик омонат суратхонада олдирилган хира сурати келди? Балки бу суратдан онаси унга қандайдир дард билан, сураткашнинг талаби билан кулишга ҳаракат қилса ҳам, кўзларида ташвиш, чексиз ғам билан қараб турганидандир? Ким билади, балки шундайдир. Ҳар ҳолда бу сурат ҳеч қачон кўз олдидан кетмайди. Ҳозир ҳам шундай бўлди, уни кўлига олиб гаплашаётгандек бўлди. Бир учи эзилган, оддийгина сурат. Бошида оқ доқа рўмол, сочи кўринмайди, балки оқариб, доқага қўшилиб кетгандир? Кулмоқчи бўлганидан юзидаги ажинлар баттар тортилиб кетган, олд тишлари тушиб, шундай милклари кўриниб турибди. Суратни биринчи марта кўрганида унинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Ҳам севинди, ҳам раҳми келди. Кейин кўникиб кетди. Бўш қолди, уни гимнастёркасининг чўнтагидан олиб тикилади, гаплашади, кейин яна эҳтиётлик билан газетага ўраб чўнтагига солиб кўяди. Асир тушган куни ундан ажради. Йил бўлди шунга. Шундан бери хаёлидан шу сурат кетмайди. Ҳозир ҳам шу сурат кўз олдида келди-ю, аммо энди у онасига эмас, онаси унга ачиниб тикилаётгандек бўлди. Нега ачинади? Шу аҳволга тушганигами ё ёлғиз ўзи қутулиб кетаётганигами? Бунга у айбдор эмас. Аҳвол шундай бўлиб қолди. Унинг омади келди, бошқаларники келмади. Тагин ким билади, соғ қолганлар ҳам бордир? Балки эртага учрашиб қолишар?

Унинг хаёли бўлинди. Юрагини яна ғашлик қоплай бошлайди.

— Фронт олис, Зиямат. Партизанларга кўшилиш керак.

Лейтенантнинг охириги гапи шу бўлди. Зиямат бошқа уни кўрмади, овозини эшитмади ҳам. Отишма бошлани-ши билан биринчи у йиқилди. Ўқ шундай орқа миясига тегди.

— Саидмурсал! Дўстим! — деганича, Зияматнинг гапи оғзида қолди.

Лейтенант кўз юмди. Зиямат уни кўтариб ўрмонгача олиб бормоқчи бўлди, лекин:

— Қоч! Эсингни едингми?! — деган овоз уни тўхтатди, кимдир елкасига туртди.

У лейтенантнинг буришган ва бирпасда қорайиб кетган юзига қаради-ю, ўрнидан турди, негадир ёғоч кавушларини ечиб, қўлига олди-да, ўрмон томонга югурди. Олдинда кимдир йиқилди, кимдир овози борича додлади. Зиямат шу овоз келган томонга югурди, аммо кеч қолган эди. Шериги аллақачон жон таслим қилган эди. Бошқа ҳеч ким кўринмади. Орқадан «Хальт! Хальт!» деган овозлар, ўқ товушлари борган сари яқинлашиб келарди. Зиямат аланглаб, атрофга қаради. Олдинда чакалакзор кўринди, унинг кетида ўрмон. У бор кучини тўплаб шу томонга югурди. Юз-кўзлари, қўллари тилиниб-тимдаланиб, ўрмонга етиб келганда ён-верида ҳеч ким қолмаганини пайқади, қувлаб келаётган немисларнинг чинкироқ овозлари, автомат товушлари эса ҳамон бирдек эшитиларди. Зиямат нафасини ростламоқчи бўлиб тўхтади ва орқасига ўгирилди, шу заҳоти автомат ўқлари визиллаб шундай боши устидан ўтиб кетди. У шошиб эгилди, ўқлар энди бели устидан визиллаб ўта бошлади. «Тамом!» — ўйлади у кўркув ва қандайдир ўзи англамаган совуққонлик билан. Шундай бўлса ҳам, у ётди, пешонаси нимагадир дўқ этиб тегди, аммо у парво қилмади. Овозлар энди орқадан эмас, чап томондан эшитила бошлади, ўқлар тингандек бўлди. Зиямат ўрнидан даст турди-ю, ўнгга қараб югуриб кетди. Кўп ўтмай яна отишма бошлан-ди, итларнинг ҳуриши эшитилди. Зияматнинг юраги орқасига тортиб кетди. У ўқдан кўра итлардан кўпроқ кўрқарди. Унинг назарида ҳозир ўққа чап бериш мумкин эди, итларга эса чап бериб бўлмасди. Улар ис билса бўлди, ўлжасини топмасдан қўймасди, айниқса, лагердаги итлар шундай эди. У буни кўрган, хатто болдирининг бир парчасидан ажралиб, ўз бошидан ўтказган эди. Лагерга келтирилганининг иккинчи куни эди ўшанда.

Улар кун бўйи тош ташишди. Минглаб одам тоғни йўнар, гулдираб пастга, жарликка тушаётган тошларни минглаб одам, худди занжирдек тизилиб, илон изи йўлдан тепага олиб чиқарди ва яна шу жарликка, фақат йўлга яқин томонга ташларди. Ярим оч, ярим яланғоч, қилтиллаб ўзидан оғир тошларни кўтарган асирлар орасида кимлар йўқ эди?! Зиямат уларни кўрди-ю, ваҳми учиб кетди. Унинг назарида бутун дунёнинг эркаклари шу ерга келтирилиб кишанлангандек эди. Ёнма-ён ўтиб қолишганда, киртайган кўзлари демасангиз, ҳамма гўё бир қолипдан чиққан, одам зотидан анча йироқ қандайдир даҳшатли махлуқларни эслатарди. Ҳамманинг соч-соқоли ўсган, ҳаммада олатароқ, ҳам олди, ҳам орқасига рақамлар осилган яғир кийим. Оёқларида тошдан баттар тарақлайдиган ёғоч кавуш... Кечагина улар одам эди, кечагина уларнинг тили бор эди. Бутун эса уларда на тил, на исм бор. Фақат рақам. Зияматда ҳам шундай рақам. У энди Зиямат эмас, икки минг етти юз ўн олти рақам эди. Бундан буёқ у шундай, ўлгунга қадар икки минг етти юз ўн олти рақам бўлиб қолади. Улим эса узоқ эмас, елкасида турибди. Қочиш керак. Зиямат баракка кириши билан қўланса ҳид димоғига урилди-ю, шу фикр миясига қуйилди. Лекин қандай қилиб? Биронта одам юзлаб соқчилар, электр токи юборилган тикан симлар билан ўралган бу дўзахдан қочиб қутулганмикан? Баракда ҳеч ким унинг бу саволларига жавоб бермади. Барак тинч, фақат орқа томонда кимдир инграб йиғларди.

Кун пешиндан оққанда у бутунлай дармони қуриганини пайқади. Ўқ теккан чаккаси қулоғи аралаш лўкиллаб оғрий бошлади. Бирпас ўтиргиси келди. Бироқ бунинг иложи йўқ эди. Ит етаклаган автоматли соқчилар маҳбусларнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турарди. Йиқилганларнинг деярли ҳаммаси ўша заҳотиёқ отиларди.

Зиямат енгилроқ бир тошни кўтариб, елкасига бир амаллаб қўйди-да, тепага юра бошлади, аммо оёқлари қалтираб, юриши секинлашди. «Наҳотки шундай ўлиб кетсам? — ўйлади у хавотирланиб. — Йўқ, чидаш керак, чидаш. Кейин қочаман. Ҳеч ким қочмаган бўлса, мен биринчи бўламан. Унда ўлсам, майли».

Лекин юриш борган сари қийинлашди, елкасидаги тош оғирлашди. Тепага кўтарилганда кўз олди қоронғилашди, гандираклаб, тошни ташлашга улгуролмай орқасига гурс этиб йиқилди. Шу заҳоти ит ҳуриди ва оёғига нимадир санчилди. Зиямат ҳовлиқиб ўрнидан туришга интилар, ит эса оёғига маҳкам ёпишганича ирилларди. «Шнель! Шнель!» — қичқирди қоя устидаги соқчи. Кимдир қўлтиғига кирди. Зиямат бир амаллаб ўрнидан турди, ит қайтиб кетди. Қўлти-

ғига кирган киши тошни елкасига қўйиб қўйди. «Раҳмат», — деб юборди Зиямат шунда ўз тилида. Шериги индамади, фақат ўз тошини кўтарганича, «юринг», дегандай олдинга ишора қилди.

Улар тошларни жарликка улоқтириб пастга тушишаётганда, шериги секингина сўради:

— Қаердансиз?

— Тошкентдан, Шайхантавурдан, — шундай секингина жавоб берди Зиямат.

— Мен Туркистондан. Воронежда қўлга тушдим. Сиз-чи?

— Курскда. Исмингиз нима?

— Саидмурсал.

— Меники Зиямат. Бу ер қаер?

— Югославия.

— Атроф ўрмон экан, — Зиямат шундай деб, шеригининг қочиш ҳақидаги фикрини билмоқчи бўлди.

— Партизанлар ҳам бор. Зиямат уни тушунди.

— Уринмадингизми?

— Ҳозирча чора йўқ. Баракда гаплашамиз. — Саидмурсал «гап тамом» дегандек, олдинга ўта бошлади. — Чидаш керак. Оёғингиз қон.

Зиямат шундагина ит болдиридан бир парчасини узиб олганини сезди. Бироқ начора? Чидаш керак. У шу фикр билан ўзини босди, зиркираган оғриққа эътибор қилмасликка уринди.

Кеч кириб, жарликни туман қоплай бошлаганда, тепада занг урилди. Маҳбуслар яна занжирдек тизилиб, юқорига кўтарила бошлади. Жарликни айланиб ўтиб, тош йўлга чиқишганда, Зиямат ўнг томони пастлик, қуюқ чакалакзор эканлигини кўрди. «Қочиш керак!» Яшин тезлигида миясидан шу фикр ўтди-ю, беихтиёр ёнига қаради. Соқчи ундан беш метрча нарида эди. Ўртада қатор маҳбуслар, Саидмурсал кўринмади. «Ўзим уриниб кўраман, — ҳаёлидан ўтказди ва орқасига қараб қўйди. Орқадаги соқчи ҳам беш метрча масофада эди. Қочса бўлади. Фақат биронта муюлиш келганда, шунда олдиндаги ҳам, орқадагиси ҳам кўрмай қолиши мумкин эди. Шу ҳаёл билан у юз метрча юрди. Ниҳоят, у кутган муюлиш келди. Олдиндаги маҳбус айланиши билан, Зиямат бир силтаниб, ўзини чакалакка отди. Гурс этиб тушди-ю, пастга думалаб кетди. Автомат тариллади. Итлар даҳшат билан ҳурий бошлади. Зиямат ўрнидан туриб, қаёққа чопишни мўлжаллагунча битта ит етиб келиб, ёпишди. Кўп ўтмай немисларнинг овозлари чакалакзорни тутиб кетди. «Тамом», — ўйлади Зиямат итнинг бўғзига кучининг борича ёпишар экан.

Лекин у бу гал ҳам тирик қолди. Ҳушига келганида коронғи бир музхонада ётганини кўрди. Қандай азобларни бошидан кечирмади у ўшанда. Бир ҳафта оч қўйишди, калтаклашди. Ҳамма ёғи моматалоқ бўлиб кетди. Жони каттиқ экан, ўлмади. Бир ҳафтадан сўнг яна тош ташишга ҳайдаб кетишди.

— Бахтли экансиз, — деди Саидмурсал уни кўриб. — Омон қолдингиз. Энди менинг буйруғимни кутинг!

Буйруқ бир ойдан кейин келди. Зиямат билмаган экан, лагерда бутун бир ташкилот мавжуд экан. Саидмурсал унинг раҳбарларидан бири экан. Буни у карцердан чиққан кун кечкурун билди. Баракда йиғилиш бўлди. Қочиш ва партизанларга қўшилиш, кейинчалик бутун лагерни озод қилиш лейтенант Саидмурсал Худойберганов бошлиқ асирларга топширилди. Қочиш картошка қовлагани олиб чиқиладиган кунга белгиланди. Картошка ўрмон этагига экилган эди. Ниҳоят шу кун етиб келди. Немислар эллик кишини машиналарга босиб олиб кетишди. Зиямат ҳам шулар орасига тушди. Кун ботгунча ҳамма жон-жаҳди билан ишлади. Лекин ҳамманинг кўзи Саидмурсалда эди. Немислар уларнинг берилиб ишлаётганларини кўриб, тушдан кейин анча бепарво бўлиб қолишди. Кун ботганда Саидмурсал сигнал берди, ҳамма ўзини чакалакзорга урди. Зиямат ёнида турган соқчини юз-кўзи аралаш тушириб, йиқитди-ю,

шериклари кетидан югурди...

...Зиямат ўрнидан турди. Оёқларининг оғриғи қолган, бош оғриғи ҳам анча тинган эди. У чуқур нафас олди-да, осмонга қаради. Ой тиккага келибди. Демак, тун энди ярим бўлибди. Ҳали вақт кўп, тонггача у анча йўл босиши мумкин. Лекин қаёққа юради? Партизанлар қайси томонда? Буни у билмасди. Ҳамма ёқ қоронғи. Бегона ўрмон, бегона ер. Бироқ у энди анча тинч эди. Ҳар ҳолда энди у эркин. Эркинликда ўлим ҳам хавfli эмас.

У жилғани тиззасигача сувга ботиб кечиб ўтди ва биринчи марта енгил нафас олиб йўлга тушди.

Тонгга ҳали эрта эди. Ўрмон ҳамон тун қўйнида, чурқ этган товуш эшитилмасди. У тўнгаларга, шох-шаббаларга қоқилиб-қоқилиб борар экан, тонгда қаердан чиқиб қолишини ўйларди. Ўрмон тугаб, биронта қишлоқ чиқиб қолармикин, ё тоққа туташиб кетармикин? У кўпроқ иккинчисини, жуда бўлмаганда, ўрмоннинг тугамаслигини истарди. Қишлоқда немисларнинг бўлиши турган гап. Балки унинг атрофида соқчилар ҳам бордир. Ҳа, албатта, немислар соқчи қўймаса тинчимайди. Йшқилиб, қишлоқдан чиқиб қолмасин, унда ҳамма уринишлари барбод бўлади. Партизанларнинг эса қишлоқ ёки унинг атрофида бўлиши мумкин эмас. Улар ё тоғда, ё ўрмонда. Ким билади, балки тонггача уларга дуч келиб қолиши ҳам мумкин. Кошки эди шундай бўлса!

Аллақаерда паровоз жонҳолатда қичқирди. Зиямат диқ-қат билан кулоқ солди. Гудок, афтидан, орқа томондан эшитилди. Наҳотки, лагерь шунчалик яқин бўлса? Анча йўл босди-ку! Унинг юраги орқасига тортиб кетди. Назарида, адашиб кетиб, бир жойда айланаётгандек туюлди. Ла-гердан қочишга қочиб, тамом қутулай деганда, наҳотки яна қўлга тушса?! У шундай ўйлаб, атрофга ҳадиксираб қаради. Йўқ, ҳеч нарса билиб бўлмайди. Ҳамма ёқ дарахт, арча, қора қайин, яна қандайдир дарахтлар... Лагерь ёнида ҳам шундай эди, бу ерда ҳам шундай. Йўқ, у адашмаган, юлдузларга қараб юрди-ку! У танлаган юлдузлар ҳамон олдинда. Йўқ, адашмаган. Иннайкейин, адашган бўлса, итларнинг овозини эшитарди. Улар тун бўйи тинмай ақил-лайди. Бу фикр унга анча далда бўлди, қадамини тезлатди. Бир чақиримча юргандан сўнг, ўрмон сийраклашди, ой бир оз оқариб, дарахтларнинг учларида кўкимтир тутун кўринди. «Тонгга яқин қолибди, — ўйлади Зиямат. — Олдинда нима экан — йўлми ё қишлоқ? Нима бўлса ҳам тезроқ билган маъкул». Шу хаёл билан у чопиб кетди. Лекин ярим чақиримча ҳам юргани йўқ эдики, кенг асфальт йўл устидан чиқиб қолди. Шу заҳоти орқага қайтди, юраги дуқиллаб ура бошлади, пешонасини совуқ тер қоплади. Яхшиямки, биронта постга тўғри келмади. Энди нима қилиш керак? У ўйга толди.

Чиндан ҳам унинг олдида жиддий муаммо турарди. Йўл бўйлаб бориш керакми ё уни кесиб ўтиб, тўғрига — ўрмон ичидан кетиши керакми? Йўл тўппа-тўғри уни немислар қўлига олиб бориб топшириши аниқ эди. Аммо тўғрида нима бор? Йўл айланиб, шу ёққа ўтган бўлса-чи? Тоғли жойда тўғри йўл камдан-кам бўлади. Шундай бўлса ҳам у тўғри йўлни кесиб ўтишга қарор қилди. Оҳиста ўрмондан чиқиб, йўлга қаради. Йўл жимжит, қора асфальт ой ёруғида эриган сақичдек ялтирарди.

Шу пайт олисда нимадир сарғайиб кўринди. Зиямат шошиб ўзини орқага олди. Баланд тўнка ёнига ётиб, йўлга тикилди. Сарғайиб кўринган нарса чироқ эди. Кўп ўтмай у иккита бўлди. Зиямат машина келаётганини англади. Моторнинг гувиллаган овози ҳам эшитила бошлади. Минутлар соатдек чузилиб, ниҳоят, машина яқинлашди. Унинг ёруғида Зиямат йўлнинг нариги бети ҳам каттагина ўрмонлигини кўриб олди. Оғир юк ортилган бесўнақай машина унинг рўпарасига етиб келганда, Зияматнинг кўзлари қамашиб кетди. Қўли билан юзини беркитди. Машина узоқлаша бошлади. Шундагина кўзларини очди ва яна эҳтиётлик билан йўлга тикилди. Аммо бошқа машина кўринмади. Зиямат тўғри қарорга келганига ичида суюниб, йўлни кесиб ўтди ва яна ўрмон ичига кирди.

У анча йўл босди. Лекин ўрмоннинг кети кўринмасди. Тонг ота бошлади. Қуёшнинг илиқ



нурлари дарахтлар орасидан ўтиб, ерга найзадек санчилди. Зиямат тўхтади. Энди юриш хавфли эди. У яна кеч киришини ё биронта бахтли тасодиф юз беришини кутишга қарор қилиб, атрофига қаради. Ўзидан сал нарида, чап томонда, воронка сифат ўра кўринди. У шу ёққа юрди. Ўра каттагина эди. Эски бир дарахтнинг илдизини ковлаб олишган бўлса керак, ичи ҳам чуқургина, одам ўтирса кўринмас эди. У шу ўрага тушди ва хузур билан оёқларини чўзиб ўтирди. Энди у кутулганига, немислар қидириб келмаслигига тўла ишонган эди. Шунинг учунми, ўтириши билан бадани бўшашиди, кўзлари ўз-ўзидан юмилди.

Қирқ учинчи йилнинг ёзи, немисларнинг ҳужуми олдида, у худди мана шундай ўз окопида ўтирган эди. Унда эгни бут — оёғида этик, қўлида автомат бор эди, ҳозиргидек яланг оёқ ва юпун эмас эди. Немислар ўшанда тунлари ҳам ҳужумни тўхтатишмасди, бир взводдан иккинчи взводга ўтиш амри маҳол эди.

Зияматнинг взводи тепаликка жойлашган бўлиб, душманнинг асосий эътибори шу томонда эди. Комбатнинг асл нияти ҳам шу эди. Шунинг учун ҳам у взводга битта ортиқча пулемёт берган эди.

— Ҳусанов, сенга оғир бўлади, — деди у душман тонгда яна ҳужумга ўтганда. — Маҳкам тур. Немислар бу ерда катта куч бор, деб ўйлашсин. Тушундингми?

— Тушундим, ўртоқ комбат! Буйруғингиз бажарилади.

— Вазият ўзгарса, капитаннинг ўзи келади.

— Ҳўп бўлади, ўртоқ комбат!

Комбат кетди. У кеча кечқурундан бери рота командири капитан Кравцовнинг ўрнида эди. Кравцов қўлидан ўқ еб, санбатга олиб кетилган эди.

Зиямат Кравцовни ҳам, комбат Синиченкони ҳам яхши биларди. Госпиталдан қайтиши билан уни шу батальонга взвод командири қилиб юборишган эди. Икки йиллик жанг давомида у ўз командирларини яхши кўриб қолган ва ҳар доим уларнинг жангдаги совуққонлиги ва ботирлигини кўриб қойил қоларди. Комбат анчагина камгап бўлиб, Кравцовнинг акси эди. У доим аниқ ва қисқа кўрсатма берар, капитан эса жуда узокдан келарди. Асосий мақсадга кўчгунча одам қон бўлиб кетарди. «Хўш, аҳволлар қалай, азизим!» У шундай деб гап бошладими, тамом, бирон ояир топшириқ бермоқчилигини ҳамма билиб оларди. Сўкадиган бўлса, аввал қўшни роталардан гап очарди, қўшни ротанинг кечагина келган, ҳали душман билан ҳатто юзма-юз ҳам келмаган солдатини кўкларга кўтариб мақтарди, кейин, сен-чи, деб, гуноҳкор жангчини сўкиб кетарди, бечоранинг гап эшитмаган биронта уруғ-аймоғи қолмасди. Шунга қарамай уни солдатлар яхши кўришарди. Бундай ҳурматга у жангда бевосита иштирок этиши билан, солдатни аяши, унинг аҳволидан доимо хабардор бўлиб туриши билан эришган эди.

Қўшни рота икки кун аввалги оғир жангдан сўнг, мудофаанинг иккинчи линиясига ўтганда, шу тепаликни эгаллашни Кравцов Зияматга топширди.

Тунги тинчликдан фойдаланиб, Зиямат ўз взводини қийинчиликсиз тепаликка олиб чиқди. Лекин шу пайт қаттиқ отишма бошланди. Артиллерия қўшилгандагина немислар анчагина жимиди. Шундай капитан яраланди. Эътирозига қарамай, шахсан комбатнинг буйруғи билан санбатга олиб кетишди.

— Ҳусанов, жойингдан силжима, — деди у кета туриб.

Зиямат унинг буйруғини бажарди. Кун бўйи немислар етти марта ҳужум қилишди. Лекин бир марта ҳам тепаликка яқинлашиб кела олишмади.

...Тўп овозлари тинди. Бир зум ҳамма ёқни жимлик қоплади. Қишлоқ томондан аллақандай қушнинг чивчиви эшитилди-ю, яна тинди. «Булбулга ўхшайди», — хаёлидан ўтказди Зиямат ва кўз олдига Қорасувдаги ҳовлиси келди. Ҳозир узумлар етилиб ётибди у ерда. Ҳусайни ҳам, шивилғони ҳам. Чуғурчиқ кўпроқ шивилғонига келади. Занғар, қайси узумни ейишни билади. Бирпас қарамадингми, талаб кетади. Онаси ишқомга тўртта-бешта эски челак осиб,

тизгинларини айвоннинг устунига боғлаб кўярди. Биронта куш кўрдими, шу тизгинни тортарди, бутун боғкўчани челақларнинг тарақ-туруғи, чуғурчиқларнинг чағ-чағи босиб кетарди. Ҳозир ким қараётган экан боққа?

— Мана шуниси одамни хуноб қилади, — деди кимдир.

Зиямат хаёли бўлиниб, ёнига қаради. ПТР ушлаган жангчи жаҳл билан тамаки тутатар экан, пастдаги ялангликдан кўзини узмасди.

— Нимаси, Володя? — сўради Зиямат.

— Артподготовкадан кейинги жимлик-да, қон бўлиб кетади киши. Олифтагарчилик қилмасдан кела қолишса, ўладими лаънатилар!

— Ҳовликма, ҳозир келишади.

Зиямат шундай деб улгурмаган эди, олдинда танк кўринди.

— Айтмадимми!

— Худди шундай, ўртоқ командир! — жангчи болаларга хос қувонч билан танкни мўлжалга ола бошлади. — Кела қол, азизим, кела қол.

— Шошилма.

Танк ўн метрча ҳам юрмаган эдики, ёнида иккинчиси пайдо бўлди. Кўп ўтмай, тўртта бўлди. Кейин яна иккита қўшилди. Улар ҳар галгидек, ёйилиб эмас — икки қатор бўлиб келарди.

— «Тигр»ларга ўхшайди, — деди Володя.

Зиямат индамади. Немисларнинг бу машҳур танқларини у биринчи марта кўраётгани йўқ эди. Агар ён томонидан отилса, автомат билан ҳам уларни ишдан чиқариш мумкин эди.

— Пулемётларни ҳозирланг! — буйруқ берди у. — Менинг командам билан отилсин!

Масофа борган сари қисқарди. Юз метрга етганда, танқлар ўт очди. Траншеяни аччиқ тутун, чанг қоплади.

— Йигитлар! Бошладик! — кичқирди Зиямат ва ўзи биринчи бўлиб ўт очди.

Олтмиш метрга келиб қолган биринчи танк тўхтади. Люк очилиб, немис танқчисининг калласи кўринди. Автомат тириллади, у икки қўлини ёзиб, танк устига ағдарилди. Шу пайт иккинчи қаторда келаётган танк ёниб кетди.

— Мен! Мен ёндирдим! — кичқирди Володя.

Аммо Зиямат уни эшитмади. Шундай ёнида снаряд портлади. Кўзларига нимадир ёпишди. Енги билан артар экан, яна снаряд гумбурлаганини эшитди.

— Володя! Галиулин!

Ҳеч ким жавоб бермади. У кўзини очганда, битта танк тепаликка кўтарилаётганини кўрди. Танқнинг узун стволи худди уни нишонга олаётгандек эди. Зиямат шошиб ўзини чапга олди. Шунда у Володянинг траншея ичида тупроққа беланиб ётганини кўрди.

— Володя!

Аммо Володя жим эди. Зиямат ПТРга етгунча, ёнидаги гранатани олиб пастга, танқнинг ғилдиракларини пойлаб улоқтирди. Танк тўхтади, бир силтаниб орқасига қайрилмоқчи бўлганида, ёниб кетди. Лекин шу заҳоти ундан сал нарида бошқаси кўринди. У тепаликка кўтарилмади. Тўхтаб, тепаликни ўққа тута бошлади. Бошқа танқлар ҳам шундай қилган бўлса керак, Зияматнинг гир атрофида снарядлар ёрила бошлади. У энди взводдагилардан ким бор, ким йўқ, билолмай қолди. Бир амаллаб ПТРни топиб, траншеядан бошини кўтарди. Пастда яна бир танк ва унинг атрофида немислар кўринди. У танқнинг туйнугини пойлаб, ПТР ни бўшатди. Танк портлади. Шу пайт кимдир уни тўртди ва нималардир деб кичқирди. Зиямат эшитмади. Битта танк шундай устидан ўтиб кетди. Зиямат чаққонлик билан орқасига ўгирилиб, уни нишонга олди. Аммо ПТР отилмади. Ўқ тугаган эди. Шу пайт чўнтагидаги граната эйга келди. Олди-ю, тезлик билан улоқтирди. Граната шундай люк устига тушди. Орқадан автомат товушлари эшитилди. Немислар траншеяга жуда ҳам яқинлашиб қолишган эди. Зиямат уларни аниқ кўрди. Дарҳол автоматини елкасидан олиб, ота бошлади. Уч-тўрт немис шу заҳоти

йиқилди. Бошқалари ётиб олди. Хужум яна тингандек бўлди.

— Степанов! — қичқирди Зиямат юзидаги терни сидирар экан.

Ҳеч ким жавоб бермади.

— «Наҳотки, улар...» — Зиямат шундай деб ўйлади-ю, ўз хаёлидан ўзи чўчиб кетди ва шошиб атрофига қаради.

Траншеянинг у турган жойдан бўлак ҳамма ери бузи-либ, уюм-уюм тупроқ бўлиб ётарди.

Олдинда яна танклар пайдо бўлди. Энди улар ёлғиз эмас, ҳар бирининг орқасида автоматчилар бор эди.

Зиямат уларни кўриб, автоматига янги диск қўйди. Чўнтагидан сўнгги гранатани олиб, камарига қистирди.

— Ўртоқ командир! — қичқирди шу пайт кимдир. Зиямат таниди.

— Галиулин! — севиниб чақирди у.

— Менман, ўртоқ командир!

— Ёнингда ким бор?

— Степанов бор эди. Снаряд қорнига тегди. Бошқаларни кўрмаяпман.

— Чақириб кўр. Галиулин қичқирди.

— Ҳеч ким жавоб бермаяпти.

— Дадил бўл, ошна. Келишяпти, кўряпсанми?

— Кўряпман. Иккита гранатам қолди, ўртоқ командир.

— Танкни пойла.

— Тушундим, ўртоқ командир! Ўзингизда-чи?

— Битта!

У бошқа ҳеч нарса айтиб улгурмади. Кучли портлаш уни силтаб ташлади. Оғир бир нарса бошига тушди. Ўзига келиб, ўрнидан турганида, траншея устидан танк ўтиб кетаётганини кўрди, гранатани олиб улгурмади, бир немис устига ташланди. Зиямат бор кучини тўплаб, уни улоқтирди-да, атрофини ўраб келаётган немисларни нишонга ола бошлади. Немислар ётиб олишди. «Тирик олишмоқчи ше-килли? — ўйлади Зиямат. — «Олиб бўпсанлар, аблаҳлар!» Галиулин! Бардам бўл!» — у шундай деб қичқирди-да, қўлидаги гранатани немислар ғуж бўлиб ётган томонга улоқтирди. Шу пайт чаккасига нимадир урилди, у кўзлари тиниб йиқилди ва ҳушидан кетди.

Кўзини очганида, ўрмонда ётганини кўрди. «Худога шукур, тирик эканман», — хаёлидан ўтказди у. Аммо бу тириклик жуда қимматга тушди унга. У ҳали асир тушганини, ўзига ўхшаган юзлаб асирлар ичида ётганини билмасди. Билганда эса, бутун вужуди бўшашиб кетди.

Бир ҳафтадан сўнг асирларнинг ҳаммасини юк вагонларга босишди. Эшелон кўзгалганда олисда даҳшатли тўп овозлари эшитилди.

— Бизникилар! — деди кимдир завқ ва шу пайтнинг ўзида чексиз ўкинч билан. — Танидим! Бизнинг тўплар!..

Ҳеч ким унга жавоб бермади. Эшелон ғарбга йўл олди.

Зиямат кўзини очганда, кун тиккага келган эди.

Ўрмон жимжит. Ҳеч нима кўринмайди. Нима қилиш керак? Наҳотки, қоронғи тушганга қадар кутишга тўғри келса?.. У ҳеч қандай қарорга келмай, ўрнидан турди. Шу пайт олисда ола эчки етаклаган бир одамнинг қораси кўринди. Зиямат шошиб ўзини дарахтнинг панасига олди. Ким экан у? Қаердан пайдо бўлиб қолди? Қишлоқ наҳотки шунчалик яқин бўлса? Эчки бир йўқолиб, яна кўринди. Унинг эгасини Зиямат энди яққол кўрди. У чол эди. Бу Зияматни тинчитди. Чол унга яқинлашди. Бекинишнинг мутлақо иложи қолмади. Кўз-кўзга тушди. Чол худди Зияматдек, жойида қотиб қолди. Анча вақт улар бир-бирига тикилиб туришди. Ниҳоят, Зиямат чидамади. Имлади. Аммо чол жойидан қимирламади. Эчки унинг кўлидан тушиб кетган чилвирни судраб, қочиб кетди. Чол парво қилмади. У, сеҳрланган одамдек, Зияматга тикилиб

қолган эди.

— Я плен, понимаешь? Плен... — деди секин Зиямат кўкрагига кўлини бигиз қилиб.

Чол уни тушунмади.

— Я плен! Понимаешь? — деди яна Зиямат. — Рус, рус... Москва!..

Чолнинг кўзларида табассум пайдо бўлди.

— Аз българин, — деди кейин ва Зияматга яқинлашди.

— Партизан... менга партизанлар керак, — деди Зиямат, чол унинг олдига келгач.

— Партизан? — сўради чол унга тикилиб.

— Ҳа, партизанлар керак, — деди яна Зиямат.

Чол «тушундим» дегандек, бошини қимирлатди. Зиямат кўнглида бир олам севинч билан уни кучоқлади ва ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборди.

1970

## НОМУС

Зумрад тунги сменадан қайтганига қарамай, эрта турди ва беихтиёр ёнига қаради. Муниранинг ўрни бўш эди. Ҳозиргина турган бўлса керак, ёстик, чойшаби ғижим.

У халатни кийиб, узун, елкалари билан битта бўлиб турган кўнғир сочларини ўрганича, ҳовлига тушди. Сўри тагида юзига кўрпа тортиб онаси Рисолат хола ухларди.

У тахта зинани лопиллатиб ариқ лабига тушди. Ички кўйлагини липасига қистириб олган Мунира оппоқ, келишган оёқларини юварди.

— Ҳа, мунча эрта? — Мунира юзига тушиб турган нам сочлари орасидан ўртоғига қаради. — Кеча сени роса кутдим!

— Ҳа? — Зумрад ариқ лабидаги харсанг устига энгашди.

— Кеча анави... Карим яна келди. Гулистонга олиб кетаман, дейди. Уч хонали квартира беришибди.

— Нима, бизникига сиғмай қолдингми? Мунира «ух» тортди.

— Тушунмайсан-да, тушунмайсан. Гап уйда эмас.

— Нимада бўлмаса? Яхши кўрмайман, деятувдинг-ку?

— Қайдам... Кеча кўзимга яна бошқача кўриниб кетди. — Мунира ювинаётган ўртоғининг ёнига ўтди.

— Биласанми, сиздан бошқа ҳеч кимим йўқ, сиздан бошқа ҳеч кимга уйланмайман, дейди. Кейин айландик...

— Ўпишган ҳамдирсан? Мунира кулди.

— Озгина... Бечора нукул титрайди.

— Анави, Зокир нима бўлади?

— Инженерми? Вой, унга нима бўларди? Бир-икки марта кинога бордик, холос. Кетаверайми? Нима дейсан?

— Қаёққа?

— Қаёққа бўларди, Гулистонга-да?!

— Эҳтиёт бўл, киз! — деди Зумрад. — Тагин куйиб қолма!

— Сен фақат шуни биласан. Эҳтиёт бўл, эҳтиёт бўл! — Мунира бурнини қийшайтириб, ўрнидан турди. — Қари киз бўлиб ўтиб кетайми! Қари киз, қари киз, йигитлардан нари киз!..

Кўп ўтмай тепадан, ҳовли томондан унинг шўх кулгиси ва Рисолат холанинг бўғилиб жеркигани эшитилди.

Зумрад Мунирани ўз уйига олиб келганига йил бўлиб қолди. Иккалови битта паркда ишларди, иккалови ҳам ҳайдовчи эди, лекин бир-бирини яхши билишмасди. Янги йилни бир жойда кутишди-ю, ораларидан қил ўтмайдиган бўлиб қолди.

Муниранинг ҳеч кими йўқ, отаси ёшлигида ўлиб кетган, онаси ҳам уч-тўрт йил бурун қазо қилган эди. Қувноқ, дилидаги тилида турадиган, сап-сарик, юз-кўзини қалин сепкил босган киз Рисолат холага ҳам ёқиб қолди.

— Қиз бола нарса қап-катта ҳовлида ёлғиз турасанми? Бизникида яшайвер, — деди бир гал қизи билан келганида.

Мунира кўнди.

Зумрад кўп жиҳатдан унга ҳавас қиларди. Келишган, оппоқ, йирик кўзлари худди тиник осмонга ўхшайди. Очиқ кўнгил. Жаҳли бурнининг учида турса ҳам кек сакламайди. Кейин у билан сира зерикмасди. Йичи тўла гап. Қанчадан-қанча кечаларни у билан мижджа қоқмай ўтказган. Кеча ҳам эртароқ келганида, азонгача ухлатмасмиди, ўша Каримини гапириб чиқармиди?

Зумрад ювиниб бўлувди ҳамки, тепадан ўртоғи кичқирди:

— Бугун Караклаичга борамиз. Бўптими?

- Билет борми?
- Карим учта билет билан пойлаб туради.
- Яна Карим? — жаҳл билан деди зинадан кўтариларкан Зумрад. — Бечоранинг бошини айлантириб нима қиласан?
- Мунира ўшшайди.
- Айб ўзида. Келмасин бўлмаса!
- Зумрад ўртоғини жеркиб бермоқчи эди, гапи оғзида қолди. Йўлакда ўрта бўйли бир киши турарди.
- Қара!
- Зумрад ўртоғига шундай деди-ю, шошиб уйга кириб кетди ва дарров юз-кўлини артиб, сочини тарай бошлади. Мунира кирди.
- Сени сўраяпти.
- Ким экан?
- Билмадим. Сенда зарур иши бор эмиш, танийсанми?
- Биринчи кўришим, — деди Зумрад.
- Шундай де? — Мунира айёрона жилмайди. — Танимаган одамнинг зарур иши бўлармиди? Ўзи ёмон эмас, карироқ демасанг...
- Овозингни ўчир! — уришди Зумрад. Уришди-ю, негадир кўнгли ғаш бўлиб кетди. — Ойим қани?
- Нонга чиқиб кетдилар. Юр, кутиб қолди.
- Улар ҳовлига тушишди. Бегона одам сўри тагидаги курсида ўтирарди. Қизларни кўриб, ўрнидан турди.
- Салом, келинг, — деди Зумрад унга яқинлашиб.
- Сизда ишим бор эди...
- Марҳамат, — Зумрад курсига ишора қилди.
- Кечирасиз, — бегона киши ийманиб гапирди, — агар мумкин бўлса, ёлғиз гаплашсак...
- Менинг ҳеч қандай сирим йўқ, — Зумрад ўртоғига қаради. — Бемалол...
- Тушунаман, лекин илтимос.
- Уйга кира қолинглар бўлмаса, — таклиф қилди Мунира.
- Хоҳишингиз, — елкаларини қисди Зумрад ва меҳмонни уйга бошлади.
- Яна, кечиришингизни сўрайман, — деди бегона киши улар меҳмонхонага кириб ўтиришгач, — менинг айтадиган гапим фақат сизга тегишли.
- Қулоғим сизда, — деди Зумрад ҳамон ҳеч нарсага тушунмай, лекин негадир юрагини ваҳм босиб. — Тинчликми ўзи?
- Тинчлик, — деди бегона киши. — Мен адвокатман. — У фамилиясини айтди ва эпчиллик билан чўнтагидан ҳужжатини олиб кўрсатди. — Комил Мирзаев деган одамни танисангиз керак? Аспирант, физик.
- Ҳа, танийман... танир эдим, — деди тутилиб Зумрад ва қизариб кетди.
- Биламан, ҳозир у билан ҳеч қандай алоқангиз йўқ, — гапида давом этди адвокат. — Лекин бир вақтлар яхши дўст эдинглар. Шундай эмасми?
- Ҳа, бир вақтлар шундай эди, — деди Зумрад, ҳамон юрагини ҳовучлаб. — Нима гап ўзи?
- Гап шундаки, синглим, — адвокат фикрини ифодалаш учун сўз қидиргандек, бир оз ўйланиб қолди, кейин деди: — Гап шундаки, Комил қамокда ётибди.
- Қамокда? — ҳайрон бўлди Зумрад.
- Ҳа, қамокда. Бугун роппа-роса бир ой бўлади.
- Нега? Нима қилди? — хавотирланиб сўради Зумрад.
- Уни безориликда айблашяпти.
- Безориликда? — ҳайратга тушди Зумрад.

— Ҳа, безориликда, — деди адвокат ва қора портфелидан қандайдир қоғозларни олиб столга қўйди. — Уч киши бўлиб бир мўйсафидни уришибди. Мўйсафид оғир аҳволда ётибди.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, — деди Зумрад қатъий оҳангда. — Комил бунақа одам эмас. У жуда ёввош, кейин...

— Биладан, Комил бунақа одам эмас, — тасдиқлади адвокат. — Лекин бир кампир шу йигит ҳам бор эди, деб гувоҳлик беряпти.

— Ишонмайман! — Зумрад ўрнидан туриб кетди, — Комил безори? Йўқ, бу англашилмовчилик.

— Тўғри, — деди адвокат. — Мен ҳам шу фикрдаман. Аммо буни исботлаш керак. Исбот учун эса қўлимизда асос йўқ.

— Мендан нима истайсиз? — сўради Зумрад.

— Сизданми?.. — адвокат унга тикилди. — Сиздан ёрдам. Уни фақат сиз қутқара олишингиз мумкин.

— Мен?! — қошларини чимирди Зумрад. — Қандай қилиб?

Адвокат хонага шошиб кўз югуртирди, эшикка қаради. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, Зумрадга ўтирилди:

— Ўша куни, шу хунук воқеа юз берган куни, у ... яъни Комил сиз билан бўлган...

Зумраднинг ичида бир нарса узилгандек бўлди.

— Қайси куни? — бўғилиб сўради у.

— Шу йил 18 май куни. Комил шундай деди. Мана ўз қўли билан ёзган қоғоз.

Зумрад беихтиёр адвокат узатган қоғозни олди, лекин ўқимади, бўшашиб стул суянчиғига ўзини ташлади. Унинг пешанаси, лабининг устини тер қоплаган, кўз олди қоронғилашган эди.

— Сизга нима бўлди? — шошиб сўради адвокат.

— Ҳеч нима, — деди секин Зумрад ва кўзларини юмди. ... Мана, бир кунлик қувонч, бир кунлик бахтнинг оқибати... у, негадир, шундай бўлишини, хунук бир воқеа юз беришини сезган эди, лекин бу воқеа шунчалик тез ва шундай хунук намоён бўлишини кутмаган эди.

У Комилни яхши кўрарди, бир кўришдаёқ яхши кўриб қолган эди. Қиш эди ўшанда. Қор гупиллаб ёғар, автомат чўтка троллейбус ойнасини тозалаб улгуролмас эди. Пешинда бошланган қор кечгача тинмади, қайтанга зўрайди. Олдинда ҳеч нарсани чироқ ёқиб ҳам кўриб бўлмай қолди. Бешёғочдан ўтганда, дуга чиқиб кетди. Зумрад дугани солиб, троллейбусга чиққанида антиқа кубанка кийган бир йигитдан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Йигит унга қараб жилмайди.

— Сиздан кўрқибди, — деди у.

— Сиз-чи? — киноя билан сўради Зумрад. — Кўрқмайсизми?

— Сизни ёлғиз ташлаб кетишдан кўрқаман.

Зумраднинг энсаси қотди. Бундай суяк гапларни у кун бўйи жуда кўп эшитарди. Лекин ҳозир ёқди, йигитнинг гапида бачканалик сезмадими, елкасини қоқиб, кабинага ўтди. Тормозни бўшата туриб, бўёғи кўчган ойна девордан орқасига қаради. Йигит унга кўзини қисиб қўйди. Зумрад педални босди. Олдинда Бўзсувнинг қия кўприги кўринди. «Қизиқ, — хаёлидан ўтказди Зумрад. — Қаёққа кетаётган экан? Уйигами ё қизи билан учрашганими? Қизи бўлса керак. Ҳа, бунақа келишган йигитларнинг қизи бўлмай иложи йўқ».

Зумрад беихтиёр ён ойнага қаради. Думалоқ юзи телпак остида баттар думалоқ бўлиб кетган, жуда семиз, кип-қизил ширмой нонга ўхшарди. «Албатта унинг қизи шуба кийса керак, — ўйлади яна Зумрад. Иннайкейин этик кийса керак, анавинақа, ялтироқ этиклардан, пийма эмас. Қани етти соат шу совукда пиймасиз ўтириб кўр-чи! — у хўрсинди-да, яна орқасига кўз кирини ташлади. Йигит жойида ўтирарди. — Қаерда тушар экан? Ҳойнаҳой, Тўқимачилар комбинатида. Кинотеатр олдида учрашишади. Янги кино кетяпти. Французча. «Эркак ва аёл». Яхши дейишяпти. Кўриш керак».

Зумрад Шота Руставели кўчасига бурилиб, нон дўкони олдида тўхтади.

— Соцгородок. Кейинги остановка «Тўқимачилар комбинати», — у микрофонга шундай деб, кўшиб кўйди: — «Ўзбекистон» кинотеатри.

— Раҳмат! — салондан йигитнинг шўх овози эшитилди.

Зумрад жилмайди ва алам билан ўзича деди: — «Тўғри топибман. Кинога келибди. Қизи, албатта, кутаётгандир?»

Қор бирдан тинди. Нам асфальт совукдан қотиб, ғадир-будир бўлиб қолди. Зумрад соатига қаради. Смена тугабди. Эски Жўвага етиб олса, бўлди. Самад ака ўтиради рулга. Ҳар ҳолда эркак, яхмалакдан кўркмайди.

У шу хаёл билан бўлиб йигитни унутди. Тўқимачилар комбинати олдида уч минутча туриб, яна йўлга тушганда, беихтиёр орқасига қаради. Қай кўз билан кўрсинки, йигит ҳамон ўша жойда, ўртадаги дераза ёнида ўтирарди. Йўловчилар оз, беш-олтитагина одам чикқанди, холос. Зумрад севиниб кетди.

— Ўртоқ пассажирлар! Троллейбус Эски Жўвага боради. Билет олишни унутманг! Яхши йигит! — деди у жўрттага овозини баланд қилиб микрофонга. Салоннинг охирида ўтирган ёш бир йигит аланглаб ўрнидан турди. — Йўқ-йўқ, сиз эмас, — Зумрад уни тинчитди. — Учинчи қаторда, дераза ёнида ўтирган йўловчи! — йигит қўлини кўкрагига бигиз қилиб қадади. — Ҳа, сиз! Бояги билетингиз эскирди. Янги билет олинг. Майдангиз бўлмаса, абонемент олишингиз мумкин.

Йигит ўрнидан туриб чўнтақларини ковлади, кейин унинг олдига келиб, кабинага бошини суқди.

— Эътиборингиз учун раҳмат, — деди у оппоқ тишларини кўрсатиб. — Унутиб юбордингиз деб ўйловдим.

— Учрашмадингизми? — сўради Зумрад.

— Ким билан?

Зумрад «қизингиз билан» демоқчи эди, ўзини тийди.

— Учрашадиган одамингиз билан.

— Учрашадиган одамим сиз.

Зумрад унга ялт этиб қаради. Йигит жилмайганича эшикка суяниб тураверди.

— Ҳазилингизни қўйинг. Мен ишдаман.

— Йигирма минутдан кейин ишингиз тугайди. Унгача кутаман. — Йигит шундай деб, уч сўмлик пул узатди.

— Ҳаммасигами? — сўради Зумрад пулни олар экан.

— Ихтиёрингиз, — деди йигит. — Фақат унутманг, ҳали студентман.

Зумрад битта абонементни йиртиб, қолганини пул билан қайтарди.

— Келишдик-а? — сўради йигит. — Кутаман.

— Халақит беряпсиз? — жеркиб берди Зумрад. Йигит жойига бориб ўтирди.

Зумрадинг бутун вужудини қувонч, ғулғула қоплади. Шу қувонч, ғулғула билан Эски Жўвага етиб келганини ҳам пайқамасди.

— Совқотдингми, қизим? — сўради Самад ака кабинага кўтарилиб.

— Унчалик эмас, — деди Зумрад шошиб унга калитни бераркан.

— Ҳа, энди совуқ тушди. Яхмалак отадиганга ўхшаймиз.

— Хайр, эҳтиёт бўлинг!

Зумрад троллейбусдан сакраб тушди. Шу заҳоти олдида ўша йигит боягидек жилмайиб, пайдо бўлди.

Ўша куни йигит уни уйигача кузатиб қўйди. Исми Комил экан. Университетнинг бешинчи курсида ўқир экан. Анчадан бери Зумрад билан танишмоқчи экан. Ниҳоят, бугун ахд қилибди.

Улар эртасига учрашишди. Комил уни «Ўзбекистон» кинотеатрига, «Эркак ва аёл» фильмига



олиб тушди. Зумрад цигейка шубасини, қизил этигини кийди. Фильмнинг ўртасида, қаҳрамонлар севгиси энг олий нуктага чиққанда, Комил қизнинг тиззасига қўлини оҳиста қўйди. Қўли ёнарди. Қоронғи бўлса ҳам, Зумрад, қизариб кетди. Фильмдан сўнг, ғарч-ғурч қор босиб, пиёда уйга кетишди.

Комил индинига ҳам келди, ундан кейин ҳам. Улар ҳар куни бирон ёққа боришар ёки пиёда тинч, одам сийрак кўчаларни айланишарди.

Зумрад бахтли эди. Қизидаги ўзгаришни кўриб Рисолат хола ўзида йўқ шод эди. Ҳар куни Зумрад ишга кетиши билан, сандиқларини очиб йиққан бисотини кўздан кечирар, худди тўй эртага бўладигандай, кўни-қўшнилари билан кўрпа-ёстик, асбоб-анжомлар ҳақида маслаҳатлашарди. У ўзича, тўйни гилос пишиғига мўлжаллади. Зумрад кулди, лекин индамади.

Ҳовлининг бурчагидаги терак бўйи кўтарилиб чиққан эртанги гилос қизарганда, Рисолат хола: «Гаплаш энди» — деди. Зумрад одатдагидай қизариб кетди, лекин кечгача тўйнинг хаёли билан юрди. Қулоғи остида Муҳаббатнинг «Ёр-ёр»и янгради. Маъмуржон аканинг «Тўйлар муборак»и... Табриклар, қадаҳларнинг жаранги. Кейин, иккалови ёлғиз қолишганини тасаввур қилди. Эгнида оппоқ кўйлак, бошида оппоқ шоҳи рўмол, олдида эса Комил, Мана, у яқинлашди, секин рўмолини кўтарди...

Зумрад яна қизариб кетди. Шундай хаёллар билан сменаси қандай тугаганини билмади. Эски Жўвада троллейбусдан тушиб, диспетчер хонасига кетаётганда тўсатдан Комил пайдо бўлиб қолди. Бугун улар учрашмоқчи эмас эди, Зумрад машиначиникига бориши керак эди. Аввал севинди, кейин ҳайрон бўлди.

— Тинчликми?

— Сизни кутаётган эдим, — деди Комил уни четга тортиб. — Гап бор.

Улар бозор олдидаги хиёбонга ўтиб бўш скамейкалардан бирига ўтиришди.

—Биласизми, — деди зўрға Комил тили гапга келмай. — Мени... мени уйлантиришмоқчи. Келаётган шанбага тўй...

Зумрад бўшашиб кетди. Астагина:

— Табриклайман, — деди.

Шундан кейин нима бўлди, қандай уйига келди, билмайди. Кўзини очса, тепасида онаси ўтирибди.

—Кўй, болам, ўзингни қийнама. Сенинг тирноғингга ҳам арзимади у ярамас. Студент эмиш тагин. Манавини хўпла.

Рисолат хола унга қатик тутди. Зумрад пиёлага лабини теккизди-ю, ичмади.

Шу куни у ишга бормади. Кечгача шифтга термилиб ётди. На ухлади, на гапирди. Кечга бориб кўзи илинди, туш кўрди. Кенг лозор эмиш. Ўртасида у бир тўда қизлар билан лола териб юрганмиш. Тўсатдан рўпарасида бир йигит пайдо бўлибди. Қучоғи тўла лола. Комилга ўхшар эмишу, лекин Комил эмас эмиш. У Зумрадга яқинлашиб:

— Манави сизга! Сиз учун тердим! — дебди ва қучоғидаги лолаларни унга узатибди. Кейин, уни бағрига босибди. Бағри кенг, иссиқ эмиш...

Зумрад чўчиб уйғониб кетди.

— Ҳеч нима қилмайди, болам — деди ёнида ётган Рисолат хола. — Озгина алаҳсирадинг. Дунёнинг беш куни қоронғи бўлса, беш куни ёруғ — ҳеч нима қилмайди. Қайтанга пишиқ бўласан.

Зумрад овунди. Ишга чиқди. Лекин Комилнинг тўйи куни яна кечаси билан йиғлаб чиқди.

Орадан йил ўтди. Бир куни Зумрад ишдан келаётиб, кўча оғзида антика шляпа кийган бир одамни кўрди-ю, юраги шув этиб кетди. Бу Комил эди. Олисан Зумрадни кўриб, қаршисига юрди. Кейин, айбдорларча, қўл узатди.

— Келинг, — деди Зумрад юраги дукиллаб.

— Шундай, — деди Комил ва илгаригидек текис тишларини кўрсатиб, илжайди. — Ўтиб

кетаётган эдим, сизни кўрай дедим.

— Қани, уйга киринг, — деди Зумрад ҳаяжон ичида бошқа гап тополмай.

— Зумрад, табриклайман, — Комил унга меҳр билан тикилди. — Бугун туғилган кунингиз, аслида шунга келувдим...

У бошини қуйи солди.

Зумрад унинг озғин, ажин туша бошлаган қорамтир юзига, битта-иккита оқ оралаган қоп-қора духобадек сочига қараб хўрлиги келиб кетди. Комил унинг учун аввалгидек яқин ва азиз эканини ҳамда уни яхши кўришини, шу топда аниқ ҳис қилди.

— Раҳмат, — деди ўпкаси тўлиб. — Қани, уйга юринг.

— Мумкинми?

— Марҳамат.

— Мен ҳозир!

Комил орқасига югуриб кетди.

— Қаёққа?

— Ҳозир! Ҳозир келаман!..

Зумрад уйга кирди. Нима қилиб қўйди? Нега уйга таклиф қилди? Нахотки шуни истаса... Қанча ўйламасин, қандай хаёлларга бормасин, энди кеч эди. У шошиб ошхонага ўтди, чой қўйди. Ойнага қараб, апил-тапил ўзига оро берган бўлди. Сўри тагидаги стол устида дастурхон ўроғлиқ турарди. Очди. Тахсимчаларда қулупнай, Зумрад яхши кўрадиган ёнғокли торт, тортнинг ёнида конверт турарди. Очиб ўқиди: «Умрбод бахт тилаймиз! — Ойинг, дугонанг Мунира. Ёстик тагини ҳам қараб қўй» — деб ёзилган эди унда.

Зумрад севинч билан хатни ўпди. Албатта бу Муниранинг иши. Онаси бундай ёзмайди. Кейин у, санаторийда. Уч кун бўлди кетганига. Қизининг туғилган куни унинг хаёлида ҳам бўлмаса керак. Зумрад хатни яна бир ўқиб чиқди. Шу пайт эшикда шампанское кўтарган Комил пайдо бўлди, Зумрад нима бўлса ҳам ўтмишни эсламасликка, ҳозиргина юрагини қамраб олган шодликни йўқотмасликка қарор қилиб, Комилга юзланди.

Унинг хаёлидан ўша кун сира кўтарилмайди. Анча ўтиришди. Зумрад озгина вино ҳам ичди. Кулди ҳам, аммо Комилнинг нега келганини суриштирмади. Комилнинг ўзи ҳам айтмади. Фақат кетаётганида унинг юзидан ўпар экан: «Мен бахтсизман, кечиринг», деди. Комилнинг келиши билан унинг юрагида қандайдир умид учкунлаган ва кеча давомида у нимагадир ишонган, ниманидир кутган эди. Бу гапдан сўнг умиди сўнди. Кўча оғзида хайрлашиш учун Комил қўл узатганда:

— Бошқа келманг, — деди. — Уят бўлади.

Комил кўздан ғойиб бўлгунча ортидан хомуш қараб турди. Кейин отилиб уйга кирди-да, ўзидан, такдиридан ўкиниб, ўксиниб-ўксиниб йиғлади...

— Сизни хафа қилиб қўйдим шекилли?

Адвокатнинг бу гапи унинг хаёлини бўлди. Кўзларини очди.

— Кечирасиз, — хўрсинди Зумрад. — Хўш, мен нима қилишим керак?

— Эртага суд, — деди адвокат, — бориб Комилнинг ўтган ойда худди шу куни сиз билан бўлганини тасдиқласангиз, бас. Албатта, ҳеч ким сизни мажбур қилолмайди. Кейин... тушунаман, бу оғир сизга. Лекин бошқа иложимиз йўқ.

— Комил... Комил нима деди? — сўради зўрға Зумрад.

— Менинг бу ерга келганимни у билмайди. Умуман, Комил сизни ҳурмат қилади. Ўша куни сиз билан бўлганини кечагача айтмаган эди. Фақат кеча... Ахволининг жиддийлигини тушуниб, айтди. Биласиз-ку, ҳозир безориларга қарши қаттиқ кураш кетяпти. Беш-олти йиллик умри хазон бўлиб кетиши мумкин.

Адвокат яна нималарнидир гапирди. Зумрад эшитмади. «Ҳурмат қилади...» — ўйларди у. — «Ҳурматнинг нималигини, ҳозир бу ҳурмат қанчалик қиммат тушаётганини у билармикан?»

— Менга ҳеч нарса демайсизми? — сўради адвокат анча вақт жим ўтиришгач.

Зумрад бошини қуйи солди. Адвокат ўрнидан турди.

— Суд эртага, соат ўнда.

Зумрад унга қарамади ҳам. Бошини эгганча, ўйга толди. Мунира кирди.

Шу куни кечгача у чурқ этмади. На онаси билан, на Мунира билан гаплашди. Шифтга термилганча ётди. Концертга Муниранинг ўзи кетди. У келганда, ўзини ухлаганга солди. Эрталаб ҳовлига тушди.

— Ҳаммасини эшитдим, — деди Мунира. — Бормайсан судга. Менга қолса, отиб юборишмайдами?! Қайси юз билан борасан, ўзинг айт? Одамлар нима дейди?

Зумрад, тўғри, дегандек бош ирғади...

Анҳор томондан муздек шабада юзига урилди, у сесканиб кетди. Сўри тагида Рисолат хола хуррак отиб ухларди.

Зумрад пастга тушди. Бўзсув шовқин солиб, ҳайқириб оқарди. «Уйимиз яхши жойда, — негадир кўнглидан ўтказди Зумрад. — Шундай марказда. Бир ёғи сув, бир ёғи боғ... Бузилса, қаерда турарканмиз?»

У кечагидек харсанг устида энгашиб панжаларини сувга солди. Баданига ёқимли муздек харорат тарқади. Анчагача шундай қўлларини сувга солиб ўтирди. «Нахотки, бошқа далили бўлмаса? — хаёлидан ўтди унинг. — Қанчалик уятлигини ўйламадимикан?»

У зинани ғирчиллатмаслик учун битта-битта оёқ учида юриб ҳовлига кўтарилди.

— Зумрад? — уйқу аралаш чақирди Рисолат хола.

— Мен, ойи, уйғотиб юбордимми?

— Эрта турдинг-да, болам, — Рисолат хола ёнига ағдарилди. — Ҳали кун чиқмабди, озгина мизғиб ол.

— Ҳозир ётаман.

Зумрад хонасига кирди, Мунира лабларини чўччайтириб ухларди. Зумрад хавас билан унга бир оз тикилиб турди-да, кийина бошлади. Тошойна ёнига ўтиб, тарокни олмоқчи бўлган эди, қўли атир шишага тегиб кетди. Шиша «дўп» этиб ерга тушди.

Мунира чўчиб уйғонди.

— Уф! Қўрқиб кетдим, — деди кўзларини ишқалаб. — Энди учрашиб турувдик-а!.. Қўпол!

— Ишим бор.

— Биламан қаёққа кетаётганингни! — Мунира каравоти устида чордана қурди. — Эсинг жойидами, девона?! Бормайсан!

— Ухла, — деди катъий оҳангда Зумрад. — Ҳали эрта.

— Борма. Номусга қолдирма ўзингни!

— Ухла деяпман сенга! Эшитдингми, ухла!

Зумрад ҳовлига тушди. Мунира нималардир деб вайсади. Аммо у эшитмади. Ёстикқа бошини омонатгина қўйиб ётган онасига бир қаради-да, кўчага чикди.

Тонг ёришган эди. Кечаси сув сепилган асфальт йўлка қуриган, фақат у ер-бу ерда усти қотган тупроқ қорайиб турарди.

Зумрад пиёда йўлга тушди. Шаҳар судига етиб келганда баланд бинонинг кулранг устунларига қараб, бўшашиб кетди. Муниранинг йиғламоқдан бери бўлиб ёлворгандаги башараси кўз олдига келди. Орқасига қайтди. Муюлишдан ўтиб, хиёбонга олиб борадиган боғ кўчага бурилди. Олдинда серсоя чинор ва бўш скамейка кўринди. Шу ёққа юрди. Анчагача шу скамейкада ҳеч нарсани ўйламай бепарво ўтирди.

Соат бонг урди. Зумрад бир сесканиб тушди. Кейин санади. Ўн. «Бориш керак, — деди кўнглида. — Энди бориш керак».

У йўлга тушди. Ўзини қанча зўрламасин, оёқлари судралар, юраги дукиллаб урарди. Бир амаллаб етиб келди. Ҳаммаёқ одам, ғуж-ғуж одам... У қўрқиб кетди. Бир зум ҳамма қўлини

бигиз қилиб уни кўрсатаётгандек, масхара килаётгандек туюлиб кетди. Лекин ҳеч ким унга қарамасди, ҳамма ўзи билан ўзи овора эди.

Залга кирганда, суд бошланган эди. Одам бу ерда ҳам кўп. Зумрад дераза тагидаги бўш стулга бориб ўтирди ва беихтиёр суд томонга қаради. Кейин кўзи Комилга тушди. У иккита милиционер ўртасида ўтирарди. Боши эгик, сочи олинган. Ранги — доканинг ўзи. Зумрадининг раҳми келиб кетди.

— Ишонувдим, синглим, ишонувдим! — Зумрад ёнида адвокатни кўрди ва негадир қизариб кетди. — Бутун умидимиз сиздан.

Зумрад беихтиёр Комилга қаради, кўзлари тўқнашди. Комил миннатдор оҳангда лабининг бир учи билан жилмайди. Зумрад негадир жирканиб кетди. Ҳатто сўрашмай, кўзини четга олди. Суд раиси чақирмагунча у томонга қарамади, қарай олмади.

Ниҳоят, уни чақиришди. Тиззалари қалтираб ўрнидан тураркан, ҳамма тикилиб турганини кўрди. Кўрди-ю, келганига пушаймон бўлди. Ўзи сезмаган ҳолда Комил томонга қаради. Комил ҳам унга тикилиб турарди. Фақат унинг қарашида қизиқиш, ҳайронлик эмас, илтижо, чексиз илтижо бор эди.

Зумрад унинг гапларини тасдиқлади. Ҳа, ўша куни айбланувчи уникида эди. Ярим кечагача у билан бўлди. Яна нимани тасдиқлаши керак?

Зал тўлқинланиб кетди.

— Мана, шунақалар оилани бузади-да, — деди кимдир. Яна кимдир кичқирди:

— Уятсиз! Беномус!

Суд раиси одамларни тартибга чақириб, кўнғироқ чалди. Зумрад юзини беркитганича, ташқарига отилди.

Остонада кимдир тирсагидан ушлади. Бу ҳансираган адвокат эди.

— Раҳмат, синглим! Комил бу яхшилигингизни унутмайди. Хотинига бир амаллаб тушунтираминиз. Кечирар... Раҳмат сизга!

— Мени тинч қўйинг, — деди лаблари титраб Зум-рад. — Эшитяпсизми, мени тинч қўйинг!

У худди биров қувлаётгандай катта, сершовкин кўча бўйлаб чопиб кетди.

Қаёқларга борди, қайси кўчаларга кириб-чиқди, билмайди. Кимдир уни юпатди, кимдир сув ичирди. Хиёбонга ҳам қандай қилиб келиб қолгани номаълум...

У арғувон тагида ўтирарди. Қачон келди бу ерга, бу ерни нега танлади — билмасди. Шундай олдида тинч ва текис оқаётган сарғиш Бўзсув уйининг олдидан ҳайқириб оқади, бу ерда тинч, текис, оқаётгани билинмайди. Қаердадир чўмилишяпти шекилли, баъзан сув шалоплаб қолади, кейин яна тинчийди, фақат кўзни оладиган даражада жимирлайди. Лекин у сезмасди, тиккага келган қуёш нурлари сербарг шохлар орасида синиб, боши, елкаларида ўйнаётга-нини ҳам енгил шабада сув салқинини юзига уриб, пешонасига тушиб турган бир тутам сочини тортқилаётганини ҳам сезмасди. Скамейка зиҳига кафтларини тираганича ўтирарди.

— Опа! Сов... совқотиб кетдим! — деган ингичка овоз эшитилди бир маҳал.

Зумрад аланглаб атрофга қаради. Қирғоқдаги чимга ёпишиб сув ичида бир бола турарди. Унинг ранги кўкариб кетган, тишлари такилларди.

— Чиқмайсанми? — сўради Зумрад.

— Қа... қанақа қилиб чиқаман? — деди бола зарда билан. — Иштоним орқайизда-ку?!

Зумрадининг кулгиси қистади. Скамейка суянчиғидаги иштонни болага узатди-ю, ўрнидан турди.

Бирдан қуёш бетини аллақаяқдан пайдо бўлган туя ўркачидек булут қоплади. Дав-дарахт қорайди. Зумрад жунжикиб осмонга қаради, ҳаво чанг босгандек сап-сарик эди. Булут чузилиб, шаклини йўқотди. «Ҳозир тарқайди», — деб ўйлади Зумрад. Унинг ташвишлари, шу кунгача чеккан азоби ҳам тарқармикан?..

## МАРУСЯ ХОЛАНИНГ МИЛТИҒИ

Сулаймон ота қамалиб қолди. Умрида қамокнинг кўчасидан ўтмаган одам, қариганида уч йилга кесилиб, ўғри, киссавурларнинг орасида юрибди. Албатта, ошна-оғайни, қариндош-уруғ уни ёлғизлатиб қўйгани йўқ. Икки марта колхоз раисининг ўзи келиб кетди. Кампири катагига киролмаган товукдек, ҳар куни лагерь атрофида. «Передача»ларни айтмайсизми? Бўхча-бўхча нон, тоғора-тоғора ош. Лекин қамок—қамок, татирмиди. Бечора чол ким келмасин, қайси тугунни ечмасин, ўпкаси тўлиб, кўзига милт-милт ёш келаверади. У йиғлаб чарчайди, атрофдагилар овутади...

Ҳамма бало Мирвосикнинг меҳрибончилигидан бошланди. Суяги меҳнатда қотган Сулаймон ота пенсияга чиқиб зерикиб қолди, баъзи-баъзида бели қирсиллаб қолишини назарга олмаганда, кўл-оёғи бакуват, кўзи ҳам жойида — кўзойнаксиз гуручни курмакдан ажрата оларди. Шундай экан, зерикмай бўладими? Томорқада у-буга қараган бўлади, кейин чойхонага чиқади. Колхоз унга ўхшаган қарияларни ўйлаб қишлоқнинг четидаги толзорга чойхона куриб берган. Сталинградда бир оёғини қолдириб келган Ғулом ака чойхона мудирини. Мудир деганнинг ходими бўлади. Унинг ҳеч кими йўқ. Лекин мактабдан кейин неваралари галма-галдан қарашиб туришгани учунми, шифтга осилган самовар қарнагининг ёнидаги «Спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ман этилади» деган плакат остига ўз қўли билан «Чойхона мудирини Ғулом Қорабоев» деб ёзиб қўйган. Сулаймон ота илгари бу ёзувга парво қилмасди. Пенсияга чиққандан бери туриб-туриб зардаси қайнайдиган бўлиб қолди. «Ё тавба, дунёнинг ишлари кўп қизиқ-да, — дейди, Ғулом аканинг самовар атрофида ғимирлашини кузатиб, — оғзидан гапи тушиб кетадиган одам чойхона мудирини. Оёғи бутун бўлса ҳам майли эди». Шундай ўйлайди-ю, зарда билан қичқиради:

— Ҳой, чўлоқ! Илгари чойдан урардинг, энди нима бало, шамадан ҳам уряпсанми?

Унинг зардасини Ғулом ака тушунади. Шунинг учун, жўрттага ярасига туз сепеди:

— Қари одамга аччиқ чой зиён, ошна. Юрагинг ҳам пенсага чиқай деб турибди. Товонингга қолайми?

— Ҳа, чўлоқ, ўлгудай тилинг заҳар-а!

Ғулом ака кулади ва ёғоч оёғини дўқиллатиб, ўртоғига янги чой олиб келади.

Чойхонада кўпинча иккаловидан бошқа ҳеч ким бўлмайди. Ким ҳам бўлсин? Ҳамма ишда. Қариялар ҳам. Борлари ҳам уйдан чиқолмайди. Кўрпа-ёстиқ қилиб олишган. Фақат Холпаранг билан Ҳакимбек ака келиб туришади. Улар келган куни Сулаймон отанинг дили ёришади. «Ҳар ҳолда ёлғизмасман-ку!» ўйлайди у. Уч сўм-уч сўмдан йиғиб Ғулом чўлоқнинг неварасини дўконга юборишади. Холпаранг ота ошга уста. Иликдек қилиб юборади. Ош пишгунча гап, гап, гап. Улар эсламаган воқеа, улар эсламаган одам қолмайди. Жуда бўлмаса, Акбарқорининг ашуласини хиргойи қилишади:

*Боз аро қўйсам қадам,*

*Гул гунча қилмай хандадур...*

Намозгарда ошни ейишади. Кейин битта-битта юриб, ҳар муюлишда тўхтаб уйга қайтишади. Сулаймон ота ярим кечагача мижжа қоқмайди. Чарчамаган одамга уйку келармиди? Уч-тўрт бор ҳовлига тушиб, олис-олисларда итларнинг хуришига, чигирткаларнинг одамни элитадиган чириллашига қулок солади, яна уйга кўтарилиб, ўрнига чузилади. Пенсияга чиқибдики, ҳар куни шу аҳвол. Томорқа, чойхона, уй...

Бир куни тўрт оғайни одатдагидек чойхонада ўтиришган эди, омбор мудирини Мирвосик келиб қолди.

— Отахонлар, бир илтимос бор эди, — деди у уялинқираб, — чўча Маруся ётиб қолди. Балнийсага ташлаб келдим! Шу... ўрнига вақтинча биттангиз туриб турмайсизми?

— Мен тураман-да! — деди шошиб Холпаранг ота.

— Бекор айтибсан! — деди чимирилиб Ҳақимбек ака. — Олдингдаги чойни зўрға кўрасану, қоровуллик қила олармидинг? Мен тураман!

— Ия! Ҳе! — тутақиб кетди Холпаранг ота. — Ҳали кўр бўлиб қолдикми? Заҳарингизга биз қилган ошни ейсиз-ку?! Сулаймон! Чўлоқ! Эшиттиларинга. Мен кўрмишман. Ўзинг кўр!

— Мен кўр? — баттар чимирилди Ҳақимбек ака.

— Ҳа, кўрсан! Сарсонбойнинг жанозасида ўқарикқа шалоплаб тушиб кетганингни ўзим кўрганман!

— Бўлди, бўлди! — уларни тўхтатди Сулаймон ота. — Иккаловинг ҳам турмайсанлар!

Ҳақимбек ака ҳам, Холпаранг ота ҳам гаплари оғзида қолиб, ўртоқларига қарашди.

— Иккаловинг ҳам турмайсан, — қайтарди Сулаймон ота. — Пенсияга ким олдин чиққан бўлса, шу туради. Мен олдин чиққанман, мен тураман.

У, гап тамом, дегандек ўрнидан турди.

— Юринг, ўғлим!

Ҳеч нарсага тушунмай анграйиб турган Мирвосиқ беихтиёр унинг кетидан йўлга тушди. Холпаранг ота билан Ҳақимбек ака бўзрайганларича уларга тикилиб қолишди.

Сулаймон ота ўша куниёқ ишга тушди. Кампир уйдан эски намат, кумғон, қанд-курс олиб келди. Кета туриб:

— Мени шарманда қилдингиз, — деди. — Қариганда қоровул бўлмай кетинг. Ҳамма чоллар бинойидек уйида кечаси.

— Жаврама! — жеркиб берди Сулаймон ота, кейин ўзича ҳазил қилди: — Нима, ё ёлғиз ётгани кўрқасанми?

— Вой, суюлмай кетинг сиз! Тўкилиб кетай деб турибсиз-ку, бошимга ураманми?

— Бўлди, бўлди, жўна! — деди Сулаймон ота гап тополмай.

Кечаси Холпаранг билан Ҳақимбек ака келишди. Катта пахталик тўнни елкасига ташлаб, милтиқ кўтариб олган ўртоғига Холпаранг отанинг роса ҳаваси келди.

— Аммо лекин бизни ёмон туширдинг, — деди у алам билан.

— Куппа-кундузи шилдинг, — қўшилди Ҳақимбек ака. Сулаймон ота ичида уларга ачинса ҳам, сир бой бермади.

— Ҳа, энди югурганники эмас, буюрганники.

— Омадинг бор экан, — деди Ҳақимбек ака. — Эртага чиқасанми?

— Қаёққа? — тушунмагандек сўради Сулаймон ота.

— Қаёққа бўларди, чойхонага-да. Неварам Абдусаттор Андижондан девзира олиб келибди.

— Энди билмадим, бек, — деди Сулаймон ота салмоқланиб, — хизматчилик. Бўш вақт топсам, бораман. Бўлмаса, узр.

Омбор ҳоблисида нимадир лип этди.

— Ҳой! Ким бор?

Сулаймон ота шундай деб қоронғилик ичида ғойиб бўлди.

— Ҳа... — деди ўйланиб Холпаранг ота. — Ростакам қоровулнинг ўзи.

— Нимасини айтасан.

Икки ўртоқ ҳафсаласизлик билан ўринларидан туришди.

Сулаймон ота эртасига чойхонага чиқмади. Индинига Ҳам. Қандай чиқади? Кундузи уйда, ҳали у, ҳали бу. Кечкурун омборга йўл олади. Зерикиш қаёқда? Шундай, ўзидан, ишидан кўнгли тўлиб туппа-тузук юриб турувди, қўлида милтиқ, елкасида қоровулларнинг узун пахталик чопони, бирдан фалокат — лаънати қайси ковакда яшириниб ётган экан — маҳкам ёпишди-қолди.

Ўшақуни у жуда хурсанд эди: Маруся хола касалхонадан чиқиб, шаҳарга, ўғлиниқига кетибди. Баҳоргача қайтмас экан. Чол шу хабарни эшитди-ю, ғайратига ғайрат кўшилиб, боққа ўтди. Пиёз ўтади, гармдорининг тагини чопди. Кейин памилдорини таёқчаларга боғлай

бошлади. Тушлик пайти невараси югуриб келиб қолди:

— Катта дада! Сизни Холпаранг амаким чақирвоттилар! Фермага борармишсиз!

— Нега? — ҳайрон бўлди Сулаймон ота. — Бекорчи одам фермада нима қиларкан?

— Билмадим. Дарров келсин, дедилар.

У фермага борганда, Холпаранг ота пойга учун боқилиб қўйилган отларнинг оғили ёнида эски кути устида чордона қуриб ўтирарди.

— Ҳа, узилиб қолдингми? — сўради Сулаймон ота унинг оғзи қулоғига етган башарасига тикилиб.

— Кўрмаяпсанми? Ҳайдаралининг ўзи тайинлади, — Ҳайдарали колхоз раиси эди. Сулаймон ота кулди.

— Ҳа, энди сув йўғида таяммум, — Сулаймон ота шундай деди-ю, ичида ўртоғига ҳаваси келди. Ҳар ҳолда бу иш, кечаси билан қаққайиб ўтириш эмас. Шундай бўлса ҳам, сир бой бермай, кулиб кўйди: — Қашлағич ҳам бердими?

Холпаранг ота ғижинди, лекин жанжаллашгиси келмади.

— Ҳаммасини берди, ошна. Супурги ҳам бор. Белкурак ҳам. Томорқанга энди гўнг керак бўлса ҳар битта аравакашга ялиниб юрмайсан. Бир аравами, икки аравами, ўзим олиб бориб бераман. Яхшисидан, тилласидан.

Холпаранг ота шундай деди-ю, охири чидолмади, узиб олди:

— Хафа бўлма, ошна, бу сенга Марусянинг қоровулхонаси эмас, расмана эркакларнинг иши.

— Шундоқ дегин?

— Кўриб турибсан, ошна, кўрмассан-ку!..

— Ҳа, ишинг яхши, — маъқуллади Сулаймон ота. — Фақат эҳтиёт бўл.

— Нима демоқчисан?

— Боқувда турган отлар, билиб бўлмади, қайси алвасти экан бу деб, иккинчи кўзингни ҳам ишдан чиқаришмасин.

Холпаранг отанинг чап кўзига ўтган йили оқ тушган эди. Шунинг учун ўртоғининг бу гапидан ижирғанди-ю, ўзини эшитмаганга солди.

— Сани чақирганим, ҳозир келиним ош олиб келади. Девзирадан. Биз энди ишлик одам, вақт йўқ чойхонада юришга. Юр, сейлон чой дамлаганман.

Сулаймон ота ўртоғининг олдидан қоронғи тушганда қайтди. Уйда овқат емади. Милтиғини елкасига осиб, омборхонага жўнади. Соат ўнларда Мирвосиқ омбор дарвозасини кулфлаб уйга кетди. Сулаймон ота омбор ҳовлисини бир айланиб чиқиб, қумғон тагига тараша қалади, кейин чой дамлаб ичди. Кўп ўтмай бутун кишлоқни жимжитлик қоплади. Шу жимжитлик элитдими, ё чой аччиқлик қилдими, кўзларини уйқу босди. Сулаймон ота ниманидир «дўп» этганини эшитди. Кўзини очиб атрофига қаради. Ҳеч ким йўқ. «Мушук бўлса керак», ўйлади чол ва яна кўзини юмди. Орадан кўп вақт ўтгани йўқ, кимдир бўғилиб йўталди. Сулаймон ота шошиб ўрнидан турди-да, кулоқ солди. «Бўла қол!» деди кимдир. Овоз омборнинг орқасидан эшитилди. Сулаймон ота: «Ҳой!» деганича ўша томонга югурди. Бориб, қай кўз билан кўрсинки, иккита барзанги йигит омборнинг бўғотини бузиб, бурчакдаги машинанинг резинка филдирагини битта-битта девордан оширяпти.

Сулаймон ота «Тўхта!» деганини билади, биттасикўзи аралаш мушт туширди. Чол гандираклаб йиқилди. Ётган жойида беихтиёр милтиқни елкасидан олиб, қичқирди:

— Отаман! Тўхта!

Ўғриларнинг биттаси девордан сакради, иккинчиси ҳам сакрай деганда Сулаймон ота кўзини очди ва ўша томонга милтиғини тўғрилади. «Варанг!» этган товуш янгради. Уғри қорнини ушлаганича девор тагига энгашди.

Омбор ҳовлиси бирпасда қий-чув бўлиб кетди. Қаёқдандир Мирвосиқ пайдо бўлиб қолди.

— Яшанг, ота! — деди у. — Анчадан бери қўлга туширолмай юрувдик.

— Ўқ тегди шекилли? — сўради Сулаймон ота ҳамон боши лўқиллаб.

— Баттар бўлсин!

Ярим соат ўтар-ўтмас райондан «тез ёрдам» машинаси келиб, ўғрини олиб кетди. Шаҳодат хола эса уйқусираган неварасини тўсиб, хўл пахтани эрининг кўкариб кетган кўзига босди.

Эртасига бутун қишлоқ Сулаймон отанинг уйига ёпирилди. Ҳамма уни мақтади. Уртоқлари — Холпаранг ота билан Ҳақимбек ака ҳам чин юракдан табриклашди.

— Чумчукдек юрагинг бўлса керак, деб юрардим, маладес! — деди Ҳақимбек ака.

— Ўғри от эмас, дўстим, — деди Холпаранг ота фермадаги гапга шама қилиб, — дуч келган жойингга тепмайди, пойлайди. Кўзни эҳтиёт қил. Ичимизда бутунимиз сенсан!

Сулаймон ота тишини-тишига кўйди-ю, индамади. Раис келди. Барча колхозчиларнинг номидан тўн кийгизди.

— Сиз ҳазилакам ўғриларни тутганингиз йўқ, — деди. — Улар — колхозга икки минг сўмдан ортиқ зиён келтиришган, уч марта омборни шипиришган эди. Раҳмат.

Сулаймон ота кўзи боғлиқ бўлса ҳам, кечгача янги куёвдек юрди, кампир, ўртоқлари ҳам уни ўтказгани жой топишолмади. Кечкурун эса невараси, ўғри касалхонада ўлиб қолибди, деган хабар топиб келди. Ҳеч ким, айникса, Сулаймон ота, буни кутмаган эди. Тун бўйи мижжа қокмади. Кампирининг:

— Бўлди энди, куйганингиз билан тирилиб келармиди? Ўз бошини ўзи еди, — деганига ҳам кулоқ солмади.

Икки кундан кейин суд бўлди. Сулаймон ота аввал беш йилга, кейин, кексалиги назарга олиниб, уч йилга кесилди. Бундай бўлишини билганда Сулаймон ота, ўғрилар омборни ўпириб кетишса ҳам, лом-мим демасди. Лекин начора? Фалокат оёқ остида туради, деб шуни айтадилар-да.

— Ота, бир оз сабр қилинг, — деди Ҳайдарали ҳукмдан кейин. — Мен буни бу аҳволда қўймайман. Милтиқ бериб қўйгандан кейин бир кунмас-бир кун у отилади-да. — Сулаймон ота карахт эди, эшитмади. Эшитса ҳам нима дерди? Сабрдан бошқа иложи бормиди. У суддаги ҳамма гапга тушунди, фақат биттасига тушунмади. Суд раиси: «Тўрт хил қоровул бор. Шунинг учтаси отиш ҳуқуқига эга. Тўртинчиси эга эмас. У фақат милтиқ билан қўрқитиши мумкин. Сулаймон ота шу тоифага киради», — деди. У шу гапга тушунмади. Бу гапни қамоқхона ўз уйидек бўлиб қолган Саша, Тўлаган олифта каби азаматлар ҳам тушунтириб беришолмади. Бўлмаса улар жиноят кодексини сув қилиб юборишган. Тушунтиришмаса ҳам чолнинг кўнглини олишди:

— Ўзингизни эманг, ота, — деди Тўлаган олифта. — Бағ-буғлашиб юрасиз биз билан. Иннайкейин, унинг ўзида айб. Соғ қолганда, балки бўйнига оларди. Секин келиб

қўлингиздан милтиқни олиб қўймайдими, иши битгандан кейин девордан улоқтирмайдими? Уста кўрмаган экан-да.

— Қайдам, болам, — деди ўпкаси тўлиб Сулаймон ота.

— Қайдам эмас, ота, рост, — деди чирт этиб туплаб Сашка. — Уста кўрмаган. Бизнинг қўлга тушганда, бир йилда одам қилардик! Сиз ҳам тинч эдингиз ўшанда, у ҳам айшини суриб юрарди. Ўзидан кўрсин. Сиз эзилманг, ота. Ҳукми бекор қилишади. Мени айтди дерсиз. Фақат нобоп судга тушиб қолибсиз-да. Бир оз чидайсиз энди.

Сулаймон ота чидади. Аммо эрталаб ҳам, кечкурун ҳам беихтиёр кўзига ёш келаверади. Шу аҳволда уч ой ўтди. Бутун қишлоқ келиб-кетди деса бўлади шу вақт ичида. Холпаранг ота билан Ҳақимбек ака ҳам аввал тез-тез келиб туришди. Учинчи ойга ўтганда бирдан келмай қолишди. Сулаймон ота хафа бўлди, кейин касал-пасал бўлиб қолишдими, деб хавотир олди.

— Улар тинчми? — сўради бир кун кампири келганда.

— Отдек юришибди, — деди кампир зарда билан. — Иш топишибдими, кунда шаҳарга қатнашади. Энди, шуларни ҳам ўйлайсизми?



— Сўрадим-қўйдим-да, — деди Сулаймон ота ранжиб.

— Ҳайдарали салом деб юборди. Яна ариза билан юқорига чиқармиш. Мирвосиқ ҳам суд қайнисига учраб келибди.

— Гапирма ўшани! — жеркиб берди Сулаймон ота. — Ҳамма ишни ўша қилди, ҳажиқиз!

Учинчи ой ҳам тугади. Ҳеч қандай янгилик бўлмади. Сулаймон ота ҳаммадан эрта туриб чой қайнатади. Лагернинг қабулхонасини супуради. Одамлар ишга кетгач, яна бакка сув солиб олов қўяди. Бир куни тушликка чой қўйиб, энди нима қилсам экан, деб турган эди, лагер бошлиғи чақириб қолди:

— Ота, сизга қоғоз келди, — деди у, — энди озодсиз. Сулаймон ота анграйиб қолди.

— Рост, ота. Озодсиз.

— Кет... кетавурайми?.. — сўради тутилиб Сулаймон ота.

— Марҳамат.

Сулаймон ота баракка югурди. Лекин ҳеч нарчасини олмади. Фақат чопонини елкага ташлади.

Кўчага чиққанида, толнинг соясида икки киши турарди. Сулаймон ота таниди. Булар — Ҳакимбек ака билан Холпаранг ота эди. Юраги қинидан чиқиб кетай деди.

— Ҳаким?! Холпаранг?! — деди кўзи ёшга тўлиб.

— Нима, ўлди девдингми? — деди Холпаранг ота.

Уч оғайни кучоқлашиб кўришишди.

— Нега келмай кетдиларинг? — чимирилиб сўради Сулаймон ота.

Ҳакимбек ота катта идораларда юришганини оғзи тўлиб айтмоқчи эди, Холпаранг ота туртиб қўйди:

— Ҳа, энди, қарилик-да, ошна, — деди вазминлик билан. — Шунга ҳам хафа бўласанми? Айтгандай, суюнчи бер!..

— Хўш? — сўради Сулаймон ота.

— Маруся бутунлай келмасмиш. Ўғли олиб қолибди. — Учалоги кулиб юборишди, кейин чопонларини елкага ташлаб йўлга тушишди. Катта кўчага чиқишганда, Ҳакимбек ота Акбарқорининг ашуласини бошлаб юборди:

*Боз аро қўйсам қадам,*

Сулаймон ота илиб кетди:

*Гул гунча қилмай хандадур...*

— Бизнинг бобой-ку! — деди девор орқасида ғишт ташиётган Сашка.

— Худди ўзи!

Тўлаган олифта ҳавас ва қандайдир юракни чимчиловчи алам билан ашула олислагунча кулоқ солиб турди.

1971

## СЎНГГИ САФАР

Истеъфодаги майор Низомиддин ака Назаров хотини қабрини зиёрат қилиб қайтаётган эди, бирдан юрагига санчиқ турди, нафас олиши оғирлашди, узун гўштдор кулоқларига тиралиб турган антиқа телпаги остидан муздек тер худди мингоёқдек иккала чаккасидан ўрмалаб туша бошлади. Юрак санчиғидан кўра Низомиддин акани ана шу тер чўчитди. Дастрўмол олишга ҳам сабри чидамай, кафтлари билан терни сидириб ташлади. Юрак санчиғи тўрт-беш йилдан бери бор эди. Совуқ тер нимадан бўлдийкин? Низомиддин ака беихтиёр чаккаларини силади. Кафтлари яна хўл бўлди. Нима қилса экан? У шундай ўйлади-ю, қабристонга келганига ачинди. Қабристон соғ одамни ҳам касал қилади, юракни ўйнатиб, хаёлга минг хил нохуш фикрлар келтиради, деб ўйларди у. Шунинг учун ҳам хотинининг йилини ўтказганидан бери ўтган беш йил ичида — бугунгисини ҳисобламаганда — икки ёки уч марта келган эди.

Бугун ҳам келишни ўйламаган эди. Тонгга яқин туш кўрди. Ишдан қайтса, хотини ҳовли супураётган эмиш. «Касал одам нега турдинг?» — деб қўлидан супургини олмоқчи бўлган эди, хотини бермади: «Кўйинг, уришиб қоламиз», деди.

Низомиддин ака бу калта, юлуқ тушдан кўнгли хира тортиб уйғонди-ю, қизи Вазира ишга кетиши билан қабристонга йўл олди. Уларнинг хилхонаси қабристон этагидаги кўрғонча ёнида эди. Бир ҳафта бурун тун бўйи ёққан қор, совуқнинг нафаси анча босилганига қарамай, ҳали эримаган, қабристон гўё оқ кўрпа остида эди. Фақат офтобрўя жойлардаги баъзи қабрларнинг устигина гуваладек қорайиб турарди.

Низомиддин ака кўрғончага келиб, кимнинг қабри қаердалигини тахминангина эслади. Онасининг қабри кўрғончанинг шундай олдида эди. Ундан кейин кетма-кет отаси, иккита амакисининг қабри. Хотини онасининг чап томонида эди. Низомиддин ака буни тахминсиз ҳам биларди. Хотини қабрига йил ўтиши билан қабристон ёнидаги устахонада катта мрамар тош буюртириб, ўзи қўйдириб кетган эди. Тош салобатли сарғиш эди. Фақат Низомиддин акага ёқмаган жойи — бу, фамилиянинг остига ўйиб солинган гул эди. Бу ҳам майли. Рассом йигит унинг «чиройли бўлсин» деган гапини ўзича тушуниб, гулнинг бир шохига кичкина қушнинг расмини ҳам ўйиб қўйган эди. Шу бачкана қуш, хотинини эслаганда, ё қабристонга келганда доим таъбини хира қиларди. Бир буздириб ташлаб, янги тош қўймоқчи ҳам бўлди, лекин Вазира кўнмади. Негадир унга худди шу гул билан қуш ёқиб қолган, ҳазил аралаш менинг қабримга ҳам шундай расмли тош қўйдирасиз, деган эди.

Қор ёпишиб ун сепилгандек ёзувларни ҳам, расмларни ҳам бекитган тош олдида аллавақт туриб, Низомиддин ака кўчага йўл олди. Жимжит қабристон, оппоқ қор, меҳрибон кишилар, айниқса, хотинининг қабри, илк баҳор нафасини олиб келиб димоққа урган илиқ шамол эрталабдан бери дилини қамраб олган ғашликни кўтариб юборди, ўзини қандайдир мусаффо сайргоҳда юргандек ҳис қилди, нимжон, касалманд, аммо шикоятни билмайдиган, шу туфайли дардини ичига солиб ўлиб кетган хотини ҳам, бутун маҳаллада полвон деб ном чиқарган басавлат отаси, жиккаккина, умри тиним билмай ўтган онаси ҳам, ҳазилкаш, жаҳллари бурниларининг учида турадиган амакилари ҳам ҳозир тирикдек туюлиб кетди, хотини ўлимидан сўнг бирдан-бир азоби билан юрагига ўрнашиб олган қариллик кайфияти кўтарилди. «Жуда яхши қилдим келиб, — хаёлидан ўтказди у. — Тез-тез келиб тураман энди».

Шу хаёл, шу кўтаринки кайфият қабристоннинг панжарали, баланд темир дарвозасига етганда ҳам уни тарк этмади. Дарвозадан чиқди-ю, негадир юраги санчиб кетди. Агар совуқ тер чиқмаганда бунга унча эътибор бермасди. Мингоёқдек баданини жунжикиб чаккаларидан ўрмалаган тер уни хавотирга солди. «Дам олиш керак бир жойда ўтириб», — деди хаёлан у.

Қабристон дарвозасидан юз қадамча нарида ариқ бўйида чойхона бор эди. Хотини қабрига тош қўйдиргани келганда кирган эди. Қабристон ёнида бўлгани учунми, чойхонанинг қандайдир тушуниб бўлмайдиган осойишталиги, текис, сокин сув, узун тахта сўри ёнидаги

танаси кучокка сиғмайдиган, ярми куриб, каллакланган, қолган ярми серофтоб кунлари бутун чойхонага соя бериб, салқин қилиб турадиган кекса мажнунтол уни ўшанда оғир хаёллардан халос қилган, кўнглига таскин берган эди. Низомиддин ака шу чойхонага боришга, фақат секин, юракни алдаб битта-битта қадам босиб боришга қарор қилди ва енгил тортгандек бўлди.

Чойхонада ҳеч ким йўқ эди. Пастак ёғоч панжарали девор ёнига юпқа кул босган қор уюб қўйилган, ҳовли бўм-бўш. Сувга қараган пешойналик чорси айвонда ҳам пахталик чопон устидан калта оқ халат кийиб олган чойхоначи чолдан бошқа ҳеч ким кўринмасди.

Низомиддин ака айвонга кириб дераза тагидаги кўрпача устига ўтирди. Телпагини ечиб, пешанаси, кулоқларининг орқасини артди. Оппоқ батист рўмолча жикқа ҳўл бўлди. «Нимадан бўлди экан бу?» — яна ўйлади у ва шу ўй билан бўлиб, чойхоначи ёстик, тулука лаганчада қанд, конфет ва чой олиб келиб қўйганини сезмади. Ҳўл рўмолчани чаккасига тутар экан, юз-қўли музлаб кетаётгандек бўлди. Наҳотки, бу ўлим бўлса? Беихтиёр хаёлидан ўтказди у. Илгари шундай фикр хаёлига келса, дарҳол бирон нарсага уннаб, ўзини чалғитишга ҳаракат қиларди. Ҳозир эса бундай қилмади, аксинча шу, тўсатдан келган хаёлга ихтиёр бериб, кўзларини юмган эди, чойхоначининг йўғон овозини эшитди:

— Мазангиз йўқми? Низомиддин ака бошини кўтарди.

— Йўқ, бир оз тер босди...

— Чарчагансиз, — ишонч билан деди чойхоначи. — Иссиқ чой ичинг қанд билан. Ўтиб кетади. Кексайгандан кейин одам шунақа бўлади! Гоҳ ўти оғрийди, гоҳ бўти.

Парво қилманг. Кеча манам ўлиб қоламанми девдим, юрагим санчиб. Мана, отдайман. Парво қилманг. — Чойхоначи кулди. — Ҳисоб-китоб ҳам қилиб ўтирибман.

— Ҳисоб-китоб? — тушунмади Низомиддин ака.

— Ҳа. Кимда нима бор, кимга нима беришим керак. Ўлимни ўйлаган одам тинч бўлиши керак-да. Ҳайтовур ҳамма ишларим саранжом экан...

Низомиддин ака «менинг ҳам юрагим санчиб турибди», демоқчи эди, чойхоначининг сўнги гапи хаёлини олиб кочди. «Дарвоқе, менинг ишларим қалай? Саранжомми?» — деди хаёлан у ва юрак санчиғи ҳам, совуқ тер ҳам бу савол олдида ҳеч гап эмаслигини англади, фақат нима учун шу кунгача бу ҳақда ўйламайганига, умуман, нима учун одам бу ҳақда кексайиб, ўлим эшик қоқиб келгандагина бош қотиришига афсусланди. Масалан, унинг ўзи илгарироқ, кучга-ғайратга тўлиқ, қўли узун пайтида бу ҳақда ўйлаганида ҳаёти бошқачароқ бўлармиди? Тағин ким билади, балки ҳаёт қонуни шундайдир? Одам умрининг охирида шу саволга жавоб қидиришида, босиб ўтган йўлига назар солишида қандайдир мантиқ бордир?

Низомиддин ака шуларни ўйлар экан, юрак санчиғини унутди, мингоёқдек ўрмалаб ғашини келтирган совуқ тер хаёлидан кўтарилди, турмуши, олтмиш беш йил ичида бошидан кечирганлари сув тўлқинларидек бешик-бешик бўлиб кўз олдидан ўта бошлади.

У кўпчилик қатори яшади. Бировни ноҳақ уришмади, ўзи ҳам бировдан ноҳақ уриш эшитмади. Ёшлиги шаҳарда ўтган бўлса ҳам, эсини таниб, институтга киргунича сигир-бузоқ ичида ўсди, ота касби — от-арава ҳайдади. Албатта, эрта шаҳарда ширин уйқуни бузиб, ем-хашак келтиргани қишлоққа жўнаш, айниқса болалигида оғир ботарди, ўпкаси тўлиб, отасига билдирмай йиғлаб ҳам оларди. Лекин на илож, унинг тўнғичи, бормаса бўлмасди. Шунинг учунми, катта бўлганида сут-қатиқни ёмон кўриб қолди, ичмайдиган бўлиб кетди. Институтга кирди-ю, от-арава, сигир-бузоқдан қутулди. Шаҳарда мол боқишнинг ўзи ҳам қийинлашиб кетди. Бир куни ўқишдан қайтса, отаси билан онаси ичкари хонада деразаларнинг пардаларини тушириб олиб, пул санаб ўтиришибди. Нима бўлганини у дарҳол тушунди. Югуриб оғилхонага кирди. Овқатга тўймай, доим унинг ғашига тегадиган филдек тарғил сигир ҳам, оғилхонани бошига кўтариб, ҳеч кимга тиним бермайдиган тўрт ойлик ола бузоқ ҳам йўқ эди. Улардан қутулишни болалигидан истаб келган бўлса ҳам, Низомиддин аканинг ўшанда кўнгли алланечук бўлиб кетди. Уйга кириб, бекор қилибсизлар, деди. Назир карвон индамади. Фақат

кечки овқат пайти, ҳамманинг хомуш ўтирганини кўриб:

— Мол боқиш кийин энди, — деди бўғилиб.

Уруш йиллари куйган буғдойзор, жўхоризорлар ичида, ё ўрмон этагидаги ўтзорларда битта-яримта эгасиз қолган сигир ёки бузокни кўрар экан, Низомиддин ака ўша ҳувиллаган оғилхонасини эслаб кетарди, кўзларидан нимқоронғи хонада пул санаб ўтирган ота-онаси ўтарди ва дилини қандайдир илиқ ўксиниш қопларди, эрта сахарда туриб, кўзларида отаси сезмаган ёш билан уйдан арава ҳайдаб чиқиш, ҳали деярли уйкуда бўлган шаҳарнинг осойишта салқини, ҳар бир ўт-ўлани таниш бўлган мол боқадиган жойлар, қулупнай, бодринг, ялпиз ҳидини анқитувчи қишлоқ, шудринг босган полизлардаги хаёл қочган пайтлари, юракни ёргудек тарс-турс овозлар — энди уни ҳаяжонга солар, болалиги, умуман, яхши ўтганлигини, кўзларида ёш мўлтираган дамларни энди дарё ёш билан ҳам қайтариб бўлмаслигини ачиниб эсларди.

Институтни битирадиган йили Тўқимачилик комбинатига ишга кирди ва шу йили уйланди. Тўй унга қувонч келтирмади. Тўй куни отаси қазо қилди. Ҳовлида базм, ўйин-кулги, идиш-товоқнинг тақир-туқури, ичкарида эса аза... Буни тўй тарқаб, келин билан гўшангага кирганда билди. Катта амакиси айтди. Тўй бузилмасин, деб илгарироқ айтмаган экан. Назир карвон озгина нафасим қисилиб турибди, деб каравотга чузилибди. Суюқ овқат тарқатишаётганда, хабар олишса — ўлиб ётган эмиш. Шу сабаб бўлдими, Низомиддин ака хотинини хуш кўрмай қолди. Хафа қилгани йўқ, қаттиқ гапирмади, лекин эр бўлиб бир марта эркалатмади ҳам. Мастура опа аёллик лаззатини билмай бегонадек келиб, бегонадек кетди. Низомиддин ака ўзи кўмди. Хотинининг ёш (эллик бирда) ўлганига ачинса ҳам, йиғламади, ёш келмади кўзига. Улар учта фарзанд кўришди. Тўнғич ўғиллари — Баҳриддин Бекободда инженер, кейингиси — Бадриддин Олмаликда завод директори. Иккалови ҳам оила қуриб, ўзларидан тинчиб кетишган. Қизлари — Вазира фақат уларнинг ичида омадсиз чиқди. ТошМИда ўқиб юриб, турмуш курди. Ўқишни битирмай, эрининг кетидан чет элга кетди. Йил ўтмай ёлғиз қайтиб келди. Шу-шу отаси билан бирга. Низомиддин ака нима учун қизи эридан ажраганини билмасди. Вазира ҳам ёрилиб айтмасди. Ўзи яхши кўриб теккан эди, шунинг учун алами ичида эди. Эридан гап очилиб қолса, кўзлари ғазабдан чакнаб кетар эди. Низомиддин ака қизидан ташвишда эмас эди. Ҳали ёш, бахтини топиб кетади, деб ўзига таскин берарди. Вазира уйга қайтиб келган йили Низомиддин ака онасидан ажради. Эридан сўнг ўттиз йил яшаб, турмуш курмай ўтган онаси унинг учун меҳр-садоқат булоғи эди. Ҳеч кимнинг ўлими Низомиддин акани бунчалик қақшатиб кетмаган эди. Узоқ вақт у ўзига келолмай юрди, уйдаги ҳар хонадан онасининг майин, меҳрибон овози эшитилиб турди. Қизининг борлиги, ўзининг анча ёшга борганлилигина уни тинчитди. Яқин одамларнинг ўлими, ёлғизликни назарга олмаган-да, Низомиддин аканинг оилавий ишлари, чойхоначи айтганидек, саранжом эди. Уни баъзан кийнайдиган нарса — хотинига муносабати эди. Отасининг бевақт ўлимига хотини мутлақо дахлдор эмаслигини у биларди. Хотинининг айби шуки, у қайната ўлган куни келин бўлиб тушди ва Низомиддин ака ўзи сезмаган ҳолда буни умр бўйи кечирмади. Агар муҳаббат қўйиб уйланганда, ким билади, турмушлари бошқача бўлармиди? Бир куни ишдан қайтганда кўрпа қавиб ўтирган онасининг ёнида бир қизни кўрди. Қиз оёқларини бир томонга йиғиштириб, тиззаларини беркитиб турган атлас кўйлагини торта-торта бошини ердан кўтармай ниманидир гапирарди. Низомиддин ака салом бериб, ўз хонасига ўтиб кетди. Ечиниб чиққанида, қиз йўқ эди. У қизнинг кимлиги билан қизиқмади ҳам. Онасининг ўзи сўради.

— Мастура қалай? Ёқдимми?

— Қайси Мастура? — тушунмади Низомиддин ака.

— Бояги қиз-да, Обид тоғанинг кенжаси. Анчадан бери кўрмаган эдим, очилиб кетибди лоладай бўлиб.

Низомиддин ака елкаларини қисди. Ана шу ҳаракати масалани ҳал қилди. Ўша йилиёқ тўй

бўлди. Тўйгача у бепарво юрди. Тўйнинг эртаси, отасини кўмиб келишганда, ҳовлини бошларига кўтариб йиғлаётган онаси, синглиси, қариндош-уруғларига аралашолмай, кўйлаги сингари қора пешанабоғининг бир учини тишлаб нима қилишни билмай бир чеккада жонсарак бўлиб турган хотинини кўрди-ю, унга уйланганига пушаймон еди. Йиллар ўтди, лекин бу пушаймон тарқалмади, канадек ёпишди-қолди. Фақат бир марта Низомиддин ака хотинига нисбатан меҳри товлчнганини билади. Уруш тугаб, уйга қайтган эди ўшанда у. Ойдин кеча эди. Улар ҳовлида, баланд тахта сўрида ётишарди. Низомиддин ака нимадандир чўчиб уйғониб кетди. Тун жимжит эди. Тиккага келган тўлин ой бутун ҳовлини ёритиб турарди. Мастура опа осмонга қараб тинчгина ухларди. Унинг ҳатто нафас олиши ҳам эшитилмасди. Ёстик билан битта бўлиб ётган қора сочлари ой шуъласида зулукдек товланарди. Бўйнигача тортилган юпка чойшаб остида нозик, хушбичим бадани аниқ сезилиб турарди. Низомиддин ака беихтиёр тикилиб қолди, бағрига босгиси, узун, қуюқ қошлари, кичкина қулоқлари аралаш юз-кўзларидан ўпгиси келиб, ёнбошига ағдарилганда, хотини кўзларини очди.

— Нима қиялпсиз? — сўради хавотирланиб.

— Сенга қараяпман.

— Ёмонманми?

Низомиддин ака бошини кимириллатди.

— Яхшисан... чиройлисан...

Хотини касал одамдек оҳиста жилмайди, кўзларида ёш йилтираб кетди.

Бу воқеа уларни яқинлаштирган бўлди, лекин бари-бир Низомиддин аканинг дилидан совуқлик кўтарилмади. Ёлғиз қолибгина, унга ачина бошлади. Аввало, уйланмаслиги керак эди. Уйландими, унга яхши қараши керак эди.

Буни у энди, қариганда тушунди. Ундаги хотинига бўлган совуқлик, тўғрироғи, бефарқлик бошқа аёлларга ҳам тарқалди. Шунинг учун у хотинига хиёнат қилгани йўқ. Фақат бир марта бир аёлга нисбатан кўнглида илиқлик пайдо бўлган эди. Буни ҳам у энди, қариганида, ҳаётини бир-бир кўз олдига келтира бошлаганида англади.

Бу воқеа Белоруссияда бўлган эди. Пуховичи деган жойда унинг ротаси душманни қувиб бораётиб, Горинь дарёси олдида тўхтаб қолди. Немислар кўприкни бузиб кетишган эди. Низомиддин ака шу кўприкни, унинг ёнидаги қоғоз ёпиштирилган деразалари дарёга қараган болохонали ёғоч уйни бутун тафсилоти билан эслади. Уй сув ювиб қиялашган силлик қирғоқдан беш-олти қадамгина нарида бўлиб, ундаги илон изидек ёлғиз оёқ йўл дарёга чузилиб тушган эди.

Моғор босган пайраҳа том, унинг тепасида чириган, дон чўқиляётгандек эгилиб, тумшуғи томга тегиб турган тунука хўроз, уйнинг кўча томонида қирқиб ташланганиданми ё кўприк портлаганида узилганиданми, ерга тегай-тегай деб осилиб турган электр сим, зинапояли остона ёнида нам тортиб ётган арава шотиси ҳозиргина кўргандек кўз олдидан ўтди.

Янги кўприк солиш ҳақида энди буйруқ бермоқчи бўлиб турганида уй томондан аёл кишининг овози келди. Низомиддин ака ёнига ўтирилди. Остона олдида бола кўтарган бир ёш аёл турарди. Қирғоққа яқинлашиб унинг гапларини эшитди. «Дарё чуқур эмас, агар уйнинг тўғрисида тушил-са ўтиб кетиш мумкин», — деди аёл.

Низомиддин ака у кўрсатган жойдан дарёга тушиб, нариги соҳилга ўтди. Сув белидан келди. Танклар ўтиши мумкин эди. Лекин бу жойнинг бир қалтис томони бор эди. Дарёдан кўтарилаётганда танклар уйга тегиб, бузиб кетишлари мумкин эди. Ёғоч уйнинг бир жойи бузилди — бутун уй бузилди, деган гап. Низомиддин аканинг боши қотди. Худди унинг хаёлини сезгандек:

— Ўйламанг, уй бузилса бузилар, — деди аёл. — Мен... — унинг юпка лаблари титраб кетди, — розиман...

Низомиддин ака унга миннатдорлик билан қаради-да, дарё томон югуриб кетди. Ўтиш

ҳақида буйруқ бериб, яна аёл ёнига қайтиб келди.

Аёлдаги нимадир, узун, тўпиғига тушиб турган рангсиз кўйлагими, онасиники сингари кўм-кўк кўзларини шовқин-сурон билан дарёдан ўтаётган танклар, солдатларга катталардек вазмин тикиб, ўрта бармоғини сўриб турган ориқ болами, унга ёқиб қолган, бир дақиқа бўлса ҳам тинчлик ҳузурини бағишлаган эди...

У кутгандек, биринчи танк оқ уйнинг бурчагини сидириб кетди. Аёл беихтиёр кичкириб юборди. Аммо уй мустаҳкам экан, бир қимирлади-ю, жойидан қўзғалмади. Бошқа машиналар эҳтиётлик билан шу ердан ўта бошлади.

—Эрим қурган, — деди ўзини босиб олиб аёл.

—Қаерда у? — беихтиёр сўради Низомиддин ака.

— Ҳалок бўлган... ўтган йили... — деди аёл ва боласини маҳкамроқ бағрига тортди.

Низомиддин ака ўзини ноқулай сезиб, боланинг бошига кўлини қўйди.

— Как тебя зовут, малыш?

Бола бошини олиб қочиб, онасининг елкасига ёпишди.

—Ваня... Иван... — деди аёл маъюс кулимсираб.

—Менинг ҳам ўғлим бор...

— Каттами? — сўради аёл.

Низомиддин ака ҳисоблай бошлади:

— Тўрт ёш бўлиб қолди. Лекин кўрганим йўқ. Танимаса керак мени...

— Танийди... Омон бўлсангиз бўлди...

Иккалови жим қолишди.

Бутун рота ўтиб бўлгач, Низомиддин ака аёлга кўлини узатди.

— Раҳмат. Катта ёрдам бердингиз...

Низомиддин ака унинг озғин кўлини қўллари орасига олар экан, юрагини нимадир тимдалаб кетди. Вужудини раҳм, миннатдорликдан ҳам юксак бир ҳис, илиқ бир хаяжон қоплаб олди ва нима дейишини билмай илжайди. Ноқулай вазият анча давом этди шекилли:

—Кутиб қолишди, — деди аёл кўлини тортиб. Унинг майин, меҳр тўла овози уни ўзига келтирди.

—Исмингиз нима?

—Таня... — деди аёл ва ер остидан унга қараб қўйди.

— Таня, уйингизни тузатиб берамиз. — Низомиддин ака боланинг пешанасидан ўпди. — Албатта тузатиб берамиз!

Аёл оҳиста бошини қимирлатди.

Минск шаҳри озод қилинган, Низомиддин акалар полки резервга ўтди. Имкониятдан фойдаланиб, Низомиддин ака иккита солдатиغا Пуховичига бориб келиш учун рухсат олди. Улар бир ҳафта ичида уйни тузатиб қайтишлари керак эди. Ротада элликларга борган чимкентлик Шекен Омонкулов деган солдат бор эди. Низомиддин аканинг бу, ҳарбий ишга укуви йўқ одамга раҳми келиб юрарди. «Оқсоқол», — дер эди ҳам ҳурмат, ҳам ҳазил аралаш уни доим. Оқсоқолнинг бешта фарзанди бўлиб, ҳаммаси қиз эди.

— Ширақ, — дерди оқсоқол ҳам ўзини яқин тутиб Низомиддин акага. — Мени немис аз жерге солсангши. Ўлиб-нетиб кетсам, бешов қиз не қилади?

Низомиддин ака Пуховичига шу оқсоқол билан сибирлик бир полвон йигитни жўнатди. Аёлга ярим қоп озиқ-овқат ҳам бериб юборди. Аммо уларни кейин кўриш насиб қилмади. Брест яқинида Низомиддин ака сонидан ярадор бўлиб, Минскка жўнатилади. У ердан уйига қайтди. Лекин ҳарбий хизматдан уни бўшатишмади. Область ҳарбий комиссариатида ишлади. Шу ердан истеъфога чиқди.

Низомиддин ака дарё лабидаги воқеани эслар экан, кўз олдидан Пуховичига жўнатиладиган солдатлар ўтди. Уйни тузатиб беришдимикан улар? У шундай ўйлади-ю, ҳаётидаги энг

носаранжом иши шу эканини тушунди. Оқсоқол ҳам, сибирлик йигит ҳам ишончли одамлар эди. Бунинг устига улар солдат эди. Буйрукни бажармасдан иложлари йўқ. Аммо урушда нималар бўлмайди? Шу фикр бутун вужудини бўшаштириб юборди. Кейин аёл хаёлидан ўтди. Таня... Татьяна... Тирикмикин у? Тирик бўлса, қандай экан ҳозир? Низомиддин ака қанча ҳаракат қилмасин, ўшанда ҳали ўттизларга бормаган, олтин соч, зангори кўз аёлни бошқача тасаввур қила олмади. Бунинг зарурати ҳам йўқ эди. Унинг учун ҳозир энг муҳими кечикиб ёдига тушган қарзидан кутулиш, уйи бузилган бевани ва унинг ўғлини бахтли кўриш эди.

У шундай қарорга келди-ю, тунука лаганчага чўнтагидаги бор тангаларини ташлаб, чойхонадан чиқди. Эртасига эрталаб эса аэропортга йўл олди. Оқшом пайти у Минскка кўнди. Қанча ошиқмасин, Пуховичига қоронғида кириб бо-ришга оёғи тортмади. Кўнгли негадир нотинч бўлиб кетди. Шу нотинчлик билан меҳмонхонада ётолмай кўчага чиқди.

Уруш вайроналаридан Минскда асар ҳам қолмаган эди. Телевизорда урушдан кейин қад кўтарган янги Минскни кўп кўрган бўлса ҳам, кўз олдида пайдо бўлган баланд бинолар, кенг, кафтдек текис кўчалар, турна қатор ўтиб турган машиналар уни ҳайратга солди. Янги Минск бунчалик деб, у кутмаган эди.

Эрта тонгда такси ёллаб Пуховичига жўнади. Тушга яқин шофёр келдик, деди. Аммо у тушган жой эски Пуховичи эмас, бутунлай ўзгарган, катта шаҳар эди. Бу жой Пуховичи эканлигини йўл ёқасидаги ўрмондан ва шаҳарни қоқ белидан кесиб ўтган дарёдан билди. Горинь эди дарёнинг номи.

Низомиддин ака шаҳарга кирмай, машинани катта йўлда қолдириб, ўрмон томон йўл олди. Кўприк шу ўрмоннинг этагида эди. Ўрмон ўзгармабди. Фақат дарахтлар катта бўлиб кетибди. Буни қайинлардан билди. Ўшанда улар ёш эди, ҳимоясиз эди... Ўрмондан чиққанда битта арава сиғадиган тор ёғоч кўприк кўринди. Улар душманни қувиб келган асосий йўл шу ердан ўтарди. Энди эса арава йўли бўлиб қолибди. Низомиддин ака кўприкка келди-ю, юраги бирдан шувиллаб кетди. Дарёнинг нариги соҳилида ҳеч қандай уй йўқ эди. Унинг ўрнига ёш қайинлар ўтказилган эди. У ўз кўзларига ишонмай, кўприкдан ўтди. Уй йўқ эди. Минг хил фикр хаёлига келди. Аввал солдатларни келишмаган, деб ўйлади. Аммо бунга ишонмади. Кейин Таняни ўрмоннинг нариги томонида қад кўтарган янги уйлардан бирига кўчиб чиққан, деб фараз қилди. Кошки эди шундай бўлса? У шундай ўйлади-ю, шунча йил ичида хат ёзмаганига ачинди. Лекин Танянинг исмидан бошқа ҳеч нарса билмаганини эслаб ўзини койиди.

Нега ўшанда фамилияси, адресини ёзиб олмади? Нега оқсоқолга хат ёзмади? Ахир унинг фамилиясини биларди-ку?!

Шу хаёллар билан кўприк устида анча туриб қолди. Олисда отлик арава кўринди. Низомиддин ака уни кутди.

Арава кўприкка яқинлашганда, устида ўзи тенги мўйсафид оёқларини осилтириб ўтирганини кўрди.

— Кечирасиз, шу ерликмисиз? Мўйсафид отнинг жиловини тортди.

— Нима эди?

— Манави ерда ёғоч уй бор эди... Мўйсафид уни гапиргани кўймади.

— Биладан, Гиловичлар туришарди. Ўтган йили бузиб ташлашди. Ким керак эди?

— Таня, — секин, кўрқув аралаш сўради Низомиддин ака.

— Э, Татьянами? Ўлди у. Икки йил бўлди.

Низомиддин ака бўшашиб кетди. Томоғига келиб тикилган йиғини зўрға тутиб, кўприк панжарасига суянди.

— Тириклигида шунча илтимос қилишди, янги уйга кўчиб ўт, деб. Ўтмади, — гапида давом этди мўйсафид. — Яхши аёл эди мархума. Шу ерда ўламан, деб туриб олди. Шу ерда ўлди.

— Ўғли-чи? Ўғли бор эди-ку? — сўради Низомиддин ака.

— Бор ҳали ҳам. Иван Федорович, — деди мўйсафид. — Ҳарбий учувчи. Уйланган. Қизи бор,

Таня. Онасининг хурмати учун шундай исм қўйган. Ҳар йили кузда келиб кетади.

— Қабрини билмайсизми?

— Нега билмас эканман? Биламан. Ҳов анави, қайинзорнинг этагида қабри. — Мўйсафид дарёнинг ўнг соҳилидаги кичик ўрмонни кўрсатди. — Ғалати аёл эди марҳума. Қабристон бу ёқда қолиб, икки солдат кўмилган жойга кўмасизлар, деб васият қилган экан. Ўша жойга кўмдик.

— Иккита солдат? — ҳайрон бўлиб сўради Низомиддин ака.

— Ҳа, уйини тузатиб берган иккита солдат.

— Улар ўлганми?

— Ҳалок бўлишган. Уйни тузатиб кетишаётганда милага дуч келишган. Иккалови ҳам ўша заҳоти ўлган. Татьяна ўзи кўмган уларни. Ҳов ана. Қабрлари шу ердан ҳам кўриниб турибди. Мана энди ўзи ҳам ётибди уларнинг ёнида. Сиз ким бўласиз?

— Мен... мен ҳам шу ерда жанг қилганман, — деди бўғилиб Низомиддин ака ва бўшашганича мўйсафид кўрсатган ўрмон томон оҳиста юриб кетди.

Яқинда қад кўтарган кичкина қайинзор этагида учта қабр ёнма-ён турарди. Четда оқсоқол — Шекен Омонкулов қабри, ўртада — сибирлик полвон Иван Стародуб, унинг ёнида Таня... Татьяна Гилович... Учаловининг қабри устида қизил рангга бўялган темир юлдуз. Низомиддин ака кўзларидан ёш куйилиб лабларига тушганини сезмади. Узоқ турди қабрлар ёнида. Ҳазилкаш оқсоқолни кўз олдига келтирди, сибирлик полвон йигитни... Ачинди уларга, айни вақтда кўнгли ғурур билан тўлди. Ваъдаларининг устидан чиқишибди, уни ёлғончи қилиб қўйишмабди. Кейин Таняни кўз олдига келтирди. У уйи ёнида боласини кўтарганича меҳр ва умид билан ҳамон унга тикилиб тургандек эди...

Белоруссияда у беш-олти кун қолиб кетди. Брестда бўлди, Минскда. Жанг билан босиб ўтган йўлларини бир бошдан эслади. Урушнинг барча кулфатлари, жангчиларнинг матонати акс этган Хатинда бўлди. Қаерга бормасин, ҳамма ерда Танянинг мовий кўзлари хаёлидан кўтарилмади. Бу кўзларни у энди мутлақо унутмасди.

Ҳаётининг сўнгги дамларигача энди бу кўзлар солдатлик ва одамийлик бурчига содиқ қолган жанговар ўртоқлари — оқсоқолни, сибирлик полвон йигитни эслатиб турарди.

«ИЛ-18» самолёти хирмонга ёйилган пахтадек булутлар устидан Тошкент томон учиб борар экан, Низомиддин аканинг вужуди алам ва айни вақтда чексиз ғурур билан тўла эди. Шу алам ва ғурур билан у олис сафар олдидан дилини хира қилган санчикни ҳам, сийрак сочлари орасида мингоёқдек ўрмалаган совуқ терни ҳам унутиб юборди.

1975



## ҚИЁМАТ ҚАРЗ

Сарсонбой ота район марказига келганда, куёш ердан эндигина чўгири тилимидек кўтарилган эди. Ким билади, хали эрта бўлгани учунми ё совуқ тушиб, бозор-ўчар қиладиганлар камайиб қолганиданми — одам сийрак, бозор кунлари бўладиган ғала-ғовур, тўполон йўқ. Чол ичида хурсанд бўлиб қўйди: «Ҳа, тузук, бу гал кечикмадим. Авжи бозор».

У шундай деб, отнинг жиловини тортди. Қулоқларини осилтириб тин олаётган тўрик, худди шуни кутиб тургандек пастга, дарё томонга йўрғалади. Бу жойларни у эгаси каби яхши билади. Улғайиб, устига эгар урилибдики, ҳар якшанба куни бутун Ҳисорни ошиб, шу ерга келади. Тор тахта кўприкнинг ёнига омонатгина қурилган чойхона этагида тўхтади. Дарёнинг сел ювиб, бесўнақай кенгайган шу ери уруш йилларидан бери — кеч куздан эрта баҳоргача — бозор. Чор атрофдан йиғилган йигитлар фронтга шу ердан жўнашган. Устунлари чириган чойхона ҳам ўша серташвиш йиллардан нишона...

Сарсонбой ота отини илгарилари шу устунлардан бирига боғлаб қўярди. Ўзи эса, ё бозор айланарди, ё пешингача чойхонада ўтирарди. Бозор тугагач, пешин намозини ўқиб, изига қайтарди. Тўрик узоқ вақтгача бунга кўниқолмади, бир-икки марта, хатто тизгинни узиб қочди, бутун бозор аҳлини сарсон қилди. Бир-икки марта эса, ярим йўлда тихирлик қилиб, оёғини тираб туриб олди, бўлмади. Қамчи еди. Энди кўникиб қолди. Сарсонбой ота энди уни боғламайди ҳам. Отнинг ўзи шундай устун тагига келиб, унинг тушишини кутади-да, кўзларини юмиб, кейинги бир оёғига дам берганича, жойидан қимирламай тураверади...

Бу гал ҳам шундай бўлди. Сарсонбой ота устун тагида отдан тушиб, чойхонага кириб кетди. Тўрик оғир хўрсиниб, атрофига қаради. Кўприк тагида бир тарғил сигир совуқдан туклари хурпайган бузоғини эринчоқлик билан яларди. Тўрик унга қараб туриб, зерикди. Эснади-да, кўзларини юмди.

Сарсонбой ота катта кўзи синган дераза ёнига чўккалади. Чойхона қурилибдики, шу жой уники. Биров ўтирган бўлса ҳам у келганда бўшатиб беради. Шу ердан бозор майдони яхши кўринади, кўприкдан ўтаётган бирор одам ҳам хато кетмайди, ҳаммаси кўздан ўтади.

— Ҳа, Сарсонбой, омонмисан? — деди чойхоначи чой келтириб қўяр экан. — Яна келибсанда?

— Нима, сенга оғирлигим тушдимми? — тўнғиллади Сарсонбой ота офтоб сарғайтирган сийрак қошларини чимириб.

— Жазиллама. Азбаройи ачинганимдан гапираман. Кутгандан ёмон нарса йўқ.

Сарсонбой ота жавоб бермади. Унинг бугун гўё ниятига етадигандек кайфи чоғ эди, лекин ўртоғининг гапи билан кўнгли бузилди. Бир: «Сенинг нима ишинг бор? Чойингни сотсанг-чи!» — демоқчи ҳам бўлди, тили бормади. Мадумар аканинг гапида жон бор эди. Ўғлидан қоракат келганидан кейин бечора ўн йил кутди. Хатсиз, хабарсиз хотини фарзанд доғида адо бўлай деди. Ўзи эса, чўп бўлиб қолди. Охири чидолмай аза очди. Эрмаги — чойхона.

Мадумар аканинг бугунги гапида чиндан ҳам жон бор эди. «Азбаройи ачинганимдан гапираман...» Нахотки, унинг аҳволи ачинарли бўлса?! Сарсонбой ота шундай ўйлади-ю, юрагини нимадир тимдалаб кетгандай бўлди. Лаблари титраб, тупрокдек сарғайган соқоли тортилди. Нимадир томоғига келиб тикилди. Бўшашиб кетаётганини сезди-да, ўшқирди:

— Аҳмоқ, кутсам сени кутаманми? Сенга азроилдан бошқаси орзуманд эмас! Қаёқдан мулла бўлиб қолдингки, менга ўргатасан?!

— Жазиллама, — илжайди Мадумар ака. — Ҳар бозор башарангни кўрсам, кўнглим айнийдиган бўлиб қолибди. Қир-пирингда подангни боқиб юравермайсанми? Керак одам ўзи топиб олади сени. Тағин ўзинг биласан. Менга деса шу ерда ётиб ол. Йўлда якка ўзингсан, тағин ўлиб-нетиб қолмагин дейман-да, бетамиз!

— Ўлсам бир мусулмон топилар кўмгани, — деди ўзини босиб олиб Сарсонбой ота. —

Сендан Худо ўзи сакласин. Чойдан урган — кафандан ҳам уриб қоласан.

— Шундай демайсанми? Мана, янги дамладим. Ич захарингга!

Мадумар ака янги дамланган чойнақдан чой қуйиб, ўртоғига узатди, одам кам бўлгани учун ўзи ҳам ёнига ўтирди.

— Ҳеч гап эшитмадингми? — сўради жиддий оҳангда Сарсонбой ота.

— Эшитсам, шу захотиёқ сенга одам юборардим, эшитмадим...

Орага жимлик чўкди. Мадумар ака ўзини ноқулай сезиб, ичкиси келмаса ҳам хўриллатиб бир-икки чой хўплади.

— Зеби қалай? Юрибдими?

— Тузук, — деди Сарсонбой ота деразага бир қараб қўйиб. — Бугун зўрға юборди. Бу ёққа келишимни билиб, ярим кечада отни далага ҳайдабди.

— Сўкмадингми? — хавотирланиб сўради Мадумар ака.

— Йўқ, у шўрликка ҳам қийин. Энди сўкмайман.

— Сўкма. Бечоранинг сендан бошқа кими бор?

— Сўкмайман. Лекин... — Сарсонбой ота бирдан қикир-қикир қулиб юборди.

— Ҳа? — ҳайрон бўлди Мадумар ака.

— Сўкмайман-у, лекин отни ҳайдаб нима қилади? Пиёда бўлса ҳам келишимни билади-ку! Бунинг устига тўриқ йўталишни эшитса, олдимга югуриб келади. Шунини билади, нима қилади ҳайдаб?

— Ҳа, энди ачинади-да, — деди Мадумар ака ҳам қулишга ҳаракат қилиб.

— Мен ачинмайманми? Мен ҳам ачинаман унга. Ёлғизлик ёмон. Бунинг ўзини ҳам биласан. Лекин начора? Қиёмат қарз бу. Қарз билан гўрға кирмоқчи эмасман. Тушуниши керак-да. Иннайкейин...

— Ассалому алайкум-м-м!..

Одамлар кирди. Гап узилди. Мадумар ака ўрнидан турди.

Кўп ўтмай, бозорнинг одатдаги ташвиши, тўполони бошланди. Болаларнинг қий-чуви, сигир-бузоқларнинг маъраши билан даллолларнинг «Бор барака»си қўшилиб, яқингинада осойишталик ҳукм сурган қароқ дарёга баҳор тошқинидек жон кирди.

Сарсонбой ота яна деразага тикилди. Кўприк ўтган-кетганининг кўплигидан худди туядек лапангларди. Ўшанда ҳам шундай лапанглаб турган эди.

...Ўғлини кузатганда ҳам, Ҳайдаралини кузатганда ҳам...

Лекин унда одамлар бир томонга қараб юрган эдилар. Ўшалардан кўпи шу кўприқдан қайтиб ўтмади, бири ўлди, бири бедарак кетди. Ўғлидан ярим йил ҳеч қандай хабар бўлмай, бирдан қорахат келди. Ўшанда у пода билан Узумлида эди. Қўйларни сойнинг нариги соҳилидаги ўтлари эндигина ниш урган ялангликка ҳайдаб, ўзи нураб-нураб деворларигина қолган Тошқалъа тагида ўтирарди. Кун тик келганда тушлик қилмоқчи бўлиб, хуржундан сузма олганини билади, қишлоқ томондан аёл кишининг уввос солиб йиғлагани эшитилди. Йиғи тоғдан акс-садо бериб, шундай қаттиқ жарангладики, Сарсонбой ота чўчиб кетди. Ўрнидан туриб, пастга қаради. Сочлари тўзғиган бир аёл сой ёқалаб, юзини юмдалаб келарди. Сарсонбой ота аввал танимади. Пастроқ тушди. Шунда унинг ҳаво ранг қўйлагидан таниди. Таниди-ю, юраги шиғ этиб кетди.

— Зеби! Мен бу ёқдаман. Зеби, ҳой! — деганича пастга отилди.

Зеби хола уни кўриб, ўзини тутолмай, ўкраб юборди.

— Нега бўқирасан?! Нима бўлди? — Сарсонбой ота уни билакларидан ушлаб тортқилади.

— Ғофур... Ғофуржон... — Зеби хола гапиролмади, хўнграганича қўлидаги қоғозни эрига узатди.

Сарсонбой ота кичкина кўк қоғоз парчасини кўриб, ҳаммасига тушунди. Мадумар, ака ҳам ўғлидан шундай хат олган эди... Сарсонбой ота ўқимади, қўл-оёғи муз бўлиб, турган жойида

қотиб қолди. Худо унга бир фарзанд берган эди, шуни ҳам кўп кўрди.

Ҳайдарали эса, отасидан бир ой кейин жўнаганича, бедарак кетди. Ўғлининг ўртоғини ўзи районгача кузатиб борди. Кузатадиган унинг бирон кимсаси ҳам йўқ эди.

Жўнайдиган куни Ҳайдарали эшак аравага ортиб, иккита қўй олиб келди. Шунда Гофурдан қорахат келганига йил бўлган эди.

— Амаки, шулар сизда турсин, — деди ийманиб. — Дадам қўйни яхши кўрар эдилар. Қайтганларида тўй-пўй килардик... Агар малол келмаса...

— Хўп, бўтам, — деди Сарсонбой ота. — Сурувнинг ичига қўшиб юбораман. Малол келадиган жойи йўқ.

Кўприк устида худди ўғлини кузатаётгандек Ҳайдарали билан хайрлаша туриб, бутун вужудини титроқ босди.

— Омон бўл, бўтам! — деди-ю, ёшланган кўзларини кўрсатмаслик учун хотини нималардир солиб берган тугунни юзига тутиб узатди. — Холанг берди, ол.

— Раҳмат.

— Имкони бўлса, Гофурнинг мазорини бир зиёрат қилиб ўт. Исталинградда.

Шовқин-сурон ичида айтилган бу гапни Ҳайдарали эшитдими, йўқми, Сарсонбой ота билмайди, ҳар ҳолда, унинг бош қимирлатиб, нималардир деганини кўрди.

Мана, шунга йигирма йилдан ошиб кетди. Ҳайдарали на унинг ўғлини бориб кўрди, на ўзи бирор хабар юборди. Ташлаб кетган иккита қўйи қирқтадан ошди. Бошқа қўйларга аралашиб кетмасин, келиб қолса топиш қийин бўлади, деб Сарсонбой ота ҳаммасининг бўйнига қизил латта боғлаб чиқди. Лекин келмади. Тирикми, ўлганми — ҳеч ким билмайди. Сарсонбой отанинг бормаган идораси, суриштирмаган одами қолмади. Фамилияси, адресини билмагандан кейин топиш осон бўлармиди?

— Сарсонбой, шу энди, ҳар қаёққа бориб, ўзингни сарсон қилма, — маслаҳат берди ошналардан бири.

— Шундай жаҳаннамдан омон қайтган одам қачонги иккита қўйни суриштириб келармиди?! Худога шукур, тўқчилик. Қўй керак бўлса, бозор тўла. Сен яхшиси, бозорга бор. Танийсан-ку, тирик бўлса, шу ерда бўлса, кўриниш беради.

Бу гап Сарсонбой отага маъқул тушди. Шундан бери битта ҳам бозорни қанда қилмай қатнайди. Бошқа кунлари қўй боқиб, тоғма-тоғ, дарама-дара юради. Ҳориб-чарчаб, ҳафта охири уйига қайтади. Раис бир неча марта: «Бўлди, энди, ота, шунча ишладингиз, етар. Энди, ёшлар ишласин!» — деди, лекин Сарсонбой ота кулоқ солмади. Қандай қилиб кулоқ солсин. Ҳайдаралининг қўйларини барибир боқиши керак-ку? Етти ёт бегона одамнинг подасини ким боқарди? Боқса ҳам қандай боқарди?

Лекин қарилик, қарилик экан... Илгарилари ҳафталаб оёқда турса ҳам чарчамасди, энди ярим кунда мадори қуриydi, ўтиргиси келиб қолади. Бир куни Узумлининг тепасида шундай ҳориб ўтирган эди, сойдан ўқ овози эшитилди. Тагин бирорта қўйни отиб қўйишмасин, деб пастга тушди.

Арчаларга чирмашиб кетган токнинг тагида тўрт-беш йигит харсангнинг устига шиша қўйиб отишарди. Чолни кўриб, биттаси гап отди.

— Бобой, бу нима, какликнинг ҳаммасини отиб, тузлаб қўйганмисизлар? Биттаям кўринмайди-ку?

— Каклик ови қишда бўлади-да, бўтам. Ов қилгани келувдинларми?

— Ҳа, бир бош оғиб келувдик. Шу томонда каклик бўлади, дейишувди.

— Бўлади, кўп бўлади, лекин қишда бўлади.

— Бобой! — қичқирди арча тагида ўтирган бир йигит. — Қани, бу ёққа келинг. Манавидан бир ичиб юборинг биз билан.

Йигит пиёлани тўлатиб, ароқ узатди.

— Ичмайман, бўтам, — деди жилмайиб Сарсонбой ота. — Ҳеч ичган эмасман.

— Бир ичиб кўринг. Кейин гап бор, — қистади йигит ва гандираклаб унинг олдига келди. — Олинг.

— Ичмайман, бўтам, — деди Сарсонбой ота пиёлани итариб. — Ҳар қанча гапингиз бўлса гапиринг, эшитаман, лекин ичмайман.

— Майли, зўрлама отани! — деди милтиқ ўклаётганлардан бири.

— Бўлмаса, ўзим олдим, — йигит пиёлани сипқириб, енгига ухлади-да, деди. — Бобой! Ов баҳона бир дам олгани чиқувдик-да, бу ёққа. Қўйдан биттасини сотинг. Шу ерда у-бу қилиб кетайлик.

Сарсонбой ота бошини қуйи солиб, жим қолди. Кейин хижолатлик билан жилмайди:

— Аттанг, бўтам, сотолмайман-ку. Меники эмас. Қишлоққа ўтсангиз, ҳар бир хонадондан топишингиз мумкин. Мен ўзим ҳам бераман. Булар омонат. Бўлмаса, қўй сизлардан айлансин!..

— Шундай денг?

— Ҳа, шундай, бўтам.

— Ҳозир биттасини ўзимиз тутиб олсак-чи? — йигит илжайди.

— Ундай қилмайсиз. Омонат дедим-ку, бўтам.

— Жуда зикна экансиз-да! — йигит аччиғланди. — Битта қўй нима, одамдан ҳам азизми? Акбар?

— Нима дейсан? — деди йигитлардан бири.

— Юр, биттасини тутиб келайлик. Раисга ўзимиз жавобини берамиз.

Йигитлар тош қалъа томон йўл олишди.

— Тўхтанг! — кичқирди Сарсонбой ота. — Мусулмон боласимисизлар, меники эмас, дедим-ку! Эгаси йўқ бу қўйларнинг. Урушда бедарак кетган, йигирма йилдан бери боқиб юрибман... Инсоф борми?

Йигитлар тўхтаб қолишди, кейин битта-битта орқага қайтишди.

— Кечиринг, ота, билмадик, — деди кимдир.

Сарсонбой ота индамади. Унинг рангида қон қолмаган, лаблари титрарди.

— Узр, бобой!

Сарсонбой ота яна чурқ этмади. Кейин оҳиста-оҳиста қадам ташлаб, қалъа томон кетди.

Шу воқеани Мадумар акага куюниб айтиб берганида, у анча ўйланиб қолди. Кейин деди:

— Хафа бўлма, бир гап айтаман.

— Хўш?

— Шу қўйларни колхозга бер, яхшиси. Ўзингни қийнама. Сенда бўлди нима-ю, колхозда бўлди нима. Колхоз еб кетармиди? Ҳайдаралинг келса, қайтариб беради.

Сарсонбой ота жавоб бермади.

Мана, ҳозир ҳам у бозорга тикилиб ўтирар экан, ўртоғининг шу маслаҳати хаёлидан кўтарилмас, лекин нима қилишини билмасди. Кун тиккага келганда бозорда одам сийраклашди. Моли сотилмаганлар, томошага чиққанлар қолди, холос. Сарсонбой отанинг эрталабки кайфи чоғлиги йўқолди: Ҳайдарига ўхшаган бирорта одам бу гал ҳам учрамади.

«Наҳотки, ўлган бўлса? — бу даҳшатли фикр чолнинг хаёлига келди-ю, кўрқиб кетди. — Йўқ, шунча ўлим бўлиши мумкин эмас. Бедарак кетганларнинг кўпи келди-ку, ажаб эмас, у ҳам келса. Тўй қилмоқчи эди. Баҳона билан мен ҳам тўй кўриб қолардим. Ўзим қилиб берардим, тўйини...»

У шундай хаёллар билан яна анча ўтирди. Бозор тугади. Деярли ҳамма тарқалди. Ошхона томондан паловнинг ҳиди кела бошлади. Аммо чол жойидан қимирламай ўтираверди.

— Сарсонбой!

Сарсонбой ота ўзига келиб, ўгирилди. Тепасида Мадумар ака турарди.

— Бўлди энди. Мен айтган ишни қил. Чўп бўлиб кетасан-ку, ахир бунақада.

Сарсонбой ота индамади. Маҳсисининг қўнжидан бир сўм чиқариб, лаганчага ташлади-да, ўрнидан турди.

— Кетасанми? Ош дамладим, еб кет.

— Келаси гал. — Сарсонбой ота каравотдан тушиб, эшикка йўл олди. — Хайр!

Эшикка чиқиб, нимадир эсига тушди шекилли, қайтди.

— Наҳотки, сен ҳам тушунмасанг?! Ўзим олиб қолганман, ўзим, ўз қўлим билан қайтаришим керак...

Мадумар ака жавоб қилмади. Фақат ўртоғи чиқиб кетганда:

— Зебига салом айтиб қўй! — деб қўя қолди.

Қиров босган тўриқ эгасини кўриб, кулоқларини чимирди. Эркаланиб, бошини бир-икки силтади-да, зинага яқинлашди. Сарсонбой ота эгарга чаққон миниб, жиловини қўлига олди:

— Кетдик.

Тўриқ таниш йўлдан илдам йўрғалаб кетди. Унинг юришида ҳам эгасининг дилидаги каби бир умид бор эди.

1976

## ОЙНИНГ ОЛТИН ЎРОҒИ

«Самарқанд — Тошкент» автоэкспресси Янгийўлдан ўтганда тўхтаб қолди. Ҳайдовчилардан бири рулдаги шериги билан алланарсаларни гаплашиб, машинадан тушди. Йўловчиларнинг кўпчилиги олис йўл элтиб, автобуснинг бемаврид тўхтаганига эътибор ҳам беришмади, кўзларини юмганларича кресло ёстикчасидан бошларини кўтаришмади. Фақат Санобар Камоловагина ўрнида бир кўзғалиб олди-да, беихтиёр соатига қаради. Кечки ўндан қирқ минут ўтибди. Автобус график бўйича ўн бирдан чорак соат ўтганда Тошкент автостанциясига кириб бориши керак эди. У пастга тушиб, орқага ўтди, двигателни очиб текшираётган шофёрнинг олдига борди.

— Тинчликми, ука?

— Ҳозир биламиз-да, опажон, — деб жавоб қилди йигит фонарни ичкарироқ тутиб. — Автобус янги. Бирон контакти бўшаган бўлса керак-да.

Санобар Камолова хотиржам тортиб катта йўлдан чеккароққа чиқди-да, беихтиёр тепага қаради. Кузги осмонда сон-саноксиз юлдузлар чараклаб ётар, улар орасида чўғари тилимидек олтинранг уч кунлик ой оҳиста сузар эди. Санобар Камолова янги ойнинг ўнг томони билан сузиб бораётганини кўриб, суюниб қўйди. Пушкиннинг қайсидир асарида, янги ойни ўнг томондан кўрган одам бахтли бўлади ё унинг ҳаётида қувончли бир воқеа юз беради, деган гап бор. Айтишларича, ўзи ҳам шу таъбирга ишонган экан. Санобар Камолова беихтиёр яна бир марта ойга қаради. Назарида, Пушкиннинг таъбири тўғридай эди. Унинг ҳам уйдан кўнгли тинч. Эри қўшни мамлакатдаги олис командировкасидан омон-эсон қайтди. Ўзининг сафари ҳам яхши қарияпти. Самарқанд медицина институтининг студентлари, ўқитувчилар коллективи унинг маърузасини жуда яхши қабул қилишди. Рентген ва ЭХМ имкониятлари... Бу мавзу Санобар Камолованинг илмий иши бўлиб, беш йил бурун ҳимоя қилган докторлик диссертациясининг давоми эди. АҚШ, ГФР, Москва, Ленинград ва Тошкент медик олимлари мустақил равишда шу йўлда олиб бораётган ишлар амалга ошса, деярли ҳамма мия касалликларини даволаш имконияти очилиши мумкин эди.

Маърузадан сўнг, анча вақт савол-жавоб бўлди. Шу билан кечаги кун ниҳоясига етди. Бугун эса эрталабдан бошлаб, ТошМИда бирга ўқиган курсдош ўртоқлари ихтиёрида бўлди. Бозорга тушишди, Регистонга боришди. Бир неча марта кўрган бўлса ҳам, яна Улуғбек расадхонасига кириб чиқди.

Қандайдир оромбахш кўнгил тўқлиқ билан экспрессга ўтирди. Тўрт соат нима деган гап, тагин, иш куни бўлмаса? Бунинг устига, Санобар Камолова машинада йўл юришни яхши кўрарди. Эри билан дам олиш кунлари кўпинча шаҳардан чиқиб кетар, «Волга» машиналарининг орқа ўриндиғига ўтириб, лип-лип ўтаётган баланд-паст иморатлар, мевазор, экинзорларга қараб ёш боладек суюнар, ҳатто янги ҳайдалган ердан ҳам аллақандай завқ олар эди. Ер иси унга мураккаб, аммо мазмунли ҳаётни эслатарди. Улар, эр-хотин шунчаки — ҳеч қандай иш, мақсадсиз баъзан кун бўйи машинада юришарди. Лекин медик бўлгани учун уларнинг ўша кунги олган дамлари бутун келаси ҳафта учун беқиёс қувват эканини яхши биларди у.

Шунинг учун ҳам уйга оз қолганда автобуснинг тўхтаб қолгани унинг кайфиятини бузмади. Яна осмонга қаради. Янги ойнинг тагида думли юлдуз пайдо бўлибди. Ҳозиргина У йўқ эди. Ё бормиди? У юлдузга тикилиб қолди.

Машинадан яна бир аёл тушди. У ҳам худди Санобар Камоловадек аввал машинанинг орқасига — йигитларнинг олдига борди. У ёқда энди иккала шофёр тимирскиланишарди.

— Яқин-орада кетамизми? — деди аёл бўғилиб.

— Ким билади, дейсиз, опажон? — бояги шофёр тагин жавоб берди. — Тили бўлсаки, айтса, манави ерим... деб. Хавотир олманг, узоғи билан бир соатда йўлга тушамиз. Бу машинанинг

карбюратори нозикроқ. Запас бериб қўйинглар, десак, беришмайди.

Аёл Санобар Камолова томон юрди. Фонарь ёруғида унинг ҳали ёшлиги — қирқ-қирқ бешлар атрофидалиги қоматидан ҳам, юзидан ҳам билиниб турарди. Санобар Камолова унинг эғнидаги белбоғлик пальтосига эътибор берди. Қуюқ қора қундузли узун духоба пальто унга жуда ярашиб турарди.

—Кечирасиз, Тошкентга яқин қолдикми? — дея сўради у Санобар Камоловага яқинлашиб.

—Олис эмас, йигирма-йигирма беш километрча қолди шекилли. — Кейин соатига қараб қўшиб қўйди: — Агар ҳозир тузатишса, ўн иккиларда етамиз.

Аёл индамади.

Автобусдан яна беш-олти киши тушди.

— Келдикми дейман? — деб сўради бир киши.

—Йўқ, ҳали бор, — деди иккинчиси. — Анча мизғиб олдилар чамамда, турсам ҳам сезмадингиз?

—Хўв шофёр оғайнилар! Тинчликми ё шу ерда тунаймизми?

Яна қандайдир савол-жавоблар, ҳазил-мутойиба гаплар бошланиб кетди. Кимдир қайси бир йили қахратон қишда йўлда ёлғиз қолиб кетиб, бўриларга ем бўлишига оз қолгани ҳақида, кимдир олис йўлларда навбатчи авария машиналари йўқлиги бемазагарчилик экани ҳақида гапирарди.

Аёл улардан четрокда эди, афтидан гапларни эшитмас, ўз хаёли, ўйлари оғушида эди. Кейин чуқур бир эснаб, қўлларини чўнтақларига солди-да, Санобар Камоловага разм солиб, у тикилиб турган томонга қаради.

—Нимани кузатаяпсиз? Янги ойними? — Унинг овози бўғиқ бўлса ҳам анча ширали, кишини дарҳол ўзига тортадиган эди.

—Ойни ҳам, — деб жавоб қилди Санобар Камолова. — Кўпроқ унинг ёнидаги юлдузни. Қаранг, думи ерга тегай деб турибди.

—Ростдан ҳам! — Аёл ҳайратга тушди. — Думли юлдузларни эшитган эдим-ку, лекин бунақасини кўрмаган эканман. Оти нима бу юлдузни, биласизми?

—Билмадим, — деди Санобар Камолова. — Афтидан, бу юлдуз эмас.

— Вой! Анави... учар тарелками ё?

Санобар Камолова кулди.

—Учар тарелка биз томонларда нима қилсин? Булар ҳаммаси йўқ гаплар. Назаримда, бу ё ернинг сунъий йўлдоши, ё космик кема...

—Жонибековлар учиб юрган кема, денг? Мунча кичкина?

—Кичкина эмас, шундай туюляпти-да олисдан. Автобусимиздан қолишмас.

Аёл ҳам Санобар Камолова ҳам беихтиёр автобусга қарашди. Кейин яна осмонга тикилишди. Думли юлдуз ҳаракатга тушиб, Ойнинг устидан учиб ўтди-да, кўздан ғойиб бўлди.

— Қандай кунлар келди-я?!.. — деди ҳайрат ичида аёл.

Санобар Камолова уни қувватлади:

— Нимасини айтасиз! Агар космик кема бўлса, балки космонавтлар бизни кўришгандир? Сизни ҳам, мени ҳам...

Лекин аёл бирдан ўзгариб:

— Э, менинг кимга керагим бор, ўзи одамлардан қочиб юрибман-ку, — дедию автобус олдига ўтиб кетди.

Автобус бир соат деганда ҳам тузалмади. Баъзилар иккита-учта бўлиб, йўловчи машиналарда кета бошлашди, баъзилар автобус ичига кириб, ухлашга тушдилар.

Санобар Камолова зерикди. У ухлаёлмаслигини биларди. Шунинг учун биронта машина тўхтаса, кетақолишни мўлжаллаб, автобусдан сумкасини, дугоналари кўярда-қўймай бериб юборган Самарқанд нони, шўрданак солинган пакетни олиб тушиб, машина олдига ўтди.

Нотаниш аёл автобусга суяниб йиғларди. Санобар Камолова нима қилишини билмай, турган жойида тўхтаб қолди. Кўнгил сўраб борса, жеркиб берса-чи? Аёлларнинг нимаси кўп, сири кўп. Баъзан ўзлари ёлғиз бўлгилари келади. Шундай бўлса ҳам Санобар Камолова бу келишган, анчагина ёқимли, аммо баъзи ҳаракатлари болаларникидек содда аёлга далда бермоқчи бўлди.

— Кечирасиз, — деди яқинроқ бориб, — мен ҳам йўловчи машина тутиб кетмоқчиман. Автобуснинг қачон тузалиши ҳали гумон. Истасангиз бирга кетайлик.

Аёл юз-кўзларини артиб, жилмайди.

— Шошадиган жойим йўқ. Майли. Кетамиз, десангиз, кетамиз. Сумкамни олволай.

У эринигина орқасига қайтди ва тезда ҳаворанг қўл сумкаси билан Санобар Камолованинг ёнида пайдо бўлди.

— Сиз қаерда турасиз?

— Богдан Хмельницкий кўчасида. Шундай «Шодлик» ательесининг орқасида.

— Бўлди, яқин экан. Мен Ц-12да тураман.

— Сизнинг уйингиз ҳам олис эмас экан, — деди Санобар Камолова. — Мен олдин сизни ташлаб кетишим мумкин.

Иккита енгил машина кўзларни қамаштириб, визиллаганича ўтиб кетди. Учинчи машинанинг чироқлари кўринганда, иккала аёл баравар қўл кўтаришди.

Қизил «Жигули» рўпараларига келиб тўхтади. Санобар Камолова рулда ўтирган йигитга адресини тушунтирди.

— Ўтиринглар, — деди йигит. — Биронта милиционер тўхтатса, қариндошимиз дейсизларда. Отим Ислом.

Аёллар «хўп» деб машинага чиқишди. Шофёр йигит магнитофон тугмачасини босиб қўйди. Машина ичини майин дутор оҳанги босиб кетди. Мусиқага берилиб, шаҳарга кириб келишганини билмай қолишди. Шота Руставели кўчасига етганда, Ислом:

— Аввал Богдан Хмельницкийда тўхтасак, нима дейсизлар? Ц-12дан қайтиш қийин. Ўзим ўша томонда тураман.

Санобар Камолова аёлга қаради.

— Майли, — деди аёл, кейин Санобар Камолованинг ўзигагина эшитарли қилиб қўшиб қўйди. — Сизникида қолақолсам, майлими?

Санобар Камолова аввал ҳайрон бўлди. Лекин туппа-тузук аёлнинг раъйини қайтармаслик учун:

— Ихтиёрингиз, — деди. — Хавотир олишмайдим, ишқилиб?

— Хавотир оладиган ўзим-да..

Аёл шундай деб киноя билан жилмайди ва хўрсиниб қўйди.

Уйга етиб келишганда, кўча чироғидан бошқа барча уйларда чироқ ўчик, ҳамма уйқуда эди.

Санобар Камолова эшикни очиб, аёлни ичкарига таклиф қилди. Айвонга ўтиб, чироқларни ёқди. Эрининг ҳарбий кители осиб қўйилган стулни четроққа суриб:

— Бемалол ечиниб ўтиринг, — деди-да, ўзи ичкари хонага кериб кетди.

Ётоқхонага ўтиб эрининг пешонасидан ўпди.

— Забихилла ака! Мен келдим. Хавотир олмадингизми?

Забихилла ака ётган жойида уйқу аралаш хотинига Кўллларини чўзди.

— Қозонда овқат бор... Мунча кеч?

— Автобус йўлда бузилиб қолди. Мен бир ўзиммасман. Бугун энди ёлғиз ётасиз. Бир аёл бор. Бизникида ётиб қолади. Кабинетингизга жой соламиз. Майлими?

Забихилла ака ҳафсаласи пир бўлиб, тескари ўгирилар экан, майли, деб бошини қимирлатди ва яна уйқуга кетди.

Санобар Камолова рўпарадаги йўлак орқали қўшни хонага кириб, иккала ўғлига қаради, устиларидаги чойшабни яхшилаб ёпди, яна ётоқхонага қайтиб кирди. Жавондан иккита тунги



халат олиб, айвонга чиқди.

— Поччангизнинг кабинетларида ётамиз иккаламиз. Ҳозир чой қайнатаман. Бир ошамдан ош еймиз.

Санобар Камолова кўзларини бир нуқтага қадаб, хомуш ўтирган аёлга мурожаат этди.

— Нега ечинмаяпсиз? Пальтонгизни анави қозикқа илинг. Жудаям чиройли экан. Ўзингизга бирам ярашибдики... Айвонимиз иссиқ, кейин ҳеч ким кирмайди, поччангиз ҳам; иккала ўғлим бўлса донг қотиб ухлаб ётишибди. Кўйлагингизни ечиб, манави халатни кийиб олинг. Мендан уялмассиз?

Аёл жилмайди.

—Йўк...

—Бўлинг бўлмаса!

Санобар Камолова жўртгага шўхлик билан кўлидаги пуштиранг халатни аёлга отди. Ўзи ҳам шу ерда апил-тапил ечиниб, яхши кўрган зангори халатини кийиб олди.

— Ана! Опа-сингил бўлдик-қўйдик. Мен Санобарман.

У шундай деб, аёлга кўлини узатди. Аёл ҳам кўлини чўзди. Унинг бармоқларида қўша-қўша жавохир узуклар бор эди.

—Иродаман.

—Хуш келибсиз, Иродахон.

Санобар Камолова, олис йўлга бундай қимматбаҳо нарсаларни тақиб нима қилардингиз, тагин бир ўзингиз йўлга чиққан экансиз, деб сўрамоқчи бўлди-ю, яна ийманди. Тўғрироғи, ҳаваси келибди, деб ўйламасин, деди.

—Сизни билмайман-у, Иродахон, менинг қорним очкаб кетди. Бунинг устига, поччангиз ўзлари ош қилсалар емаган одамдан хафа бўладилар. Юринг. Мен ошни иситаман. Сиз чой дамлайсиз.

Икковлари айвоннинг биқинига тушган қулайгина ошхонага ўтишди. Аёлнинг анчагина руҳи кўтарилди шекилли, худди ўз уйидек юмушга берилиб кетди. Унинг уй ишларига эпчил, озода, меҳнаткаш аёл эканини Санобар Камолова дарҳол сизди. Нима ташвиш тушган экан бечоранинг бошига? Аммо шу заҳоти ўнг кўлидаги узукларни, қулоқларидаги ҳар бир тошининг ўзи ҳатто бир бойлик бўлмиш, ниҳоятда нозик ишланган жавохир исирғаларни кўриб, унинг ўзи бировларни бечора қилиб қўймаганмикан, деган хаёл Санобар Камолованинг миясига урилди, кимни олиб келдим уйимга, деб бир оз ўзини койиган ҳам бўлди. Лекин илож қанча, бўлар иш бўлди. Шу фикр билан у ўзини чалғитди-да, айвондаги столга дастурхон ёзди.

Ош ширин экан, иситилган бўлса ҳам яхшигина ейишди. Чойдан сўнг кабинетга ўтишди.

Санобар Камолова кўярда-қўймай меҳмонни диванга ётқизди. Ўзига йиғма каравот олиб кириб жой солди.

—Сиз диванда ётсангиз бўларди, — деди Ирода. — Барибир мен ухлаёлмайман. Сизни безовта қиламан ағдарилавериб, эшикка чиқавериб...

Санобар Камолова кўнмади.

—Ҳечқиси йўк. Мен ҳам кам ухлайман. Аммо, Ирода... мени кечиринг-у, нима сизни қийнаяпти? Мен ёрдам беришим мумкинми? Эътиборингиз учун: мен — врачман.

—Раҳмат. Менга врач керак эмас. Менга ҳозир ҳеч нарса керак эмас. Бир ҳафтада ҳаёти ағдар-тўнтар бўлган одамман мен. Бахтсиз, юзи қаро...

Ирода жимиб қолди. Санобар Камолова унинг юраги тўлиб, пиқ-пиқ йиғлаётганини эшитди.

— Сув олиб берайми? — деди бошини кўтариб.

—Йўк, раҳмат, — деди Ирода йиғи аралаш. — Менга шунчалик илтифот кўрсатдингиз, уйингизда олиб қолдингиз, раҳмат. Мен... мен, киритмассиз, деб ўйлаган эдим.

—Нега киритмас эканман? — дея ҳайрон бўлди Санобар Камолова. — Одам одамга дўст бўлиши керак, меҳр-оқибатли бўлиши керак.

Ирода ўзини тутолмай йиғи аралаш йўталди.

—Йўқ. Менинг кимлигимни... менга нима бўлганини билганингизда эди!.. — Ирода ҳиқиллаб анча йиғлади.

Санобар Камолова ҳозир уни овутиш фойдасиз, деб ўйлаб, бир оз жим турди. Кейин чой қуйиб узатди.

— Манавини ичиб юборинг.

Ирода пиёлани олди, охиригача ичди. Оғир бир тин олиб, Санобар Камоловага ўтирилди.

—Биласизми, Санобар опа... мен... мен тўрт боланинг онасиман. Катта ўғлим Бахтиёр йигирмада, кейингиси Элдор, ўн саккизда. Қизим Саида тўртинчи синфда, Холёр иккинчи синфга ўтди яқинда. Ўзим қирқ бешга кирдим. Асли Жомбойда туғилганман. Отам мен туғилган йили урушга кетиб, ҳалок бўлганлар. Уруш, урушдан кейинги йилларни биласиз, анча қийинчилик кўриб ўсганман. Лекин мени ўқитишди. Мактабни битиргач, Самарқанд медицина институтига кирдим. Кўряпсиз, ҳамкасбмиз. Лекин касбим фойдасиз қолиб кетди. Аъло битирдим институтни. Орзум Тошкентга келиб аспирантурага кириш эди. Ўқитувчиларим болалардаги тутқаноқ касалига оид диплом ишимни мактаб, шу мавзуда илмий иш қилсангиз арзийди, дейишди. Тошкентга келиб аспирантурага кирдим ҳам. Афсуски (албатта, энди афсус дейман), онам, тоғаларим мени узатиш дардига тушиб юришган экан. Йигитни айтишди. У ҳам самарқандлик бўлиб, устози ортидан Тошкентга кўчиб келган, яхши ишда экан. Обрўйи ҳам бинойи, топиши ҳам. Йўқ дейишимга қарамай, бизни Тошкентда бир танишимизникида учраштиришди. Ростини айтсам, йигит менга ёкди. Баланд бўйли, қорақош, қоракўз, куюк сочлари бир оз жингалак бўлиб кетган, очик ҳавода кўп юрганиданми ё ўзи шунақами — ранги қизилмағиз нондек... Қандайдир бир қурилиш бошқармасида инженер бўлиб ишлар экан. Бирпас чой-пой ичиб, гаплашиб ўтиргандек бўлдик. Тили бурро. Билмаган нарсаси йўқ. Устига устак, медикларни ҳурмат қилар экан. Ошналари кўп экан медиклардан. Гап орасида, ҳар бир янги тушаётган массивда алоҳида поликлиникаси, медпункти бўлишини талаб қиляпмиз, деди. Хуллас, менга у ёкди. Мен ҳам ёкдим, шекилли, бир ҳафта ўтар-ўтмас, тўйимиз бўлди. Икки жойда — олдин Самарқандда, кейин Тошкентда. Самарқанддагисини номига ўтказдик. Аммо Тошкентдаги тўй... мен бунақа дабдабали тўйларни кам кўрганман. «Тошкент» ресторани сотиб олинди. Столларда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Артистлар-чи? Бутун Самарқанд, Қаршидан энг доврўкли созандалар, ашулачилар келишган. Тошкентдагиларни айтмайсизми? Адашмасам, Фахриддин Умаров ҳам бор эди. Ўшанда унинг энг гуриллаган пайти эди.

Куёвнинг устозлари Сотимхон ака шунақанги гапга чечан одам эканларки, бир қарасангиз, дунё воқеаларидан тушиб ҳаммани ўйлатиб қўядилар, бир қарасангиз, кутилмаган ҳазил гапларни топиб ҳаммани кулдирадилар. Мен ҳам ўзимни зўрға тутиб ўтирдим.

Ярим кечада бизни машинага солиб, олиб кетишди. Қоронғида қаерга келганимизни билмайман, ҳар ҳолда узоқ юрмадик. Машинадан тушганимда Сотимхон ака Норбой ака билан менинг олдимга келдилар. Қолганлар орқарокда туришди.

— Норбой, ука! Мана, оила ҳам қурдинг. Гўзал бир пари ҳаёт йўлдошинг бўлди. Иродахон! Куёв бола мен учун ўғилдан ҳам азиз. Бир жон, бир тан бўлиб яшанглар. Кексалар, оиланинг боши эр бўлса, танаси хотин, деб бекорга айтишмаган. Қўшақаринглар. Манави калит, келин, сизга. Уз қўлингиз билан ўз уйингизни очинг. Учунчи қават, 14-хона. Шу жез калит кейинчалик олтин бўлиб кетсин.

Сотимхон ака калитни менга бериб, пешонамдан ўпдилар. Норбой акани кучоқладилар. Қўлтиқлашиб йўлакка кириб кетмагунимизча ҳамма ортимиздан қараб турди.

Уй, Санобар опа, мен сизга айтсам, эртақдагидек эди. Албатта мен учун. Тўйлар ҳам, уй ҳам. Уч хона, поли паркет. Иккита лоджиа. Ҳамма хоналарда бир хил кизил мебель. Бошим айланиб кетди. Норбой ака мени кучоқлаб кўтарди-да, икки кишилик каравот четига ўтқизди.

— Чарчадингизми? — деб сўради у ўта мулойимлик билан. — Бир бокалдан шампан

ичайлик, ҳаммаси ўтиб кетади. Уйнинг камчиликлари бўлса, кечирасиз. Танлагунигимизча вақт ўтиб кетди. Сотимхон акамларга раҳмат, шу уйни кейин ўзлари олиб бердилар.

— У киши ким? — дедим ёш болалар онасидан сеҳргар ким деб сўрагандек.

— Сотимхон аками? Соддароқ тушунтирсам, йигирманчи аср кишиси. Ҳамма нарсани билади, ҳамма нарсага қўли етади. Йўлимизда шу одамнинг учраб қолгани бизнинг бахтимиз.

Уч кундан кейин Ялтага кетдик. «Ўзбекистон» санаториясида дам олдик. Биз тушмаган биронта теплоход қолмади, энг яхши ресторанларнинг ҳаммасига кириб чиқдик. Аспирантура хаёлдан кўтарилди.

— Яхши врач бўламан деган одам, аспирантурасиз ҳам бўлаверади, — деди мени овутиб Норбой ака. — Қиёс қилинг, мен сизнинг беморингизман. Қаранг, боқинг... Бор тажрибаларингизни менда ўтказинг. Аспирантура қочиб кетмайди. Ҳозир ўйнаб олинг.

Ростини айтганда, Норбой ака таклиф қилган ҳаётда аспирантура мен учун ортиқча эди. Тушгача бозор, магазин... Нима истасам оламан. Тушдан кейин кечқурунга тайёргарлик... Кейин телевизор, кино, театр... Хуллас, ўртоқларимнинг кўпи менга ҳавас қилишарди. Баъзан ўзим ҳам ўзимга ҳавас қилиб қўярдим. Шу алпозда кунлар ўтаверди. Ялтадан қайтиб келганимиздан кейин кўп ўтмай, Норбой ака кўтарилди. Бошқарманинг бош инженери бўлди. Яна бир оз вақтдан сўнг, янги бир бошқармага бошлиқ бўлиб ўтди. У ниҳоятда хурсанд эди. Кундуз куни шу хабарни айтгани келди-да, кечқурун Сотимхон акам келадилар, тай-ёргарлик кўриб қўйинг, деди.

У кетиши билан уйга яшик-яшик мева-чева, сўйилган қўй кўтариб келишди. Икки киши кабоб, мантига уннаб кетди. «Иродахон! Ошни ўзингиз қилармишсиз!», деди улардан бири.

Қоронғи тушганда келган Норбой ака ошпазларнинг ишларидан мамнун бўлиб:

— Бўлди, бу ёғини ўзимиз қиламиз, — деди-да, уларга жавоб бериб юборди. Менга эса:

— Сотимхон ака катта ўтиришларни ёқтирмайдилар. Нотаниш одамларни ҳам. Қўрага сих теришни ўзим қотириб юбораман. Манти вақтидан ўтиб кетмаса бўлгани. Қараб туринг, — дея таъкидлади.

Кейин иккаламиз дастурхон тузай бошладик.

— Оз-озгина керагидан қўйсак бўлди. Тўла дастурхон иштаҳани бўғади.

Норбой ака шундай деб турган эди, қўнғироқ жиринглади.

— Келдилар! — деди суюниб Норбой ака. — Ўзингиз очинг. Хурсанд бўладилар.

Дарҳол фартугимни ечиб, эшикни очдим. Сотимхон ака бир ўзлари эдилар.

— Баракалла! Мана, ҳақиқий уй бекаси бўлибсиз-қўйибсиз. Салом!

У шундай деб, иккала қўли билан пиёз юқи қўлимни лабига олиб бориб ўпди.

— Аёл учун энг азиз ва мўътабар касб — уй касби. Эр уйга минг хил кайфиятда келади. Бир кайфиятда икки оғиз ширин гап, табассум етарли. Бир кайфиятда бир ошам олтиндек палов бошни кўкка еткази. Хуллас, эрни эр қиладиган ҳам хотин, кечирасиз, бу сизга мутлақо тааллуқли эмас, ер қиладиган ҳам хотин. Бир кўрай, деб келдим. Бу, бизнинг куёв бола, Норбой Норбўтаевичдан шикоят йўқми?

— Йўқ, раҳмат. Қани, ичкарига кириб, Сотимхон ака!.. — дедим-у, уялганимдан ўзимни ошхонага урдим.

Ошхонада бояги хаяжондан ўзимни босолмай, юз-кўзимга муздек сув сепдим, у-буга уннадим, хуллас, бир амаллаб, сал ўзимга келдим. «Норбой Норбўтаевич!..» Энди уни шундай дейишар экан-да?! Чиндан ҳам катта ишга ўхшайди, Сотимхон аканинг ўзи уни шундай деяпти. Севинганимдан бу одамга қўлимдан келган яхшилиқни қилишга, Норбой акани эса, у билан учрашганимдан, ярим оч, етим ўтган болалигим эвазига шундай, бахтли ҳаётга етишганимдан бўйнидан кучоқлаб ўпиб-ўпиб олишга аад қилиб қўйдим.

Қази, қирилган турп олиб чиқиб қўяётганимда, Норбой ака шишаларни очаётган экан. Сотимхон ака менга кулиб бир қараб қўйди-да, Норбой акадан сўради.

— Ий-я! Норбой Норбўтаевич! Бизнинг суйганимиз қани? Йўқ, у бўлмаса кўнгил жойига тушмайди.

Норбой ака қип-қизариб кетди. Мен нима ҳақда гап кетаётганини тушунмадим.

— Буни қаранг, шу эсдан чиқибди-ку. Кечирасиз, ҳечқиси йўқ, беш минутда ҳозир бўлади. Айбга буюрмайсиз, ўзингизни ёлғиз қолдираман-да?

— Топмасангиз бўлмайди. Бугунги кайфиятимиз ўнта «Наполеон»га арзийди! — деди Сотимхон ака. — Боринг!

Норбой ака югуриб эшикка чиқиб кетди. Мен ошхонага ўтиб, ўз ишларимга уннаб кетдим. Ошга сабзи, пиёзни бостириб, сув солиб турганимда, ошхонага Сотимхон ака кириб келди.

— Ия, ия! Бу, қўлга нима қилди?

— Нима қилибди? — дея қўрқиб кетдим.

— Кесиб олибсиз-ку! Шундай қўлни ҳам кесиб бўладими?

Чўмични қозон ёнига қўйиб, тирсагимгача шимарилган қўлларимга қарадим.

— Қани?

Сотимхон ака ўнг қўлимни билагимдан ушлаб, башмалдоғимдан билагимгача борган ингичка қизил чизикни кўрсатди.

— Мана! Бунинг олдини олиш керак.

У қўлимни қўйиб юбормай юзига яқинлаштирди ва дўрдоқ лабларини чўзиб, пуфлай бошлади.

— Йод суриш керак, — дедим мен.

— Йоднинг кераги йўқ. Энг яхши даво лабнинг шираси.

У шундай деб, билагимни ўпа бошлади. Ўзимни йўқотиб қўйдим. Буни у розилик, деб тушунди, шекилли, белимга қўл юборди. Бир силтаниб чиқиб кетдим, қўлимни тортиб олдим.

— Нима бўлди, қизим? Фақат банияти шифо, деб, фақат шифо деб. Ёшлар-эй, ёшлар, яхшилиқни тушунмаган ёшлар...

У чиқиб кетди. Мени тер босиб кетган эди. Нима қилсам экан, чиқиб уришсамми, ҳайдаб юборсамми? Ўзи ёпишди, деса нима бўлади? Ким менга ишонади? Норбой ака ишонармикан? Биласизми, Санобар опа, назаримда ўша куни, ўша топда, кўзим очилди. Норбой ака билан орамизга совуқлик тушди, муносабатимиз дарз кетди.

Ер ютгур «Наполеон» келди. Норбой ака қайси бир ресторандан топиб келди. Алламаҳалгача иккалови ичиб ўтиришди. Мен чикмадим. Кабоб ҳам эсларидан чиқди, манти ҳам. Ош дам еганда, тишимни тишимга қўйиб суздим. Бир лаган олиб чиқдим.

— Баракалла! Қизимнинг қўли гул... Норбой Норбўтаевич! Қизимнинг қўли гул! Унга озор берсангиз, бизга озор берган бўласиз. Қани, битта қуйинг-чи!

Мен ҳам рюмкани кўтаришга мажбур бўлдим. Сотимхон ака гапирди.

— Норбой Норбўтаевич! Сизни мен ўғлим деганман. Иродахон — қизим. Шу кишининг саломатлиги учун.

Ичишди. Мен лабимга теккизиб қўйдим.

Сотимхон ака ўрнидан турди. Норбой ака югуриб ичкари хонадан дипломат-сумкасини олиб чиқди. Ундан катта бир пакетни олиб устозига узатди.

— Айтганингиз, Сотимхон ака. Бу ёғига биз қарздор.

— Омон бўлинглар.

Сотимхон ака пакетни қўлтиғига қистириб чиқиб кетди. Мен йўлакда қолдим. Норбой ака уни кузатиб қайтиб келганида оғзи қулоғида эди.

— Биласанми, эртадан бошлаб мен кимман? Энг яхши трестнинг бошлиғиман!

— Муборак бўлсин! — дедим, лекин шаштим пастлигини Норбой ака сизди.

— Нима бўлди?

— Шу одам иккинчи бизникига келмасин.

— Нега энди? Бу ҳеч мумкин эмас! — дея ҳайрон бўлди Норбой ака. — Нима бўлди ўзи, айт. Айтиб бердим. Норбой ака хахолаб кулди.

— Шуми? Шарти кетиб, парти қолган чол-ку бу одам! Майли, битта масалада келишиб оламиз. У келганда, мен доим ёнингда бўламан. Келишдикми?

Илож қанча эди? Индамадим.

— Лекин билиб кўй, — деди катъий оҳангда Норбой ака. — Бир афсона бор. Антей деган грек паҳлавони товони ерга тегиб турган пайтда ҳеч кимдан енгилмас экан. Ердан узиб олинган Антейда ҳеч қандай куч қолмас экан. Сотимхон ака менинг товоним. Сотимхон акани кўзғатиб кўйишса, менинг ишларимдан путур кетади.

Норбой аканинг кўзлари муздек қотган, овози дағал, менга эътиборида меҳрибонликдан асар ҳам йўқ эди шу топда. Шунинг учун пакетдаги нима эди, деб сўрамадим. Кейин билсам, (бир марта эмас, икки марта эмас, бундай пакетлар бизникига тез-тез келарди, биздан Антейникига кетарди) улар ҳаммаси пул экан.

Ииллар ўтди. Кетма-кет фарзанд кўрдик. Уй Норбой акага торлик қилди. Юнусободдан ҳовли олганларини бир куни айтдилар. Лекин ҳали у ерда туриб бўлмайди. Пича ремонт қилиш керак. Янаги ёзга кўчиб борамиз, деди. Ёзда кўчиб бордик. «Сим-сим»нинг ўзи. Ҳатто кайфим учиб кетди. Бунақа ҳовли, бунақа уйни сира кўрмаганман. Бир томони гулзор, бир томони мевазор, узун пешайвонининг олди токзор. Сўриси оқ тунука томга чиқиб кетган. Ҳовлининг этагида ичи мрамардан ишланган, икки томонидан зинапоя тушган ҳовуз. Ҳар ер-ҳар ерда, гўё бетартиб-у, лекин дид билан ўрнатилган фавворачалар офтобда атлас нусха сув пуркаб отилиб ётибди.

— Адашмадимми? — деб ҳайрон бўлдим.

—Мени танлашда адашмаган бўлсанг бўлди. Товоним ҳали ерда экан, ҳамма нарса кафтингда бўлади. Сотимхон аканинг нусхасидан. Фақат мен айвоннинг устунларини ўйма қилдирмадим. Каттадан сал пастроқ юриш керак.

Норбой ака мени гаражга бошлаб, машина устидаги оқ чойшабни тортди. Эски «Жигули» ўрнида янги оқ «Волга» турарди.

—Шундай хотин... Устозинг ишбилармон бўлса, сенга ҳам юқади. Сассиқ чолнинг битта билагиндан ушлаганига хуноб бўлиб юрибсанми? Антейга ўнта билак ҳам кам. Мен сенга айтсам Антейда «бунақалар» тиқилиб ётибди. Не-не билаклар унинг соясига салом беради, уни кўрганда балиқ бўлиб кетади.

Лекин мен сизга айтсам, Санобар опа, одам ҳамма нарсага кўникиб кетар экан. Илгарилари уйга келган ҳар бир янги нарсадан қувонар эдим. Меҳмон кутганда, эрим айтган таомлардан зиёдроқ бирон нарса пиширсам, одамлар уни мақтаб ейишса бошим осмонга етарди. Кейинчалик ўзим билар-билмас ҳамма нарсадан кўнглим қолди. Ҳеч нарса қувонтирмайдиган, дилни очмайдиган бўлиб қолди. Мабодо бирон юмуш билан қўшниларникига чиқиб қолсам, оддий қовурилган картошкани ҳам ҳузур қилиб ейдиган бўлиб қолдим.

Муҳими — Норбой ака ой сайин эмас, кун сайин ўзгариб кетадиган бўлди. Унга ҳам ҳеч нарса татимайди.

Пиширган овқатларимни илгаригидек иштаҳа билан, мақтаб емайди. Бир икки чўқилайди, кўяди. Телевизор кўриб ўтириб ухлаб қолади. Сезяпман, унга бир бало бўлган. Фақат меҳмонлар, айниқса, Сотимхон ака келганда чехраси ёришади, аввалгидек ўзини шўх, беташвиш тутати. Улар кетиши билан яна қовоқ тумшуги осилиб қолади. Бир куни ҳатто ундан сўрадим:

—Сизга нима бўлди? Шаштингиз паст? Аввалгидек ёришиб ўтирмайсиз. Ё бошқа хотинни кўнглингиз тусаб қолдими? Бемалол. Фиқ этмайман. У жилмайди.

—Иш кўп. Ҳаммага ҳам ишониб бўлавермайди. Кўп нарса ўзимга қолиб кетяпти.

Уйқусидан ҳам халоват кетди. Эшик тиқ этса, ўрнидан сапчиб туриб кетади. Томдан мушук

ўтиб қолса ҳам юраги така-пука. Ҳовлига чиқади, хужраларда нималарнидир тинтийди, гаражга ўтади. У ерда ҳам ўғрига ўхшаб ғимирсилайди. Чанг-чунг бўлиб келиб, ўрнига чузилади, «ух» тортади. Баъзи кунлари чидаёлмай болаларнинг хонасига чиқиб ётаман.

Илгари қандай пайтлар экан, ойим битта бўз кўйлак олиб келса ҳам бошим кўкка етарди, қувончимга чек йўқ эди. Энди ҳеч нарса татимайди...

— Зерикмадингизми, Санобар опа? — деб сўради Ирода.

— Йўқ, йўқ, — дея оғир хўрсиниб жавоб қилди Санобар Камолова. — Айтаверинг. Жуда ғалати, ақл бовар қилмайдиган гаплар...

— Лекин, рост. Мен сизни алдаб нима қиламан? Етти ёт бегонаман, — дея гапида давом этди Ирода. — Янги жойда ҳам турмуш аввалгидек. Кунора зиёфат. Келди-кетди кўп. Кимлардир, мен танитайман, аммо уларнинг ҳаммаси мени биледи, «Иродахон опа», дейди, нималарнидир ташлаб кетишади. Кимлардир келиб, «Иродахон опа!», дейди-да, олиб кетади. Шу алпозда кунлар ўтаверди, болалар катта бўлди, иккала каттасини институтга жойлаб қўйдик.

Икки йилдан ошди, чамамда, бир куни Норбой ака тўрт кишини етаклаб келдилар. Холёр билан Саида мактабдан келиб ҳовузда чўмилишаётувди.

— Чикларинг! — деди Норбой ака сабрсизлик билан. — Сув айнибди. Касал бўлиб қоласанлар.

Холёр чиққиси келмай гап қайтарди:

— Топ-тоза-ку?!

— Чик дейман! Бўлмаса пес бўлиб қоласан.

Болалар ҳовлиқиб сувдан чиқишди. Авзойи бузуқ Норбой ака одамларга нималарнидир буюрди. Ҳалигилар бир-пасда ҳовузнинг устини тахта билан ёпиб, тупроқ тортиб юборишди. Ҳалигина болаларни қувонтириб турган ҳовуз гулзор билан теп-текис бўлди-қолди. Устига гулбеор экиб ташлашди. Фаввораларнинг ҳам беш-олтитаси тагидан суғуриб ташланди. Шундан кейин Норбой ака ойлаб минилмай турган «Волга»ни миниб чиқиб кетдилар. Ярим кечада, дарвозани ўзим очдим, ширакайф ҳолда, қандайдир пачок «Жигули»да қайтдилар.

— Ҳозирча шуни миниб турсин ўғилларинг, Сотимхон аканинг бир шохи лат еди. Аммо товони остидаги ер ҳали бақувват, патак босиб ётибди. Қаёғига кетмон урма, кўпчиб чиқаверади. Тақинчоқларингнинг энг зўрларини йиғиштир, бирон жойга кўмиб қўямиз.

Ярмидан кўпини йиғиштириб бердим. Қўлимдагилару қулоғимдагилар қолди. Шуларни ҳам ечтирди. Ёқут кўзли тилла узугим бор эди, ўзимники, онамдан қолган, шуни ҳам бармоғимнинг сирқираб оғриганига қарамай суғуриб олди. Ярим кечагача гаражда ивирсиб, бир маҳал ҳаллослаб кириб келди.

— Бўлди. Искович ит ҳам тополмайди, — деди ўрнига ётар экан.

— Мунча кўрқмасангиз? Сотимхон акадан қарзингиз бўлса, бериб қўяколинг.

Норбой ака аҳмоқсан дегандай ёстиққа оғзини тираб ингради.

— Ҳеч кимдан қарзим йўқ. Топганим ўзимники. Ўзимнинг ақлим, қўлим билан топганман.

— Бўлмаса тинчланинг, — дедим юпатган бўлиб.

Аммо тинчлик қайда? Ўзини қаёққа қўйишни билмайди. Бирпасда адойи-тамом бўлди. Бундай одамга ўхшаб гапла-шишлари йўқолди. Азонда кетади, кечаси қайтиб, номига овқат еган бўлади-да, ҳовлини айланади, гаражда соатлаб йўқ бўлиб кетади.

Тахминан бир ойлар ўтди шекилли, Сотимхон ака — ўша ер ютгур аждаҳо қамалди. Норбой аканинг рангида ранг қолмади.

— Сотиб қўймаса бўлди, — деди бир куни у.

— Шуни пойлаб ўтирасизми? — дедим мен. — Шу ҳам ҳаёт бўлдими? Ҳаммамизни қийнаб юбордингизку. Болалар, каттасидан тортиб, кичигигача кўзингизга дуч келгани кўрқишади.

— Нима қил, дейсан?

— Нимани сотиб қўйишидан кўрқсангиз, шуларни бориб айтинг ўзингиз. Олиб бориб беринг.

Тинчийсиз.

— Мени қаматмоқчимисан? — деб киноя билан қулди у. — Кейин бор топганимни ўйнашларинг билан еб ичмоқчимисан?

— Вой, нима деяпсиз ўзи? Тўртта бола билан менда ўйнаш нима қилсин? — Тутоқиб кетдим мен ҳам. — Топган нарсаларингиз ўзингизга буюрсин. Менга тийинингиз ғам керак эмас. Агар бориб ўзингиз айтмасангиз, мен бораман. Тўрттала боламни етаклаб бораман.

Бурнимга мушт тушди. Пешонабоғим билан оғзи бурнимни беркитганимча ошхонага чиқиб кетдим.

Шу кеча минг хаёлга бориб тонг оттирдим. Санобар опа, мен бир нарсага ҳеч тушуна олмайман. Қашқир ҳам қорни тўқлигида инида ётар экан. Одам шунчалик очофат бўладими? Ҳидланиб қолган гўштлар, қурт тушган қази-қарталарни қўшнилар, қариндош-уруғга беролмай, кечалари итларга ташлаб яшашнинг нимаси яхши? Йиллаб зах ерда ётавериб чириб кетган пулларни ишлатиб бўлмагандан кейин нима кераги бор? Келини ё куёви, хотини ё қизига ёздирилган иккита-учта машинани одамлар нима қилади? Қорин тўйса ҳам, кўз тўймайди, деган гап фақат одамларга, номини, зотини, кимлигини унутганларга тааллуқли экан.

Эрталаб худди ҳеч нарса бўлмагандек, Норбой ака олдимга кирди.

— Кечир мени. Агар бирор ножўя иш қилган бўлсам, ишон, аввало сени деб қилдим, кейин болаларни деб. Мендан кейин ҳам, ҳеч нарсага зор бўлманглар, деб жонимни жабборга бердим, ишладим.

— Ишлаш бунақа бўлмайди...

— Биламан, ишлаш бунақа бўлмайди. Қани, тўғри ишлаб кўр-чи, нонинг бутун бўлармикин?

— Бўлади, — дея қўшилмадим унинг гапларига. — Қолаверса, тинч, бошни ғоз тутиб яшаш учун яримта нон ҳам етади... Борасизми ё йўқми?

— Тушунсанг-чи, ахир, боролмайман. Айниқса ҳозир.

— Нега?

— Тергов бир ёқли бўлсин. Тергов тугагандан кейин борсам анча енгил бўлади. — Норбой ака ийманиб бир нарсани айтолмай турди, кейин айтди. — Ахир... бу ёқдагилар жим туришгани йўқ. Ҳаракат қилишяпти. Ажаб эмас, ҳаммаси тинчиб кетса!..

Шу пайт ошхонага иккала катта ўғлим кириб келишди.

— Ойи, биз армияга ёзилиб келдик. Бир ойдан кейин кетамиз.

— Қаёққа?

— Ҳарбий хизматга.

— Менга ҳам айтсаларинг бўладими шу гапларингни? — Норбой ака зарда билан гапирди. — Адашмасам, оталарингман шекилли?

Болалар индамай, бошларини эгишди.

— Ким қувяпти уйдан сенларни? — Норбой ака битта-битта ўғилларига қараб чиқди. — Кейин... кейин, биласанларми, осонликча сенларни ўқишга киритиб қўйганим йўқ. Ҳар биринг учун нақд ўн мингдан берганман!

— Шунинг учун ҳам кетяпмиз, — деди Элдор. — Хизматдан қайтгач, ўзимиз кирамиз ўқишга. Ўз кучимиз билан.

— Бу уйда соғ одам қолмапти чамамда, — деб ғўлдиради Норбой ака.

— Фақат сиз соғсиз, дада, — деди лаблари қалтираб қути учган Бахтиёр. — Соғ одам фақат пул топиши керак. Шунақанги кўп пул топиши керакки, ерга кўмиб, уни албатта чиритиши керак!

— Тирранча! Ўчир овозингни!

Норбой ака мушт кўтарди. Аммо Бахтиёр ҳам, Элдор ҳам жойларидан жилишмади. Бошларини эгганларича тек тураверишди.

Норбой ака қўлини тушириб, менга нимадир демоқчи бўлди, кейин хафсаласи пир бўлди,

шекилли, эшикни тарақлатиб ёпиб, кўчага чиқиб кетди.

— Ойи, нима қиламиз? Розимисиз? — дея сўради Элдор.

— Қилгуликни қилиб қўйиб, энди розилик сўрайсизларми? — дедим аччиғланиб.

— Сизга енгил бўлармикан, деб ўйловдик-да.

— Енгил бўлсин десаларинг, холи қўйинглар мени ҳозир.

Иккалови чиқиб кетди. Бошим оғриб кетди. Нима қилай? Кимга нима дей? Ҳеч маҳал бундай оғир аҳволга тушмаган эдим. Орзуимни нимага алмашдим? Биринчи келган фикр шу бўлди. Иш билан бўлиб кетганимда, ким билади, бу фирибгар, ҳаром одамлар қафасига тушмасмидим балки? Мен ўзимни ёмон одам деб ўйламайман. Лекин суриштириб қарасангиз, салкам чорак аср ёмонлар билан бирга бўлибман, ҳамёстик бўлибман, нима пок, нима ифлос, нимада халқнинг аччиқ дарди бор — билмабман! Санобар опа, қаранг, йигирма уч йил биронта одамга яхшилик қилмабман, ҳаромхўр, текинхўр, юлғичларнинг дастурхонини тузабман, кўзига ширин боқибман, ширин гапирибман. Қул ҳам эгасига бундай қилмайди, жуда бўлмаганда нафратини дилида сақлайди. Мен шундай ҳам қилмадим. Улар мени кўғирчоқдек ўйнатишди. Лекин бир нарса менга тасалли беради. Болаларим. Болаларимни тўғри ўстирибман. Розиман иккаловининг ҳам кетишига. Боришсин. Хизмат қилишсин. Кейин бошларига тушганини кўришар. Лекин бир нарсага аминман. Ҳалол яшашади. Дадасига айтган гапларини эшитдингиз. Улар айтганимни қилади. Баҳодирим, Элдорим, азиз болажонларим, фақат йўлларингда учрайдиган товони ерга тегиб турган алвастилардан нари бўлсаларинг бўлди.

Ўша куни томоғимдан ҳеч нарса ўтмади. Уйку ҳам келмади. Албатта мен ҳеч қаёққа борганим йўқ. Қаёққа борардим? Нима дердим? Сўроқдаги Сотимхон аканинг жавобларидан эрим кўрқиб юрибди, дейманми? Аллақачон хабарлари бўлса керак. Бир иш очилса, ҳаммаси очилади. Иннай-кейин, ўз эримдан шикоят қилиб борармидим? Ер ютгур олиб келган ўша нарсаларини емаганманми, киймаганманми? Фақат шу ифлос кийимларни деб меҳмондорчиликларга, тўй, театрларга бормаганманми?

Хуллас, ҳеч қаёққа бормадим. Окшом пайти ўзлари келишди.

— Протоколга вақт кетмаслиги учун ҳаммасини ўзингиз кўрсатганингиз маъқул, — деди улардан бири Норбой акага.

— Ҳамма нарса очик, ўзларинг қарайверинглар, — деб жавоб қилди эрим.

Тинтув бошланди... Санобар опа, бу фалокат бошингизга тушмаган, билмайсиз. Ер ёрилсаю ерга кириб кетсанг шу маҳали. Қўшнилари, болаларимдан қандоғ уялдим, қан-доғ уялдим!..

— Бўлдими? — деб сўради ниҳоят тинтув бошлиғи.

— Бори шу, — деди Норбой ака тумшайганича.

— Бўлмаса, гаражга ўтайлик...

Гаражда нима борлигини улар қаердан билган экан? Мен ўғилларимга қарадим. Улар ҳам мендек, уялганларидан зўрға оёқда туришарди, бошлари эгик.

Улар Норбой акамни олдиларига солиб гаражга кетишди.

Мен болаларим билан айвонда қолдим. Кўп ўтмай, машинани суриб чиқаришди гараждан. Нималардир у ерда тарақлаб кетди. Темир-терсак ўлгур кўп эди гаражда. Бир маҳал учта оғзи маҳкам беркиладиган сут бидонни икки киши кўтариб, айвонга олиб чиқди. Оғзиларини очиб ағдаришди. Учала бидоннинг ичи чала-чулпа тахланиб, сув қоғозга ўралган юз сўмлик, эллик сўмлик пуллар экан. Бундан мутлақо хабарим йўқ эди. Узун дераза тагида турган диваннинг устини пул босиб кетди. Кўпи моғорлаб қанчаси чириб, титилиб кетибди.

— Бу ёғини ўзингиз айтасизми, ё? — деди яна тинтув қилаётганлардан бири.

— Айтадиган бошқа ҳеч нарсам йўқ, — деб тўнғиллади яна эрим.

— Ҳовузни беркиттираётганингизда у ерга нима яширган эдингиз?

— Ҳеч нарса яширганим йўқ.

— Ўжарлик қилиб, чакки қиласиз.



—Опа, ҳовуз қаёқда?

Кўрсатдим. Ярим соат ўтар-ўтмас, сувқоғозга ўралган иккита бир килолик тунука чой қути кўтариб келишди. Очишди. Ичи тўла тилла пуллар экан. Бу пуллар қаердан келди? Нега буларнинг ҳаммасини мендан яширди?

Шу пайт кимдир қаттиқ ингради, кейин ҳирилдоқ товуш эшитилди. Тинтув ўтказаётганлар югуриб ичкари хонага кириб кетишди. Биз ҳам кирдик. Қай кўз билан кўрайки, ётоқхонада Норбой акам икки кўлию бўйнидан қон кетиб ётарди. Бир кўлида чустий пичоқ. Танидим: қайси бир йили бир ўртоғи совға қилган эди. Қийикқа ўралганча шкафда ётувди.

Ўзимни ушлаб туrolмай, Норбой аканинг устига ташландим! «Норбой ака! Нима қилиб кўйдингиз? Мен сизга бегонамидим? Айтганингизда қайтарсам бўлмасмиди?..» Яна нималар деб йиғладим. Одамлар овулган бўлишди. Қани энди уларнинг гапи қулоғимга кирса?!

Чақирилган «тез ёрдам» фойда бермади. Беш минут ўтар-ўтмас Норбой акам оламдан ўтди. Ҳеч нарсадан хабарлари йўқ Саида билан Холёр музика дарсидан келиб, ичкарига киришди. Одамларни ёриб ўтиб, бўлган воқеани, қонга беланиб ётган оталарини кўришди. Бирдан «Дада! Дадажон!» деб қизим қичкириб юборди. Шундагина мен уларни кўриб қолдим. Дарҳол иккаловини бағримга босиб, ҳовлига олиб чиқиб кетдим.

Ана шундай даҳшатли кунлар ҳам тушар экан одамнинг бошига, Санобар опа. Еттисини ўтказдик, ҳеч ким кирмади маҳалладан. Ишхонасидан беш-ўнта киши келган бўлди.

Норбой ака ўзини ўлдирган куниёқ иккала кичкинамини синглимниқига жўнатдим. У ҳам Тошкентда яшайди. Бола бечоралар бу уйда қандай ухлайди? Катталари ҳам зўрға туришди. Ҳовлига жой қилиб ётишди. Ёнларига менга ҳам жой қилиб беришди.

Еттиси ўтган куни, идиш-товокларни йиғиштириб бўлиб, катта ўғилларимни ёнимга чақирдим.

— Нима қиламиз энди? Нима гапларинг бор?

Узоқ ўйланиб ўтиришди. Кейин Бахтиёр гап бошлади.

—Ишлаймиз, ойи. Сизни ёлғиз қолдирмаймиз. Уқиш бўлса сиртдан ўқирман. Кундузгида, Элдорни билмайман, мен ўқиёлмайман. Уз кучи билан, зўрға кирган ўртоқларимнинг кўзига қандай қарайман?

—Мен ҳам ўқимайман кундузгида. Акамдек ишга кираман. Сиртдан ўқийман.

— Армияга кетмоқчи эдиларинг-ку? — деб сўрадим ичимда улардан рози бўлиб.

Иккови ҳам жавоб беришмади.

— Ёзилиб келганларинг ростми? Ё... Элдор бошини қимирлатди.

— Рост эди.

— Рост бўлса... ҳарбийда хизмат қилиб келиш ҳар бир йигитнинг бошида бор, — дедим мен.

— Хафа бўлмайман. Бориб келинглар.

Бахтиёр бир нарсага оғиз жуфтлаган эди, тўхтатдим.

— Йўқ, йўқ! Боринглар... Сенларники ҳалол... Ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим.

— Ойи! Сизда нима гуноҳ? Сиз ўғирлик қилибсизми? Элдор елкаларимдан кучоқлаб, юз-кўзимдан ўпа бошлади.

— Гуноҳ кўп менда ҳам, болам!.. Биринчи марта иккита гўрсўхта индамай сўйилган кўйни ташлаб кетганида, олмасам ё кўчага улоқтирсам, балки ҳозир гуноҳим бўлмасди. Мен олдим, биринчи мартасиям, иккинчи мартасиям, ҳар доим, ҳар доим. Ким нима кўтариб келса, суриштирмай олиб қолавердим. Дадангни эгри ишлардан тўхтатмадим, қайтага шерик бўлдим!.. Ўғирликмасми бу! Ҳеч ўзимни кечирмайман, сенлар ўқишда эдинглар. Бир мўйсафид келди. Дадангнинг трестида ишлар экан. Дурадгор экан. Беш йилдан бери квартира деб йиғлармиш, беришмасмиш. Шу одам бир тоғора ковоқ сомса қилиб олиб келибди. «Бошқасига қурбим етмади. Бола-чақа кўп. Зах, эски уйда тураман. Норбойжон битта ҳа, деб юборсалар квартиралик бўлиб қолардим. Берадиган ҳеч нарсам йўқ. Уйимнинг ўртасида эски наMAT,

ҳовлининг бурчагида битта ориқ сигир. Бор бойлигим болаларим. Ёрдам қилинг, синглим», деб йиғлади ҳалиги мўйсафид. Кечқурун даданга айтдим, ҳатто ялиндим. Аралашма, деди даданг. У одам оёғи билан эмас, тили билан юради. Кўрдиларингми, шу кичкинагина бир савоб ишни ҳам қилганим йўқ даданга қўшилиб. Энди гап бундай, дедим иккала ўғлимга, йигит кишининг гапи битта бўлади, армия дедиларингми, қайтманглар. Қайтгунларингча иккала уканг билан холаларингникида туриб тураман. Қайтганла-рингдан кейин бир гап бўлар.

—Ойи, биз бу уйда турмаймиз, — деди Элдор.

—Мен ҳам, — дедим.

Улар кетишди. Кавказда ҳозир. Иккала кичкина синглимникида. Мен бўлсам, бир бетайин одам бўлиб қолдим. Хаёлим паришон, юрагимга қил сиғмайди, нимага қўл уришимни, қаёққа боришимни билмайман... Иттифоқо тинтув пайти рўйхат қилинган нарсалар хаёлимдан ўтди. Улар орасида тақинчоқларим йўқ эди. Топишмади шекилли. Шундай ўйлаб туриб, ўзим ўша нарсаларни қидириб кетдим. Кечга яқин ҳовуз ариқчасининг қувуридан топдим. Термосга ўхшаган қопқоқлик бир идишда сув қоғозга ўроғлиқ турган экан. Топишмади, булар энди сеники, болаларингники, деган фикр ўтди юрагимдан. Лекин болаларимни ўғирлик мол билан ўстираманми яна, бу ёғи пешонам терига қолсин. Шу фикрда тўхтадим. Ҳаммасини стол устига ёзиб бирпас томоша қилиб ўтирдим. Кейин одмироқ сумкага солиб, кўчага чиқдим. Назаримда шу кетишда милицияга кетяпман. Ярим йўлга етганимда, орқага қайтдим. Худди биров мени қувиб келаётгандек уйга югурдим. Кира солиб, эшикни қулфладим. Кейин ўйлаб-ўйлаб, яхши бир йўл топгандек ҳам бўлдим. Чиройли кийиндим. Қўлларимга сиғганича узукларимнинг энг қимматбаҳоларини тақдим. Енгил жемперимнинг устидан икки қатор марварид, бир қатор туятишли дурумни осдим. Энг яхши зирақларни ҳам осиб олдим кулоқларимга. Яхши кўринсин, деб калта тик ёқа чарм пальтомни кийдим. Тақинчоқларнинг қолганларини пальтом рангидаги сумкага солиб кўчага чиқдим.

Ательени айланиб, Богдан Хмельницкий кўчасига етганимда — шу ерда катта гастроном бор — шунга бир кириб чиқдим. Уч-тўртта аёл, бир-икки эркаклар мени кузатишди. Менга шу керак эди. Гастрономдан чиқиб, педагогика институти томон юрдим. Сездим, рўпарамдан бир кекса хотин менга тикилиб келяпти. Яқинлашганимда у тўхтади. Мен парво қилмай ўтиб кетавердим. Шунда орқамдан унинг овозини эшитдим:

—Айланай! Эҳтиёт бўлинг. Ясан-тусан ҳам эвида-да. Битта-яримта ўлдириб кетса нима бўлади?!

Индамай кетавердим. Педагогика кўчаси билан Шота Руставели муюлишигача бордим. Ҳеч ким менга бошқа парво қилгани йўқ, илашгани ҳам йўқ. Шу ерда бирпас туриб боғга йўл олдим. Боғнинг дарвозаси олдида бир эркак киши бутилкадан пиво ичиб турган экан. Мени кўриб, оғзидаги пивоси томоғидан ўтмади, бир қалқиб, шишани ариққа улоқтирди. Мен унга ортиқча қарамай ўтиб кетдим.

Боғ жимжит. Катта ҳовуздаги сувда занжирбанд қайиқлар бўм-бўш турибди. Боғнинг ўртасидаги ёғоч иморатнинг ичидан бильярд тошларининг овози келяпти. Бошқа товуш, шовқин-сурон йўқ. Боғнинг орқа томонлари қоп-қоронғи. Кўрқиб кетдим. Ҳовуз лабидаги ўриндиққа ўтирдим.

Шу тобда яқинимда, орқамда кимнингдир шарпаси пайдо бўлди.

— Чарчабсиз-да, хоним? — деди эркак овоз.

Ялт этиб қарадим. Бир қўли плашчининг чўнтагида, бир қўли скамейканинг суянчиғига тиралган ҳалиги пиво ичаётган одам орқамда турарди. Жавоб бермадим.

— Мен ҳам чарчаганман. Ёнингизда бирпас ўтирсам майлими?

— Утиринг. Жой кўп, — дедим.

Юрагим гупуллаб ура бошлади. У ўтириши билан сассиқ папирос ва ачиган овқат ҳиди димоғимга урилди.

— Бу дейман, хоним, ишдан чарчадингизми, ё ёлғизликдан? — деб сўради у яқинроқ сурилиб.

Мен қимир этмай ўтиравердим.

— А, нимадан чарчадингиз? Билсак бўладими?

— Ишдан, — дедим зарда билан.

Нега зарда қилдим, билмайман. Ўзим, ахир, ўғри ё одам ўлдиришдан тоймайдиган одамга дуч келиш учун чиқдим-ку уйдан. Бу одам худди шунақаларданга ўхшарди.

— Ишдан? — У ҳайрон бўлди ва тикилиб юзимга, қулоғим, қўлларимга қаради, кейин жилмайиб деди:

— Йўқ, мени алдаб бўпсиз!.. Ишга бунақа ясаниб бормайди одам, келмай қолдиларми?

— Ким?

— Ким бўларди... ҳалиги... — У кўзини қисиб кулди. — Келмаган бўлсалар, хафа бўлманг... Мана! Биз готоп!

У кўкрагига зарб билан мушт туширди. Мен ҳатто сесканиб кетдим. У буни ўзича тушуниб елкамга қўлини чўзди.

— Кўлингизни олинг! — дедим яна зарда билан. — Тўртта болам бор. Оладиган нарсаларингизни олинг-да, кетинг!

— Қанақа нарсаларни? — деб ҳайрон бўлиб менга қаради у.

— Манави тақинчоқларни. Зирак, узук. Сумкада ҳам бор. Мана.

Сумкани очиб кўрсатдим. Сумканинг ичи ялтираб кетди.

— Мени ким деб ўйлаяпсиз, хоним! — У қошларини чимирди. — Агар юз грамм ортиқча ичган бўлсам, икки... атиги икки оғиз ширин гап гапирмоқчи бўлган бўлсам, дарров мени — туппа-тузук одамни ўғрига чиқариб дўясизми?

У ух тортди, ғижим бўлиб кетган рўмолчасини олиб бурнини қоқди ва шу рўмолчани кўзларига босган бўлди. Буни мен ўйин деб тушундим. Вақт, зарур вақт пойлайти, деб ўйладим.

— Йўқ, адашасиз, хоним!.. — У гапида давом этди. — Илгари мен... рост, ўғирлик қилганман. Орип чиноқ деса Бешоғочдан Кўкчагача мени ҳамма биларди ва ҳамма кўрқарди. Эшитяпсизми, кўрқарди. Йигирма йил бўлди, ташлаганман. Иннайкейин, бунақа тош пошлар менинг касбим эмас. Нақд кармон пул — мана, мен нимани яхши кўрардим. Тош албатта бировнинг бошини ейди. Пул-чи? Бугун бор, эртага йўқ. Тош йўқолмайди, қўлдан қўлга ўтади ва бир куни қарабсизки, ҳурматли хоним... Орип чиноқ решатканинг орқасида. Мен... мен... пулнинг ҳам фақат ҳаромини ўғирлаганман. «Жаноб 420»ни кўрганмисиз, зўр фильм. Ўша ўғри мен бўламан. Менга ишонасизми, йўқми? — Мен беихтиёр «ха» дедим. — Бўлмаса, илтимос, ўн сўм бериб туринг. Уйдан бепул чиқиб кетганман. Учта болам билан ойдек хотинимни ташлаб, чиқиб кетганман. Ярамас, мени ҳайдаб чиқарди-я озгина ичганимга!

Мен бу одам билан учрашганимга пушаймон бўлиб, ўн сўм қолдирдим унга.

— Раҳмат, эртага албатта қайтараман, — деди у ва бир пасда кўздан ғойиб бўлди.

Ҳафсалам пир бўлиб, ўрнимдан турдим. Кап-катта шаҳарда ўғри учратиш ҳам амри-маҳол экан. Тағин тайёр мол билан турсанг ҳам кўринишмайди...

Ирода кулди.

Санобар Камолова унинг анча енгил тортганини пайқаб қўшиб қўйди.

— Ўғри ҳам танлаб ўғирлайди.

— Шунақа экан. Уйга қайтдим. У ердан синглимникига бордим. Саида билан Холёр синглимнинг болалари билан роса тўполон қилишиб, энди уйкуга кетишган экан. Иккаловининг юз-кўзидан ўпиб, бағримга босиб, ташқарига чиқдим. Сиримни синглимга билдирмадим.

— Болаларга ўзинг қараб тур. Йўқлигимни билдирма. Қаердалигим икки-уч кундан кейин маълум бўлади, — дедим.

— Қаёққа кетаяпсиз? — деб хавотирланиб сўради синглим.

— Ҳозир айтолмайман.

У ортиқча суриштирмади. Эрининг ташвиши билан юрган бўлса керак, деб ўйлади.

Яна кўчага чиқдим. Оёқларим ўзидан-ўзи «Минор»га бошлади. Дарвозанинг ёнидаги кичик эшик очиқ экан, шундан кириб, Норбой аканинг қабри устига бордим. Этларим жимирлашиб кетди. Бўшашиб тиз чўкдим. Тиз чўкдиму бор аламим, нафрат ва муҳаббатимни лойшувоқ қабрга тўкиб солдим! Ким эдим? Ким бўлдим? Мени кимлардан айирдинг бетавфиқ? Тўртта болани сўққа бошимга нега ташлаб кетдинг? Қозонимиз ҳафталаб қайнамаса ҳам, йиртиқ-ямоқ кийиниб юрсак ҳам сендан таъна қилмас эдим. Ўртоқларимдан айрилдим; касбимдан айирдинг. Мени ўйлаганларинг, менга гапирганларинг мени деб, болаларни деб ўғирлик қилганларинг, ҳаммаси-ҳаммаси ёлғон! Сен билан яшаганим ёлғон! Ёлғон! Ёлғон!..

Унинг қабри ёнида яна қанча ўтирдим — билмайман. Афтидан, овозимни чиқариб бўзлаган бўлсам керак, кимдир келиб мени кўчага олиб чиқиб қўйди.

— Кўйинг, фойдасиз, — деди. — Бу ерга тирикларни ўйлаб келиш керак.

Ҳар ҳолда, ўйлар мени машиналар кўпроқ юрадиган кўчаларга бошлади. Айланиб, яна Шота Руставели кўчасидан чиқиб қолибман. Улгурмадим. Ёнимга қарасам, чирокларини тўла ёндириб машина келяпти. Яқин қолганида йўлини кесдим. Машина худди бояги трамвайдек чинқириб юборди-да, маст одамдек ўзини бир-икки у ёқ-бу ёққа ташлаб, тиззаларимга тегиб тўхтади.

— Опа! Жонизда қасдингиз бўлсаям, бизни ўйламайсизми?! Жувонмарг бўлиб кетардим-ку ҳозир! — Шундай деб шофёр йигит машинадан тушди. — Урилмадингизми?

— Йўқ, — дедим уялиб мен.

— Нахотки кўрмадингиз машинани? Бунинг устига, тез келаётган эдик, — деди машинадан тушган иккинчи йигит.

— Кечиринглар!.. — Мен бошқа ҳеч нарса дея олмадим.

— Қаёққа кетяпсиз? — деб сўради шофёр йигит.

«Самарқандга» деган сўз оғзимдан чиқиб кетганини ўзим билмай қолдим.

— Буни қаранг-а? Йўлимиз битта экан. Қани, ўтиринг! — Шофёр йигит орқа эшикни очиб мени ўтқазди. — Пальтонгиз бир оз чанг бўлибди, холос.

У жойига, иккинчи йигит унинг ёнига ўтирди. Машинани юргизар экан, шофёр йигит зўраки кулиб қўйди:

— Тиззаларим ҳалиям қалтираб кетяпти. Аммо, опажон, бир фалокатдан қутулиб қолдик-да! Қани, кетдик!

Тошкентдан чиқилганда шофёр йигит сал орқага ўгирилди.

— Менинг отим Исмат. Бу киши ўртоғим — Нурилла. Иккаламиз ҳам физикмиз. Илмий-текшириш институтида ишлаймиз. Келинингиз Самарқанд университетида диссертация ёқлаяптилар эртага. Адабиётдан. Навоий билан Жомийнинг адабий алоқаларидан.

— Мен эса, Иродаман. Ҳамшира. — Қандай қилиб оғзимдан шу гаплар чиқиб кетганини сезмай қолдим, кип-қизариб кетганимни бутун вужудим билан пайқадим, аммо машина ичи қоронғи эди, улар билишмади.

— Иродахон опа! — деди шофёр йигит яна. — Қорин қалай? Машинада норин бор, қази, пишган гўшт... Балки...

— Сўраб берадимми? — деб жеркиди иккинчи йигит. — Сангзорга етайлик, тўхтаб, яхшилаб овқатланиб оламиз. Нима дедингиз?

Мен бош ирғадим. Кейин йигитларга билинтирмай, секин-секин бармоқларимдан, қулоқларимдан тақинчоқларимни ечиб сумкамга солиб қўйдим. Дурларимдан биттасини ҳам бўйнимда колдирмадим.

Анчагача жим бордик. Сирдарёдан чиққанимизда, шофёр йигит шеригидан сўради.

— Дача қилмоқчи эдинглар, нима бўлди?

— Э, сўрама, — деб жавоб қилди иккинчи йигит. — Нанайнинг этагидан яхши жой танлаган

эдик. Бир қурилиш бошқармаси билан шартнома туздик. Бошлиқлари бориб кўриб келди. Пулини ҳам келишдик. Энди қурилиш бошланай деганда ҳаммаси қамоққа олинди. Бошлиқлари ҳам. Норбўтаевмиди, Норбоевмиди — ҳозир эсимда йўқ.

— Нега?

— Ҳозир маълум эмас. Афтидан, муттаҳамлик, қаллоблик.

— Пахтани тузатишган эди, энди навбат қурилишга келибди-да!

— Нимасини айтасан. Гапларга қараганда, булар фақат алдаш билан кун ўтказишаркан.

— Яхши бўлмади-да, — дея хўрсинди йигит. — Беш-ўнта касофат ҳаммамизга иснод келтиряпти. Бу нокасларни...

Мен бир сесканиб тушдим. Лекин эримга қанча ачинмай, улар ҳақ эди.

— Ярамаслар, қачон уларнинг уруғи тугайди?!

Худди унинг гапини эшитмагандек шофёр йигит деди:

— Хафа бўлма. Оз қолди. Ёмондан яхши кўп... Ишларимиз жуда бошқача бўлиб кетади.

Сангзорда овқатланиб, яна йўлга тушдик. Тонг ёришганда Самарқандга кириб келдик. Мен бозор олдида қолдиришларини илтимос қилдим. Шундай қилишди. Борадиган жойим, қиладиган ишим йўқ эди. Нега ўзи Самарқандга бориб қолдим — билмайман. Институтда бирга ўқиган ўртоқларим бор, уларникига кирсам, бирпас дам олсам бўларди. Лекин нима деб кираман? Қайси юз билан кираман?

Бозорга ўтиб, расталарни томоша қила бошладим. Куз бозори жуда алламбало бўлади. Тўғрими, Санобар опа? Айниқса, Самарқанд бозори. Бир томонда писта-бодом, шўрданак... Бир томонда қуруқ мева, бир томонда хўл мева... Кўзларингиз қамашиб кетади.

Мен Самарқанд нонларига жуда ишқивозман. Тавба, қандай кўли гул одамлар ёпар экан-а бундай нонларни? Ҳозир есангиз ҳам маза қиласиз. Бир ойдан кейин ҳам унинг кусир-кусири руҳингизни кўтаради. Битта янги узилган бўрсилдок нон олиб, қаймоқ бозорига ўтдим. Қаймоқчиларнинг панасида бир сопол товоқ қаймоққа уни ботириб едим. Биласизми, анча ўзимга келдим. Аёллардан бири аччиқ кўк чой узатди. Яқин-яқингача юрагимнинг қаеринидир кемириб турган дард йўқолгандек бўлди. Регистонга ўтиб офтоб ялтиратиб турган мадрасаларнинг ҳаммасини шошмасдан томоша қилдим. Кейин Афросиёб музейига бордим. Кун ярим бўлди. Зарафшонга келиб овқатланган бўлдим. Кейин яна кўчага чиқдим. Гўри Амир томонга она-бола кўл аравага босиб ғўзапоя олиб кетяпти. Бола тортиб кетяпти, калиши оёғидан тушиб қолай-тушиб қолай деган аёл бор кучи билан аравани орқадан итаряпти.

— Камроқ ортсаларинг бўлмасмиди? Болага оғир-ку?! — дедим ўзимни туютолмай.

— Мен ҳам айтдим охи оғир бўлди деб. — Хотин тўхтаб тушунтира бошлади. — Аравага ҳам, сенга ҳам, бола, менга ҳам жабр, дедим. Икки сафар қилайлик, дедим. Йўқ, дейди. Ўқиганда! Телевизор кўрар эмиш. Футбол бор эна, тезроқ нон ёпинг, дейди. Ғўзапояга нон зўр пишадида, айланай, худди сизнинг ойдек юзингиз бўлиб кетади. Бизнинг ҳовлига бўлинг, ана, водопровод оқиб турибди. Шунга етсангиз — бўлди. Одилшо, чақир опангни?

Араванинг олдида ғўзапоя орасидан илжайган калла кўринди.

— Қани, юр бўлмаса! — Кампир аравани итарди. Олдинда ҳеч ким бўлмаса ҳам, кўшиб кўйди: — Қани, пўшт! Одилшо тойчоқ кетяпти, пўшт. Қадами олтин кетяпти, пўшт!..

Яшаш қандай ширин шу одамларга. Она боласига у севган нонини ёпиб бериш дардида, бола янги узилган нонни еб футбол кўриш иштиёқида. Бундан катта завқ, бахт борми? Уларнинг ҳаёти ҳар куни шундай, меҳнат, завқ билан ўтади. Нега шундай яшаш мумкин эмас? Шунча йил яшаб, нега мен бирон марта бундай завқ олганим йўқ? Болаларимга қандай завқ бердим?

Югуриб меҳмонхонага кирдим. Иккита конверт, икки варақ қоғоз олдим. Ўша заҳотиёқ иккита хат ёздим. Мана улар...

Санобар Камолова ёзув столи устидаги чирокни ёқиб, хатларни унинг қўлидан олди. Иккалови ҳам ариза эди. Бири — шаҳар советига: ҳовлини олиб, ўрнига квартира бериш ҳақида;

иккинчиси — Тошкент педиатрия институтининг бош врачлари номига бўлиб, ҳамшира сифатида ишга қабул қилишларини ўтганиб сўралган эди.

— Иккала аризонгиз ҳам яхши, — деди Санобар Камолова. — Оқилона иш қилибсиз. Биттасини, қабул қилинди, деб ўйлайверасиз.

— Қайсинисини? — деди шошиб Ирода.

— Ҳамшираликни. Ўша касалхонанинг бош врачлари мен бўламан. Эртадан ишга бораверинг.

Ирода дивандан сакраб тушиб, ёш боладек Санобар Камолованинг бўйнидан кучоқлаб олди.

— Юринг, ҳовлига чиқайлик. Юлдузлар сўнмаганмикин, кўрайлик.

У даст ўриндан туриб, ҳовлига тушди. Кетидан Санобар Камолова ҳам ҳовлига чиқди. Эрта саҳар эди. Ҳаёт ҳали қоронғилик оғушида. Юлдузлар чарақлаб турибди. Қай кўз билан кўрсинки, янги, энди тўрт кунлик ой шундай иккаловининг ўнг томонида эди.

— Вой! Қаранг, — деди Ирода. — Думли юлдуз яна қайтиб келибди!

Ростдан ҳам ойнанинг тагида кеча улар кўрган думли юлдуз турарди. Унинг ёруғи ҳовлигача тушган эди.

— Санобар опа? Айтинг-чи, қандай одамни бахтли деб бўлади? — деб сўради Ирода бирдан.

— Назаримда, бахтли одам — халққа, жамиятга фойдаси теккан, одамларга зарур одам бўлса керак.

— Мен ҳам шундай одам бўлармиканман?

Санобар Камолова унга қаради. Ироданинг кўзлари ялт-юлт қилиб турган думли юлдузда ва янги ойнанинг олтин уроғида эди.

1986

## БЎРИБОСАР

## 1

Уни амакисининг паркентлик кўйчивон амакиси ташлаб кетди. У кичкина айиқ боласига ўхшарди. Кулранг, қалин жунлари орасидан япалоқ тумшуғини ҳам, яқиндагина очилган мунчоқдек қора кўзларини ҳам кўриб бўлмасди. Думалоқ коптоқдек боши танасидан катта бўлганидан тўғри юролмас, тумшуғи билан ерни сидириб, йўлида учраган нарсани босиб, ағдариб, ўзи ҳам юмалаб юрарди. Кекса чўпоннинг гапига қараганда, у жуда зотли бўрибосарлар авлодидан экан. Онаси, еттита бўрини ўлдирган, бутун Паркентга донғи кетган Олапар бу йил атиги иккита туғибди. Биттаси шу экан. Иккинчисини кекса чўпон, талабгорлар ниҳоятда кўп бўлса ҳам, ҳеч кимга бермай, ўзига қолдирибди. Отаси ҳам машҳур итлардан бўлиб, жамбуллик қаҳрамон кўйчивон Сарсонбой Сакеновнинг отарини кўриқлар экан. Амакининг шу итга ҳаваси келиб, уч йилдан бери ҳар баҳор Олапарни Жамбулга ҳамкасб дўстининг отарига олиб борар экан. Икки йил бурун Олапар учта туғибди. Ҳар биттаси ҳозир ғунажиндек-ғунажиндек бўлиб кетган эмиш, Паркентда ҳам, унинг атрофларида ҳам бундай итларни ҳавас қилмаган чўпон йўқ эмиш...

Козим кучук болани яхши кўриб қолди. Хилма-хил ўйинчоқларни унутди. Велосипедини ҳам минмай кўйди. Ўйини — кучук бола. Ит ҳам унга ўрганиб қолди, унга эргашадиган бўлди. «Кўктой!» — деса, пилдираб олдига келади, нам тумшуғини оёқларига, қўлларига суркаб, эркаланади, атрофида думалайди. Козим боғчага кетганида кучукча узоқ ангиллайди, эшикка ёпишиб тимдалайди, келганида эса, хурсандликдан сакраб уйни бошига кўтаради.

Козимнинг онаси узоқ қариндошларининг совғасига аввал парво қилмади. Аммо кучук бола ўсган сайин, у эса кун эмас, соат сайин ўсарди, унинг кайфияти бузилиб, энсаси қотадиган бўлиб қолди. Идиш-товоқ сингани, китоб-дафтарлар йиртилгани майли, уйдан ит ҳиди келадиган бўлиб қолганини у биринчи сезди. Илгари у кун ора пол ювадиган бўлса, энди ҳар куни ювиб, эшик деразаларни очиб, уйни шамоллатади, овқат столини бир неча мартадан артади, Кўктой оёғининг тагида ўралашадиган бўлса, зарда-билан тепиб юборади. Кучук бола акиллаб, ўзини кроватнинг тагига олади ё Козимнинг стули тагига келиб, ётади-да олдинги оёқлари билан тумшуғини беркитади.

Бир куни Козимнинг онаси ишдан келганида, эшик тагида тунги кўйлаги ётганини кўрди. Ҳайрон бўлиб кўтарди ва зарб билан силкитган эди, юз-кўзига қандайдир томчилар сачради. Нима бўлганини тушуниб, зардаси қайнаб кетди, нам кўйлакни полга улоқтириб, кучук болани қидира бошлади. Аммо узоқ қидирмади. Кўктойнинг ўзи югуриб олдига келди. Козимнинг онаси: «Ҳа, ер юткур!» — деб қарғади-да, уни тепди. Аммо Кўктой жойидан қимирламади. Йўғон орқа оёқлари билан полга тиралиб, бошини кўтарди ва оппоқ аррадек тишларини кўрсатиб ириллади. Козимнинг онаси ҳанг-манг бўлиб қолди, афтидан, кўрқиб ҳам кетди. Қўлини мушт қилиб ургани кўтарган эди, Кўктой баттар ириллади ва биринчи марта вовуллаб юборди. Унинг чиройли, кўнғироқдек овози бор эди. Козимнинг онаси буни пайқамади, пайқаса ҳам парво қилмади. Аммо ургани ботинмади, муштини ёзиб, терс бурди-да, ўз хонасига кириб кетди.

Кечкурун Козимнинг дадасига шикоят қилди:

—Совға опкемай кетсин амакинғиз! Иккита қурт ҳам бўларди болага. Боя менга бир ташланди, юрагим чиқиб кетай деди. Ҳозир шундоқ. Мени айтди, дерсиз. Каттароқ бўлса битта-яримтанинг бошини ейди, балога қоламиз.

—Ўргатиш керак, — деди Козимнинг дадаси. — Иннайкейин катта бўлганда куйилиб қолади. Бу ҳам ҳали бола-да!..

— Боламас, бало! Тишлари арранинг ўзи! — Эътироз билдирди Козимнинг онаси. —

Яхшиси, амакингиизга қайтариб бериб келинг. Ўғлимизга йўқолиб қолди, деб қўя қоламиз. Бўлмаса, ўзим ит яшиққа бериб юбораман.

— Ўргатиб кўрайлик-чи, аввал, — деди Козимнинг дадаси.

Козимнинг кровати остида ётган Кўктой уларнинг гапларини тушунгандай ғиншиб қўйди.

У шу туни туш кўрди. Кўм-кўк адр. Қўй-қўзилар ўтлаб юрганмиш. У янги ўрилган хушбўй пичан устида худди ўзидек, аммо ола-була кучук бола билан онасини эмиб ётганмиш...

## 2

Козимнинг дадаси айтганини қилди. Овчилар магазинига бориб, яхши чармбоғ, занжир олиб келди. Кимнингдир, итни бир қўлида калтак, бир қўлда қанд билан ўргатиш керак, деган маслаҳатига кириб, тутдан хивич йўнди. Аммо қанча уринмасин, барча ҳаракатлари зое кетди. Кўктой тиниқ қора кўзларини унга тикиб, қулоқ осар, лекин биронта гапига кирмасди. Икки ой деганда зўрға ўтириб, олдинги оёқларини кўтаришнигина ўрганди холос.

— Ит бўлмай ўлсин, — деди Козимнинг ойиси. — Ҳамма ақли гавдасига, қорнига кетган буни! Ҳали ҳам гапимга кириб, бу одам бўлмайди, обориб беринг амакингиизга!

Чиндан ҳам ярим йил ичида Кўктой бузокдек бўлиб кетди. Сакрамасдан, чузилмасдан стол устидаги нарсаларга бўйи етадиган бўлди. Буни кўриб, Козимнинг онаси баттар хуноб бўлиб кетди. Стол устида энди ҳеч нарса қолдирмай, шкафларга яширади, дастурхонни йиғиштириб қўяди. Кўктой хивични чайнаб, занжирни узиб юборганидан кейин Козимнинг дадасининг ҳам ҳафсаласи пир бўлди. Ноилож янги занжир олиб келиб, ўғлининг олдига ташлади:

— Ма, ўзинг ўргат.

У шундай деди-ю, ит қўлдан чиқиб кетаётганига кўнглида ачинди. Хотинининг, катта бўлса биронтанинг бошига етади, деган гаплари хаёлидан ўтди. Кўктойнинг яна катта бўлиши, ўсиши эса шундай туркига ёзиб қўйилгандек эди. Ўқлоғидек-ўқлоғидек оёқлари хали юмшоқ, қалин жунлари майин, назари шўх эди. Қишгача туриб-турсин-чи, ўзига қарор қилди Козимнинг дадаси, кейин бир гап бўлар...

Аммо у ўйлаганча бўлиб чиқмади.

Куз келиб, оёқ остида хазон шитирлаб қолган кунларнинг бирида у ишдан келса, Козим йиғлаб ўтирибди, хотини ётоқхонада ётибди. Чап қўли тирсагигача бинт билан боғланган.

— Нима бўлди? — хавотирланиб сўради Козимнинг дадаси.

— Кўктой... Кўктой ойимларни тишлаб олди, — кўзларини мушти билан артиб жавоб қилди Козим.

— Каттиқ тишладими? — Козимнинг дадаси хотинининг оёғига ўтирди.

— Суюккача борди шекилли... — истар-истамас деди Козимнинг ойиси. — Ер юткур тишлашга-тишлади, қўйвор десам ҳам қўйвормайди! Қискичдай, тишларини ботирганча, кўзларини лўқ қилиб бақрайиб турибди!.. Козим келиб қолмаганида, қўлсиз қолармидим?! Совғаси бошида қолсин амакиззи. Тишлайдиган нарсаниям совға қиладими?! Ман сизга айтдим бировнинг бошига етади, деб, қулоқ солмадингиз. Мана, мандан бошлади!..

— Нима қилувдингиз? — сўради Козимнинг дадаси.

— Вой ман нима қилардим?! — тутоқиб кетди хотини. — Нон тўғраб бир коса шўрва бердим. Очопат ўша заҳоти ютиб бўлди. Идишни ағдариб, уйни бошига кўтарди. Иккинчи косани солаётганимда чидамай косага ёпишди. Қоч, деб секин коса билан бошига туртганимни биламан, яшшамагур «ғап-п!» — деб ёпишди кўлимга! Дод солдим, қани қўйиб юборса! Козим келиб қолди-ю, қўйиб юборди. Поликлиникада итга справка олиб келинг, дейишди. Справка бўлмаса қирқта укол қиламиз, дейишди. Шу етмай турувди манга.

— Ўзи қани! — сўради Козимнинг дадаси.

Хотини индамади. Козим кроватнинг тагига ишора қилди. Козимнинг дадаси эгилиб қаради.



Кўктой айбини сезгандек, бошини оёқлари орасига беркитиб ётарди.

— Ит қутирмаган, соғ, — деди Козимнинг дадаси.

—Справка керакмас демоқчимисиз? — киноя қилди хотини. — Майли, мен ўлиб кетавурай. Сизларга ит бўлса бўлди!..

Козим йиғлаб юборди. Дадаси энсаси қотиб, ўрнидан турди. Ўғлининг олдига келиб, бошини силади. Итнинг соғлигига шубҳаси бўлмаса ҳам, эртасига ветеринария докторини олиб келди. Кўктой ўз жойида, Козимнинг кровати тагида ётарди.

Козимнинг дадаси уни чақирди. Ит чикмади. Бўйинбоғидан тортмоқчи бўлиб, қўлини узатган эди у тишларининг оқини кўрсатиб ириллади.

—Кроватни суришга тўғри келади, — деди Козимнинг дадаси.

—Қани, нари тулингчи, — доктор шундай деб, ўзи кроватнинг тагига эгилиб қаради. — Итингиз соғ. Барибир текшириш керак. Сўлагидан бир амаллаб олмасак бўлмайди.

Кўктой кўзларини унга қадаб, шалпанг кулоқларини кўтарганича жойидан қимирламай ётарди.

Доктор узун йўнилган чўпга пахта ўраб, яна эгилди.

—Кўктой! Кўктой! Полвон ит, ақлли ит... Ҳозир ўзи чиқади, сўлагидан беради... — доктор майин оҳангда гапириб қўлларини ит томон чўзди. — Сени хафа қилишдими? Кейин тишлаб олдингми? Бундай итни хафа қилиб бўлар эканми? Бундай итга доим бир хил гапириш керак. Бир вақтда овқат, бир вақтда сув бериш керак. Бу виставкага қўйиладиган ит экан-ку? Полвон ит! Зотли ит!.. Кўктой, Кўктой! Чиқақол буёққа. Ҳа, баракалла, баракалла!..

Кўктой кроват остидан инграб, инқиллаб чикди-да, доктор олдида ўрнидан турди. Тумшугини чўзиб, қўлларини ялайбошлади. Доктор билинтирмасдан пахталик чўпини намлаб олди:

— Баракалла! Баракалла! Сени қутирган дейишдими? Бўлмаган гап. Соппа-соғсан. Эсинг ҳам жойида. Бекордан бекорга ҳеч кимни тишламайсан. Ўзингни ҳам хафа қилдириб қўймайсан. Бор, жойингга бор энди.

Кўктой шу гапни эшитиб тургандек, букилиб яна кроват тагига кириб кетди.

—Келин қийналмасинлар уколга бориб, — деди доктор. — Ҳозироқ справка ёзиб бераман. Зўр итингиз бор экан. Одамлар бунақасини қидириб тополмайди.

У кетгач, Козимнинг дадаси кроват олдида чўккалади.

— Кўктой, Кўктойжон! Буёққа чик, чиқақол, жонивор.

Аммо Кўктой жойидан қимирламади. Козимнинг дадаси бир бурда ноннинг устига гўшт қўйиб узатди. Иккинчи қўли билан бўйинбоғидан тортди.

— Чик, Кўктой! Ит бўлмай кетгур, чик!

Кўктой ириллай бошлади. Козимнинг дадаси нонни унинг олдига зарда билан ташлади. Ит вовуллади. Козимнинг дадаси аччиқланди. Ўрнидан туриб, итнинг биқинини мўлжаллаб тепди-да, бошқа хонага чиқиб кетди. Нимадир эсига тушиб, ётоқхонага қайтиб кирди. Хонанинг ўртасида оёқларини кериб, думини таёқдек тик қилганча, Кўктой унга тикилиб турарди. Козимнинг дадаси беихтиёр тўхтаб қолди. Ит худди шуни кутиб тургандек унга ташланди.

Козимнинг дадаси: «Кўктой! Кўктой, йўқол!» — деганини билади, нимадир «шар» этиб йиртилди. Кўктой шимининг тиззасидан почасигача катта бир бўлагини узиб олган эди. Козимнинг дадаси ўзини йўқотиб қўйди, аммо кўнглида ит тасодифан оёғини тишлаб олмаганидан, шим халақит бериб қолганидан хурсанд бўлди. Шундай бўлса ҳам, «Ҳароми!» — деди-ю, ит томон чопди. Кўктой кўрқдими ё хафсаласи пир бўлдими, оғзидаги шим парчасини тишлаганича яна эгилиб кроват тагига кириб кетди. Унинг учун кроватнинг таги энг бежавотир жой бўлиб қолган эди.

Козимнинг дадаси баджаҳл одам эмас эди. Ҳайвонларни ёмон кўради, деб ҳам бўлмас эди уни. Аммо шу ёшга кириб, бирон марта маҳалладаги кўпчилик болалар қатори ит билан

ўйнамаган, кўлида чумчуқми, каптарми ушламаган эди. Шунинг учун Кўктой сингари одамларнинг кўзидан уларнинг муносабатини билиб оладиган итлар бўлишини у билмас эди. Кўктой уни аллақачон билиб олган ва хуш кўрмай қолган эди.

Кечқурун Козимнинг ойиси справкани кўриб тинчиди. Дадаси бўлган воқеа ҳақида ҳеч нарса демади. Фақат ойиси билан бирга боғчадан келиб, ити билан ўйнай бошлаган ўғлига:

— Ётаётганимда занжирини тақиб, кроватга боғлаб кўй, тагин бирон нарсани синдириб қўймасин, — деди ва кўчага чиқиб кетди.

Ярим кечада, ҳамма ухлагани ётган пайти у ўрнидан турди. Эски кийимларини топиб кийди. Кўлига чарм кўлқопини тақди, оёқ учида юриб ўғлининг кроватига яқинлашди. Козим дадаси айтгандек қилиб қўйган экан. Занжирни кроватнинг оёғидан ечиб, секин аммо куч билан торта бошлади. Ҳеч нарсага тушунмаган ва ширин уйкуда ётган Кўктой ғиншиганича судралиб кроват остидан чиқди.

— Юр, жонивор, юр, Кўктой. Айланиб келамиз, — деди шивирлаб Козимнинг дадаси. Кўктой сурғалиб унинг кетидан кўчага чиқди. Муздек ҳаво димоғига урилди. Оёғи остида тўкилган барглари шитирлади. Чуқур нафас олиб «вов!» демоқчи эди, Козимнинг дадаси занжирни силкитиб кўйди, овози оғзида қолди.

— Юр, жонивор, юр!..

Кечаси ҳеч сайрга чиқмаган Кўктой эгасининг ортидан битта-битта юриб кетди.

Улар кўп ўтмай зарқоғоздек ялтираб оқаётган дарё лабига чиқишди. Бу дарё шаҳарнинг ўртасидан ўтган бўлиб, қишин-ёзин музламас эди. Шаҳардан чиқаверишда темир йўл кўпригига етганда иккига бўлиниб бир қисми шаҳарга бурилар, иккинчи қисми эса эллик метрлик жарликка отилиб тушарди. Узок-узок жойлардан одамлар вишиллаб кўпириб тушадиган шу шаршарани кўпинча тамоша қилгани, муздек шаббодасида дам олгани келишарди.

Козим катта болаларга кўшилиб бир-икки марта дарё лабига келган эди Кўктой билан. Болалар қанча уринишмасин, уни сувга туширишолмаган эди.

Кўктой шу жойларни танийди. Салқин ҳаво, сувнинг бир маромдаги шовқини ёқди, эркаланиб эгасининг оёғига суйқанди.

Козимнинг дадаси олазарак бўлиб ниманидир ахтарарди. Ниҳоят топди шекилли, дарё ёқалаб юрабошлади. Ит унга эргашди. Баланд бир чинорга етишганида тўхташди. Козимнинг дадаси энгашиб дўнг бўлиб турган бир нарса устига ўтирди. Кўктой хидлади. Дўнг катта харсанг тош солинган қоп эди. Кўктой ҳам эгасининг ёнига ўтирди. Козимнинг дадаси эпчиллик билан занжир қисқичини қоп боғланган арқонга илди. Шу топ хурсанд бўлганидан кўзлари чакнаб кетди, беихтиёр Кўктойнинг бошини силаб кўйди.

Узун тилини дам осилтириб, дам тамшаниб, ўқтин-ўқтин нафас олаётган итнинг ёқимли илиқ хиди димоғини қитиқлади, ўғлининг йиғидан бурушган башараси кўз олдига келди, аммо ниятидан қайтмади.

Шу алпозда бир пас ўтириб ўрнидан туради. Ит ҳам турди.

— Ма, ол,

Козимнинг дадаси эҳтиёт шарт чўнтагига солиб қўйган бир чакмоқ қандни ташлади унинг олдига. Ит эгилиб, қандни хидлай бошлади. Шу пайт Козимнинг дадаси бор кучини тўплаб, қопни баланд кўтарди, зарб билан дарёга отди. Бошини ердан кўтармаган Кўктой силтаниб кетди. Энди оғзига олмоқчи бўлган қантни ютаркан бўғилиб бир «ванг!» — деди-ю, қоп ортидан оёқлари чалишиб думалаб кетди ва кўп ўтмай «шалоп» этиб сувга ағдарилди.

Тошнинг зарбидан чайқалиб, шовқини кўтарилган, чўкаётган итнинг танаси, оёқлари урилиб шалоплаган дарё бир зумда тинчиб яна аввалгидек бир маромда оқа бошлади.

Эртаси куни эрталаб, Козим итини тополмай, роса йиғлади, боғчага бормайман, деб уйдагиларни кўрқитди. Дадасининг, билмай қолибмиз, кечаси эшик очик қолиб, чиқиб кетибди, деганига ҳам кулоқ солмади, ҳеч қандай ўйинчоққа рози бўлмади. Ниҳоят ойиси, янги коптокдек кичкина кучукнинг боласини олиб келиб беришни ваъда қилди. Шундагина Козим йиғидан тинди.

## 4

Кўктой сув тагида бўкиб, баттар оғирлашган қопдаги тош билан олдинма-кетин думалаб борарди. Гоҳ тош олдин кетиб қолиб, уни бўйнидан тортар, дарёнинг нотекис тубига илиниб қолганда, гоҳ Кўктой уни судрарди. Қулоқлари сувга тўлганига қарамай, бошини сарак-сарак қилиб, оёқларини шапиллатиб ўзи сезмаган ҳолда тепага, сув бетига чиқишга талпинар, аммо тошнинг оғирлиги, дарёнинг чу-қурлиги бунга йўл қўймас, у ҳориб яна сув тагига ардариларди. Бунинг устига у нима бўлганини, нима уун иссиқ уйдан чиқиб, баданини қақшата бошлаган, нафас олдирмай, кўз очирмай қўйган сувга тушиб қолганини, нима учун. Козимнинг дадаси унинг бошини силаб, юмшоқ гапириб туриб, сувга отганлигини билмасди. Агар уйда кўпинча бўлиб турганидек, эгасининг нима демоқчи эканини олдиндан сезганда, ўзини бу аҳволга солиб қўймас эди, ғафлатда қолмас эди, занжирни узиб, қочиб кетарди.

...Унинг ўпкаси тўлиб, йўтал тутди. Аммо оғзини очолмади. Ичида нимадир ғивирлаб, қорнини, кўкрагини, тошдек оғир ва карахт бўлиб қолган бошини ёриб юборгудек бўлиб кетди. У чидолмай жон-жаҳди билан оёқларини чўзиб сувни шапиллата бошлади. Бир маҳал илиқ ҳаво бурнига урилди. У қалқиб кетди. Оғзи бурнидан сув тушиб, нафас ола бошлади. Кўзлари нам бўлса ҳам очилди. Биринчи кўрган нарсаси: шундай дарёнинг тепасида унга тикилиб турган нурсиз ой эди. Кейин дарё қирғоғидаги яланғоч дарахтлар қорайиб кўринди.

Кўктой сувдан боши чиқиб турса, кўзи очик бўлса, нафас олиш мумкинлигини тушунди, бўйинини тошга бо ланган занжири узиб юбораётган бўлса ҳам, энди эгилмас, эгилса, оёқлари сувни шапиллатишдан тўхтаса, чўкиб кетишини, шундан кейин балки мутлақо қалқиб чиқолмаслигини билиб қолди ва тумшугини сув юзида тик тутиб оқим ихтиёрида юмронқозикдек оқа бошлади. Баъзи-баъзида олдинги оёқлари сувда чиқиб қолар, у чўчиб зарб билан сувни урарди, сув шалоплаб, юз-кўзларига сачрар, энтикиб кетиб қалқир, мувозанатни йўқотиб қўярди. Аммо кўп ўтмай, у бошини силкитса, томчилар тушиб кетишини, яна эркин нафас олиш мумкинлигини билиб олди. Оёқлари сув тагида қанча кўп қимирласа, у шунча кўпроқ сув бетига чиқабошлаётганини ҳам пайқади. Илгари қулоқларигача сув устида бўлса, энди бўйнигача кўтариладиган бўлди. Яна у қайси оёғини сувга урса, шу томонга силжишини ҳам сезди ва тўғри, дарёнинг ўртасида оқим билан баравар сузадиган бўлди. Кўп ўтмай хатто дам олишни ҳам ўрганиб олди. Чарчаганда у бир пас оёқларини чўзарди, шунда сув ўзи уни чўктирмай кўтариб борарди. Фақат тош, бўйнида осилиб ётган зилдек тош уни ўз ҳолига қўймас, нималаргадир урилиб, ўхтин-ўхтин уни ўз ёнига, сув тубига тортарди. Аммо Кўктой бунга ҳам кўникиб қолди. Тош уни пастга тортганда, тўртала оёғи билан сувга ёпишади. Унинг ҳаракатларини тушунгандек, дарё тошни кўтариб, олдинга итаради, у яна гоҳ олдинда, гоҳ орқада юмалай бошлайди.

Шу алпозда бир-бирига боғланган Кўктой билан харсанг тош анча оқишди. Тонг ёриша бошлади.

Юлдузлар сўнди. Дарёнинг иккала қирғоғидаги дарахтларнинг эгри-бугри шохларида кушлар кўринди. Кўктой уларнинг чуғурини, кўчаларда пайдо бўлган машиналарнинг овозларини эшита бошлади ва беихтиёр қирғоқ томон сузиб кетди. Тош унча халақит бермади, у билан олдинма-кейин юмалай бошлади. Аммо қирғоққа яқинлашганда тўхтаб қолди. Кўктой қанча уринмасин, тош жойидан силжимади. Бир-икки силтаниб ҳам кўрди, фойдаси бўлмади.

Бир пас дам олиб, яна қирғоқ томон талпинди, лекин жойидан қимирлай олмади, аламидан инграб юборди-да, оёқларини чўзди. Оқим уни ҳам, тошни ҳам яна олдинга суриб кетди.

Офтоб чиқиб, сув бети кўкарганда, темир йўл кўпригининг ғишт устунлари кўринди. Сув оқими секинлашди. Кўктой тошнинг оғирлигини сезмай қолди. Оёқларини чўзиб оғир хўрсинди-да, атрофига қаради. Қушлар ҳам у шохдан бу шохга ўтиб чуғурлашар, машиналарнинг овози кўпайган сари одамларнинг бақириқ-чақириқлари пайдо бўлиб, кун ўз хукмига кирган, шаҳарда ҳаёт бошланган эди.

Кўктой чуқур нафас олди-да, оёқларини бир-икки шапиллатиб қўйди. Шу тоб бирдан сув остидаги тош уни силтаб тортди. Кўктой беихтиёр тисарилмоқчи бўлди, оёқлари билан сувни тепди. Аммо тош бу гал зўрлик қилиб, уни пастга тортди.

У айрилишга келганини, кўприк олдида дарё иккига бўлиниб, бир қисми кескин бурилиб шаҳарга қайтиб киришини, иккинчи қисми эса жарликка тушиб, шаҳардан чиқиб кетишини билмас эди. Тош уни сув тагидан жарлик, шаршара томон тортган эди.

Кўп ўтмай тошгина эмас, дарёнинг оқими ҳам уни шаршара томон тортди. Кўктой қанча уринмасин, ўзини ўнглолмай жарликка шўнғиди. Шаршарадан тош билан ёнма-ён оёқлари осмонга кўтарилиб қушдек пастга тушаркан, гумбурлаган шаршара шовқини орасида кимнингдир: «Кўктой! Кўктой!» деган қичқириғи қулоғига киргандек бўлди. Кўктой кўприк ёнида шаршарани томоша қилиб турган бир тўда одамларга қараб улгурди, аммо ким қичқирганини билмади. Тош билан баробар «шалоп» этиб сувга тушди. Шаршара ости уларнинг зарбидан тўлқинланиб кетди ва бироздан сўнг яна эски ҳолига қайтди.

Кўктой қанчагача сув остида думалади, билмайди, хушига келиб, тумшуғи дарёни ёриб чиққанда, тошнинг бўйнидан тортмаётганини, занжир илинган чарм бўйинбоғи ҳам йўқлигини пайқади, намдан хиралашган кўзларини пирпиратиб, шаршарадан четроққа, сув оқими томон сузиб кетди. Унинг ҳар бир ҳаракати энди сезиларли эди, ҳеч нарса уни сув тубига тортмасди. Хурсанд бўлганидан бир-икки марта сув остида бўлса ҳам думини ликиллатиб қўйди. Ҳамма аъзоси энди унга кулоқ солар, яқиндагина уни қўрқитган сув ҳам унинг измига тушадиган бўлиб қолган эди.

## 5

Шаҳар анча ортда қолиб кетди. Сувнинг бети ғадир-будирлашиб оқиш тезлашди, иккала қирғоқ пасайди. Кўктой бир-икки марта орқа оёқлари билан сув тубига тегиб кетди. Аввал нима бўлганини тушунмади. Тўрттала оёғини узатганда, дарё бу ерларда чуқурмаслигини англади ва сувни шалоплатиб қирғоқ томон юриб кетди. Уни қийнаётган нарса энди битта, у ҳам бўлса сувнинг совуқлиги эди. Тиши-тишига тегмай қалтирар, қалин туклари ёпишиб қолган бадани ҳеч нарса сезмай қолган, оёқларининг томирлари тортишиб, зўрға-зўрға кўтарилар эди.

Бу гал қирғоқда у сирғанмади, сувга ўхшаб тебраниб ётган ўтларнинг патак илдизларига маҳкам ёпишиб дарёдан чиқди. Ҳамма ёғидан шариллаб сув оқа бошлади. У силкинган эди, гандираклаб кетиб, юмшоқ ўт устига йиқилди. Турмади. Туришга мажоли йўқ эди. Ёнбошига ағдарилиб, оёқларини чўзди-да, бошини ҳам чим устига қўйиб кўзларини юмди. Шу заҳоти ухлаб қолди. Тиккага келган қуёш анчагача уни иситиб, уни қуритганини ҳам, шундай қирғоқ ёнидан ўтган ёлғизоёқ йўлда бир отлик уни кўриб қолиб, яримта кулча ташлаб кетганини ҳам билмади.

Қуёш ҳам у сингари ёнбошлаб, дарахтлар панасига ўзини олганда, тумшуғи устида нотаниш ҳид сезиб, кўзини очди.

Олдида бахайбат, мўйловлари тикандек қаттиқ бир қора ит кўзларини бақрайтириб унга қараб турарди. Кўктой унинг совуқ иккита кўзларига, йўғон оёқлари, кенг, сержун кўкрагига қараб, ўзича хушёр тортиб қўйди, аммо бошини кўтармади.

Қора ит у кўзини очганини кўриб, бир қадам тисарилди-да, осмонга қараб бир-икки вовуллаб кўйди. Шу пайт унинг ёнида яна беш-олтита ит пайдо бўлди. Улар ҳам қора итдек бахайбат, тумшуклари узун, жунлари қалин эди.

Кўктой ётаверишини ҳам, туришини ҳам билмасди. Қочиш хаёлига ҳам келгани йўқ, лекин улар кўпчилик эди. Бунинг устига у ҳали ўзига келмаган, боши оғир, оёқлари анча мадорсиз эди. Козим уни кўчага олиб чиққанда, маҳалланинг итлари — лайчасидан тортиб, бесўнақай догигача тегажоғлик қилишарди. Айниқса Козим болаларга кўшилиб футбол ўйнаётган пайти, у ариқ лабида кўкрагини офтобга солиб ётганда, билдирмасдан келиб оёғидан, думидан тишлашарди. У парво қилмасди. Лайчанинг тишлагани нима бўларди, бурга чакқандек гап. Гаши келиб ўрнидан турганда ҳаммаси тирақайлаб қочарди. Бир марта қаримсиқ қора лайча думидан тишлаганда, у тутиб олди. Икки оёғи билан биқинларини эзиб, оғзига яқин олиб келди. Тишлаш нияти йўқ эди, шундай бўлса ҳам оғзини очганда, лайча овози борича чинқириб юборди. Кўктой ҳайрон бўлиб, оёқларини олди. Лайча худди ўлдириб кўйишаётгандек аккиллаганича уйига қочиб кетди.

Шуларни эслаб, Кўктой охиста бошини кўтарди. Қора ит ириллади. Буни кўриб, олисроқда турган битта ит вовуллаб юборди. Кўктойнинг улар билан уришишга сира хоҳиши йўқ эди. Шундай бўлса ҳам ўзича бир режа тузиб кўйди. Агар итлар унга ташланса, биринчи бўлиб қора итга ёпишади. Уни босса қолганлари ўзи тарқалиб кетади. Қора ит сезиб колди, шекилли, ҳурпайди, ириллаганича бир қадам олдинга юрди. Кўктой шуни кутиб тургандек, сапчиб ўрнидан турди. Атрофини ярим ҳалқа қилиб ўраб олган итлар тирақайлаб қочишди. Қора ит ҳам ириллашдан тўхтаб, ёни билан уч-тўрт қадам чекинди. Унинг боши эгилиб, бўйнига кириб кетган эди. Думини қисиб, бир-икки вовуллаб кўйди-да, секин шериклари кетган томонга юра бошлади. Унинг ҳам, шерикларининг ҳам бундай катта итни биринчи кўришлари эди.

Кўктой уларни қувламади. Аммо орқаларидан қараб турди. Итлар пахтаси териб олинган гўзапоя ичида ғойиб бўлишди. У тинчиб яна ётмоқчи бўлган эди, нонга кўзи тушди. Икки тишлашдаёқ уни еб, сўлаклари оқиб кетган оғзини оёқларига артди ва ёнбошлади. Қорни ниҳоятда очганлигини шунда сизди. Яримта кулча унга урвоқ ҳам бўлмади. Беихтиёр итлар кириб кетган гўзапоя томон қаради. Ўша ёқдан сигирларнинг маъраши, товукларнинг қақағи қулоғига чалинди. Уларнинг овозларига итларнинг вовуллашлари кўшилиб кетди. Баъзиларини таниди. Ҳозиргина уни таламоқчи бўлган эди улар. Одамларнинг товушлари ҳам эшитилди. Кўктой қулоқларини диккайтди. Йўқ, товушлар яқинлашмади, ўша ёқларнинг ўзида дам пайдо бўлиб, дам йўқоларди. У ер, бу ердан тутун кўтарила бошлади. Шу тутун ҳиди билан бир маҳал димоғига пиёз-доғ, қовурилган гўшт ҳиди келиб урилди. Кўктой ўрнидан туриб кетди. Яна кучга кириб, оғриклари қайтган оёқлари билан депсиниб, инграб юборди, сўлаклари оқиб кетди. Бошини кўтариб итлар кетган томонга қаради. Гўзапоя ортида бир қатордаги баланд-паст уйларнинг томлари қорайиб кўринди.

Кўктой бир пас нима қилишини билмай турди, ёқимли ҳид яна димоғини қитиқлади. У чидолмай, гўзапоя томон юрди.

Уйларга яқинлашганида экинзор тугади. Кўктой тўхтади. Қандайдир хавф рўпарасидаги, очик водопроводидан шариллаб сув оқиб ётган уйнинг ҳовлисига ўтишга йўл кўймади. У эгилди-да чироқ ёнган деразага қаради.

Шу ёруғ хонадан лаган кўтарган бир аёл чиқиб, ҳовлида бир пас турди-да, ўчоқ бошига ўтди. У ерда нималардир тарақлади, гуп этиб, Кўктойнинг димоғига Козимларнинг уйдан таниш бўлиб қолган ҳид, дам еб етилган паловнинг ҳиди урилди. У энтикиб кетиб, лабларини ялади, оғзи сўлакка тўлиб кетганидан бир-икки ютиниб, тилини осилтирди.

Аёл лаган тўла ошни кўтариб чиқди, Кўктой тамшаниб лабларини кўкрагига артди. Аёл айвонга кўтарилгунча қараб турди. У кўздан йўқолгач, ўчоқбоши томон юрди. Ҳовлининг ўртасида бир тўхтаб, жойига қайтди, ғиншиб ўтирди. Шу алпозда анчагина вақт ўтди. Кўктой

аёлнингми, ишқилиб уйдан овқатдан кейин кимнингдир чиқишини кутди. Козимларнинг уйида Козимнинг ойиси уни кўп уришса ҳам, ўзлари овқатга ўтиришларидан олдин унга овқат беришарди. Овқатланиб бўлиб, диванга ўтганларида яна бир нарса, ўзларидан нима қолса шуни беришарди. Деярлик доим Козимнинг онаси уни боқарди. Ўшанда у уни тишламоқчи эмас эди, ростини айтганда тишлагани ҳам йўқ, шундай, тишлари билан семиз билагини бир пас эзиб турди. Тишлагиси келса Козимнинг дадасини тишлар эди. Бир марта ҳам у тўғри қарагани йўқ, гапирмаса ҳам, хотинига ўхшаб вайсамаса ҳам, ичида уни хотинидан кўпроқ ёмон кўрарди, ундан жирканарди. Кўктой буни жуда тез пайқаб олди. Козим билан, Козимнинг ойиси билан ўйнагиси, эркалангиси келса, ундан иложи борича ўзини олиб қочарди, ундан кўрқарди. Мулойим гаплари, юмшоқ ҳаракатлари, энг муҳими, сахий кўзлари билан уни кўргани келган доктор эгасига муносабатини ўзгартириб юборди. Кўктой доктор келиб кетганидан кейинги эгасининг гапларига ишонмаса ҳам унга қулоқ солишга энди ҳаракат қила бошлаган эди. Ўшанда эгаси бироз чидаганда, оғирроқ бўлиб уни нафрат билан тепмаганда Кўктой унга кўникиб кетарди. Тишламоқчи бўлиб шимини тортганда ҳам у ростакан тишламоқчи эмас эди, жахлини бир оз босмоқчи эди, холос. Ҳеч кимга ўзини урдириб, тептириб қўймаслигини кўрсатмоқчи эди. Шунинг учун кечаси эгаси чақириши билан хафагарчиликни унутиб, дарҳол кроват остидан чиққан эди. Ўша куни Козимнинг ойиси палов қилган эди. Овқатдан олдин унга бир тоғорача нон тўғралган ёғлиқ шўрвани беришди. Овқатдан кейин эса Козим уни алахситиб турди, ойиси лаганни сидириб, идишига солди. Катта-катта юмшоқ суяклар ҳам бор эди ошнинг ичида...

... Бир маҳал аёл ҳовлига тушди, аммо унинг қўллари бўш эди. Водопровод олдига келиб сувни тўхтатди ва яна уйга кириб кетди.

Кўктой ортиқ чидолмади. Битта-битта юриб ҳовлининг ўртасига борди, у ёқ-бу ёғига қараб қўйди-да, ўчоқбоши томон юрди. Қоронғида ҳеч нарса кўринмади. Бир пас тургач, ҳид қаёқдан чиқаётганини аниқлади. Тахта тувоғининг устига ғишт бостирилган қозонда бир нарса бор эди. Кўктой ўчоққа яқин бориб, тувокни ҳидлай бошлади. Аммо уни қандай очишни билмади. Олдинги оёқларини қозон зихига қўйиб, тумшуғи билан ғиштга тиралди. Тувоқ қозонга қаттикроқ ёпишди. Кўктой алам қилганидан бошини буриб ейишга бошқа бирон нарса қидирмоқчи эди, тумшуғи ғиштга тегиб кетди. Ғишт сурилиб қозон ичига ағдарилди, тувокнинг бир томони кўтарилди. Қозон тагида тунука тоғорача тўла устига катта суяк қўйилган ош турарди. Кўктой тумшуғини тоғорачага ботирганча суяк аралаш шопиллатиб ейишга тушиб кетди. Шу пайтгача у бундай ширин овқат емаган эди.

Тоғорача бир пастда бўшади. Бир дона гуруч ҳам қолмади. Кўктой идишни итариб, қозонга тушган майда суякларни олмоқчи бўлганида, у ғиштга тегиб тарақлаб кетди. Кўктой бир сакраб ҳовлига тушди-да, ўзини ғўзапоя ичига олди.

Уйдан аёл чиқди. Атрофига аланглаб қараб, ўчоқбошига кирди.

— Ер юткур нима тарақлади? — деди ўзича ва чироғини ёқди, қозон тепасига келиб, тикилиб қолди. — Ҳалима! Ҳой Ҳалима! — Қичқирди у. — Бу ёққа кел!

Айвондан бир қиз тушди.

— Нима, ойи?

— Қозонга сен тегмовдингми? — сўради аёл.

— Йўқ, нима эди? — Қиз ойисининг олдига борди.

— Дадангнинг овқати йўқ! Қозон очилиб қолибди. Тоғорачага солиб қозоннинг ичига қўйиб қўювдим.

— Беркитганмидингиз тувоғини?

— Вой, устидан ғишт ҳам бостириб қўювдим. Қара, ғишт қозоннинг ичида ётибди. Тоғорача бўм-бўш!..

Аёл тоғорачани олиб негадир ҳидлаб кўрди.

— Балки бошқа идишга солиб уйга олиб кириб кетгандирсиз?

— Йўқ, — деди ишонқирамай ўз жавобига аёл. — Шу тоғорачага солувдим. Шундоқ кўз олдимда турибди. Тўлатиб ош солдим. Биласан, даданг ошиғлик суякни яхши кўради. Устига бостириб, кетдим, Қайдам тагин? Қараб кел-чи!

Қизча чопиб уйга кириб кетди. Зум ўтмай қайтиб келди.

— Йўқ, айвонда фақат бўш идишлар... Нима қиламиз энди? — Хавотирланиб сўради қиз. — Ўғри бўлса-я?

— Биз томонда ўғри нима қиларди? — Уни тинчитди аёл. — Ош еб ўтирганимизда девдек бир нарса лип этиб ўтувди-я, эйтибор қилмадим.

— Итми? — сўради қиз.

— Эсинг жойидами? — жеркиб берди аёл? — Ит қозонни очоладими? Қўли бўлмаса!.. Анави курувчилардан биронтаси бўлса керак. Якин йўл қидириб ўтиб туришади-ку ҳовлимиздан. Ишдан кейин ўлгудек ичишади. Кейин ҳовлима-ҳовли закуска қидириб юришади. Ўшалардан биттаси тайёр ошни кўриб олган-кетган.

Қиз тусмолига ишонса ҳам ойисига эътироз билдирмади.

— Дадамлар нима ейдилар энди?

— Шунга бошим қотиб турибди, — деди аёл. — Эрталаб ош қилгин деб кетувдилар

— Қилақолайлик, — таклиф қилди қиз.

— Пишгунча сабри чидамайди. Яхшиси жаз-жуз қилиб гўшт билан картошка қовуриб берақоламан. Бор, тўртта картошка олиб тозала! — аёл шундай деб, бўш тоғорачани кўтарганича водопровод олдига келди, ва сувни очиб юва бошлади. — Ҳа жувонмарг бўлгурлар ичмай! Эрталабдан кечгача лақиллаб ўтиришади, кечкурун бировнинг қозонини титкилашади. Тешиб чиқсин ҳаммангни. Уйларингга етолмай ариқда думалаб қолларинг!..

Кўктой кимир этмай жўяк ичида ётарди. Баъзан аёлнинг гапларига қулоқ солиб, тамшаниб кўярди.

Кўп ўтмай ўчоқбошида нимадир чарс-чурс қилди. Кўктой димоғига қовурилган гўшт ҳиди урилди. У яна икки уч тоғорача овқат бўлса ҳам тап тортмай еб ташларди. Шунинг учун кўзини ўчоқбошидан узмади.

Уйнинг орқа томонида машина овози эшитилди. Унинг чироқлари ҳовлини ёритиб, ғўзапояга ўтди. Кўктой кўзларини олди.

Машина ҳовлининг белигача келиб, тўхтади. Чироқлари ўчди. Козимнинг дадасига иккита келадиган эркак киши ундан чиқиб, водопровод олдида ювина бошлади. Аёл сочиқ олиб келди.

— Кутдик сизни, — деди аёл. — Келавермаганингиздан кейин ўзимиз овқатланиб кўяқолдик.

— Иш кўпайиб кетди, — эркак киши сочиқни олиб артина бошлади, — Қирга бориб келдим. Совуқ эрта туша-диганга ўхшайди. Нима овқат?

— Айтганингиздек ош қилувдим... Бир тоғорача босиб олиб қўювдим, йўқ, қовурдоқ қилиб қўйдим.

— Ким олади? — Хайрон бўлди эркак киши.

— Билмасам... — деди аёл. — Анави пияниста курувчиларми дейман? Тагин тувоқнинг устига ғишт бостириб қўювдим. Ер юткурлар ғиштни бир чеккага ҳам олиб қўймабди, бўш тоғорача билан қозоннинг ичида ётибди.

— Ҳалима! Ҳой, Ҳалима! — бақириб юборди бирдан эркак киши. — Милтиқни олиб чиқ! Қўшотарни!

— Вой, нима деяпсиз! Милтиғингиз йўқ-ку? — сўради аёл.

— Овозингни ўчир. Ўғри бўлса хайиқади-да, милтиқдан, — деди шивирлаб эркак киши ва яна яна айвонга қараб қичқирди. — Олиб кел тезроқ!

Эр-хотин бир пас туришди ҳовлининг ўртасида. Ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит эди.

Ҳалима ҳам ичкаридан чиқмади.

Улар айвонга кириб кетишганда, ерга ёпишиб ётган Кўктой бошини кўтарди. Унинг хаёли яна ўчоқбошида эди. Аммо дарров боришга ботинмади. Уйнинг ҳамма чироқлари ўчгандан кейин ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди ва битта-битта қадам босиб ўчоқбошига кўтарилди. Аммо қозон бўм-бўш эди. Тумшури билан тувоқни итариб, қозоннинг ичини искаб чиқди. Кейин токчалардаги ҳар хил идишларни бир-бир қаради, ҳеч нарса йўқ эди ейишга. Кўктой ҳафсаласи пир бўлиб, ўчоқбошидан чиқди. Тумшуғини осмонга кўтариб хид кидирди. Лекин ҳеч қаёқдан ҳеч нарсанинг ҳиди келмади. Илгари у деярлик овқат ғамини емасди. Уч махал овқат ҳар доим идишида бўларди. Энди эса ўзи овқат излаши, хид олиши керак эди. Ҳар куни, ҳар соат хаёли энди қорин тўйдириш билан банд эди. У ғўзапоя орасига кириб ўз жойига ётди. Бундан яхши жой унинг учун энди йўқ эди.

Эрталаб — ғира-ширада уни кимдир искаётганини сезиб кўзларини очди. Ёнида кечаги итлардан бири, чап кўзига от кашқасидек тамға тушган оқ ит думини гажак қилиб унга тикилиб турарди.

Кўктой бошини кўтариб, тумшуғини чўзди. Оқ ит жилпанглаб олдинги оёқларига чўккалади ва эркаланиб, думини ликиллата бошлади.

Кўктойга кечаги ош бу итнинг жилпанглашидан маъқулроқ эди. Бир бонка ачиган сут бўлса ҳам ёмон бўлмас эди, лекин ким беради унга сутни? Ким ош олиб келади?

Ҳовлига кечаги қиз тушди. Қўлидаги сопол товоқни у баланд кўтариб: «Ма! Ма! Тўрткўз! Барбос!» — деб қичқирди. Аммо ҳеч ким унинг олдига бормади. Қиз бир пас кутиб турди-да, ғўзапояга яқинлашиб, товоқни ағдарди. Кўктой ағдарилган нарса нон тўғралган сутлигини кўрди. Думини бир-икки ерга уриб қўйиб, тамшанди, аммо бориб егани ботинмади. Оқ ит ҳам бормади. Унинг кўзлари Кўктойда эди.

Қиз яна ҳовлига тушди. Водопровод олдида турган кетмонни олиб, уй орқасига ўтиб кетди. Ҳовлида ҳеч ким қолмади. Кечаги машина ҳам йўқ эди.

Кўктой ўрнидан туриб, ҳовлига яқинлашди. Сутга бўккан нонни сидириб еди. Оқ ит орқасидан келиб думидан тишлади. Кўктой унинг ўйинга таклиф қилаётганини тушунди.

Нега ҳам ўйнамасин? Қорни тўқ, яхши дам олди. Бир пас ўйнаса бўлади. У лой ёпишган тумшуғини оёқларига артди-да, оқ ит томон ўгирилди. Оқ ит шўх ириллаб ерга ётди. Оёқларини осмонга кўтариб тилини осилтирди. Кўктой устига келиб, искай бошлади. Оқ ит бир пас қимирламай ётди-да, сапчиб ўрнидан туриб, ғўзапоя ичига кириб кетди. Кўктой орқасидан югурди.

Улар қоронғи тушгунча бир-бирларини қувлаб, думалатиб ўйнашди. Сув ёқаларида бўлишди, қишлоқ орқасидаги тепаликларга чиқишди. Қишлоққа қайтишганда қора итга дуч келишди. У қишлоққа кираверишдаги биринчи уйнинг дарвозаси олдида ётарди. Уларни кўриб ўрнидан турди, Кўктойга ўқрайиб қараб қўйди.

Оқ ит унга парво қилмай, жилпанглаб Кўктойни қишлоқ ичига бошлади. Аммо Кўктой бормади. Уни одамлар билан учрашишга хоҳиши йўқ эди. Оқ ит қанча эркаланса ҳам, у юрмади, орқасига кайтди. Дарёга етганда тўхтади ва тумшуғини чўзди. Овқат ҳиди димоғига урилди.

Бу гал таниш ўчоқбошида ҳеч нарса йўқ эди. Кечаги ош турган қозон тўнқарифлик эди.

Кўктой ўчоқбошини анча титкилади. Жойига бориб ётиб, у узоқ кутди. Аммо уйда чироқ ёнмади. Машина ҳам келмади. Ярим кечада у чидолмай ғўзапоя ёқалаб қўшни ҳовлига ўтди. Ўтди-ю, шошиб ўзини экинзор ичига олди. Бир лайча ит уни сезиб қолиб, ҳовлини бошига кўтариб юборди.

Кўктой яна иккита ҳовлини айланди. Аммо ўчоқбошига ўтолмади. Итлар вовуллаб эгаларини уйғотиб юборишди.

Ғира-ширада уйғонди. Тўғриси у ухлагани йўқ. У ёғидан бу ёғига ағдарилиб, нималигини билмаса ҳам шундай тепасида баркашдек сарғайиб турган ойга, сон-саноксиз юлдузларга



тикилди. Тиқ этса бошини кўтариб, ҳовлиларга қаради. Аммо ҳеч қаердан овқатнинг иси келмади. Мудроқ босиб кўзлари юмилганда, Козимларнинг уйи кўз олдидан ўтди. Иссиқ хоналар...Истаса-истамаса олдига ташлаб кетилган овқатлар... Ўчоқ бошидан эрталабдан кечгача келиб турадиган турли туман ҳидлар... У шуларни эслаши билан мажбур қилиб кўзларини очарди, сержун оёқлари ёки биқинига тумшуғини тикиб, ҳеч нарсани хаёлига келтирмасликка интиларди. Баъзан инграб кўз олдида пайдо бўлаётган нарсаларни ҳайдаш учун оёғи билан ётган жойида шапиллатиб кўзларини уриб қўярди.

Тонг ёриша бошлаганда, уйлардан одамлар чиқиб, қаёққадир кетабошлашди. У ош еган ҳовлидаги машина ҳам гувиллаб, уйнинг орқасига ўтиб кетди.

Ўртадаги ҳовлига алланарса кўтариб бир кампир тушди. Кўлидаги нарсани тап этиб ерга ташлади-да, ичкари хонадан таёқ олиб чиқди. Ерга ташлаган нарсасидан тери ҳиди келди. Бу супра эди. Кампир супрани ёзиб, ўртасида кўппайиб турган оппоқ бир куббани муштлари билан ёйиб кенгайтирди. Таёқни унинг устига қўйди-да, яна ичкарига кириб кетди.

Кўктой бошини кўтариб ёйилган куббага қаради. Ейдиган нарса эмас эди. Яна олдинги оёқларини жўяк ичига узатиб, кампирнинг чиқишини пойлади.

Кўп ўтмай кампир чиқди. У бир торора кўй қовурғасини кўтариб олган эди. Шу кўтарганича ўчоқбошига ўтиб кетди. Зум ўтмай, ўша томондан чарс-чурс ёнган ўтин овозлари эшитилди. «Шар» этиб нимадир ағдарилди. Кўктой ўрнидан турди. Ғўзапояларни шитирлатмасликка ҳаракат қилиб, ўчоқбошининг рўпарасига борди. Кампир тоғорадаги узун-узун эти шилинган қовурғаларни қозонга соларди. Олов кўтарилиб, қозоннинг атрофларидан қизил яллуғ отилиб чиқар, кампир эса этагини липпасига тортиганича ҳеч нарсага эътибор бермай, тоғорани бўшата бошлади. Тоғоранинг тагида уч-тўртта бўлак ёғлик гўшт ҳам бўлса керак, шуларни ҳам қозонга солди-да, тоғорани кўтариб ҳовлига тушди.

Кўктойнинг сўлақлари оқиб.кўзлари ўйнаб кетди.

Лекин дарҳол ўчоқбошига югуришдан ўзини тийди. Қани, кампир нима қилар экан? У водопровод олдига келиб, тоғорани бир-икки чайди, кейин супра ёнига бориб, уни қўйди-да, ўқлоғи билан хамир ёйишга тушиб кетди. «Мени сезиб қолдимикин», деб бироз чўчиган Кўктой, таёқнинг нимага кераклигини тушуниб, тинчиди.

Ўчоқ томондан ёқимли гўшт ҳиди келабошлади. Қозон Кўктойга шундай кўриниб турарди. Узун-узун қовурға суяклар биқир-биқир қайнаётган сувда бир кўриниб, бир кўринмай қайнар, қозон деворлари бўйлаб айланарди.

Кўктой сабрсизлик билан кампирга қаради. Кампир офтобга орқасини ўгириб нималарнидир хиргойи қилиб хамир ёярди. Хаамири ҳам ўқлоғи билан ишқалайверганидан супрадек бўлиб кетди, баъзи томонлари ерга ҳам тушиб кетди. У шу томонни тортиб кафти билан сидирар, супрага етмай қолган томонини айлантириб, яна устига ўқлоғи соларди.

Кўктой оҳиста ғўзапоя ичидан чиқди ва хатлаб-хатлаб ўчоқбошига кирди. Бир сакраб қозоннинг орқа томонига

ўтиб олди. Бу томонда олов йўқ эди. Ғўзапоя ичидан мўлжаллаган суяк кўтарилиб қозоннинг четига чиқди. Кўктой беихтиёр олдинги бир оёғи билан унга теккан эди, суяк ичига чўкиб кетди. Унинг иккинчи томони йўғон умуртқа суяги эди. Аммо у бир кўтарилдию, яна сув ичида ғойиб бўлди. Кўп ўтмай иккинчи якка қовурға томони кўтарилди.

Кўктой тишлаб тортишни мўлжал қилиб қўйди. Оёқларини аралаштиришнинг фойдаси йўқ эди. Суяк қозоннинг чети билан секин айланиб, унинг рўпарасига келганда, Кўктой олдинги тишлари билан уни исқанжага олгандек тишлаб олди. Суюнганидан бутун баданига иссиқ югурди. У тумшуғини кўтарди. Суяк қозондаги сувни бир шалолатиб, майда суяклар орасидан катта умуртқа суяги билан кўтарилиб чиқди. Умуртқанинг иликларидан сув аралаш илик ёғи силқиб тушабошлади.

Аввалги кунларидагидек суякни қозон тепасида ёйиш мумкин эмас эди. Кампир кўриб

қолиши мумкин эди. Кўктой эҳтиётлик билан тумшуғини баланд кўтарганича ўчоқбошидан тушди. Ён томони билан эшикка яқинлашиб, кампирга қаради. Кекса аёл ҳамон ўз иши билан банд эди.

Кўктой ўчоқбошига қандай кирган бўлса, шундай енгил хатлаб ховлидан ўтди-да, ғўзапоя ичига ўзини урди.

— Ҳой, кишт! — деди кампир.

Итни у кўрдими, ё ғўзапоя шитирлаганига шундай дедими, маълум эмас эди.

## 7

Кўктой суякни маҳкам тишлаганича қартанинг охирига чиқди. Сув бўйидаги мажнунтолнинг сапсариқ тўшакдек бўлиб ётган тагига келиб, омонатгина қўйди. Гир айланиб, қаёғидан ғажишни аниқлади-да, чўккалади. Одам учун ҳали пишиб етилмаган, қирқиб олинган ёки тарам-тарам бўлиб ёпишиб ётган суяк унинг учун энг кўнгилли овқат эди. Уёқ-буёққа бир қараб олиб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, шошмасдан ғажий бошлади. Оғзига ҳар тушган суяк бир пасда унинг аррадек ўткир тишлари орасида кукундек бўлиб кетар, Кўктой шу кукунни мириқиб ютарди. Қорни жуда ҳам оч бўлмагани ва суякнинг катталигидан бир соатча чамаси ўтгач, у ўйин қилиб еябошлади. Катта-катта суякни синдиради. Кичкина бўлагини олиб осмонга отади, ва шу заҳоти оғзини катта очиб тутиб олади, ғарчиллатиб ейди, ё бўлмаса суяк бўлагини тепага отади-да, ағдарилиб, олдинги оёқлари билан суякни тутди ва оғзига солади. Тушга яқин кимдир тепасида тургандек туюлди. Қорнини офтобга тутиб, чалқанча ётганича, секин ёнига кўз ташлади.

Икки-уч кадам нарида бир лайча ит тилини осилтириб, унга завқ билан қараб турарди. Кўктой эринибгина ағдарилди. Ўзидан сал йирокдаги кичкина бир умуртка ҳалқасини олдинги чап оёғи билан яқинроқ сурди ва ириллаб қўйди. Лайча вангиллаганича тирақайлаб қочди. Шу қочганича у қишлоққа етиб борди ва барча итларни оёққа тургазди. Баланд-паст, кўркув ва дўқ аралаш овозлар, ақиллаб вовуллашлар бутун қишлоқни, ариққача чузилиб келган ғўзапояни тутиб кетди. Лекин на бир одам, на бир ит Кўктойнинг олдига келди.

Ярим кечага яқин Кўктой таниш бўлиб қолган ғўзапоя ичидаги жўяқдан қишлоққа битта-битта юриб борди. Унинг қорни тўқ эди. Олиб келган суягидан ҳатто битта ушоқ ҳам қолгани йўқ.

Қатор чузилган, оралари деворсиз ҳовлилардан уч-тўрт ариқ берида тўхтаб қаёққа боришини, нима қилишини ўйлай бошлади. Тун узоқ, эрталабки еган овқати билан юриш мумкин. Кейин нима қилади?

У шу хаёл билан тумшуғини осмонга чўзиб чуқур исканди. Ҳеч нарса йўқ. Гўё бугун ҳеч ким қозон осмагандек эди.

Шу пайт рўпарадаги ҳовлининг наMAT билан беркитилган эшигидан тўрт-бешта эркак, уч-тўртта аёл чиқишди. Намат эшик тагида беш-олтита таниш итлар ётганини кўрди. Улар эгалари чиқиши билан ўринларидан туришди. Улар орасида қора қийшиқ оёқ ит ҳам, бояги лайча ҳам, тақа кўз оқ ит ҳам бор эди.

— Албатта бу энди ўғри эмас, опа, — деди новча, шопмўйлов бир киши. — Қурувчиларни биламан, арағин-гиз бўлса ўғирлаши мумкин, лекин... овқатингизга тегмайди. Назаримда қишлоғимизда катта ёввойи мушук, сиём мушуги дейишади. Ана ўша ўралашиб қолган. Кимдир айтувди ҳайвонот боғидан уч-тўртта ҳайвон қочибди, деб. Ажаб эмас биттаси шу бўлса. Битта кўзойнакли илон, каттасимас, боласи.

— Ваҳима гапларни топиб юрасиз-да Ҳаким полвон! — зарда қилди «Москвич» машинасининг эгаси. — Ҳайвонот боғи қаёқда-ю, бизнинг Ўртаовул қаёқда?

— Ия! Нима деяпсиз ўзи? — гап қайтарди Ҳаким полвон, — Роса юраман деса, илон бир

соатда тўрт чақирим йўл босар экан. Мушук ундан секин юради дейсизми? Шу гапни мен уч кун бурун эшитган бўлсам, етмиш икки соат.

Олти чақиримдан мушук йўл юрса, етмиш икки соатда эллик икки чақирим йўл босар экан. Бизнинг қишлоққа Тошкентдан қанча — йигирма икки чақирим. Ҳойнаҳой иккаловининг тили бир бўлса, илон ҳам етиб келади-ёв!

— Мунча совуқ гапларни гапирасан, Ҳақим! — Гапга аралашди хамир ёйган кампир. — Бу илонмас, ҳалиги сен айтган сиём мушук ҳаммас. Расмана адашиб қолган қўлбола ит. Ҳар балони билади, одамга чап бериб, қорнини тўйғизиб юрибди. Ҳеч нарсани очик-сочик қўймасак ўзи кетиб қолади.

— Йўқ, хола, бу ит эмас, — рози бўлмади чеккада турган ўрта бўй семиз бир одам. — Ит бўлса биззи итлар тинч қўйиб қўярмиди. Мана, битта Қоратойнинг ўзи. Тумшуғидан тишлаб йириб ташлар. Нечта уришқоқ итни гумдон қилган! Қоратой Қаёқдасан? Буёққа кел!

Қора, эгасига ўхшаган семиз, қийшиқ оёқ ит эгасининг олдига бориб эркаланди.

— Мени айтти, дейсизлар, бу тулки! — деди семиз одам. Биринчидан, куз. Йиғим-терим тугади. Чорва кўчяпти. Тулки ин қидириб, бу ёққа келиб қолган адашиб. Пойлайлик бир-икки кеча. Ўзим қўшотарим билан отиб бераман. Келишдикми шунга?

Кўпчиликка унинг гапи маъкул бўлгандек эди. Лекин ҳеч ким дадиллик билан розилик бермади.

— Нима десаларинг деларинг-у, бу итнинг иши. Қачондан бери тулки ош ейдиган бўлиб қолди. Ҳеч эшитмаганман. Суюк ўғирласа майли, тушунарди. Лекин ош еса, мошхўрда ичса. Шу ҳам тулки бўлдики? Уч кеча ухламай, пойлаб чиқишга розиман. Лекин бу тулки эмас! Тулки бўлса Қоратой уни омон қўймасди.

— Бе! — гапга аралашди кулиб Ҳошим ака, — сизнинг ўзингизга ўхшаб семириб кетган Қоратойингиз бошқа ёқда ҳозир.

— Қаёқда? — сўради кампир.

— Анави оқ қанжикда. Эртаю кеч кетида тилини осилтириб юргани юрган.

— Ҳой, аёллар бор демайсизлар-а! — деди аёллардан бири. Афтидан ўша тақакўз оқ итнинг эгаси бўлса керак қўшиб қўйди: — Бизниқига ҳали ўғри тушгани йўқ. Ҳамма нарсамиз жойида.

— Катта кетманг, синглим, — деди Ҳақим полвон. — Итингизни яхши биламан, ўша ҳайвонот боғидан қочган мушукни кўрса ҳам, тулкини кўрса ҳам уй-пуйингизни ташлаб қочади. Ит керак бўлса битта бўрибосарми, немис овчаркаси билан олиш керак. Хамидуллага айтинг, итингизнинг болаларини тарқатадиган бизнинг уйда аҳмоқ йўқ. Қайси ўғлим шу ишга аралашаркан, қўлини синдираман.

— Бўлди! Талашманглар! — хулоса қилди Ҳошим ака. — Уч кун пойлаймиз. Қўшотаримни мойлаб олиб чиқаман. Зумрат опой! Қозонни бир чайиб ташлаб, янгитдан шилпилдоқ қилиб берасиз-да бугун. Сизниқига ётамиз бугун. Эртага Ҳалиманнинг онаси ош қилади. Нима дедингиз, уста?

«Москвич» машинасининг эгаси розиман, дегандек бош ирғади.

— Кейинига худо пошшо! Балки Нортожи опам янги қазии солиб норин қилиб берарлар индинга.

— Норин сизлардан айлансин, — деди Тақакўз итнинг эгаси. Лекин айтдим-қўйдим. Оқбўрига ишонаман. Бизниқига ўғри тушадиган бўлса бутун қишлоқни оёққа турғзади.

— Айтганингиз келсин, — деди кимдир.

— Ҳар ҳолда мени айтди дейсизлар, бу ҳайвонот боғидан қочган мушук!.. — Улоқ бировда кетмаслиги учун қўшиб қўйди Ҳошим полвон.

Одамлар яна нималарнидир гаплашиб, тарқала бошлади.

Ҳошим ака ёнида қора ити билан негадир ҳовлининг этаги томон юрди.

Кўктой гўзапоя ичида олдинги оёқларини чўзиб, орқа оёқларини қорни тагига букди-да,

ҳамлага тайёр ҳолда Ҳошим акага тикилди. Қора итдан унинг сира чўчийдиган ери йўқ эди. Елкаси билан бир туртса, думалаб ўрнидан туролмай қолиши аниқ.

— Ғўзапоя қавжираб кетди. Трактор юборсам ағдариб берар эканда ерингизни!..

— Кошкийди, болам, — миннатдорчилик билдирди хамир ёйган кампир.

Ҳошим ака бошқа ҳеч нарса демай, орқасига қайтди.

Туриш хавфли эди. Кўктой оёқларини бўшаштириб ёнбошлади, лекин кўзини одамлар шарпаси кўринган томондан узмади.

Кеч куз бўлишига қарамай Ҳаво анча илиқ эди. Илиқ шамол эсарди. Кўктой олдинги чап оёғини узатиб унга чузилганча бошини қўйди-да, кўзларини юмди. Афтидан уни энди ҳеч ким тонггача безовта қилмас эди.

Кўзи илинди. Кўм-кўк қир пайдо бўлди кўз олдида. Кейин сариқ ўтов. Ўтов ёнида пичан ғарами. Кимдир уни иссиқ юмшоқ тили билан белини яларди. Кўктой бу ялашнинг ёқиб қолганидан эркаланиб ғингшиб қўйди. Кейин нимадандир хавотирланиб, бошини кўтарди. Ёнида Тақакўз. Белини, думи аралаш биқинини ялаётган у эди.

Кўктой орқасига ағдарилиб, Тақакўзнинг тумшуғига оппоқ қорнини тутди. Тақакўз бўйнигача уни ҳидлаб, бир-икки ялаган бўлди-да, орқасига тисарилиб бошини кўтарди.

Кўктой уни тушунди. Ўрнидан туриб, унинг тумшуғини ҳидлади. Улар шундай бир пас бир-бирларининг хидларига тўйиб туришди. Кейин Тақакўз ариқ томон югуриб кетди. Кўктой унинг кетидан лўкиллаб юра бошлади.

Ўша тун улар шалдираб оқаётган ариқ лабида узок ўйнашди. Бир-бирларини қуриган юмшоқ ўт устида думалатишди, оёқлари, думларидан тишлашди. Тақакўз кўпинча унинг юмшоқ, йўғон думини тишлаб бурайди, оғритмасдан ерга тортади, ағдаради-да, биқинларини, киндигини ялайди. Кўктой унинг узун қулоқларини тишлайди...

Тақакўз бирдан ўрнидан туриб, катта кўча томон югуриб кетади. Кўктой ҳам иккиланмасдан унинг кетидан югуради.

Катта кўчага чиқишганда, у бўм-бўш эди. Кўктой эҳтиёткорликни унутиб, Тақакўзнинг ортидан кетаверди. Шу ўйин ичида улар қишлоқнинг марказий томонига етиб боришди. Бу ер ҳам жимжит эди. У ер бу ердаги магазинлар тепасидаги ёниб турган чироқларнинг тагида ҳам ҳечким йўқ, на одам, на ит...

Тақакўз Кўктойни ўз ҳовлисига бошлади. Ҳовлини таниши билан Кўктой ҳушёр тортиб, бир оёғини кўтарганича турган жойида қотиб қолди. Буни Тақакўз сезиб, девор тагида турган тоғорача олдида борди-да, шопиллатиб, ювинди еябошлади. Бу унинг ўзича таклифи эди. Кўктой унга яқинлашди ва қўшилишиб нон тўғралган қуюқ, серёғ ювиндини еябошлади. Оғзига гўшт парчаси ҳам чикди. Бу гўшт шу кунгача еган гўштларга ўхшамасди, шўртанг, хушбўй. Оғзинга солсанг эриб кетади. Кўктой беихтиёр шу гўштнинг хиди бошқа ёқдан ҳам келаётганини сизди. Бошини кўтарди. Уй билан девор орасига терилган темир симга қатор қилиб, беш жуфт кази осиб қўйилган эди. Хушбўй, хид шу казиники эди.

Кўктой қорни оч бўлмаса ҳам иштаҳа билан қазиларга тикилди. Кейин кўп ўйлаб ўтирмай бир сакради-да, иккита қазини тишлаб тортди. Сим узилиб ҳамма қазилар сим билан бирга ерга «тўп» этиб тушди. Хамир ёйган хотинниқидан қарс-курс этган ўқ овозлари эшитилди. Итлар вовуллаб кетди.

— Войдод! Ўғри тушди!

— Ким бор?! Чиқинглар! Касофатларни тутинглар! — деган овозлар қишлоқни, айниқса Тақакўзнинг ҳовлисини тутиб кетди.

Тақакўз Кўктойга қараб биринчи вовуллади. Ҳовлида бир-иккита ит кўриниши билан, қора қийшиқ оёқ ит иккалови қишлоқдан чиқиб кетишди.

Кўктой иккита қазини тишлаб олганича, Тақакўз бошлаган йўлдан қоча бошлади.

Кўча одамга, бир пасда қаёқдандир пайдо бўлиб қолган катта-кичик итларга тўлиб кетган

эди. Ҳамма нималардир, деб қичқирар, итлар бараварига вовулларди. Кўктой қай кўз билан кўрсинки, Тақакўз ҳам бироз унда орқада қолиб, бошқа итлар сингар унга қараб вовулларди. Қазилар юмшоқ ва узун бўлганидан Кўктой бошини қанчалик баланд кўтармасин, кўкрагига, икки оёри орасига урилиб, яхши чопишга халақит берарди. Семиз бўлишига қарамай, Қора қийшиқ оёқ ит унга анча яқинлашиб қолган эди. Унинг ёнида узун таёқ кўтарган новча киши — Ҳакимполвон югуриб келарди.

Бир маҳал Тақакўз Кўктойнинг ёнида келатуриб, бирдан унда орқада қолди ва жон жаҳди билан унинг думғазасига ёпишди. Кўктойнинг ғазабдан кўзлари ёниб кетди. Тақакўз сағрини кенглигидан думғазани тишлолмаслигини кўриб, бор кучини тўплади-да, Кўктойнинг думига ёпишди.

— Ол! Бос! — қичқирди Ҳакимполвон.

Шу заҳоти Кўктой боши аралаш умуртқаларигача қарсиллаб кетганини сезди, оғзидаги қазини ташлаб юборди, гандираклаб оёғи тагида ивирсиб келаётган итларга туртилиб кетди. Ҳамма итлар йиқилди. Аммо орқадан қувиб келаётганлар кўп эди.

Кўктой улардан қочиб қутилолмаслигини сезди ва зарб билан олдинги оёқларини ерга тиради-да, таққа тўхтади. Танаси боши устидан айланиб тушди. Бир нечта ит унга туртилиб, ангиллаганича думалаб кетди. Уларнинг орасида у Тақакўзни ҳам кўрди. Ўрнидан туриб бошини кўтарганида, рўпарасида Қора ит турарди. Кўктойнинг вазоҳатидан Ҳакимполвон ҳам тўхтаб қолди.

— Қоравой! Ол! Ол, Қоравой! — деди у кўркув аралаш ва қўлидаги таёқни секин боши узра кўтара бошлади.

Кўктой буни ўзича тушуниб, яқинида турган қора бесўнақай ит қолиб кетди-да, даҳшат билан ириллаганича ўзини шу таёққа отди. Ит ҳам, унинг зарби аралаш Ҳакимполвон ҳам йиқилишди. Кўктой бир кўча бўлиб келаётган одамларни кўрди. Ҳали уларнинг етиб келишига беш-олти қадам бор эди. У чалқанча ётган Ҳакимполвоннинг устидан хатлаб ўтди-да, ўзини чап томонда кўринган тор кўча томон урди. Энди уни ҳеч ким қувмаётган эди. Бир-икки марта олдида, орқасида тош думалаб тушди холос. У тўхтамай, лўкиллаб тор кўчанинг бошига чиқди, рўпара янги ҳайдалган ер ёқаси бир машиналик асфальт йўл эди. Шу асфальт йўл бўйлаб у аввал лўкиллаб, кейин битта-битта юриб кетди.

Ҳеч умрида кўрмаган бояги шовқун-сурон, бадбуруш қийшиқ ит, таёқ кўтарган новча одам, Тақакўз ортда қолди.

Катта ёнғоқнинг тагига келганида у тўхтади. Ҳечқаерида, таёқ тушган бошида ҳам, умуртқа суяқларида ҳам оғриқ сезмади. Тақакўз бир парча юнгини узиб олган думида оғриқ бор эди ва юраги гупиллаб урарди. У бир пас чузилиб олишга қарор қилди.

## 8

Кўктой ўша йили Сирдарёга яқин бўлган Олмазор, Яллама қишлоқлари атрофида юриб кишни ўтказди. Қиш ўзи ўша йили деярлик бўлмади. Мавсумнинг ярмигача қор ёққани йўқ. Тоғ томондан доим илиқ шамол эсиб турди. Кундузлари беихтиёр баъзи тепаликларга чиқиб қолса тоғни у кўрарди. У ер-бу ергина оқарган кўк тоғ тизмалари унинг нафа-сини китиқлар, билса-билмаса туғилган жойларига уни тор-тарди. Лекин туғилган жойи қаерда — буни у билмасди. Бундан қаттиқ эзилмасди ҳам. Лекин қон уни тоғли жойларга тортади.

У шу пайт ичида анча ўсди, суяқлари кенгайиб, қотди. Танаси кенгайгани учун боши энди аввалгидек бесўнақай кўринмас, сал чўзиқроқ бўлиб, жуда енгил энгашар, бирор хавфни сезса, дархол, яшин тезлигида узун бўйни аралаш кўтариб оларди.

Тақакўз хиёнат қилганидан кейин у қаёққа бормасин, биронта итга, одамга дуч келиб қолишдан ўзини эҳтиёт қиларди.

Ўшанда яхшигина дам олиб, Тақакўз тишлари ботиб қонаган думини ялаб, оғриғи босилганидан сўнг, ингичка асфальт йўл билан катта ялангликка чиқиб қолди. Ялангликнинг ўртасидан ҳозиргина келган асфальт йўлига тўртта келадиган кенг, текис икки йўл ўтган эди. Бир йўлдан юрган машиналар иккинчисидан юришмасди.

Кўктой шу кенг йўлларнинг ёқасида туриб, қаёққа боришини маъқулроқ эканини дарҳол пайқаб олди. Ўнг томон — одамлар, итлар кўп томон, чап томон — тоққа олиб борадиган, қир-адирлар кўп томон эди. Сезги, кичик бир хоҳиш билан у шу томонга юрди.

Қиш деярлик қишлигини қилмагани учунми, баҳор эрта келгани учунми Кўктой тез туллади. Тўшак қавиганда бўлак-бўлак бўлиб тушадиган бир-бирига патакдек ёпишиб кетган юнглари аввал орқа сонларидан бошлаб туша бошлади. Кейин сағринига ўтди. Қуруқ ерларга дуч келиб қолганда Кўктой думалаб ўзи туллашини, эски бурда-бурда бўлиб ётган кўкимтир юнглари тушишини тезлатди. Апрельнинг ўрталарига келиб, туллаб бўлиб қорайди-ю, бироз, лекин кумушдек ялтираб кетди. Агар унинг қовурғалари, кураклари озғинликдан туртиниб чиқиб турганини эътиборга олинмаса жуда чиройли ит бўлиб етилган эди.

Шу пайтга келиб, аниқроғи, катта икки ёқлама йўлга чиқиб олганидан бери қишлоқларга кириб ўғирлик қилмасдан қорин тўйдириш йўлларини ҳам ўрганиб олди.

Йўл устида тез-тез кабобхона, сомсахона, паловхоналар учраб туради.

Кўктой уларнинг яқинига бормасди. Кабобхонани ёки сомсахонани бир-икки олисроқдан, лекин одамлар кўрадиган масофада айланиб чиқарди-да, сабр-тоқат билан ариқ лабидами, ё узун тоғдек келадиган машина соясидами ўлтирарди.

Одамлар, у шундай айланмаса ҳам, уни дарров кўришарди. Баъзиларнинг ҳаваси келарди, баъзилар ундан кўрқисарди. Лекин кўпчилик албатта унга бирон нарса ташлаб кетарди. Столни йиғиштирадиганлар ҳам кўрқа-писа уни чақиришар, аммо жойидан қимирламагач, яқинроғига келиб, дастурхонни қоқиб кетишарди. Бу қоқилган дастурхонда эҳ-ҳа, нималар бўлмасди. Чала чайналган гўшт парчаси, устихон, баъзан илиги билан, анча-мунча нон, кейин шўрбалиқ. Шўрбаликнинг пўстидан кўра Кўктойга калласи ёқарди. Икки олдинги оёқлари билан оғзининг ярмига тиқиб аввал шимарди, кейин ғарчиллатиб битта ҳам қулоғининг пуфаклари, кўзларининг ҳалқаларигача, қолдирмай ерди.

Шундай чойхоналар олдида у баъзан ҳафталаб, ойлаб қолиб кетарди. Аммо яхши чойхоналардан кетиб қолиб, адашган вақтлари ҳам бўларди. Бир кабобхонада кабобпазлар эрхотин экан. Кўмирхонанинг олдида итларини ҳам олиб келиб боғлаб қўйишган эди. Кўктой яқинлашиши билан уни, ўзидек катта, қора ола итни кўрди, аммо парво қилмади. Жуда ҳафсаласини пир қилса, битта белига уриб ҳайдаб юбормоқчи бўлди. Занжирга боғлиқ эканини кейин билиб қолди. Кабобпазнинг хотини қолган-қутган кабоб нонларни унга ташлаганда билди.

Занжирбанд ит ювинди челақни бир-икки хидлади-да, нарироққа бориб ётди.

Кўктой шуни кутиб тургаи эди. Битта-битта юриб итнинг олдида борди. Уни хидлади, ит боғлоқлиқ туравериб зерикканидан ғингшиди, ёш боладек ингиллаб ўрнидан турди, ўз навбатида Кўктойни хидлай бошлади. Кўктой уни аллақачон унутган, нима қилаётганидан бепарво бўлиб, тумшуғини челақдан кўтармай, апил-тапил овқат ейиш билан овора эди. Шу пайт тоғорачада сув кўтариб, кабобпазнинг хотини келиб қолди.

— Вой! Вой! Шотурсун ака! Бу ёққа қаранг, итингизнинг овқатини еб қўйябди.

Занжирбанд ит бир-икки номига вовуллаб қўйди.

— Ким еб қўйябди? — ичкаридан эркак кишининг овози келди.

— Чикинг? Девдек бир нарса! — қичқирди хотини.

Кабобпаз келди. Бир пас қараб туриб, қошлари чимирилди.

— Заб ит экан-да! Оёғларини, елкаларини қара! Тоғанга олиб бориб берсам нақ минг сўм беради. Битта отга енгилмайди. Чоп, арқон олиб чиқ!

Хотин ичкарига югурди.

Кўктой бирпасда челакни чип-чиннидай қилди. Лабла-рини, тумшуғини ялаб, бошини кўтарганда, кабобпаз уни эркалаб чақирди.

— Кел, жонивор, кел. Кетма, бир амаллаб боғлаб олсам бўлди сени. Зап келишган ит экансан-да!

Хотини келиб кўрка-писа ён томонидан эрига арқонни узатди.

— Жонивор, жонивор, кетма.

Кабобпаз яна нималар деб туриб, арқонни катта сиртмоқ қилди-да, пойлаб туриб, Кўктойнинг бўйнига ташлади. Шундан кейин нима бўлганини у ҳам, хотини ҳам билмайди. Кўктой кўзининг қири билан кабобпазнинг кўлидаги арқонни кўриб турган эди. Ташлаши билан ўзини чап олди-да, бир «ғапп!» деганича кабобпазнинг кўкрагини иккала олдинги оёқлари билан урди. Кабобпаз хотинига ўзини ташлади, хотини ерга ағдарилди ва дод солиб юборди. Кабобхонадагилар нима бўлганини чиқиб аниқлагунларича Кўктой катта йўлга ўтиб олиб, лўкиллаганича тоғ томон кетди.

Кабобпаз белини ушлаб ўрнидан турар экан, думини ликиллатиб атрофида жилпанглаётган итининг бошига алам билан кўлидаги арқонни отди.

— Ит бўлмай ўл! Аҳмоқ... Тайёр овқатини едириб ўтирган ит ҳам ит бўлдимми?! — Кейин у кийимларини қоқиб, инқиллаб ўрнидан тураётган хотинига ўшқирди. — Тоғаннинг ҳам падарига лаънат! Шу итни ит деб олиб бериб ўтирибди-я, уч юз сўмга. Қўй бу, ит эмас. Аллақачон совунга бериб юбориш керак!

## 9

Етти сойга етгунча бундай чойхоналар оз эмас эди. Аммо кунлар совиб, ёгингарчилик бошланиши билан уларга кулф солина бошланди. Камдан-кам кабобхона очик бўлар, улар ҳам икки-уч соатгина кун исиган тушлик пайти ишлар ва тезда ёпиларди.

Шундай бўлса ҳам Кўктой оч қолгани йўқ. Албатта аввалларгидек энди тўйиб овқатлана олмас, қоғозларга чала-чулпа ўраб кетилган нарсалар билан амал-тақал қилади.

Бир куни у Еттисойга кираверишдаги чойхонага етай деб қолганда иккита прицепли машина турганини кўрди. Қадамини секинлатиб, тумшуғини чойхона томига тутди. Ҳеч қандай ис келмади. Кўп ўтмай машиналар жўнади.

Кўктой ҳовуз ёнидаги темир кроват устида очик-сочик ётган нон қолдиқлари, беш-олтита шўрбалиқ калласи ва қилтаноқларни кўрди. Атрофда ҳеч ким йўқ эди. Чойхона берк. Кўктой ҳалиги қолдиқларни ушоғини ҳам қолдирмай еди. Кейин сув ичкиси келди. Ҳовузга энгашиб тумшуғини тутган эди, сув тагидан тумшуғини унга тутиб турган оёғидек йўғон қора балиқ кўринди.

Кўктой бирпас томоша қилиб турди. Кейин секин ўнг оёғини кўтариб, балиқнинг тумшуғига тепди. Оёғи тиззасигача сувга тушиб, ҳовузни чайқатиб юборди. Балиқ кўринмай кетди. Кўктой уни ахтариб анчагача ҳовузга қараб қолди. Бир маҳал балиқ сузиб чикди. У сув устида оппоқ қорнига ағдарилиб ётарди, билинар-билинемас думи ликиллар, аммо аввалги холига қайтолмасди.

Кўктой осонликча оёғини узатиб, балиқни ўзига тортди. Балиқ қаршилиқ билдирмади. Тумшуғи тагига келганида «ғап» этиб қоқ белидан тишлаб олди-да бошини кўтарди. Унинг тутиб олган балиғи ҳозиргина еган шўр балиқларнинг калласидек келарди.

Шу йўсинда Кўктой қорин тўйдиришнинг янги бир усулини топди ва биринчи қор ёғгунча шу ерда қолиб кетди. Ҳовуздаги балиқлар унинг учун ҳозирча етарли эди.

Балиқлар кундуз пайти, айниқса офтоб чикқанда кўпроқ сув бетида кўринишарди. Кўктой овини кўпинча шу пайтида қиларди. Бунинг устига кунда бўлмаса ҳам, икки уч кун деганда

йўловчи машиналар шу ерда тўхтар, одамлар темир кроват устига қоғоз ёзиб шоша-пиша овқатланишар ва яна машиналарига ўтириб кетишарди.

Кўктой иложи борича уларга кўринмасликка ҳаракат қиларди. Кўринса, албатта биронта тўполон бўлиши турган гап эди.

Кечаларига ҳам у чидаса бўладиган жой топган эди. Чойхоначининг эсидан чиққанми, ё жўртгага очик қолдириб кетганми, чойхона ортидаги ингичка, фанердан ишланган кўмирхона очик эди.

Кўктой шу ерга кириб ётарди. Албатта иссиқ эмас, лекин шамол йўк, кўзини бемалол ёпиб, бошини биқинига, ё оёқлари орасига олиб тинч ухлаши мумкин эди.

Қорни ҳам у биринчи марта шу ерда кўрди. Ҳаммаёқни оқ булут босиб, учқунлаётганда темир кроват остида ётиб, йўлни, ўтган-кетган машиналарни томоша қилаётувди, тумшуғига оппоқ бир нарса кўнди. Кейин иккинчиси келиб кўнди. Кўктой эпчиллик билан уни ялаб улгурди. Муздек бир нарса, сув деса сув эмас, туз деса туз эмас. Бир пасда бурнининг учи оппоқ бўлиб қолди, кроватнинг атрофи ҳам оқ чойшаб ёпгандек, бир пастда оқ бўлди-қолди. Кейин тез қоронғи тушди. Етгисойга бурилишдаги симёғоч устидаги чирокнинг ёруғида осмондан бетиним тушаётган бу оқ юлдузчалар, капалакдек симёғоч атрофида айланиб, гоҳ кизил, гоҳ сариқ рангда товланар ва оҳиста ерга чўкарди. Улар беҳисоб эди. Ерга кўнгандан кейин ҳаммаси бир рангда оппоқ бўлиб кумушдек ялтирарди.

Кўктой мудроқ босганда кироват остидан чикди-да, кўмирхона томон юрди. Фарч-ғурч қилган йирик панжаларининг изи қор устида қолди. У кўмирхонага кириб олиб, изларига бироз қараб турди, лекин излар қор кўп ёғабошлаганидан тезда йўқолди.

Ярим кечага бориб, қор тинди. Совуқ бошланди. Тахта деворлар орасидан кирабошлаган изғирин шамол Кўктойнинг этини жунжитди. Аммо у эътибор бермади. Бошини кўпроқ узун танаси орасига олиб кулча бўлиб олди-да, яна уйкуга кетди.

Қорни очиб уйғонганда, тонг ёришган эди. У шошиб Ўрнидан турди-да, ховуз томон йўрғалаб кетди. Аммо қалин қор уни босганини, сув музлаганини у хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Қалин, ўткир тирноқлари билан ховуз бурчагидаги қорни суриб, сувни очгандек бўлди. Аммо бу сув эмас, қалин, қопқора муз эди. У секин иккала олдинги оёқларини муз устига кўйди. Муз ёрилмади. Бутунлай ховузга тушди. Ўзгариш бўлгани йўк, қаердадир, муз бўлса керак, унинг оғирлигидан қирсиллади. Лекин бошқа ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўк.

Кўктой тиззаларигача оппоқ қорга ботиб, нима қилишини билмай, ховуз ўртасида қаққайиб туриб қолди. У бугун оч қолганини, бу ердан кетиши лозимлигини билди.

Катта йўлга чиққанда машиналар қатнови энди бошланган эди. Машиналарнинг кўпи шаҳар томонга юришарди. Бири кечки каром ортган, бири баланд симтўр яшик. ичида пахта, бузилган трактор. Онда-сонда ичи ғиж-ғиж одамга тўлган бесўнақай автобуслар ўтиб қоларди. Шундай автобус ўтганда, кўпинча унинг деразаларидан қийкиришиб болалар Кўктойга бирон нарса ташлашар, «Ма! Ма!» деб чақиришарди.

Кўктой уларга ўрганиб қолган эди. Жуда очикқан пайтлари ўзи катта кўчанинг четига чиқиб ўтирар ва шундай автобусларни кутарди.

Ҳозир энди қаттиқ совуқ. Деярлик ҳамма машиналарнинг шу жумладан одам ташийдиган автобусларнинг ҳам деразалари берк эди.

Кўктой йўл ёқасидаги қор устида юриб чарчади. Йўлнинг ўртасига тушиб олди. Бу ерда ҳам юриш осон эмас эди. Тирноқлари ўткир бўлса ҳам, сон-саноксиз машиналар ўтавериш қотиб яхмалак бўлиб кетган қорга ботмас, сирғалар, думалаб кетай-кетай дерди.

Баланд кўприқдан ўтаётганида бир енгил қора машина уни туртиб юборишига оз қолди. Шофер сигнал ҳам берди, эшикни очиб сўкинди ҳам. Кўктой йўл четига чиққач, қоғозга ўралган алланарсани олдига ташлади.



Кўктой шоша-пиша қоғозни титкилаб очди. Ярим килоча келадиган яхна гўшт билан битта катта тандир нон эди. Ҳеч ким бундай ейилмаган нарсани унга ҳеч маҳал ташламаган эди. Кўктой хириллаб, овозларини чиқариб шу нарсаларни еб қўйди. Руҳи анча тетиклашди, бадани кизиди.

Уч-тўрт километр юриб пастликка тушганда бояги қора «Волга» йўл четида тўхтаб турарди. Спортчилар кийимидаги икки киши машинадан чиқиб уни пойлаб туришарди.

Кўктой улардан берирокда тўхтади.

—Келавер, жонивор! Келавер! Биз сени урмаймиз! — деди йигитлардан бири. — Боқамиз. Ўргатамиз. Ма!

У Кўктойнинг олдига бир нарса ташлади. Бу ярим буханка нон эди. Кўктой ҳидидан билди. Нима қилиш керак? Борсинми? У оёқларини битта-битта кўтариб, нонга яқинлашди. Лекин эгалари қараб туришгани учун ҳидлади-ю, бошини кўтарди.

—Сенга! Еявер, сенга! — кичқирди нон отган йигит. — Ол! Йўлбарс! Полкан! Ол!

— Оти бошқачадир? — эътироз билдирди иккинчи йигит.

— Майли-да, ўрганса бўлди. Роса уй пойлайдиган ит эканда! — деди нон ташлаган йигит. — Озгина семирса борми, ҳарқандай ўғри кўриши билан қочади. Дарвозадан уйгача гаражнинг олди билан сим тортиб боғлаб қўярдим. Ана ундан кейин бир ойга бўлса кетавер. Уй қимирламайди жойидан. Бўрибой! Ол! Ука! Қорабой! Ол!

У шу гапни айтганини билади. Кўктой «Қоратой!» деган сўзни эшитиши билан бир ириллади. Йигитларнинг унга Ҳакимполвондек тикилиб турганини кўрди-да, нон эсидан чиқиб, вовуллаганича уларга ташланди, иккала йигит эпчиллик қилиб машинага кириб олишди. Кўктой тумшуғини машина деразасига тикиб вовуллашдан тинмади. Машина бир силкиниб юриб кетди. Кўктой бир-икки қадам чопди орқасидан, кейин орқасига қайтди. Ноннинг олдига келиб, яна ҳидлади, машина кетган томонга қараб бир-икки энди шундай номига, ички бир дард билиб вовуллаб қўйди-да, икки тишлашда нонни тамом қилди.

Кечга яқин олдинда яна бир кўприк кўринди. Ундан йўл икки томонга — чапга ва тўғрига, тепаликларнинг ичига кириб кетган эди.

Кўприкнинг тепасига чиққанда, Кўктой ўнг томоннинг олис-олис этакларида, ботаётган қуёшнинг қизғиш нурлари олдида иморатларни кўрди. Чап томон қир, қирнинг тепасида, беш километрча келадиган масофада бир нарса қорайиб кўринди. Унинг орқаси тоққа туташиб кетган. Буни Кўктой қуёш нурларида йилт-йилт қилаётган баланд-паст чўққилардан билди. Ҳеч иккиланмасдан қир томонга оёқ босди.

Икки тепалиқдан ошиб учинчисига, қорайиб турган нарсага етгунича сув бўлиб кетди. Қулоқларининг учлари, тумшуғидаги узун қалин жунлар сумалакдек қотиб қолди.

Тепалик тепасида қорайиб турган нарса қабр эди. Кўктой муздек қабрга ёпишиб ётди-да, оёқларини чўзди. Панжаларидаги қайрилма йўғон тирноқлари муз парчалари ичида қолиб кетиб, ингичка ипдек қорайиб турарди.

Шу ерда ётганча ўзига келгач, бошини кўтариб, тепаликнинг нариги томонига қаради. Пастда, икки-уч километрлик жойда илондек ялтираб жилға оқарди. Шу пайт қай кўз билан кўрсинки, шу жилға ёнига беш-ўнта қўй келиб сув ичабошлади. Бир-иккиталари ичиб бўлиб бошларини кўтарди, «бе-бе-е! деб маъради. Жилға бўйини бир пасда ола-була қўйлар подаси босиб кетди. Бир-икки марта итларнинг бўғиқ вовуллаган товушлари ҳам эшитилди.

Кўктой тиззаларига кўтарилиб, пастликка тикилиб қолди.

Бир оздан сўнг жилғанинг нариги бетида эшак минган бир одам кўринди. Афтидан қўйчивон бўлса керак, бир пас қўйларнинг сув ичишига қараб туриб, «курре-курре!» — деб кичқирди ва боши устида узун таёғини айлантира бошлади. Сув ичиб бўлган қўйлар орқага қайта бошлашди. Бир-иккитаси сувнинг устидан бу томонга сакраб ўтган эди, Кўктойдек бир сариқ ит вовуллаб орқага қайтарди.

Кўктой бу манзарани кўриб энтикиб кетди, бир-икки қалқиб йўталди ва ўзини пастга ташлади.

Пода кетаётган томонга маълум масофа сақлаб, итларга ҳам (улар катта эди, биттаси ҳалиги сариқ ит, иккинчи ола эди. Унинг ҳам бўйи сариқ итдан қолишмасди). Қўйларга ҳам кўринмай орқама орқа бораверди.

Пода яна бир тепаликка чиқиб, ғойиб бўлди.

Кўктой оҳиста шу тепаликка кўтарилганда кўзига таниш манзара кўринди. Кенг яланглик нарироқдаги тепаликка ё тоғнинг этагига бориб тақалган эди. Ялангликнинг ўртасида баланд пичан ғарами турарди, ғарамнинг ёнида ўтов. Пастроқда эса уч ёғочлик бутун пода сиғадиган кўра кўтарилган эди.

Қўй-қўзи маъраб-маъраб итларнинг хуриши, чўпон «кур-р, кур-е»си билан кўрага кира бошлади.

Кўктой яна пастроқ тушди. Кўрани чўпон беркитгач, итларни эргаштириб ўтовга кириб кетди. Кўктой кўранинг бурчагига бориб, ёғоч қозикларга кўндаланг боғланган ходалар панасида пичан ғарамига ўтиб олди ва ер билан битта бўлиб ётган пичан устига ўзини мадорсиз ташлади.

Анча вақт ўтди. Кўра ичидан итлар билан чўпон чиқди. Унинг ағдарма пўстини хидидан Кўктой таниш, эс-эс англаб оладиган болалигидаги ёқимли ҳидни сизди.

Чўпон итларни кўра дарвозаси яқинига чақириб, этагидан бир нарса тўкди. Иккала ит қирқилган калта думларини ликиллатиб, ва шундай калта қирқилган қулоқларини тушириб овқат ейишга тушиб кетишди.

Чўпон қайтиб яна ўтовга кириб кетди.

Кўктойнинг сўлаги оқиб кетди, тамшанди, лекин итлар ёнига боришга ботинмади. Улар тўйиб, ўша жойдан кетганларидан сўнг, ҳар доимгидек қолган-қутган нарсаларни ейишни кута бошлади.

Шу пайт ўтовдан чўпон чиқди, итлари томон бир қараб қўйиб, ғарамга, Кўктой ётган томонга кела бошлади. Кўктой нима қилишини билмай, бўйинини чўзиб, бошини ерга қўйди.

— Шаттамининг? — сўради яқинроқ келиб чўпон. — Шаттасан деб ўйловдим ўзим ҳам. Тепаликда турганингни кўрувдим. Тушмаганингдан эслик экансан, деб қуёвдим. Кўктой! Азамат ит! Ма! Манави сенга.

Кимдир уни шундай деб чақирган эди. Ҳозир эслолмайди. Онасининг бағридан олиб, шаҳарлик жиянига совға қилган кекса чўпонми, ё Козимнинг онасини? Чўпоннинг шундай деб чақиргани ёқди.

Чўпон икки-уч қадамча нарида чўккалаб Кўктойнинг олдига яхни гўшт думалатди.

Кўктой хидлади, қоронғи тушган бўлса ҳам, чўпоннинг мулойим кўзларини кўрди ва апил-тапил гўштни еябошлади.

— Баракалла! Манави нонни ҳам е!

Чўпон ит олдига уч-тўрт бурда нон ташлади.

— Сенларни энди қандай ўргатаман бир-бирингга? Бўрикалла ҳам ўжар, Олабуқа ҳам ундан қолишмайди. Ҳай, майли, сен шу ерда ётавер. Эртага бир гап бўлар. Балки кечаси топишиб кетарсанлар, а? Лекин, айт-чи, жонивор қайси нонкўр сени сарсон қилиб қўйди? Чўпон бўлмаса керак, чўпон сендақаларни кафтида олиб юради.

Чўпон кетди.

Кўктой у олдига ташлаган нарсаларнинг увоғини ҳам қолдирмади ва иссиқ пичан орасида уйқуга кетди.

Чўпоннинг итлари кўра атрофида тунни ўтказиб, бегона итнинг яқинларида ухлаб ётганини сезмадилар.

Кўктой ғира-ширада уйғонди. У энди ўзига келган, чарчоқлари унутилган, қорни ҳам унча оч

эмас эди, кечгача чидаса бўларди. Кўзларини укалаб, тўйиб эснади, бўйнини чўзиб, чўпон итларининг қаердалигини искаб кўрди. Кўранинг орқасида бўлишса керак хидлари келмади. Ўрнидан туриб бир силкинди-да, ғарамнинг орқасига ўтиб ғойиб бўлди.

Чўпон эрталаб, айри билан ғарам ёқасига келганда Кўктой йўқ эди.

— Ҳа айёр ит!.. Қочдингми? — деди у кулиб. — Йўқ, қочганинг йўқ. Биздан кўркдинг. Кўркиб нима қиласан тентак ит? Биздан кўркма. Бизнинг душманамиз битта — бўри. Лаънати кейинги пайтда кўпайиб қолди биз томонда. Менга — сир, ҳали келиб, тишининг оқини кўрсатгани йўқ, итлар ҳам сезмади. Лекин кўпайиб қолди. Эҳтиёт бўлмасак, беш-ўнта кўйдан бир кунда айрилиб қоламиз. Войбаёв! Лекин итмисан ит экансан. Оёғинг билагимга иккита келади-я! Ҳай, майли, биламан, ҳали айланиб келасан, қонинг тортади. Қорнинг ҳам тортади. Бу атрофда бошқа кўра йўқ... Чўпон чол яна алланарсаларни ўзича гапириб кўрадаги кўйларга пичан таший бошлади. Кейин ўтов ичидан қоп орқалаб чиқиб ем берди. Шу билан кун пешиндан оғди. Отда кимдир келиб унга нималарнидир уқдириб кетди. Афтидан оби-ҳавони айтган бўлса керак, у кетиши билан қор учкунлай бошлади. Кейин оппоқ қордан бўлак ҳеч нарсани кўриб бўлмай қолди. Чўпон бугун подани пастга суғоргани олиб бормади. Моторни кўйиб, қудукдан суғарди.

Қоронғи тушиб, кўрадаги кўй-кузилар тинчигач, итлар овқатларини еб, кўранинг орқа томонига кетишгач, Кўктой ғарам ичидаги жойига қайтди. Шундай пичан устида кечагича гўшт, иккита шўр суяк ётарди.

Мирикиб еди. Суякларни ҳам овоз чиқармай аввал шимди, кейин оҳиста синдириб майдалаб-майдалаб оғзи тўла кўпик аралаш ютди.

Бу гал кечагидек уйқуси келмади. Кўра атрофида юрган кўйчивон итларининг ўйинлари, шарпаларини эшитди. Бир олдиларига бормоқчи, улар билан ўйнамоқчи бўлди, лекин ўзини тийди. Ножўя иш қилиб кўйса, яна қувишса! Йўқ, энди у бундай яшагиси келмасди.

Бир маҳал кўра четидан битта кўйнинг хуркиб, гўлдирагани эшитилди. Бўриқалла осмонга қараб бир увлади-да, қаёққадир чошиб кетди. Шу пайт унинг «вағ-ғ» дегани ва инграгани эшитилди.

Кўктой ўша ёққа бор кучини тўплаб югурди. Кўранинг орқасида бештами, олтига бўри Олабуқани ўраб олишган ва секин-секин унга яқинлашмоқда эди. Ола-буқа ириллаб тисарила бошлади. Тисарилиб, беихтиёр орқасидан босиб келаётган бўрини кўрмай қолди. Ҳаммасини яхши кўриб бораётган Кўктой бир сакради-да, Олабуқанинг орқасидаги бўрининг устига тушди, унинг устидан ўзини ўртага отди. Бўрилар Олабуқани ташлаб, ўзларини Кўктойга отдилар. Жанг узоқ давом этмади, Кўктой бирин-кетин учта бўрини қулоғи аралаш жағидан тишлаб йиқитди. Сўнг, гир айланди-да, Олабуқага ёпишаётган бўрининг бўғзидан олди.

Белига тишларини ботирган бўри қочди. Кўктой уни қувмоқчи бўлганида, милтиқ овози эшитилди. Умрида у иккинчи марта ўқ овозини эшитиши эди. Нима қилишини билмай, тўхтаб қолди. Шу тоб теппасидан бир бўри отилиб тушди-да, иккала кўзи аралаш бошини ғажий бошлади. Кўктой қанча тиришмасин бўри уни кўйиб юбормас, ўткир тишлари баттар кўзларига ботар эди. Кўктой оғриғига чи-долмай, бошини бир силкитди-да, устидаги бўрини ағдариб ташлади. Шу пайт бўрининг бўғзига Олабуқа ташланганини кўрди.

Кўп ўтмай ҳамма нарса тинчиди. Фақат баъзи кўйлар ҳамон кўркув аралаш маърашар, олисдан чўпоннинг сўкинган овозлари келарди.

Кўктой гандираклабгандираклаб ғарб томонга йўл олди. Битта-битта юриб борар экан, қорнидан нимадир тушиб судралиб келаётганини, кўзлари ҳеч нарсани кўрмай лўқиллаб оғриётганини сезд.

Ғарамга етганда ўз жойини топиб ётди.

Кўра томонда, эса чўпон чолнинг бўғилиб:

— Бўриқалла! Кўктой! — деб қичқирганини эшитди.

У кўзини очиб, бошини кўтармоқчи бўлган эди, зимзиё қоронғиликдан бошқа ҳеч нарсани кўрмади, аллақандай шўр суюқлик оғзига оқиб тушди. Секин эгилиб қорнини ялади, қорнига ҳам нима бўлганини билмади.

У оҳиста бошини кўтариб, олдинги оёқларини узатди-да, иккала ловуллаб ёнаётган кўзларини шу оёқлари орасига олди.

— Кўктой! Бўрикалла! — яна чўпоннинг овози эшитилди.

Кўктойнинг қимирлашга мажоли йўқ эди.

Эрталаб ғира-ширада Чўпон кўранинг орқа томонида бешта бўрининг ўлигини кўрди. Улардан нарироқда қорни бўғизигача ёриб ташланган Бўрикалла ётарди. Кўктой ҳеч қаерда йўқ эди. Бўриларни чўпон битта-битта қарар экан, Бўрикалла биринчи бўлиб ҳалок бўлганини билди. Тўртта бўри бир хил, қулоқлари, бўғзи аралаш тишлаб ўлдирилган эди. Чўпон ҳеч шубҳасиз бу Кўктойнинг иши эканини тушунди. Устига сакраб Кўктой чала ўлик қилиб қўйган бешинчи бўрини Олабуқа тугатган эди.

«Эсиз ит! — хаёлидан ўтказди чўпон. — Жанг билмаганда ҳали. Лекин ўзи қани?»

— Кўктой! Полвон ит! Азамат ит! Ма! Буёққа кел!

Кўктой ҳеч қаёқда йўқ эди. Шу пайт чўпоннинг олдига думғазаси қонга беланган Олабуқа инграб келди.

— Сенга ҳам қойилман. Яранг тузалиб кетади, — деди чўпон унинг бошини силаб. — Лекин янги ошнанг қани, Кўктой қани? Бола пақир қани?

У шундай деб, қорга томган ва кўра ёнидан ипдек чизилиб кетган қон томчиларини кўрди. У шу томонга юрди. Томчилар уни пичан ғарамига олиб келди.

Кўктой кечаги ётган жойида, ер билан битта бўлиб ёйилиб кетган пичан устида ётарди.

— Вой азамат! Шатта экансан-ку! Индамайсан-а?

Кўктой сал қимирлагандек бўлди.

— Ҳозир мен дори олиб чиқаман, сени даволаймиз. Аттанг, аттанг!

Чўпон ўтовга югуриб кетди.

Кўктой деярлик уни эшитгани йўқ. Боши ғувиллар, кимдир уни, кичкина кучукчани бўйнидан кўтариб, қопга солмоқчи бўлар, у эса бир кучини тўплаб кичкина япалоқ оёқчалари билан қопни итарарди.

Чўпон дока, бинт, дорилар кўтариб, келди-да яна чақирди.

— Кўктой! Азаматим, Кўктой!

Кўктой инграб ҳам жавоб қилмади.

Чўпон кўкрагига кўлини кўйиб, секин қимирлатди. Аммо бузоқдек чузилиб ётган ит қимирламади.

— Аттанг, аттанг! Увол кетдинг, жонивор! Ҳали қанақа ит бўлардинг?! Чўпонларнинг ҳавоси, бўриларнинг кушандаси бўлардинг! Ўзим ургатардим. Эҳ-ҳа, биз бўлган жойда бўрининг сояси ҳам бўлмасди!..

Ўша куни кекса номаълум чўпон Кўктойни кўранинг ёнига чуқур қазиб кўмди. Ёнига Бўрикаллани қўйди. Қабрлар устига катта тош топиб келиб бостирди-да, узун таёқ қоқиб қўйди.

Этақларини қоқиб ўрнидан турар экан, яна алам билан деди:

— Аттанг! Ёш кетди! Бола экан-а, бола!.. Олабуқа! Бу ерни ҳеч тита кўрма. На ёзда, на қишда...

## 10

Икки ярим йил ичида Козим жуда ўзгариб кетди. Илгариги ўйинқароқлиги йўқ. Ота-онаси билан ҳам муомаласи совуқ.

Бир куни онаси ишдан қайтаётганда бозорнинг олдига бир лайча ит унга эргашди. Суюниб

Ўзи билан бирга уйга олиб келди. Козим хурсанд бўлди.

Она-бола унга темир тоғорачада овқат беришар экан, ит бир-икки тимирскиланди-да, емади.

—Кўктой бошқача ит, эди, — деб юборди беихтиёр Козимнинг онаси. — Нима берсанг, ҳаммасини ерди, ҳеч қаёқни ифлос ҳам қилмас эди!..

—Ҳали ҳам олиб келиб берақолсайлар нима қилади? — зарда билан хуноб бўлиб сўради Козим.

Онаси жавоб бермади.

1986.

## ЕР ЁНГАНДА

Тонгги ғира-ширада шаҳарга тушиб кетган келинини Солиҳабиби бу гал қандайдир умид ва сабрсизлик билан кутди. Аммо кун ўтиши қийин бўлди. Пешингача ҳовлида ғимирлаб юрди: оғилхона олдида ғужанак бўлиб ётган помидорни тиргович қўйиб таради, бўйи келиб турсин деб, айвонга яқин экилган бўйрадек жойдаги ошрайҳоннинг тагини чопди. Чорсигина, уч сотих ерда яна нима қилиш мумкин эди? Молга қарай деса, йўқ, сотилиб кетган. Неварасининг тўйига атаб боқиб қўйилган думбаси ҳали тахтакачдек қўчқорни ҳам бир ой бўлди колхозга олинган қарзлар ҳисобига топшириб юборишди, тирик мол-ҳолдан қолгани битта калоннур товуқ. Унинг нимасига қарайди? Ўзи сув, ўзи дон топса?.. Пешиндан кейин қўшнисининг беқасам кўрпасини қавишга ўтирди. Яхши ҳам шу хунари бор экан, корига яраб турибди. Кўрпанинг баҳоси бир челак картошка бўлди. Сўрагани йўқ. Қўшнисининг ўзи ташлаб кетди. Шу картошка билан кун ўтиб турибди. Эртага биттади кўрпа, бир бурчаги қолди холос. Кейин нима қилади? Қавиғи маъкул келса, талабгорлар чиқиб қолар. Қавиғи маъкул келиши турган гап. Солиҳабиби кўрпага бу гал палак нусхасини берди. Ўртасида офтоб, тўрттала бурчагида тўртта қўқонгули. Тўғри қавиганида уч кундаёқ битарди. Майли, бахтли бўлсин қиз. Ўғли қайтса, келинига ҳам шундай кўрпа қилиб беради. Ҳозиргиси титилиб, пахтаси копток-копток бўлиб қолибди. Бир қаричда камида элликта қавиқ бўлиши керак. Ана ўшанда қанча тутма, теп-текис тураверади, пахтаси силжимайди.

Товуқнинг қа-қолагани эшитилди. Солиҳабиби беихтиёр ҳовлига назар ташлади. Кун ботди. Нега келинидан дарак йўқ? Ҳеч маҳал у шаҳарда бунчалик қолиб кетмас эди. Яхшиликкамикан? Ажаб эмас, тузук хабар билан келса! Қишлоққа охириги автобус кун ботганда келади. Шунга улгурармикан? Улгурмаса қўлидаги эмизуклик боласи билан қийналиб кетади, болабояқиш.

Солиҳабиби эҳтиётлик билан кўрпани тиззасидан олиб қўйди-да, ҳовлига тушди. Невараси мактабига китоб алмаштиргани кетган эди. Ҳализамон келади. Нима едирса экан унга? Яна товуқ қа-қолади, бир-икки қанот қоқиб, бошини сарак-сарак қилди-да, оғилхонага кириб кетди. Солиҳабибининг яхши кўрган овқати эсига тушди. Оғилхонага кириб, хувиллаб турган охурнинг бурчагидаги товукнинг инидан моякни олиб чиқди. «Ўрнига пиёз қўйиб қўйса ҳам бўлади. Бола бояқиш бир ҳафтадан бери гўшт кўргани йўқ, ранги кетиб қолди. Дадаси қамалди-ю, илгариги шўхлиги йўқолди, кўчага чикмайди, қачон қараманг, уйнинг у ёки бу бурчагида хаёл суриб ўтиради, китоб варақлайди. Тўққиз ёшлик бола ҳам шунчалик эзиладими?!»

Солиҳабиби қозон тагига ўт ёқиб, озгина пиёз, битта помидор тўғради, сопол товоқнинг юқидаги ёғни қозонга солиб, нон олиб келгани айвонга ўтди. Раҳматли онаси рамазон ойларида сахарликка кўпинча шундай қовурдоқ қиларди, помидор билан ҳали қотмай хил-хиллаб турган тухумнинг мазаси нонга ўтиб жуда ширин бўлиб кетарди. Дадаси ҳам иштаҳа билан ерди, у ҳам. Шу-шу ўрганиб қолган, вақт тиғиз бўлса, ё уйда бошқа нарса бўлмаса, дарров шундай қовурдоқ қилади.

Тухум чақиб турган пайти ҳовлидан неварасининг тапир-тупир оёқ товушлари келди:

— Ойи?!

— Келавермайсанми, буёқдаман!..

Солиҳабиби шошилиб қовурдоқни бир-икки ағдарди, тухум нон бурдаларига ёпишиб, оқ-сарикка ажради.

— Овқат қилиб турибман, сенга, келавер!.. Турсунбой!

Ўчоқбошининг эшиги олдида Турсун пайдо бўлди.

— Мунча ичикмасанг? — сўради Солиҳабиби сопол товоққа қовурдоқни оларкан.

Турсун жавоб бермади. Унинг кўзлари ўйнар, тер босган юзлари қип-қизариб кетган эди.

— Ойи! Тўлаган... Тўлаганнинг дадасини олиб кетишди. Солиҳабибининг қўлидан капгири тушиб кетди.

— Нега олиб кетишади? Қачон?

Тўлаган невараси тенгги бола эди, у билан бир синфда ўқирди. Отаси колхоз бухгалтери эди.

— Нега олиб кетишади? Қачон? — қайта сўради Солиҳабиби.

— Ҳозир! — деди Турсун. — Мактабдан келаётгандим. Бундай қарасам, дарвозалари олдида милициянинг машинаси турибди. Югуриб бордим. Шундоқ олдимда олиб чиқиб кетишди Мирвали акани. Ойи! Биласизми?! Қўлларини... қўлларини орқасига қайириб олиб кетишди!

Турсуннинг овозида ҳам қандайдир хурсандлик бор эди. Солиҳабиби ичида зил кетди, аммо ҳеч нарса демади. Неварасининг ўзи хурсандчилигининг сабабини ҳаяжон билан айтиб берди:

— Дадам қамалганларидан кейин Тўлаган бошқа партага ўтиб олган эди, айтмовдим сизга. Иннайкейин мен билан ўйнамай кўйган эди. Энди баравар бўлдик!..

— Нима қилган экан Мирвали? — хаёлчан сўради Солиҳабиби.

Турсун елкасини қисди.

— Прписка қилган бўлса керак, — ўзича хулоса қилди Солиҳабиби.— Уйдан бирон нарса чиқибдими?

— Билмадим, — деди Турсун.

— Ишқилиб чикмасин. — Солиҳабиби тинтувдан кўрқиб қолган эди. — Чикса кўпга кесиб юборишади. Юр, овқатингни еб ол.

— Кейин!

Турсун яна югуриб кўчага чиқиб кетди.

Солиҳабиби: «Ҳой! Тўхта!» деганича қолди. Товоқни қозонга кўйиб, тувоғини ёпди-да, ҳовлига чиқди. Тўлаганларникига бориб келиш кўнглидан ўтди, йўлак томон юра-бошлади ҳам, аммо ўзини тўхтатиб қолди. Ўғлини олиб кетишаётган кун эсига тушди. Милиционерлар ҳайдамаганда эшикнинг олди уёқда турсин, ҳовли ҳам одамга тўлиб кетарди. Ҳамма нарса одамнинг юзида ёзуғлик бўлар экан. Бунини Солиҳабиби алам, азоб, уятдан ичини ит тимдалаётган бўлса ҳам ўша кунни яққол кўрди. Тинтув бошланиши билан ўз уйига бегона бўлиб қолиб, тинтувчиларнинг ёнида соядек юрар экан, ер остидан одамларга — кўни-кўшнилари, аллақасдан пайдо бўлиб қолган нотаниш башараларга ер остидан қараб кўярди. Шунда билди, ачинганлар бор. Аммо томошага келганлар кўпроқ эди. Улар учун тинтув қанча чўзилса, қанча кўп нарса чикса, шунча яхши эди. Бу истак, бу ният шундай юз, кўзларига ёзиб кўйилган эди. Бу ҳам майли, ҳаракатларида ҳам, шивир-шивирларининг оҳангида ҳам ниятлари аниқ эди. Милиционерлар ҳайдади, нари турунлар, ҳалақит берманглар, дейди, зум ўтмай аввалги жойларига қайтиб келишади, ундан ҳам яқинроққа ўтишга интилишади.

Шунинг учун ўзини ушлаб қолди, бормади. Аммо бориши керак эди. Дардман одамгина бировнинг дардини тушунади, ачинади. Бориб, уйдагилардан ҳол-аҳвол сўраши керак эди. Майли, келини қайтсин, қоронғи тушсин, шунда ўтиб келади. Турғун қамалганидан бери, ўзи сезиб-сезмай қоронғини яхши кўрадиган бўлиб қолган эди. Тонг саҳарда туриб, тезроқ кун ботишини тилайди, заруратдан кўчага чикмаса, ўзича чикмайди, уй ичида, ҳовлида ғимирлаб кунни кеч қилади. Келини, неваралари ухлаши билан ўрнидан туради, ҳовлига тушиб ўғли юрган йўлларга тикилади, кўчага чиқади, коп-қоронғи онда-сонда фонарлари милтиллаб турган қишлоқ кўчасида йўл пойлайди, яна ҳовлига қайтиб, айвон зинапоясига омонатгина ўтиради-да, осмонга қарайди, юлдузларга, ойга тикилиб кун санайди. Етмишга етиб, у шундай кулфат бошига тушишини билмаган эди. Баъзи-баъзида Худодан ўлим тилаб, қўлларини чўзади, аммо кексалик ақл-идроки билан ниятидан қайтиб, қўлларини юзига суртмайди, аксинча, ўғли эсон-омон қайтгунича, невараларини йўлга солиб олгунча, соғлик, қувват тилайди. Ун уч ойдан бери шундай қоронғи кеча унинг маслаҳатчиси, овунчи. Кечаларигина у ўзини одамдек ҳис қилади, режалар режалаб чиқади. Кун туғиши билан яна тунни кутади.

Келини намозшом пайти Турсун билан бирга кириб келди.

Солиҳабиби унинг авзойидан бу галги сафари ҳам натижасиз бўлганини сизди. Бунинг

устига Турсун Мирвали воқеасини айтиб берган бўлса керак, келини унинг қўлига боласини ташлади-ю, эшикларни тарс-турс очиб, ичкарига кириб кетди. Турсун орқасидан бормокчи эди, Солиҳабиби тўхтатди:

— Опанг чарчаган, ўзига келсин.

Иккалови иссиқда пишиб кетган, олис йўл элтиб ухлаб қолган чақалоқни ечинтириб, курук чойшабига ўрашди. Отаси қамалгандан кейин туғилган, эндигина саккиз ойлик бўлган болага улар отасисиз, ўзлари исм қўйишган эди. Кичкина Тўлқин қош-кўзлари, бурнининг кичкина бугри билан отасига, бувасига ўхшар эди. Солиҳабиби унинг туғилганидан қанчалик қувонмасин, дилида унга ачинар, отаси қамоқдалигида туғилган, шум қадам, деган гап умр бўйи унга ёпишиб қолишидан кўрқар, кечалари ухламай ўтирган пайтлари Худога ёлбориб, ўғлининг тезроқ қайтишини, шўр пешона невараларига бахт, узоқ умр тиларди.

Кўп ўтмай Раҳима айвонга чиқди. Шишган қовоқлари, чимирилган қошларидан ҳали асабидан тушмаганлиги билиниб турарди. Солиҳабиби неварасига қилган овқатни олиб келди, чой қўйди. Турсуннинг иккала кўзи опасида эди.

— Мунча тикиласан?! Овқатингни есанг-чи! — жеркиб берди Раҳима. — Эртага шуям борми — Худо билади!

У товоққа қўл узатди. Бир бурда ёғлиқ нонни қотиб қолган тухумдан ажратди, тухумни ўғлининг олдига суриб, нонни оғзига солди. Аммо ютолмай чайналиб ўтирар экан, қайинонасига қаради:

— Ҳақиқат йўқ дунёда оёй. Ўғлингиз ҳеч кимга керакмас. Биз ҳам. Биров кимсан, одаммисан демайди. Нега туғдим буларни, оёй? Нега эрга тегдим?!

Раҳиманинг кўзларига ёш келди. Зўрға ютиниб, ёнида ёстиқ устида ухлаб ётган Тўлқинни қўлига олди, бағрига босиб, нам кўзларини чойшабга суртди.

— Йиғламанг опа, — ялинди Турсун.

— Ўзингни бос, болам, — Солиҳабиби уни юпатди. — Ҳечкимга керак бўлмасаларинг ўзларингга кераксизлар, менга кераксизлар. Кўйворишмаса қўйворишмас. Саккиз йил хашпаш дегунча ўтиб кетади. Турсунинг ўн бешга тўлади, туппа-туззук йигит бўлади. Эринг қайтади. Ана ўшанда иккаламиз тўрт қават кўрпанинг устида ўтирамиз. Ташвишимиз бўлмайди.

— Овқатларниям ўзим қиламан! — деди Турсун.

Раҳима лабининг четида жилмайди.

— Тоғанга учрашдингми?! — унинг бироз тинчиганини кўриб сўради Солиҳабиби.

— Ҳа, — деди Раҳима. — У кишига ҳам биззи керагимиз йўқ. У кишига ҳам биз ўғримиз, порахўрмиз. Биздан жирканади у киши. Иложи бўлса бизни кўрмаса!

— Уришиб қолдингми? — Солиҳабиби хавотир олди.

— Уришадиган ҳолим борми, оёй? — истехзо билан жавоб қилди Раҳима. — Нимамга ишониб уришаман у киши билан? Тиланчиман-ку ман, оёй!

— Унақа дема, болам, — Авваламбор жигаринг. Қолаверса, буванг кўп қарашган унга. Менам... Менам қараб турмаганман. Уйланганда бир сидра кўрпа-ястиғини ман қилиб берганман. Нима бўлди ўзи?

— Биринчи облсудга бордим, — ўзига келган Раҳима оҳиста гапира бошлади. — Ёзилиб қўйганимни билишаркан, иккинчи эканман раиснинг қабулига. Биринчи ғазалкентлик чолкампирларакан. Хўп дедим. Фақат раис бугун ҳар галгидек ўн бирда эмас, иккидан кейин қабул қиларкан. Шошилинич юқорига, мажлисга чақириб қолишибди. Майли, дедим, ишқилиб қабул қиларкан-ку, дедим ичимда. Пастга тушиб, облсуднинг олдигаги боққа ўтдим. Шўтта кутай, дедим-да.

— Тоғанникига борсанг бўлмасмиди, иссиқда кўчада ўтирмай? — сўради Солиҳабиби.

Раҳима бир чимирилди-ю, лекин ўзини тутиб олди:

— Шу пайтда у киши ишда бўладилар. Ишхоналарига боргани уялдим. Қўлимда бола, қандай



бораман? Боғда скамейка кўп, биттасида ўтириб кутдим. Ҳалиги чол-камбир ҳам келиб ёнимда ўтиришди. Бир жойга иш тушгандан кейин яқин бўлиб қоларкансан одам. Бечораларга юрагим ачиди. Ўғиллари тўрт ярим йилдан бери қамокда экан. Учта боласи, хотини бор экан. Эси пас одам гапга кўшилиб қолган экан. Навбати келиб гап берибди. Хотини яхши дастурхон ёзибди. Қуюқ-суюқ тортибди. Ошналари кетгандан кейин, кайф баланд, бечорани тутволиб урибди, ўртоқларимни яхши кутмадинг, деб. Кўр бўласиз мени билмасайиз, деб йиғлабди хотини. Билмайман, талоқсан, дебди эри. Учта бола билан қаёққа бораман, ундан кўра, ўлдириб кўяқолинг, деб хотин бояқиш маст эрининг кўлига пичоқ узатибди. Эр ўлгур ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, маст-да, қорнига пичоқ солиб юборибди.

— Вой яшшамагур! — Солиҳабиби хайрон бўлиб кели-нига тикилиб қолди. — Ўлдириб кўйибдимми?

— Йўк, кўлини тутиб қолган экан, юрагига тегмабди.

— Вой яшшамагур!

Солиҳабибининг хайрат ва ғазабдан юзлари чўзилиб кетди.

Турсун ҳам опасига хайрон қараб қолган эди. Ичида адаси қамокда ётган бўлса ҳам бундай одам эмаслигидан, ҳечмаҳал у бундай қилмаслигидан, опасини яхши кўришидан хурсанд эди. Унинг кўз олдида опаси қамокхонага олиб борган кун пайдо бўлди. Адаси озиб, ранги кетиб қолган, илгариги қошларигача тушиб турадиган қуюқ қора сочлари олинган эди. Аммо ўша-ўша, ўзи билган, ўзи кўрган адаси. Учрашув хонасига кириши билан уни кўтариб олди, юз-кўзларидан, бошидан ўпди. Кейин Тўлқинни кўлига олди. Ана ўшанда адаси опаси билан қандай яхши гаплашганини кўрди. Опасини ҳам қучоқлади, секин ўпди, кўлларини кўлларига олиб юзига суртди. Йўк, адаси яхши одам, ҳечмаҳал бундай қилмайди, ҳечкимга пичоқ урмайди.

— Қанчага кесилибди?

Бувисининг саволи унинг хаёлини бўлди.

— Тўққиз йилга. Чол-камбир илгари келишмаган экан. Ярми ўтгани учун келишибди. Чол жуда доно одам экан. Менга шундай ёқди, шундай ёқди! Камбир ҳам ёмон эмас. Аммо анча кўнгли бўш экан. Салга йиғлайди. Рўмолини иккала учи жикқа хўл. Айб ўғлимизда, дейди чол, ўлдириб кўйиши мумкин эди. Учта боласи етим қоларди. Қамалгани бир ҳисобда ёмон бўлмади. Эсини йиғиб олди. Хотин нималигини, бола-чақа, ота-эна нималигини ўша ерда билди. Тавбасига таяниб ўтирибди ҳозир. Энди кечирисин, айтинг, дермиш. Энди кўлига пичоқ олган одам номард, дермиш. Ҳикоятнинг соясига салом бериб ўтаман энди, дермиш. Ҳикоят келинлари, — тушунтирди қайинонасига Раҳима. — Йигит кишининг тавбаси янгитдан дунёга келгани билан баравар, дейди чол, инobatга олмаслиги гуноҳ. Келин барака топкур кечирди уни, ҳукумат ҳам кечирсин, деб келдик, дейди. Камбир нима дейди денг? — Раҳима беихтиёр кулиб юборди. — Ўғлимнинг кўлига келинни ўзи пичоқ тутқазди, гуноҳи ярни уни бўйнида, маст одамми кўлига пичоқ бериб бўлами? — дейди. Тўрт ярим йил иккалови — бири қамокда, бири уйда баравар азоб чекди. Қўшса тўққиз йил бўлади. Етади шу, — дейди. Мундоқ қараганда тўғримасми, ойи?

Раҳима қандайдир умид ва ўзини юпатиш истаги билан қайинонасига қаради. Солиҳабиби унинг ниятини сезди.

— Тўғри, болам. Камбир тўғри гапирибди. Эр-хотиннинг орасида нима ўтмайди? Эрнинг азоби — хотиннинг азоби. Келин эрининг гуноҳидан ўтиб яхши қилибди. Яхши жувон экан. Сенам кўп эзилаверма. Ажаб эмас Турғунбойм тез қайтса!

— Кошқийди?.. — Раҳима яна жиддийлашди, қуюқ қора қошлари чимирилиб, лаблари титрай бошлади.

— Суд нима деди? — унинг хаёлини бўлди Солиҳабиби.

— Нима дерди?! Яна ўша гап. — Раҳима хаёлчан жавоб берди. — Чол-камбир кириб

чиққандан кейин кирдим. Қовоқ-тумшуғи осилиб ўтирибди раисни. Биладни нимага келганимни. Кўришиминан ўзи гапириб кетди. Пахта бўйича қамалганларни бошқатдан кўриб чиқишяпти. Эрингизга ҳам навбат келади. Сабр қилинг. Лекин ҳеч нарса ваъда беролмайман, деди. Айбини бўйнига олган, деди. Шунини инобатга олишсин, иккинчи қилмайди, болаларига, менга раҳмингиз келсин, дедим. Йиғладим. Парвойи палак. Без бўлиб ўтираверди. Шу тоб Тўлқин биғиллаб йиғлаб берди. Овитай дейман, бағримга босаман, қани энди тинса! Ўзимми босолмай сўрадим. Қандай бағритош одамсиз, айтинг, нима қилай? Қўлидаги қаламини ўйнаб манга тикилиб турди-да, кейин ўрнидан туриб ёнимга келди. Хафа бўлманг, деди, ростини айтай. Эрингизнинг ишида ўзгариш бўлмайди, деди. Муз бўб кетдим. Билардим шундоқ дейишини. Аммо шундоқ дейди, деб ўйламаган эдим. Ойи! Бу қандоқ кўргилик?! Саккиз йил саккиз кун эмас, чидолмайман ойи, чидолмайман!...

Раҳима йиғлаб юборди. Унга қўшилиб, аллақачон уйғониб кетган, кўзларини шифтга қадаб ётган чақалоқ ҳам йиғлай бошлади, Раҳима беихтиёр уни бағрига босди, аллалаб тебрана бошлади, лекин анчагача ўзи ҳам, бола ҳам йиғидан тинишмади. Солиҳаббининг юпатишлари, Турсуннинг ялинишлари кор қилмади.

Тун кирди. Юлдузлар чарақлай бошлади. Ҳалигина оқариб турган ой сариқ хандалақдек тўлишиб қўшни том устига келди. Шаббода айвонни айланиб эса бошлади. Тунги салқин таъсир қилдими, ё чарчадими, Тўлқин онасининг қўлида ухлаб қолди. Раҳима ҳам ўзига келгандек бўлди. Боласини ёнига ётқизиб ўрин солгани турди. Турсун хонтахтага бошини қўйганича мудраб ўтирар эди. Уни жойига ётқизди. Кийимларини ечар экан, юз-кўзларидан ўпди. Кейин тоғасини кўрганини айтиб берди. Уни ҳам тасодифан учратибди. Уйга овқатлангани келган экан. Келинойисининг энсаси қотса ҳам индамай гаплаштирибди. Тоғаси янаги ҳафтага бир келиб кет, суриштириб кўраман, дебди.

Солиҳабби келинининг бирмунча тинчиганидан хурсанд бўлиб, ҳовлига тушди. Эшикдан хабар олиб, водопровод тагида таҳорат қилди. Айвонга кўтарилар экан, бир пас қулоқ солди, уй жимжит эди. Келинини ётибди деб ўйлади у. «Бечора, қандай қувноқ эди, хаёлидан ўтди унинг, кулгисидан дил яшнарди, бир йилда тўкилди-қўйди, сочигаям оқ тушибди. Кўрдимикан ўзи? Кўрса яна эзилади».

Раҳима у қайтгунча айвоннинг биқинига ўрнини солиб қўйибди. Кўрпа устига чузилди. Шу тоб ичкаридан ички оқ қўйлагини кийган Раҳима чиқди.

— Ҳа, болам? — сўради Солиҳабби.

— Ювинмоқчиман, — деди Раҳима. — Ичим ёниб кетаяпти.

— Қарашворайми? — Солиҳабби бошини кўтарди.

— Йўқ, ўзим. Шундай, водопроводнинг тагига ўтираман.

Раҳима оёқ яланг ҳовлига тушиб кетди.

Кўп ўтмай Солиҳабби сувнинг шарқираб очилганини, келинининг аввал сесканиб, кейин ҳузур қилиб, ҳаммаёққа сув сачратиб ювинаётганини эшитди. «Нимани кўрди бечора, — хаёлидан ўтди унинг. — Шундоқ қувнаб-яшнаб яшаши ўрнига, боши ташвишдан чиқмай қолди».

Раҳима қайинонасини безовта қилгиси келмадими, ё уялдими, оёқ учида айвонга чиқди. Солиҳабби беихтиёр унга тикилиб қолди, келинини хушбичимлигини биларди, аммо анчагина кўҳлик экан. Бўйи баланд, сарвдек тикка экан. Сочлари ҳам узун экан. Шундай ёйилиб белигача тушиб турибди. Нозик баданига тарам-тарам бўлиб ёпишган жикқа хўл қўйлагидан чак-чак томаётган сув томчиларидан бир томчиси сачраб Солиҳаббининг лабига тушди. Баҳор нафаси, бинафшанингми, ялпизнингми ёқимли иси димоғига урилгандек бўлиб кетди. «Ишқилиб бахти очилиб кетсин», — яшин тезлигида хаёлидан ўтказди Солиҳабби.

Раҳима ичкарига кириб кетди.

«Ишқилиб бахти очилиб кетсин», — деди яна ичида Сдлиҳабби. Кейинги пайтларда у

ўғлидан ҳам кўра кўпроқ келинини ўйлайдиган бўлиб қолган эди. Бировнинг боласи, якка ёлғиз кизи. Уникига келиб, келин тушиб, нима кўрди? Энди бири икки бўлай деганда ёш боши билан ташвишга қолди. Тагин ҳам фил экан, касал-пасал бўлиб, ётиб қолса нима бўлади? Болаларининг холи нима кечади?

Солиҳабиби шундай оғир хаёллар билан ётар экан, тун яримлаб қолганини сезмади. Аммо унинг ҳамон уйқуси келмасди. Ҳаммаёқ жимжит. Осмон тинч, юлдузлар тинч. Том орқалаб юрган ой тиккага кўтарилган. Фақат олисда, қишлоқнинг олдидаги катта йўл томондан итларнинг вовуллагани, пахса деворларнинг ковакларидан чигирткаларнинг чирқиллагани онда-сонда қулоққа чалинарди. Бошқа ҳамма нарса, бор тирик жон тин олаяпти, уйкуда. Ҳаммамикан? Бугундан бошлаб қишлоқнинг яна бир уйида тинчлик йўқолди. Мирвалитарникида. Келини оғиз очмади бу ҳақда. Унинг ҳам гапиргиси келмади. Ярага туз сепиб нима қилади? Беайб парвардигор. Лекин наҳотки шунча одам айбдор бўлса? Шунча одам ҳаром яшаса? Саид оқсоқол ўн саккиз минг, деди. Наҳотки ўн саккиз минг кишидан инсоф, диёнат кетган бўлса?

Ичкари уйнинг эшиги секин очилиб, Раҳима пайдо бўлди.

— Ойи? — чакирди у бўғиқ овозда.

Солиҳабиби нима қилишини билмай қолди. Ҳа деса, яна ухламаяпсизми, деб хафа бўлади. Индамаса, дардини ёзолмай тонггача эзилиб чиқади. Яхшиси, индамагани маъқул. Ётсин, бирпас болабоякиш дам олсин. Шундай қилди, овоз бермади.

Раҳима оёқ учида ҳовлига тушди. Солиҳабиби кўзларини очди. Шаҳарга кийиб тушган товар кўйлагини кийиб олган келини оғилхона томон юриб борарди. Кечаси ҳовлига чиқиб юрадиган одати йўқ эди унинг, кўрқарди. Қорни очдимикан? Қозонда ҳеч вако йўқ-ку?! Солиҳабиби бошини кўтарди. Раҳима ўчоқбошига кирмади, бирпас эшик олдида турди-да, девордаги қозикда осиглиқ турган арқонни олди. Кейин қаёққадир ғойиб бўлди. Шафтоли шохлари тўсиб турган оғилхона эшиги «ғийқ» этиб очилиб-ёпилгани эшитилди. Солиҳабибининг юраги орқасига тортиб кетди. Даҳшатли гумон хаёлидан ўтди. «Раҳима!» деб қичқирди. Лекин кўрқув ва ҳаяжондан овози чиқмади. Шошиб ўрнидан турди-да, айвондан қандай тушганини билмай оғилхонага югурди. Эшикни очганда, Раҳима гишт охурнинг устига чиқиб, бўйнига сиртмоқ солаётган эди.

Солиҳабиби «Ҳой!» деди-ю, югуриб бориб, кўлларига чанг солди.

— Нима қилаяпсан, аҳмоқ?!

Раҳима бўшашиб охурга ўтирди.

— Жинни бўлдингми? — қичқирди яна уни елкаларидан силкитиб Солиҳабиби. — Болларни ўйламадингми? Манда нима касдинг бор? Шарманда қилмоқчимисан ҳаммамиззи?!

— Тўйдим, — Раҳиманинг овозида на алам бор эди, на ғазаб. — Тўйдим, ойи. Ҳамма мендан юз ўгирди. Эртага болага нима бераман? Ишга чиқай десам, Тўлқинни қаёққа кўяман? Ўғлиз ҳали-вери қайтмайди. Нима қилай? Ўзимми бозорга солайми?

Солиҳабиби унинг ёнига ўтирди. Елкаларидан кучоқлаб, бағрига тортди.

— Болажоним! Шўрпешонам! Қўй, ўзийни бос. Иккита кап-катта хотин жўжадек болларни боқолмаймизми? Боқамиз. Қўғирчоқдек ясатиб ҳам кўямиз. Сабр қил, болам, сабр қил. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ. Одам бошидан нималар ўтмайди? Отилиб кетганларнинг ҳам бола-чақаси юрибди. Иннайкейин санда нима гуноҳ? Нимангдан уяласан? Париштанинг ўзисан. Эринг қайтади. Ундан уялаётган бўлсанг, мен онасиман, билиб қўй. Унда гуноҳ йўқ. Унинг бошини айлантиришган. Бир балоларни ваъда қилишган, ё кўрқитишган. Очилади бу ҳали. Тинч бўл, болам. Иккинчи бунақа иш қилма. Қани, манга қара-чи? Манга қара!

Солиҳабиби келиннинг бошидан, юзларидан силаб, ўзига қаратди.

— Оппоғим! Беғуборгинам!..

Шу алпозда улар бир-бирларига суяниб охур устида ўтиришганича тонг ота бошлаганини

сезишмади. Раҳима кампирни аяса, Солиҳабиби уни уйдаи, шу ердами, ёлғиз қолдиришдан кўрқди.

Тонг отиб, қишлоқдан чиқаверишдаги бозорчадан Солиҳабиби бир товоқ қаймоқ ва иккита иссиқ нон олиб келган-да, Раҳима гўё ҳеч нарса бўлмагандек кўйлагининг этагини липпасига қистириб, ҳовли супурарди.

—Мунча эрта турмасанг, болам? Ҳовлиям чиннидек эди!

Раҳима бошини кўтармади:

— Кун исийдиганга ўхшайди. Уйнинг ичи ёнапти. Ухлолмадим. Қалин қилиб сув сепмоқчиман.

У ниманидир хиргойи қилабошлади. Кейин бирдан тўхтади:

— Ойи! Тоғам ҳаракат қилармиканлар?

— Нега ҳаракат қилмасакан? Жигаринг-ку! Қилади, — айвонда дастурхон ёзабошлаган Солиҳабиби келинига ўгирилди. — Турғунни у яхши кўрарди. Иши чиқиб қолса ҳовлисида, чақириб турарди. Ҳаракат қилади.

У шундай деди-ю, ўз гапига ўзи ишонмаётганини сизди. Турғунни олиб кетишган куни ўзи бориб келди жияниникига. Кейин икки марта Раҳима борди, кеча мана, яна кириб келибди. Аммо Тошкентда каттакон ишдаги жиянидан аниқ гап эшитгани йўқ. Наҳотки шунчалик бемехр бўлса? Ё у ҳам кўрқаётганмикан? Нимадан кўрқади? Турғунда айб йўқ. Айби бошлиғининг айтганини қилгани. Ўзига нима олибди? Тинтувда чиқарди олган бўлса? Иннайкейин у, ё бўлмаса келини биларди олган нарсасини. Бунинг устига, уйига ҳаром нарса, ўғирлик нарса келтирармиди?! Ўзи боради, ўзи бориб, гаплашади. Солиҳабиби миннат қиладиган одамлардан эмас. Иннайкейин, туғишган акаси, қони бир одамнинг боласидан миннат қилармиди?! Адҳамбек урушда бедарак кетгандан кейин эр-хотин топишганини укасининг оиласи билан бўлиб ейишди. Равшанбек буни яхши билади. Ўзи гапирган неча марта. Наҳотки, бошларига шундай оғир ташвиш тушганда, ўзини четга олса?

Бугуноқ боради, нонушта қилади-ю, жўнайди.

Шу фикр миясига келиб, Солиҳабиби анча енгил тортди, тунги даҳшатли воқеани унутди. Келини олдига нон ушатиб кўяр экан, яна уни ўзича юпатди:

— Худо пошшо, болам. Ҳеч маҳал бандасини зор қилиб қўймайди. Чойингни ичиб бўлиб, манга кичкина челақда помидор териб бер. Турсунбойни ясантир.

— Нима қилмоқчисиз?

Раҳима ҳайрон бўлди.

—Шаҳарга тушиб чиқаман, — Солиҳабиби гап қайтариб бўлмайдиган, қатъий оҳангда гапирди. — Равшанбекка ўзим учрашиб келаман...

Қорақишлоқ Янгийўлнинг шундай биқинида. Эллик йил муқаддам Андижоннинг Найманчасидан кулоқ қилинганлар шу, Тошкентнинг юқорисидаги, Сариоғочга туташ ташландиқ жойга кўчиб келишган. Улар орасида Солиҳабибининг отаси Ҳамробек ака ҳам бор эди. Солиҳа ўшанда худди Турсундек ёш, эндигина тўққизга кирган, Равшанбек ҳали туғилмаган эди. Уруш бошланишидан бир ой бурун уни узатишди. Эри Обиджон урушга кетди. Солиҳабиби у йилларни эслашни ёмон кўрарди. Кетма-кет отасини, онасини кўмди. Бунинг устига ҳали таниб-билиб улгурмаган эрининг хонадонига кулфат тушди. Қайинотаси ҳам урушга кетиб, йил ўтмай ҳалок бўлди. Икки оиланинг ташвиши унинг елкасига тушди. Ўқишни ташлаб, фермага ишга кирди. Қоронғида кетиб, қоронғуда қайтади. Қайтганида ҳам тинчлик йўқ, кечаси билан кийим тикади. Енгсиз пахталик нимчани ўша йиллари у ўйлаб топди. Қўшни қишлоқлардан келиб буюриб кетишади, Қорақишлоқнинг ярми қишни унинг шу пахталик нимчаларида ўтказадиган бўлди.

Обиджон бир қўлидан ажраб урушдан қайтган йили Калинин ўлди-ю, Қорақишлоққа унинг номи берилди. Лекин ҳалигача қари ҳам, ёш ҳам бу номга кўниккани йўқ. Расмий

қоғозлардагина ёзилади, холос. Оғизда ҳамма Қорақишлоқ дейди. Бутун водийга донғи кетган Найманчанинг қора анжири бу ерда ҳам битадиган бўлганиданми, ё кулоқ қилинган қора кунлардан хотирами, ё уруш йиллари қора хат кўп келганданми, ҳечким аниқ билмайди, бу ташландиқ жой Қорақишлоқ бўлиб кетди, ҳамма шунга ўрганиб ҳам кетди.

Обиджон колхозга ишга кирди, хотини билан фермада ишлай бошлади, кейин мудирлик қилди. Учинчи фарзандлари, Турғунбой туғилганда (олдинги иккитаси турмади, кизамиқдан ўлиб кетишди) Обиджон фермада эди. Хушxabарни эшитиши билан отга миниб, уйга жўнади. Қаттиқ ҳаяжонга тушиб кўрмай қолдими ёки от хурқдими, темир йўлдан ўтаётганда поезд уриб юборди. От омон қолди, тўрт йиллик даҳшатли урушдан ўтиб келган одам эса уйининг олдида жон берди. Солихабибининг энг катта алами шу эди. Отаси сингари, кўпчилик тенгқурлари сингари урушда ҳалок бўлганида бунчалик алам қилмасди. Омон қайтса-да, пишқириб келаётган поездни кўрмай, унинг тагида қолиб ўлса?! Бундан ҳам қаттиқ алам, дард бўлиши мумкинми?

Отасининг етгиси куни, чақалокқа Турғун деб исм қўйишди. Ўшанда Солихабиби ўттиз уч ёшда эди. Турмуш қурмади, не-не жойлардан совчилар келди, йўқ деди. Битта бола билан қолди. Мана энди шу болани деб, шаҳарга кетаяпти. Акасининг ўғли Равшанбек шаҳарда ўқиб, шаҳарда қолиб кетди. Уч-тўрт йилдан бери министр ўринбосари бўлиб ишлайди. Нимжон, касалманд бола эди, отасига иккита келадиған бўлиб кетган. Солихабиби уни яхши кўрарди, болалигида кўтарарди, катта ариқда оёқларидан, қўлларидан ушлаб, чўмилтирарди. Обиджон ҳам «годовой» чиққанида, бир арава-бир арава сабзи, пиёз қилиб ташлаб келарди. Наҳотки шуларни унутган бўлса? Аммо одам боласини билиш қийин. Ичига кириб бўлмаса! Давлат келиб, ақли кетганлар, босар-тусарини билолмай, бу дунёга омонат эканларини унутганлар оз эмас. Келинига жуда қатъий гапирса ҳам, Солихабибининг дилида шундай шубҳа ғимирлаб турарди. Турғун кесилганидан бери Равшанбек тайинли бир гапни уларга ваъда қилгани йўқ.

Шаҳарга тушишидан, тагин бувиси билан тушишидан Турсун ҳам хурсанд эди.

— Ойи, адамларниям кўрамизми?

— Кўрсатса, — деди Солихабиби. — Кўрсатмаса, опанг билан тушганинда кўрасан.

— Ойи! Тўлаганниям адаси порахўрми? — сўради Турсун.

— Қайдам? — иккиланиб жавоб қилди Солихабиби. — Пора олганми, пора берганми, билмайман. Иккаловиям бир гўр. Гуноҳ. Тўхта! — хушёр тортди бирдан у. — Тўлаганниям адаси, деганинг нимаси? Адангни порахўр деб ўйлаяпсанми?

Турсун уялиб бошини қимирлатди.

— Йўқ, аданг порахўр эмас. Порахўрларни пичоғи мой устида бўлади. Аданг лабарант эди. Лабарантда нима бўларди? Адангни алдашган. Манавини хўжайинизга бериб қўйинг, дейишган. Адангам бу газетага ўроғлик нарса нима экан, деб суриштирмай-нетмай олиб қолган. Хўжайинига бергунча милиса босган. Адангни гуноҳи шу. Аданг порахўрмас, ўғрияммас.

Солихабиби ишонч билан гапирди. Неварасини ҳам, ўзини ҳам у алдашни истамасди. Агар ўғли чиндан пора олганида бундай демасди. Ёлғон ҳам порахўрликдан баттар гуноҳ. Ростини айтарди, неварасини бошқа гаплар билан овутарди, бошқача насихат берарди. Аммо ўғли фақат унга эмас, судда ҳам шундай деди, қоғозга ўроғлик нарса пуллигини билганимда, поралигини билганимда олмас эдим, деди. Суд ишонмади. Нега у, она, ўз боласига ишонмас экан? Иннайкейин шундай оғир пайтда бола онасини алдармиди?!

— Катта бўлсам, ман ҳечам бухгалтер бўлмайман, лаборантам бўлмайман.

Унинг хаёлини бўлди Турсун.

— Тўғри қиласан, — маъқуллади Солихабиби. — Олим бўгин, ё дўхтир бўгин. Олимлар ҳар хил китоблар ёзишади, одамларни яхшиликка ўргатишади. Дўхтирлар шифо келтиради. Ёшу қарининг дуосини олади. Пора нималигини билмайди. Ким бўласан? Дўхтир бўласанми?

— Майли, дўхтир бўламан, — бувисини хафа қилгиси келмай рози бўлди Турсун. — Тиш

дўхтири бўламан. Анави ғит-ғит машина билан Тўлаганни адабини бераман.

— Ундоғ дема, кўй, — Солиҳабиби неварасини ёмон ниятидан қайтарди. — Бечора бола адабини еб ўтирибди отаси қамалиб. Сени мазах қилмайди энди.

Улар шундай гаплар билан катта кўчага чиқаверишдаги толзорга етишди. Автобуснинг сўнгги бекати шу ерда, чойхона рўпарасида эди.

Солиҳабиби кўлидаги усти дока билан ёпилган челакни ерга қўйиб, қаддини ростлади. У ҳам невараси каби бирдан қарор қилиб, шаҳарга тушаётганидан хурсанд эди. Ҳар ҳолда бир гап топиб келади, хотири жам бўлади. Келинидан ҳам кўнгли тинч эди. Ёмон фикр одамнинг хаёлига кечаси келади, қоронғида келади. У эса қоронғи тушгунча қайтади.

Чойхона томонда ёз бўлишига қарамай, кўк мовут чакмон кийиб олган бир чол кўринди. У ҳассага таяниб битта-битта юриб келади. Солиҳабиби таниди. Қишлоқ мутававлиси Саидоқсоқол эди. Айтишларича, динга қарши юриш авжига чиққан йиллари Ширинсойдаги мачитни бузишга қарор қилишибди. Аммо ҳеч кимнинг юраги дов бермабди. Шунда яқинда комсомолга ўтган Саид мачитнинг томига чиқиб биринчи кетмон урган экан. Ўшандан кўп ўтмай ўнг тарафи, юзидан оёғига қотиб қолган. Не-не докторлар кўрмади. Қўли, оёғи ҳаракатга келди-ю, аммо юзи қотганича қолди. Шундан бўлса керак, халқ уни орқасидан Саидкийшиқ ҳам дейди. Анчагина ўқимишли бўлганидан, ваъзхонлигидан узоқ йил қишлоқ кенгашида ишлади. Уруш йиллари халқ унинг гуноҳидан ўтиб мутававали қилиб қўйди. Шу-шу бирон маърака усиз ўтмайди, катталар қатори унинг тўри уники. Обид аканинг йилигача ҳамма маъракаларида ўзи бош бўлиб турди, Турғун қамалгандан кейин ҳам бир неча марта келиб ҳол сўраб кетди.

— Ҳа, чевар, йўл бўлсин? Шаҳаргами? — сўради яқинлашганда.

— Шундоқ, — Солиҳабиби ийманиб жавоб қилди, хайрли ишга кетаётиб биринчи кўрган одами Саидоқсоқол бўлганидан, яхшилиқкамикан, ёмонлиқкамикан, билолмай хавотирланди. — Айланиб келайлик она-бола.

— Тўғри қиласиз, чевар, — Саидоқсоқол тўхтади. — Кўрган эшитгандан маъкул. Турғунбойга салом айтинг. Сабр қилсин. Яхши ишласин. Яхши ишлаганга бир кун уч кунга ўтармиш.

— Кўрсатадими, кўрсатмайдими, билмайман, — жавоб қилди Солиҳабиби. — Бугун кўрсатадиган кунимас.

— Кўрсатади! Шундай паҳлавон билан борасиз-ку, кўрсатмайдими?!

Саидоқсоқол Турсуннинг бошидан силади. Автобус келди. Солиҳабиби челакни кўлига олди.

— Саломни унутманг, чевар! — бир юзи билан жилмайиб қичқирди Саидоқсоқол. Солиҳабиби неварасини машинага чиқариш билан овора эди, индамади.

Бир ярим соат чамаси ҳар ер-ҳар ерда тўхтаб, автобус уларни Олой бозорига олиб келди. Шу ердан у орқага қайтарди. Солиҳабиби бир кўлида челак, бир қўли билан неварасини маҳкам ушлаганича автобусдан тушди. Жиянига учрашиш зарурлигини тушунса ҳам аввал турмага боришга қарор қилди. Бозор дарвозасидан сал нарида трамвай тўхтарди. Шу ёққа юрди. Турсун унинг ниятини сизди.

— Адамларни кўрамизми олдин? — сўради у кувониб.

— Борайликчи, болам. Зора кўрсатса!.. Солиҳабиби буёғига йўлни яхши биларди.

Турғунни суддан кейин тўғри шу ёққа олиб келишганда, орқама-орқа у ҳам келган эди. Суд ҳукмини яхши эшитган бўлса ҳам, ўғлининг қамалганига ишонмай, уч кун турма олдида қолиб кетди. Гўё хато тузалади-ю, Турғун мана, ҳозир бўшаб чиқади! Қорни оч чиқади ҳойнаҳой. У шу фикр билан уч кун турмадан бозорга, бозордан турмага катнаб иссиқ-иссиқ нарсалар олиб келиб ўтирди. Аммо турманинг бесўнақай темир дарвозаси унинг ўғлига очилмади.

Трамвай тез келди. Одам кам эди. Иккаловлари юмшоқ курсиларда ўтириб турмага етиб боришди. Аммо орзулари ушалмади. Солиҳабиби қанча илтимос қилмасин, ичкарига

киритишмади. Погонига қўш юлдуз таққан ўғли тенги ёш милиционер чиқиб, ҳатто койиб берди. Мумкин эмас, деди. Якшанба куни келинлар, деди. Турсун йиғлаб жон амаки, деб ялинса ҳам кўнмади, ҳаққим йўқ, деди.

Суви қуриган ариқ лабида, қовжираган ўт устида кетолмай ўтиришар экан, Турсун баланд темир дарвозага сим-симдек тарақ-туриқ қилиб ҳар очилганда қизарган кўзларини мўлтиратиб қарар, ичкарига кириб кетаётган усти берк машиналар ортидан югургиси, дадасининг бўйнига ёпишиб: «Ада! Сизни жудаям соғиндим, тезроқ уйга қайтинг!» дегиси келарди. Эрталаб онаси кийинтираётганда ҳам, автобусда келишаётганида ҳам дадасига айтадиган кўп гапларни ўйлаб қўйган эди, арифметикадан охириги чоракка беш олганини, синф раҳбари уни мактаб, ҳаммага ўрناق қилиб кўрсатганини айтмоқчи эди, яна анча ўйлаган гаплари бор эди, ҳаммаси ичида қолди.

— Хафа бўлма, болам, — юпатди уни Солиҳабиби. — Отдих куни опанг билан келасан, кўрасан адангни. Буларга ҳам кийин, ҳар ким хоҳлаган куни келаверса, турма турма бўладими? Тартиб бўлиши керак, айниқса шунақа жойда. Келасанми отдих куни?

Турсун ёшга тўлиб турган кўзларини муштлари билан артиб, бошини кимирлатди.

— Хафа бўлма. Ўзим четларига гул солиб патир нон ёпиб бераман. Аданг патир нонни яхши кўради. Санам яхши кўрасан-а? — Турсун яна бошини силкитди. — Ўргулай сандан, қоқиндигим. Чанқамангми? Чанқаган бўлсанг, газ сув обераман. Қанақасини оберай? Қизил сувми, ё сариқ сувми?

— Қизил, — деди ўпкаси тўлиб Турсун ва бирдан ўзини туюлмаб йиғлаб юборди.

Солиҳабиби уни ўзига тортиб, бағрига босди. Елкаларидан, бош-кўзидан силаб, ўпди. Турсун анчагача ўзига келолмай, бўғилиб-бўғилиб йиғлади-да, чарчадими, ё бувисининг эркалагани элитдими, ухлаб қолди...

Кун тиккага келганда, улар қариндошлариникига етиб боришди. Ҳайвонот боғига яқин сокин ва салқин кўчадаги эшиклари ҳам ҳовлига, ҳам кўчага чиқадиган тўрт қаватли ғишт уйнинг кенг зиналаридан кўтарилишар экан, Турсун хавотир олиб, сўради:

— Уйда ҳеч ким бўлмаса-я, ойи?

— Унда ҳайвонот боғига олиб кираман сани, — деди Солиҳабиби юраги ғулгулага тушиб. — Узоқмас, ҳов ана, кўчанинг охирида.

— Биламан, опам олиб тушганлар. Тоғамми кўрганимиз яхши.

Турсун югуриб учинчи қаватга кўтарилди ва таниш эшикнинг кўнғироғини босди. Алламбало музика чалиниб бўлиши билан эшик очилди.

— Вой, Турсунмисан?

— Ассаломалайкум!

Турсун узун гулли халат кийиб олган хуш табиат аёлга қўлини узатди. Аёл уни кучоқлаб, пешонасидан ўпди.

— Ким билан келдинг? Опанг қани?

Турсун жавоб бериб улгурмади, пастдан бувисининг овози келди:

— Зумрадхон! Ман келдим, болам!..

Улар қуюқ кўришишди. Ичкарига киришганда, Турсун келинойисига яхши кўрингиси келдими, ё очик чехра билан кутиб олганидан хурсанд бўлиб кетдими, шошиб бувисининг қўлидаги челакни кўрсатди:

— Биз сизга помилдори олиб келдик. Дориси йўқ. Ойим ўзлари экканлар! Қаранг!

— Вой, ойингдан айланай! Овора бўлиб нима қилардинглар шу иссиқда?

Зумрадхон шундай деди-ю, Турсун билан бирга Солиҳабибининг қўлидан челакни олиб, устини ечди.

— Мунча чиройлик?!

— Мазасини айтинг, болам, мазасини! — Солиҳабиби ҳам келиннинг чехраси ёришиб

турганидан енгил тортиб гапга аралашди. — Шакар, шакар!..

Зумрадхон бир хил, қип-қизил олма нав помидордан биттасини олиб ҳидлади.

— Ҳидиям бошқача! — мақтади у ва ичкари хоналардан бирига кириб, бир ҳовуч зар қоғозли конфет олиб чиқди-да, Турсуннинг қўлларига солди. — Катта йигит бўлиб кетибсан-ку, Турсун?!

Турсун уялиб жилмайди.

Фотиҳадан сўнг Зумрадхон дастурхон ёзаётган эди, Солиҳабиби тўхтатмоқчи бўлди.

— Бирров кўргани келдик. Овора бўлманг, болам. Равшанбек яхши юрибдими?

— Яхшилар, раҳмат. — Келин барибир дастурхон тузади, нон, қанд-курс олиб келиб қўйди.

— Э, опа, уззу кун ишдалар. Шанба йўқ, отдих йўқ, узилиб қоласиз бунақада, сал ўзингизга қаранг, дейман. У кишини биласиз-ку, оналари ишга туққан. Ҳамманинг иши, ташвиши у кишининг бошида. Министр бор, бошқа ўринбосарлар ҳам бор-ку, дейман жаҳлим чиқиб. Йўқ, ўз билганларидан қолмайдилар. Кошки одамлар кадрига етса, етмайди.

Солиҳабиби Зумрадхоннинг гап орасида гап қистириб кетиш одатларини биларди, ҳозир ҳам унинг нима демоқчилигини сизди, лекин бошқа иложи йўқ эди, шунинг учун мақсадга ўтақолди.

— Барака топсин Равшанбек. Ҳожат чиқариш ота касби. Бировлар кадрига етмаса етмас. Ўзи хурсанд бўлса бўлди. Болам, манам Турғунбойни гаплашиб келай, деб келдим. Нима деркин, нима ёрдам бераркин... Йилдан ошди, ҳеч ўзгариш йўқ.

— Турғунни яхши кўрадилар жияниз. Қўлларидан келганини қиладилар.

Зумрадхон шундай деб, бурчакда, телевизор устида турган телефонни олди.

— Раҳмат, барака топинг, болам.

Солиҳабиби рўмоли учи билан намланган кўзларини артди.

— Равшан ака? Менман, ҳа, — Зумрадхон унга эътибор бермай, трубкага гапирди. — Тинчлик. Солхапам келганлар. Гаплари бор экан сизда. Келасизми? Ош қилиб тураман. Лаббай?

Солиҳабиби унга илтижо билан тикилди. Зумрадхон телефонни жойига қўйди.

— Обедга келдилар. Хурсанд бўлиб кетдилар келганингизни эшитиб.

— Барака топсин Равшанбек. — Солиҳабиби дуо қилиб, қўлларини юзига суртди ва келиннинг ўрнидан турганини кўриб, қўшиб қўйди. — Бизани ўйлаётган бўлсангиз овора бўлманг, болам.

— Овораси бор эканми! Иннайкейин тузукроқ овқат едирмасам бўлмайди жиянизга. Оч қолиб кетадилар, ҳеч ўзларини ўйламайдилар.

Зумрадхон ошхонага йўл олди, нимадир эсига тушиб қайтди-да, телевизорни қўйди.

— Зерикманглар. Мен дарров.

Турсун ўзида йўқ шод эди. Ейишга уялиб, зарҳал қоғозларга ўралган конфетларни стол устига гоҳ ундай, гоҳ бундай тахлаб ўйнар экан, севинчини яширолмаб бувисига қаради. Унинг бу қарашида ҳам ҳавас, ҳам шундай қариндошлари, шундай чиройли, келишган, мулоғим келинойиси борлигига ғурур ёзуғлик эди. Солиҳабиби жилмайиб қўйди. Телевизорда қандайдир фильм кетаётган эди. Кўзлари экранда бўлса ҳам, аммо ҳеч нарса кўришмади, иккалови ўз хаёллари билан банд эди. Турсуннинг бояги, қамоқхона олдидаги аламларидан асар қолмаган, келинойисининг муомаласидан семириб, тоғаси келади-ю, битта телефон қилиши билан адасини қўйиб юборишадигандек яшириб бўлмайдиган сабрсиз ҳаяжон ичида ўтирарди. Солиҳабиби ҳам бирдан-бир умиди Равшанбек билан учрашишга муяссар бўлганидан анча ўзига келган, невараси олдида жуда бўлмаганда битта иши амалга ошганидан кўнгли таскин топган эди. «Ҳарҳолда қариндош-ку, — ўйларди у жиянини. — Ҳаракат қилар. Келин тушмагур ҳеч ким кадрига етмайди, дейди. Йўқ, яхши одам кўп дунёда. Қадрига етади. Ҳаракат қилса, Турғуни чикса, бошига кўтаради иккаловини, соясига салом бериб ўтади».

Дам еяётган гурунчининг ёқимли иси димоққа урилди.



—Хурсандмисан, болам? — сўради Солиҳабиби неварасидан.

Турсун оғзи қулоғига етиб жилмайди.

Равшанбек келиб, иккалови билан қуюқ кўришди, Турсунни ҳатто даст кўтариб, пешонасидан ўпди. Ош келгунча гап бермай, ҳаммани бир-бир сўраб чиқди. Солиҳабиби унинг кўнглини олиш учун ичини ит тимдалаётган бўлса ҳам ниятига ўтмай, ҳамма саволларига тоқат билан, ҳатто керагидан ҳам зиёд, бафуржа жавоб берди, Зумрадхон кип-қизил, ҳар битта гурунчи дона-дона бўлиб ялтираб турган ош олиб келганида ҳам ўз гапига ўтмади.

—Ачичувни қаранг, Солхапам олиб келган помидордан. Бирам ширин, — мақтади Зумрадхон.

—Дори солинмаган, тоға, — қўшиб қўйди Турсун.

Равшанбек аччиқ-чучукни ҳам, ошни ҳам иштаҳа билан еди. Солиҳабиби чайнаиб ўтирди. Кўз олдига ўғли, тунги қилиғи билан юрагини тилка-пора қилган келини келди-да, томоғидан ўтмади, неварасини ундади. Аммо Турсун ҳам чайнаиб ўтирди. Ҳашаматли уй, тоғаси, икки гапнинг бирида олинглар, деб қистаган келинойисининг салобати босди.

Овқатдан сўнг, Равшанбекнинг ўзи гап очди, Раҳимага кеча яна бир суриштиришни ваъда қилганини айтди. «Турғунда айб йўқ. Албатта қонун нуқтаи назаридан пора олган ҳам, пора берган ҳам жазога тортилиши керак», — деди у. Турғун ўртада турган, холос. Пахта пунктининг бошлиқлари билан порахўрга чиқариб қўйишганига у ҳам қўшилмайди. Бир нарса қилиш керак. Маслаҳатлашиб кўради, таниш-билиш қидиради.

Шу тоб ошхонада юрган Зумрадхон эрини чақирди. Равшанбек анчагача йўқ бўлиб кетди. Улар нимани гаплашишди, Солиҳабиби эшитмади. Аммо жияни ўзгариб қайтди.

—Танишларни суриштираман, — деди у гапга хулоса қилгандек. — Лекин биласиз-ку, опа, ҳозир қанақа давр, қамалибдимиз, демак бирон пап бўлса керак, деб ўйлайди ҳамма. Нима қилиш керак, билолмадим. Қуруқ гапдан бошқа бирон исбот йўқ.

—Исбот унинг рост гапи, — эътироз билдирган бўлди Солиҳабиби. — Йўқ дема, болам. Бир уннаб кўр. Обис қилишди, обисда ҳеч нарса чиқмади, шу исботмасми?

—Ҳаракат қиладилар. — Янги чой кўтариб келган Зумрадхон гапга аралашди. — Таниш-билишлари суд идораларида йўқ-ку, лекин ҳаракат қиладилар. — У эрига мурожаат қилди. — Солхапамми гаплари тўғри. Рост гап исботамасми, Равшан ака?

—Исбот-ку, аммо... — Равшанбек ўйланиб қолди. Соатига бир қараб қўйиб, Солиҳабибига ўгирилди. — Ҳаракат қиламан.

—Шундай қил, болам. Қачон хабар олай? — сўради Солиҳабиби.

Эри учун Зумрадхон жавоб берди.

—Вой, сиз овора бўлиб нима қиласиз? Тағларида машина. Ўзлари хабар берадилар. Иложлари бўлмаса, машина бериб турадилар, мен ғир этиб бориб келаман.

—Ҳа, сиз овора бўлманг, — уни қувватлади Равшанбек ўрнидан турар экан. — Мен энди борай. Турсунбой, хайр, жиян. Келиб тургин, хайр, опа. Ўзимиз хабар берамиз.

У шошилиб, орқасидан биров қуваётгандек, эшикка отилди.

«Ҳаракат қилмайди», — хаёлидан ўтказди Солиҳабиби.

У жиянининг ҳечмаҳал суд идораларига иши тушмаганини, бундай ишлардан мутлақо четда эканлигини билмасди. Гап жиянимнинг ўзида, деб ўйларди.

Шу мулоҳаза билан ноумид шайтон, юзига табассум юргизиб, эрини кузатиб келган келинига мурожаат қилди:

—Зумрадхон, манави диванизга кўрпача ёзиб қўйса бўлар экан. Беқасамдан. Қавиб берайми? Ёш нарса қийналманг, айтиб турунг шунақа ишла бўса.

Зумрадхон суюниб кетиб:

—Вой раҳмат, опа! Жияниз кўрпачани яхши кўрадилар. Ўзимам битта хонани шунақа, ўзбекча қилиб қўймоқчиман. Хонтахтада, атропида кўрпачала.

- Ўзим қилиб бераман. Майда қавик қилиб, енгил қилиб!..  
Солиҳабиби гапи маъқул тушганини кўриб мақсадга ўтди.  
— Жон болам, айтинг! Равшанбек ҳаракат қилсин, битта-ю битта ўғлим-а!  
Зумрадхоннинг ўзи сезмаган ҳолда қошлари чимирилди.  
— Ваъда қилдилар-ку, опа! Майли, яна айтаман.  
— Айтинг. Умр бўйи дуойилани қилиб ўтаман!

\* \* \*

...Автобус кишлокқа кириб келганда, кун ҳали ёруғ эди, иссиқнинг тафти тушмаган, машинанинг кўкиш тутуни чангга кўшилиб ҳавода жимирларди.

— Ойи, қорним очди, — деди Турсун ерга тушишганда.

— Уйга келдик, болам, — юпатди уни Солиҳабиби. — Опанг ҳойнаҳой бирон овқат қилаётгандир. Тўхта-чи! — унинг эсига кўлидаги челак тушди. — Қарайлик, келинпошша нима солиб кўйдийкин...

У шундай деб, йўл ёқасида ётган харсанг тош устига ўтирди.

— Чарчадим-а жиндак.

У челак устидаги докани кўтарди. Зумрадхон икки қути печенье, ҳар хил конфет солиб кўйибди. Битта қутини йиртиб, неварасига узатди.

— Ол. Яхшига ўхшайди.

Турсун юққа, чети гуллик сап-сарик печеньедан олиб, биттасини тишлади. Қарс-курс қилиб чайнар экан, ҳайрон бўлди:

— Булани печенныйсиям бошқача-я, ойи? Ширинмас. Еб кўринг.

Солиҳабиби невараси узатган печеньединг бир четини синдириб оғзига солди.

— Улани ҳамма нарсаси бошқача. Ула ширинлик ейишмайди.

— Нега? — қизикди Турсун.

— Ширинлик семиртиради, дейишади. Аччиқ нарсаям ейишмайди. Туз кам ишлатишади. Боя ачичувдан едингми?

Турсун йўқ, деб бошини қимирлатди.

— Яхши қипсан. Тузсизиди. Келинпошша майли, пигурасидан кўрқади. Равшанбекни нима жин урди? Ачичувни тузсиз еб бўларканми?! Ўз номиминам аччиқ-чучук.

Солиҳабиби жиянини тилга олиб ўйлаиб кетди. «Наҳотки ҳаракат қилмаса? Нима қиларкан, шундай телефонни олиб, бир йилдан буён қамалиб ётган Турғунбой жияним бўлади, бошқатдан текширинглар, уни жуда катта айби йўқ, деса? Айби ўртада тургани. Майли, шунгаям жазо керак бўлса, жазосини тортди. Бир йилдан буён қамалиб ётибди. Уйида иккита боласи қолган. Иккаловиям ёш. Биттаси, қамалгандан кейин туғилган. Хотини, онасини боришмаган жойи қолмади, яхшилаб бошқатдан текширинглар, деса? Ё ўзидан кўрқаяптимики?»

Солиҳабиби шундай ўйлаб, нима учун ҳаракат қилмаслигининг сабабини топгандек бўлди. Зумрадхонга ўхшаганлар бировга ёрдам қўлини чўзмайди. Гап билан авраб, ўзини олиб қочади, улар ўзини ўйлайди. Равшанбек ҳам бошини оғритиб, тинчлигини бузиб нима қилади?

Нимадир гувиллагандек бўлди. Солиҳабиби хушёр тортиб, атрофига қаради. Ҳаммаёқ тинч эди. Бекатга бирин-кетин йиғилган одамлар хотиржам автобус қутишарди, чойхона томонда, толзорнинг тагида тизгини шохларига ўраб кўйилган тарғил сигир эриниб кавшанарди. Нима гувиллади? Солиҳабиби тошга қўлини қўйди. Тош ёнарди. Яна гувиллаган товуш қулоғига чалинди. У таниди бу товушни. Найманчадан кўчишаётган пайти яқин кўшниларида бири уйига ўт кўйиб юборган эди. Қий-чув бўлгани йўқ, ҳеч ким тўпалон қилгани йўқ ўшанда. Ёшу-қари индамай уйнинг ёнишига тикилиб туришди. Қамиш ёпилган лой том, ёғоч устунлар ана шундай, товуш чиқариб, гувиллаб ёнган эди.

Солиҳабиби хавотирланиб яна атрофига қаради, қимир этмай турган дарахтларнинг учига, осмонга тикилди. Ҳеч қаерда ёнғин нишонаси йўқ, ҳаммаёқ тинч эди.

— Ер ёнапти, — хулоса қилди ўзича у. — Бу ернинг ёнгани.

— Нима дедиз, ойи? — сўради Турсун.

— Ер ёнапти, — қайтарди Солиҳабиби.

— Қани?

Турсун қизиқиб атрофига қарай бошлади. Аммо ҳеч нарса кўрмади.

— Ҳеч нарса йўқ-ку? — хайрон бўлди у.

Солиҳабиби болани кўрқитиб қўяётганини сизди.

— Иссиқ бўлганда шунақа дейишади, болам. Ҳеч нарса ёнаётгани йўқ. Қани, кетдик!

— Челакни манга беринг, оғирмас.

Солиҳабиби йўқ демади. Иккалови яна йўлга тушишди. Йўллари энди яқин эди. Уйларигача бир кадам. Ҳали замон етишади. Солиҳабиби келинини тинчитади. Тоғанг Равшан астойдил ваъда қилди, дейди. Кейин қолган-қутган нарсаларни йиғиштириб, бир коса бўлса ҳам иссиқ овқат қилади. Болаларга иссиқ овқат керак. Ёш болалик келинига ҳам. У шундай ўйлаб, битта-битта юриб борар экан, ичи ёниб кетаётганини сизди, томоғи, оғзини куйдириб юрагидан олов гуриллаб чиқаётгандек бўлди. Ярим кечада ўғлини олиб кетишганда ҳам, суднинг ҳукми ўқилганда ҳам у бундай аҳволга тушмаган эди. Нима бугун уни бунчалик қийноққа солди? Ўғлини кўрсатишмаганими, ё жиянининг сохта муомаласими? Ҳаммаси қўшилган, бугунги азоблари ҳам, келинининг тунги кўрқитишлари ҳам, ҳаммаси юрагига тугилиб қолган эди. Унинг назарида иссиқдан ҳаво жимирлаб, ер ёнаётгандек бўлса, йиғилиб-йиғилиб, ёрилай деб турган дардларидан ўзи ёнаётгандек эди.

Уйга киришганда, Раҳима айвон зихида боласини эмизиб ўтирарди. Турсун югуриб бориб челакни тутқазди.

— Қаранг!

Солиҳабиби жилмайди.

— Эрингни кўролмадик. Қўйишмади. Аммо тоғанг барака топсин, ваъда қилди. Катта-катта одамламинам зуд гаплашаман, деди.

Турсун оғзи қулоғига етиб, келинойиси ош қилиб келганини, тоғаси қўлига кўтариб, пешонасидан ўпганини гапириб берди.

— Олдинроқ борсангиз бўлар экан, — жиндек ўпканди Раҳима.

— Шунга айт, болам! — қўшилди унга Солиҳабиби ва келини бошқа гапга тутмаслиги учун ўчоқбошига йўл олди.

Раҳима ҳеч нарсага уннамаган эди. Ким билади, балки кечаги воқеадан кейин бу томонга келишга чўчиган ҳамдир?

Солиҳабиби қозоннинг тувоғини кўтарди. Нима қилса экан?

У тандирнинг ёнида қоғоз қопда картошка борлигини биларди. Яна нима бор экан? Сабзи бор. Битта товоқда оқ ёнғиннинг жаззаси бўлиши керак. Шу жаззага картошкани паррак-паррак қилиб тўғраб, помидор билан қовурсамикан?

Солиҳабиби супанинг бурчагида турган хумларни қарамоқчи бўлди. Бир пайтлар шу катта-кичик хумларда ун, ёғ, дон турарди. Нимадир балки қолгандир? Анчадан бери қарамаган эди. У супага кўтарилиб биринчи хумга қўл солди. Бўм-бўш. Битта-иккита гуруч доналари қўлига ботди. Иккинчи хумга қўл солди. У ҳам бўш эди. Ёғ турган экан унда, панжалари ялтираб чиқди. Учинчи хумда нимадир бор эди. Унми, кепакми, билолмади. Қўлини суғурмасдан қовлаб кўрди. Кепак бўлса керак, панжаларига тикан ботгандек бўлди. Умид билан яна қовлади. Қаттиқ бир нарса қўлига тегди. Нима бўлди экан? У яна қовлади. Хамиртуруш бўлса керак. Лекин ким солиб қўйди уни? У эслолмади. Ўзи солмагани аниқ эди. Раҳима солдимикан? Кепакка ҳам хамиртуруш соладими, тентак? Хамиртуруш кафтига зўрға сиғди.

Қўлини суғурганда кўрди, бу хамиртуруш эмас, целлофанга ўралиб устидан канопп билан танғиб ташланган бир нарса эди. Нима бўлди экан?

Солиҳабиби каноппни ечиб, целлофанни очабошлади. Очди-ю, ханг-манг бўлиб қолди. Целлофаннинг ичи бир ҳовуч Николай подшонинг суврати солинган тилла танга эди. Санади. Ўнта экан. Юз сўмдан бўлса минг сўм. Бундан ҳам қимматдир балки? Қаердан келиб қолди бу тилла пуллар? Ким беркитиб қўйди бу ерга?

Солиҳабиби ўйлади-ю, юраги оркасига тортиб кетди. «Турғунжон болам! Нима қилиб қўйдинг?! — деди ичида тиззаларига таяниб чўккалар экан. — Нима қилиб қўйдинг, бола тушмагур?!»

Турғундан бошқа бу ишни ҳеч ким қилмасди. Бир кўнгли келинидан сўрамоқчи бўлди. Лекин ўзини тутди. У бу ишни қилмайди. Тийинга зор ўтирибди-ю, шу ишни қиладими? У фариштанинг ўзи. Бу ишни қилиш у ёқда турсин, эшитса, ўзини бир бало қилиб қўяди. Бу Турғун. Демак, хўжайинларининг кинғир ишларига у шерик. Улар билан бирга. Тинтув бўлишини билиб, буёққа яширган. Милициянинг хаёлига келмаган бу ёқни кўриш. Нега айтмади, ойсига, Хотинига? Улардан ҳам яширдими? Ё омонатмикан? Омонатлиги учун айтмадимикан? Барибир, омонат бўлса ҳам ўғирлик бу. Унинг Турғуни, яккаю ягона, гард юқтирмасдан, етимликни сезмасин, деб, тул ўтиб ўстирган боласи ўғри. Нима қилиш керак? Келинига қандай айтади? Одамларнинг кўзига, Равшанбекка қандай қарайди энди? Турсунга нима дейди?

Солиҳабиби миясини чулғаб олган шундай ўй, хаёллар билан анча ўтирди. Кейин тангаларни битта-битта тахлаб, қоғозига ўради. Йўқ, айтолмайди келинига, тили бормайди, айтишга ор қилади. У шу қарорга келиб қоғозни хумга солди, негадир устидан яна кепак ҳам сочиб қўйди. Пастга тушиб бутун вужуди бўшашиб кетган бўлса ҳам бир амаллаб овқатга уннади. Картошка қовурди. Иш билан овора фикрини жамлаб олгандек бўлди шекилли, бир-икки келиб хабар олиб кетган Раҳима ҳам, невараси ҳам ундаги ўзгаришни сезишмади.

— Эрталаб, сизлардан кейин исполкомга бориб келдим, — деди овқат маҳали Раҳима. — Раис боракан, колхоз билан гаплашиб сигирни қайтариб берадиган бўлишди.

— Яхши қипсан, — маъқуллади Солиҳабиби ва ичида: «Сигир энди жудаям керак буларга», — деб қўйди. Шундай деди-ю, чўчиб кетди. Тўсатдан, ҳеч ўйламай у ўзини улардан ажратиб гапирган эди. Нега шундай деди, у ҳали аниқ билмасди. Бошида ғувиллаб турган минг хил фикрлар ичида шу қарор ҳам пайдо бўлган эди, қариганида гуноҳга ботган одамдан ўзи сезмаган ҳолда, оналик, аёллик ҳисси билан покиза келинини, норасида, ғуборсиз невараларини ажратиб олган эди.

Раҳима жой солиб болаларини ичкарига олиб кириб кетганда, у одатдагидек таҳорат қилиб келди-да, жойига ётди. Аммо уйқу йўқ эди. Шундай бўлса ҳам ухлаб қолишдан кўрқиб, ўрнидан турди. Ҳовлига тушиб тунги енгил шабададан силкиниб турган шафтоли шохларига, нимранг ой нурида дам ялтираб, дам қорайиб шитирлаган баргларга, толёғочларга ўзи бир текисда кеча териб чиққан помидорларга суқ билан тикилди. Водопровод ёнидаги ошрайхондан бир шох синдириб олиб, кафтига урди. Ёқимли ҳид димоғини китиклади. Кўчага чйкди. Кўча жимжит, ҳамма ётган эди. У ер-бу ерда худди юлдузлардек фонарлар милтиллаб турибди. Эрталаб улар ўчади, юлдузлар ҳам ўчади. Кун ёрийди, офтоб чиқиб ер юзини киздиради. Ҳамма уй-уйидан чиқиб ўз насибасини тергани кетади. У ҳам яқин-яқингача шу одамларнинг бири эди. Умид билан турарди, умид билан кунни кеч қилиб, яна тонгни кутарди. Энди унга тонг керакмас, тонг одамларнинг назари, виждони, одамларга қаролмайди энди.

Ичкаридан товукнинг безовта қа-қолагани эшитилди. Солиҳабиби эшикни тамбалаб, орқасига қайтди. Оғилхонадан катта қора мушук чиқди, пахса деворни тимдалаб-тимдалаб томга кўтарилди. Чўғдек кўзларини айвон томонга бирпас тикиб турди-да, ғойиб бўлди. «Бекорга овора бўлдинг, жонивор, — хаёлидан ўтказди Солиҳабиби. — Тухум бўлганда овқатга

солардим. Пиёз турибди тухум ўрнида».

У айвон зихига ўтирди.

— Худоей! Манда нима қасдинг бор эди!

У овозини чиқариб шундай деб юборганини ўзи билмай қолди. Ҳавотирланиб ичкарига кулоқ солди. Йўқ, ҳеч ким эшитмади уни. Эшитмагани маъкул. Уйқулари безовта бўлади эшитишса. Ордона қолгурни нега яна хумга солиб қўйди? Кўз кўрадиган жойда тургани яхши эмасми? Тезроқ топишади. У ўзи айтолмайди. Ожизлик қилади айтишга. Ўз оғзи билан ўз боласини ўғри, дейдими? Ё олиб, уёқ-буёққа ташлаб юборсинми? Ҳеч ким билмагани маъкулми? Шундай ўйлади-ю, кафтлари ёнгандек бўлиб кетди. «Турғунбой, болам, нима қилиб қўйдинг? Нега қари онанга раҳминг келмади?»

Солиҳабиби ошхонага борди, тимискиланиб, хумдан целофанни олди-да, ўчоқ ёнига қўйиб қўйди. Шу жой маъкул. Раҳимадан бошқа ҳеч ким кўрмайди. У ҳам дарров кўрмайди, анчадан кейин кўради.

Ошхонадан чиқиб осмонга қаради. Ой тиккага келган эди. «Ҳали вақт бор, — хаёлидан ўтди унинг. — Гира-ширага яқин туззук».

У айвонга қайтди. Ичкари хонада қатор ётишган неваралари, келини устига келди. Турсун исиб кетибди шекилли, устини очиб ташлабди. Раҳима Тўлқиннинг бошини билагига қўйганича, ёнбошида ухлаб қолибди. Ҳеч ким унинг кирганини сезмади.

Солиҳабиби энгашиб, Турсуннинг пешонасидан ўпди. Келинига теккани чўчиди, уйғониб кетади деб. Бир пас меҳр билан тикилиб турди-да, ҳовлига тушди. Назарида кун ёришаётгандек бўдди.

— Вақт бўпти, — деди ўзича у ва ошхона томон йўл олди.

Керосин солиғлик темир канистрнинг қаердалигини у яхши биларди. Дарров топди. Тандир тагида эди. Ҳовлига олиб чиқди. Қўлида қаердан гугурт кути пайдо бўлиб қолди, билмайди. Демак, бўлди. Шундай чакса тамом, гувиллаб, ўша, болалигида кўрган Найманчадаги уйдек ёнади-кетади. Дардлари, ташвишлари шу билан тугайди. Ўзининг, ўғлининг гуноҳларини шу билан ювади, неваралари, келинининг юзи ёруғ бўлади.

У қанча ўйламасин, тўғри иш қилаётганига ишончи комил эди, боя, ўчоқбошида чарсиллаб ёнаётган гўзапояга тикилиб турганида шу қарорга келдими, ё тилла тангаларни кўрганидами, бунинг энди аҳамияти йўқ эди. Бу дунёда энди у бош кўтариб юролмайдиган бўлиб қолган эди.

Ер бекорга ёнмаган экан, унга хабар берган экан, чақирган экан ўз бағрига...

Шу пайт: «Ойи!» деган овоз кулоғига чалингандек бўлди.

Таниди, бу Турғуннинг овози эди, «Ойи! Нима қилаяпсиз? Тўхтанг!» дегандек бўлди ўғли яна.

Солиҳабиби умид билан эшик томонга қаради. У ўғлининг келиб қўлидан тортишини, ниятидан қайтаришини истаган эди.

Аммо қоронғи ҳовлининг бошида ҳеч ким кўринмади. Олов аввал «гуп» этиб, юзига урди. У беихтиёр кўзларини юмди, бошини орқага тортди. Шу заҳоти жизғанақ, куюнди ҳиди димоғига урилди, сочлари чирсиллай бошлади. Бир амаллаб кўзларини очганда, олов гувиллаб, ошхонанинг қамиш томига ўтаётгандек бўлди. У хавотир олиб, ўзини помидор ичига отди.

— Худо ўзинг кечир! Кечир мани Худо!

Унинг охирги гаплари шу бўлди.

\* \* \*

Саидоксокол тупроқ тортилиб, гўрков бир-икки кетмон уриб қўйгунча кутиб турди. Кейин сўради:

— Халойиқ! Мархума қандай одам эди?

Ҳозиргина ғала-ғовур бўлиб турган қабристонга сукунат чўкди. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Саидоқсоқол яна сўради:

— Мархума қандай одам эди, халойиқ?

Кетмон сопига қўлларини тираб, хомуш турган гўрков бошини кўтарди.

— Яхши одам эди! — деди у тиниқ овоз билан.

— Яхши одам эди! — кичкирди орқа қатордан яна кимдир.

Саидоқсоқол қўлларини ёзди:

— Омин! Жойи жаннатда бўлсин!

Иш куни, бошни ёрадиган иссиқ бўлишига қарамай, қабристонда одам кўп эди.

*Январь, 1989 йил.*

## ҚАЙТАР ДУНЁ

Яқинда юз берган бир воқеа сабаб бўлиб, отамни эслаб кетдим, уни бевақт ўлимга олиб келган кулфат, касалманд онам бошлиқ оиламиз чекига тушган оғир кунлар тўғрисида ўйлаб, юрагимдаги жароҳат янгиланди.

Отам асли паркентлик, уч ака-уканинг кенжаси эди. Кенжалиги туфайли отасидан, яъни бобом Дўсимбек полвондан қолган уйда турар, амакиларим эса шу уйнинг икки қанотидан ўзларига ҳовли-жой қилиб олишган эди. Қариндош-уруғларнинг айтишларича, отам ҳам, амакиларим ҳам инқилобдан олдин, ўша давр шароитига чақиб айтганда, ўзларига тўқ яшаган эканлар, ҳар бирининг битта-иккитадан сиғири, беш-ўнтадан қўйи бўлган экан, ота касблари деҳқончиликда эса бутун қишлоқнинг уларга ҳаваси келар экан. Ҳар йили ширинлигидан тилни ёрадиган бозорнинг олд қовун-тарвузи уларники бўларкан. Қурбилари етганиданми, ё тасодиф ёрдам бердими, икки амаким уйлариининг томини оқ, ялтироқ тунука билан ёптириб олишган экан. Уста ўзбек бўлмаса керак, баланд томдан йўлкаларгача тушган оппоқ тарновларнинг тепасига биттадан тунука хўроз қоқиб қўйибди. Бундай хўрозли тарнов Паркентда бошқа йўқ экан.

Амакиларимни мен кўрмаганман. Отамдан, ҳали айтганимдек, қариндошларимиз ҳикояларидан биламан. Ҳамма уларни хурмат билан полвон, дер экан. Шу жумладан, отамни ҳам. Билишимча, гап фақат хурматда эмас эди. Отамни кўрган одам уни чиндан ҳам полвон дерди. Бўйи баланд, кўкрак, елкалари кенг, қадам босганида, ер гурсилларди. Бир тўйда қоп-қоп урни устма-уст гарданига қўйиб, болаҳонага олиб чиққанини ўзим кўрганман. Амакиларим отамдан ҳам тикроқ, йўғонроқ экан. Уларни «полвон» дейишларига яна бир сабаб бор эди. Муҳтожлик сезганда, Тошкентга бориб, жанггоҳда кураш тушиб келишар экан, шу билан, кам-кўстларини бутлаб олишар экан. Қанчалик рост, билмайман, лекин айтишларича, амакиларимнинг кураш тушиб елкалари ерга тегмаган. Фақат бир марта, катта амаким машҳур Саксовул полвонга ўзи йиқилиб берган экан. Ўшанда Паркентда оқ тунука Саксовул полвондан йиқилгани эвазига, деган гап тарқалган экан. Бу, албатта, шунчаки миш-мишлардан. Лекин катта амакимнинг Саксовул полвондан йиқилгани рост. Шундан гап очилганда, отам тутақиб кетардилар: «Тунукани Саксовул полвон олиб келиб берган бўлса бергандир. Билмайман. Аммо-лекин акам шу тунукани деб йиқилмаганлар. Ердан даст кўтариб Саксовулга қарасалар, кўзлари ёшмиш. Раҳмлари келиб, шундоқ устларига ташлабдилар-қўйибдилар!»

Лекин офтобда кўзни қамаштириб, олис-олисдан ялтираб кўринадиган шу оқ тунука томли, синч девор уйларда узоқ яшаш амакиларимга насиб қилмади. Тўнтариш шамоли Паркентни ҳам алғов-далғов қилиб юборди. Халқ иккига ажраб кетди. Ўз қўли, меҳнатига ишонган амакиларимга ошиқча мол-мулк керак эмас эди, ярим оч яшашни ҳам иштасмасди. Шунинг учун у томонга ҳам, бу томонга ҳам ўтмай, ўз ишлари билан юраверишди. Аммо бу кўпга чўзилмади. Йигирма учинчи йили кечаси дон-дун қидириб тоғдан тушган кўрбошининг йигитлари билан олишувда катта амаким, Тўлаганбек полвон ҳалок бўлди. Йигирма тўққизинчи йилда Қоплонбек амакимнинг ҳам бошига ташвиш тушди. Ўз ерида қовун узиб турган пайтида қишлоқ активи ва милиция келиб, уни қамоққа олди. Отам ўшанда оёғига эски маҳси тортиб, оғилхона томига қамиш босаётган эканлар. Эшитибдилар-да, маҳсида милиция идорасига югурибдилар. Аммо у пайтда ким кимга қулоқ осарди? Ҳамма ўзича ҳақ эди. Бунинг устига камдан-кам одамда иккита сизир, ўнта қўй бор эди. Мардикор ишлатмай, ўз хўжалигини ўзи тебратиб келган амаким колхозга кирмагани, шунча қорамоли бўлгани учун қулоқ қилиниб, мол-мулки, уй-жойи колхозга ўтиб кетди. Ўзи, хотини, иккита боласи билан Украинадаги Николаев деган шаҳарга сургун қилинди. Ўша томонда амаким картошка, ерёнғоқ экишни ўрганади. Дарёнинг қирғоғида шоликорилик қилади. Унча-мунча пахта ҳам экиб туради. Уч-тўрт йил деганда янги шароитга кўникиб, турмушини тузатиб олади, таниш-билиш орттиради.

Меҳнаткашлиги, миришкор деҳқонлиги маҳаллий халққа ёқиб, анча обрў-эътибор қозонади. Отамга унинг охириги хати урушнинг иккинчи йили келиб теккан. Партизан отрядидан ёзган экан. Урушдан кейин отам уни кўп қидирдилар. Ҳатто Николаевга бориб ҳам келдилар. Аммо на ўзидан, на оиласидан дарак топилди. Ҳатто уйдан ҳам нишон қолмаган эди. Қариндош-уруғ, таниш-билишлар жаноза очишни бир неча бор маслаҳат беришди. Отам кўнмадилар. Биронтасининг дараги чиқиб қолса, ё ўзи кириб келиб қолса, кўзига қандай қарайман, деб туриб олдилар. Орадан, мана, шунча йил ўтиб кетди, аммо ҳеч қандай дарак чиқмади. Баъзиларнинг тахмини бўйича, Николаевда қолган барча болаларни Германияга ҳайдаб кетишган, аёлларни хуторларнинг ўзида отиб ташлашган. Баъзилар эса бомбардимон пайти ҳаммалари ҳалок бўлишган, бўлмаса уйлар битта қолмай вайрон бўлмасди, дейишади. Амаким ҳақида яна бир тахмин юради. Гўё, немислар келиши билан уларга қўшилган эмиш. Улар билан бирга кейин Германияга ўтиб кетган эмиш. Сайёҳ бўлиб борганлар уни кўрганмиш. Лекин ҳеч ким отамнинг олдида, бизнинг олдимизда бундай деган эмас. Амакимнинг бирон жангда ҳалок бўлгани ҳақиқатга яқин эди. Лекин қайси жангда, қаерда, қачон? — ҳеч ким билмайди.

Отам амакимни оиласи, руҳсат берилган икки бўғча юки билан темир йўлга кузатиб келган кунлариёқ, ярим кечада арава қўшадилар, ойимни, етти яшар опамни ўтқазиб, Тошкентга йўл оладилар. Уйдаги бирон нарсага тегмайдилар, оғилхонада сигир-бузоқ, қирда қўйлар қолганича қолади. Нега ҳеч нарса олмадилар, қанча сўрамайлик, ҳеч қачон отам аниқ бир жавоб берган эмаслар. Назаримда, у кишининг бу ишида тобуткаш, бир лагандан ош еб келган ҳамқишлоқларига зардаси, бегуноҳ, қишлоқнинг бирон маърақасидан қолмайдиган, оч-яланғочга доим ёрдам қўлини чўзиб келган акасига ачиниш бор эди. Балки хато қилаётгандирман? Балки янги ҳокимиятдан норози бўлганларидан шундай иш тутгандирлар? Лекин отамни яхши билганимдан бунга қўшилишим қийин. Ўлимларигача бошларига не-не кунлар тушмасин, отам ҳукуматга норизолик билдирганлари йўқ.

Хуллас, куп-куруқ аравада уч киши тонгги ғира-ширада бобомнинг синглиси, аммамизникига кириб келишади.

Аммам Тошкентнинг Миробод маҳалласига, зиёлилар хонадонига келин бўлиб тушган, эри, қайнотаси ёнида ўқитувчилик қиларди. Қайнотаси ўша даврдаги илғор фикрли зиёлилардан бўлиб, асрнинг бошида ота-бобосидан мерос қолган ичкари-ташқарилик катта ҳовлининг ярмини ажратиб, янги усулда мактаб очган эди. Мактабда фақат ўғил болалар эмас, қиз болалар ҳам бепул ўқитиларди. Аммам шу қизларга раҳбарлик қилар, бундан ташқари ҳамма синфларда ўзбек тилидан дарс ўтарди. Учинчи синфни битиргунимча, мен ҳам унинг қўлида ўқиганман. Аммамнинг оламдан ўтганига ярим аср бўлганига қарамай, мен ҳамон уни яхши эслайман. У ҳам отамга ўхшаб новча, бурни катта, аммо ўзига ярашган эди, йирик кўзлари доим кулиб турарди. Бўйи, жуссасига яраша, овози ҳам бардам эди, шошмасдан, сўзларни дона-дона қилиб гапирарди уни эшитганимда, кўз олдимида ғалати бир манзара жонланарди: кенг, бепоён чўл. Бўйниларига кўнғироқ осилган қатор туялар қарвони битта-битта босиб келаяпти... Бу манзарани эслатадиган, у ўргатган бир шеър ҳалигача эсимда:

*Бу на кун бўлдиким, қулоқ қар, тилим лол,  
Рус лисонин билмайин кўзимиз мўлтир-мўлтир.  
Миллат бари арбоқашдир, ё ҳаммол,  
Афти-ангори қаро, кийгани жулдир-жулдир...*

Аммам, унинг қариндошлари қочоқларни яхши кутиб олишди. Дарров битта хона ажратиб беришди. Қудабобонинг таклифи билан отам ўз от-араваси билан мактабнинг хўжалик ишларини қиладиган бўлди. Кейин у шу мактабда қолиб кетди. Умрининг охиригача хўжалик ишлари мудури бўлиб юрди.

Орадан кўп вақт ўтмай отам шу маҳалланинг этагида бўш ётган ерни сотиб олди. Отасидан қолган беш ғиштлик машхур полвон қолипда ўзи ғишт қуйиб, иморат солди. Ҳавас қилиб



қўйганиданми, ё ўртанча амакимни кулоқ қилганларга ўчакишганданми, ўртасига катта айвон тушган икки хонали уйнинг томини — қаердан топди, билмайман — оқ, ялтироқ тунука билан ёптирди. Айвоннинг чеккаларидан тушган иккита тарновнинг тепасига иккита тунука хўроз ҳам қоқтириб қўйди.

Мен шу уйда туғилганман. Унинг ҳар бир ғишти, ҳар бир ёғочи менга азиз ва қадрдон эди. Нонкути, идиш-товоқлар териб қўйилган кенг ва баланд тоқчалар, иккала хонанинг тўридаги гулли дорпечлар билан тўсилган тахмонларни ҳозир ҳам кўриб тургандекман. Ҳар куни эрталаб ўринларни йиғиштириб шу тахмонларга тахлаш опамнинг бўйнида эди. Кўрпаларни кўтарса ҳам, бечора, тўшакларга кучи етмасди. Мени чақирарди. Иккаламиз инқиллаб-кучайиб йиғиштирардик. Мен уялардим, хотинларнинг иши, деб. Қочардим. Опам ҳовлини бошига кўтариб, орқамдан қувларди. Тутолмаса, айвоннинг остонасига ўтириб олиб, кап-катта, бўйи етган қиз йиғларди. Ориқ, касалманд ойим аралашганларидан кейингина қарашардим. Ойимнинг шу уйдалик пайтлари хотирамда қолган. Қишда айвоннинг ўртасига қуриладиган танча ёнида ўтирувдилар, ёзда остонага яқин жойда. Олдиларида доим сариқ самовар шақиллаб қайнаб турарди.

Уруш бошланишидан бир-икки ой олдин ҳовлимизнинг ўртасидан водопровод ўтди. Одам зўрға хатлаб ўтадиган зовур қазилди. Кулочга сиғмайдиган қувурлар ётқазилди. Отам ишчилар билан гаплашиб, ўзимизга ҳам водопровод ўтказиб олдилар. Уруш бошланган куни сув келди. Мен бунақа ширин, муздек сувни сира билмайман. Нима учун бизнинг ҳовлимиздан ўтказилганини ҳам билмайман. Ўтказишди-ю, зовурларнинг устини ёпиш эсларидан чиқиб кетди. Қувурлар очик қолди, ёздан келаси йили эрта баҳоргача ҳовлида тоғ-тоғ бўлиб, тупроқ уюлиб ётди. Отам бир неча марта турли идораларга бориб келдилар. Ҳеч ким ёпишни ўйламади. Ёмғиргарчилик тугаши билан ўзлари ёпдилар. Ҳовли яна очилиб кетди. Сувнинг таърифи маҳаллага ёйилди. Қўни-қўшнилари овқатга, чойга бизникидан сув олиб кетадиган бўлишди. Ёз кунларининг бирида, ўқишдан келсам, ойим водопроводни шарқиратиб очиб, тагида ўтирибдилар. Мени кўриб уялиб кетдилар.

— Паркентдан кетганимиздан бери оқар сувда чўмилгим келарди. Босими яхши экан, худди дарёга ўхшайди.

Ҳали-ҳали кўриб тургандекман, ойимни сўлғин кўзларида орзуси ушалган одамнинг илиқ табассуми, таскини бор эди.

Ойим, отам сингари одамларнинг арзимаган нарсадан тиним, қувонч топганини шу воқеаларни менга эслатиб юборган, оиламизнинг кулфатларига сабабчи бўлган киши умрида бирон марта кўрганмикан? Шундай тиним, қувончлар ўша одамлар учун чинакам бахт бўлганини тасаввур қилганмикан? Ё ўз ниятлари йўлида ҳаммани хор қилиб, устидан босиб, топтаб кетаверганмикан? Шундай кишиларнинг чанқаганга бир пиёла сув, очқаганга бир бурда нон берганини, ўлим чиққан уйдан бориб ҳол сўраганини билмайман...

Аввал мен уни танимадим. Ўттиз йилдан зиёд вақт ўтган, унутган эдим. Кейин кўримсиз эди. Ранги ҳам бузуқ эди, эндигина захдан чиққан қурбақанинг рангига ўхшарди. Ижроқомга эртароқ келиб, зарур ҳужжатлар билан танишиб ўтирсам, уялинқираб котиба қиз кирди.

— Сизни бир одам сўраяпти. Қабул қилармишсиз.

— Қабул куни келсин, — дедим бошимни кўтармай.

— Жуда илтимос қиляпти, — деди яна котиба. — Қабул қила қолинг, ветеран экан.

Ветеранлардан у кўрқарди. Уларнинг баъзилари билан гаплашишга эса менинг тоқатим йўқ эди.

— Ҳай, кирсин.

Шу захотиёқ паст бўйли, тўладан келган, думалоқ юзи кўкимтир бир киши пилдираб хонага кирди.

— Саламалайкум, раис ука!

У узун мажлис столини ёш йигитдек чاقқонлик билан айланиб ўтди-да, рўпарамга келиб, кўлини узатди. Ўрнимдан туриб, кўлини олдим. Назаримда бармоқлари биртекисда болта билан чопиб ташлангандек, кичкина кўлининг суяги йўқ эди.

— Келинг, ўтиринг.

У таклифимни кутмасданоқ икки кўли билан стулни суриб, ўтириб олди. Тезроқ мақсадга ўтиш ниятида сўрадим:

— Келинг?

У мунчокдек кичкина кўзларини менга қадаб илжайди.

— Раис ука, сизни кўрганымдан хурсандман. Кўп яхши гаплар эшитаман. Барака топинг. Мартабангиз бундан ҳам баланд бўлсин.

— Отахон!..

Уни бўлмоқчи эдим, аммо гап бермади.

— Бир пайтлар Қорасув одам назар-писанд қилмайдиган кичкина район эди. Энди қаранг, бай-бай, бай!... Ана қурилиш, мана қурилиш! Раис ука, мен ҳам узоқ йиллар ижроқўмларда ишлаганман. Эллигинчи йилларда ҳатто райижроқўм раисининг муовини ҳам бўлганман. Бутун қурилиш ишлари менда эди. Меҳмонхона, йўл, комбинат!..

Шу пайт уни танигандек бўлдим. Башарасига тикилдим.

— Фрунзе районида ишламаганмисиз? — аниқроқ билиш учун сўрадим.

Саволимдан у хурсанд бўлиб кетди.

— Ҳа-да! Ўша энг оғир районда, энг оғир йиллари ишлаганман. Меҳмонхонани кўрсангиз ҳозир, хавасингиз келади. Кўчалар-чи? Икки баравар кенгайиб кетди. Лохутий, Шота Руставели... Жониз роҳат қилади.

Ҳа, бу ўша, отам не-не қийинчиликлар билан қурган, мен туғилган уйни буздирган одам эди. Кўчқоров. Али Кўчқоров. Ўзини унутибман-у, исми-шарифи ёдимда қолибди. Нима қилиш керак? Ёқасидан кўтариб, тепиб-тепиб, ҳайдайми? Ҳаққим йўқ. Бечора онамга, отамга кўрсатган ҳунарини эслатайми? Нима дерди? Топшириқни бажарганман, дейди. Менда айб йўқ дейди, Қизиқ, мени у таниганмикан? Ўша, уйи бузилиб, бевақт ўлиб кетган девдек одамнинг ўғли эканимни билармикан? Тақдирни қаранг, райижроқом раиси ўринбосари буздирган уйнинг эгаси ҳозир райижроқом раиси бўлиб ўтирибди, ва ўша, бошига кулфат ёғдирган одамни қабул қилаяпти!.. Қайтар дунё, деб шуни айтсалар керак. Нима иш билан келган экан? Шу савол хаёлимга келди-ю, аламларимдан чиқиш ниятида унинг гапини бўлдим.

— Ўртоқ Кўчқоров! Вақт зиқ. Хизмат?

— И-я!? Мени биласизми? — у севиниб кетди.

— Сизни Мирободда кўпчилик билади. Айниқса, уйи бузилганлар. Мен мирободликман.

У кинояни тушунмади. Думалоқ кўллари билан бирпасда нам бўлган кўзларини арта бошлади.

— Баракалла! Баракалла! Раҳмат сизга, раис ука!..

— Ишга ўтайлик. Хизмат? — яна сўрадим.

Бу гал кўполроқ сўраганимни у сезиб, мақсадига ўтди.

— Бизни уйни устидан кўча ўтадиган бўпти. Йўқ-йўқ, ҳеч қарши эмасман. Кўча хайрли иш. Лекин... Лекин қариганимда бир парча бўлса ҳам ерда бўлай дейман. Опокингиз ҳам шу гапни эшитиб, тинчини йўқотиб қўйди. Домда турмайман, дейди., Тобутимни қандоқ олиб чиқишади, дейди. Болалар бошқа гап. Аммо бизга, кексаларга раҳм қилинг, раис ука.

— Нима, кўчани бошқа жойдан ўтказайликми? — жаҳл билан сўрадим. — Ё участка беришмаяптими?

— Участка беришмаяпти, раис ука. Қулоқ солинг. Аммо олисда. Иннайкейин қари одамни иморат қуришга қурби етармиди? Йўлниям бошқа ёқдан ўтказиш керак эмас, жойида қолаверсин...

— Нима дейсиз, бўлмаса? — хайрон бўлдим.

Қўчқоров ўрнидан туриб, стол устидан мен томон эгилди ва сирли оҳангда деди:

— Архитектор бола узоқ қариндош чиқиб қолди. Йўл сизнинг уйингиздан ўтишини билганим йўқ, дейди. Агар раис рози бўлсалар, бир метр четга буриб юбораман. Шунда уйингиз ҳам қолади, йўлга ҳам зиён етмайди, дейди. Ота-онангиз роҳатингизни кўрсин, раис ука, хўп денг. Бир оғиз гапингиз. Умр бўйи дуойингизни қилиб ўтаман.

У жойига ўтириб, кўзларига яна ёш олди. Чиндан ҳам қайтар дунё! Ўттиз йил бурун, мен, студент йигит, худди шундай кўз ёши қилиб, худди шундай илтимос билан шу одамнинг олдида турган эдим. Аммо менинг кўз ёшларим аччиқ алам ёшлари эди. Эслатсаммикан?

— Архитектор билан гаплашаман, қани нима дер экан, — дедим зўрға ўзимни босиб олиб.

— Гаплашиб овора бўласизми? — Қўчқоров яна жонланиб кетди. Кичкина кўзлари ўйнай бошлади. Афтидан, мени, рози бўлади, деб ўйлади шекилли. — Сиз менга хўп десангиз бўлди, уёғини ўзим тинчитаман. Барака топинг, раис ука.

— Бари бир архитектор билан гаплашмасам бўлмайди, — ўз гапимда турдим мен. — Йўлни бир метр чеккага суриб юбориш нимага олиб келишини билмайман. Суриштиришим керак! Кейин бу лойиҳа ижрокўмда тасдиқланган.

— Э, ука! Исполкомни биз ҳам биламиз, — мен томон эгилиб ўтирган Қўчқоров гавдасини ростлади, калта панжаларини стол устига тираб, елкаларини кўтарди. — Раис нима деса исполком аъзолари шуни қилади. Қилмаса, кейинги сафар сайланмайди.

У мийиғида кулиб кўйди.

— Ҳозир исполкомлар ўзгариб кетган, давр бошқа.

— Менинг гапимга кулоқ солинг, раис ука! Раис-раис! Шундай бўлиб келган. Шундай бўлиб қолади. Акс ҳолда ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетади. Хўп, денг, жон ука!

Унга бирон нарсани тушунтириш фойдасиз эканини кўриб, ўрнимдан турдим.

— Архитектор сизга жавобимни айтади. Бораверинг.

У менга анграйиб қараб қолди. Қўлини олиб хайрлашаётганимда ҳам кўзини мендан узмади. Ундан ўгирилиб, жойимга ўтирганимдагина, секин сўради:

— Хўп дейсизми? Ишонсам бўладими? А, раис ука?

— Сиз бораверинг. Маслаҳат қиламиз, — шундай деб, эшик томонга қичқирдим. — Сурайё!

Котиба қиз кирди.

— Буларни кузатиб кўйинг. Мени, Пўлатов, район архитектори билан уланг кейин.

Қўчқоров эшик олдида тўхтади.

— Раис ука, бир яхшилик қилинг. Савоб бўлади.

Яхшилик, савоб... Мен ҳам унга ўзим билган энг сара гапларни топиб ялинган эдим. Касал онамга раҳм қилинг, жуда бўлмаганда бир йил сабр қилинг, деган эдим.

Ўшанда университетнинг иккинчи курсида ўқирдим. Лекция кетаётган маҳали деканатдан бир аёл келиб, мени чақириб кетди. Ҳайрон бўлиб, деканатга кирсам, опам йиғлаб ўтирибди. Қўрқиб кетдим. Хаёлимдан дарҳол онам ўтдилар.

— Нима бўлди?

— Уйимизни бузишвотти! Ошхонани бузиб бўлишди!

— Ким бузвотти? Нега?

Ўзини йўқотиб қўйган опамнинг елкаларини силтаб сўрадим.

— Раисполкомми одамлари.

— Дадам уйдадилар?

— Ҳа, чақириб келдим мактабдан. Лекин дадам индамай ўтирибдилар. Шунийчун сенга келдим. Бир нарса қилиш керак. Энди қаёққа борамиз.

Опам хўнграб йиғлаб юборди. Судраб кўчага олиб чикдим. Зўрға битта машинани тутиб, уйга келдим.

Чиндан ҳам уйимиз тўполон эди. Томда, деворларнинг устида лом, болта кўтарган одамлар юрибди. Яна қандайдир одамлар ҳовлидаги дарахтларни кесишяпти. Томдан, ҳовлининг бурчагидаги ярим ағдарилиб бўлган ошхонадан чанг осмонга кўтарилаяпти. Барзанги-барзанги йигитлар кўчирилган тунукаларни бир чеккага тахлаш йўқ, тарақлатиб ҳовлига отишяпти. Нима қилишни билмай, анграйиб қолдим. Кейин овозим борича, бутун вужудимни титроқ босиб, томга қараб қичқирдим:

—Тўхта! Тўхталаринг!

—Фойдаси йўқ, ўғлим.

Шундай ёнимдан сокин товуш эшитилди. Бу отам эдилар. Кўча деворга яқин ўрикнинг тагида ўтирган эканлар, кўрмабман.

—Фойдаси йўқ, — қайтардилар яна отам. У кишини мен ҳеч қачон бундай хомуш кўрмаган эдим. — Мелиса ҳам чақирдим, ҳеч нарса қилишолмади. Қўлларида қоғозлари бор.

— Қаерда турар эканмиз?

—Чилонзорга, домга борармишмиз. Истамасак, Дўмбирободдан олти сотих ер беришармиш.

Отам ниҳоятда хотиржамлик билан гапирдйлар Аммо сезиб турибман, ичлари ёниб кетаяпти. Ҳали-ҳали эсимда, ўзларини овутиш ниятида ёнларида олиб юрадиган ўзбекча пичоқлари билан хивич йўнаяптилар. Дили вайрон бўлган, ҳамма нарсадан умиди узилган одамгина шундай иш билан машғул бўлади.

— Нима қиламиз?

—Ойингизни биласиз, ўғлим, — отам мени доим сизлаб гапирардилар. — Ойингиз домга чиқмайдилар. Менга ҳам бир парча ер бўлса бўларди.

Шу пайт нимадир гумбурлаб кетди. Ижроком ишчилари тунука аралаш тўсинларни ҳам бузиб, ҳовлига ташлай бошлашган эди.

Қандай қилиб, томга кўтарилганимни, иккинчи бир тўсинни кўчираётган одамнинг бошини кўтариб туриб, кўкрагига мушт туширганимни билмайман. У гандираклаб томнинг зиҳига йиқилди. Ўрнидан туриб хужум қилса керак, деб ўйлаб, қўлимга оёғим остида ётган ломни олдим. Лекин ишчи энгагини ушлаб секин ўрнидан турди, унинг буйруғини кутиб турган шерикларига парво қилманглар, дегандек қўл силтади-да, менга қаради.

—Бекор урдинг, ўғлим. Бизда айб йўқ. Кичкина одаммиз биз. Буйруқни бажаряпмиз. Сен райсоветга бор. Катталар билан гаплаш. Қўчқоров билан гаплаш. Шундай мустақкам иморатни бузиб, биз ҳам эзилиб кетаяпмиз. Ҳали юз йил қилт этмай турарди уйларинг. Бор, вақтни кетказма. Пойлаб турамиз келгунигча.

Ўша заҳотиёқ пастга тушиб, кўчага югурдим. «Қўчқоров, Қўчқоров! Ким экан Қўчқоров?» Ҳансираб ижроком томон кетаяпман-у, ўзимдан ўзим сўрайман. Ким бўлса ҳам гапи гап бўладиган, ишни ҳал қиладиган одам бўлса керак. Ишқилиб ўзида бўлсин. Ўзида бўлса тушуниши керак. Ахир, ноҳақлик, жиноят юз бераяпти-ку? Тушуниши керак? Шундай ишонч, шундай умид билан райижроком биносига етиб келдим. Қўчқоров ижроком раисининг ўринбосари экан. Қабулхонасида еттитами, саккизта одам ўтирибди. Уларга парво қилмай. Ҳансираганимча, эшикни шартта очиб, ичкарига кирдим. Узун хонанинг тўрида қорачадан келган бир одам газета ўқиб ўтирибди. Тепасида Сталиннинг расми осифлиқ. Трубка чекиб, менга қараб турибди.

—Ўртоқ Қўчқоров! Ака! — нафасим томоғимга тикилиб турганидан зўрра гапирардим. — Ердам беринг! Уйимизни бузишяпти. Исполкомнинг қарори бор эмиш. Ёрдам беринг, жон ака! Онам касал ётнбдилар. Ҳозир борадиган жойимиз йўқ. Дадам... Дадам...

—Қаерда уйларинг? — сўради гапимни бўлиб Қўчқоров.

— Сапёрная кўчасида, — шошиб жавоб бердим. — Йигирма иккинчи уй.

—Бекнинг уйими? — у гавдасини ростлаб менга тикилди.

—Ҳа, мен Сулаймонбек аканинг ўриллари бўламан. — Юрагимда қандайдир илиқлик пайдо

бўлди, шу одамнинг ўзини топганимдан севиниб кетдим. «Бу ҳал қилади, жиноятни тўхтатади!» деган фикр яшин тезлигида хаёлимдан ўтди. — Ўқишда эдим. Келишибди-ю, бузабошлашибди. Томнинг ярмини бузиб бўлишди. Мени буёққа, сизнинг олдингизга келганимни билишади. Жавобингизни кутиб туришибди. Жон ака! Ёрдам беринг. Шу йилча қолдиринг. Ўзимиз бузиб берамиз кейин.

Қўчқоров индамади. Қўлидаги газетани шилдиратиб, уёқ-буёғини кўрган бўлдида, ўрнидан турди, Шунда ҳайрон қолдим. У пак-пакана, лилипутдек одам эди. Бунинг устига семизлигидан теп-текис тўнкага ўхшарди.

У кенг столни айланиб ўтиб, хонанинг бурчагида турган, ўзи каби пакана сейф устидаги икки қулфлик эски қора чарм портфелини олди-да, мен томон юрди. Унинг ниятини билмай, рўпарамга келгунича юрагим эзилиб кетди. Рўпарамга келганда, менга қарамади ҳам. Жуссасига келишмаган йўғон овозда:

— Қани, юр! — деди ва эшик томон йўл олди.

Юрагим қинидан чиқиб кетай деди унинг гапини эшитиб.

— Раҳмат. Раҳмат, ўртоқ Қўчқоров! — дедим севинчим ичимга сиғмай ва орқасидан чиқдим.

Қабулхонадагилар гурр этиб ўринларидан турдилар. Қўчқоров ҳеч кимга қарамади:

— Икки соатдан кейин келаман.

Биронта одам сўз қайтаргани йўқ.

Уйга етай деб қолганимизда, Қўчқоров кимнидир кўриб қолди. Икковлари қуюқ кўришишди, кейин гапга тушиб кетдилар. Қўчқоров икки гапнинг бирида қўлларини белига тираб, кичкина думалоқ бошини орқага ташлаб куларди ва ҳар замон-ҳар замонда бизнинг уй томонга қараб кўярди. Мен эса бетоқат эдим, ичимни ит тимдаларди, тезроқ уйга бориб, отамни тинчитгим келарди. Охири чидолмадим, яқинроқ келиб рухсат сўрадим. Қўчқоров ҳам, унинг шериги ҳам ҳайрон бўлиб менга тикилишди, лекин ҳеч нарса дейишгани йўқ. Мен уйга югурдим.

Отам ҳовлининг ўртасидаги яқиндагина сувокдан чиққан супанинг зихида ўтирардилар. Супанинг ўртасидаги хонтахта ёнида эса ойим ишчиларга чой қуяётган эди. Опам ёзги ўчоқбошда овқат қилапти.

Биринчи бўлиб мени ҳалиги мен урган ишчи кўрди.

— Келдингми, ўғлим? Мана, ҳеч нарсага текканимиз йўқ. А, опа, тўғрими?

Ойим миннатдор бўлиб, жилмайдилар.

— Ўртоқ Қўчқоровнинг ўзлари келаяптилар! — дедим мен ҳам миннатдор оҳангда. — Яхшиям мени исполкомга юбордингиз. Ҳозир ўзлари келадилар. Кўчада ушланиб қолдилар.

Отам меҳрибонлик билан менга қарадилар.

— Раҳмат, ўғлим.

Кўп ўтмай Қўчқоров кириб келди. Ҳамма беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

Қўчқоров ҳеч ким билан сўрашмади. Тўппа-тўғри ҳалиги мен урган ишчининг олдига келиб бақирди:

— Самад! Нега ялпайиб ўтирибсанлар? Бир ҳафта бурун келишларинг керак эди бу уйга. План нималигини биласанларми сенлар?! Турларинг! Бугуноқ тугатларинг!

Унинг гапларидан мен ханг-манг бўлиб қолган эдим. Маккорлик билан мени ёш бола қилиб аддагани ҳам майли, ота-онам олдида, ишчилар олдида мени у бу гаплари билан шарманда қилган эди. Ҳеч кимга қаролмай, иликларимгача бўшашиб, супага ўтирдим.

Қўчқоров отамга ўғирилди.

— Сулаймонбек! Беклигингизни ташланг. Сал ерга тушинг. Билъакс акангизнинг йўлидан кетасиз. Фақат Украинага эмас, Сибирга. Ҳукумат сизга, бир ой бурун қарор юборди. Тамом-вассалом! Одамларни ўртага қўйиб, ўғлингизни исполкомга юбориб нима қиласиз? Билиб қўйинг, уйингизнинг устидан совет кўчаси ўтади, совет меҳмонхонаси тушади шу ерга!

Ўзидан икки баравар баланд одамга бўйни сингудек бўлиб пастдан юқорига қараб, савлатлироқ кўриниш учун оёқларини йириб, дағал муомала қилаётган кўримсиз пакана бир кишининг ҳолати ғайри табиий, кулгили ҳолат. Аммо ўшанда бундай кўрингани йўқ. Ҳаммамиз ичимизда ғазабимиз қайнаётган бўлса ҳам жим уни эшитардик.

— Ҳамма тўполон қилса ҳам, сиз қилманг. — У ҳовридан тушгандек бўлиб маслаҳат берди. — Урушда бедарак кетганларнинг кўпи қаердалигини яхши биламиз. Ўшаёқларда ҳам душманлик қилиб юришибди. Акаси душман бўлгандан кейин, укаси ким бўларди?

Мен ялт этиб отамга қарадим. Шу пайтгача, оғирлик қилиб, сукут сақлаб турган отамнинг йирик қўллари мушт бўлиб тугилди. Шундан кейинги унинг ҳаракатларини аниқ айтиб беролмайман. Бир маҳал Кўчқоровнинг калта оёқлари тепамизда, бошимиз устида пилдирай бошлади. Отам уни бошлари узра даст кўтарганларича, кўча эшик томон уч-тўрт қадам босдилар, кейин бир силтаниб улоқтирдилар. Кўчқоров учиб бориб, сомон тикилган қопдек дўп этиб йўлкага тушди. Бир-икки думалаб ўрнидан турар экан, йўтал аралаш «мелиса! мелиса!» деб қичқирди ва оксоқланиб кўчага қочиб чиқиб кетди.

— Ҳароми!

Отамнинг айтган гаплари шу бўлди. Бирдан гандираклаб кетдилар. Югуриб бориб қўлтиқларидан олдим. Бир амаллаб супага ўтказдим. Аммо ўтиролмадилар, ётиб, ойим узатган ёстикқа бошларини қўйдилар. Опам муздек водопровод сувида сочиқ хўллаб келди. Пешоналарига қўйдик. Доктор чақиришга кўнмадилар. Эсимни таниганимдан бери биринчи марта, у кишини шундай, бетоб ҳолда кўришим эди, хўрлигим келиб кетди. Ичимда йиғладим ҳам. Ҳовлида эса тақира-туқир яна бошланган, ижроком ишчилари энди ҳеч иккиланмасдан, ҳеч нарсани аямасдан уйни бузишга тушган эдилар.

— Камолбек, — чақирдилар бир маҳал отам. — Шу ердасиз?

— Шу ердаман, дада!

Кўкракларига қўлимни қўйдим. Отам кўзларини очмоқчи бўлдилар, аммо очолмадилар. Тимискиланиб, тирсагимдан ушладилар,

— Битта ишингиз бор, ўғлим...

— Хўп бўлади, дада! — дедим қўлларини силаб.

— Аҳмаджон тунукапуруш деган одам бор. Мактабнинг рўпарасида туради. Шундан икки ярим минг қарзим бор. Узиб қўйиш керак.

— Хўп бўлади, дада, — дедим мен, аммо гапимни эшитдиларми, йўқми, билмайман. Тирсагимни ушлаб турган қўллари шилқ этиб кўрпача устига тушди.

— Дада!!

Бор овозим билан қичқириб юборганимни ўзим билмай қолдим.

Бирпасда уйимизни қий-чув босиб кетди. Отам ўшанда олтмишга кирган эдилар. Маҳалла имоми, кексалар икки ёш қўшиб, пайғамбар ёшида, деб чиқаришди. Еттиларини ҳам шу, ўзлари қурган, энди эса ярми бузилиб вайрон бўлиб ётган уйда ўтказдиқ. Эртасига аммамнинг ўғиллари яна ўз ҳовлиларига бизни кўчириб олиб кетишди. Ижрокомнинг икки хоналик квартирага берган ордери супада, эски шолчанинг тагида қолганича қолди.

Отамизга йил оши берганимиздан сўнг, ойим, тоғаларимнинг қистови билан опам аммамизнинг неварасига турмушга чиқди. Турмушлари яхши. Поччам иккалови боболаридан қолган, аммо энди анча кенгайган мактабда ўқитувчилик қилишади. Бешта фарзанд кўришган. Ҳаммаси ўғил. Қонга тортар экан. Жиянларим ҳам гавдали, полвон йигитлар. Энди оила қуриб, бола-чақалик бўлиб кетишган. Ойимнинг маслаҳати билан бўлса керак — амакиларим, отам бир жойда яшаганларини мактаб-мактаб гапирардилар, — ўша ҳовлининг ўзида, опам билан ёнма-ён туришади.

Опамнинг тўйдан кейин йил ўтмай, ойим иккаламиз Дўмбирободдаги участкага кўчиб бордик. Каникул пайти зоминлик курсдошим Абдукарим деган, худди менинг жиянларимга

ўхшаган паҳлавон йигит билан отамдан қолган полвон қолипда ғишт қуйдик. Эски уйдан деярли бутун ғишт чиқмади. Бульдозер солиб ағдарилгандан кейин бутун чиқармиди? Тунукаларнинг ҳам ярмидан кўпи қоқишга ярамади, лом билан кўчириб илма-тешик қилиб юборилганидан чиқиндига чиқиб кетди.

Ойим иморат битганини кўрмадилар. Ҳовлининг этагида омонат қурилган хужрада отамнинг ўлиmidан ўн йил ўтгач, қандай тинч яшаган бўлсалар, шундай тинч қазо қилдилар. Уйни хотиним иккимиз бозордан биттадан ёғоч, биттадан тахта ташиб, куриб олдик. Ҳали ҳам битди дейиш қийин, ҳали ҳам чаласи кўп. Аммо уйнинг икки четидан йўлкаларга тушган иккита тарновни том ёпилган йилиёқ қоқтириб қўйганмиз. Иккаловининг тепасида отамдан қолган иккита хўроз турибди. Шамол кўтарилган пайтлари иккалови тебранади. Қанот ёзиб, қичқиргандек бўлади. Уларнинг овозини эшитаман, отам кўз олдимга келадилар, болалигим ўтган эски ҳовлини эслаб кетаман.

Учинчи курсга ўтганимда дилимда турган отамнинг васиятини бажариш имконияти туғидди. Математикадан ўтказилган конкурсда ғолиб чиқиб, икки минг сўм мукофот олдим. Бўлажак хотиним билан Аҳмаджон тунукафурушнинг уйига бордик. Отам тенги одам экан. Шунга қарамай, биз борганимизда, баланд пахса деворга миниб олиб тунука карнизни тузатаётган эди. Эзилиб кетдим. Ҳеч иш қилмасалар ҳам, отам ўз тенгдошлари катори юрсалар бўлмасмиди?!

Аҳмаджон ота аввал олмайман деб туриб олди. Қистаганимиздан сўнг олиб, дуо қилди, бизга бахт тилади.

— Отангиз яхши одам эди, — деди кетаётганимизда, — Мабодо, зарурат бўлиб қолса, келинг. Мен ё уйда бўламан, ё отангиз, Сулаймонбекнинг чойхонасида.

Ҳайрон бўлиб унга қарадим.

— Ҳа, отангиз бош бўлиб, чойхона қурганмиз, — деди уста мени тушуниб. — Шундоқ Мирободнинг белида. Ҳар куни қари-қартанглар ўшатда бўлади...

Мана шунга чорак асрдан ошди. Аҳмаджон тунукафуруш ўлиб кетди. Отамнинг тенгқурлари, таниш-билишларидан деярли ҳеч ким қолмади. Қўчқоров юрибди. Юриш-туришидан, гапларидан ҳали тетик. Мен унга ўлим истаганим йўқ. Яшасин, бола-чақасининг роҳатини кўрсин. Лекин нега яхши одамлар кам яшайди? Нега уларнинг ҳаёти кўпинча азоб-уқубатда ўтади? Кимнинг адолатсиз ҳукми, қандай бемантиқ қонун шундай қолади? Яхшига кун, ёмонга ўлим йўқ. Ким буни тўқиган?

Ўша, Қўчқоров келиб-кетган куни архитектор билан гаплашдим. Йўл бир оз сурилса бўлар экан. Шундай қилинг, дедим. Дедим-у, ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Чап юзингга урганларга ўн юзингни тут, деганлари шу бўлса керак. Нима зарурати бор эди? Ким мени уришарди йўл лойихадагидек қолса? Ҳеч ким. Лекин биламан, ўзим азоб чекардим.

Эртасига эрталаб ишхонага келсам, ижроқом эшиги олдида Қўчқоров турибди. Мени кўриб қаршимга юрди.

— Сизни кутиб турувдим. Раис ука, раҳмат! Мартабангиз бундан ҳам баланд бўлсин, дард кўрманг.

Мен индамай ёнидан ўтиб кетмоқчи эдим, тўхтатди.

— Ука!... Сизга айтадиган зарур гапларим бор... Район...

Ўзимни тутолмадим, тутоқиб кетдим:

— Халқ душманининг ўғлига қандай гапингиз бўлиши мумкин? Мен Сулаймонбек аканинг ўғлиман.

— Тўхтанг, тўхтанг, ука! Қайси Сулаймонбек? — У даккам-дуккам қошларини чимириб менга ёпишди. — Ҳали-ги...

— Ўша, ўша! — дедим зарда билан ва юмшоқ қўлларини силтаб қўлимни бўшатдим-да, ичкарига кириб кетдим.

Кун бўйи ўзимни билмай, қилган ишларимда тайин бўлмай юрдим. Шу кичкина, бадбашара,

дўпписини деб кел деса, боши билан олиб келадиган бешафқат одам туфайли кўрган кулфатларимизни хаёлимдан ҳайдайман, лекин яна бўлмайди. Қайтар дунё! Нимаси қайтар? Яхшининг бевақт ўлими-ю, ёмоннинг умри боқийлигими? Қайтар эмас, вафосиз дунё.

Шундай, нохуш хаёллар билан кунни кеч қилдим. Уйга кетай деб турганимда, котиба қиз кирди.

— Бир гуруҳ қариялар сиз билан учрашишни илтимос қилишяпти.

— Кимлар?

— Мирободликлар. Боришга қийналамиз. Иложи бўлса ўзлари келсалар, дейишяпти. Сулаймонбекнинг чойхонасида кутишармиш. Борасизми?

Бу гапни эшитиб, енгил тортиб кетдим, кўкрагимдан тоғ ағдарилгандек бўлди. Сулаймонбекнинг чойхонаси... Демак, отам тирик. Яхшилик қолар экан, топтаб бўлмас экан уни.

— Бораман, албатта бораман. Қайтар дунё!

— Нима? — хайрон бўлиб сўради котиба.

— Халқда шундай гап бор, — тушунтирдим ўзимча. — Қайтар дунё. Бир кун гапириб бераман.

У ҳеч нарсани тушунмади.

1990.



## IV. Видо олдидан...

### ОТА ВА ЎҒИЛ

Профессор Сабоҳат Қодирова ўғлининг концертидан ўзида йўқ севинч билан чиқди. Бу гал ҳам аввалги кунлардагидек тўрт минг кишилик томоша зали одамга лиқ тўла, пашша қўнадиган жой йўқ эди. Бу гал ҳам аввалги кунлардагидек одамлар концертга тўйишмади, гулдурос карсақлар чалиб, ер тепиб уни сўрашди, талаб қилишди:

— Бахтиёржон! Ука! Яна битта айт! Жон ука!

— Битта айт, отанг роҳатингни кўргур болам!

— Тоғдан атайин тушганмиз! Тўймай қолдик! Битта яна! Битта айт! Жон тасаддук!

Саҳнанинг олтин пардаси оҳиста ёпилабошлаганда, ниҳоят ёпилиб, чарчаган, оғир нафас олабошлаган, бошдан-оёқ оқ кийинган Бахтиёр унинг орқасида ғойиб бўлганда, Сабоҳат Қодирова ўрнидан турди, қаторидаги жойларидан қимир этмай қарсақ чалиб, саҳнадан кўз узмай турган одамларни безовта қилиб йўлакка чиқди. Кимдир уни қўлтиғидан олди.

— Орқада эшикдан чиқамиз, опа. Буёқни милиция ўраган.

— Нега?

— Кирилмаганлар туришибди. Афтидан эртагаям концерт бўлади.

Сабоҳат Қодирова исмини билмаса ҳам ўғлининг ёрдамчиларидан бўлган бу йигитни таниди ва қўлини олмай у етаклаган томонга юрди.

— Олдиларига кирмайсизми? — сўради йигит зинадан пастга тушишаётганда. — Аммо одам кўп. Саҳнадан гримхонагача одам. Кўпи қиз! — йигит кулди, — Тезроқ уйлантириб қўймасак бўлмайди. Опқочиб кетишади!

— Уйда кўрақоламан. Бир соатларда борар?

— Ҳаракат қиламан оборишга!

Улар хизматчилар юрадиган баланд-паст, тор йўлкалардан айланиб кўчага чиқишди. Тошкентнинг тунги муздек ҳавоси гуп этиб димокқа урилди. Сабоҳат Қодирова беихтиёр кўча эшик тепасидаги соатга қаради. Ўн бирдан ошибди. Демак, концерт бу гал ҳам тўрт соатдан зиёд давом этибди. Бола бечора! Роса чарчагандир? Боя, ўнинчи қаторда ўтирган бўлса ҳам унинг чарчаганини сизди. Чарчаса, кўзлари кўпроқ бир нуқтага тикилиб қолади. Боя кўзлари шундай хорғин эди. Аммо, барибир у ўзини, аввало ўғлини бахтли ҳисобларди. Дунёга машҳур Халқлар дўстлиги саройи раҳбарияти ўғлини илгари кўшма концертларгагина таклиф қиларди. Ўтган ойда бирдан уни ўн кунлик концертга чақиришди. Директорнинг ўзи келиб таклиф қилиб кетди. Илтимослар кўп, деди. Шундай бўлса ҳам Сабоҳат опа чўчиб, ўғлини қайтармоқчи бўлди. Аммо кўзлари чакнаб, севиниб турганини кўриб, ҳеч нарса демади. Яхши ҳам ҳеч нарса демаган экан. Ҳамма концертлар бугунгидек муваффақият билан ўтди. Бирон марта ҳам уч соатдан кам бўлгани йўқ. Саҳна гулга тўлиб кетди. Тўнлар кийдиришди.

Сабоҳат Қодирова ҳамма концертга келди. Санъатга, санъаткорга элда бўлган эътибор, ҳурматни у тасаввур қиларди, биларди. Аммо шу ўн кун ичидаги ўғлига бўлган эътибор, ҳурмат унинг тасаввурларидан, кўрган-билганларидан, умид-орзуларидан ўтиб кетди. Унинг севимли ўғли Бахтиёр эл севган ҳақиқий санъаткор бўлиб етишган эди. Фақат ҳақиқий санъаткорнигина эл шундай кутиб олади, бошига кўтаради, ҳеч қандай манфаатсиз унинг шайдоси бўлади.

Сабоҳат Қодирова буни концертнинг биринчи куниёқ тушунди, аммо сир тутди, ҳеч кимга айтмади, ҳатто ўғлининг ўзига ҳам билдирмади. Дили ғурурга тўлиб кетганига қарамай, кейинги кунларнинг ташвишини қилди, қизиқиш сусайиб, томошабин камайиб кетишидан чўчиди. Шундай бўлмаслигини, билетлар сотилиб бўлганини билса ҳам ҳаво-тирланди.

Ўғлининг ҳамма санъаткорларга ўхшаб, табиати нозик, одам сийраклашиб бораётганини кўриб, руҳи тушиб кетиши мумкин эди. Аммо концертга қизиқиш кундан-кунга зўрайди, билет тополмай саройнинг у эшигидан бу эшигига югурганлар кўпайди. Тартиб ўрнатиш, концертларнинг тинч ўтишини таъминлаш учун милиция чақиришди. Уйда телефон кети узилмай, жиринглайдиган бўлиб қолди. Бир минутга бўлса ҳам унинг овозини эшитмоқчи бўлган уятчан қизлар телефон қилишарди, ҳамма нарсани, ҳаммани пулга сотиб олиш мумкин, деб ўйлайдиган янги чиққан бойваччалар, санъатда янги юлдуз пайдо бўлганлиги сабабли севинчига чидолмай табрикламоқчи бўлган зиёлилар, тўйлари, мажлислари, тантанали маросимларига таклиф қилган министрлар, минг хил бирлашма, фирмаларнинг бошлиқлари, вакиллари... Ҳаммасига Сабоҳат Қодирова жавоб қилди. Ҳеч кимни ранжитмади, аммо ҳеч кимга ваъда ҳам бермади. Бир нарса шу ўн кун ичида унга равшан бўлган эди. Кечагина у оила бошлиғи ҳисобланган уйда ўғли бирдан янги, мустақил, фақат санъаткоргина тушуниши мумкин бўлган мураккаб, ҳаётга қадам қўйган, бирдан у билан тиллашган, катта қилғунигача чеккан азоб-укубатларини бирдан кўтариб ташлаган, дилини кувончга тўлдирган эди.

— Тезроқ обкелишга ҳаракат қиламан, — деди йигит дарвозалари олдида машинасини тўхтатиб.

Сабоҳат Қодирова хаёл билан бўлиб уйга қандай етиб келганини ҳам билмай қолган эди.

— Раҳмат. Эртага яна концерт бўлса, вақтлироқ келиб дам олсин!..

— Ҳўп бўлади!

Машина силтаниб жойидан қўзғалди ва тун қўйнида ғойиб бўлди.

Сабоҳат Қодирова айвонга кўтарилиб, дарҳол ҳамма хоналарнинг, ховлининг чироқларини ёқиб юборди. Ҳойнаҳой Бахтиёр ёлғиз келмайди, созандалари, маъмурлари билан келади. Саройнинг директори ҳам келиб қолиши мумкин. Шундай тахмин қилиб, айвонга жой ҳозирлади. Овқатга нима қилишини ўйлаб, ётоқхонага кийимларини алмаштиргани кирганида концертга кетаётиб, ошнинг сабзи-пиёзини бостириб кетганлиги эсига тушди, севиниб кетди. Ҳар эҳтимолга қарши уй кийимларини апил-тапил кийиб, ошхонага югурди. Эси курсин, адашмаса, кеча кундуз куни эди, савзи-пиёз бостиргани, бугун эмас. Нима қилса бўларкин? Лағмонми? У шошиб тувокни кўтарди. Хайрият, ошнинг савзи-пиёзини бугун бостириб кетган экан. Кўнгли анча жойига тушиб, ўн кишига мўлжаллаб гуруч олди. Тозалаб, ювиб, совуқ сувга солиб қўйди. Келишлари билан дамлайди.

У айвонга кўтарилиб, аччиқ-чучукка пиёз тозалаб қўймоқчи бўлиб турганида телефон жиринглади. Сабоҳат Қодирова ичида кулиб қўйди. «Концерт тугаганга ўхшайди, энди тиним бўлмайди» — ўйлади ўзича ва телефонга борар экан, уйга олиб келиб қўйган таниш йигитнинг гапи эсига тушди: «Уйлантриб қўймасак бўлмайди. Обқочиб кетишади!»... Чиндан ҳам уйланса бўларди энди. Аммо Бахтиёр ўзи шу пайтгача оғиз очгани йўқ. Ўртоқлари ҳам унга ҳеч нарса дейишмайди. Телефонни оларкан, суриштиришни дилига туғиб қўйди.

— Эшитаман...

У адашган эди. Ўғлининг ишқибозлари эмас, клиникадан навбатчи доктор телефон қилаётган эди.

— Нима гап, Каримжон?

— Кечирасиз, безовта қилишга мажбур бўлдим, Сабоҳат Қодировна! — деди хижолат бўлиб навбатчи доктор, — «Тез ёрдам»да оғир бемор олиб келишди. Нафас йўллари бекилган. Зудлик билан операция қилинмаса бўлмайди.

— Қилаверинг! — буюрди Сабоҳат Қодирова.

— Қилолмайман...

— Нега? — хайрон бўлди Сабоҳат Қодирова, — Бундай операцияларни қилгансиз-ку?

— Буларга ўхшамайди. Назаримда овоз йўлларини олиб ташлаш керак.

Сабоҳат Қодирова дарҳол тушунди:

— Нима қилдингиз?

— Трубка қўйиб қўйдим. Машина юборайми?

— Майли. Операцияхонани тайёрланг!

— Тайёр! Раҳмат, Сабоҳат Қодировна. Беговта қилганим учун кечиринг! Машина юборганман. Эшигингиз тагида турган бўлса керак. Беморнинг ўғли кетган.

— Нега? — Сабоҳат Қодированинг жаҳли чиқиб кетди.

— Бошқа машина йўқ эди. «Тез ёрдам» ташлади-ю, кетди!

— Бемор неча ёшда экан?

Навбатчи доктор ўйланиб қолди, ё ёнидагилардан суриштира бошлади шекилли, дарҳол жавоб бера олмади. Кейин трубкадан хансираган овози келди:

— Эллиқдан ошган экан.

— Чиндан ҳам ёш эмас экан, — киноя қилди Сабоҳат Қодирова, — Ҳозир, бораман.

У трубкани қўйиб, айвонга чиқди. Ҳозиргина дастурхон ёзиб қўйган столи ёнига ўтириб, хат ёзди.

«Бахтиёр! Ўғлим! Табриклайман. Бугун ҳам концертинг зўр бўлди. Ўчоқбошида ошнинг сабзи-пиёзини бостириб қўйганман. Гуруч ҳам ивитиғлик турибди. Клиникага боришга тўғри келиб қолди...»

Хатни ўқиб, соатига қаради. Чоракам ўн икки бўлган эди. Ҳар эҳтимолга қарши хатга имзо чекиб, вақтни ёзиб қўйди.

Кийиниб, кўчага чиққанида, баланд бўйли бир одам ҳовлиқиб яқинлашди:

— Ассалому алайкум! Мен сизга келганман, опа!

— Яхши. Кетдик!

Сабоҳат Қодирова шахдам машина томонга юрди.

— Нима қилди адангизга? — сўради йўлда у.

— Томоғлари оғриб юрарди. Уч-тўрт ойдан бери нафас олишлари қийинлашиб қолди, — машинани тез ва усталик билан хайдар экан, йигит орқасига ўгирилиб, Сабоҳат Қодировага қаради. Лип-лип қилиб ўтаётган фонуслар ёруғида йигит танишдек кўринди, овозини ҳам қаердадир эшитгандек бўлди. Аммо эслолмади. Бунинг ҳозир аҳамияти ҳам йўқ эди. Унинг бутун хаёли беморнинг қандай касалликка гирифтор бўлганлигида эди.

— Нафаслари чиқдимми?

— Нафас ололмай қолдилар!... Опа!... Тузалиб кетадиларми?

Йигит ялинганомуз сўради. Сабоҳат Қодирова унинг йиғлаб юборганини сизди.

— Нима лозим бўлса, қиламиз.

— Раҳмат, опа. Қўлингизни гул дейишади. Бутун умидимиз сиздан. Ман — Аҳадман. Аҳад Комилов.

— Яхши, Аҳаджон. Ўзингизни босинг. Айтдим-ку, нима лозим бўлса қиламиз.

«Жигули» цирк олдида чийиллаб қайилди-да, Чорсу томонга йўл олди. Бу кўчалардан Сабоҳат Қодирова кунига камида икки марта юрарди. Чорак асрдан бери уларсиз ўз ҳаётини тасаввур қилаолмасди. Ҳар гал ўтиб борар экан, ўзи учун бирорта янгилик кашф этарди. Мана ҳозир ҳам шу таниш, кадрдон кўчалардан борар экан, тун қўйнида, баланд юлдузлар, ойнинг ўроғи ва лип-лип этиб ортда колаётган фонуслар ёруғида тинч, осойишталигиданми, улар юракни беговта қилувчи сир ва сеҳрга тўлиб тургандек эди. Улар нималарни, кимларни кўрмаган, кимлар уларнинг чанг парда тортган бетларига севинч ёки алам, қайғу ёшларини тўкмаган? Уларнинг қаърида қандай сирлар очилмай қолиб кетди, қандай сирлар очилишини кутиб ётибди? Уларни кимлар оҳиста босиб, тупроқларини юзларига суртиб ниятларига етолмай ўлиб кетдилар? Кимлар бу кўчаларда юлдуз санаб бахтларини топдилар, қўша қаридилар, кимларни ўлим кучоғига олди? Қанчадан-қанча беморлар шу кўчалардан юриб, унинг олдига нажот сўраб келдилар, шу кўчалардан юриб қанчаларнинг умрига умр қўшди?

Бугун қандай сир бор экан уларда? Қандай сеҳр кўрсатишар экан? Ким бугун бу тунги осойишта кўчалардан юриб бахтини топади, кимнинг юлдузи учиб, кимлар фарёд қилади? Умид билан уни кутиб ўтирган беморга, у бугун нима беради? Нима уни кутаяпти — ўлимми ё ҳаёт?

Сабоҳат Қодирова икки қўлини рулга қўйиб кетаётган барваста йигитга қаради. Уни қаерда кўрган? Ё бировга ўхшатаяптими? Кимга?

Олдинда таниш майдон кўринди. Уни айланиб ўтишлари билан шифохонанинг панжара деворлари бошланади. Баланд чинорлар, кумушбарг тераклар тагида қолиб кетган тўрт қаватли шифохона биносини Сабоҳат Қодиро-ва яхши билади, яхши кўради. Чорак аср бурун у институтни битириб ишга келганида бино эндигина қад кўтарган эди. Уларнинг бўлими, институт кафедраси иккинчи қаватга жойлашди. Кафедра мудирининг хонаси энг сўнгги, кунга тескари тушган, шу туфайли олти ой ёз салқин бўлиб турадиган хона эди. Машҳур олим, хирург, унинг аспирантурадаги раҳбари, профессор Мумтоз Иброҳимов вафотидан кейин шу салқин хона унинг ишхонаси» кафедранинг ҳамма йиғилишлари, клиниканинг ҳамма мажлислари шу хонада ўтади, беморларни биринчи марта шу хонада қабул қилади.

Шифохонага етиб келишганда у одати бўйича ўз кабинетига кўтарилди. Зудлик билан халатини кийиб, умумий қабулхонага йўл олди. Эшик олдида навбатчи доктор билан анестезиолог кутиб туришарди.

—Ахволи қалай? — уларга яқинлашганда сўради Сабоҳат Қодирова.

—Оғирлашяпти, — навбатчи доктор ўзини четга олиб, йўл берди.

Сабоҳат Қодирова ичкарига кириши билан бир зум тўхтаб қолди. Юмшоқ креслода бошини суянчиққа ташлаб оқариб ўтирган, оғзига солинган ичак орқали оғир нафас олаётган одам таниш эди. Сабоҳат Қодирова ўзини ҳатто орқага ташлагандек, оёқлари бўшашиб, юраги тўхтаб қолгандек бўлди. Аммо ундаги бу ўзгаришни ўзидан бошқа ҳеч ким сезмади. Дарҳол ўзини тутиб олиб, бемор тепасига келди-да, қўлини ушлади.

Томир уриши суст, нотекис эди. Бўйни шишиб, силлиқлашган, жағ суяклари, кекирдаги кўринмасди. Сабоҳат Қодирова нима бўлганини тушунса-да, ҳар эҳтимолга қарши ушлаб кўрди. Кекирдак соғлом одамларники сингари ҳара-катчанглигини йўқотган, шиш уни ҳар томондан исқанжага олган эди.

— Операцияга ҳамма нарса тайёрми? — беморни кўришда давом этиб сўради Сабоҳат Қодирова. — Операция қилмасак бўлмайди!

У шундай деб, беморнинг салқиган йирик кўзларига қаради. Бемор уни танидими, йўқми, айтиш қийин, кўркув аралаш кўзларини ундан узмасди.

—Мени тушундингизми? — қайта сўради Сабоҳат Қодирова. — Операция қилиш керак. Гап ҳаётингиз устида кетаяпти.

Бемор оҳиста кўзларини юмиб, бошини қимирлатди.

— Олиб боринглар.

Сабоҳат Қодирова қабулхонадан чиқаётганда Аҳад Комиловга дуч келди. Худди отасиникига ўхшаган йирик қора кўзлари илтижо билан унга тикилди.

— Операция қилмасак бўлмайди, — Сабоҳат Қодирова унинг саволини кутмай жавоб бериб қўяқолди. — Овоз йўлларида пайдо бўлган шиш кенгайиб, нафас олишга ҳалақит берапти. Мутлако бўғиб қўйиши мумкин. Зудлик билан олиб ташлаш керак.

— Омон... омон қоладиларми ишқилиб? Жуда кўрқитиб юбордилар.

— Омон қоладилар. Аммо овоздан ажрайдилар. Ашула айтолмайдилар.

Сабоҳат Қодирова билан операцияхонасига ёнма-ён келаётган Аҳад Комилов бирдан тўхтаб қолди.

— Бошқа илож йўқ. Гап ҳаёт устида кетаяпти.

Сабоҳат Қодирова шундай деди-да, операцияхонага кириб кетди. Унинг ростини айтмасдан иложи йўқ эди. Бир пайтлар донғи кетган ашулачи бугун қанчадан-қанча одамларни ўзига

мафтун қилган, қувончига қувонч қўшган, тўй, зиёфатларини яйратган овозидан ажрайди. Балки мутлақо гапиролмайдиган бўлиб қолади, барча соғлом одамлар сингари бурнидан эмас, томоғидан нафас олади... Бошқа иложи йўқ. Дунёдаги барча илғор мамлакатлар тиббиётида шундай. Овоз йўллариининг жароҳатланган жойларини олиб ташлаб, ўрнига янги безлар, матолар қўйиб асл ҳолига қайтариш ҳеч қаерда ижобий натижа бергани йўқ. Донорлардан фойдаланиш ҳам муваффақиятсиз чиқди. Инсон ҳаётини сақлаб қолиш олдида овозни йўқотиш катта бир бахтсизлик эмас. Инсон ҳар нарсага кўникади, овозсиз яшаш, одамлар билан муомала қилишнинг бошқа йўллариини топади. Овози асосий иш ва яшаш манбаъи бўлганлар касбларини ўзгартиришларига тўғри келади. На илож? Сабоҳат Қодирова операция кийимларини киятуриб шуларни хаёлидан ўтказди, кўз олдида яна бугунги бемор келди. Олимжон Комилов — донғи кетган ашулачи. Бир пайтлари, рангли телевизор қишлоқларда энди-энди пайдо бўла бошлаган, видеокассета нималигини одамлар ҳали билмаган пайтларда Олимжон Комиловнинг овози, у айтган қўшиқлар кўпчиликни ҳаяжонга солган, муҳаббатини қозонган эди. У қатнашган тўйнинг доврўғи тилма-тил бўлиб кетар, тўй эгасига ҳамманинг ҳаваси келарди. Радиода, телевидениеда у пайдо бўлган дастлабки йиллари унинг «Фарғона тонг отгунча» ашуласи кўпчилик ўзбек хонадонларининг севимли қўшиғи бўлиб кетди. Ҳазиний ғазали билан айтиладиган шу ашулани бошқа ашулачилар ҳам айтишган эди. Аммо овозининг ҳеч кимникига ўхшамаган ижроси биланми ё айтиш услубидаги тиниклик, ҳар битта сўзнинг оҳанги, дардини аниқ етказиш санъати биланми у кўпчиликнинг оғзига тушиб кетди. Халқ орасида эрталабки ошга уч минг, кечқурунги базмга тўрт минг билан борармиш, деган гап тарқалди. Бир хиллар қойил қолишди, бир хиллар тилларини тишлаб, ёқаларини ушлашди. Аммо ҳеч ким ўни уришгани йўқ. Ҳарҳолда Сабоҳат Қодирова буни эшитмаган. У пайтлари у ёш, энди мактабни тамомлаётган қиз эди. Еттинчи синфдан ўнинчи синфгача ўқиётган кўпчилик тенгқурлари қатори у ҳам Олимжон Комиловга хуштор бўлиб қолган, унинг «Офтоб куйгай», «Холингму бу ёки олуца?», «Хоҳи ишон; хоҳи ишонма» ва яна бир талай қўшиқларини ёдлаб олган эди. Сижжакда ўша пайтларда камдан кам одамда магнитофон бор эди. Адашмаса, тўрттами, бешта. Шу хонадонлар кечқурун одамга тўлиб кетарди. Навбат билан, гуруҳ-гуруҳ бўлиб, унинг ашулаларини эшитишарди. Сабоҳат Қодирова ҳам уйидагилардан бирортаси билан, ойиси ё опаси биланми бўлиб эшитиб келарди ва кечаси билан ухлолмай чиқарди...

— Ҳамма нарса тайёр, — ахборот берди ҳамшира. — Яхши.

... У ҳақда турли хил миш-мишлар ҳам юрарди эл оғзида. Гуё унинг ҳар бир шаҳарда уйи бор эмиш. Ҳар бир уйида биттадан хотини бор эмиш. Энг яхши кўргани кўқонлик Кумушхон эмиш. Кумушхон ўйинчимиш. Тошкентда Мукаррама Турғунбоева ўз шогирдлари билан қанчалик машхур бўлса, Фарғонада Кумушхон шунчалик машхурмиш. Мукаррама опа бир неча бор «Баҳор»га келгин, деб унга одам юборибди, ҳатто ўзи атайин бориб келибди, аммо Кумушхон келмабди. «Олимжон акамларнинг гаплари билан ўйинга тушиб турибман, ундаям ўзлари бор жойда. У кишининг уйларини обод қилиб ўтириш менга бахт», дебди. Ўйнаганда ҳам у тўйларда эмас, тор-тор мажлисларда, «гап»ларда ўйнар экан. Одамлар пулдан чамбар қилиб, бўйнига ташлашар экан. Тошкентдаги қандайдир бир бева хотин ўртоқларига зиёфат бераётди, Олимжон Комиловга янги, ҳали минилмаган «Волга»сини ҳадя қилиб юборибди...

Сабоҳат Қодирова операция столи ёнига келиб, яна беморнинг томирини ушлади.

— Ҳозир кўзи илинади, — деди анестезиолог. — Танидингизми, домла?

Унинг бу саволини боши, қовоқлари оғирлашиб бораётган бемор ҳам эшитди. Сабоҳат Қодированинг тасдиқлаган овозини ҳам эшитди. «Мен ҳам уни танийман» — хаёлидан ўтказди у.

Унинг операция олдида охириги эсида қолган гапи шу бўлди. Томоғида нимадир «кирт-кирт» қилиб, чумоли ўрмалагандек бўлиб кетди, кейин ҳамма нарсани унутди!

Операция бир соатдан зиёд давом этди, Сабоҳат Қодирова беморнинг овоздан маҳрум

бўлаётганига қанчалик ачинмасин, жароҳатланган овоз йўллари, кекирдагини очганда, ягона тўғри чора шу эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Овоз йўлларидан тарқала бошлаган шиш бутун томоқни, кекирдагини, ҳатто овқат йўлини қисиб, жароҳатлай бошлаган эди.

— Ҳаммасини олиб ташлайсизми? Ўнг томон тузукка ўхшайди-ку? — Сўради навбатчи доктор.

Сабоҳат Қодирова скалпелни у айтган томонга тиради.

— Шунини тузук деяпсизми? Рангини кўрмаяпсизми? Қолдирсак, икки-уч ой ўтмай бу ер шишиб чиқади. Ашулачилар неча ёшгача ашула айтади, билмайсизми?

— Билмадим, — навбатчи доктор елкаларини қисди, — Юнус Ражабий етмиш ёшидаям ашула айтарди. Ҳар ким ҳар хил бўлса керак.

— Соғлигига қараб, — хулоса қилди Сабоҳат Қодирова. — Ўттизга бормай овоздан қолганлар ҳам бўлган. Бу киши ранжимаса ҳам бўлади. Элликдан ошган дедингизми боя?

— Олтмиш бирда эканлар.

— Ёмон эмас. Мана, бўлди. Тикамизми энди? Сабоҳат Қодирова беморнинг барча шишлари таги билан кесиб олинган томоғига тикилиб туриб, сўради. Саволни у ўзига, ҳеч қандай яра, шиш қолиб кетмадимикан, деб берган эди.

Навбатчи доктор уни тўғри тушунди.

— Назаримда ҳеч нарса қолмади. Нечанчи трубкани кўямиз? Олтиними?

— Олтини. Қани, бошладик. Ип!

Сабоҳат Қодирова беморни палатага жўнатиб, ўз кабинетига кирганида, телефон жириглаб турган эди.

— Эшитаман?

— Операция яхши ўтдими?

— Ҳа, яхши ўтди. Ким сўраяпти?

Сабоҳат Қодирова телефон қилаётган аёлни беморнинг кариндошларидан бўлса керак, деб гумон қилди. Гумон тўғри чиқди.

— Мен оилалари бўламан. Раҳмат сизга, доктор. Қачон чиқадилар? Бирон ҳафталарда чиқиб қоладиларми?

Сабоҳат Қодированинг энсаси котди. Аммо ўзини босди.

— Буни ҳозир айтиш қийин. Ҳаётлар, шунинг ўзи ҳозир катта гап.

— Ҳа, албатта, албатта. Раҳмат, доктор..

Аёл трубкани кўйиб кўйди. Сабоҳат Қодирова унинг узоқдан гапираётганлигини, ёшлигини ҳам сизди. Аммо ҳайрон бўлмади. Миш-мишлардаги «хотин»лардан бири бўлса керак, деди-ю, шу захоти уни унутди. У чин юракдан беморга ачиниб кетган эди. Бугундан бошлаб ашула айтиш уёқда турсин, гапириши ҳам унинг амри учун маҳол эди.

Олимжон Комиловни у танирдигина эмас, яхши биларди. Тасодиф уларни учраштириб, бирини ёмон отлиқ қилган, бирининг ҳаётини алғов-далғов қилиб юборган эди. У сабаб, Сабоҳат Қодирова уйдан чиқиб кетди, ота-онаси деярлик ҳамма қариндош-уруғлари билан юз кўрмас бўлди, қорнида ўғли билан ёлғиз қолди. Тошкент кўчаларида сарсон-саргардон бўлиб юрди. У сабаб, Сабоҳат Қодирова ўғлини алдади, отасини ўлганга чиқарди, турмуш қурмади, эр-хотинлик кувончларидан умрбод маҳрум бўлди...

...Мақтабни битириб, ТошМЙга ҳужжатларини топшириб келган кунлар эди. Девор кўшниларида тўй бўлиб қолди. Ўрмон хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўғил уйлантираётган эди. Тўй эгаси, Мардонбек ака нақд тўрт минг пул ва улоқчи отини берадиган бўлибди. Олимжон Комилов машинани яхши кўргандек, отни ҳам яхши кўрар экан. Шунга ҳам зўрға рози бўлибди. Эрталабга қолмайман, кечасиёқ кетаман, дебди. Мардонбек аканинг ўзи оғзи қулоғига етиб, шунини одамларга гапириб берибди. Қайси бир ўтиришда ўғлимнинг тўйига Олимжонни олиб келмасам, отимни бошқа кўяман, деб юборган экан. Шу хабар тарқалганидан

кейин Сижжак бузилган ари уясига ўхшаб қолди. Одамларнинг тинчлиги йўқолди, деярлик ҳамма сабрсизлик билан тўй кунини санашга тушиб кетди. Ниҳоят, орзиқиб кутилган кун келди. Одамлар ҳовлига сиғмай, кўчага ҳам жой солинди. Сабоҳат бўйи етган қизлар қатори ва кўшничилик ҳукуқи билан келинни кутиб олиш шарафига муяссар бўлди. Тўй кечада хизмат қилиб юриб, куёв йигитлар билан келинни олиб келгани жўнашганида, Сабоҳат дастурхон етишмай қолиб, уйига чиқди. чиқди-ю, ҳовлининг ўртасидаги баланд тахта кароватда ўтирган меҳмонларни кўриб ханг-манг бўлиб қолди. Дарров таниди. Улар Олимжон Комилов ва унинг созандалари эди. Севинганидан боши айланиб, гандираклаб кетди.

— Яхши келдинг, қизим! — суюниб кетди ўчоқбошидан чой кўтариб келаётган дадаси уни кўриши билан. — Куёвлар келгунча бизникида ўтириб туришади. Ойингга қарашиб юбор!

Сабоҳат ўзини тутиб олиб, дадасига яқинлашди, кўлидан пиёлаларни олиб, каравот томон юрди.

— Ассалому алайкум! — у эшитилар-эшитилмас салом бериб, пиёлаларни кароват бурчагига қўйди-да, уялганидан кип-қизариб, ўчоқбошига югурди. Орқасидан дадасининг гапини эшиди:

— Сабоҳат мактабни тугатиб, ТошМИга кириб келди. Аълочи. Олтин медаль олди.

— Жуда яхши. Табриклаймиз! — деди кимдир.

Сабоҳатнинг назарида Олимжон Комиловнинг ўзи шундай деди. Баттар уялиб кетди.

— Ойи, ўзими? — сўради бир нарса дейиш учун.

— Ўзи, болам, ўзи, блимжон Комилов! — деди онаси, — Даданг тушмагур бошлаб келдилар! Нима қилишимни билмай турибман. Яхна гўштим бор. Қовуриб берақолайми? Нима дейсан? Тўйхонадан чиққани бошқа, ўз уйингники бошқа.

— Яхши ойи. Мен нима қилай? — ойисидек Сабоҳат ҳам тинчини йўқотди.

Шундай одамнинг уларникига келиши қатта қувонч, биронта иссиқ овқат қўймасдан турғазиш мумкин эмас эди.

— Ўчоққа ўт қала. Даданг тушмагур-а, даданг тушмагур! Одамни шунақа уялтириб юрадилар! Кимнинг хаёлига келибди, уларнинг бизникига кириши! Бир соат олдин айтиб қўйсалар бўлмасмиди?

Сабоҳатнинг ойиси қозонга ёғ солиб, гўшт қирқар экан, эрини уришган бўлди, аммо ёниб турган кўзларидан ўзининг ҳам хурсандлиги билиниб турарди.

— Ойи! Кун иссиқ. Ҳойнаҳой чанқаб келишган. Дадамга айтинг, қовун-тарвуз сўйиб турсинлар! — таклиф қилди Сабоҳат.

— Тўғри айтасан! Чақир!

Сабоҳат меҳмонлар олдида чўкка тушиб нон синдираётган, чой қуйиб узатаётган дадаси ёнига бориб, секин тирсагидан туртди. Аммо у сезмади. Шунда Сабоҳатга табассум билан тикилиб ўтирган Олимжон Комилов лўкма ташлади:

— Қизингиз бир нарса демоқчилар, Собир ака, қаранг!..

Сабоҳат ер ёрилиб, қаърига кириб кетгандек бўлди.

Юзлари, қўллари ловуллаб ёна бошлади, дадасини яна бир қаттиқ силтаб тортдида, ўчоқбошига югуриб кетди.

— Айтдингми?

Сабоҳат жавоб бермади. Эшик олдида дадаси пайдо бўлди.

— Гўшт қовураяпман, майлими? — сўради ойиси.

— Жуда яхши. Нарёғдан чиққан нарсалар кўп-у, ейдиган ҳеч нарса йўқ. Нега чақирдиларинг?

— Қизингиз «чанқаб келишгандир, қовун-тарвуз сўйсинлар дадам», деяпти.

— Дарвоқе, тўғри. Ҳозир!

Дадаси ҳам уларга ўхшаб хурсанд, хурсандлигидан бирмунча ховлиқиб қолган эди.

Сабоҳат тўйхонага дастурхон олиб чиқиб беришни унутди. Келин-куёвлар йўлга чиқишгани ҳақидаги хабар келгун-ча, меҳмонлар тургунча уйда онасига қарашди.

Карнай-сурнай чалиниб, кўчада қий-чув бошланганда, меҳмонлар ортидан тўйхонага чикди.

Ўша тўй унинг хотирасидан чикмайди. Умуман, бутун вужуди, дили билан севиниб кўрган тўйи шу бўлди. Биринчи марта келин-куёвнинг келишини, базмни девор орқасидан ё том устидан эмас, ҳақиқий катталар, меҳмонлар қатори дастурхон ёнида ўтириб кутди. Уни куёвнинг сингиллари ёнларига чақирди. Кейин ўйнади, ҳа, рақсга тушди. Тушмаганга қўйишмади. Дадасининг ўзи келиб сўради. «Тановар»га ўйнаб берди. Бир-икки айланганидан сўнг, Олимжон Комилов уни ёнига келиб, ашуласини айтди, қочиб кетмагунча ўртадан чиқармади. Афтидан яхши ўйнади, ҳамма қарсақ чалиб турди.

Тўй ярим кечаси, соат учларда тарқади. Олимжон Комилов ҳамманинг кўнглини олди. У чиндан ҳам эл севган санъаткорлигини кўрсатди.

Сабоҳат ўртоқлари билан хайрлашиб уйига кирганда, ҳовли тўла одамлар турганини кўрди. Улар Олимжон Комилов ва унинг созандалари эди.

— Бизникида ётиб қолишармиш, — деди ташвишдан кўзлари олазарак булиб кетган ойиси.  
— Даданг тушмагур бошлаб чикдилар! Ҳой, қиз! — нимадир эсига тушиб ойиси унга ўтирилди.  
— Қачон бундай ўйинга тушишни ўрганиб олган эдинг? Ўйинчи қизларни уялтириб қўйдинг-ку! Ҳаммадан кўп пул сен ўйнаганингда тушди.

Сабоҳат индамай кулди. Қачон ўрганган эди? Дарсдан кейин-да, мактабда, тўғарақда.

Меҳмонлар ювиниб чой-пой ичгунларича она-бола катта хонага ўрин солиб чиқишди. Яхши ниятлар билан қавилган янги кўрпа, кўрпачаларни ёзишди. Ойиси ёстикларга билинар-биланмас атир сепиб чикди. Чивин безовта қилмасин, деди. Токчаларга райҳон ҳам сочди.

Ўша куни она-бола ухлашмади. Авваламбор, тоғнинг учлари оқара бошлаган эди. Кейин иккаловининг ҳам кўзига уйку келмади. Ойиси хамир қорди, у қийма қилди. Нонуштага тандир ёқиб, патир, сомса ёпишди.

Эрталаб яна бир хабар Сабоҳатни хурсанд қилди. Олимжон Комилов яна бир кун қоладиган бўлибди. Дала ҳавоси ёқмабдими, озгина шамоллабди, кечаси билан боши оғриб чиқибди. Кечгача ётармиш.

Дадаси шу гапни айтар экан, шифо бўлсин деб, меҳмоннинг оёғи тагида қўй сўйдирди.

Олимжон Комиловнинг чиндан ҳам ранги ўчган, чирой-ли, йирик, қора кўзлари атрофида чизиклар пайдо бўлган эди. Нонушта пайти бошқалар хазил-хузул қилиб ўтиришди, латифалар айтишди. У ҳеч нарсага аралашмади. Қандайдир дорилар ичди. Иссиқ сут билан ғарғара қилди. Сабоҳат негадир унинг касал бўлиб қолганига ишонмади. Чой ташиган, кетма-кет иссиқ-иссиқ сомса келтириб турган маҳали унга кўзларини айёрона сузиб қараб-қараб қўйганиданми, ҳамма гап билан бўлиб турганда сутга қорилган юмшоқ патирдан катта-катта тишлагани, иштаҳа билан сомса еганиданми, ҳарҳолда нимадир сабаб бўлиб, ишонмади. Аммо ишонмаганини ҳеч кимга билдирмади. Нонуштадан сўнг созандалар жўнаб кетишди. Олимжон Комилов бирпас хомуш ўтирди, бир-икки чой хўплади, кейин жойига кириб ётди. Доктор чақиршига унамади.

Сабоҳат Қодирова ҳаётидаги жуда кўп ташвишли, оғир воқеаларни унутиб юборди, аммо ўша кунги воқеалар, айтилган гапларни ҳамон эслайди.

Кундузи, кун тиккага келганда уни уйку элитди, ўчоқбошида ғимирлаб юрган ойисига бирпас мизғиб олишини айтиб, хонасига кирди. Ўрнига ётиши билан кўзи илинди. Шундан кейинги галда ярим соатлар ичида юз берган воқеа унинг бутун ҳаётини бузиб юборди, бошига қанчадан-қанча кулфат тошларини ёғдирди. Кўзи илинган маҳали кимдир унинг қўлини ушлаганини, ёнига ёнбошлаганини пайқади. Аввал ойиси деб ўйлади, кейин отаси ҳаёлидан ўтди. Аммо оғир, нотаниш нафас димоғига урилганида, чўчиб кўзларини очди. Ёнидаги одам Олимжон Комилов эди. У шундай бўлишини, нима учун машҳур ашулачи яна бир кунга касал бўлиб қолганини қандайдир ички бир туйғу билан сезганди. Аммо аниқ шундай бўлишини, у билан шундай бўлишини кутмаган эди. Сабоҳат қичқирмоқчи бўлиб, бошини кўтарди. Олимжон Комилов «Тисс!» — деб, оғзига қўлини қўйди. Қанча ҳаракат қилмасин, Сабоҳат



унинг исканжасидан чиқиб кетолмади.

— Ҳайвон! — қичқирди бор алами ва нафратини шу сўзга солиб Сабоҳат. — Ҳайвон!

Бошқа ҳеч нарсага ундан қутилганида тили келишмади. Эшикка қўл чўзган Олимжон Комилов оғзи тўлатилла тишларини ялтиратиб илжайди.

— Даданг билан гаплашаман. Ўзим оламан сани.

Унинг шу гапи ҳам ҳамма ярамас ишлари, қўланса хиди сингари Сабоҳат Қодированинг ҳамон эсида.

Ким биледи агар у зўравонлик қилмаганда, унга ҳурмат билан қараганда, шу гапи уни кувонтирармиди? Аммо ўшанда ўзига бино қўйган, ҳамма нарсани пул билан, зўрлик билан қўлга киритиш мумкин деб ўйлаган, ёш қизнинг ҳаётини бузган одамни гапи уёқда турсин, ўзи, тиржайган башараси унинг кўнглини ағдарди, жирканиш пайдо қилди, ашулалари, овозига бўлган ҳурмат, муҳаббатни ўзи оёқ ости қилиб юборди. Қаердадир яхши санъаткоргина яхши одам бўлади ё аксинча, яхши одамгина яхши санъаткор бўлади, деб ўқиган эди. Ўшанда Олимжон Комилов унга ҳайвон бўлиб, ҳайвондан ҳам баттар бир маҳлуқ бўлиб кўринди ва ўша заҳотиёқ санъатидан ҳам унинг кўнгли қолди.

Аммо эндигина бўйига етган қизнинг кимлигини, нималигини тушуна бошлаган Сабоҳат қандай фожеа бошига тушганини тўрт ой ўтгандан сўнг билди. Ўша куни эса «машҳур ашулачи»нинг бешафқат қилмишинигина ўйлади, бировга айтгани уялиб, оҳиста ҳовлига чиқди. Негадир ҳовли жимжит эди. «Азиз» меҳмонининг соясига салом бериб юрган дадаси ҳам, ўчоқбошидан бошқа жойни билмай қолган ойиси ҳам йўқ эди. Сабоҳат молхонанинг орқасидаги деворнинг нураган жойи эсига тушиб шу томонга юрди. Деворнинг орқаси дала, қаровсиз қолиб кетган узумзор эди. Унинг тагида ёнғоқзор. Сабоҳат девордан ошиб шу ёнғоқзорга йўл олди. Қоронғу тушиб, юлдузлар кўрингунча, шу ерда чўккалаб олиб йиғлади, сой сувида ювинди, яна йиғлади. Одамлардан ўзини пана қилиб уйга қайтганда «дадаси билан гаплашадиган», «уни оладиган», яна «бир кунга қоладиган» донгдор ашулачи аллақачон жўнаб кетган эди.

Ҳеч ким ҳеч нарса сезмади. Сабоҳатнинг ўзи ҳеч кимга ҳеч нима демади. Аммо қиз бола ўзидаги ўзгаришни яширолмайди. Тўрт ойча ўтганда Сабоҳатнинг бошқача бўлиб қолганини опаси пайқади. Ўша заҳотиёқ ойисига айтди. Сабоҳатнинг бошига янги кулфат тушди. Энди ўз яқинлари уни хор қилишди. У истамаса ҳам, тўполон қилиб йиғласа ҳам кулоқ солмай, ойиси билан опаси уй ичига қамаб, қўйлагини ечиб текширишди. Нима бўлганини кўрган ойиси сочларидан тортиб урди, қўни-қўшни билиб қолмасин, деб овоз чиқармай қарғади, йиғлади. Опаси қанча уришмасин, ойисига ўхшаб қарғаб, пўписа қилмасин, ким уни шу қўйга солганини Сабоҳат айтмади. Ғурури йўл қўймади. Икки дунёда «дадаси билан гаплашишга» ваъда қилган, унинг ҳурмати, муҳаббатини поймол қилган одамга ялинмайди. Майли, ўлдиришсин уни, осишсин, айтмайди.

Кечкурун дадаси билан поччаси билишди. Дадаси уни оқ қилди. Даф бўлсин, кўрмай, деди. Агар йўқотмасанг ўзим тоққа олиб чиқиб ташлаб юбораман, деди. Қўшни хонада уларни эшитиб ўтирган Сабоҳат ўзи кетишга қарор қилди. Иккита кенгроқ қўйлагини олди. Китоб орасига учта йигирма беш сўмлик пул қўйиб қўйган эди. Шунини олди. Қўйлақларини газетага ўраётганда, овқат кўтариб опаси кирди.

— Ҳа, нима ҳаракат? Сабоҳат индамади.

— Хей, ўзбошимча, жавоб бер, нима қиляяпсан? Опаси унинг тирсагидан ушлаб силтади.

— Кетаяпман! — деди кўзлари ёшга тўлиб Сабоҳат.

— Қаёққа?

— Билмадим. Бошим оққан томонга.

Опаси югуриб чиқиб кетди. Ўзини йўқотиб қўйганидан қўлидаги овқатни ҳам қўймай олиб чиқиб кетди.

Сабоҳат ҳозир она-бола бошлашиб киришади, яна тўполон бошланади, деб ўйлаган эди.

Дадаси ўшқириб киришини ҳам кутган эди. Аммо ҳеч ким кирмади. Ўзича бироз кутган ҳам бўлди. Дилида тўполон қилишса ҳам, уришишса ҳам, кириб уни тўхтатишларини истади. Аммо киришмади. Уни унутишди. Сабоҳат кулоқ солди. Уни ҳатто гапирмай қўйишган, гап бозор-ўчарга ўтиб кетган эди.

Ҳовлига тушди. Оёқ товуши албатта уларга эшитиларди. Аммо ўзларини эшитмаганга солишди. Сабоҳат чидай олмади, кўчага отилиб чиқиб кетди.

Кўча қоп-қоронғи, биронта одам кўринмасди. Сабоҳат эшиклари олдида бирпас турди. Бутун вужуди титраб, яна кўзларига ёш қуйилиб келди. Ўкириб юбормаслик учун зарда билан эшикни тарақлатиб ёпди-да, катта йўл томонга юриб кетди.

Бўм-бўш автобус уни ярим кечада Тошкентга олиб келди. Йўл-йўлакай қаёққа боришини ўйлаб олган бўлса ҳам, машинадан тушиб анча туриб қолди. У аммасиникига бормоқчи эди. Иккита ўғай бола билан қолган қувноқ, Сабоҳатга бошқача меҳр билан қарайдиган бу аёлни у яхши кўрарди. Тошкентга тушганида кўпинча уникига кириб чой-пой ичиб кетарди. У мени тушунади, ўйлади ўзича Сабоҳат. Шу аммаси эсига тушиши билан бошқа таниш-билишлари, олис қариндошларини хаёлига ҳам келтирмади. Унинг уйи трамвай бекатининг рўпарасида эди. Пиёда боришга тўғри келди. Трамвайлар аллақачон ётган, троллейбуслар ҳам кўринмасди. Онда-сонда ўтиб турган машиналарни тўхтатиб, тушгани кўрқди. Шаҳар жимжит, аммо ёруғ эди. Аммасига ростини айтишни, у билан бўладиган савол-жавобларни ўйлаб, таниш-нотаниш кўчалардан борар экан, оёғидаги чарм туфлиси остидан чиқаётган товуш акс-садо бериб тинч, осуда шаҳарни уйғотиб юборгандек, деразалардан одамлар унга қараб тургандек, уни уят қилишаётгандек эди...

Сабоҳат Қодировага ўшанда аммасиникида туриш насиб қилмади. Ҳаяжонланиб уни эшитган, қош-кўзидан ўпиб овутган, қалин жой солиб ётқизган одам, тонгги ғира-ширада уни уйғотди.

— Тур! Кетдик!

— Қаёққа, амма? — чарчаб, йиғлаб яқиндагина кўзи илинган Сабоҳат ҳайрон бўлиб бошини кўтарди.

— Уйингга. Сижжакка. Ота-онангнинг оёғига йиқиласан, кечирим сўрайсан!

Сабоҳат ўрnidан туриб ўтирди.

— Нима деяпсиз? Сиз ҳам мени тушунмадингизми? Сиз ҳам менга ишонмаяпсизми? Айбим шуки, билмай қолдим. Айбдормасман!

— Ким у ярамас? Ифлос?

— Айтмайман.

— Нега? — ҳайрон бўлди аммаси.

— Айтсам, баттар хор бўламан.

— Нима деяпсан? Нега энди?

— Ойим, дадам уни кимлигини билишса уйланишини талаб қилишади. Мен буни истамайман. Уни кўргани кўзим йўқ.

— Нима қиласан унда? — тушунмай яна сўради аммаси. — Ундан бўлган бола билан сени ким оларди?

— Менга ҳечким керакмас, — шартта кесди гапни Сабоҳат.

— Жинни бўлма. Кимлигини айт. Уйлансин. Бола-чақали бўлсаям уйлансин. ЗАГСдан ўтмаса ҳам никоҳлаб олсин. Кейин орқасига тепиб ҳайдайсан. Садқаи эр кет, дейсан, адабини берасан!

Сабоҳат биринчи марта шунча ойдан бери жилмайди. Аммаси ҳарҳолда яхши одам эди, уни яхши кўрарди.

— Қани бўл. Бир пиёладан чой ичамиз-де, йўлга тушамиз.

— Йўқ, амма. Мен бундай қилолмайман. Якка ўтиб кетишга розиман, лекин унга ялинмайман.

— Ёшлик қилаяпсан, бола. Ота-онангни эзма. Юр. Сабоҳат узил-кесил гап қилди.

— Энди у уйга бормайман.

— Унда... унда бу уйдаям турмайсан...

— Хўп.

Сабоҳат аммасининг юзига қарамай ўрнидан турди. Водопровод остида ювинди, сочини таради. Негадир ўша тобда у ўзини жуда хотиржам хис қилди. Бу уйдан ҳам бутунлай, умрбод кетаётганидан чўчилади. Газетага ўроғлик кўйлақларини олиб, ховлига тушганида, аммаси орқасидан чақирди:

— Сабоҳат, болам, гапимга кир! Уйингга қайт! Ўзим олиб бораман!

Сабоҳат индамади. Бошини бир-икки силкитди-да, кўчага чиқиб кетди.

Яхши одамлар кўп дунёда. Баъзан етти ёт бегона одам қариндошдан кўпроқ тушунади, яхшилиқ қилади. Сабоҳат Қодирова ҳам ўшанда яхши бир одамга дуч келди. Ўша кундан бошлаб у одам тукқан онадек, туғишган онадек азиз, яқин бўлиб кетди. Ўғли Бахтиёрга бўлса хақиқий буви бўлди.

— Мумкинми?

Сабоҳат Қодирова хаёлга берилиб, деразадан ҳеч нарса кўрмаётган кўзларини узиб эшикка қаради. Эшик олдида навбатчи доктор турарди.

— Қалай?

— Ухляяпти. Яна бир соатча ухлайди. Юрак уриши текис, нафаси яхши. Сиз кетсангиз бўларди. Дам олинг. Машина бор. Беморнинг ўғли шу ерда.

— Айтгандек, чақиринг уни. Онаси телефон қилувди.

Уни эшитиб тургандек, Аҳад Комилов навбатчи докторнинг орқасида пайдо бўлди.

— Мен шу ердаям, опа.

— Операция яхши ўтди.

— Айтдилар, — Аҳад Комилов навбатчи докторга қараб қўйди. «Таниш бўлишса керак», — хаёлида ўтказди Сабоҳат Қодирова навбатчи докторнинг илтимосларини эслаб.

— Раҳмат, опа. — Аҳад Комилов кўзларига ёш олди. — Болларингизнинг роҳатини кўринг. Тўйларингизда хизмат қилайлик. Биздан қайтмаса Худодан қайтсин!

У ғижим шимининг чўнтагидан рўмолча олиб, кўзларини артди.

— Ойингиз телефон қилдилар яқинда.

— Ойиммас, аячамиз, — Аҳад Комилов шошиб гапга аниқлик киритди. — Дадамизнинг кенжа хотинлари. Биз ойимиз билан чиқиб кетганмиз. Домда турамыз биз.

Сабоҳат Қодирова унинг гапида ўкинч сезд.

— Кечирасиз...

— Ҳечкиси йўқ, опа. Сиз қаердан биласиз?... Бахтимизга дадамизни сақлаб қолдингиз, бизга шу кифоя опа. Минг раҳмат. Қўлингиз дард кўрмасин. Кетасизми уйга? Пича дам олсангиз бўларди.

Сабоҳат Қодированинг гапи оғзида қолди. Албатта, Аҳад Комиловни ўғай онанинг нима дегани мутлақо қизиқтирмас эди.

— Майли. Борай уйга. Бирон ўзгариш бўлиб қолса хабар берарсиз. Навбатчи доктор ваъда қилди.

Аҳад Комилов бирпасда уни Қоратошга олиб келиб қўйди.

— Мен ҳам дадамнинг йўлини танлаган эдим, бўлмади, — деди у машинадан тушишганда. — Ёшлар мендан ўтиб кетишди. «Бинафша» ансамблида доира чаламан, яллаларга қўшилаб тураман. Сиз жуда эзилманг, доктор. Дадам икки йилдан бери ашуладан қолганлар. Нафас сиқади. Кўп докторларга кўрсатдилар. Ҳамма ўтиб кетади, деди. Дори беришди. Сизни ҳам айтишган эди. Аммо сизга келмадилар. Кечирасиз, ишонмадилар шекилли.

Аҳад Комилов жилмайди. Сабоҳат Қодирова ҳам унга қўшилиб жилмайди ва дилида «хабари

йўқ экан», — деб қўйди.

— У эмас, бу эмас, пешона, — ўзича якун қилди Аҳад Комилов. — Опа, яна бир бор раҳмат сизга.

— Арзимаиди. Уйга кирамиз? — Сабоҳат Қодирова эшикни очаркан таклиф қилди.

— Йўқ, йўқ. Мен борай. Олдиларида бўп турай.

— Ўнларда мен ҳам бораман. Хайр бўлмаса.

— Хайр. Раҳмат.

Сабоҳат Қодирова ҳовлига кириб, эшикни ёпгандан кейингина машина кўзғалганини эшитди. «Яхши йигит экан», — ўзича хаёлидан ўтказди у ва беихтиёр ўғли билан қиёслади. Қаеридир унинг Бахтиёрига ўхшаб кетарди. Ота бирлиги унинг эсига келмади.

Бахтиёр ва ўртоқлари ош қилишганлиги йиғиштирилмаган дастурхондан билиниб турарди. Бахтиёрнинг ўзи эса хонасида ечинмай кроватига чузилибди. Ойиси кирганини у сезди, кўзларини очиб қаради, аммо чарчоқ ва уйқу зўрлик қилди, ёнига ағдарилди.

Сабоҳат Қодирова уни пешонасидан оҳиста ўпиб, ўз хонасига ўтди. У ҳам чарчаган эди. Халатини кийиб ўрнига ёнбошлади. Аммо уйқуси келмади. Олимжон Комилов билан бугунги кутилмаган учрашув унга қийинчиликлар, алам тўла хаётини эслатиб юборган, дардлари янгилашиб кетган эди...

— Ҳой қиз! Ҳой бола! Тур! Уят бўлади кўчада қиз бола ухлаб ўтирса!

Кимдир унинг елкасига қаттиқ-қаттиқ туртди. Сабоҳат ачишган кўзларини очиб, бошини кўтарди. Аввал қаерда-лигини билолмай бирпас аланглаб турди. Кейин билди. Чақардан чиқиб, Чорсу орқали шу ерга, болалар театри олдига келганида, боши тошдек бўлиб, кўзлари ўзидан-ўзи юмилиб кетди. Театрнинг эшиги олдида ҳеч ким йўқ эди. Сабоҳат шу ёққа тушиб, кўлидаги газетани ярим ёзиб устига ўтирди. Шу заҳотиёқ уйқу олиб кетди.

— Райондан келганга ўхшайсан-а? Топдимми?

Сабоҳат қора халат кийган, узун эркак супурги кўтариб олган кекса бир аёлнинг унга жилмайиб қараб турганини кўрди.

— Шундоқми? — яна сўради аёл.

Сабоҳат бошини кимиради.

— Фақат узоқдан келганлар шунақа ухлагани жой тополмай юришади. Ҳеч киминг йўқми Тошканда?

— Йўқ, — алдади Сабоҳат ва қизариб кетди.

— Бечора. Қани тур. Юр манминан, — аёл супургисини судраб тепага чиқа бошлади. — Бозорнинг олдида меҳмонхона керак, деб кўп ёзишди. Ҳеч ким қулоқ солгани йўқ.

Рўпарада театр бўса чет эллардан меҳмонлар келиб турса. Ўзбеклар кўчадаям ётаркан, уй-жой етишмасакан, демайдими?!

Сабоҳат унинг гапини чала-чулпа эшитиб орқасидан юрди. Аёл унга бирдан ёқиб қолди. Содда, раҳмдил одамга ўхшайди. Бошлаган жойига боради. Ёмонликни раво кўрмаса керак ҳарҳолда.

Ўн-ўнбеш минутча юришганидан сўнг аёл бир кўк эшик олдида тўхтаб, унинг раҳига қўлини сукди. Занжир шарақлаб тушди.

— Кир, болам. Шўтта мизғиб ол. Нима ишинг бўлса кейин қиласан.

Улар атиргул, райхон ҳидлари уфуриб турган каттагина ҳовлига киришди. Ҳовлининг олди кўча эшиккача гулзор, ортида мевали дарахтлар соя ташлаб турарди.

Сабоҳат ҳовлига кирди-ю, уни илгари кўргандек, ундаги ҳар бир гул, ҳар бир дарахт, гилос, олма, шафтоли, хужра ёнидаги пастак шохтут унга танишдек, шу ерда илгари тургандек бўлиб кетди. Ё тушига кирганмиди шу ҳовли? У эслолмади, аммо қувониб кетди. Шу ҳовлида, шу аёл билан у тинчини топадигандек бўлди.

Аёл уни бўялмаган тахта поллик озода айвондан ичкари хоналардан бирига олиб кирди.

Хонада ортиқча нарса йўқ эди. Кўрпа, ёстик тахланган тахмон, идиш-товоқ терилган иккита токча. Тахмон тагига икки қават кўрпача ташлаб қўйилган эди. Аёл тахмондан битта ёстик олиб, кўрпача устига ташлади.

— Ёт, бир ухлаб тургунингча ман келаман.

Шаҳодат опа, аёлнинг исми ҳам Сабоҳатга ёқиб тушди, бир банка қаймоқ, иккита иссиқ нон кўтариб келганда, Сабоҳат ҳақиқатан ҳам бир ухлаб турган, чехраси ёришиб, ювиниб, хонанинг бурчагидаги бўйи шипга етгулик атрофлари жимжимадор ёғоч гуллар билан ўралган баланд тош-ойна олдида сочини тараб турган эди.

— Ассалому алайкум! Хуш келибсан, болам! Яхши ухлаб турдингми? — Шаҳодат опа у билан кучоқлашиб кўришди, — Ойдай қиз экансан. Худо бахтингни берсин!

Ҳовлида самовар бақиллаб қайнаб турганини кўриб, у ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетган эди. Сабоҳат одати бўйича уйкудан турасолиб ҳовлига тушган, худди ўз уйидагидек ўчоқбошининг олдида самовар турганини кўриб, сувини алмаштирган, ўт солиб юборган эди.

— Барака топ, болам! Самовар қайнаб турмаса, уй эгасиз қолгандай бўлади манга. Шўтга жой солақоламиз.

Она-бола деразани олдида ўтириб чой ичамиз. Куз чузилиб турибди. Бу яхшиликка. Худо хоҳласа тўкинчилик бўлади. Бева-бечора қишдан зорикмай чиқади.

Шаҳодат опа гап орасида эпчиллик билан нонуштага ҳозирлик кўрабошлади. Сабоҳат унинг нима қилмоқчилигини илиб олиб ёрдамлашмоқчи бўлди, аммо нима қаердалигини ҳали билолмай типирчилаб қолди.

— Кўявер, болам. Сан ўтир. Сан меҳмонсан. Кейин ҳарҳолда чарчагансан. Ўтир, ўтир.

Аммо Сабоҳат ўтирмади. Қўлидан келганча унга қарашди. Икковлари бирпасда кўп йилдан бери танишдек яқин бўлиб кетишди. Шаҳодат опа ҳеч нима билан қизиқмади, ҳеч нарсани суриштирмади. Ўзи ҳақида эса Сабоҳат сўрамаса ҳам гапириб берди:

— Ёлғизман. Йигирма йил бўлди. Битта ўзим тураман. Амакинг иккаламиз етим ўсганмиз. Битта детдомда катта бўлганмиз. Ман пединститутни битирганман. Амакинг қишлоқ хўжалигини. Ўқиб юрибтурмуш қурдик. Мана шу ҳовли ташландиқ жой эди. Ўзимиз тупроқ ташиб, тош ташиб текисладик. Ўзимиз шу иморатни қурдик. Аммо амакингга насиб қилмади шу уйда туриш. Аспирантурада ўқиётганда яхши ният билан уни Яманга юборишди. Қишлоқ хўжалиги бўйича «списалис»ла керагакан. Бориб, жойлашиб мани чақирадиган бўлди. Ярим йил ўтди, бир йил ўтди. Жимжит. Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Икки йил деганда уни ўшатдаги саҳрода йўқолганини айтишди. Ё йўқолган, адашиб кетган, ё ҳукумат душманлари ўлдириб юборишган. Ман бояги ўзинг кўрган театрда ишлардим. Адабий эмакдош эдим. Шеърлар, кичик-кичик ҳикоялар ёзиб турардим. Шу хабар келгандан кейин бош оғриғи касалига гирифтор бўлиб қолдим. Биров бошимми устидан тегирмон тоши юргизаётганга ўхшайди нукул. Эсим кирди-чиқди бўлиб қолди. Кўп дўхтирла қаради. Йўқ, бир тузалганга ўхшаб юраман уч-тўрт кун. Кейин икки чаккамдан биров омбирминам сиқади. Дод дегим кебкетди ўшанда. Тишимми-тишимга қўяман. Ҳеч нарса миямга кирмай қолади, ҳеч нарса эсимда турмайди... Дўхтирлар очик ҳаво керак, дейишди. Очик ҳаво қидириб қаёққа бораман? Ҳеч қаёқда ҳеч кимим йўқ. Пенсага чиқаришди. Кейин озгина ишлайман очик ҳавода деб шу ишга кирдим. Кўча супураман. Кулубминам театрни олдини манга беришган. Кунига икки маҳал супуриб-сидириб келаман. Қолган пайт уйдаман. Баъзан бозорга чиқаман. Баъзан театрга бориб спектакл кўриб ўтираман болламинам. Манга театр бепул. Ҳамма танийди. Амакинг, Акбар акангдан ана дарак чиқиб қолар, мана дарак чиқиб қолар, деб кутиб, йигирма йил кутибман. Дарак чиқмади. У ёқла нотинч. Бир-бириминам ит-мушук. Нима талашишади, билмийман. Ўлдирворган, ўлигини қум-пумми ичига қўмворган бўлишлариям ажабмас. Лекин бечора мани жуда яхши кўрарди, эси кетарди манга. Ростакам гапни айтганда ўшоққа мани деб кетди, ясантираман, кийинтираман деб кетди. Ноумид шайтон. Чўпчайлага ўхшаб мана шундоқ

деразага қараб чой ичиб ўтирганимизда кеб қолишиям мумкин. Нима дединг?

Шаҳодатхон ундан кўзини узмай ўтирган Сабоҳатга қараб қўйди жавоб кутмай гапида давом этди:

— Умримми ярмидан кўпи ўтиб кетди. Кутдим. Буёғигаям кутаман. Одамла нима дейишса дейишвурснн, Жаноза очтирмийман. Манийчун у тирик. Нага ҳеч нарса емиёпсан? Ол. Қаймоқни битга одамдан оламан. Чойхонани олди-да манга ўхшаган бева аёл бор. Ўша мол боқади, озгина қассобчилик ҳам қилади. Гўшнйям ўшандан оламан. Магазинниқига етишомай қолсам. Қаеридан сўрасам, ўша еридан беради. Манга болам, ёқиб қолдинг. Агар борадиган жойинг бўлмаса, ишинг битгунча шу ерда туравур. Телевизоримми ремонтга берганман. Эртаиндин тузатиб олиб ке-лишади. Зерикмий ўтирасан кечкурунлари.

Шаҳодат опа жавоб эшитмади. Жавоб бер, деб қистамади ҳам. Аммо Сабоҳат бир кун эмас, бутунлай униқида қолиб кетди. Униқида туғди. Шаҳодат опа бахт келтирсин санга, ўзи ҳам бахтли бўлсин деб исмини Бахтиёр қўйди. Ўзи уни катта қилди. Шу уйда Сабоҳат институтни битирди, шу уйда номзодлик, докторлик диссертацияларини ёқлади. Шаҳодат опа унга ҳақиқий она, ўғлига буви бўлиб кетди. Тукқан она эмас, боққан она, деб шуни айтишса керак.

Шаҳодат опа Бахтиёрни санъатга ҳавас қўйишига ҳам, ашулачи бўлиб кетишига ҳам сабабчи бўлди. Боғчадан кейин клубга олиб борди, театрга олиб тушди. Ўзи кўча супуради. Бахтиёр спектакл кўради, болалар спектаклларини, репетицияларини томоша қилади. Мактабга қатнай бошлаганда, уни бир спектаклда ўйнашга чақирди. Кейин «Гаврош»ни овози тиник, бир ўйнаб кўрсин, дейишибди. Ўйнади. Премьерага Шаҳодат опа Сабоҳат Қодировани ҳам олиб борди. Гаврош баррикадалар устига чиқиб, жандармларни мазах қилганда, ярадор баррикадачининг кўлидаги байрокни олиб кўтарганда, ўзи ҳам ярадор бўлиб, «Марсельеза»ни айтганда ва кўкрагидан қон оқиб йиқилганда, томошабинлар ўринларидан туриб кетиб, қарсақ чалишди. Шаҳодат опанинг ёнида Сабоҳат Қодирова ҳам тўлқинланиб кетиб, кўз ёш қилди. Бахтиёрнинг овози тиник, жарангдор ва ширали эди. Ўзи ҳам берилиб ўйнади, Гаврошнинг ўзи бўлиб кетди.

Шу-шу театр коллективи билан расмий гастролларга борадиган, спектакл ва концертларда қатнашадиган бўлди. Уйда дутор, танбурдан ташқари, турли овоз ёзадиган музика аппаратлари, магнитофонлар пайдо бўлиб қолди.

Бешинчи синфни битирганида бирдан музика мактабидан одамлар келиб, уни ўзларига олиб ўқитишни сўрашди. Сабоҳат Қодирова буни кутмаган эди. Ўғлини олим, жуда бўлмаганда ўзига ўхшаган шифокор бўлишини истарди. Спектаклларда қатнашиши, концертларда чиқишини шунчаки болалик қизиқишлари деб ўйларди ва ҳалақит бермасди. Аввал йўқ, деди. Кўз олдига Олимжон Комиловнинг бачкана қилиқлари келиб, қаттиқ турди. Шунда Бахтиёр бир гап қилди, Сабоҳат Қодированинг уёқ-буёғидан ўтиб кетди.

— Дадам бўлганларида йўқ демасдилар, — деди у лабларини осилтириб.

Шу гап масалани ҳал қилди. Ўғлини бағрига босиб Сабоҳат Қодирова розилик берди. Бахтиёр бошқа ҳеч маҳал ҳеч нарсада дадасини ўртага солмади. Суриштиради. Қайта-қайта онасини гапиртиради, аммо унинг номини аралаштириб масала ҳал қилмайди. Сабоҳат Қодирова отаси ҳақида бир афсона тўқиган эди. Бунга ҳам Шаҳодат опа, унинг эри ҳақидаги ҳикояси сабаб бўлди. Бахтиёрнинг отаси, Даврон Қодиров, гўё геолог бўлган, у туғиладиган йили экспедиция билан Тянь-Шанга кетиб, қор бўронида қолиб кетади. Ҳеч қаердан топилмайди. Бахтиёр ишонди. Аммо бир куни отасининг суратини сўради. Сабоҳат Қодирова нима қилишини билмай қолди. Шаҳодат опа яна ёрдамга келди. Эрининг суратини берди. Ана шу бегона одам Бахтиёрнинг севимли отаси бўлиб қолди. Ўртоқлари билан расмни катта қилиб уйининг тўрига осиб қўйди.

Шаҳодат опа ўлимидан бир йил олдин, ўлими яқинлигини сизди шекилли, Сабоҳат Қодировани нотариусга бошлаб борди. Ижроқўмга хат қилдириб, уйини унинг номига ўтказди.

— Сани қизим дедим, ўғлинг, Бахтиёр неварам. Ўлиб қолсам ҳукумат бегона деб юрмасин биззи.

Такдир Сабоҳат Қодировани Шаҳодат опа билан учраштириб, уни фақат оналик эмас, уйлик-жойлик ҳам қилиб қўйди. Бахтиёрга эса бахт ёр бўлди.

Сижжакликлар эса бир марта ҳам уларни излаб келишмади. ТошМИдан Сабоҳатни топишса бўларди. Студентлигида ҳам келишмади. Битириб, ўша ерда ишлай бошлаганида ҳам. Бир марта опаси билан кўчада тўқнаш келиб қолиб, ўзини ушлаб туrolмади, кўришди. Опаси Кўкалдош мадрасасининг орқасидаги дўппи бозорга келган экан. У эса ишга кетаётган эди. Аммо учрашув уларни яқинлаштирмади. Опаси бегона одамдек кўришди. Икки йил бурун оналари қазо қилиб кетганини, дадалари янги хотин олганини, яқинда ўғил кўрганини истар-истамас айтди.

Сабоҳат Қодирова онасини қаерга кўмилганини сўраб, уйга таклиф қилди. Ҳатто адресини яхшилаб тушунтирди. Яна қаерда ишлаётганини қайта-қайта таъкидлади. Опаси шошиб турибман, насиб қилса бир кун келарман деди-ю, келмади. Уйга ҳам келмади, ишхонага ҳам бормади.

Бахтиёр бир кун келиб қариндошларини суриштириб қолишини ўйлаб, Сабоҳат Қодирова опаси, ота-онаси ҳақида гапириб берди. Хушёр ўғил ҳеч нарса суриштирмади. Афтидан суриштириш онасига оғирлик қилишини тушунди. Фақат бир марта эҳтиётсизлик қилиб:

— Ойи, қариндошларимиз йўқми бизани? Эрталабки тўй оши жуда зўр бўлади-да, — деб қолди.

Сабоҳат Қодирова ичидан бир зил кетди-ю, кулиб қўя қолди. Аммо ўғлининг орзусини унутмади. Профессорлик унвони берилганини баҳона қилиб (бошқа ўшанда сабаб топилмади) маҳаллага ош берди. Ишхонасидагилар, ўғлининг домлалари, ўртоқларини чақирди. Бахтиёр тўн кийиб, қийиқ боғлаб эшикда меҳмонларни кутди. Ширин, яхши бир тўйдек йиғин бўлди ўшанда. Бир нарсагина Сабоҳат Қодированинг кўнглини жиндек хира қилди. Унда онаси ҳаёт эди. Машиналик шогирдларидан бирини Сижжакка юборди. Шогирди шахсан ойиси, дадасига учраб таклиф қилиб келгани аниқ. Ҳатто беш-ўн киши бўлиб боринглар ҳам деди. Аммо ҳеч ким келмади. Дилида ўзини айбсиз ҳисобласа ҳам Сабоҳат Қодирова улар билан ярашиб кетишни истаган ва ўзи биринчи бўлиб — ҳар ҳолда ёш, кейин фарзанд — шунга ҳаракат қилган эди. Аммо уни кечиришмади. Шундан бўлса керак, Олимжон Комиловга бўлган нафрати, ғазаби янада зўрайди, ўғлига дадаси ҳалок бўлиб кетган, деб айтганига яна бир бор қаноат ҳосил қилди.

...Осма соат еттига бонг урганида одати бўйича ўрнидан туриб кетди. Бахтиёр ҳовлининг гир айлана асфальт ётқизилган йўлкасида чошиб юрарди. Сабоҳат Қодирова севиниб кетди. Йўқ, у ҳеч қандай етимликни, уни хўрлаганлар, ундан воз кечганларни эсламайди, ҳеч кимдан хафа бўлмайди. Унинг бахти, қони ва жони ўғли бор! Шу унга кифоя! Шу билан такдиридан мингдан-минг рози. Аммо барибир кўнглининг бир чеккаси ғаш эди. Бу ғашлик кеча, операциядан кейин қўл юватуриб бирдан пайдо бўлиб қолган хавфнинг оқибати эди. У Олимжон Комиловга ачинди, овозсиз қолганига, касбини ўзгартириши лозимлигига ачинди-да, чўчиб кетди. Гўё сири фош бўлгандек, ўғли отаси кимлигини билиб қолгандек бўлиб кетди. Албатта бундай бўлишига асос йўқ эди. Бахтиёр унга ишонади. Отасининг ҳалок бўлганига шубҳаси йўқ. Сабоҳат Қодирова барибир хавотирга тушди. Олимжон Комилов ҳақида ўйларкан, у сабаб бошидан ўтган ҳодисаларни эслагани, кечаси билан ухламай чиққани шундан эди. У бутун вужуди билан Бахтиёр отаси Олимжон Комилов эканини билмаслигини, бунга ишонмаслигини истарди. Шу пайтгача унга ота ҳам, она ҳам ўзи бўлди, шундай бўлиб қолиши керак. Ифлос, пул учун санъаткор, одам номига иснод бемазагарчиликларга тайёр одам, одам эмас, бир махлуқ у киши ўғлига ота бўлиши мумкин эмас.

Қайси бир йили ҳамкасбларидан бири уни уйига таклиф қилди. «Фақат хотинлар бўлади, маъкул бўлиб қолса сиз ҳам бизга қўшиласиз» — деди. Борди. Чиндан ҳам йиғилганлар аёллар

эди. Ойда бир шундай, навбатма-навбат қизлар базмига келишар экан. Ҳаддан ташқари шанғиллаб, уят сўзларни ишлатиб гаплашишгани учунми, эрлари, бола-чақалари бўлатуриб, шундай ҳамкасбининг иборасича ўзларигина «ёзилиб» ўтирганлари учунми, йиғин ёқмади. Бу ҳам майли. Замон оғир, ташвиш кўп. Озгина асабларни шу йўл билан тузатиб олишса олишар. Аммо уларнинг чақирилган санъаткорлар билан қилган қилиқлари Сабоҳат Қодировага ёқмади, кўнглини айнитди. Кайфлари ошиб қолган аёллар оёқларининг панжаларига эллик, юз сўмлик пул кистириб ашулачига тутишди. Чўккалаб, шу пулларни тишлаб олди.

Қовурилаётган ёғлиқ хамир ва ёғ ҳиди энди димоғига урилиб Бахтиёр ўчоқбошига келди. Сабоҳат Қодирова она-бола яхши кўришадиган таомлари — қатлама қилаётган эди. Чидамасдан биттасини синдириб, оғзига солди.

— Нега чақиршибди, ойи? Сизни кутиб ўтириб ухлаб қолибман.

— Оғир операция бўлди. Бир ашулачининг овоз йўлларини олиб ташлашга тўғри келди.

— Ким экан? Танийманми?

— Олимжон Комилов...

— Аттанг!.. Бир пайтлар уни жуда доврўғи чиққан эди, дейишади. Манда битта кассетаси ҳам бор.

— Ҳозир-чи? — тусмоллаб сўради Сабоҳат Қодирова.

— Ҳозир кўпчилик эсламайди. Ашула айтмай ҳам қўйган эди. Бетоб дейишарди. Ойи, бошқа иложи йўқмиди? Нима қилган экан ўзи?

— Овоз касали кўпинча шамоллашдан бошланади. Иссиқ-совуқдан. Овозни аямасликдан. Касал ашулачилигига қарамайди, ўғлим.

Бахтиёр ўйланиб қолди. Сабоҳат Қодирова буни ўзича тушунди.

— Бу касал фақат ашулачиларда эмас, ҳаммада бўлиши мумкин.

— Олимжон акани филармониядагилар яхши кўришмайди. Овоздан қолиб битта ансамбль қилиб беринглар, деб келганида беришмаган. Анча-мунча димоғдор бўлган дейишади. Ҳатто филармония раҳбарларини ҳам менсимас экан.

Афтидан бу гапларни Бахтиёр Олимжон Комиловни ёмонлаш учун эмас, ўзига бир сабоқ учун айтди. Сабоҳат Қодирова унинг тўсатдан жиддийлашиб қолган нигоҳидан буни тушунди ва анча тинчиди. Йўқ, ёшлигида ташлаб кетган отасини у ҳеч кимга, айниқса Олимжон Комиловларга ўхшаганларга алмаштирмайди, ҳеч қандай ғийбат гапга ишонмайди.

Нонушта пайти у ўғлидан бугунги концертини сўради.

— Майли бўлақолсин шу концерт. Сарой директори ваъда бериб юборган экан, — Бахтиёр онасига илтимос назари билан қаради, — сиз борманг, хўпми? Асосан ёшлар экан бугун. Баъзи айтадиган нарсаларим сизга ёқмайди.

— Нега? — хайрон бўлди Сабоҳат Қодирова.

— Енгилроқ, нима десам экан, сизнинг назарингизда бачканароқ бўлади.

— Бачкана нарса айтма.

Бахтиёр жилмайди.

— Шу кунги ёшлар талабиниям ўйламаса бўлмайди, ойи. Улар ҳам ҳали ҳақиқий санъат нималигини билишмайди. Кун бўйи фақат пул дардида юрган одамга шўх ўйноқи, оёқ-қўлларнинг чигилини ёзадиган нарсалар керак. Уч-тўрт йил ўтсин, озгина белларини бақувват қилиб олишсин, ана ўшанда улар ҳам соф санъатни истаб қолишади.

— Эшитишармикан? — сўради ишонқирамай Сабоҳат Қодирова.

— Наҳорги ошларда эшитишади-ку? Ошда, ойи, асосан классика ижро этилади. Биронта одам тўполон қилганини билмайман.

Бахтиёр ҳақ эди. Ўғли шунга эътибор берганидан Сабоҳат Қодирова хурсанд бўлди.

— Майли, унда бормайман. Нима овқат қилиб қўяй?

— Нимани кўнглингиз тусаса, шуни...



Кўча томон деразаси тақиллади. Сабоҳат Қодирова ўрнидан турди. Институт машинаси келган эди.

Клиникада ўз кабинетида Сабоҳат Қодирова бўлим бошлиғининг ахборотини эшитди.

— Комиловга нима берилди?

— Фақат бульон. Бошқа ҳеч нарса йўқ экан. Энди сўраймиз.

— Мева сувларидан кўпроқ буюринг. Кейин айтиб қўйинг, ҳамширалар хушёр бўлишсин, овқат найчалари бурнидан чиқиб кетмасин.

— Хўп бўлади. Ўзим қараб тураман. Сабоҳат Қодирова, хотинлари сизни кутиб турибди. Кирмоқчи.

— Майли. Ўзингизда бўлиб туринг. Комиловни бирга кўрамиз.

Бўлим бошлиғи чиқиб кетди. Эшик оғзида ясанган ёш бир аёл пайдо бўлди.

— Ассалому алайкум!

— Келинг! — таклиф қиди Сабоҳат Қодирова унинг кимлигини фахмлаб.

— Ман Олимжон акани хотинлари бўламан. Кеча сизга телефон қилувдим.

— Келинг, ўтиринг.

— Раҳмат, — аёл уялинқираб курсининг четига омонатгина ўтирди.

— Эшитаман? — Сабоҳат Қодирова унга қаради.

— Сиз албатта билмайсиз. Сиззи мен эшитганман. Манам қоратошликман. Ўшатта ҳеч ким тузатмаган одамларни тузатворгансиз. Олимжон ака овоздан қолганларида сиззи кўп гапирдим. Уч йилча олдин рози бўлди. Келдик. Шундоқ машина эшигиззи очдилару, қочдилар. Ҳа, десам, эскичилик опа, хотин кишига кўрсатмийман, дедилар. Мана барибир сизга келдилар.

«Демак мени билади, — хаёлидан ўтказди Сабоҳат Қодирова аёлни эшитаркан. — Бахтиёрни ҳам билармикин?»

Шундай ўйлади-ю, кечаги хавфи дилига тушди. Бирпаснинг ичида бир олам мулоҳазаларни бошидан ўтказди. Йўқ, унинг Бахтиёрга ҳаққи йўқ. Кап-катта хотин нимадан чўчиб кетди ўзи? Нега? Ҳеч ким, ҳеч қандай идора, судга у боролмайди. Бахтиёрнинг муносабатини бўлса эшитди. Гап тамом. Тезроқ даволаб чиқариб юборади-да, бўлди, эсига ҳам келтирмайдиган бўлиб кетади.

Сабоҳат Қодирова анча ўзини тутиб олди.

— Бир нарсани сиздан сўрамоқчиман, — ялинганомуз гапирди аёл.

— Хўш?

— Опа, жон опа, айтинг... — аёл бирдан кўзларига ёш олиб йирлаб юборди. — Ўлиб қолмайдиларми? Кеча жуда кўрқиб кетдим. А, опа?

— Эрингизнинг умри қанча билмайман. Буни Худо билади.

Аёл бошини ликиллатиб, хошияли рўмолчасини кўзларига тутди.

— Лекин бу касал билан у киши беш йил, ўн йилдан кейин ҳам ўлмайди.

— Тилингизга бол, опа! Худоё айтганингиз келсин! — аёл жойида бир кўзғалиб олди-да, эшикка қараб қўйди. — Опажон, мани тушунинг, сизга ростини айтаман. Олимжон ака отам тенги одам. У киши тўсатдан оламдан ўтиб кетсалар, ман кўчада қоламан. Иккита хотинларидан еттита боллари бор. Ман шўрлик яккаман. Энди бошимга участка битганда улар тортиб олиб қўйишади. Қаёққа бораман? Беш қизмиз. Каттаси манман. Кечаси билан ухламай чиқдим.

Аёляна кўзларига ёш олди.

— Ўзингизни босинг, у киши... — Сабоҳат Қодирова энсаси қотса ҳам соддалик билан дилини очган аёлга раҳми келди. — У киши яшайди, Юраги ҳам тузук. Фақат овоз йўқ.

— Э, бўмасин! Ҳамма гапларини ўзим қиламан. Пақат тирик ўтирсалар бўлди уйда.

— Синглим! — Сабоҳат Қодирова «оилавий ишларингизга мен аралашмайман», деб уни тўхтатмоқчи эди, аёл ўзи ўрнидан туриб кетди.

— Мастура! Мастура Иноғомова! Бўлди, опа, раҳмат, манга бошқа ҳеч нарса керакмас. Нима қилишимни энди биламан. Раҳмат!

У отилиб кабинетдан чиқиб кетди. Унинг бу ҳаракатида кирганидаги уятчанлигидан асар ҳам қолмаган эди.

Олимжон Комилов махсус баланд каравотда шифтга қараб ётарди. Китоб ўқиб ўтирган ёшгина ҳамшира профессор билан бўлим бошлиғини кўриб шошиб ўрнидан турди.

Сабоҳат Қодирова бемор тепасига келиб салом берди. Олимжон Комилов чойшаб устида ётган кўлини силкитди.

— Қалай аҳволлари? Кўп йўталмаяптиларми?

— Боя сок ичирганимизда бир-икки йўталдилар, холос, — жавоб берди ҳамшира, — Кечаси сираям йўталмадилар.

— Яхши, — Сабоҳат Қодирова беморга қаради, — Биз кўлимиздан келган ҳамма чорани кўрдик. Умрингиз узоқ бўлади.

Бемор бошини оҳиста қимирлатиб кўли билан аллақандай ишоралар қилди.

— Бир нарса ёзмокчилар, — дарров уни тушунди ҳамшира.

— Беринг қоғоз, қалам, — таклиф қилди Сабоҳат Қодирова.

Олимжон Комилов ҳали қимирлаши қийин эди. Шундай бўлса ҳам кўкрагига китоб кўйиб секин нимадир ёзди. Қоғозни икки буклади. Устига «Профессорга» деб ёзди. Бўлим бошлиғи тушуниб, ўзини четга олди.

Сабоҳат Қодирова ожиз, титроқ кўл билан ёзилган хатни ўқир экан, лабларининг устида совуқ тер пайдо бўлганини сизди. Дарров артди. «Сабоҳатхон, мен гуноҳкор бандани кечиринг», деб ёзилган эди хатда.

Сабоҳат Қодирова бир зум ўйланиб қолди. Нима қилиш, нима жавоб қилиш керак? Кечирса ҳам, кечирмаса ҳам уни таниганлигини билдиради. У буни мутлақо истамасди. Бирдан кутилмаган, аммо унинг назарида одил бир фикр миясига урилди. У хатни икки буклаб беморнинг кўлига қистирди-да, жилмайди.

— Одам одамга ўхшайди, — деди баланд овозда, — Сиз мени билмайсиз. Ким биландир адаштирдингиз. Тезроқ соғайиб кетинг.

Дахлизга чиққанда бўлим бошлиғига тайинлади:

— Ёлғиз қолмасин. Ҳамшира доим олдида бўлсин.

— Хавотир олманг, — ваъда қилди бўлим бошлиғи.

Ҳамма палаталарни айланиб, ўз кабинетига кирганда, телефон жириглади.

— Ойи, бу менман, — деди Бахтиёр трубкани олганда.

— Тинчликми? — хавотирланиб сўради Сабоҳат Қодирова.

— Тинчлик. Ойи, эрталаб нотўғри гапирдим. Ким нима истаса шуни айтишим керак эмас. Ҳар қандай жойда, ҳар қандай шароитда яхши нарса айтишим керак. Сиз ҳақсиз. Вақтингиз бўлса келинг.

— Хўп, — жилмайди дили ёришиб Сабоҳат Қодирова.

— Ҳабибни юбораман. Олиб қелади.

Сабоҳат Қодирова эслади: Ҳабиб — кечаги маъмур йигит эди.

— Овқатга нима қилай? Эрталаб айтмадинг.

— Ош-да!..

— Кеча единг-ку?

— Пича олатароқ бўлиб қолди. Ўзингиз қилиб беринг. Концертдан бирга қайтамыз. Хўпми, ойи?

— Хўп, — деди Сабоҳат Қодирова ва анча вақт узилган телефон трубкасининг калта-калта овозига кулоқ солиб турди. У ўзида йўқ хурсанд эди.

1993 йил, август.

## МЕҲМОНДОРЧИЛИК

Бу воқеага анча бўлди. Лекин ҳар доим дўст-у биродарлар билан машинада меҳмондорчиликка борадиган бўлиб қолсак, эсимга тушади, бутун вужудимни қандайдир кўтаринки рух, илиқлик қоплайди. Шу элнинг фарзанди эканлигимдан, шу тупроқда киндик қоним тўкилганидан ғурурланиб кетаман.

Саратоннинг ўрталари эди. Кунлар иссиқ, эрталабдан намиқа бошлаган баданингда, димоғингда ёзнинг иссиқ нафасини сезибгина қолмай, ҳатто жимирлашини кўрасан одам, кўз олдингда ўнлаб, юзлаб ловуллаган ҳалқачалар пайдо бўлиб, киприкларингни бир-бирига ёпиштиради, пешонангдан, кулоқларингнинг орқасидан оқиб тушаётган иссиқ тер томчилари рашингга тегади, артасан, артган жойлари эса ачитиб оғрий бошлайди. Кўнглинг шаббода эсиб турган салқин жой, муздек ҳаво истаб қолади.

Шундай кунларнинг бирида, дўстим Умид Назаров бизни Қорасаройга меҳмонга олиб борадиган бўлди.

— Бормасак бўлмайди. Якшанба куни келамиз, деб ваъда берганман. Хурсанд бўласизлар. Ҳовлининг ўртасидан катта ариқ ўтган. Ўрик, олма пишиб ётибди! Салқин!.. Фир-фир шабада!..

Умид Қорасаройдан ўтиб кетаётганда машинаси бузилиб қолиб, тасодифан шу ҳовлининг эгаси тузатиб берганини, ёзувчи одам билан танишганидан ниҳоятда хурсанд бўлиб кетганини оғзи тўлиб гапириб берди. Толибжон, танишган одамнинг исми шундай экан, биз тенги бўлиб, колхоз гаражининг мудири экан. Кераксиз, деб ташлаб

юборилган темир-терсаклардан қулинг ўргилсин бир машина ясаб олибди. Умид машинанинг қандайлигини, машина эгасининг қўли очик, танти бир одамлигини гапириб бизни қизиқтириб қўйди. Қорасаройга боришга келишдик.

Якшанба куни эрталаб тўрт эр-хотин иккита машинада йўлга тушдик. Эркаклар Умиднинг машинасига ўтиришди, аёлларни машинам янгироқ бўлгани учун мен олиб кетдим. Бир-икки жойда тўхтаб, бир соатдан сўнг Қорасаройга кириб бордик. Умид қишлоқнинг марказига етганимизда, ма-шинасини тўхтатиб, тушди-да, менга ўтираверинглар, дегандек ишора қилиб, сомсахона олдида тўпланиб турган йигитлар ёнига бориб сўрашди. Кимдир тўпдан чиқиб, унга нималарнидир тушунтирди. Умид миннатдорлик билан қўлини қисиб хайрлашди.

Афтидан адресни аниқлаб олди назаримда, кейин менга кетдик, дегандек, қўлини силкитиб, одати бўйича сакраб машинасига ўтирди. Шу заҳотиёқ остидаги машина пишқириб, орқа филдиракларини чийиллатиб йўлга тушди. Чанг тарқашини бироз кутиб мен ҳам газни босдим.

Қорасув дарёси устидаги кенг тахта кўприқдан ўтиб, ўнгга бурилдик. Шу ердан дала ҳавоси бошланди. Биз бурилган боғ кўча катта йўлдан анча паст эди. Икки томони теракзор, ариқларда шарқираб сув оқиб турибди. Кўпгина иморатлар яқинда кўтарилган бўлса керак, қора сувоқдан чиқмаган, томлари энди ёпилабошлаган эди. Янги қурилаётган иморатларнинг дилни очадиган жозибаси бўлади. Шу жозиблага йўлнинг четида қорни тўйиб қовшаниб ётган сигир, ариқ лабида эриниб ўт чимчилаётган қўй-қўзилар қўшилиб, одамга тинчлик, хотиржамлик бағишлайди.

Шу кўчадан қанча юрдик, билмадим, ҳар ҳолда узоқ юрмадик. Умид ҳали бўялмаган, аммо алифлаб қўйилган олатароқ дарвоза ёнида машинасини тўхтатди. Деразадан қўлини чиқариб, келдик, деган ишора ҳам қилиб қўйди. Мен унинг зангори «Москвич»и орқасига ўтиб тўхтадим.

Умид ҳеч кимни кутмасдан дадил қадамлар билан очик дарвозадан ичкарига кириб кетди. Орқасидан биз ҳам дарво-за томон юрдик. Аммо ичкарига кирмадик.

— Ассалому алайкум-м! — баланд овозда ким баландир сўрашди Умид. — Меҳмонларни қабул қиласизларми? Мана келдик!

— Ассалому алайкум!.. Келинглар! — аёл кишининг юмшоқ овози эшитилди.

«Қани юринглар!» — дегандек мен ичкарига ишора қилган эдим, аёллар кўнишмади. Мезбоннинг келишини кутадиган бўлдик.

— Яхшимисиз? Тинчмисиз? Хўжайин қанилар? Ё бизни чақириб, ўзлари бошқа ёққа кетиб қолдиларми?

Умид шўх кулги аралаш чўрт-чўрт кесиб гапирарди. Аёл унинг гапларига жавоб бермади.

— Жуда яхши қилибсизлар-да! Қани ичкарига.

— Кўпчилик бўлиб келганмиз, икки машина!

— Қани бошқалар? Чақирайлик ичкарига!

Шу заҳотиёқ рўпарамизда ёқимли овоз эгаси, бизнинг хотинлардан ёшроқ, хушбичим жувон, унинг кетида оғзи қулоғига етиб илжайган Умид пайдо бўлишди. Унинг хурсандлиги аъзойидан билиниб турарди.

— Йўлакда туриб қолибсизлар-ку? Қани, ичкарига!

Ассалому алайкум!

Жувон эски қадрдонлардек, аёллар билан кучоқлашиб кўриша кетди. Кейин биз, эркаклар билан қўл беришиб сўрашди-да, ҳаммамизни ичкарига бошлади.

Деразалари кўчага қараган уйдан ўтишимиз билан катта ҳовли пайдо бўлди. Умид тўғри гапирган экан. Ҳовли сердарахт эди. Олма, шафтолиларнинг шохлари эгилиб ётарди. Уйнинг олдидаги баланд сўридан тоифи, шивилғони, қирмизи узум бошлари ёқутдек, олтиндек товланиб турибди.

Жувон равонга кўтарилиб, уйнинг ичига таклиф қилди.

— Ҳовлида ўтирақолсак-чи? — таклиф қилди Умид.

Аммо жувон кўнмади.

— Битта хонани муздек қилиб қўйганман. Қани марҳамат!

Биз оёқ кийимларимизни ечиб, нимқоронғи хонага кирдик. Муздек ҳаво гуп этиб димокқа урилди. Жувон баланд деразаларга тортиб қўйилган пардаларни йиғиштирди. Хона ёришиб кетди. У каттагина эди. Чор атрофга кўрпачалар ёзиб қўйилган, бурчакларда ёстиклар бир-бирининг устига тахлоғлик эди. Жувон хонанинг ўртасидаги хонтахта устига дастурхон ёзди. Ҳамманинг ўтиришини кутиб туриб, ўзи ҳам чўккалади-да, қўлларини фотиҳага ёзди.

— Хуш келибсизлар, меҳмонлар! — деди у ва ўрнидан турди. — Бир пас ўзинглар ўтириб туринглар. Мен ҳозир!

У қўлларини кўкрагига қўйганича орқаси билан чиқиб кетди.

Унга қараб турган Умид, ўзини тийиб туролмади. Хотинига ўгирилиб сўради:

— Сиз ҳам шундай орқангиз билан юраоласизми?

Хотини Сурайёхон, бировдан гап қарз оладиганлардан эмас эди, шартта узиб олди:

— Шунақа катта уй олинг, кейин синаб кўрасиз!

Беихтиёр кулги кўтарилди. Ҳаммамиз Умиднинг хотини, иккита боласи билан бир хоналик секцияда анчадан бери қийналиб яшаб келаётганини билардик.

— Толибжон маладец, ҳа, уйни бошлади. Катта қилиб юборибди, азамат!

Ҳаммамиз чиндан ҳам шифтлари баланд, деразалари кенг иморатни ҳавас билан томоша қила бошладик. Аммо ҳали битмаган, қорасувокда эди.

Анчагача жувон йўқ бўлиб кетди. Беихтиёр деразадан ҳовлига қарадим. Ҳовлида ҳам у йўқ эди.

Бир маҳал у қўлида катта мис баркаш кўтариб кирди. Четларига гир айлангириб, жайдари ундан ёпилган қип-қизил семиз тандир нони териб чиқилган, баркаш ўрик, олма, узум билан тўла эди. Жувон баркашнинг хонтахтанинг ўртасига қўйиб, олдидаги нонни ушатди.

— Қани, ўзинглар ушатинглар. Кеча опам ёпиб кетганлар. Ичида пиёзлиги ҳам бор. Шафтоли олиб кирмадим. Уни тагида узиб еган яхши. Ҳали ҳовлига чиққанда шундай қиласизлар. Ё олиб келайми?

Биз ҳозиржавоблик билан ҳаммамиз баровар йўқ, де-дик. Ҳали ҳовлига тушганимизда еймиз, дедик.

— Бўлмаса шуларни эрмак қилиб турунглари. Мен ҳозир!..

Жувон яна эпчиллик билан ўрнидан туриб чиқиб кетди.

Шу заҳотиёқ у ўчоқ бошида пайдо бўлди. Кўп ўтмай қовурилган пиёз, гўшт ҳиди димоққа урилди. Мен беихтиёр ўша томонга қардим. Аёл иккинчи қозон остига ҳам ўт ёқиб юборган эди.

Жувоннинг очик чеҳрасидан, кўрсатаётган илтифотидан эркаланиб кетиб, ўзимизни кўйиб юбордик. Аввал аёллар бир-бирлари билан шивирлашиб, ҳовлига тушишди. Жувон югуриб уларнинг олдига келди, нималарнидир гапириб кулдирди. Ҳаммалари қаёққадир ғойиб бўлишди, кейин уларни шоҳлари тиргович билан кўтариб қўйилган оқ зарғалдоқ шафтолиларнинг тагида кўрдик. Биз ҳам бир пас ҳангомалғшиб, ташқарига чиқдик.

Умид жувоннинг олдига, ўчоқ бошига борди.

— Ёрдамлашиб юборайми? Қўш қозонда нималар қилаяпсиз? Жуда катта ҳаракат қилиб юбордингиз-ку?!

— Ҳали ҳеч ҳаракат қилаётганим йўқ. Озиб-ёзиб келибсизлар, оёқларинг остида кўй сўйсам арзийди!..

— Хўжайинсиз ўтирганимиз қизиқ бўлаяпти.

— Келганинглари билиб, бошлари кўкка етади у кишининг. Қани овқатни сузаман. Юринглари!

Жувон гапиртиргани кўймай бизни яна ичкарига бошлади.

— Чақириб қолишган бўлса керак-да хўжайинни? Оти нима, Толибжонмиди? — дедим Умидга.

— Шунақага ўхшайди. Колхознинг жонига аро кирган йигит-да! Қўли гуллиги уйдан ҳам билиниб турибди.

Мен унга кўшилдим. Умиднинг ўртоғига хотиндан ҳам буюрган экан. Унинг ҳам кўли гуллиги шундай, ҳар бир ҳаракатидан сезилиб турарди.

Жувон иккита чуқур лаганда селлик, серпиёз курка гўштини олиб келди.

Умид иштаҳа очадиган гўзал овқатни кўриб ўзини тутолмади.

— Келин бу, Толибжоннинг яшириб қўйган дориларидан борми?

— Вой эсим қурсин! Ҳозир!

Жувон зум ўтмай ароқ, коньяк тўла шишаларни кўтариб кирди.

— Марҳамат. Боя эсимга келмаганини қаранг! Олинглари! Овқат совумасин. Мен ҳозир!..

У шошиб чиқиб кетди. Кўп ўтмай мен уни яна ўчоқ бошида кўрдим.

«Хўжайинининг йўқлигини ҳисобга олмаганда ҳаммамиз хурсанд эдик. Аёлнинг меҳмондўстлигидан ва кўнглимизни олганидан Умид ҳаммамиздан кўпроқ хурсанд эди. Икки гапнинг бирида Толибжонни, унинг ажойиб уста эканлигини мақтар, шундай одамнинг шу жувондан бошқа хотини бўлмаслигини, иккаловлари худди узукка тушган кўздек эканларини қайта-қайта такрорларди.

Ўша куни қандай кеч кирганини билмай қолдик. Аёлларнинг эсига уйда қолган болалари, бизнинг эсимизга эса эртага қиладиган ишларимиз тушди.

Аёлнинг қисташига қарамай тўйдагидек ажойиб ошдан сўнг, ўрнимиздан турдик.

— Бу ҳисобмас, бошқа келасизлар, — деди аёл фотиҳадан сўнг. — Шошиб қолдим...

— Ийя! — ҳайрон бўлди Умид. — Толибжон айтмовдиларми?

Аёл хайрон бўлиб бошини кўтарди.

— Толибжон? Қайси Толибжон?

Ҳаммамиз ялт этиб Умидга қарадик. У кўзларини катта очиб, аёлга тикилиб қолган эди.

— Авто... автомобилчи Толибжон-да? — сўради ниҳоят.

— Вой! Толибжон Хайдаровми? Завгаримиз? — аёл дарҳол жавоб берди. - У киши икки кўча нарида туради.

— Шунингга нега боя айтмадингиз? — жиндек зарда ва ўкинч билан сўради Умид.

— Вой меҳмондан азиз одам бор эканми? Омон бўлганларида, ўн чандон яхши кутардилар. Ҳали ҳам келганларингдан руҳлари шод бўлади, биламан.

Умид ҳаммамизни ўтиришга таклиф қилди. Шивирлаб тиловот қилди. Кўчага чиққанимизда аёлнинг исмини сўради.

— Умида, — деди аёл.

— Адаш эканмиз. Ака-сингил бўлдик энди, Умидахон. Бизникига албатта борасиз. Ўзимиз Сурайё билан келиб олиб кетамиз.

Аёл бошини эгиб жилмайди.

Ҳаммамиз у билан ҳам уялиб, ҳам ғурурланиб хайрлашдик.

Катта йўлга чиққанимизда, Умид машинасини тўхтатиб, тушди-да, менинг машинам олдига, аёллар билан маслаҳат қилгани келди.

— Бўлар иш бўлди. Мени кечиринглар. Ўн минутга бўлса ҳам Толибжон завгарникига кириб кетайлик. Мендан кўнгли қолмасин.

Аёллар розилик беришди. Автомобилчи Толибжон ҳеч қаёққа чиқмай эрталабдан бери бизни кутиб ўтирган экан. Янгидан меҳмондорчилик бошланди. Ҳеч ким овқатга қарамади, ҳамма бири олиб, бири кўйиб, умрларида биринчи марта кўрган бегона аёлнинг меҳмондўстлигини гапирарди.

Умида ҳаммамизнинг энг яқин одамимиз бўлиб кетган. Тез-тез учрашиб турамиз. Умид хотини билан уни узатишни ўйлаб кўп ҳаракат қилди, аммо Умида кўнмади. Битта қизи бор. Биз меҳмонга борганимизда у лагерда эди. Ҳозир университетни битирапти. Бизнинг ёрдамимиз шу бўлди. Умиданинг фикри-зикри шу ҳақида, унинг келажагида. Қиз худди онасининг ўзи, ҳаракатлари, қарашлари, зехни ва ақли билан биз бундан йигирма йил бурун кўрган жувонни эслатади.

*1992 йил*

## ХОТАМТОЙ

(Эртақнамо ҳикоя)

Холпошшанинг дадаси ўгай онаси билан бозордан янги палто, этик олиб келиб беришди. Этик баланд кўнжлик, ичи жун, иссиқ эди. Ранги ҳам чиройлик, пальтосига ўхшаган оч қизил. Аммо палто алламбало эди. Ёқалари кенг, тиккатик, қайтарма чўнтаклари катта. Қизини янги кийимда кўриб, дадасининг кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Она қизим!.. — деди у ва қучоқлаб пешонасидан ўпди.

— Умрингиз узоқ бўлсин, катта қиз бўлиб шунақа палтолاردан қўша-қўша кийинг! — деди ўгай онаси унинг елкасига қоқиб. — Шундай кўрдим-у, маҳкам ёпишдим! Дадангиз ҳам савдолашиб ўтирмадилар, сўраганини бердилар-қўйдилар. Бўлмасам бошқалар илиб кетарди!...

— Раҳмат, — деди уялиб Холпошша ва эшик ёнидаги тош ойна олдига бориб ўзига қаради.

Ҳеч ким уни олтинчи синф ўқувчиси демасди янги кийимда. Камида тўққизинчи синф ўқувчиси, кап-катта қиз дер эди.

— Кўчага чиқиб келсам майлими? — сўради у ойнадан кўз узмай.

— Боринг, тасаддиқ, айланиб келинг, — деди ўгай онаси.

Холпошша эҳтиётлик билан оёқ босиб кўчага чикди. Қишнинг ўртаси бўлишига қарамай, кунлар унча совуқ эмас эди. Аммо ҳар куни бўлмаса ҳам, кун ора, икки кунда бир қор учкунлаб қолар, ерни юпка муз қоплар эди. Ҳозир ҳам ҳаво булут, қуёш тафти сезилмас, аммо ер қуруқ эди. Холпошша эшикни ёпиб, катта кўча томон юрди. Дам олиш куни бўлганиданми, кўчада ҳеч ким кўринмас, ҳар куни уларнинг деразалари тагида ўйнаб, гаплашиб турадиган маҳалла қизлари бугун кўринмасди. «Балки улар катта кўчададир?» — ўйлади ўзича Холпошша. Аммо катта кўчада ҳам ўртоқлари кўринмади. Уйларига киргани эса уялди. Янги кийимларини кўрсатгани келибди, деб ўйлашлари мумкин. Ҳозир янги кийим кийган одам бировга ёқади, бировга ёқмайди.

Холпошша орқасига қайтди. Этик каттароқ, лопиллаб турарди. Лекин барибир янги, иссиқ. Қишнинг ярмини у юпка ёзги туфлида, калишда ўтказди. Энди этикни маза қилиб кияди, учига озгина пахта тиқиб қўйса бўлди, лопилламайди. Палто бўлса, худди қуйиб қўйгандек. Бунинг устига қалин ҳам эмас, юпка ҳам эмас. Айтиш Тошкент қишларида киядиган палто.

Уйига икки ҳовлича қолганда, ўртоғи Зулайҳонинг синглиси темир дарвозаларидан мўралаб кичқирди:

— Холпошшапа! Моро бўсин!

— Раҳмат! — деди оғзи қулоғига етиб Холпошша. Эртасига мактабга янги кийимларини кийиб борди. Аммо синфида уни ҳеч ким табрикламади, эътибор ҳам бермади. Фақат она тили ўқитувчиси ёзув тахтаси ёнида осифлиқ турган кийимлар орасида унинг палтосини кўриб мақтади:

— Кимники бу? Чиройли экан! Шунда уч-тўртта қиз бараварига:

— Холпошшаники! — дейишди.

— Буюрсин. Эскитиб-эскитиб кий, қизим! — деди ўқитувчи.

Бир ҳисобда ўртоқларининг уни янги кийимлар билан табриклашмагани ҳам яхши бўлди. Уялиб кетарди, ўзини қаёққа қўйишни билмай қоларди.

Танаффус пайтларй қизлар палтолларини худди катталардек елкаларига ташлаб дахлизга чиқиб кетишарди. Холпошша бундай қилмади. Лекин ҳар гал синфга қайтганида, беихтиёр палтосига қараб қўярди. Палто чироқнинг ёруғида турли рангда товланиб, кўзини камаштирарди.

Катта танаффусдан кейин синфга кириб, палтосига қаради-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Кимдир ҳафсала билан енглари, иккала чўнтаги, ёқаларини оқ бўр билан чизиб чиққан эди. Холпошша шошиб палтони илгақдан олди, аммо нима қилишини билмай жойида туриб қолди.

Ҳечкимга қарамаса ҳам, кўпчилик, бутун синф унга тикилиб турганини сизди. Томоғига келиб тиқилган йиғини зўрға ушлаб, партаси томон юрабошлаган эди, ўқитувчи кириб уни тўхтатди.

— Дарс пайти палто билан қаёққа кетаяпсан? Илиб қўй жойига!

Холпошша шундай қилди. Аммо дарс тугагунча кўзларини оққа бўяб ташланган пальтосидан ололмади.

Қўнғироқ чалинганда, у югуриб бориб пальтосини олди-да, партаси устига ёзиб рўмолчаси билан арта бошлади. Қизлар уни ўраб олишди, даҳлизга чиқишмади.

— Ҳафа бўлма, доғ бўлмайди, — деди кимдир.

Кимдир Холпошшани ёнига ўтиб, палтонинг иккинчи томонидан арта бошлади.

Нихоят дарслар тугади. Аммо Холпошша кетишга шошилмади. Палтосини синчиклаб қараб чиқди. Оқариб турган жойларини яна артди. Ҳеч қаерда доғ қолмаганини кўрганидан кейин синфидан чиқди.

Ўртоқлари аллақачон кетиб бўлишган эди. У катта кўчани кесиб ўтиб, ўз кўчаларига бурилганда, олдидан иккита йигит чиқди. Иккалови калта палто кийган олифта йигитлар эди. Холпошша уларни кўриб беихтиёр тўхтаб қолди. Юраги дукуллаб уриб кетди. Йигитлар унга яқинлашиб, илжайишди. Биттаси унинг елкасига бир қўлини қўйди-да, иккинчи қўли билан палтосининг тугмаларини еча бошлади.

— Нима қилаяпсиз? — кўркув аралаш сўради Холпошша.

— Овозингни ўчир! — илонга ўхшаб вишиллади иккинчи йигит. Шу пайт нимадир чирк этди. Унинг қўлида пичоқ ярақлай бошлади. — Бақирсанг, биқинингдан дарча очиб қўяман.

У гапини тугатгунча биринчи йигит Холпошшанинг устидан пальтосини ечиб бўлган эди.

— Этиги ҳам янгига ўхшайди, қара! — деди иккинчи йигит.

— Еч! — дўқ қилди биринчи йигит. — Ё ўзим ечиб олайми?

Холпошша қўллари қалтираб этигини еча бошлади.

— Жон акалар! Раҳм қилинглар. Бошқа киядиган ҳеч нарсам йўқ. Дадам зўрға олиб берганлар кеча.

— Овозингни ўчир! Омон қолганингга севин.

Қаёқдандир «Жигули» машинаси пайдо бўлиб ёнларида тўхтади. Иккала йигит палто билан этикни қўлтиқлаб, ўзларини машина ичига отдилар. Машина чийиллаб, силтанди-да, учиб кетди.

Холпошша юпка пайпоқда, жигарранг кўйлаги, қора фартугида қолди. Даҳшатли воқеа содир бўлганини у энди тушунди, аммо кўзига ёш келмади. Машина кетган томонга қараганича жойидан қимирламади.

Иккинчи сменадаги болалар гур этиб олдидан ўтишганида, ўзига келди. Уйига оёғи тортмади, чўчиди. Оғир касалликдан сўнг, беш йил олдин қазо қилиб кетган онаси тирик бўлганида балки чўчимасди. Ўғай онасидан ҳам чўчигани йўқ, кўпроқ уялди. У дадасидан ҳам кўра шу ўғай онаси хархашаси билан янги этик, палто олиб келишганини биларди. Ўғай онаси уни яхши кўрарди. Шундай бўлса ҳам у мактабига қайтди. Дарс бошланган, ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. У даҳлизга кўтарилиб, ўз синфи томон юрди. Бахтига синф бўш эди. Ичкарига кириб, эшикни ёпиши билан хўрлиги келиб кетди, ўзини тўхтата олмай йиғлаб юборди. Анча йиғлади. Рўмолчаси жикқа хўл бўлди. Кейин ўз жойига ўтириб, лўкиллаб оғрий бошлаган бошини қўллари устига қўйди.

Ўғай онаси, она тили ўқитувчиси, яна аллакимлар уни қидириб топишганда, қоронғи тушган, юз-кўзлари, бутун бадани оловдек ёнарди.

— Бош-кўзингиздан садақа, болам! Шунга қуясизми? Битта палто экан-ку, мен сизга ўнтасини олиб бераман. Фақат қўрқитманг, кўзларингизни очинг, болажоним!

Алахсираб ётган бўлса ҳам Холпошша ўғай онасини таниди.

— Кечиринг, ойи...



— Қизгинам, болажоним!

Ўғай онаси уни кучоқлаб, иссиқ пешонаси, ёниб турган лабларидан ўпди.

Холпошша икки ҳафта иситмалаб ётди. Кейин секин ўзига кела бошлади. Кўзлари тиникдашганини, иссиғи босилганини кўриб ўғай она ўзида йўқ севиниб кетди.

— Жуда кўрқитиб юбордингизу, қизим, — деди у жилмайиб. — Касалхонага олиб кетишмоқчи эди, бермадим. Уйда ўнгланиб кетасиз.

У Холпошшанинг ёнига ўтириб, муздек пешонасига қўлини қўйди.

Холпошша миннатдорлик билан кўзларини унга қадади.

Юрадиган бўлганида милициядан, прокуратурадан келишиб, ўша ўғри йигитларни сўрашди. Холпошша уларни танимаслигини, иккалови жинси шим — калта палтода эканлари, бошларида кундуз телпак, оёқларига тўтиранг кеди кийиб олишганини, биттасининг пичоқ ўқталганини, ингичка қора мўйлови борлигини айтиб берди.

— Кўрсангиз танийсизми? — сўрашди ундан.

— Танисам керак. Танийман, — деди Холпошша.

Ҳовлига тушиб, кўчага чиқадиган бўлганида бирдан совуқ тушди. Чилла чиқишига оз қолган бўлса ҳам бу кутилмаган совуқ калин қор олиб келди. Сурункасига икки кун ёғди.

Ўша кунлари ундан хабар олгани келган туман шифокори билан ўғай онасининг гапларини эшитиб, кайфияти бузилиб кетди.

— Илтимос, опўси. Справкасини чўзиб беринг. Оёғида ҳеч нарса йўқ бу қорда киядиган. Яқшанбада бозорга бориб оёғига, энига у бу олиб бераман. Озгина пул йиғиб қўйдим.

— Бўпти, опа. Хафа бўлманг, — деди врач. — Энг муҳими, қизингиз оёққа турди.

Ўша куни Холпошша деярли ухлолмай чиқди.

Дадаси, ўғай онасига у жуда ачиниб кетган эди. Хаёлидами, тушидами ўша олифта йигитларни кўрди. Қидириб топди. Иккалови билан муштлашиб, кийимларини қайтариб олиб келди. Ўғри йигитлар йиғлаб, ундан кечирим сўрашди, иккинчи бундай аҳмоқлик қилмасликка ваъда беришди. Шу туши ё хаёли таъсиридами, у тонгга яқин ухлаб қолди. Уйғонганида уйда ҳеч ким йўқ эди. Олдида бир товоқ қовоқ сомса билан чой турарди. Чойнакнинг тагига хат кистириб қўйилган эди.

«Холпошша, ишга бормасам бўлмайди. Дадангиз ҳам кетдилар. Тушлик овқат қозонда. Иситиб ичинг».

Холпошша ўрнидан турди. Ювиниб энди чой ичгани ўтирган эди, кўча эшик тақиллади.

Холпошша ойисининг рўмолига ўраниб, ҳовлига тушди.

— Ким? — сўради у.

Ҳеч ким жавоб бермади. Тўпиғигача қорга ботиб Холпошша эшикка борди.

— Ким?

Яна ҳеч ким жавоб бермади.

У эшикнинг занжирини олиб, кўчага қаради.

Ҳеч ким йўқ эди.

Холпошша ҳайрон бўлиб эшикни занжирлади. Орқасига ўгирилганда эшикнинг ёнида турган тугунга кўзи тушди. Тугуннинг устида хат бор эди.

Конвертни йиртиб, ўқий бошлади:

«Ҳурматли Холпошша! Бошингга тушган ташвишдан, анчагина бетоб бўлиб ётганингдан хабаримиз бор. Қайғурма. Энди сенга ҳеч ким тегмайди, ҳеч ким хафа қилмайди. Лекин билиб қўй, ҳали бу ҳаётда кучи ожизларгагина етадиган ноинсофлар, ҳаромхўрлар оз эмас. Минг афсус, уларнинг бир гуруҳига сен дуч келиб қолдинг. Энди хавотир олма. Яхши ўқи. Сарполаринг муборак бўлсин. Ҳотамтой».

Холпошша қаттиқ ҳаяжон билан уйга кўтарилиб тугунни ечди. Ўғри йигитлар ечиб олган палтодек юмшоқ, иссиқ қизил палто чиқди ундан. Палтонинг тагида тасмалик, худди шундай

қизил ранг этик турарди. Унинг тагида эса целлофанга ўралган бир нечта кўйлак бор эди. Тугуннинг энг тагида қоғоз кути кўринди. Дарров очди. Бу елкага ташлаб юрадиган, худди этигининг рангидаги яримой нусха сумка эди.

Холпошша негадир чўчиб, нарсаларни кўйди-да, хатни янгидан ўқиб чиқди. Хат унга ёзилганига, нарсалар унга олиб келинганига шубҳаси қолмади.

Аввал уялинкираб этикни кийди. Лойиқ келди. Кейин палтони кийди. Палто ҳам худди унга атаб тикилгандек эди.

Тошойна олдига бориб, ўзига қаради.

Анчагача кўзларини узолмай турди. Кейин шу туришида бошига ойисининг рўмолини ташлаб ҳовлига тушди. Оёқлари остидаги қалин қор ғарчиллаб кетди.

Кўчага чиқди. Ҳеч ким кўчада кўринмади. Катта кўчага — боргани кўрқди. Бир пас у ёқ-бу ёққа қараб турди-да, охишта уйига кирмоқчи бўлганда, кимдир уни чақирди.

— Холпошшапа!

Икки ҳовли нарида турадиган ўртоғи, дарвозалари олди-да унга қараб турарди.

— Моро бўсин!

— Раҳмат, — деди Холпошша ва шунча кундан бери биринчи марта жилмайди... — Раҳмат!...

Хаёлидаи нотаниш меҳрибон одам Ҳотамтой ўтди. У бундай одамни эртақларда эшитган эди. Ҳақиқий ҳаётда ҳам бор экан. Унинг чин юракдан айтган иккинчи раҳматини шу ҳақиқий ҳаётдаги Ҳотамтойга бағишлаган эди.

*1993 йил.*

## ОҚСОҚОЛ

Уларни соқов ўтинчи кўриб қолди. Кўрди-ю, таққа тўхтади. Улар ёнма-ён, қўлларини бир-бирларининг елкаларига ташлаб, булоқ бошида ўтиришарди. Ўтинчи йигитни таниди. Қабила бошлиғининг ёлғиз ўғли Мардон эди. У худди ўлжасини пойлаган қоплондек улардан кўз узмай бир муддат қотиб турди. Кейин булоқ бошига бориши мумкин эмаслигини тушунгач, томири тортиша бошлаган оёқларини зўрға судраб, ўзини пастак тоғолча панасига олди.

Қанча эҳтиёт бўлмасин, оёқлари остида нимадир дўқирлаб думалади. Унинг назарида момоқалди роқ гумбурагадек бўлди. Ингичка бўйнини елкалари орасига олиб, кўзларини юмди. Муштумдек тош думалаб-думалаб, кўм-кўк арча танасига урилиб тўхтади. Ўтинчи кўзларини очиб, қақдини ростлади. Йигит билан қиз ҳеч нарса сезмаган-эшитмагандек, олдиларидаги булоққа термулганларича ўтиришарди. Ўтинчи севиниб кетди. Кўпдан бери бундай томошани, йигит ва қизнинг бир-бирларига ёпишиб ўтиришларини кўрмаган эди. Тамшаниб, нималарнидир ўзича шивирлади. Йигит қўлини қизнинг елкасидан олиб, ингичка, ҳаворанг боғич билан боғланган, белига тушиб турган қалин қора сочларини силай бошлаганда, бутун вужуди билан тўлғониб, инграб юборди, шошиб қатирма бошмалдоғини тишлади. Сўнг бу ҳам етмай, чўккалаб олди, яғир кафтлари билан ёшланган кўзларини ишқалади. Қабиланинг ягона тегирмончиси кақобга атаб буюрган хушбўй арча ўтин хаёлидан кўтарилиб ҳам кетди. Тўй бўлар экан, ўзича хулоса қилди у. Йигитлар билан қизлар шундай, бир-бирларини силаб ўтиришганидан кейин кўпинча тўй бўлади. Оқсоқолнинг ўғли Мардон уйланар экан демас. Роса ўтин керак бўлади ўшанда. Арча топиб келишни ҳам буюришади. Арча ўтинсиз кақоб қилиб бўлармиди?! Меш-меш булоқ суви ҳам ташилади. Тўйда у маза қилади. Иссиқ нон ейди, қолган-қутган овқатларни, чала тозаланган устихонларни беришади. Катта гулхан ёкилади, тонг отгунча ўйин-кулги бўлади...

Тўй яхши. Аммо унинг учун тўйдан ҳам манави, кутилмаган оёқ остидан чиқиб қолган текин томоша яхши эди. «Мазза қилишяпти!..» — тамшанди ўтинчи улардан кўзларини узолмай.

Йигит қизнинг сочларини гижим қилиб қўлига ўради, юзига олиб бориб суртди-да қўйиб юборди. Қиз хақолаб кулди, бошини силкитган эди, сочлари орқаси билан битта бўлиб ёйилиб кетди.

Ўтинчи овоз чиқармай гўлдиради, кўзлари намланди, қирра даҳани осилиб кетди. Унинг учун ҳозир Мардондан бахтли одам йўқ эди. Мардонга болалигидан ҳаваси келади. Оқсоқолнинг ўғли. Кийим-боши доим бут. Қорни тўк. Биқинида баъзан тилла, баъзан кумуш ханжар. Тагида қабиланинг энг зотли, учқур оти... Мана энди хотин ҳам оляпти. Зулукдек сочлари орқаси билан битта бўлиб турган қизни хотин қилипти... Унда бўлса, ҳеч вақо йўқ. Энг ёмони соқов у. Болалигида нимадандир қаттиқ кўрқиб тилдан қолган. Ота-онаси тириклигида кўп табибларга олиб боришди. Болани кўрқитиб, баланд дарахтнинг устидан сувга ташлаб кўришди. Ёлғиз ўзини бир-икки кун тоққа ташлаб келишди. Фойда бермади, соқовлигича қолди. Ҳамма гапни эшитади, тушунади, аммо гапиролмайди, тили оғзида ёнғоқдек гўлдираб айланади, гапга келмайди. Ўн йил бурун ер жойидан кўчганда ота-онасидан ажраб қолди. Эрталаб ҳовлида, тоқ тагида учалови нонушта қилиб ўтиришган эди, ер бир айланди-ю, уларни тортиб кетди. Ўша куни кўп одам нобуд бўлди, кўп уйлар бузилди. Ўтинчи, етти ёшли бола, нима бўлганини тушуниб ҳам етмади. Ҳали ҳам тушунгани йўқ. Фақат бир нарса оғиздан-оғизга ўтиб, унинг дилига ўрнашиб қолди. Гуноҳга ботганларни ер ютар экан. Лекин ота-онаси қандай гуноҳ қилишган — ўтинчи билмайди. Ўшандан бери улардан қолган бир уй, бир айвонда ёлғиз ўзи яшайди. Тўғрироғи, уйга тунагани келади. Қолган вақт далада, тоғда, одамлар хизматида. Уларнинг ҳиммати, садақаси билан куни ўтади. Бир неча бор Мардоннинг қўлидан ҳам сув ичган, лекин ич-ичидан зил кетган. Нега тенгқур бўлатуриб, иккалови икки хил яшайди? Нега унинг ота-онасини ер ютди-ю, Мардоннинг ота-онаси ҳаёт? Тагин қабиланинг энг бадавлат

одамлари. Нега у оёқяланг, Мардонда чарм ковуш? Нега у уйкудан туриши билан қорнини ўйлайди, Мардонга бўлса ялиниб овқат едиришади? Мана, ҳозир ҳам у ёлғиз, Мардон бўлса чиройли бир қизни кучоқлаб ўтирибди? Қиз ким бўлди экан? Қайси бахтли ота-онанинг фарзанди?

Ўтинчи уларни қанча ўйламасин, қанча тикилмасин, орқа ўгириб ўтиришганидан қизнинг кимлигини билолмади. Ёввойи олма, тоғолчалар панасидан айланиб ўтиб қарашга чўчиди. Уёқдан, тоғ томондан қараб, унинг кимлигини билиб олиш мумкин эди, лекин Мардон кўриб қолса, томошаси бурнидан булоқ бўлиб чиқади. Мушти билан уриб новвосни ағдарганини ўз кўзи билан кўрган.

Шу тоб қизнингўзи ўрнидан туриб, булоқнинг нариги бетига ўтди. Ўтинчининг юраги орқасига тортиб кетди. Қиз уларнинг қабиласидан эмас эди! Бўйнидаги ойнусха қизил тумордан у ўғиз эди. Ўғизлар ўша, машъум фожиага, ер кўчганига қадар саклар билан қўшни эди, мол бериб мол, қиз бериб қиз олар эди. Ер кўчганда Қурама гумбураб кетди, теп-текис жойдан янги тоғ ўсиб чиқди. Иккала қабила бир-биридан бир зумда ажралди-қолди. Қирда юрган қорамолнинг ҳаммаси ўғизларга ўтиб кетди, Қорадарё суғориб турган мевазор, экинзорлар сакларга буюрди.

Шу дахшатли фожиадан кейин иккала қабила бир-бири билан юзкўрмас бўлиб кетди. Ўғизлар сут-қатиғини қизғана бошлади. Саклар дон-дунини бўлишгиси келмади. Ўзбошимчалик қилганлар, тоғ ошиб мол алишганлар иккала томонда ҳам қораланиб, жазоланадиган бўлди. Уч йил бурун сак қизини етаклаб келган йигитни ўғизлар қиз билан бирга тошбўрон қилиб ўлдириб юбордилар.

Ўтинчи шуларни биларди. Ҳаяжон ичида бир нарсалар деди ўзича гўлдираб ва қиз кетидан йўл олган Мардонни кузата бошлади. Мардон булоқни айланиб ўтиб, қизнинг кўлидан олди. Иккаловлари бир-бирларини кучиб, тоққа кўтарила бошлашди. Ўтинчи бутун вужуди билан титраб кетди. Улар худди ўйноқлаб кетаётган иккита жайронга ўхшардилар. Булоқдан икки терак бўйи баландликда аждаҳодек оғиз очиб турган ғор бор эди. Йигит билан қиз шу томонга юришди. Ўтинчи ичини тимдалай бошлаган қарама-қарши ҳислар қуршовида уларга бирпас қараб турди, кейин бирдан қўлларини мушт қилиб, бир-бирига урди-да, пастга отилди. Йўлни қисқартиш мақсадида дарё устидаги ингичка осма кўприқдан ўтди-ю, олмазор ичига шўнғиди, ундан ўтиб қовунполиз ёқалаб кетди. Йўл-йўлакай текин томоша ишқибозлари чиқиб унга эргашишди. Нима бўлганини билишмаса ҳам ўтинчининг авзойидан жиддий бир нарса содир бўлганини сезишган эди.

Ўтинчи кўрғонга кириб борганда, оқсоқоллар қароргоҳи олдидаги майдон одамга тўлиб кетган эди. Кўп ўтмай қароргоҳ ичидан Оқсоқол, қабила улуғлари чиқишди.

— Тинчликми? — сўради Оқсоқол.

Ўтинчи бор ақли, ҳаяжонини жамлаб, чўзиб ингради, кафтлари билан чеккаларини қисиб, бошйни сарак-сарак қилди.

— Нохуш ҳодиса юз берганга ўхшайди. Шундайми, ўғлим?

Оқсоқол ўтинчига яқинлашди. Ўтинчи яна инграб юборди, ёнида турган ўспиринни тирсагидан тортиб, Оқсоқолнинг олдига олиб борди.

— Тоғда бир хотин билан бир эркакни кўрибди. Булоқ бошида кучоқлашиб ўтиришганмиш, — тушунтирди ўспирин.

Соқов ўтинчи бошини қимирлатди.

Ҳамма кулиб юборди. Оқсоқол ҳам жилмайди.

— Шуми?

— Йўқ. Аёл ўғиз эмиш.

Ўтинчи ўспириннинг гапларини эшитиши билан чапак чалиб юборди. Қароргоҳ олдида турганлар бирдан жимиб қолишди.

— Яна нима демоқчи? — сўради Оқсоқол жиддийлашиб.

Ўтинчи бошини ўйнатиб, қўллари билан ҳавода доира чизди.

— Ғорга кириб кетишибди...

Ўтинчи тилмочнинг гапини тасдиқлаб, бош ирғади.

— Нима дейсизлар? — сўради Оқсоқол.

Рўпарасида турган чўкки соқол мўйсафид, жавоб қилди:

— Нима дердик? Уларни олиб келиш керак. Соқов ҳақ гапни айтаётган бўлса, иккалови жазога маҳкум...

Ўтинчи ёнида турганлар орасида: «Тўғри! Уларни тутиб келиш керак!» деган овозлар янгради. Оқсоқол кўкрагига тушиб турган қалин мошкичири соқолини силаб, қабила улугларига яна бир қараб чиқди. Ҳеч ким бошқа гап айтмади.

— Бўпти. Олиб келинглар!

Оқсоқолнинг хотиржамлик билан берган қароридан ўтинчи севиниб кетиб, чапак чалиб юборди. Шу заҳоти ўн чоғлиқ одам уни олдига солиб йўлга тушди.

Йигит ва қиз ўтинчининг қилмишларидай беҳабар салқин ғор ичида ўзларининг кўпдан бери азоб бериб келаётган нохуш ўйларига ғарқ бўлиб ўтиришарди. Албатта иккалови ҳам учрашганларидан, дийдор кўришганларидан шод эдилар, аммо хуфёна учрашувлар бир кун эмас, бир кун тугаб, унинг ўрнини чексиз, ўлим дамларигача чузилиб берадиган айрилиқ эгаллашини ҳам билишарди. Бирдан-бир чора ўз юртларидан бош олиб кетиш эди. Аммо қаерда уларни очиқ чехра билан кутиб олишлари мумкин? Қаерда улар тинч бўлишади? Буни иккалови ҳам билмас эди. Уларга бировларнинг ҳиммати керак эмас, тегишмаса, ўз ихтиёрларига қўйиб беришса бўлди эди, аммо қаерда, қайси халқ шундай қилади? Мардон уларни тутиб, ўз қабилаларига қайтариб беришларидан қўрқади. Шундай қилишса, иккалови ҳам омон қолмайди. Ў ўлимдан, айниқса, севгилиси, Парвина учун жон беришдан чўчимасди, фақат Парвинага ачинарди. Уни омон қолдиришсин-у, ўзини нима қилишса қилаверишсин — рози. Аммо ундан сўраб ўтиришармиди...

Парвина яна онаси билан гаплашиб кўрмоқчи бўлди. Онаси ақлли хотин, тушунар ахир. Наҳотки ёлғиз қизининг бахтига бефарқ қараса? Мардон қочиб кетишдан бўлак чора йўқлигини айтди. Беш панжа баробар эмас, тинч, бир-бирлари билан ахил, иззат-ҳурматда яшаб келаётган эллар ҳам бордир бу дунёда? Парвина рози бўлди, фақат кейинги учрашувгача сабр қилишни сўради. У онаси билан гаплашиб кўради. Мардон миннатдорлик билан уни қучиб, ўзига тортди.

Шу пайт ғорнинг оғзида шовқин бўлиб кетди. Одамларнинг ғўнғир-ғўнғир товушлари, тошларнинг гумбураб думалагани эшитилди. Парвина титраб, Мардонга яқинроқ сурилди. Мардон уни бағрига босар экан, найза нур тушиб турган ғор оғзига тикилди.

— Ҳой, ошиқ-маъшуклар! Қани, дарров чиқинглар! Бўлмаса ўзимиз олиб чиқамиз!

Ҳар бир сўз ғор ичида акс-садо бериб, гулдуради. Ғор оғзида қаттиқ кулги кўтарилди, яна овозлар янгради. Кимдир ғазаб билан бўқирди. Мардон таниди. Соқов ўтинчи эди. Бу томонларга фақат у келиши мумкин. Ҳамма нарса равшан: одамларни у етаклаб келган. Демак, ғор олдида ўзининг қабиладошлари.

— Нима, кармисанлар? — ўшқирди йўғон овозли одам. — Тезроқ, чиқларинг!

Соқов ўтинчи яна бўқирди. Мардон Парвинани қўйиб, ўрнидан турди.

— Қаёққа? — қўрқиб сўради қиз.

— Қўрқма. Булар ўзимизникилар. Сен жойингда ўтиравер.

Парвина бошини силкиди.

Ғор орзидагилар тоқатсизлик билан қичқира бошладилар. Кимдир тош отди. Тош шақирлаб Мардоннинг оёғи остигача думалаб келди. Кимдир сўқиниб, гур-р кулги кўтарилди.

Мардон ғордан чиқиб борди-го, улар бирдан жимиб қолишди.

— Ие, сенмисан, Мардон?! — деди ҳайрат ичида йўғон овозли одам.

Мардон уни таниди. Қабила йигитбошиларидан Алмонзарда эди. Унинг бирон марта бировга кулиб боқмагани, оғзидан яхши гап чиқмаганидан аёллар уни исми билан атамай «зарда» деб чақирарди.

— Нима шовқин, нима тўполон? — деди Мардон Зарданинг қаршисига келиб.

— Соқов бир хотин билан эркак шу ёқда юрганини айтди. Отанг юборди бизни, — жавоб қилди Зарда.

Мардон ер остидан ўтинчига қаради.

— Эрталабдан бери шу ердаман, мен ҳечкимни кўрганим йўқ-ку. Балки тушида кўргандир бу?

Мардон жилмайди. Кимдир унга хушомад тариқасида хириглаб кулиб қўйди. Кўпчилик индамай бошини куйи солди.

— Қайтаверинглар, уларни кўриб қолсам, ўзим олиб бораман.

Баъзилар кулоқ солиб, орқаларига бурилишди. Шу тоб ўтинчи қаттиқ кичкириб юборди. Мардон ўгирилиб қарагунча, қоплондек сакраб, ғор ичига шўнғиди. Ҳамма жой-жойида тўхтаб қолди. Мардон фалокат юз берганини тушунди. Ҳозир Парвина чиқади. Соқов олиб чиқади уни. Бирон нарса қилиш керак. Шунини ўйлаб, ғор оғзига яқинлашди. Аммо Зарда узун, саксовулдек қўллари билан унинг тирсагидан ушлади.

— Соқовнинг вазоҳати ёмон, аввал чиқсин, — деди у совуққонлик билан. Нима бўлганига унинг ақли етган эди. — Биров борми дейман?

Аммо у жавоб ўрнига бурни аралаш тушган мушт зарбидан кўзлари чакнаб, гандираклаб кетди.

— Ушла уни! — бақирди у ўзини ростлаб олар-олмас.

Мардон шундай бўлишини билиб ёнидан ханжарини суғурди, аммо ишлатиб улгурмади. Кимдир орқасидан келиб, кучоқлаб олди. Яна кимдир қўлига ташланди. Шу тоб бошига қаттиқ мушт тушди. Урган Зарда эди. Мардон букчайиб қолди. Аммо шу туришида бор кучини йиғиб, Зарданинг кўкрагига калла қўйди. Ғор оғзида ўтинчи кўринди, у Парвинани судраб чиқмоқда эди.

— Мардон! — жон; ҳолатда чақирарди уни Парвина.

Аммо Мардон у томонга югуриб улгурмади. Кимдир отган тош кўкрагига келиб тегди-ю, кўз олди жимиллаб кетди. Шу пайт кимдир устига тўр ташлади. Турмоқчи бўлган эди гарданига мушт тушди.

— Боғланглар! — буюрди Зарда. — Замбарда олиб кетамиз.

— Анави қанжиқни-чи? — сўради кимдир.

— Бўйнига арқон солиб, соқовга бер. Ўзи судраб борсин.

Одамлар бирпасда у айтгандек қилишди. Зарда қон тупуриб, қўл-оёғи чандиб ташланган Мардоннинг тепасига келди:

— Олишмаганингда шундай қилмасдик. Ўзингдан кўр.

Мардон индамади. Атрофга аланглаб, Парвинани излади. Унинг кўзлари жикқа ёш эди.

— Йиғлама, — Мардон бутун вужуди оғриқдан қакшаб турган бўлса ҳам жилмайишга ҳаракат қилди. — Эшитдингми, йиғлама...

Парвина ёшларини кафтлари билан артиб, бошини қимирлатди. Бўйнидаги арқон силкиниб кетди. Ўтинчи хавотирланиб, бир-икки тортиб қўйди.

— Соқов! — чақирди ғазаб билан Мардон. — Ичиқора эканлигингни билардим. Аммо сотқинлик қилишингни кутмаган эдим. Номард!

Ўтинчи ғижиниб ғўлдиради. Қўлини пахса қилиб, Зардага нималарнидир тушунтирди, арчадан замбар ясаб, Мардонни унга ётқизгунларича тинмай ўзича валдиради. Аммо ҳеч ким унга эътибор бермади.

Қуёш қизариб баланд чинорлар ортига ўтганда, кўрғонга етиб боришди. Оқсоқоллар

қароргоҳи олдидаги майдон одамга тўла, ҳамма бетоқатлик билан уларни кутарди. Қабила оқсоқоли замбарни ерга қўйишлари билан йигитни таниди. Таниди-ю, бўшашиб кетди. Оҳиста қадам босиб, унинг ёнига келди:

— Нима қилиб қўйдинг?

Кўпчилик унинг гапини эшитди ва нафасини ютиб, нима бўлишини кута бошлади.

— Мени кечиринг, ота, — деди эшитилар-эшитилмас Мардон.

Оқсоқол ўзи сезмаган ҳолда унинг бошига қўлини қўйиб, силай бошлади.

— Қизнинг оти нима?

— Парвина...

Оқсоқол ўғли бу сўзга бор меҳрини қўшиб айтганини пайқади.

— Ота!.. — Мардон бошини орқага ташлаб, кўзларини унга тикди.

Оқсоқол ўғлининг типратикан игналаридек қаттиқ ва қалин сочлари иситиб турган қўлини кўтариб, димоғига тутди. Чақалоқлигидан таниш бўлган бу ёкимли хид вужудини титратиб юборди. Аччиқ тер ҳидини сезиб турса ҳам унинг учун ўғлининг ҳиди гўдаклигидан бери ўзгармагандек эди. Наҳотки сўнгги марта шу ҳидни туяпти у? Шуни ўйлаб, чўккалагиси, ўғлини бағрига босиб кучгиси келиб кетди. Аммо бундай қнлолмаслигини биларди.

— Лаббай? — у бошини эгиб, ўғлининг кўзларига қаради.

— Уни қўйиб юборинглар...

Оқсоқол жавоб бермади. Демак, ўғли уларни қандай жазо кутишини билади. Шунинг учун ҳам ўзига эмас, унга раҳм-шафқат қилишларини сўраяпти. Содда бола!.. Наҳотки оломон раҳм-шафқатни билса?

Оқсоқол ўғлининг ортида турган қизга яқинлашди. Охудек экан. Ўғли чиройли қиз танлабди. Кимнинг фарзанди экан? У ўғиз катталарининг кўпини биларди. Ўзини тутишидан баобруў хонадонданга ўхшайди.

— Отанг ким?

— Фарасмон қўйчи, — бошини кўтармай жавоб килди қиз.

Оқсоқол эслади. Ўғизлар қабиласининг катта бойларидан эди Фарасмон. Йилқисининг саноғи йўқ. Агар қабилалар аввалгидек аҳил яшашганда, у жонжон деб шу қизни келин қиларди.

— Отанг тирикми?

— Йўқ, оламдан ўтганлар.

— Қачон?

— Ер кўчган йили.

— Ака, уканг борми?

— Акам, иккита синглим бор.

Оқсоқол тасалли топгандек бўлди. Ёлғиз фарзанд эмас экан ҳайтовур. Унинг бўлса, Мардондан бўлак фарзанди йўқ. Бир ўғил, бир қизи ёшига тўлмайд бу дунёни тарк этиб кетишди. Ёлғиз меросхўри Мардон. Усиз чол-камбир қандай яшашади энди? Оқсоқол яшиндек миясини ёриб ўтган саволни дарҳол бошидан ҳайдади, ўзи терс бурилиб орқасига қайтди. Қароргоҳ тош зинасида турган қабила улуғлари ўртани очиб, унга жой беришди.

— Нима қиламиз? — сўради қариялардан бири.

Оқсоқол гап нима ҳақда кетаётганини тушунди. Ҳозир ўғли ёки ўғиз қизининг ҳимоясига айтилган бир оғиз сўз бутун майдонни алғов-далғов қилиб юбориши ва қабилани иккига ажратиб ташлаши мумкин. Бу икки ёш, ўғизлар билан муносабатларни тўхтатиб қўйган аҳднинг қурбони бўлиши лозим. Улуғлар ва олдинги марҳум оқсоқолнинг бир оғиз гапи билан кўпчилик қадимдан қўшничилик одатлари бўйича яшаганлари ва шундай турмушдан манфаат кўриб келганларига қарамай, ер кўчиб, бошларига тушган қийинчиликлардан сўнг, топган-тутганларини фақат ўзлари, ҳеч ким билан бўлишмай баҳам кўришни қўшничиликдан афзал

биладиган бўлиб қолган эдилар. Гарчи бундай яшаш енгил бўлмаса ҳам йил ўтган сари бу аҳд одат тусига кира бошлади. Ўғизлар уларнинг қизларини, майли, гарчи ўғиз йигити билан қочиб кетиб гуноҳ қилган бўлса ҳам, тошбўрон қилиб ўлдириб юборганларидан кейин эса, ўртага тушган совуқчилик душманликка айланди, ер тагидан кўтарилиб чиққан Қураманинг янги қаноти чегара бўлиб қолди. Ким шу чегарани бузса, жазога тортилди. Икки ёш чегарани буздигина эмас, қабилаларнинг аҳдларини оёқости қилди. Бунинг устига саклар ҳали ўз фарзандларининг қасосларини олишгани йўқ. Оқсоқол дилида халқ буларни ҳам тошбўронга ҳукм қилади, бироқ гуноҳкорлардан бири унинг, қабила бошлиғининг фарзанди эканини назарга олиб, ҳукмни юмшатар, ўлимгача бормас деб умид қиларди. Шунинг учун ота эмас, оқсоқоллик мавқеъдан туриб жавоб берди:

— Нима қилардик? Эл нима деса шу.

Бу билан у мен қабиланинг холис хизматкориман, ўғлим ёлғиз фарзандлигини эътиборга олиб, ўзларинг инсоф билан ҳал қилинглари, дегандек бўлди. Улуғлар уни тушунишди, аммо ўзларини тушунмаганга солишди. Улардан бири Алмонга имо қилди.

— Оқсоқол ҳақ! — қичқирди оломонга ўгирилиб Алмонзарда. — Қонун ҳаммага бир! Иккаловининг жазоси ўлим!

— Ўлим! — икки-уч овоз оломон ичидан отилиб чиқди.

— Тошбўрон! — қичқирди яна кимдир Оқсоқолнинг орқасида.

— Тошбўрон! — қувватлади оломон орасида кимдир.

Оқсоқол бундай бўлишини кутмаган эди. Аяшмади ўғлини ҳам, унинг ўзини ҳам! У бўлса ҳаммага фақат яхшилик қилиб келган эди. Ҳеч кимнинг илтимосини ҳеч қачон қайтармаган эди. Ҳар доим ҳамманинг ҳолидан хабар олиб, бирини яхши сўз билан, бирини дон-дун билан кўнглини олиб келган эди...

Оқсоқол атрофига қаради. Мажлисларда унинг кўзига тикилиб, нияти, қарорини билишга, унинг ҳурматини қозонишга интилган қабила улуғлари ундан назарларини олиб қочишди. Мардон эса жим, ҳамма унинг охирги сўзини кутарди. Одат бўйича Оқсоқол ҳукмни тасдиқлаши керак эди. Ниҳоят, у ўзини тутиб қўлини кўтарди:

— Ҳукм эртага ижро этилади.

У алам ва ўкинчдан паст овозда гапирган бўлса ҳам ҳамма уни эшитди.

— Оқсоқолга узоқ умр! Оқсоқолга шараф бўлсин! — деган мақтовлар оломон устида аксадо бериб янгради.

Одамлар тарқалиб, майдон бўшаганида, Оқсоқол ўғлининг тепасига келди:

— Бошқа иложим йўқ эди...

Мардон жавоб бермади.

Оқсоқол уйга келиб, хотинининг авзойидан у фожиадан хабардорлигини сизди. Шунинг учун ҳеч нарса демади. Роҳила кўлига сув тутди, сочиқ узатди. Оқсоқол артиниб, узун равон тўрига ёзилган дастурхон ёнига бориб ўтирди. Шунда занаят ёнида турган тугунга кўзи тушди. Хотинининг қаёққа бормоқчилигини дарҳол билди.

— Ўғиз қиз... Парвина... кўҳликкина экан. Ўғлингнинг диди чакки эмас... — Оқсоқол лабининг мийиғида жилмайди. — Отасини танирдим. Фарасмон қўйчи... Келин қилганинда қизим дердинг.

Роҳила сезилар-сезилмас бош қимирлатиб кўйди. Юз берган фожиа олдида ўғлининг ўзбошимчалик қилгани унинг хаёлидан кўтарилган эди. Албатта у қиз билан ҳам кўришади, бағрига босади уни.

— Бунча қахларинг қаттиқ бўлмаса? У ҳали жуда ёш-ку?! — Роҳила бу саволни фақат эрига эмас, бутун қабилага қаратиб берди. Аммо саволи жавобсиз қолди.

Оқсоқол ҳеч нарса тотмади, юмшоқ болишни қўлтиғи остига олиб, ёнбошлади-да, кўзларини юмди:



— Узоқ қолиб кетма. Мен ҳам бораман.

Роҳила тугунни олиб, равондан тушди. Оқсоқол унинг оёқ товушлари тингунча кулоқ солиб турди. Тиниши билан кўзларини очиб, ўрнидан турди.

Нима қилиш керак? Қандай қилиб уларни қутқариши мумкин? Наҳотки ягона ўғлидан тонг отиши билан ажрайди? Ўз ўғлини ўз ҳукми билан ўлдирган одам қандай ота бўлди? Ҳукмни у чиқаргани йўқ, лекин унинг иштироки, сукути билан шу ҳукм чиқди. Кимни ўйлаб у шундай қилди? Ўзиними? Йўқ. У ҳеч қачон ўзини ўйламаган. Шунинг учун ҳам халқ унга ишонди. Бугун у шу ишончни йўқотгиси келмади, шу ишонч учун ўғлининг ўлимига розилик берди. Аммо энди ўн саккизга қадам қўйган йигит нима учун бир вақтлар пайдо бўлган зарурат сабаб ўлдирилиши керак? Икки эл юзкўрмас бўлиб нима ютди? Гап элда эмас. Эл дилида қўшничилик тарафдори. Аммо улуғлар қабул қилган қарорга қарши чиқишни истамайди. Бошига қийинчилик тушиб қолса, қабила омбори унинг учун беркилади, нони бутунлар, ўзига тўқлар ундан юз ўгиради. Шунинг учун индамайди, улуғлар айтганини килади.

Оқсоқол ўз эли ҳақида, унинг етти қулф остидаги фикр-ўйлари ҳақида шундай мулоҳазада эди. Ҳали ҳар битта одам ғоз туриб, дилидагини айтадиган давр келмаганини, хали емоқ-ичмоқ тақчиллиги туфайли, борнинг сўзи сўз эди. Борлар эса нима учун орттирганини, орттирмоқчи бўлганини биров билан бўлишиши керак? Оқсоқол бу тоифа халқ билан ҳам чиқишиб яшаш кераклигини билади. Бир кун келади, эл дарди, юрт дарди ҳамма манфаатлардан олдинга ўтади, ҳамма бир-бирига ҳурмат билан қарайдиган бўлади. Фақат шу даврни сунъий яқинлаштириш, худди ўғлининг топгани, Парвина эди шекилли исми, ўша бечора қизни бўйнига сиртмоқ солиб, зўрлаб келтиришгандек келтирмаслик керак. Агар шундай қилинса, ўғли билан унинг қайлиғи эмас, жуда кўп одам нобуд бўлиб кетади.

Оқсоқол хотини қайтгунча қоронғи ҳовлида юриб, қанча ўйламасин, ўғлини қутқариб қолиш, жуда бўлмаганда илтимосини адо этиш — қизини озод қилиш йўлини тополмади, ҳукм тўғрилигига, ҳозир бошқа илож йўқлигига ишона бошлади.

Роҳила қайтиб келиб, қўлидаги дастурхонни равонга улоқтирди-да, ўзини эрининг кўксига ташлади.

— Болам! Ёлғиз боламдан ажраб қандай яшайман энди? Ундан кўра мени тошбўрон қилишсин! Қонга тўймаганлар мени қийнаб-қийнаб ўлдиришсин, розиман! Уларни қўйиб юборишсин, айтинг! Қабила каттасимисиз ўзи, кимсиз? Наҳотки, ўз элингизга сўзингиз ўтмаса? Айтинг! Бир бало қилинг!

У эрининг кўкрагига муштлаб, ўзини тўхтатолмай йиғларди.

Оқсоқол индамай уни эшитди. Елкаларини силаб овутган бўлди. «Бир бало қилинг!» Нима қилиши мумкин? У оҳиста хотинини ўзидан нари итариб, кўчага йўл олди. У қанча ўйламасин, бир тўхтамга келолмасди. Фақат бир фикр ўзига озгина тасалли берарди. Ҳозир Мардонни кўриши керак. Тонггача вақт кўп эмас, унинг дийдорига тўйиб олиши керак. Кейин нима бўлса бўлади...

Ўғли билан қизнинг соқчилари алмашибди. Лекин учала соқчи ҳам уни таниди. Ўринларидан туриб, ўзларини четга олишди. Аммо Оқсоқол улар олдига борди:

— Йигит — ўғлим, биласизларми?

Соқчилар бошларини эгишди.

Оқсоқол белидаги чарм ҳамёнини ечиб уларга тутди.

— Мени бирпас холи колдиришлар. Хайрлашиб олай. Ўзим чақираман.

Соқчилар бир-бирларига қараб олишди. Оқсоқолнинг илтимосини рад этиб бўлмас эди. Ҳамёни олиб, учалови равоннинг орқа томонига ўтиб кетишди.

Оқсоқол аввал ўғлини ечди. Кейин қизни бўшатди. — Нима қиляпсиз, ота? — ҳеч нарсага тушунмай сўради Мардон.

— Оталик бурчимни адо этипман. Уйга кирма. Дархол Қорадарёдан ўтиб, кипчоқлар юртига

йўл ол. Ишонаман, эл кечиради. Ўшанда қайтасизлар.

Оқсоқол шошиб шу гапларни айтди-да, ўғлини бағрига босди.

— Қани, кетларинг энди!

— Ота!.. — бир нарса демоқчи бўлди Мардон.

— Кет! — ўшқирди Оқсоқол...

Тонг пайти кўрғоннинг бош майдонига келганлар кечаги «ошук-маъшуклар» ўрнида Оқсоқолни кўриб, нима бўлганини тушунишди. Ҳеч ким ҳеч нарса демади. Ҳамма нарса сўзсиз ҳам аён эди.

Жимликни соқов ўтинчининг бирдан уввос солиб йиғлаб юборгани бузди. У қаёқдандир Оқсоқол олдида пайдо бўлиб, ўзини унинг оёқлари остига ташлади. Бутун вужуди қалтираб йиғлар экан, бошини ерга уриб, нималардир деб гўлдирарди.

Оқсоқол тўлқинланиб кетди. Уни тушунишган эди. Ҳатто ақли калта соқов ўтинчи ҳам қилмишига пушаймон эди. Оқсоқол уни турғазмоқчи бўлиб энгашди, қўлларини ориқ елкаларига кўйди. Шу топ нимадир зарб билан чеккасига келиб урилди. Бош ёрилиб бамисоли бўлак-бўлак бўлиб кетди. Кимдир равон томондан отди шекилли? Оқсоқол ўша томонга беихтиёр кўз ташлаб улгурди. Алмонзарда унга ғазаб билан тикилиб турарди. «Тентак» — деди ичида Оқсоқол ва ўтинчининг устига йиқилмаслик учун турган жойида оҳиста чўккалади. Бир неча киши «гур» этиб равонга отилди. Улар нима қилмоқчи эканини Оқсоқол сизди. «Кўйинглар!» — демоқчи ҳам бўлди, аммо овози чиқмади. Кимдир унинг қўлтиғидан олди. Бошқа ҳеч нарса сезмади. Қулоғига чалинган сўнгги овоз аёл кишининг чинқириғи бўлди. Таниди. Роҳиласи эди. Негадир унинг икки қўлида иккита тош бордай эди.

*1994 йил.*

## ГАРОВ

Обиджон аканинг олтмиш йиллигига атаб берилган зиёфат кутилгандан ҳам яхши ўтди. Аввало айтилган одамларнинг ҳаммаси келди. Буюрилган овқатлар ҳаммага манзур бўлди. Машшоқларнинг иккала тўпи ҳам кеча охиригача хизмат қилди. Мақтовлар-чи! Обиджон аканинг ўзи шаънига айтилган гаплардан қувониб, ғурурланиб ўтирди. Зиёфатга ажойиб жой танланганини айтмайсизми? Анҳор лабига тушган пешайвонли чойхона оромижон жой экан. Бунинг устига совға-саломлар ҳам зиёфатга яраша бўлди. Кўпчилик конверт тутқазди. Сўнг Обиджон ака хотини Зайнабхон жлан ярим кечагача шу конвертларни очиб, кўришди. Ўн минг сўмлик конверт чиқмади, ҳисоб. Кўпчилик қирқ-эллик мингдан солибди. Ҳаммаси тагин таҳи бузилмаган беш минг, ўн минглик қоғозлар.

Зайнабхон олишнинг бермоғи ҳам бор, деган мулоҳаза билан эринмасдан бир дафтар тутиб, ҳаммасини ёзиб чиқди. Икки ярим миллионга яқин пул йиғилибди. Гап пулда эмас, совғаларда эмас, одамларнинг уларга бўлган муносабати, ҳурматида эди. Эр-хотин бошлари тоғдек кўтарилди, турли ўйларга бориб, иккиланиб берган зиёфатларидан хурсанд бўлишди. Обиджон ака куёвларини ҳам мақтади!

— Барака топишсин куёвларим! Ҳаммаси чопиб-чопиб хизмат қилишди, — деди у гап орасида йирик қўллари билан кўкрагини силаб, — Содикжон ҳам, Ҳафиз ҳам тиним билишмади.

— Илгаридан улар шунақа, — Зайнабхон эрига бошқача меҳр билан қараб қўйди. — Иннайкейин сиз ҳар куни олтмишга қирармидингиз?

— Барибир барака топишсин. Ўзимга келиб олай, бир иккаловини қизларинг билан чақираман, ўтиришамиз. Нима дединг?

— Нима десангиз шу.

Зайнабхон пулларни қийиққа ўраб, эрининг ёстиғи тагига қўйди.

— Нима қиялсан?

— Менда турса, ишлатиб қўяман, — кулди Зайнабхон.

— Ишлатавер. Сеники шу пул, — Обиджон ака тугунни қайтариб, хотинини юзидан ўпиб қўйди. — Айтгандай, ўғлинг, Санжар кўринмай қолдимиз?

— Вой уям роса хизмат қилди. Эътибор бермагансиз-да. — Зайнабхон шундай деди-ю, хавотирга тушиб ўрнидан турди.

— Қаёққа?

— Қараб қўяй. Ётган бўлса керак, ҳойнаҳой!

— Уйғотиб юборма тагин!

Зайнабхон ётоқхонадан чиқиб, залга ўтди, ундан ўғлининг хонасига кирди. Қоронғу бўлганидан ўғлининг бор-йўғлигини билолмади. Тимирсикилаб юришга ботинмай, чирокни ёқди. Кроват бўм-бўш эди. Зайнабхон эзилиб кетди. Аввало эрига ҳозир у ёлғон гапирди. Қолаверса, шундай муборак кунда Санжар номигагина хизмат қилиб, кейин ғойиб бўлиб қолди. Нега бу бола бунақа чиқди? Ундан кўркмайди, ваъдасида турмайди. Айтсаммикан ота-сига? Йўғ-е, шундай кунда-я?

Обиджон ака уйғоқ эди.

— Ётибди эканми? — сўради у.

Нима десин?

— Ётибди. Сиз ҳам ухланг, — Зайнабхон эри томонга қарашга уялиб, ўрнига чўзила қолди.

— Энди уйқу келармиди? Ҳали замон тонг ҳам отиб қолади. Кундузи ухларман. Эртага ишга бормасам ҳам бўлар? Ҳарҳолда юбилярман-ку.

Обиджон ака кулди. Зайнабхон ҳам жилмайди. Аммо хаёли яна ўғлига қочди: «Қаёқда юрганийкин?» У ҳам эрига ўхшаб энди ухлолмаслигини биларди. Ҳозиргина ундан бахтли,

ундан тинч одам йўқ эди. Ўғлининг қайтмаганини кўриб, ҳаловати йўқолди. «Ёлғиз ўғил — эрка ўғил». Зайнабхон ким шундай деганлигини эслашга уринди, аммо тополмади. Ким айтган бўлса ҳам тўғри айтган экан. Зайнабхон ўттиз беш ёшида Санжарни кўрди. Шунга ўн тўққиз йил бўпти. Иккала қиз институтни битиришди, турмуш қуриб, ота-она қанотлари остидан учиб чиқиб кетишди. Зайнабхон иккаловидан кўнгли тўқ. Иккаловининг яхши уйи, иккитадан боласи бор. Катта куёвининг тагида машина. Кичиги ҳам ундан қолишмайди. Бунинг устига иккалови ҳам Обиджон ака айтгандек, меҳр-оқибатли чиқишди. Тез-тез хабар олиб туришади. Шундан бўлса керак, ўғилни арзанда қила бошлашди. Айб ўзларида. Нима ейман, нима кияман деса, муҳайё. Ёлғондан йўталса ҳам доктор чақиривади, кечаси билан тепасида мижжа қоқмай ўтириб чиқишади. Афтидан, Санжар уйда кимлигини жуда тез англаб олди. Зайнабхон у отаси билан гаплашаётганида, ўғлининг кўзларида киноя, аниқроқ қилиб айтганда, беҳурматлик пайдо бўлганини сезиб қолди. Биринчи марта пайқаганида юраги бир «шув» этиб кетди. Кейин яхшироқ қаради. Кузатишлари тўғри чиқди. Ота-она орзуси, ниятлари уни мутлақо қизиқтирмай қўйган, зарурат, одоб нуқтаи-назаридангина буларга кулоқ солар эди шекилли.

Эри ранжимаслиги учун Зайнабхон бу кузатишларини унга айтмади, ичига солди. Кейин ўзини овутди, ўғлидаги ўзгаришни ёшликнинг ўткинчи аломатлари, деб ҳисоблади. Аммо кеч келиб бировларникида ётиб қола бошлагач, қаттиқ тергашга ўтди. Санжар ваъда берди-ю, аммо ваъдасининг устидан чиқмади. Энди жиддийроқ гаплашиш керак шекилли. У шуларни дилига туғиб, кўзларини юмди. Аммо қани уйку келса. Шундай бўлса ҳам ўзини зўрлаб, анчагача кўзларини очмади. Бошини кўтарганда, тонг ота бошлаган, ёнида эри ширин ухлаб ётарди.

Зайнабхон оёқ учида залга ўтиб, яна ўғлининг хонасига кирди. Ўғлининг кўрпа-ёстиғи кеча қандай тахланган бўлса, шундай турарди. Зайнабхон тутоқиб кетди. «Шундоғ кунда кўчада юрадимми одам?» Ҳозир агар Санжар олдида бўлгани-да, юз-кўзи аралаш шапалоқ тортиб юборарди. «Ё опалариникидамикан?» Зайнабхон залга чиқиб, осма соатга қаради. Энди олти бўлаётган эди. Қизлари ҳали ётишган бўлишса керак, ҳозир безовта қилмагани маъқул. «Тентак бола! Эрка бўлмай кетгур! Қаёқларда юради?» Зайнабхон эрини уйғотиб юбормаслик учун ётоқхонага қайтиб кирмади. Ҳовлига тушиб, ўчоқбошига борди. Газ плита устига тунука чойнакни қўйиб олов ёқди. Зиёфатдан ортган нарсалар иккита тоғорада турарди. Очиб кўрди. Кичик куёви қаердандир ёптириб келган тандир сомсага кеча дили кетган, лекин еёлмаган эди. Шундан биттасини олиб тишлади, аммо чайнолмади. Санжар эсига тушиб, иштаҳаси ҳам бўғилди. Залга кўтарилиб, қизларига телефон қила бошлади.

— Шарифа? — Бу кичкина қизи эди. — Уйғотвордимми? Яхши етиб бордингларми? Болалар тинч эканми? Содиқжон роса чарчагандир? Тинчлик. Ҳа, аданг ётиптила. — Зайнабхон қизининг саволига жавоб бераркан, беихтиёр, ётоқхонага қараб қўйди. — Уканг мабодо сеникидамасми? Йўқ? Зарипаникидадир-да? Майли, ёт. Келганда тилпон қиларман.

Катта қизи Зарифа ҳам онасини эшитиб, юпатишга ўтди:

— Кўп эзилаверманг. Санжар катта йигит. Ўртоқлари бирин-кетин уйланишвотти, битта-яримтасиникида ётиб қолгандир? Ҳафиз акамларга айтаман, ҳали турганларида суриштириб берадилар.

Зайнабхон эътироз билдирди.

— Қўй, ҳозирча керамас. Кечгача келмаса, унда тилпон қиларман.

У яна ўчоқбошига ўтди. Кундузи маҳалладаги эркаклар чиқиб қолиши, институтдан битта-яримта келиб қолиши мумкин. Ҳамма нарса бўлса ҳам иссиқ овқат қилиб қўйгани яхши. Зайнабхон шундай ўй билан музхонадан уч-тўрт бўлак серсуяк гўшт ажратиб олиб, қозонга солди. Тўлдириб сув қуйди-да, қайнаб чиқишини кута бошлади. Беихтиёр ҳаёли яна ўғлига қочди. Ўзини чалғитиш ниятида кечаги зиёфатни, совға-саломларни эслашга уринди, аммо дилидан барибир ўғли кўтарилмади. Бирон машина уриб юбориб, зим-зиё кўчада қонга беланиб ётган, бир ёмон одамлар билан ёқаллашиб, милицияга тушган бўлса-чи? Милицияга тушсаям

ишқилиб омон бўлсин. Сув биқирлаб қайнаб, қозондан тошиб чикди. Зайнабхон оловни пасайтириб, тухумдек иккита пиёзни тўғраб қозонга солди-да, туюқни ёпди. Ошхонадан чиққанда, кимдир кўча эшикни қоққандек бўлди. Зайнабхон беихтиёр «ҳозир!» деб юборди ва югуриб бориб эшикни очди. Тавба, ҳеч ким йўқ эди. Эшикни қия ёпди-да, уйга кўтарилди. Залга кирганида, ётоқхонадан эрининг хурраги эшитилиб, кўнгли бироз ёзилди. Яхши ҳам эри бор. Бўлмаса юраги тарс ёрилиб кетмармиди. Ишқилиб умри узоқ бўлсин, тоғдек бўлиб уни суяб, ҳеч нарсада қийинчилик сездирмай келяпти. Баъзи-баъзида юрагим деб қолса, Зайнабхон ўзининг юрагини ҳовучлайди, хавотирга тушиб кетади. Кошқийди эри тургунча Санжар ҳам келиб қолса! Кечқурун уйда, ётибди, деб алдади. Энди сўраса нима дейди? Ўқишга кетди, дейдими? Ёш бола йиғлайди, катта бола тиглайди, деб бекорга айтишмаган экан. Йиғласа, юпатасан, мана бундай юрагингни тиглаб турса, нима қиласан? Зайнабхон оёқ учида ётоқхона олдига бориб, ичкарига қаради, эри чалқанча ётиб тинч ухларди. Эшикни оҳиста ёпди-да, нима қилишини ўйлаб, яна ҳовлига тушди. Озгина савзи тўғрайди. Ҳеч қандай суюқ овқат ошнинг ўрнини босмайди.

Зайнабхон ошхона олдидаги ўрадан бир тоғорача савзи олди, кейин шошмасдан арчиб, тўғрай бошлади. Яхши ҳам шундай қилган экан, эрининг маҳалладаги ошналари бирин-кетин кириб келишди. Ҳаммалари уй кийимида, биров калиш судраган, биров туркларнинг латта ковушини илган... Бирровга чиққан одамлар кечгача ўтиришди. Зайнабхон уларнинг чиққанидан хурсанд бўлди. Эри улар кетгунча ўғлини сўрамади. Ҳамма тарқаганда ўзи ўғлининг хонасига бориб келди-ю, аммо гап очмади. Зайнабхон юраги ғурмишлаб, катта қизига телефон қила бошлади. Зарифанинг эри ҳали ҳам қайтмабди.

Зайнабхон уйнинг ичида қиладиган иши йўқ эди, ноилоҳ ҳовлига тушди. Эрининг ўзи уни тинчита бошлади.

— Хуноб бўлаверма. Кап-катта йигит. Ўртоқлари билан юргандир!

Зайнабхон хавотир олаётганини энди яширмади:

— Кейинги пайтлар сал ўйинқарокбўб кетди.

— Ҳечқиси йўқ, ёшлик-шўхлик. Ўзини тийиб олади. Фақат ҳадеб тергайвериш керак эмас, уйдан бездириб кўямиз.

Зайнабхон бугун ўғлининг уйда тунамаганини айтмоқчи бўлди-ю, ўзини тийиб қолди. Бўлар иш бўлди, юракларини қисиб нима қилдим, деди.

Салқин тушди. Эр-хотин кўтарилиб, телевизор қўйишди. «Твин Пикс» америка фильмининг навбатдаги сериясини кўра бошлашди. Фильм ярмига борганда, эрини уйқу боса бошлади. Зайнабхон қистади:

— Кеп қолар... сиз ёта қолинг.

Аммо Санжар келмади. Ярим кечада телефон жиринглади. Эрини аяб, ухлаётгандек бўлиб ётган Зайнабхон шошиб ўрнидан турди. Обиджон ака ҳам уйғоқ экан, бошини кўтарди.

— Ман оламан! — Зайнабхон югуриб залга чикди.

У катта куёви Ҳафиз бўлса керак, деб ўйлади. Кечқурун телефон қилмади, балки ҳозир бирон гап топгандир? Зайнабхоннинг юраги бирдан ўйнаб кетди. Яхши хабар бўлса, ярим кечада телефон қилмасди. Зайнабхон беихтиёр осма соатга қаради. Иккидан қирқ минут ўтибди. Ишқилиб тинчлик бўлсин. Телефонда бегона одам овози эшитилди:

— Бемаҳалда телпон қилганим учун узр...

— Ким бу?! Қаёққа тилпон қиялсиз? — шошиб сўради Зайнабхон.

— Обид акани чақирворинг.

— Нима ишингиз бор эди? Кимсиз? — яна сўради бўшашиб Зайнабхон.

— Кимлигимни аҳамияти йўқ. Эрингизни чақиринг!

Бу гал нотаниш одам дағалроқ гапирди. Зайнабхон нохуш воқеа юз берганини ва бу воқеа ўғлига тааллуқли эканини дарров пайқади. «Ўзи омон бўлсин ишқилиб!» дилидан ўтказди ва

эрини чақирди.

— Обид ака! Сизни сўрашяпти!

Эри аллақачон унинг ёнига келган, нима гаплигини сабрсизлик билан кутиб турган эди. Шошиб трубкани олди.

— Эшитаман! Ким?

— Бизни танитайсиз. Биз ўғлингизни танишларимиз, — бўғиқ овоз билан гапираётган одам хириллаб кулгандек туюлди. — Мўлтираб эшикка тикилиб ўтирибсизларми эр-хотин?..

Обиджон ака бўшашиб кетди.

— Санжар?! Нима бўлди унга?!

— Ўғлингиз отдай. Мана, рўпарамда ўтирибди. — У яна хириллаб кулгандек бўлди. Обиджон ака трубкани қулоғига маҳкамроқ босди. — Фақат... Бир оёғига занжир солиб, столга боғлаб қўйибмиз. Қочиб кетмасин деб.

— Нега? Нега боғлаб қўйибсизлар? Нима қилди у? Телефонни унга беринг. Талаб қиламан!

— Ўзингизни босинг, ака. Талаб қиладиган ҳозир биз! Овоз бирдан тиниб қолди.

— Гапиринг! Нега жимиб қолдингиз? Санжар! Ўғлим!

— Нима гап ўзи, Обид ака? — эрининг қўлига ёпишиб сўради Зайнабхон.

Эри жавоб бермади.

— Гапиринг! Нега жимсиз? — қичқирди у трубкага ва бутун вужуди қулоқ бўлиб унга ёпишди. Бир неча дақиқа ўтгач, нимадир тарақлади-да, хирилдоқ овоз пайдо бўлди.

— Кечирасиз. Гапирасанми, десам, ўғлингизни гаплашгиси йўқ сизлар билан.

— Нега? — хайрон бўлди Обиджон ака.

— Гап бундоғ, ака! — хирилдоқ овоз чуқур нафас олди. — Ўғлингиз ютқазиб қўйди. Агар у сизга керак бўлса, саккиз милён опкелиб берасиз. Бўлмаса ўлигини Бўздан топасиз.

— Нима?! — Обиджон ака беихтиёр шундай деб юборди. Аслида хирилдоқ овоз эгасининг нима деганини яхши

эшитди, тушунди. Аммо оғзидан шу саволдан бўлак ҳеч нарса чиқмади.

— Тушундингизми? — қайтарди хирилдоқ овоз. — Қайтарайми?

— Йўқ, йўқ, тушундим, — деди Обиджон ака, ўғлини нима қилишлари мумкинлигини яна бир бор эшитишдан қўрқиб. Овоз эгасининг қандай одамлигини билмаса ҳам гап оҳангидан дангалчилигига ишонди. — Қачон?

— Кечаси ўнда.

— Бугунми?

— Шундоғ. Бугун кечаси ўнда.

— Бунча пулни шу вақтда...

Ҳирилдоқ овоз уни бўлди.

— Ока! Бошқа шаҳарлардан келган биродарлар бор, шошиб туришибди. Шуям пул бўлдимми ҳозир? Йўқ бўлса, қарз-қурз қилинг. Қаерга келишингизни эшитволинг. Эшитвотсизми?

— Эшитаман.

Обиджон ака телефон ёнида турган қаламни қўлига олиб, хотинига ишора қилди. Зайнабхон дарров дафтар олиб келиб узатди.

— Миробод бозорини биласиз, — тушунтира бошлади хирилдоқ овоз. — Вокзалга қараган дарвозани ёнида сувратхона бор. Шуни орқаси яланглик. Шўтта турасиз. Ропа-роса ўнда. Ўзимиз олдийизга келамиз. Окажон, тагин мелиса-пелиса қилиб ўтирманг. Органга айтадиган бўлсангиз, ё биронта одамни бошлаб келсангиз, пулдана ажрийсиз, ўғлизданам. Келишдикми?

Обиджон ака бошини қимирлатди.

— Яхши.

— Яшанг!

Обиджон ака бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, улгурмади, хирилдоқ овоз эгаси

трубкани қўйиб қўйди.

Зайнабхон деворга суяниб дағ-дағ титрарди. У чала-чулпа бўлса ҳам қандай фалокат юз берганини англаган эди.

— Эшитдинг-а? — деди Обиджон ака.

Зайнабхон бўшашганича бошини эгди. Шунча пул албатта уларда йўқ эди. Наридан борса уч миллион чиқиши мумкин. Қолганини қаердан топишади. Обиджон аканинг эсига машиналари келди. Бир-икки жойи урилган бўлса ҳам беш йил бурун олган «Москвич»лари бор. Мотори соатдек ишлайди, баллонлари ҳам ўзиники, ҳеч қаеридан ёғ, сув окмайди. Бозордаги паттачи ўртоғи бир-икки оғиз солган эди. Ўшандан қарз олсинмикин? Машинани, майли, истаган пайти олиб кетсин. Эрининг хаёли нималарга кетганини сезиб, Зайнабхон таклиф қилди:

— Қизларни чақирайми?

— Айтаммизми?

— Вой айтмай бўладими? Ҳафиз, Содикжонлар қидириб юришибди-ку Санжарни. Кейин иккаловларидан шунча пул чиқиб қолар?

— Майли.

Зайнабхон телефонга ёпишди.

— Йўқ, тўхта, — Обиджон ака унинг қўлидан ушлади. — Тонг отсин. Ўғлинг тирик. Шундан хурсанд бўлишимиз керак. Бу бир. Иккиламчи, кетини ўйлаб иш қилишимиз керак. Пул масаласига келсак... кечаги конвертларикки ярим миллионмиди? Демак, чўнтакларни қоқиштиради, уч миллион ўзимиздан чиқади. Яна беш миллион топиш керак. Бунча куёвларда йўқдир, сўраб уялтирмайлик. Рауфхўжага машинани сотамиз. Нима дединг?

— Ўзингиз биласиз. Ишқилиб, алдашмасмикин?

Обиджон ака гапни тушунди.

— Уларга пул керак. Ўғлингни нима қилишади? Зиёфат пайти кўринмай қолувди, кимор ўйнагани кетган экан-да касофат... Қимор ҳам кўкноридек гап. Вақтида ўйнамаса хумори тутади.

Зайнабхон кеча эрини алдаганидан, бугун эса ўғли эмас, ўзи гаров тушгандек уялиб, бошини эгганича ўтирарди. Тонг ёришгунча у шундай ўтирди. Эри ҳам ўрнидан турмади. Иккаласини-да нохуш ўйлар ўз гирдобига тортиб кетган эди.

...Пешингача пулнинг ҳаммаси жамланди. Ўзларида бори тахмин қилганларидек, уч миллион чиқди. Қолганини иккала куёв кечгача топиб келамиз, деса ҳам Обиджон ака кўнмади. Рауфхўжаники нақд, деди. Чиндан ҳам ўйлагандек чиқди. Рауфхўжа у оғиз очиши билан ичкари уйга кириб кетиб, бирпасда қийикка беш миллион ўраб чиқди. Фақат, ҳаммаси майда, ёғ босган, гижим пул эди. Уйда қизлари милицияга хабар бериш ҳақида бир-икки оғиз очиб кўришди, лекин Обиджон ака розилик бермади. Гап ўғлининг хаёти устида кетяпти, қиморбозлардан ҳар нарса кутса бўлади. Милиция борлигини билиб қолишса, Санжарни соғ қўйишмайди! Кичкина куёви бирга боришни, ё бориб бир чеккада туришни таклиф қилди. Обиджон ака бунга ҳам кўнмади. У анча тинчиган, эрталабкига қараганда хотиржам кўринарди. Катта қизи ош қилди. Обиджон ака ҳеч нарса бўлмагандек, иштаҳа билан еди.

— Ҳарҳолда, ада, бирга борай? — яна илтимос қилди овқатдан сўнг Содикжон.

— Сизга далда бўларди, — қўшидди куёвига Зайнабхон.

— Тушунсаларинг-чи. Улар билан ўйнашиб бўлмайди. Ёнимда биронта одам борлигини сезишса, Худо кўрсатмасин, ўлдириб қўйишлари мумкин уни.

Ҳеч ким бошқа бу ҳақда оғиз очмади.

Соат тўққиздан чорак ўтганда, Обиджон ака ҳаммани йиғди, хотинига тиловат қилдириб, ўрнидан турди. Тўғри кабинетига бориб, ёзув столи тортмасида ётган чуст пичоғини қини билан олиб, шимининг чўнтагига солиб қўйди. Ҳарҳолда яхши одамлар олдига кетаётгани йўқ. Кейин ҳовлига тушди.

Катта куёви «Москвич»ни кўчага олиб чиқди.

— Машинани дарвоза олдига кўйинг, кўриниб туради, — маслахат берди Зайнабхон.

Обиджон ака индамай рулга ўтирди. Сумкани орқа ўриндиққа ташлади. Ҳар эҳтимолга қарши Зайнабхон эрининг тўнини сумка устига ёпди, шу билан гўё пулни беркитган бўлди.

...Бозор одди қоронғу, жимжит эди. Обиджон ака катта йўлдан тушиб, сувратхона эшиги оғзида машинасини тўхтатди. Бу ер ҳам қоронғу, фақат юз қадамча наридаги озик-овқат дўкони ичида чироқ милтиллаб турарди.

Обиджон ака машина соатига қаради. Ўн минут кам ўн бўлибди. Тушса, белгиланган жойга борса бўлади. Эшикни очиб, бир оёғини ерга кўйганда, ўйлашиб қолди. Пулни олиб борадими, ё кўришганларидан кейин машинада берадими? Аввал кўришиш керак, Санжарни суриштириш керак, кейин нима дейишса, шундай қилади.

Шу қарор билан машинадан тушиб, эшикни қулфлади. Сувратхонани айланиб ўтиб, ялангликка чиқди. Рўпарада, эски уйлар ўрнида қад кўтараётган кўп қаватли бино қорайиб турарди. Атроф жим-жит. «Санаймиз, дейишса-я?» — хаёлидан ўтказди у ён-верига бир-бир қараб чиқиб... Унда машинага боришади, чироғи бор, санаш осон. Йўқ, санашмайди, шундай сумкани олишади-ю, жуфтаси ростлашади. Кўркишади бу ерда санашга...

Обиджон ака соатига қаради, аммо қанча тикилмасин, неча бўлганини кўролмади. Кўрганда нима фойда эди? Вақтида келди. Буёғи энди тонггача бўлса ҳам кутади. Бошқа иложи йўқ: «Санжар, Санжар. Нима қилиб кўйдинг, ўғлим?»

Обиджон ака бугунгача ўғлидан ўпкаламаган эди. Унинг ўйинқароқ, кўча одами бўлиб кетаётганини пайқаган, аммо бундай қалтис ишлар билан шуғулланади, деб ўйламаган эди. Қачон йўлдан тойди экан? Нега ота бўлиб у билолмай қолди?

Кимдир орқасида енгил йўталди.

— Келдингизми?

Ўғирилди. Ўзидан кичикроқ, қотмадан келган одам бир қадам нарида қорайиб турарди. Юз-кўзи кўринмади.

— Обкелдингизми? — сўради у. Телефонда бошқа одам гаплашган эди.

— Машинада, — деди Обиджон ака.

— Обкелинг!

— Санжар қани?

— Уйга қайтишингиз билан изингиздан кириб боради. Обиджон акага жавоб ёқмади. У шу ернинг ўзида ўғлини беришларини кутган эди. Демак, ундан чўчишди, пулни олиб келмайди, деб ўйлашди. Нима қилиш керак? Бераверадими? Алдашса-чи? Санжар омонмикан ўзи? Ўлдириб юборган бўлишса-чи?

— Санжарни олиб келасизлар. Қани у? — деди у.

Йигит бошини ўғириб машина томонга қаради. Обиджон ака шунда пайқади, у юзига хотинларнинг пайпоғини тортиб олган эди.

— Машинада ким бор? — жавоб бермай сўради йигит.

Овози танишдек туюлди. Обиджон ака уни қаердадир эшитгандек бўлди. Балки студентдир? Ҳозир ҳеч нарсага ажабланмаса бўлади.

— Машинада ҳеч ким йўқ. Ёлғиз келганман. Сизлар ҳам ваъдаларингизда турунлар-да!

— Пулни обкелинг. Санжар кетингиздан боради.

Обиджон ака пулни олиб келишдан бошқа иложи йўқ эди. Шундай қилди.

— Мана. Саккиз миллион.

Йигит сумкани олиб, индамай янги тушаётган иморат томон юра бошлади.

Шу тоб унинг калласида санчиқ турди.

— Тўхтаг! — у йигитнинг қўлидаги сумкага маҳкам ёпишиб олди.

Йигит тўхтади.



— Нима?

—Ишонмайман сизларга! Мен билан борасан! Шу пул сизларники! Лекин ўғлим уйга келгандан кейин бераман!

Билак ингичка, теша сопидек эди. Обиджон ака ҳайрон қолиб, қаттиқроқ қисди. Сумка ерга тўп этиб тушди. Йигит куч билан силтаниб қўлини бўшатди. Энгашиб сумкани кўтарди-да, бир сакраб ўзини четга олди. Обиджон ака унинг қочмоқчи эканини тушунди. Қочса, этиб ололмайди. Шу фикр хаёлидан ўтиб, «Тўхта!» — деб қичқирди, аммо йигит кулоқ солмади, янги тушаётган иморат томон қоча бошлади. Обиджон ака шундан чўчиган эди. Қочиб кетса, Санжарни соғ қўйишмайди. У йигитнинг кетидан югурди, йигирма қадамча босиб, етгандек бўлди, елкасига ёпишиб, тўхтатишга уринди. Йигит унга қараганда анча эпчил эди, фақат тез чопишга сумка халақит берарди. У силтаниб елкасини бўшатмоқчи бўлганида, нимадир чап биқинига санчилди, нафаси тикилиб бўшашганича, чўккалай бошлади.

Обиджон ака қўлида пайдо бўлиб қолган пичоқни оёғи остига ташлаб, йигитга ёпишди. Унинг пичоқ уриш хаёлида йўқ эди, йигитнинг қочаётгани сабаб бўлдими, тутолмайман, деб чўчидими, қандай пичоқни олиб, биқинига бигиздек санчди — билмайди.

—Тўхта! — беихтиёр қичқирди у яна, шундагина йигитнинг чўккалаётганини кўрди, шошиб қўлтиғидан олди.

— Ада! — деди кутилмаганда йигит. — Улар ўзимни юборишган эди, ёлғиз келмайсиз, деб...

— Санжар?! Сенмисан, Санжар?! — қичқириб юборди Обиджон ака уни бағрига босганча.

— Ада... Кечиринг...

—Санжар! Ўғлим! Нима қилиб қўйдим ўзи?! — Обиджон ака эҳтиётлик билан ўғлини ётқизиб, ёнига чўккалади. — Санжар!..

— Ада! Кечиринг.

Унинг охирги илтижоси шу бўлди.

Фонарларни ёқиб, бир гуруҳ милиция ходимлари билан Содикжон этиб келганда, у ўғлининг қонга беланган жасади устида ўтирарди.

—Санжардан ажраб қолдиқ, — деди у секин овозда... Ўзим, ўз қўлим билан ўлдириб қўйдим!..

Шундай деди-ю, юз берган фожиани энди тушуниб етди шекилли додлаб юборди:

— Санжар! Ўғлим! Ўғилгинам!

Унинг фарёдидан тун ларзага келди.

*1994 йил*

## ОЛАМУШУК

Зайнобиддин Омонов янги ишга ўтганидан бери ҳафтанинг уч куни уйда бўлса, тўрт куни сафарда. Институтни тамомлаб қарийб ўн йил ишлаган. Илгари шаҳардан чиқмасди. Чиқишни ўзи ҳам истамасди. Ҳар куни соқол қиртишлаб, ванна қабул қилишга ўрганган одам бегона жойда ётиб қолишни ёқтирмасди. Аммо на илож? Замон ўзгариб кетди. Хўжайиннинг айтганини қилмасанг, ишдан ажралиб қолиш ҳеч гап эмас. Шу хўжайинининг гапини икки қилмай мана, уч йилки, Олмалиқми, Балиқчими, Шаҳрисабз ё Вобкентми, қаёққа деса, кетаверади. Унинг сафарлари кўпроқ ҳафтанинг иккинчи ярмига тўғри келади, шан-ба, якшанба ҳам шунга кириб кетади. Бир. томондан бу яхши. Шанба куни қаерда бўлмасин, мезбонлар; ўзбекчилик, уни олиб қолишади. Эртасига кечга яқин жўнатишади. Илгариги райкомларнинг борларидами ё ўзлари апил-тапил кўтарган баҳаво, кўпчилик билмайдиган хуфия меҳмонхоналардами, баҳонада бир дам олишади. Зайнобиддин Омонов шундай жойларда яйрайди, янги ишда ишлаётганидан хурсанд бўлади.

Ёмон томони шуки, ҳар куни тахи бузилмаган рўмолча тутиб, галстук тақолмайди, хотини уйда ёлғиз қолади. Тасаввур қилинг, уч хоналик квартирада (райкомда ишлаганининг энг катта фойдаси) ёш аёл нарса неча кун бир ўзи қолиб кетади. Тағин ҳам Хурсандхон тушунадиган, эрига ҳурмати баланд аёл. Бўлмаса тўполон қилиб юборарди. Тўғри, баъзида ғиншиб қўяди. Лекин Зайнобиддин Омонов унинг ловуллаб ёниб кетишига йўл қўймайди. Ғиншиган пайтидаёқ дарҳол қўлига бирон нарса туттади. Шаҳарда топилмайдиган нарса четда албатта топилади. Шунинг учун қаерга бормасин, доим чўнтагида олиб юрадиган, хотинининг ўзи тузиб берган буюртмалар рўйхатидан бирон нарса олиб келади. Бечора Хурсандхон. Бирпасда ҳовридан тушади. Эрини кучоқлаб ўпган бўлади-да, нарсани кўтарганича ўз хонасига кириб кетади. Нарса лойиқ келса, ёкса, ундан бахтли одам йўқ. Зайнобиддин Омонов ҳеч ташвишланмай яна сафарга тайёрланаверса бўлади. Хурсандхон йўлини тўсмайди. Алдагани бола яхши, деб тўғри айтишган. Бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги даврда хотинлар ҳам боладек алданадиган бўлиб қолишди. Хўрозқанд тутқазсанг ҳам олишаверади. Бирон нарса бўлса бўлди. Зайнобиддин Омонов албатта бу гапни ҳеч кимга айтмайди. Ичидаги, фақат ўзигаю хотини Хурсандхонга алоқадор гап бу. Хотиннинг кўнглини олиб, анчагина тинчиб, эртасига ишхонага боради.

Хўп ғалати ишга дуч келиб қолган у. Комсомолда, кейин совет партия идораларида ишлаб юрган пайтлари, бир кун келиб, «Таксим» деган кўшма фирма пайдо бўлади, ўшанда ишлайсан, туршакмайиз, бодом, писта, болалар, хотинларнинг қўйлак-иштонлари билан шуғулланасан, деб қолса биров, қаттиқ ранжирди, хафа бўларди. Ҳаммаёқни, ҳаммани қўлида ушлаб, титратиб турган ком-партия энди йўқ, совет идоралари ҳам йўқ. Шу идораларда ишлашни у касб, деб ўйлаган эди, шу касбга отасининг, таниш-билишларнинг ҳаракати билан интилган эди. Район ижроия комитетидан райкомга инструктор бўлиб ўтганда уйланди. Хурсандхоннинг ота-онаси уч-тўртта одамни рад қилиб, Зайнобиддин Омонов томонидан борган совчиларга розилик беришди. «Бугун инструкторсиз, кўп ўтмай бўлим бошлири, кейин котиб бўласиз, буни қудаларимиз яхши билишади» деган эди ўшанда дадаси. Рад қилишганлардан биттаси ҳозир аллақандай ширкат бошлиғи. «Мерседес»да юради. Иккинчиси чет элдан бери келмайди. Яна биттаси ҳали ёшига тўлмаган ўғлига атаб пишиқ риштдан қўшқаватли уй қурдириб қўйибди. Бухоро амирининг қасри дейсиз.

Ахён-ахён Хурсандхон ғиншиб, шуларни Зайнобиддин Омоновга эслатиб қўяди. «Сиз ҳам ўшаларга ўхшасангиз-чи!» дейди. Аслида «Таксим»да ишлаётганига ҳам хотин сабабчи. Бир кунда райком йўқ бўлиб, у «Билим» жамиятига ўтганида роса қийналишди. Анча вақт Зайнобиддин Омонов юз берган воқеага, янги ишга кўниқолмай юрди. Баъзан кечалари уйқуси қочиб кўчага чиқадиган, хувиллаб ётган қоп-қоронғи кадрдон райком биносини кўриб

келадиган одат чиқарди. Бу бинода ҳеч қачон чироқ ўчмасди, жуда бўлмаганда учинчи қаватдаги биринчи котибнинг кабинетига тун бўйи чараклаб ёниб турарди.

«Райком ишлаяпти!» — дерди одамлар ёруғ деразаларга ғурур билан қараб. Зайнобиддин Омонов ҳам шундай дерди. Ҳатто ўзи ҳам, айниқса, бўлим мудирини қилиб тайинланганидан кейин баъзи кунлари тонг саҳаргача райкомда қолиб кетарди. Райкомда, ундан андоза олган ижрокўмда ҳам ҳеч ким ўрнатмаган, лекин қонун даражасига чиқиб кетган тартиб бор эди. Биринчи котиб кетмагунча иккинчи котиб жойида ўтирарди. У жойида бўлгани сабабли биринчи билан бирга учинчи котиб ҳам кетмасди. Унга қараб ҳамма бўлим бошлиқлари жой-жойларида ўтиришарди. Кўпинча биринчи котибнинг ўзи кимлар қолиши кераклигини айтарди. Кетадиганлар қоладиганларга ҳасад билан қарашарди. Биринчи кимни олиб қолса, яқин вақтда ўша одам кўтарилиб кетар ё мустақил ишга ўтказиларди.

Зайнобиддин Омонов партиявий ишда кўтарилишга ҳам, мустақил ишга ўтишга ҳам улгурмади. Райкомлар тарқалиб кетди. Шундан икки ойча муқаддам бир йигит унинг ҳузурига кирди. Кўзларида ёш, кўллари титрайди.

— Тинчликми? Келинг? — сўради Зайнобиддин Омонов ҳайрон бўлиб.

Йигит «Тошкент» меҳмонхонаси ресторанида миллий таомлар ошпази экан. Кимнингдир чақуви билан унинг партия внослари текширилибди ва гўё даромадининг ярмидан кўпини яширгани маълум бўлибди. Бошланғич партия ташкилотига уни партиядан ўчиришга қарор қилишибди. Иши ҳозир райкомда экан. Йигит ёшлиқ қилибди, внос тўлашнинг сиёсий, муқаддас вазифа эканлигини тушунмай, шундай аҳмоқлик қилиб қўйибди.

— Синаб кўришсин, кечиринг! — деди кўзига ёш олиб йигит. — Яна хато қилиб қўйсам кейин майли, ўчиришсин. Партиясиз ҳаёт мен учун ҳаёт эмас. Ўзимни осиб қўйишим мумкин, Зайнобиддин ака! Ёрдам қилинг! Жон ака! Менинг кимлигимни умр йўлдошингиз Хурсандхон биладилар. Бир мактабда ўқиганмиз. Мен еттини битириб, савдо техникумига кетиб қолганман. Жон Зайнобиддин ака! Мартабангиз бундан ҳам баланд бўлсин. Мени бу шармандалиқдан кутқариб қолинг.

— Бўлди, бўлди. Ўзингизни босинг. Партияни алдабсиз, яхши бўлмабди, — уришган бўлди Зайнобиддин Омонов, аммо хотинининг исмини тилга олганидан унга ёрдам қилгиси келди. — Икки кундан кейин келинг. Гаплашиб кўрармиз.

Йигит кўзларини ишқалаб, миннатдорчилик билдирди, ергача букилиб хонадан чиқди. Зайнобиддин Омонов унинг ишини секторда қайта кўриб чиқишга олиб, вақтинча сейфига солиб қўйди. Ҳеч ким ундан ҳужжатларни қайта сўрамади. Ўзидан-ўзи бу иш йўқ бўлиб кетди. Ўшанда йигит икки кун ўтгандан кейин Зайнобиддин Омонов ишдалиқ пайти уйга келди. Хурсандхонга миннатдорчилик билдириб, икки кассеталик магнитофон ташлаб кетди. Зайнобиддин Омоновнинг жаҳли чиқди. Хотинидан адресни суриштириб магнитофонни қайтариб беришга аҳд қилди.

— Эсингизни ебсиз, — деди ўшанда Хурсандхон. — Бу одамга битта магнитофон писта пўчоғидай гап. Ўзингизни уялтирманг. Билмагандек бўлиб юраверинг. Манитофонни кейин менга бериб кетди, сизгамас.

Зайнобиддин Омонов бир-икки ғижиниб юрса ҳам хотинига кулоқ солди. Тўғри-да, катта бошини кичкина қилиб, магнитофонингизни мана, олиб келдим, дейдими? Индамай олиб қолса ҳам майли, устидан кулади. Эркак одамнинг бунга чидаши қийин. Зайнобиддин Омонов ҳеч кимга ўзини мазах қилишга йўл қўйган эмас, йўл қўймайди.

Ана шу партиядан ўчиб кетишига бир қадам қолган, икки кассеталик япон магнитофони ташлаб кетган одам унинг ҳозирги хўжайини, «Тақсим» кўшма фирмасининг президенти Валижон Садирович Садиров эди. Аввало у билан танишишига, шу фирмага ишга кириб кетишига хотини сабабчи бўлди. Кунларнинг бирида Хурсандхон ишдан кечроқ қайтди. Кела солиб овқатга уннайдиган одам бу гал эрининг олдида қуруқ нон-чой қўйди. Даромадининг

мазаси кетганлигидан ичида эзилиб юрган Зайнобиддин Омонов индамади. Хотини ўйчан ва нимадандир қаттиқ ҳаяжонга тушган эди. У болалар поликлиникасида ишларди. Бош врач, ўзи тенги Қўқондан эрининг кетидан келган жувон билан оралари чатоқ эди. Хурсандхон унинг кўп ишларидан норизо эди, қаттиқ жаҳли чиққан пайтлари: «келгинди!» деб қарғарди. Яна иккови уришган бўлсалар керак, деб ўйлади Зайнобиддин Омонов.

— Тинчликми?

— Эртага эртароқ келинг. Меҳмонга борамиз. Ўзлари олиб кетишади.

Хурсандхон эрига қарамай гапирди. Суви қочган нонни лабларини буриштириб синдирди-да, чойда ивитган бўлиб оғзига солди.

— Ким чақиряпти?

— Валихон Садиорович.

Зайнобиддин Омоновга бу исм-шариф танишдек туюлди, лекин кимлигини эслолмади.

— Магнитофон берган одам-чи, мактабдошим, — тушунтирди Хурсандхон. — Ўғлини олиб келди. Қулоғига сув кирган экан. Сизни сўради. Салом айтди. Эртага Қибрайдаги боғларига нозик меҳмонларни чақираётган экан. Сиз ҳам хўжайин билан албатта борарсиз, деди. Ўзим машина юбориб олдириб кетаман, деди. Борайлик, янги чиққан бойларнинг қандай яшаётганини кўрасиз.

Хурсандхон «курс» этказиб қотган нонни тишлади. Зайнобиддин Омоновга хотинининг гаплари эмас, ана шу, суви қочган нонни зарда билан тишлаши таъсир қилди, эътирози ичида қолди. Бўлмаса боргиси, хотини айтаётган янги чиққан бойларнинг ҳаётини кўришга мутлақо хоҳиши йўқ эди. Албатта илгариги иши бўлганида ўнта Валихон Садиорович чақирмайдими, бормасди. Хотинининг қош-қовоғига қараб ўтирмасди. Зайнобиддин Омонов ичидан бир зил кетди. Аммо билдирмади.

Эртасига хотини айтганини қилиб, уйга эртароқ қайтди. Хурсандхон кийиниб бўлиб, юз-кўзига пардоз бераётган эди.

— Кийинақолинг дарров! — буюрди ойнадан кўз узмай.

Зайнобиддин Омонов беихтиёр эгнига разм солди.

— Янги костюмизни, қора туфлингизни кийинг! — деди хотини.

Зайнобиддин Омонов елкасини қисиб қўйди-да, ўрнидан турди. «Аввал бир пиёла чой берса бўларди» — хаёлидан ўтказди у, аммо гапни чой ўрнида ютиб, хотини айтгандек қилди.

Эшик кўнғирори чалиниб, улар аста тушишганда, кўчанинг лабида кумушранг «Волво» турарди. Уларни кўриши билан шофёр машинадан чиқиб, айланиб ўтди-да, орқа эшикни очди.

— Марҳамат!

Хурсандхон машина оҳиста, овозсиз жойидан кўзгалган-да, эрига қараб, бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

Валихон Садиоровичнинг Қибрайдаги боғига ярим соатда етиб боришди. Боғ кимники — Зайнобиддин Омонов англамади. Катталигидан, тўрт-беш жойга алоҳида-алоҳида пишиқ ғиштдан иморатлар қўндирилганидан унинг назарида битта одамнинг хусусий боғи эмас эди. Тагин ким билади, ҳеч нарсага ҳозир ажабланиб бўлмайди.

Гуп этиб димоққа урилган муздек ҳаво, райҳон ҳиди, ҳар ер-ҳар ерда отилиб турган фонтанчалар Зайнобиддин Омоновнинг бироз чехрасини очди, узокдан уларни кўриб, қаршиларига қўлларини ёзиб келаётган таниш одам, партиядан ўчиб кетишига бир баҳя қолган, икки кассеталик япон магнитофони ташлаб кетган, хотинининг мактабдоши Валихон Садиоровични кўриб, келганига ҳатто хурсанд бўлиб кетди.

Валихон Садиорович Хурсандхон билан бош кимирлатиб кўришди-да, эски кадрдонлардек Зайнобиддин Омоновни кучоғига олди.

— Мана, ниҳоят кўришдик, ҳалоскорим!.. — Унинг озгина кайфи бор эди. Аммо нима ичганини Зайнобиддин Омонов билолмади.

—Хурсандхон! Дўстимизни олиб келганингиз жуда яхши бўлибди. Бир кун албатта учрашишимиз керак эди. Раҳмат.

Валихон Садинович икковини қўлтиқлаб, рўпарадаги икки қаватли уйнинг орқасига олиб ўтди. Меҳмонлар шу томонда, дастурхон шу томонда ёзуғлик эди. Зайнобиддин Омонов боғнинг этагида баланд темир ўчоқ устида худди қудуқнинг ғалтагидек секин айланиб турган бутун қўйга кўзи тушиб, бирдан қизариб кетди. Арабча пиширилаётган қўйни кўрганиданми, ё димоғини кабоб ҳиди қитиқлай бошлаганиданми, у билолмади, аммо ўзини ноқулай сезиб, юришини секинлатди. Хурсандхон ҳайрон бўлиб унга қараб қўйди. У аксинча, ўзини жуда эркин ҳис қила бошлаган эди. Ҳатто унинг қулишида, қарашларида Зайнобиддин Омонов ҳеч маҳал кўрмаган, эшитмаган дадиллик, шўхлик пайдо бўлган эди.

Валихон Садилов уларни узун, атрофига стуллар қўйилмаган, турли ноз-неъматларга тўла стол ёнигача олиб борди. Меҳмонлар ўзлари билан ўзлари овора, уларга қарашмади.

Уй эгаси ҳам уларни ҳеч ким билан таништиради. Зайнобиддин Омонов столдан кўзини узиб хотинига қарагунча, мезбон ғойиб бўлган, унинг ўрнида эса катта патнисда турли ичимликлар кўтариб, официант йигит турарди.

—Нима ичасиз? — сўради Зайнобиддин Омонов хотинидан.

—Шампан! — Хурсандхоннинг кўзлари ўйнаб кетди.

Зайнобиддин Омонов бундай ҳозиржавобликни кутмаган эди, турли рангдаги ичимликларга жовдираб қараб қолди. Шампан виноси солинган фужер ҳадеганда кўринавермади. Официант йигит эса ҳайкалдек қотиб турарди. Шампан бўлмаслиги мумкин эмас. Патнисда ўндан ортиқ фужер, румкалар турарди. Зайнобиддин Омоновнинг бурни устида тер томчилари пайдо бўлди. Хурсандхоннинг ўзи ёрдамга келди.

— Қўлингизни остида, патнис четида, — тушунтирди у. Шундагина Зайнобиддин Омонов кўпириб турган фужерни кўрди, олиб хотинига узатди. Хурсандхон бепарволик билан шивирлади.

— Ўзингизга ҳам бир нарса олсангиз-чи!

Зайнобиддин Омонов уялинкираб жилмайди. Танлаб, бир фужерни қўлига олди.

— Чанқадингизми? — яна шивирлади Хурсандхон.

— Йўқ, — деди Зайнобиддин Омонов ва шундагина фужерга қаради. У шунча ичимлик қолиб, Тошкент суви олган эди. Беихтиёр ёнига ўгирилди. Патнис кўтарган официант аллақачон столнинг нариги бошига кетиб қолган эди. Шу тоб иккинчи бир официант тугмадек-тугмадек тандир сомса кўтариб келди. Хурсандхон тақсимчани эрига узатди.

— Иккита бўлади.

Зайнобиддин Омонов сувни стол устига қўйиб, хотини айтганини қилди. Ўзига ҳам иккита олди. Оғзига солиши билан эриб кетадиган думбалик сомса эди. Шундан кейин овқат устига овқат уланиб кетди. Иккитадан хамирида кун кўринадиган манти тортилди. Кетидан косанинг тагида нўхатлик палов. Арабча кабоб пишираётган иккита йигит, қизариб жигарранг тус олган қўйни ўчоқ ёнидаги стол устига олиб қўйишди. Меҳмонлардан биттаси тақсимча кўтариб, уларнинг олдига борди. Кабобпаз қўйнинг сонидан бир бўлак кесиб, унинг тақсимчасига солди. Янгича кабобдан тотиб кўрмоқчи бўлганлар битта-битта ўша томонга юришди.

— Юринг, — буюрди Хурсандхон.

Зайнобиддин Омонов иккита тақсимча олиб, хотинининг орқасига ўтди. Унга кабоб ўтиришмади. Гўшт юмшоқ, ёғлиқ бўлса ҳам, ўзимизнинг сих кабоб унга маъқулроқ эди. Хурсандхон ҳам емади. Ё ўзини аяди, ё ёқмади. Зайнобиддин сўрамоқчи бўлганида нотаниш одам унинг тирсагидан ушлади.

—Зерикмаяпсизми, Зайнобиддин ака?

Зайнобиддин Омонов новча, ингичка мўйлов қўйган бу одамни қаердадир кўргандай бўлди-ю, лекин эслолмади. Йигит ўзини танитди.

— Валихон аканинг муовинлариман. Алишер Нурматов. Алишер деяверинг. Опа, акамларга бир боғни кўрсатиб чиқаман, майлими?

— Бемалол, — деди жилмайиб Хурсандхон ва нигоҳида бирдан пайдо бўлган меҳр билан эрига қараб кўйди.

— Хавотир олманг, — деди Алишер Нурматов Зайнобиддин Омоновнинг хотинига қараганини ўзича тушуниб. — Опамлар ёлғиз қолмайдилар.

Зайнобиддин Омонов шу заҳоти хотинининг ёнига бир аёл келаётганини кўрди. Алишер Нурматов уни боғнинг ичкарасига бошлади.

— Валихон акамиз ажойиб одам, ажойиб раҳбар, — у Зайнобиддин Омоновнинг тирсагидан ушлаганича борарди. — Турган-битганлари ақл десам, хато бўлмайди. Фирмамизнинг асосчиси шу киши бўладилар. Йигирмага яқин мамлакат билан алоқамиз бор. Валихон аканинг ташаббуслари билан фирмамиз ўз ишини мрамартош чиқиндисидан бошлаган эди, жумҳуриятимиз хўжалигининг зарур бир бўлаги бўлиб кетди. Фирма қилмаган иш йўқ. Битта мисол. Валихон аканинг таклифлари билан Полша орқали Францияга ўзимизнинг чўл тошбақасини сотаяпмиз. Биласизми, битта тошбақа неча пул? Ўн доллар! Биз йиғиб қўямиз, ўзлари олиб кетишади. Музейлар экспедиция уюштириб, халқдан қўлда тикилган палак, дорпеч, атлас, шуларга ўхшаш нарсаларни арзон-гаровга сотиб олиб кетаркан. Валихон ака шуни билиб қолиб, нархни икки баравар кўтариб юбордилар. Халқнинг ўзи бизга олиб келиб беради тиккан нарсасини. Чет элга нима қизиқ? Ким тиккани, ким тўқигани қизиқ! Чиройли пўлат пластинкаларга муаллифларининг номини ёзиб, Олмонияга олиб бордик. Талаш бўлиб кетди. Тўртта палак олиб борган эдик, юзта заказ тушди. Хуллас, кўз тегмасин, «Таксим» Валихон ака раҳбарлигида гуркираб кетаяпти. Зерикмаяпсизми?

Алишер тўхтаб, Зайнобиддин Омоновнинг кўзларига тикилиб қаради. Зайнобиддин Омоновга у айтаётган гаплар маълумдек туюлса ҳам қизиқиш билан қулоқ солди. Палак, дорпечларга четда қизиқиш катталигини, Европада тошбақаларимизнинг нархи баланд эканлигини эшитган эди, аммо ҳеч ким бу ишлар билан шуғулланмас эди. Шуғулланса ҳам шундай қўл учиди шуғулланарди. Валихон Садиров фирма ташкил қилиб юборибди. Йўқдан бор қилиш, пулни пулга чақиш деб, шуни айтсалар керак. Шундай фирма ташкил этиш, шундай ишлар билан шуғулланишга унинг ҳам ақли етувди-ку, нега шундай қилмади? Шундай қилганида Валихон Садирович эмас, Зайнобиддин Омонов шу боғда, балки ундан ҳам гўзалроқ жойда зиёфат берарди, биттамас иккита бутун қўйни кабоб қилдирарди. Унинг Валихон Садировга, ёнида тиним билмай гапириб келаётган, Валихон Садировнинг соясига ҳам салом беришга тайёр муовини Алишер Нурматовга рашки келди.

Кимлар ўзи улар? Қаердан пайдо бўлиб қолишди? Нима учун бирдан уларнинг иши юришиб кетди, буларга бойлик қўнди? Зайнобиддин Омонов шундай ўйлар экан, бир нарсани фаҳмлади. Беиш қолиб, бошига оғир кунлар тушганда ҳам оёқлари остидаги тошбақалар, музейларда, хонадонларда куя еб ётган палак, дорпечлар хаёлига келгани йўқ. Хусусий фирма, дўкон очишни матбуот жар солиб ётган бўлса ҳам ўйламади. Валихон Садировларга эса жон кирди, бирдан очилиб кетишди.

Улар бир соатдан зиёд боғни айланишди. Алишер Нурматовнинг турган-битгани гап эди. Бир дақиқа тинмади. Зайнобиддин Омоновга оғиз очтирмади. Қайтишаётганда Зайнобиддин Омонов ҳар қаёқдан, тўғридаги қўшқаватли уйдан ҳам иккита-иккита — бир аёл, бир эркак бўлиб, чиқиб келаётган ширакайф меҳмонларни кўрди. Яна дастурхон ёзилган узун стол ёнига яқинлашаётганда одамлар ичидан хотинини қидирди, аммо кўринмади. Тўғридаги уйда бирин-кетин чироқлар ўчиб, ҳозиргина ёришиб турган гулпардалик деразалар қорая бошлади. Зайнобиддин Омонов бирдан жойида тўхтаб қолди. Иккинчи қаватдаги ёруғ дераза олдида хотинининг боши пайдо бўлди. Қалин ва қора сочлари орқасига тугун қилиб боғланганидан, бўйнидаги бир қатрр тилла занжир ярақлаб кетганидан таниди. Хурсандхон уни кўргандек ва

негадир ўзини четга олгандек бўлди. Зайнобиддин Омонов бўшашиб кетди.

— Нима бўлди? — сўради Алишер Нурматов яна диққат билан унга қўз тикиб.

— Йўқ, ҳеч нарса.

— Юринг, ўзимизни сих кабобдан еймиз энди. Алишер Нурматов уни дастурхон тўрига бошлади. Ичимликлар тортилиб, битта-битта кабобдан еб бўлишганда уй эгаси Валихон Садирович пайдо бўлди. У қўлидаги виски солинган музлик стаканни сезилар-сезилмас кўтариб, ҳамма билан хўшлашиб чиқди ва Зайнобиддин Омонов ёнига келди.

— Камчилик йўқми?

— Раҳмат. Ҳаммаси жойида. — Зайнобиддин Омонов беихтиёр қўлига фужер олди, оғзига олиб бориб хўплади. Оқ вино эди ичаётгани. Ичимликларга у бефарқ бўлганидан, винолигини ҳам сезмади. — Уйингизда бўлганимдан хурсандман.

Валихон Садирович бошини эгди.

— Бу уй ҳали қаровсиз. Янги олганман. Бугунги йиғи-лишимизни ҳовли тўйи десак бўлади. Фақат яқин одамларнигина айтдим.

— Раҳмат, — деди Зайнобиддин Омонов миннатдор оҳангда. Уй эгасининг уни ўз яқинларига қўшганидан хурсанд бўлиб кетган эди.

Валихон Садирович чўнтагидан визит қоғозини чиқариб узатди.

— Ишингизни ўзгартиринг. Бирга ишлаймиз. Кутаман.

Валихон Садирович стаканни оҳиста кўтариб уриштирган бўлди, жавоб кутмай, хатто унга қарамай бошқа меҳмонлар томон йўл олди.

Зайнобиддин Омонов хотини ёнида қаёқдан пайдо бўлиб қолганини сезмади. Хурсандхон бутун оғирлигини унга ташлаб суянди ва ўзининг жуда нозик, ҳаяжонли дақиқаларда қиладиган қарашидан қилиб унга қаради:

— Қаёққа кетиб қолдингиз, Зайнобиддин ака? Хотинингиз борлигини унутиб юбордингиз-ку?

Унинг ноз билан айтган гапларидан Зайнобиддин Омоновнинг дили ёришди, қўлини иссиқ белига юбориб, ўзига тортди.

— Валихон Садирович бирга ишлашни таклиф қиляптилар, — деди бошқалар эшитмайдиган қилиб ва хотинининг қўлига шампан солинган фужер тутди.

— Нима дедингиз? — бепарво сўради хотини.

— Ўйлаб қўриш керак.

Ўзини тарозига солгандек салмоқ билан гапирди Зайнобиддин Омонов.

Эрининг феълени яхши билган Хурсандхон чўрт кесди-қўйди:

— Ўйлашга бало борми? Кўчага қиядиган битта шу қўйлагим қолган холос. Эртага яланғоч чиқаманми?!

У гап тамом дегандек шампандан бир хўплади-да, фужерни стол четига қўйди. Шу тоб Зайнобиддин Омонов унинг ингичка, узун бўйнининг икки жойида узунчоқ-узунчоқ қизил доғ кўрди. Бундай доғ нимадан кейин қолишини у яхши биларди. Боя дераза ортида уни кўрган пайтидагидек оёқларигача бўшашиб кетди. Бу нима, қаерда эдинг, деб сўрашга эса ботинмади. Хотини кўпчиликни ичида уни изза қилиб қўйиши мумкин эди. Аммо дилига шубҳа тушди. Яна боя олиб келган «Волво» олиб бориб қўйди. Шу шубҳа билан уйга қайтди. Фақат ўриндагина шубҳаси тарқади. Хотинининг ўзи тарқатди. Ёнига келди, эрқаланди, яхши кўришини, бошқа одам унга керакмаслигини таъкидлади. Хотинини у яхши кўрар эди. Шубҳасини ҳайдади, доғларини чивин чаққанига йўйиб, ўзи ҳам эрқаланиб кетди...

Валихон Садировичга «Билим» жамиятидагидан уч баравар юқори маош тайинлади, ўша заҳотиёқ кассир аёл уни табриклаб, конверт узатди. Ҳали иш бошламай аванс олди.

Кечқурун эр-хотин анча вақт гаплашиб ўтиришди. Зайнобиддин Омоновнинг ҳозирги топиши бир ойнинг беташ-виш емоқ-ичмоғи у ёқда турсин, кийим-кечагига ҳам бемалол етарди.

Хурсандхон нималар олишни, албатта, аввало эрига узоқ гапирди. Зайнобиддин Омонов йўқ, аввал сизга, деса ҳам қулоқ солмади.

— Сиз энди ҳеч нарсага зорлиги бўлмаган ишбилармонлар орасида бўласиз, ярақлайдиган, ғичирлайдиган эмас, кўзга ташланмайдиган, аммо-лекин қимматбаҳо, асл нарсалар кийишингиз керак. Чарм куртка, бўлса жигарранг, бўлмаса қора, кейин юмшоқ, ипсиз туфли, сидирға оқ кўйлак, почаси билинар-билинемас торайган кулранг қора шим. Яхши камар. Яхши камарда гап кўп...

Хотинига қулоқ солиб ўтириб, Зайнобиддин Омонов тўқчилик одамини ўзгартиришига, меҳроқибатли қилишига яна бир бор ишонди ва янги ишга ўтганига суюнди.

Фирмада унинг қиладиган иши асосан филиаллардан хабар олиб туриш эди. Қайси филиалга бориб келишни Валихон Садиоровга кўпроқ бевосита бошлиғи Алишер Нурматов айтарди. Сафарга жўнаш чоршанба ё пайшанбага тўғри келарди. Чунки душанбада ишлар режалаб олинарди, ким қаёққа қандай топшириқ билан бориши белгиланарди. Зайнобиддин Омонов шу тартибга кўниқиб кетди. Сафардан қайтиб, душанба куни шошмасдан ҳисобот тайёрлайди. Кўчиртириб раҳбарларга топширади. Сешанба куни раҳбарлар кўриб чиқишади. Асосан маъқуллашади. Чоршанбада қаёққа кетиши маълум бўлади. Ё ўша куни жўнайди, ё эртаси эрталаб. Хотини ҳам шунга кўниқиб қолган. Лекин барибир хотин — хотин-да. Ёлғиз қолгиси келмайди. Бирпас ғиншийди, мени ҳам олиб кетинг, деб хархаша қилади. Зайнобиддин Омонов ичида севинади. Аммо билдирмайди, ўзича урушган бўлади, исм-шарифи муҳрланган жигарранг дипломатига керакли нарсаларни солиб, уйдан чиқади. Кузатгани кўймайди.

Сафарда филиалларнинг ходимлари уни деярлик урин-тиришмайди. Аввало унинг келишини билиб тайёргарлик кўриб қўйишади. Қилган ишлари, навбатдаги режаларни битта папка қилиб, келиши билан қўлига тутқазишади. Зайнобиддин Омонов шошмасдан танишади. Кейин филиал бошлиғи ё унинг ўринбосари билан жойларга боради. Хужжатлар билан амалдаги ишларни солиштиради. Жойларга бориш, суҳбат, овқатланишлар билан кунлар тез ўтиб кетади. Қайтадиган вақт ҳам келиб қолади. Қаерга бормасин, Зайнобиддин Омоновнинг қиладиган битта иши бор. Хотинига бирон нарса олиш кераклигини у одамларга айтади. Аммо ўзи бориб, ўз пулига олади. Фирмага ўтганидан бери пул масаласида у қийналмайдиган бўлиб кетди. Сафар пули шундай ишлатилмай қолади. Бундан ташқари унга худди бошлиқларга қилингандек яхшигина чўнтак пули ҳам беришади. Қайтганида эса мукофот олади. Шунча вақтдан бери у бир ой ҳам мукофотсиз қолгани йўқ. Мукофот билан маошини хотинига беради. Сафар ва чўнтак пуллардан баъзан ўзига бир нарса олади. Кўпинча эса одамлар олдиришмайди. Уят, деб ўзлари истаган нарсасини олиб беришади. Аммо Хурсандхонга у ўзи олади. Филиаллардагилар унинг бу одатини билишади. Бу нарса хотинимга дейиши билан ўзларини четга олишади.

Зайнобиддин Омонов қайтишдан олдин бевосита бошлиғи Алишер Нурматовга телефон қилади, қайтаётганини айтади. Алишер Нурматов ўта маданиятли одам. Қайтишга рухсат бергандан кейин ўзи Хурсандхонга телефон қилиб, Зайнобиддин Омоновнинг қайтаётганини, хавотир олмаслигини айтиб қўяди. Хурсандхон эрини хурсандлик билан кутиб олади. Сафардан оч қайтмаслигини билса ҳам ошнинг сабзи-пиёзини бостириб кутиб олади. У яхши кўрадиган иссиқ патир нон олиб келиб қўяди. Хурсандхон ўша куни кечаси ҳам ундан ўз меҳрини аямайди.

Зайнобиддин Омоновга янги ишининг қанчалик даромадли бўлмасин, битта ўтиришмайдиган жойи бор, у ҳам бўлса ракамлар, ҳисоб-китоб. Яхши ҳамки, сафарларда хужжатларни — молнинг ҳажми, нархи, фойдаси, харажатлари, қўйингки, нима топшириқ билан кетаётган бўлса, шу топшириққа ҳамма жавобни филиаллардаги одамларнинг ўзлари тайёрлаб қўйишади. Аммо қайтгандан кейин сафар, йўл харажатлари хужжатларини ўзи бухгалтерияга топшириши керак. Зайнобиддин Омоновнинг шунга тоқати йўқ эди. Аммо бунинг ҳам йўли топилди. Шаҳардалиқ пайтида яъни душанба, сешанба кунлари фирмада у



иккита жувон билан бир хонада ўтирарди. Биттаси Райҳон, иккинчиси Гулбаҳор. Фирма АҚШга кўчиб кетган бадавлат яхудий докторнинг уйига жойлашган эди. Катта ҳовли, икки қаватли уй. Иккинчи қаватда Валихон Садирович ўз ёрдамчиси ва бош бухгалтер билан ўтиришарди. Деярли ҳеч ким у ёққа кўтарилмасди. Зайнобиддин Омонов ҳам атиги бир марта ишга кириш учун келганида кўтарилган эди, холос. Ҳамма бўлимлар биринчи қаватда эди. Чақириладиган мажлислар, меҳмондорчиликлар биринчи қаватда, катта залда ўтар эди. Зайнобиддин Омоновга Алишер Нурматовнинг ёнидаги де-разаси кўчага қараган хонадан жой ажратиб беришди. Илгари кизларнинг ўзлари ўтиришар экан. Энди ораларига у кирди. Аввал бйрмунча сиқилиб ўтиришди. Пардоз-андозга бошқа хоналарга чиқишди, ҳатто чойни ҳам тортиниб ичишди. Аммо Зайнобиддин Омоновнинг камтар, тортинчоқлигини кўриб, ундан аста-секин уялмайдиган бўлиб кетишди. Олдида чой ичишади, бемалол сумкаларига ойналарини тираб, кош-кўзларини, лабларини бўяшади. Ҳатто аччиқ-чучук латифалар айтишади.

Биринчи гал «Гуличка» унинг аванс ҳисобини кўриб берди. Кўра туриб кошлари чимирилиб кетди:

— Нега йўл харажатларини, меҳмонхона, суточнийларни ёзмайсиз?

— Ишлатмадим-да, ўзлари тўлашди. — Ростини айтди Зайнобиддин Омонов. — Фақат боришга билет олдим, холос.

— Вой, содда одам! Берган пулни қайтарасизми?! Бунақада ҳаммамизни қайтариб берадиган қилиб қўясиз-ку? Ким сиздан шуни талаб қиляпти? Ошиб-тошиб кетганмисиз?

Зайнобиддин Омонов кизариб кетди.

— Ҳаммасини ёзамиз. Иккинчи бунақа қилманг!

Гулбаҳор бирпасда машинкада чиқиллатиб ташлади. У тайёрлаган ҳисобот бўйича сафарга берилган пулларнинг ҳаммаси ишлатилган, ҳатто меҳмонхонага жиндай етмай ҳам қолган эди.

Зайнобиддин Омонов қаршилиқ билдирмади. Илгариги иши бўлганда, шаддод аёлни уришиб берарди. Инсофли-диёнатли бўлишга, давлатни алдамасликка чақирарди, лекин фирма давлат эмас, бу кизлар ҳам илгариги у билан ишлаган одамлар эмас эди. Бунинг устига у кўпчиликка қарши чиқиб бўлмаслигини яхши биларди. Қайси бир йили пок, бир сўзли, халқ, давлат, партия ишига садоқатли бир директор коллективнинг талаби билан райком бюросида ишдан олиб ташланган эди. Унинг ноҳақ ишдан олинаётганини ҳамма бюро аъзолари билишарди. У заводдан керакли, қимматбаҳо нарсаларни липаларига қистириб олиб кетаётган одамлардан тўртта-бештасини тутиб олиб, судга берган эди. Коллектив унинг устидан хат ёзиб, қобилиятсизликда, кўполлик, шафқатсизликда айблади. Бюро кўпчиликка қарши чиқолмади. Шу воқеа Зайнобиддин Омоновнинг эсида эди. «Гуличка» айтгандек қилмаса, кўпчиликни ўзига қарши қаратиб қўярди. Қайтарилмаган сафар пулларига олинган овқатлари бир неча кун томоғидан ўтмай, кийган кийимлари баданини кўйдиргандек бўлиб юрди. Лекин одам нималарга кўникмайди? Зайнобиддин Омонов ҳам кўникиб кетди.

Хуллас, у ўз турмушидан ризо, хотини Хурсандхон ундан хурсанд эди. Лекин ойнанинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу деган гап бор. Зайнобиддин Омоновнинг бошига ҳам ҳеч қутилмаганда ташвиш тушди. Сешанбаларнинг бирида, ўшанда Андижонданми, Қўқонданми қайтган эди, адашмаса, Қўқондан қайтган эди. Алишер Нурматовнинг хузуридан кўнгли тўлиб чиқаётиб, хонасига кирмоқчи бўлганда бирдан тўхтаб қолди. Ичкарида Райҳон билан Гулбаҳор унинг ғийбатини қилишаётган эди. Эшикни очиши билан қулоғига уларнинг гаплари чалиниб қолди.

— Зайнаб қўшмачига яна мукофотни ошириб ёзишибди! — Бу Райҳоннинг овози эди. — Маники ўтган ойданам камайиб кетибди.

— Шуни ҳам тушунмайсанми? — деди Гулбаҳор. — Хурсандхон борган сари очилиб кетяптилар. Эгниларида ҳозир фақат французча кийим. Бу ўзи бўладими?

— Эр бўлмай ўл! — Райҳон нимадир деб ўртоғининг қулоғига шивирлади. Зайнобиддин

Омонов эшитмади, иккалови кулишди, кейин овоз чиқариб қаргади. — Билмай ўлсин! Билади! Ўзи кўшиб кўйган! Шундай яшагандан кўра, мен ўзимни осардим!

Зайнобиддин Омонов муз бўлиб кетди. Кейин кулоқларигача қизариб ёна бошлади, пешонаси, бурнини тер қоплади. Ичкарига кириш-кирмаслигини билмай жойида анча туриб қолди. Аёллар бошқа гапга кўчишди. У бўлса орқага қайтишни, ҳозир улар билан учрашмасликни лозим топиб, ҳовлига тушди. Ҳовлининг этагига, баланд ўрикнинг остига дам оладиган жой қилиб қўйилган эди. Шу ерга бориб ўтирди. «Наҳотки, наҳотки, уларнинг гапи рост бўлса?» Зайнобиддин Омонов ўйланиб кетди. Янги ишга ўтганидан бери хотини анчагина ўзига оро берадиган бўлганини эслади. Баъзан кеч қайтади ишдан. Бўш қолди дегунча воситачи магазинларга югуради. Лекин буларнинг ҳаммаси тўқлик аломати. Унинг эгри юришига келганда, Зайнобиддин Омонов буни пайқамаган. Қизлар хотинини кимга тақашди? Буни улар оғизларига олишмади. Демак, иккалови ҳам билади. Унинг хаёлига Валихон Садирович келди. Қибрайдаги боғ уйга меҳмон бўлиб боришганини эслади. Ўшанда Алишер Нурматов уни боғ ичига етаклаб, узоқ айлантди, тинмай гапирди. Аслида у бунчалик сергап одам эмас экан. Ўшанда уни чалғитган бўлса-чи? Боғдан қайтганда хотини бироз кайф билан пайдо бўлди. Кўзлари ялт-ялт ёнди. Бўйнидаги ингичка қизил доғчи? Чивин бундай чақмаслигини, нимадан сўнг бундай из қолишини Зайнобиддин Омонов албатта биларди. Аммо билиб ўзини билмаганга солди. Ҳозир шуни эслаб, у яна қизариб кетди. Наҳотки, Валихон Садиров билан хотини... алоқада бўлса?... Шунча вақтдан бери уни алдаб келаётган бўлса? Нима деди? «Эгнида ҳозир фақат французча кийим». Дарҳақиқат, бу ўзи бўладими?

Зайнобиддин Омонов ўша куни уйига эртароқ қайтди. Хотини ҳали келмаган эди. Кейин шкафларини очиб, хотинининг кийимларини титкилай бошлади. Таниш, ёқимли хид, хотинининг ҳиди димоғига урилди. «Тухмат, бу тухмат», — деб юборгиси келди шунда у ва қилаётган ишидан уялиб кетди. У ҳеч маҳал хотинининг ишларига аралашмаган, нарсаларига тегмаган, ҳозиргидек титкиламаган эди. Битта кофтани ола туриб қайта жойига илиб ҳам қўйди. Аммо ўзини тўхтата олмади. Беихтиёр иккинчи бир нарсага кўлини узатди. Бу гулли қора кўйлак эди. Зайнобиддин Омонов зарҳал ёқасини илгагидан чиқариб қаради. Шошиб яна бир кўйлакни олди. Унда ҳам шундай ёзув бор эди. Атир-упа устидаги хилма-хил шишалар ҳам шу фирманинг шишалари эди. Демак, аёлларнинг гапи тухмат эмас, рост...

Зайнобиддин Омонов хотинига ҳеч нарса демади. Нима ҳам дерди? Қандай исбот бор унинг кўлида? Фақат гап. Воситачи дўконларда мол тикилиб ётибди. Пул бўлса бўлди. Ўзининг топгани, унга бераётгани бу нарсаларнинг ҳаммасига етади. Хурсандхон албатта шундай дейди.

Балки урушади, тўполон солиб юборади. Шубҳаларга чек қўядиган, агар рост бўлса, аниқлайдиган бошқа йўл топиш керак. Қандай йўл? Зайнобиддин Омонов кечаси уйқуси қочиб кетиб ўйлади. Аммо бирон фикр хаёлига келмади. Эрталаб ишга борганида, яна сафар устидан чиқди. Севиниб кетди. Уч-тўрт кун хотинини кўрмайди, кўзларига боқмайди, илгари эшитиб тўймайдиган, энди эса бирдан ток ургандек бўлиб кетадиган чийилдоқ овозини эшитмайди. Наҳотки илгари овози ингичкалигини у пайқамаган? Зайнобиддин Омонов ҳайрон бўлди, шу сабаб хотинининг феълидан, гаплари, одатларидан камчиликлар қидира бош-лади. Аммо қидиргани сари унга меҳри орта борди. Топган камчиликлари ижобий фазилатларига айланиб кета бошлади. Ингичка овози яна илгариги ҳолига қайтиб ҳолвайтардек майин, ширин туюлиб кетди. Уйга ошиқди. Сафардан қайтиб келиб хотинига бошқача, синовчан кўз билан қаради. Аммо ҳеч қандай ўзгариш сезмади.

Хурсандхон аввалгидек қувноқ, меҳрибон, эрини соғинган суюкли хотин эди. Тўрт кунни сафарда қандай ўтказганини билмаган Зайнобиддин Омонов анча ўзига келди. Хотинлар ўзи кимнинг ғийбатини қилишмайди? Хурсанд-хон, унинг хотини келишган, оқи-оқ қизили-қизил жувон, билиб кийинади, билиб гаплашади. Гуличкаларнинг унга ҳаваслари келган бўлиши керак. Қаердадир кўришгандир? Эшитишгандир? Ўшанда Қибрайдаги меҳмондорчиликда

Зайнобиддин Омонов ҳамма аёллар ичида ёш, чиройлиси, энг ёқимлиси хотини эканини кўрган, қайтадан унга муҳаббат изҳор қилгиси келиб кетган эди. Анчагача гаплашиб ўтириб, ҳеч нарса сезмади. Зайнобиддин Омонов ярим кечада барибир юраги дукурлаб уриб, уйғониб кетди. Унинг тинчлиги, ҳузур-ҳаловати йўқолган эди. Пастга тушди, баланд-баланд қайрағочлар соқчилардек уйғоқ турган ҳовлини айланди, кўчага чиқди. Ундан бошқа ҳеч ким ҳовлида ҳам, кўчада ҳам кўринмади. Ҳамма уйкуда эди. Фақат уйга қайтаётганда чироқларини дам у, дам бу томонга ташлаб битта «Жигули» ўтиб кетди. «Маст», хулоса қилди Зайнобиддин Омонов ва ўзининг ҳам маст бўлгиси, оғир ўйларини унутгиси келиб кетди.

Эрталаб Хурсандхон олдига шакар сепилган ширгуруч олиб келиб қўйди, бошидан ўпганда, дили яна равшан тортиб кетди. Тунги азоблари хаёлидан кўтарилди.

Ишхонасига яқин қолганда фирма дарвозаси олдига таниш «Волво» келиб тўхтаганини, Валихон Садирович ундан тушганини кўриб қадамини секинлатди. Аммо Валихон Садирович уни кутиб турди. Қуюқ сўрашиб айвондаги жимжимадор ёғоч зинадан ўз кабинетига кўтарилди. Зайнобиддин Омонов унда ҳам ғайритабиий ҳеч нарса сезмади. Ўша-ўша илгариги назар, илгариги самимий муносабат. Аёлларнинг ғийбатига парво қилиш керак эмас, гапиришди-қўйишди-да. Алам-алам уларда. Хурсандхоннинг кийимларидан йўқлиги алам! Бошқа ҳеч нарса эмас.

Бундан ташқари у ишбилармон одамлар бундай қилмасликларига ич-ичидан ишонгиси келарди. Ишбилармон тўғри, тоза қўл билан ишлайди. Ўғрилиқ, хиёнат, алдамчилик билан эмас, ақл-идрок билан пул топади, давлат орттиради, ўз номига ДОР туширмайди. Шунинг учун ҳукумат уларга ҳамма йўлларни очиб қўяпти. Ишла, инсоф билан, ақл билан ишла, топ, топганинг ўзингга ҳам, халққа ҳам буюрсин, дастурхонини мўл, уйини обод қилсин, деяпти. Валихон Садирович нахотки неча асрлардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келган ишбилармонлик қоидаларини билмаса?! Билади, билмаса, фирманинг ишлари бунчалик юришиб кетмасди. Алдамчи, қаллоблар билан ким муносабат қилгиси, иш юритгиси келади? Кейин, ишбилармон бошлиқ ҳеч маҳал ўз ходимини алдамайди, ҳаққига хиёнат қилмайди. Битта ходимини алдаган бошлиқ, ҳаммани алдайди. Унда ким у билан ишлайди?

Зайнобиддин Омонов ўзига таскин берадиган яна кўп нарсаларни топди, хонасидаги жувонларга ҳеч нарса билдирмади.

Лекин на чора? Ўзи сезмаган ҳолда паришонхотир бўлиб қолди, уйқусини йўқотди. Тунларни бедор ўтказиш, хотинига билдирмай пастга тушиб, ҳовлини, кўчани айланиш одатга айланди.

Бир куни унинг шундай тагидаги қарияларнинг домино столи ёнида ўтирганда, бир-бирлари билан шошмасдан гап-лашаётган иккита аёлнинг овози шундай қулоғи тагида янграса?! Овозлар танишдек туюлди. Беихтиёр қулоқ солди. Аёллар уни гапиришаётган эди.

— Бунақада жинни бўлиб қолади, ана, ўтиришини қара. Рангибоши худди ўликнинг ўзи, — деди битта аёл.

Овоз тепадан келди. Зайнобиддин Омонов бошини кўтарди. Биронта деразада чироқ ёниб турганини кўрмади. Овознинг тепадан, шундай боши устидан, биринчи ёки иккинчи қаватдан келаётгани аниқ эди.

— Жинни бўлмай кетсин. Айб ўзида, — деди иккинчи аёл. — Ҳаммани ўзига ўхшаган тўғри, содда, деб билмаслиги керак. Шунақа енгил хотининг бўлгандан кейин орқа-ўнгингга қараб юришинг керак. Биров бола-чақа қилгиси келади, бировнинг ишлагиси. Бу кишига юриш бўлса, кийиниш бўлса. Эр шўринг қурғур, ҳар гал сафарга жўнаши билан унинг чироғи ўчиб, эшигига қулф тушишини билмайди!

— Ҳозир ҳам ҳеч нарсанинг тагига етолмай ўтирибди. Қара, қорадори еган одамга ўхшайди, ланж.

— Тагига етиш жуда осон, — биринчи гап бошлаган аёл, афтидан, савол кутиб гапидан

тўхтади.

— Қандай қилиб? — сўради иккинчи аёл.

— Бир гал сафарга кетдим, деб кетади-ю, кечкурун қайтиб келади. Панада туриб кутади. Қоронғу тушиши билан таниш машина келади. Хотини унга ўтириб жўнаганини кўради.

— Бу унга етарли эмас. Хотинининг хиёнатини ўз кўзи билан кўриши керак.

— Иккаламиз унинг кўзини астойдил очмоқчи бўлсак, йўлини топсак бўлади. Розимисан?

— Розиман, — деди иккинчи аёл.

Зайнобиддин Омонов шунда уни таниди. Гулбаҳор эди. Биринчи аёл эса Райҳон, шубҳасиз, Райҳон. Булар қандай қилиб келиб қолишди бу ерга? Қаердан гапиришяпти?

Зайнобиддин Омонов атрофига қаради. Ҳаммаёқ ҳамон қоронғулик оғушида. Биронта одам кўринмасди.

— Рози бўлсанг, бундай қиламиз. Олдига бир сиқим юнгимиздан ташлаб кетамиз. Истаган пайти бир қисмини икки қўли орасига олиб ишқаласа, бизга ўхшаган мушук бўлиб қолади. Ана шундан кейин машинанинг бир четида хотини борган жойга боради, ҳаммасини ўз кўзи билан кўради. Иккинчи қисмини асл ҳолига қайтмоқчи бўлганда ишлатади. Ерга ёйиб уч марта устида думалайди.

Зайнобиддин Омонов шу гапни эшитиши билан бошини кўтарди. Олдидаги қандайдир шифер томда иккита оламушук унга қараб ўтирарди. Биттаси ҳатто унга кўзини қисиб ҳам кўйди...

Аллақаерда хўроз қичқирди. Катта бир ит тинмай вовуллай кетди. Зайнобиддин Омонов тонг ёриша бошлаганини сезмай қолди. Беихтиёр олдидаги стол устига қаради. Бир сиқим қорамтир майин мушук юнги шундай олдида оқ қоғоз устида турарди. Ҳовучига олди-да, ҳозиргина мушуклар ўтирган томга қаради. Аммо улар йўқ эди.

Зайнобиддин Омонов мушуклар айтганидек қилди. Навбатдаги сафарни хурсандчилик билан қабул қилиб, йўл тараддудини кўра бошлади. Аввало идорадагиларнинг ҳаммаси билан негадир хайрлашиб чиқди. Албатта Валихон Садировичнинг олдида кирмади. Алишер Нурматовга учради. Топшириқларни хижжалаб суриштирди. Хонасига қайтиб:

— Мана, айтганларингдек қиламан бугун. Аммо гапларинг ёлғон чиқса, кўрасизлар! — демоқчи эди, ўзини тутиб қолди. Иккала жувон худди ҳеч нарса бўлмагандек, ҳеч нарса билмагандек бошларини қоғоздан кўтармай ўтиришарди.

— Хўп, хайр, — деди Зайнобиддин Омонов дипломатини ёпиб, ўрнидан турар экан.

— Яхши бориб келинг, — деди Гулбаҳор.

— Яхши дам олиб келинг, — деди Райҳон.

Зайнобиддин Омонов жилмайди...

Худди мушуклар айтгандек, қоронғи тушиши билан таниш «Волво» уларнинг уйлари олдида келиб тўхтади. Шофёр ўнг томондаги иккала эшикни очиб кўйиб, ойналарни арта бошлади. «Зайнобиддин Омонов» лип этиб, машинага чиқди-да, орқа ўриндиқ билан шофер суянчиғи орасидаги бўш жойга жойлашиб олди. Хурсандхон уни кўрмади.

«Зайнобиддин Омонов» хотинининг шунча йилдан бери қадрдон, азиз бўлиб қолган ҳидидан маст бўлиб борар экан, машинани тўхтатгиси, қалтис, ифлос йўлдан қайтаргиси келди, аммо ўз қиёфасида эмаслиги эсига тушиб, ниятидан қайтди.

Машина фирма дарвозаси олдида тўхтади. Хурсандхон туриб, ичкарига кирди-да, дадил қадам ташлаб айвондаги бурама зинадан иккинчи қаватга кўтарилди. «Зайнобиддин Омонов» Валихон Садирович кабинетига қиради, - деб ўйлаган эди. У ёққа кирмади. Рўпарадаги эшикни сумкаспдан калит олиб очди. Бу тор йўлак эди. Хурсандхон чап томондаги эшикни итариб ичкарига кирди. Унинг кетидан «Зайнобиддин Омонов» ҳам кирди. Ўртада думалоқ стол. Деворларга суяб юмшоқ кресло-диванлар қўйилган. Ҳаммаси бир рангда, сарғиш духоба билан қопланган.

Хурсандхон меҳмонхонанинг этагидаги эшикни очиб, орқасига ўтди. «Зайнобиддин Омонов» югуриб бориб қаради ва уялиб кетди. Хурсандхон ечиниби, узун шоҳи халат кийиб олди. Бу халатда ҳеч маҳал уйда юрмаган эди. Демак, фақат шу ерда кияди. Битта одам учун кияди...

Хурсандхон меҳмонхонага қайтиб, бирпасда столни ясатиб ташлади. Нима қаерда турганини у яхши биларди. Сумкалар, қоғоз пакетлардан столнинг устига иссиқ тандир нони, патир, сомса, ҳўл мева, товуқ олиб қўйди. Сервантдан тақсимчалар, пичоқ, вилкалар олди. Катта муз қутини очиб, нима борлигини текширди. Бир шиша Тошкент сувини олиб очди-да, шошмасдан, хўплаб-хўплаб ичди.

Шу пайт тўрдаги эшик очилди. Валихон Садиорович кириб келди. Хурсандхон югуриб бориб, уни кучоқлади.

Сервант устига чиқиб олган «Зайнобиддин Омонов» чидолмади. Шундай Валихон Садиоровичнинг бошига ўзини ташлади, сочларини юлиб, юзларини тимдалай бошлади. Хурсандхон дод солиб, қочиб кетди. Валихон Садиорович «Пишт! Пишт!» деб қўлларини силкитди, бошини, елкалари ичига олиб инграй бошлади. Зайнобиддин Омонов унинг кўзларига чанг солмоқчи бўлиб орқага тисарилди. Аммо қонга беланган башарасини кўриб, жирканиб кетди. Стол устига сакраб ўтди-да, шу ердан деразага отилди. Ойна чил-чил бўлиб синди. Кўп ўтмай у ўзини кўчанинг ўртасида кўрди. Қулоғига хотинининг чинқирган овози эшитилди. Аммо унга таъсир қилмади. На ачинди, на ғазабланди.

Уйга деразанинг очиқ кўзидан тушиб, кроватга чўзилди. У тинч, хотиржам эди. Шифтга қараб анчагина ётди. Ўз киёфасига ўтиб олиши эсига келиб, ўрнидан турди. Оламушуклар юнгининг қолган қисмини оқ қоғозга ўраб, кўк шимининг чўнтагига солиб қўйган эди. Шими стул суянчиғига осиглиқ эди. Иккала чўнтакни қаради, ҳатто ағдариб кўрди, юнг йўқ эди. Шкафни очиб, ҳамма шимларини титкилаб чиқди, топилмади. Юраги орқасига тортиб кетди. Энди нима қилади? Шундай ўйлаб туриб, бирдан кулиб юборди. У янги бир қарорга келган эди. Деразанинг очиқ кўзига сакраб чиқди-да, ундан тарновга ўтди. Тарновдан беш қаватли уйларнинг томига кўтарилди. Оламушуклар шу ерда, ёки нариги уйларнинг томларида юрган бўлишса керак. Уч-тўрт уйдан ўтганда катта майдоннинг олдидан чиқиб қолди. Майдоннинг нариги томонида яна шундай, кўп қаватли уйлар бошланарди. Уйларнинг жуда кўп деразаларида чироқлар ёқилган эди. Одамлар ё ҳали ётишмаган, ё тонг ота бошлаганми, у англолмади. Тарновдан деразалар тоқчаларига, тоқчалардан теракларга сакраб ўтиб пастга тушди ва олдинда ёниб турган чироқлар томон югуриб кетди...

\* \* \*

Хурсандхон эри бедарак кетганидан кейин ярим йил ўтгач, жаноза очдирди. Барча қариндош-уруғларни чақирди. «Тақсим» фирмасининг ходимлари ҳам келишди. Уч хонали уй ҳали қиш тугамаган бўлса ҳам бирпасда исиб кетди. Ош тортилаётган маҳали, Валихон Садиоровичнинг таклифи билан уйнинг деразалари очилди. Ош келиб, Валихон Садиорович қўлига қошиқ олай деганида, очиқ деразаларнинг бирида катта оламушук пайдо бўлиб, унинг устига сакради. Бошига ўтириб олиб, юзлари, қулоқларини тимдалай бошлади. Одамлар ўзларига келиб, уни ҳайдаш лозимлигини англагунларича очиқ деразага яна сакраб ўтиб, ғойиб бўлди.

Бу воқеа тез орада шаҳарга тарқалди. Биров Валихон Садиоровични шундан кейин жинни бўлиб қолибди деса, биров уни қамалдига чиқарди. Аммо бир нарса аниқ эди: Валихон Садиорович ишдан кетган, фирмага янги одамлар келган эди.

Хурсандхон уйдан чиқмайдиган бўлиб қолди. Ишдан келиб у-бу еган бўлади, дераза олдида ўтириб, кўчага тикилади, ё ховлига тушиб, эри айланган жойларни айланади, домино столи

ёнида юзига кафтларини тираб, узоқ-узоқ хаёл суриб ўтиради. Баҳайбат оламушук эса уни томнинг устидан кузатади, баъзан орқасида юради. Аммо ўзини кўрсатмайди. Хурсандхон дераза олдида пайдо бўлмаган, пастга тушмаган кунлари оламушук чақалоқ йиғлагандек қаттиқ-қаттиқ миёвлаб йиғлайди. Унинг овозини эшитган тунлари Хурсандхон жунжикиб кетади, бутун вужуди, дилини қўрқув босиб мижжа қоқмай чиқади...

*1994 йил*

## МЕНИНГ ЎҒИЛБОЛА ЖИЯНИМ

Уни биринчи марта саккиз йилча бурун кўрдим. Ҳали чилла кирмаган ёз кунларининг бири эди. Нонуштадан сўнг одатим бўйича ўз хонамга ўтиб, ёзув столи ёнига энди ўтирай, деб турганимда, темир дарвозамизни кимдир тақиллатиб қолди.

— Ҳозир! — ҳовлига тушиб овоз бердим.

Аммо тақиллатаётган одам эшитмади шекилли, дарвоза момақалдироқдек гумбурлаб кетди.

— Ҳозир, ҳозир! — қичқирдим яна овозим борича ва шошиб кўча томон юрдим.

Дарвоза эшигини очгунимча минг хил хаёл миямни ғалвир қилиб юборди. Аммо Худога шукурки, тинчлик эди. Рўпарамда қарға нусха атлас кўйлак кийган, қалин қора сочлари иккита қилиб ўрилган, қип-қизил кулча юз бир қиз илжайиб турарди. Унинг оппоқ, текис тишлари, думалоқ қора кўзлари — кимнидир эслатди, аммо билолмадим. Қиз бир кўлига семиз брезент чемодан, иккинчи кўлига усти сарғиш дока билан танғиб кўйилган катта оқ челақ кўтариб олганди.

— Мани танимадингиз-а, тоға? — Қиз оғзини катта очиб жилмайди. Оппоқ тишлари ярақлаб кетди. Ким бўлди экан? Қайси жияним бўлди у? Аммо у ўйлагани кўймади, ўзи жавоб бериб кўяқолди. — Ман Паркатли Муқаддам опайиззи кизи бўламан. Ўғилой. Ассалому алайкум!

Уни таниб, алик олиб улгурмасимдан кўлидаги юқларини кўйиб елкаларимни кучоқлади, иккала юзимдан чўлпиллатиб ўпди. Шунда уни танидим. Тўғрироғи, онасини танидим. Муқаддам опа мендан беш-олти ёш катта эди, болалигимизда ёнма-ён ҳовлида ўсган эдик. У оймнинг туғишган акаси, раҳматли Ғани тоғамнинг кизи эди. Ўзидан кичикларни, шу жумладан мени узок кўрмаса, ё меҳри кўзиб кетса, шундай кучоқлаб, чўлпиллатиб ўпарди. Дилим ёришиб, хурсанд бўлиб кетдим.

— Уйдагилар, оинг қалай? — меҳр билан унга янгидан тикилдим.

— Салом деб юбордилар! — Ўғилой бирдан энгашиб, оёғидаги баланд пошна қора туфлисини еча бошлади ва пастдан кўзларини менга тикиб жилмайди.

— Эзворди оёғимни!.. Уйга кировузми?

— Айтгандек... юр, юр! — йўлни бўшатиб ўзимни четга олдим. — Ёрдамлашаварайми?

— Ўзим!..

Ўғилой туфлисини қўлтиғига қистириб, чемодан билан челақни кўлларига олдида, ичкарига кирди.

Айвонга кўтарилганимизда, у чемоданни қолдириб, челақни ошхонага олиб бориб кўйди.

— Қатиқ, — деди қайтиб чиққанида. — Атайин сизга атаб солганман кеча. Шу ерда ўтиравузми?

У айвондаги стол, стулларга разм солиб чикди-да, битта стулни суриб ўтирди. Мен ҳам рўпарасига ўтирдим.

— Қани омин! — у кўлларини ёзиб баланд кўтарди. — Қадам етди бало етмасин! Оллоху акбар!

Беихтиёр унга кўшилиб, кўлларимни юзимга тортдим. Чой кўймоқчи бўлиб ўрнимдан турмоқчи эдим, у тўхтатди.

— Ман ўзим!

У чемоданини очиб, ичидан тўртта қип-қизил баркашдек-баркашдек нон олди.

— Эрталаб ёпанмиз. Шунақа нонни яхши кўраркансиз. Ойим айтдилар.

У нонларни столга кўйиб ошхонага ўтди. Чой кўйиб чиқиб яна чемоданига энгашди.

— Қурт ҳам олиб келганман. Ёғлик. Кўйнинг сутидан.

У бир целлофан халта курт олиб ошхонага ўтди-да, тақсимчага тўлдириб солиб чикди.

— Олинг.

Мен унга маҳлиё бўлиб қолган эдим. Унинг ҳаракатлари, овози онасининг ёшлигини кўз

олдимга келтирди. «Муқатопа»ни болалигимдан яхши кўрардим, қариндошларим ичида фақат у билан кўпроқ ўйнагим, унинг ёнида кўпроқ бўлгим келарди. Қизлар тез ўсади. У ҳам бир пасда катта бўлиб қолди. Узатишиб, Паркентга жўнатишаётганида уйдан қочиб кетганим эсимда. Ярим кечагача жимжит кўчаларда айланиб йиғлаганман.

Унинг эри Ўрозбек поччамиз мўмин, қобил, меҳнаткаш, бунинг устига меҳр-оқибатли одам чиқди. Ҳозирги мен турган уйни кўтаришда унинг анча меҳнати сингган. Эр-хотиннинг бир-бирларидан, умуман турмушларидан кўнгиллари тўқ бўлса ҳам битта орзулари ушалмай қолди. Ўғил кўришмади. Муқаддам опа кетма-кет иккита қиз кўрди. Иккалови ҳам бола-чақали бўлиб кетишган. Паркентда туришади. Учинчи фарзандларини фолбин ўғил бўлади деб ишонтирган. Аммо у ҳам қиз туғилди. Ўғил бўлмаса ҳам ўғилдек бўлсин деб отини Ўғилой қўйишди. Уни кўрмаган эдим, кўрган бўлсам ҳам эътибор бермаган эдим. У тенги болалар уруғимизда кўп эди. Хушбичим, баланд бўй, катта қиз бўлиб кетибди.

... Ўғилой бақувват қўллари билан нон синдираб экан, қараб турганимни ўзича тушунди.

— Ойим жуда яхши нон ёпадилар!..

— Ойингнинг қўли гул, — қўшилдим унга бир бурда нонни оғзимга солар эканман. Аммо кўзим унинг чаққон ҳаракатларида худди шу нон рангидек юзида, тиник, тоза нигоҳида эди.

— Мен энди сизларникида тураман, — деди у ўзига ҳам чой куйиб ўтирар экан.

Уйда жой етарли бўлса ҳам ҳайрон бўлиб унга қарадим.

— Ўқишга кираман. Ойим жа бўлмаса сан ўқи, девоттила.

— Тўғри айтибди ойинг. Қаёққа кирмоқчисан?

— Қаёққа олиб кириб қўйсангиз, шуёққа!

Чой хўплаб турган эдим, қалқиб кетдим.

— Қаёққа олиб кириб қўясиз, тоға? — сўради ўйлатгани қўймай. Ҳақиқатан уни қаёққа жойлайман энди? Жойлай олармиканман ўзи? Ҳеч бундай ишлар билан шуғулланмаган эдим. Қаёқдан келақолди бу ташвиш?

— Кеннойинг келсин, маслаҳат қилармиз...

Мужмал жавоб қилганимни, руҳим тушиб кетганини кўриб, у кулиб қўйди. Сездим. Кейин мени аяди шекилли, жиддийлашиб институт масаласига ўзи чек қўйди.

— Ҳисоб-китобга тузукман, математикадан битирув имтиҳонини ҳаммадан олдин ёзиб чиқдим. Беш олдим. Нархозга кирсам деб турибман. Танишларингиз бўлса ёрдам берарсиз. Кирилмасам, қайтиб кетаман, ишлайман.

Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди.

— Ётоқни ўйлама. Уйда жой кўп. Тураверасан. Кеннойинг ҳам хурсанд бўлади, — дедим анчагина ўзимга келиб. — Танишларни бўлса... қидирамиз. Бирорта танишнинг таниши чиқиб қолар.

Институтга жойлаб қўйишдек мураккаб жавобгарликдан мени халос қилгани учун ғойибдан пайдо бўлган ва бирпасда уйни ўзиники қилиб олган жиянимдан ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим ва иложи борича унга ёрдам беришга аҳд қилдим.

Пешинга яқин хотиним ишдан қайтди. Ўғилой содда, бағри кенг келинойисининг ичига кириб кетди. Қатиқ сузиб олиб келди, чой қўйди. Кўп ўтмай ҳовлидаги ўчоқ бошидан пиёз доғининг ҳиди кела бошлади.

Кечкурун ётаётганимизда хотиним мендан ҳам зиёд қувониб, уни мақтади.

— Жиянингиз хўп ажойиб қиз экан. Мен ҳам уннай, киритиб қўяйлик институтга. Кейин ётоқхона қилиб нима қилади? Бизникида тураверсин.

Ўғилой уйимизда туғилиб ўсган одамдек бўлиб кетди. Эрталаб ҳаммадан олдин туриб, ҳовлига қарайди. Чой қўяди. Ўчоқ бошида ғимирлаб, қатламами, қуймоқми, уйда нима бўлса, шундан бирор нарса пишириб келади. Кейин шаҳарга кетади. Тушга яқин қайтиб, бир-икки соат уйда бўлади. Унга кутубхонани ажратиб берган эдик. Сездим, китобга унча хуши йўқ, лекин



менга яхши кўриниш учун биронта китобни кўтариб, менинг хонамга кирарди. Бир пас хонага, менинг мошинкада ишлашимга разм солиб ўтирарди. Кейин яна шаҳарга кетарди. Шомга яқин қайтарди. Катта қиз, қаёқларда юрганини мен ҳам, келинойиси ҳам суриштирмадик. Мен билан кўпроқ эркинлик, хотин-қизлар озодлиги, муҳаббат, вафо ҳақида гаплашишни, шу мавзуларда мени гапиртиришни яхши кўрарди. Қандай сири, мақсади борлигини билмай, мен унинг саволларига тўғри, ўзим ўйлагандек, билгандек жавоб берардим, у хурсанд бўлиб баъзида пешонамдан чўлпиллатиб ўпиб чиқиб кетарди. Кейинчалик, орадан чамаси икки ой ўтгач, бу суҳбатларни, саволларнинг асл сабабини билдим. Шайтон қизнинг ичида қурт бор экан, сезмаган эканман.

— Тоға, кеннойимга қандай уйлангансиз? — деб сўраб қолди бир куни.

Бор гапни айтиб бердим. Бирга ўқиганмиз университетда, битта факультетда, битта бўлимда. Биринчи курсдаёқ бир-биримизга ёқиб қолганмиз. Ўқишни битиргач, тўй қилганмиз, дедим.

Ўғилой жим, гапимни бўлмайд эшитди. Тамом қилганимдан кейин сўради:

— Шундоқ кўргансиз-у, биринчи марта, яхши кўриб қолганмисиз? Ё секин-секин, ўрганиб яхши кўрганмисиз?

— Буни билмадим, — ростини айтдим. — Ҳар ҳолда Шарифа бошқа қизларга қараганда кўпроқ ёқарди. Биринчи кўрганимдаёқ унга меҳрим тушган эди.

— Кеннойим-чи?

— Буни ўзидан сўра. Тўхта, сенга бунинг нима кераги бор? Нега қизиқиб қолдинг?

У оппоқ тишларини тизиб жилмайди.

— Китобларда бошиздан ўтган нарсаларни ёзганмисиз, ё ичиздан чиқариб ёзганмисиз, шуни билмоқчийдим.

— Китобда ҳаммасидан бор. Ростини ҳам, ёлғонини ҳам. Бўлгани ҳам, тўқигани ҳам. Сен бу гапларни кўйиб, имтиҳонларингга тайёрлан. Дарс қилганингни кўрмайман.

Кап-катта одам, тагин қариндош бўлган қиз бола билан севги ҳақида гаплашиб ўтирганимдан андишага бориб, уни ўзимча уришган бўлдим. Ўғилой эътибор бермади, жилмайганича ўтирди. Аммо англаб қолдим, у менга қараб турган бўлса ҳам мени кўрмасди, гапларимни эшитмасди. Хаёли қандайдир ўзигагина маълум бўлган бошқа бир оламда эди. Ўшанда агар у нималарни ўйлаётганини, мени нега севги мавзуларида имтиҳон қилаётганини билганимда, қаерларда кимлар билан юрганини ҳеч бўлмаса фараз қилганимда, ким билади, унинг ҳаёти ҳозиргидек эмас, бошқача, тинчроқ, қувончлироқ бўлармиди?! Нима дейиш мумкин? Тақдир, халқ таъбири билан айтганда, пешонага ёзилгани бўлади.

Ўғилой таниш-билиш топилгани, уларнинг берган ваъдаларига қарамай, ўқишга киролмади. Аммо хуноб бўлганини сезмадим. Шундан кейин икки кун ҳам ўтгани йўқ, нима иш биландир кўчага чиқиб қайтсам айвондаги телевизор устида тўрт буклорлик бир хат турибди. Очиб ўқидим. Хат Ўғилойдан эди.

«Тоға! Бугун кечқурун, умуман бундан кейин келмасам, хавотирланманг. Ўқишга киролмаганимдан унча хафа эмасман. Битта мен эмас, мени севган йигит, Ботирали ҳам киролмади. Уни атайин йиқитишди. Чунки унинг ҳеч кими йўқ. Ёким беришга пули ҳам йўқ. Мен у билан унинг юртига кетаяпман. Мен ҳам уни севаман. Биринчи кўрганимдаёқ севиб қолганман. У ҳам шундай иккаламиз унинг шаҳридаги институтга ҳаракат қилиб кўрамыз. Ҳали вақт бор экан. Уларникида тураман. Тўғрироғи, келин бўлиб тушаман. Ота-онаси рози, бизни кутишяпти. Қаранг, шундай одамлар бор экан! Мен ойимдан хафа эмасман. Дадамлардан ҳам. Чунки ойим нима десалар, шу бўлади. Уйнинг каттаси ойим. Ҳайронман, нега Ботиралини чиқиштирмадилар? Уч-тўрт марта уйга олиб борганман, турли баҳоналар билан.

Бу албатта шунчаки, йўлига. Аслида аммамнинг кичик ўғли у кишига ёқади. Дўкончи. Мен бўлсам ундан жирканаман. Ингичка мўйлови, яшил шалвари, калта чарм камзулини кўришим билан кўнглим айнийди. Унда кет, дедилар ойим. Ҳамма гап аламда. Эшитганман, дадамларга

ўз хоҳишлари билан тегмаганлар. Мени ҳам ўзларидек қилмоқчилар. Йўқ, қилолмайдилар. Сизникида турганимни билардилар. Бир марта ҳам келмадилар. Дадамларни ҳам юбормадилар. Келинойимдан уялиб кетдим. Тоға, ажойиб хотинингиз бор экан. Мен ҳам Ботиралини кафтимда кўтариб юраман. Мени қидирманглар. Озгина вақт ўтсин, йилми, икки йилми, ўзим чақалоғимни кўтариб, Ботиралини олдимга солиб уйингизга кириб бораман. Сизга, келинойимга ёққан қатламалардан қилиб бераман. Уйимдагилар келиб қолишса мабодо, ҳаммасини айтиб бераверинг. Хатимни кўрсатсангиз ҳам майли. Наҳотки ойим у кишининг фарзанди эканимни тушунмасалар? Бир оғиз гаплари. Кет, дедилар. Индамай кетдим. Лекин қайтаман. Улардан ҳеч қачон воз кечмайман. Фақат ўз ниятимга етиб қайтаман. Ботирали билан иккаламиз бир-биримизни бир кўришдаёқ севиб қолдик, дедим. Гапим рост. Курашдан областлараро мусобақа кетаётган эди. Ботирали бизнинг мактабдан чиққанларнинг ҳаммасини йиқитди. Тўртга йигит чиқишувди. Ўшанда кўзимга оловдай кўриниб кетди. Ким бор яна? — деб сўраганда, мен ўртага чиқдим. Унча-мунча кураш тушиб юраман. Шим, тўн кийиб борган эдим. Белимни қийиқ билан маҳкам боғладим. Мактабдагилар мени яхши билишади. Айтганимни қиламан. Қайтаришмади. Физкультура ўқитувчимиз ҳам индамади, фақат ёнимга келиб, секин, ўзингни уринтирма, ҳар ҳолда қиз боласан, деди. Ботирали бўлса бир чеккада илжайиб, менга қараб турибди. Икки қўли белида. Шу қарашини бир кўрсангиз эди! Гўё у киши шер-у, бизлар оёқлари остида ўрмалаб юрган қумурсқа! Кураш тушаётганда бўш жойини билиб олганман. Ердан даст кўтариб олиш керак уни. Рақибни кўтариб оламан деганда, бутун оғирлигини тиззаларига солиб, чўккалайди. Шу билан қутилиб қолади. Жуссасига қараб кўтариб олишимга кўзим етди. Майдонга тушганимда анчагача у мендан тисарилиб юрди. Белимдан олгани уялди. Тирсақларимдан ушлашга интилади, қийиққа тегмайди. Майдонни икки-уч айланиб чиқдик. Унинг ланжлик қилаётганини кўриб, одамлар мазах қилабошлашди. Айниқса бизнинг мактабдагилар «Ол, Ўғилполвон! Белидан ол!» — деб мени гиж-гижлатиша бошлашди. Гиж-гижлатишмаса ҳам қарорим қатъий эди. Аммо Ботирали тутқич бермай, тирсақларимдан итаради, ўзига яқинлаштирамайди. Майдонни янгитдан айланаётганимизда ҳийла ишлатдим. Кулиб турган кўзларига кулиб қарадим-да:

— Бурнингизни артиб олинг, яхши йигит! — дедим.

У шошиб қўлларимни кўйиб юборди. Шу тобда маҳкам унга ёпишдим, даст кўтариб, ерга ташладим. Қийқириқ бўлиб кетди.

Мен эса қипқизариб ўрнидан тураётган Ботиралига энгашиб шивирладим:

— Кечиринг, полвон!

Ўша куни кечқурун бир қиз келиб мени кўчага чиқишимни сўради. Чиқдим. Эшик олдида Ботирали турарди. Аллақандай бўлиб кетдим. Унинг ҳам мени яхши кўриб қолгани шундай кўзларига ёздиқлик эди.

Ана, тоға, энди ҳамма нарсани биласиз. Бугук кечқурун поездда жўнаймиз. Кўришгунча хайр...

Ҳурмат билан жиянингиз Ўғилой».

Унинг бир қайнови ичида бўлган одамлигини билиб қолганимга қарамай, хайратга тушдим. Қилиб қўйган ишига бир томондан қойил қолдим, жасоратига таҳсин ўқидим. Иккинчи томондан ота-онасига раҳмим келди. Ҳар ҳолда ўзбекчилик, қизи қочиб кетибди, деган гап тарқайди. Ўғилойнинг ўзига ҳам ачиндим. Бечора қиз ўз бахтини шундай қийинчилик, саргардончилик билан кўряпти. Куёв боланинг ота-онаси минг яхши одам бўлсин, унга тепадан, менсимайроқ қараши мумкин. Ҳар ҳолда рози-ризолик билан савлат билан келган келиннинг ўрни бошқа бўлади.

Шу хаёллар билан қоронғига қолмай Паркентга қараб йўл олдим.

Муқаддам опам хатни ўқиб бўлиб, ундан кўзини узмай ўтирган поччамга улоқтирди-да, ўрнидан туриб муштини муштиради:

— У-у яшшамагур!! У-у чаён! У-у ўлигинг лаҳатта чиригур! Нима қилиб қўйдинг?! Нима қилиб қўйдинг?! Энди қандай бош кўтариб юраман? Одамларга энди нима дейман?!

Индамай ўтиравердим. Хатни ўқитмасдан иложим йўқ эди. Ҳақиқатни билсин, ўзи ҳақидаги гапларни эшитсин, ўжарлик, қаттиққўллик нимага олиб келишини кўрсин.

— Мунча эзмаланасиз? — ўшқирди бирдан Муқаддам опа эрига. — Ё ўғил бола қизиззи хатига кўз ўтмаяптими?

Беихтиёр поччамга қарадим. Унинг парвойи фалак эди. Афтидан хотинининг гапларини у эшитмасди. Кўзлари хатда йўрғалар, худди Ўғилойнинг лабларидек семиз лаблари дам очилиб, дам ёпиларди.

Нихоят у ўқиб бўлди. Менга қараб бошини бир қимирлатиб қўйди. Сездим, қизининг қилмишидан у хафа эмас эди.

— Айб ўзингда, Муқат, — у хатни эҳтиётлик билан тахлаб хонтахта устига қўйди. — Ўзига ихтиёр бер, дедим... Қулоқ осмадинг. Ахир у ўзинг-ку, наҳот тушунмасанг...

Муқаддам опа бурнини жийирди.

— Мелисага айтаман, оёғини ерга тегизмай олиб келиб беради.

— Мелисани бошқа қиладиган иши йўқ, сани пойлаб ўтирибди.

— Нима, бутун бошли одам йўқолади-ю, мелиса индамай ўтираверадими?

— Қизинг йўқолгани йўқ. Ўзи ўз ихтиёри билан эр қилиб кетди.

— Эр қилмай ўлсин! Энди ўз саккизга кирдию, эрга бало борми?!

— Ўзинг неча ёшда эдинг, менга текканда?

— Бўлди! Энсамни қотирманг!

Муқаддам опа эрини жеркиб берган бўлса ҳам бироз ҳовридан тушди.

Мен поччамни қувватладим. Ҳеч қаёққа боришга, умуман, тўполон қилишга ҳожат йўқлигини айтдим. Энг муҳими, ўша йигит, Ботирали билан Ўғилой бахтларини топиб кетишсин, бола-чақали бўлишсин.

Муқаддам опанинг ичини ит тимдалаётган бўлса ҳам рози бўлишдан, аламини ичига ютишдан бошқа иложи йўқ эди...

Ўғилой айтганини қилди. Орадан чамаси икки йилча ўтганда чақалоғини кўтариб эри билан бизникига кириб келди.

— Тўғри шу ёққа келяпмиз. Паркатга ўзингиз олиб борасиз, — деди чўпиллатиб юзимдан ўпар экан.

Унинг қувноқ чехрасини, очилиб кетган ранги-рўйини кўриб, хурсанд бўлдим. Куёв. болани ўз ўғлимдек бағримга босиб кўришдим. Ўхшатмагунча учратмас, дейди халқ. Ботирали Ўғилойдек баланд бўй, елкадор йигит эди. Қош-кўзининг қоралиги билан ҳам ўхшаб кетарди.

Эртасига эр-хотинни ўғилчалари билан Паркентга олиб кетдим. Етиб боришимиз билан тўй бўлиб кетди. Кетма-кет қозонлар осилди. Муқаддам опа қизини уришиш қаёқда, ўтқазгани жой тополмай қолди. Ботиралининг ҳам хурматини келтириб, елкасига бош-оёқ сарпо ташлади. Зар тўн, коверкот костюм-шим, қора хиром туфли... Чақалоқ бўлса қўлма-қўл бўлиб кетди.

Хуллас гиналар унутилди, ҳамма нарса жой-жойига тушди.

Ботирали Наманганда ҳам ўқишга кирмабди. Кечикдингиз, дейишибди. Ўғилой бўлса ҳаракат ҳам қилмабди. Аммо иккови ҳам турмушларидан хурсанд эди. Ботирали дурадгор отасининг йўлини олибди. Топиши яхши. Эндиги нияти мошина олиш эмиш. Унинг ҳам ярим пули йиғиб қўйилганмиш. Ботирали шу гапларни катталардек салмоқланиб гапираётганида Ўғилой меҳр тўла кўзларини ундан узмасди. Қизининг ранги-боши, кийимидан, қудалари жўнатган совға-саломлардан Муқаддам опа ҳам бир қоп семириб кетган, боши осмонда эди. Онага яна нима керак?

Шу воқеадан кейин бир йилча мен уларни кўрмадим. Қишнинг ўрталарида неварасини кўтариб, Муқаддам опа кириб келди. У совуқдан титради.

— Исингани келдим, — деди у ичкарига кираркан.

— Нима қилиб юрибсиз бола билан совуқда? — сўрадим у анча ўзига келганда.

— Ботиралига посилка жўнатаяпмиз. Ўғилой ўшатда ҳалиям. Болани шамоллатиб қўймай, деб мен кетвордим.

— Ботиралига нима бўлган? Қаёқда у? — ҳайрон бўлдим.

Муқаддам опа айтиб берди. Ярим йилдан ошибди, Ботиралини армияга чақиришибди. Саратовда уч-тўрт ойча ушлаб, Афғонистонга олиб кетишибди. Икки ойдан бери шу ёқда экан. Муқаддам опам бирдан йиғлаб юборди.

— Афғонга олиб кетишини билганимда йўлини топардим, жўнатмасдим армияга. Фафлатда қолдим. Бир пасда отланиб жўнаб кетди. Таниш-билиш қилиб Ўғилой посилкага рухсат олди. Кобулдан, элчихонадан қисмларига жўнатишармиш.

Қоронғу тушиб, хавотир ола бошлаганимизда, Ўғилой ўзи кириб келди. Тиши-тишига тегмай қалтирарди. Мен ҳеч маҳал уни бундай ғамгин аҳволда кўрмаган эдим. Бунинг устига анчагина озибди, чеккалари чиқиб, даҳани чузилибди. Қўлимдан келганича унга тасалли бердим.

Ўша куни эр-хотин уларни кўярда-қўймай уйда олиб қолдик.

Ярим кечагача гаплашиб ўтирдик. Афғонистондаги аҳволни муҳокама қилдик. Ҳамма солдатларнинг, улар қатори Ботиралининг ҳам эсон-омон қайтишини Худодан сўрадик.

Кулфат келса, қўша-қўша келади, дейишади. Ойда бир хат ёзиб турган Ботиралидан ёзга чиқилганда ҳеч қандай хабар келмай қўйди. Ўғилойнинг қатнамаган идораси қолмади. Охири унинг бедарак йўқолгани ҳақида расмий телеграмма келди. Кобулдан ўттиз километр ичкарилиқда бўлган жангда у билан яна уч солдат йўқолибди. Қўмондонлик қидирувни давом эттиришга, уларни иложи борица топишга ваъда қилган эди. Ўғилой ваъдага ишониб юрди. Аммо Ботиралидан ҳеч қандай дарак чиқмади. Бир йил ўтганда Москвага хат ёзди.

«Ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ. Қидирув давом этяпти», деган жавоб келди. Ўғлининг дарди эзиб юбордими, ё қутилмаган касалга чалиниб, шу касал олиб кетдими, Ўғилой Тошкентга келиб ҳарбий идораларга қатнаб юрганда, қайнотаси оламдан ўтди. Ҳеч қаерда ишламайдиган қайнонаси, бўйи етмаган бир қиз, икки ўғил билан чирқираб қолди. Ҳамма маъракаларни Ўғилой ўзи бош-қош бўлиб ўтқазди. Ўша кезлари Афғонистондан совет қўшинлари олиб чиқила бошланди. Кимдир Ўғилойга Термизга боришни, қайтаётган ҳарбийлардан Ботиралини суриштиришни маслаҳат берибди. Ўғилой шу маслаҳатга маҳкам ёпишиб ўша куниёқ Термизга жўнади.

Унинг гапи бўйича, шаҳар ясатилган, ҳаммаёқда қизил байроқлар, шиорлар осибди. «Дўстлик» кўприги олдидаги майдонда тумонат одам, гўё бутун мамлакат шу ерга кўчиб келгандек... Ўғилой Термизга боришни маслаҳат берганлар гапи билан Ботиралининг катта қилдириб қўйган суратини олиб кетган экан. Ўша ерда тепасига «Ботирали Қодиров. Уни билган борми?» — деб ёздирибди катта-катта ҳарфлар билан. Шу суратни кўтариб кўприкка ўтиб олибди. Тушга яқин нариги томондан танклар кўринибди. Оёқ остидаги ер гумбурлаб кетибди. Қийқириқ, йиғи, тўполоннинг чеки йўқ эмиш. Майдон бир пасда қиёмат қойим бўлиб кетибди. Кечгача ўтибди танклар, бронемашиналар. Аммо уларни устида ўтирган солдатлардан биронтаси Ботиралини биламан, демабди.

Ўғилой шом кириб меҳмонхонага қайтаётганида, бир офицер уни тўхтатибди.

— Синглим, Ботирали Қодиров тирик, асирда, — дебди суратга яна бир диққат билан қараб.

— Лекин қаердалигини билмайман. Кутинг, ўзи дарак бериб қолади.

Ўғилой қанот пайдо қилиб, бизникига учиб келди. Бир пасда у илгариги, шўх, ўйноқи кўз Ўғилой бўлиб кетган эди. Ботиралининг тириклигидан биз ҳам ўзимизда йўқ севиндик. Кейин ўйлаб қарасам, Ботиралининг ҳаётлигини ўзимиз ҳам билардик, фақат эътибор қилмаган эдик, биронта одамнинг ё идоранинг тасдиғига муҳтож эдик. Жасади топилмаганидан кейин, ҳалок бўлганини ҳеч ким кўрмаганидан кейин, қаерда бўлади, асирда бўлмай?

— Асирларни албатта қайтаришади. Сабр қил, кут энди, — юпатдим ўзимча Ўғилойни.

— Вой кутмай-чи!? Омон экан, шунинг ўзи катта бахт менга! — Унинг кўзлари яна ўйнаб кетди, қалин лаблари нималарнидир шивирлаб титради.

Узоқ вақт уни яна кўрмадим. Аммо Афғонистонга алоқадор нима ўқисам у эсимга келади, кўз олдимда Ботирали пайдо бўлади. Асир тушишга мажбур бўлганлар оз эмас экан, Иттифоқда уларни қайтариб олиш жамияти тузилиб, Тошкентда ҳам бўлими очилди. Бориб Ботиралини айтиб бердим. Рўйхатларда у ҳам бор экан. «Қидиряпмиз, дараги чиқиши керак» дейишди. Айтиб кўяй деб, Наманганга телефон қилдим. Аммо Ўғилой ишда экан. Ўзи телефон қилишини кутдим. Қилмади. Аммо бир ҳафтадан кейин ўзи ўйга кириб келди. Унинг яна қувончи ичига сиғмасди.

— Суюнчи беринг, тоға! — қичқирди у йўлакдан. — Ботирали топилди. Покистонда экан!

Менга иш қилдирмай, дастурхон ёзиб чой кўяркан, бор гапни айтиб берди. Бир ойча бурун тоқати тоқ бўлиб ўтириб, ўзича маҳкамага хат ёзибди. Бор дардини тўкиб солибди. Наҳотки одам чўпдек нарса бўлса, унинг қаердалигини тўрт йилдан бери ҳеч ким билмаса? — деган аччиқ гаплар ҳам бор экан хатда. Куни кеча маҳкамадагилар телефон қилиб Ботиралининг топилганини айтишибди. Келинг, дейишибди.

— Шунга келдим. Эртага саройга бораман, — деди кўзлари чакнаб Ўғилой. — Бафуржа гапириб беришармиш ҳаммасини! Шунча пайтдан бери ёзсам бўлмасмиди а? Бир ойга қолмай аниқлаб беришди-я!

Мен уни табрикладим. Ботирали қайтиб яна бахтли бўлиб кетишларини тиладим.

Эртасига маҳкамага бирга бордик. Ўғилой бир соат деганда чиқди. Хомуш эди. Нима бўлдийкин? Ҳайрон бўлдим. Сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эдим, Ўғилой кўлидаги хатни узатди. Шошиб ўқий бошладим.

«Мурожаатингизга мувофиқ маълум қиламиз: Совет армияси собиқ солдати Ботирали Қодиров, ҳақиқатан ҳам, 1987 йилнинг майида Қобулдан 30 километр ичкарилиқдаги Метон темир йўл станцияси учун бўлган жангда асир тушган. Ҳозир Қорачи шаҳридаги хонадонда яшайди. Б. Қодиров Афғон мужоҳидлари асирлиги ва назоратида бўлгани сабабли Покистон, Совет Иттифоқи давлатлари ҳозирча унинг ишларига аралаша олмайди».

Покистондаги совет элчихонасидан келган бу хатда бошқа ҳеч нарса дейилмаган эди. Ўғилой нимадан хафа бўлди, англамадим. Сўрадим.

— Нега шу пайтгача индамайди? Тоға, бунинг тагида бир гап бор. Юрагим сезиб турибди.

— Хат ёздиришмаган бўлишса-чи? Назоратда дейишибди-ку хатда. — Ўзимча тахмин қилдим.

— Билмадим. — Ўғилой елкаларини қисди.

— Нима қиласан энди?

— Бориб келаман.

Кўз олдимда яна аввалги Ўғилой пайдо бўлиб кетди.

— Қаёққа?

— Қорачига.

— Қандай қилиб? — ҳайрон бўлдим.

— Билмадим. йўлини топаман. Бормасам тинчимайман. У билан давлатлар гаплашолмаса, ўзим гаплашаман.

Уни аҳдидан қайтариш, яна кут, ўзи қайтади, дейиш бефойда эди. Шу учрашувимиздан кейин Ўғилой узоқ вақт кўринмай кетди. Хавотир олиб Наманганга телефон қилдим. Паркентга бориб келдим. Аммо кўролганим, гаплашолганим йўқ. Бир Москвага кетган, деб эшитдим. Поччам билан Муқаддам опам шунга қаттиқ ишонишибди. Бир водийда тўпланган санъаткорлар, спорт одамларига кўшилиб, Мозори Шарифга жўнабди, деган гапни айтишди.

...Охирги сафардан қайтганда, унинг ухламай ҳовлида ўтирганини сезиб қолдим, нотинчлиги

аниқ эди. Ҳолидан хабар олишга қарор қилиб, айвонга чиқдим. Қоп-қора осмонда юлдузлар милтиллар, яримта ой шундай тепада сарғайиб турарди. Оҳиста ҳовлига тушдим. Сўри зихида ўтирган Ўғилой бошини кўтарди. Унинг йирик думалоқ кўзлари «ялт-ялт» қиларди.

— Уйқунгиз ўчдими, тоға?

— Ўзинг нимага ухламаяпсан? Чарчадингми? — саволига жавоб бермай сўрадим, ёнига ўтирарканман. — Халақит бермайманми?

— Йўқ. Ўтиринг, — у жойидан кўзғолиб қўйди. — Чарчадим. Лекин уйқум келмади. Ўйлаб кетдим.

— Нималарни? Билсам бўладими?

— Бўлади, — у жилмайди. — Масалан, куёвингизни.

— Ботиралиними?

— Ҳа. Ўшани.

У жимиб қолди. Мен эса саволга тутмадим. Анчадан бери ёнингда бўлмаган суюкли одамнинг ҳақида гапириш, уни эслаш ҳар доим оғир. Ўғилой шу аҳволда эди. Нима қиламан азоб бериб?

Бирдан у қаддини ростлаб, менга ўгирилди.

— Нега «Покистонга бордингми?» — деб сўрамайсиз?

— Боролмаган бўлсанг, ярангга туз сепиб нима қиламан? — ростини айтиб қўяқолдим.

— Бордим. Бир ой бўлди бориб келганимга!

Ҳанг-манг бўлиб қолдим. У рост гапираётган эди. Алдаб нима қилади? Фақат мен унинг тутган ерини кесадиган, айтганини қиладиган одамлигини унутган эдим холос.

— Қойилман! Хўш, қалай Ботирали? Кўрдингми? Гапир...

— Кўрдим. Худди мана шундоғ, сиз минан ўтиришгандай ўтиришиб гаплашдим...

— Бир ўзинг бордингми? Қандай қилиб бординг?

— Э, тоға, пул бўлса чангалда шўрва, дейишгани рост экан. Пул минан бориб келдим. Икки йил бурун дадамга совхоз берган «Москвич» машинамиз бор эди. Қип-қизил лоладек машина. Ойим минан нима қилишимизни билмай, хуноб бўлиб ўтирсак, дадам қийиқларига ўроғлик бир даста пулни олдимизга олиб келиб қўйдилар. «Хотин, умримда биринчи марта сендан бесўроқ иш қилдим. Лекин қизимизнинг бахти учун ҳамма нарсага тайёрман. Машинани сотиб келдим. Борсин ўша Покистонга. Эрини кўрсин. Иложи бўлса етаклаб олиб келсин!» — дедилар. Ойим уришиш қаёқда, севиндилар. Мани бўлса-ку, бошим осмонга етди. Билетга, у ёқда бир ҳафта туришга пул топилганидан кейин қолган нарса осон кўчди. Афғон ногиронлари уюшмасидан ёрдам беришди. Қорачи узоқмасакан. Тошкандан тўрт соатча учиб бордик. Йўлда бир тўхтаб олдик, холос.

— Куала-Лумпурда.

— Ҳа, ўшатда тўхтадик. Қайтишда тўхтамадик. Тўппа-тўғри Тошкентга келиб тушдик. Мани консулхонанинг одамлари кутиб олди. Катта шаҳар энди Қорачи. Ҳаммаёқ одам, худди чумоли инидан кўзғолгандай... Йўқолиб қолиш ҳеч гапмас. Алламбало мошинада, ҳозир шунақа мошиналар Тошкентдаям юрибди, жажжи бир меҳмонхонага бордик. Телевизорли бир хонага жойлашдим. Пул тўлай, десам, кейин дейишди. Консулхона одами Афғон ногиронлари уюшмасининг телеграммасини олишган экан, кечқурунгача Исломободга телефон қилиб, ҳалиги хат ёзган элчихона маслаҳатчисидан Ботиралининг адресини суриштирадиган, кейин мени олиб борадиган бўлди. Фақат Ботирали билан ўзим гаплашимни, у четда туришини айтди. Хўп, дедим. Кечқурунгача анча бор эди, ҳали пешин ҳам бўлмаган эди. Кўчага чиқдим, «гуп» этиб иссиқ ҳаво, овқат ҳиди димоғимга урилди. Лекин тез кўникиб кетдим. Меҳмонхона атрофини уч-тўрт айланиб келдим. Узоқроқ боришга чўчидим. Адашиб кетиб, меҳмонхонани йўқотиб қўйишим мумкин. Кейин номеримга кўтарилиб, телевизор қўйдим. Кино кетаётган экан. Маза қилиб томоша қилдим. Уларнинг телевизори ғалати. Эртадан кечгача кино кўрсатади. Кечасиям уч-тўртларгача тинмайди. Бурасангиз бўлди қулоғини, кино кетидан кино

кўрсатаверади. Бир вагон кино кўриб келдим. Меъдамгаям тегиб кетди. Бир маҳал ҳаммаёк жимжит бўлиб қолди. Телевизор ҳам ўзидан-ўзи тўхтади. Кейин ташқаридан сўфининг овози келди. Деразани очиб қулоқ солдим. «Оллоху Акбар! Оллоху Акбар!» Ажойиб ашула эшитгандай бўлиб кетдим. Шу заҳоти иккинчи томондан бошқа сўфининг овози келди: «Ашҳаду анна Муҳаммадан расулуллоҳ!» Унинг овози ҳам ширали, ёқимли эди. Кейин тушуниб қолдим. Улар пешин намозга чақиришаётган эди. Намоз тугагандан кейин яна ҳаёт қайнаб кетди. Мошиналарнинг овози, извош аравага қўшилган отларнинг дўпири қулоқни қар қилгудек эди. Бунақа томошани умримда кўрмаганман. Хуллас, қандай қилиб кеч кирганини билмай қолдим. Дилим равшан, кайфим чоғ эди. Шундоқ жойгаки келдимми, ниятимга етишимга, Ботиралини кўришимга имоним комил эди. Консулхона одами айтган вақтида келди. Пиёда борамиз, деди. Эрингиз яқин жойда турар экан. Кейин йўлни билиб олиб ўзингиз бораверасиз, деди. Юрагим бир ҳаприкиб кетди. Хўп, дедим. Тошкентдан анчагина тансиқ нарсалар олиб кетган эдим. Иккита целлофан пакет қилиб тайёрлаб кўювдим. Биттасини консулхона одамига бердим. Биттасини ўзим кўтариб олдим. Ҳар ҳолда қуруқ бормаган яхши. Йўл-йўлакай сездим, консулхона одами бир нарса демоқчи бўлади-ю, айтолмаяпти. Чидолмай, «тинчликми?» — деб сўрадим. «Тинчлик, — деди. — Кўрасиз, ҳозир. У дўкончи бўлиб кетган. «Нима қилса қилмайдими, омон экан, шу катта бахт», — дедим. Консулхона одами индамади. Бирдан расталар бошланиб кетди. Ҳаммаёқ мева. Олма дейсизми, апельсин дейсизми, банан, узум... Шу ернинг ўзида шарбатам қилиб туришибди, аппаратга солиб... Жаннат дейсиз, тоға, жаннат!.. Кейин бирдан раста қатори тамом бўлиб, газлама қатори бошланиб кетди. Вой, ана газлама, мана газлама! Умримда бунақа мўл-кўл бозорни кўрмаганман. Бир пайтлар шойи, чит, духоба биздаям кўп эди. Аммо бунақаси бўлмаган!.. Оғзим очилиб қолди. Консулхона одами сал юрганимиздан кейин тирсагимдан ушлаб тўхтатди. «Энди буёғига ўзингиз борасиз. Мен боролмайман», — деди. — Истасангиз кутиб тураман. Лекин меҳмонхонангиз олис эмас. Шу кўчадан қайтсангиз бўлди. Шундай меҳмонхона олдидан чикасиз», — деди. Кетаверинг, дедим. Ботирали Қодиров чап томондаги дўконлардан бирида ўтирибди. Дўкон тепасига исириқ осиб қўйибди, секин борсангиз ўтиб кетмайсиз, тушунтирди кетаётиб консулхона ходими. У айтгандек қилиб чап томонга ўтиб олдим. Битта-битта юриб борвотман. Ранг-баранг матолардан, шойи, духоба, товарлардан кўзим қамашиб кетвотган бўлсаям, дўкончилар афти-башарасига разм соламан. У ерда фақат эркаклар. Аёллар деярли ишламасақан. Ёш-ёш йигитлар кўпи. Ҳаммаси узун оқ кўйлак кийиб олган, ҳаммаси соқол-мўйлаб қўйган. Бошларида юпка оқ дўппи. Кўзига кўзиз тушиши минам дарров ичкарига таклиф қилади, молларини мақтаб олдингизга тахлаб ташлайди... Юрганим сари юрагим дукуллаб уриб кетяпти. «Ҳозир кўраман уни» дейман ўзимча. Ҳозир у мани кўради. Нима деркин? Ман нима дейман унга? Қандоқ кўришамиз? Анча юрдим. Ҳатто, хавотиргаям тушдим, ўтиб кетдимми ё йўқми, деб. Йўқ ўтиб кетмаган эканман. Бир маҳал олдинда бир исириқ осиб қўйилган дўкон кўринди. Беихтиёр тўхтаб қолдим. Иликларимгача бўшашиб кетди. Дўкон ичидан бош-кўзи ўралган иккита хотин чиқишди. Улар кетидан дўкончи кўринди. Униям эгнида узун оқ кўйлак. Бошида тўртўппи. Қопқора соқоли кўкрагига тегиб турибди. У аёлларга нимадир деди. Аёллар бош ирғашди. У бирпас улар кетидан қараб турди, кейин ичкарига кириб кетди. Танидим. Соқол-мўйлов қўйган, узун кўйлак кийиб олган бўлса ҳам, овозини эшитмаган бўлсам ҳам танидим. Гавдасиданми, йўғон бўйниданми, лапанглаб юришиданми, билмадим, ишқилиб танидим. Ботирали. Йиғи занжир бўлиб келиб оғзимга тикилди. Маҳкам оғзимни ушладим. Дўконга яқинроқ бордим. Ботирали йўқ эди. Уни энди йўқотмаслигимни билсамам, озгина хавотирга тушдим. Ичкарида эшик бор экан. Бир маҳал ўшаёқдан бир тўп газмол кўтариб чиқди. Мани кўрди. Манам унга қараб турибман. Газмолни деворга тираб қўйди-да, рўпарамга келди. «Ўғилой!?» — сўради кўзларини тикиб. «Манман, Ботиралака!». Шундоқ дедиму, бағрига отилиб тўйиб йиғлагим келиб кетди. Аммо ўзимни ушлаб қолдим. Бегона юртда, ғирт мусулмонлар ичида бўлсам-да,

эркак одамга ўзимни ташлаб ўтирсам?! Куёвингизам ўзи кучоғини очмади. Ҳатто жойидан қимирламади. Ичимда ўксиндим. Ютиниб, ўзимга келволдим-де, қўлимни узатдим. «Сизни топганимдан хурсандман!» — дедим. «Раҳмат» деди. Сени кутган эдим, деди. Ҳайрон бўлиб қолдим. Тушунтирди. Сени яхши биламан, деди. Тириклигимни, қаердалигимни эшитишинг билан йўлини топиб келишингга ишонардим, деди. Бу билан у мани мактадим, ё норизо бўлиб гапирдим, англамадим. «Қани, ўтирайлик», — у дўконнинг қамиш пардасини тушириб ёпди. Олдимга курси қўйди. Ўзи кигиз устига чордона куриб, қўлларини фотиҳага ёзди. «Қани омин, қадам етди, бало етмасин. Худога минг қатла шукур, дийдор кўришдик!» У яна нималарнидир шивирлаб қўлларини юзига суртди, мўмдек қора қалин соқоли, мўйловини силади, кейин менга қарамасдан ўрнидан турди. Индамай ичкаридаги эшиқдан қаёққадир ғойиб бўлди. Анчагача ёлғиз қолдим. Дўконга бошқатдан разм солдим. Мол кўп эди. Тўрттала томонга тахлаб ташлаган. Фақат кираверишдаги бир қулоч ергина очиқ. Кўпи ипак мол. Ҳайрон бўлиб ўйлаб кетдим. Бу қанақа асирлик бўлди? Шунча молни, шундоқ дўконни асир одамга ким топшириб қўйди? Асирми ўзи Ботирали? Ман сизга айтсам, тоға, уни соппа-соғ, ҳатто анчагина тўлишиб кетганини кўриб хурсанд бўлган бўлсам, нимадандир кўнглимнинг бир чеккаси ғаш эди. Асир одамни камокхонада ўтиради, ишга олиб чиқса ён-верида соқчилар туради, деб ўйлаган эдим. Ботирали бемалол юрибди. Кийим-боши яхши, ранги-рўйини айтсангиз, ҳозиргина ҳаммомдан чиққан одамдай оқи-оқ, кизили-қизил. Ҳа, айтгандай, бир қўлида тагин алламбало тасбех. Қопқора, худди қўйнинг кўзидек ҳар бир тоши. Хуллас, асир одамга ўхшамасди...

Катта патнис кўтариб оёқ яланг бир бола ичкаридан чиқди. Патнисни олдимга қўйиб, менга қаради-да, жилмайиб нимадир, деди. Нима деганини билмасаман тушундим. Дастурхонга таклиф қилди. Қанд-курс, қатламага ўхшаган нон, темир чойнакда чой, қайноқ сут олиб келган эди у. Бошимни қимирлатиб раҳмат, дедим. У жилмайганича чиқиб кетди. Анчадан кейин Ботирали қайтиб келди. Рўпарамга ўтириб нон синдирди, дам еган бўлса ҳам чойни икки-уч марта қайтарди. Бошини кўтармай кичкина-кичкина тақсимчалардаги ширинликларни манга яқинроқ суриб қўйди. Сезяпман, нимадандир хижолатда. Қаҳрабодай аччиқ бўб кетган чойдан қуйиб узатар экан, қўлиям қалтираб кетаётганини кўрдим. Индамай мен унга, у менга тикилганимизча қанча ўтирдик, билмайман, бир маҳал у хўрсиниб бошини кўтарди. Жикқа ёшга тўлган кўзларини манга тикди. «Мени кечир, Ўғилой, — деди. — Мен илгариги Ботиралимасман». «Ҳа, ўзгариб кетибсиз, — дедим ҳазилга олиб. — Соқол-мўйлов ярашаркан сизга». Шундоқ дедиму, у бошқа нарсани назарда тутаётганини тушундим, тоға! У у ёқда уйланволган экан. Иккита боласи бор экан. Дўкон — хотинининг дўкони экан!..

Ўғилой бирдан жимиб қолди. У йиғларди. Аммо овулмадим, тўхтатмадим. Нима деб овутаман? Йиғласин, ўзига эрк бериб дилини бўшатсин. Тавба, уруш одам бошига қандай кулфат, ташвишларни солмайди? Лекин Ўғилойнинг бошига тушган ташвишларни мен сира хаёлимга ҳам келтирмаган эдим...

— Қизиқ-а, тоға? — худди дилимдагини билгандек сўради бир маҳал Ўғилой анчагина ўзини тинчитиб олиб. — Мани яхши кўриб, олиб қочиб кетган йигит қўш хотинли бўлиб ўтирса? Суюмли хотинини кундошли қилиб ўтирса?!

— Нега бундай қилибди? Сўрамадингми?

Ўғилой энтикиб жилмайди.

— Сўрамадим. Ўзи айтиб берди.

Қобул яқинида уларнинг бўлими қуршовда қолибди. Кўпчилик кутилиб чиқиб кетибди. Тўрт киши чекиниш ҳақидаги буйруқни эшитмай асир тушиб қолишибди. Тоғ оралаб кетишаётганда бизникилар хужумга ўтибди. Самолёт душманни ўққа тутибди, бомба ташлабди. Шу жангда асир тушганларнинг учтаси ҳалок бўлибди. Тасодифан Ботирали омон қолибди. Жанг тугаганидан кейин ўртоқларини ўзи кўмибди. Уни Ҳасан-Ҳусан афғонлар асир олган экан. Катталари, Ёқуббек деган генерал Ботиралини бутунлай уларга бериб юборибди. Ҳасан-



Хусанлар аввал уни Покистон чегарасига олиб боришибди. Шу ерда, бир қишлоқда уй-жойлари бор экан. Экин эктиришибди. Бузилган уйларини тузаттиришибди. Ботиралининг кўли гуллигини кўриб, кейин мусулмонлигини эътиборга олиб, сингилларини унга никоҳлаб беришибди. «Уйланмасанг, ўлдириб юборамиз» дейишибди. Ботиралининг рози бўлишдан бошқа чораси қолмабди. У уйланиб, озгина кўникишгандан кейин, эркин юра бошлагандан кейин қочмоқчи экан. Аммо иложи бўлмабди. Ҳасан-Хусанлар унга маҳкам ёпишиб олишибди. Кейин Қорачига олиб кетишибди. Оталаридан қолган уч-тўртта дўконлари бор экан, биттасини унга беришибди.

Кетма-кет болалар пайдо бўлибди. Ботиралининг ўзи ҳам шу турмушга кўникиб қолибди.

— Болалариниям, хотининиям кўрдим, — деди Ўғилой яна жилмайиб. — Ботирали ҳикоясини тугатиб, ичкарига ишора қилди. Қарасам, эшик олдида юзига қора рўмол тутган битта аёл турибди. Иккала кўзи чўғнинг ўзи. Манга ёвдек қараб турибди. Кўлида бола. Каттасиям шўттаякан. Онасининг кўйнагига бекиниб олган. «Хондамир!» деб чақирди Ботирали. Бола онасининг кўйлагини кўйиб юбориб, Ботиралининг олдига уялиб, битта-битта қадам ташлаб келди. Ботирали уни бағрига босиб, ўз тилида нимадир деди, пешонасидан ўпди. Хўрлигим келиб кетди. Бахтиёрни ким энди бағрига босади? Ким пешонасидан ўпади? Аммо эзилганимни кўрсатмадим. Қайтанга кулиб, болани мен ҳам кучоғимга олдим. Ўрнимдан туриб, хотинга салом бердим. Мунир экан номи. Кейин олиб келган совғаларимни очдим. «Ойимларнинг патирлари-ку!» севиниб кетди Ботирали. Хотинини чақирди. Кўлидаги болаям ўғил экан. Бобур кўйишибди, отини. Саккиз ойлик бўлибди. Кўлимга олдим. Полвон бола. Қош-кўзлари худди отасининг ўзи. Фақат қоп-қора. Пешанасидан ўпдим. Ботирали патирдан ушатиб ҳаммага бир бурда, бир бурдадан улашди, чақалоқнинг кўлигаям тутқазиб кўйди. Аёл бир тишлам оғзига солди, аммо барибир ёв қарашини кўймади. Шу орада дўкон пардасини кўтариб икки киши кирди. Ҳасан-Хусанлар экан. Душманлар деганда ман ўзимизни киноларда кўрсатган босмачиларни кўз олдимга келтирардим. Туппа-тузук одамлар экан, фақат улар ҳам менга ғалати қарашди. Афтидан ҳадиксирашди. Ботирали узоқ йўқ бўлиб кетганда менинг кимлигимни айтган экан хотинига. Хотини дарров акаларига хабар берган. Бечоралар мани эрини олиб кетгани келган деб ўйлашган бўлса керак. Шунинг учун ҳам уччалови безовта эди. Улар-ку майли, Ботиралиям нотинч эди. Ростини айтсам, мени ўзимам ғалати аҳволда эдим. Кимман ўзи? Кимларнинг орасида ўтирибман? Нима қилишим керак? Ҳасан-Хусанлар келгандан кейин гапимиз бутунлай қовушмай қолди. Мен Ботиралига отасининг оламдан ўтганини айтдим. Яшириб нима қиламан? Уччала эркак куръон ўқишди. Гап яна узилди. Кетишим кераклигини сезиб, ўрнимдан турдим. Шунда бутунлай кетаётганимни билдим. «Мени кечир. Кечиринглар ҳамманг» — деди яна дўкондан чиққанимда Ботирали. Индамадим. Адресимни сўровди, бердим. Дўкондан ўн қадамча узоқлашганимдан кейин ўзимни тутолмадим, йиғлаб юбордим. Меҳмонхонага келиб яна юм-юм йиғладим. Эрталаб консулхона одами телефон қилувди, имкони бўлса тезроқ жўнатиб юборишни сўрадим. Тошкентда кўниб ўтадиган самолёт бор экан, шунга билетимни тўғрилаб берди. Меҳмонхонада Ботиралига атаб кичкина хат қолдирдим. Мабодо келса бериб кўйишади. «Ботирали! Хайр, — деб ёздим. — Мендан хавотир олманг. Сизни ҳеч қачон безовта қилмайман. Мунирбону билан кўшақаринглар. Болаларингизнинг роҳатини кўринг. Собиқ умр йўлдошингиз Ўғилой». Ўша куни кечкурун йўлга чиқдим. Ботиралидан хафамасман. Ким билади, шундоғ қилмаса омон қолмасмиди? Қанча одам ўша Афғонда нобуд бўлиб кетди! Фақат Бахтиёрга ачинаман баъзан. Отаси бўлатуриб отасиз ўсвотти. Майли, катта бўлганда ўзи ҳамма нарсани, тирикчилик, ҳаёт нималигини тушуниб олар. Балки, отаси минам дийдор кўришар? Ўша энди покистонлик, ота бир она бошқа укалари минам борди-келди қилиб кетар? Қаршимасман, қайтанга хурсанд бўламан. Негаки, болалигида отасининг дийдорига тўймаган ўғлим бечора, катта бўлганда тўйсин... Мунирбону, кундошимгаям, Ҳасан-Хусан акаларигаям тариқчалик гинам йўқ. Фақат,

тоға, иккинчи хотин бўлолмаймаман, каттаси бўлсаман. Эрнинг кош-қовоғига қараб яшолмаган одам, қандоғ қилиб кундошга чидайди? Фейлимам, қонимам исён қилиб юборади. Ботирали уёқда никоҳлаб олган хотини, иккита кўғирчоқдай боласи, ховли-жой, дўкони борлигини, қайтиш нияти йўқлигини ўзимми ойим минам дадамга айтиб бердим. Ойим фиғон бўлиб уни қарғадила, уришдила, унга кўшиб маниям уришдила. Этганимни қилганинда бойвучча бўлиб юрардинг, дедила. Аммамми ўғли, ҳалиги, чайқовчи, «Мерседес» оганмиш, икки қаватли данғиллама уй қурвотганмиш. Кулдим. Манга Ботиралидан бўлак ҳеч ким, ҳеч нарса керакмаслигини ҳалиям тушунмабтила. Қайнонамга, умуман, бошқа ҳеч кимга ростини айтмадим. Ростини билишса, кетиб қолади, деб мендан хавотир олишади. Қандоғ кетаман? Қайнонам касалвон одам, уйдан чикмайди. Иккала қайним ҳали, уста кўлида. Ота касбини танлашган. Шундоғ курсила, хонтахта қилишадики, худди музей дейсиз! Икки-уч йилдан кейин катта бўлиб, ўзлик-ўзи шовут олишади. Ана ўшанда акалари нима қилиб юрганини билишса-билишар. Қайнисийнимам институтни битирсин. Унгача ким қарайди уларга, ман қарамасам? Ҳаммаларига соғ-саломат юрибди, дедим. Аммо асир, дедим. Ҳеч қаёққа шаҳардан чиқиб боролмайди, ҳеч кимга хат ёзолмайди. Яқинда музокара бўлармиш. Асирларни қайтадан масаласи ўшанда кўрилармиш. Ҳаммаларингизга кўпдан-кўп салом, деб юборди, дедим. Ишонишди... Лекин, тоға, бир нарсага ҳеч тушунолмаймаман. Покистонга бориб келганимам, Ботиралини кўрганим, ўша ёқда у бошқа турмуш куриб кетганиям худди тушга ўхшайди. Одамни эзадиган, йиғлатадиган туш... Ҳеч ишонгим келмайди. Ҳамма кўрганларим ёлғонга ўхшайди. Намангандаям, Паркатдаям эшик ланг очилиб, Ботирали кириб келаётгандай бўлаверади. Келиб Бахтиёрни кўтаради, бўйнига ўтқазади. Мани бағрига босиб, бошимдан ўпади... Ўйиб-ўйиб билагимни чимчиласаман кўз олдимда пайдо бўлаверади... Биламан, Покистонга бориб келганим туш эмас, ҳақиқат. Барибир ишонгим келмайди. Туш дейман. Туш-а, тоға?

Ўғилой кўзлари ялтираб менга қаради, кейин бошини кўкрагимга қўйди. Жавобнинг унга кераги йўқ эди. Шундай бўлса ҳам ўзимча уни юпатмоқчи бўлдим.

— Ёшсан. Турмушинг ҳали яхши бўлиб кетади. Ажаб эмас, яхши бир одамни учратасан ҳали...

— Ботирали битта, тоға, — деди у бошини кўтариб.

Баҳслашгим, гапини иккита қилгим келмади. Анчагача аста-секин сўнаётган юлдузлар, оқараётган тун сукунатига қулоқ солиб ўтирдик.

Тонги ғира-ширада Ўғилой Наманганга жўнади. Катта кўчагача кузатиб чикдим. У тақ-туқ қилиб, шахдам-шахдам қадам ташлаб борар экан, орқасидан узоқ қараб турдим. Менинг ўғилбола жияним, жигарим, бу ўзгарувчан, нотинч ҳаётда шу юришинг йўқолмасин, омон бўл!

## ҚАДАХ

(Тўқилмаган ҳикоялар туркумидан)

Болалигимда бувим айтиб берган бир афсона ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. Умрим ўтиб қолди, аммо ярим аср бурун шу эшитган афсонам, бувимнинг товуши ҳамон қулоғим остида...

Бир саҳоба ҳар куни мактабга бориб, ўғлига битта олма бериб келар экан. Бир куни мактабга боришнинг ҳеч иложи бўлмабди. Нима қилишини билмай, йўлда турган экан, юпун кийинган бир одам олдидан ўтиб қолибди.

Саҳоба сўрабди:

— Мабодо мактабга кетмаяпсизми?

— Топдингиз, таксир, мактабга кетаяпман, — дебди йўловчи.

— Ундай бўлса бир илтимосим бор... Мактабда ўғлим ўқийди. Мана шу олмани бериб қўйсангиз...

— Уни мен қандай танийман? — сўрабди йўловчи.

— Киришингиз билак кўзингиз тушади. Энг чиройли бола менинг ўғлим.

Йўловчи индамай саҳоба узатган катта, кип-қизил олмани олибди.

Саҳоба кечқурун уйига қайтса, ўғли йиғлаб ўтирган эмиш. Сабабини сўрабди.

— Нега бугун олма олиб бормадингиз мактабга?

Саҳоба уни алдашганини айтиб, ўғлини юпатибди. Эртасига ўша одамни койибди.

— Сиз, мени, ўғлимни хафа қилдингиз. Нега олмани унга бермадингиз?

— Кечирасиз, — дебди йўловчи. — Мен сизни ҳам, ўғлингизни ҳам хафа қилишни ўйлаганим йўқ. Сиз, менга энг чиройли болага олмани беринг, дедингиз. Менинг кўзимга ўз ўғлимдан чиройлироқ бола кўрингани йўқ. Шунинг учун олмани унга бердим.

Саҳоба ҳеч нарса деёлмабди.

Мен ҳеч қайси халқ, ҳеч қайси миллатни камситмоқчи эмасман. Лекин менинг учун менинг халқимдан чиройли, сабр-тоқатли, бағри кенг, кўли очиқ халқ йўқ.

Бир воқеани айтиб бермоқчиман. Воқеанинг тўқима эмаслигига, ҳар бир сўзимнинг ҳақлигига гувоҳим бор. Бу гувоҳ дўстим, улкан ёзувчи Шукур Холмирзаев.

Тахминан ўттиз йилча бурун мени Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига чақаришди.

— Ука, анча-мунча ҳикоялар ёзиб қўйдингиз, — деди уюшма раҳбарларидан бири. — Пойтахтда чиқаришга қарор қилдик. Зудлик билан йиғиштириб олиб келинг. Яхши сўзма-сўз таржима қиладиганларга уюшма ҳисобидан ҳақ тўлаймиз, кейин хат билан жўнатамиз!

Ҳикояларни тўплаб олиб бордим. Сўзма-сўз таржима ҳам қилинди. Гапнинг қисқаси, ўша йили Ёзувчилар уюшмасининг бош раҳбари атоқли ёзувчимиз Комил Яшин илтимос хати билан ҳикояларим ўша ерга жўнатилди.

Уч-тўрт ҳафта ҳаяжонланиб юрдим. Пойтахт нашриётидагилар ҳикояларни олишлари билан ўқиб чиқадилар. Дарҳол менга шартнома лойиҳасини юборадилар. Қарабсизки, яқиндагина адабиётга кириб келган одамнинг уч юз саҳифали китоби рус тилида чиқиб турибди! Аммо, уч-тўрт ҳафта эмас, йил ўтиб кетди. Жавоб келмади. Русча чиқадиган китобдан совиб кетдим, унутиб ҳам юбордим.

Орадан яна анча вақт ўтди. Эсимда йўқ, бир куни ишдан келсам, хотиним почта қоғозини кўрсатди.

Бандерол. Китоблар бўлса керак. Ёзувчилар дўконига илтимосларимизни юборган эдик. Почтахонага бордим. Бандерол анча оғир эди. Сезиб турибман, қоғозликка қоғоз-ку, лекин китоб эмас.

Эр-хотин очдик. Пойтахтдан келган бандерол — ҳикояларим эди. Ичида нашриётнинг хати билан иккита, ҳар бири беш-олти қоғоздан иборат тақриз ҳам бор. Аввал нашриётнинг хатини ўқиб чиқдим: Ҳикояларингиз, тақриزلарни юборяпмиз. Нашриёт бундай ҳикояларни чоп

этолмайди. Хатнинг мазмуни тахминан шундай эди. Кейин тақризларни ўқиб чиқдим. Уларда ҳикоялар ҳаёт ҳақиқатидан йироқ, бундай воқеалар бўлиши мумкин эмас, дейилган эди. Адашмасам, тақризларни биттаси Тошкентдан жўнатилган эди.

Эр-хотин бироз хафа бўлди, жаҳлимиз чиқди. Лекин нашриёт билан баҳслашишни ўзимизга эп кўрмадик. Бунинг устига худди шу пайтда марказий газета ва журналларда ҳикояларимнинг баъзилари босиладиган, ҳатто босилиб ҳам турган эди.

Ёз кунларининг бирида ўша, Марказда ҳикояларимни китоб қилиб чиқариш ташаббускори бўлган акамиз уюшмада мени кўриб қолиб севиниб кетди.

— Ука, жуда яхши бўлди сизни кўрганим. Машинангиз бор-а? Ишхонангиздан рухсат олиб бераман. Марказдан бир редактор келган. Таржимонлик ҳам қилади. Шунини икки кун айлантириб келмайсизми? Илтимос сиздан!

Мен Шукур Холмирзаевга қарадим. Бирга эдик. Шукур ихтиёр ўзингизда, дегандек елкаларини сезилар-сезилмас кўтариб қўйди.

— Майли, — дедим мен. — Меҳмон қаерда?

— Меҳмонни ҳозир пастга туширамиз. Менинг хонамда ўтирибди.

Кўп ўтмай уйларимизга хабар қилиб, меҳмонни олдик-да, доvon орқали Фарғона водийсига қараб йўл олдик.

Мўлжалимиз бўйича кечкурун тўққизларда Қўқондан Фарғонага ўтиш, меҳмонхонада тунаб, эртаси кун бўйи водийни айланиш ва кечки салқин билан Тошкентга қайтиш эди. Меҳмон ҳам режамизни маъқуллади. У биз тенги йигит эди. Катта-катта ёзувчиларга ўрганиб қолган бўлса керак, уюшмамиз раҳбари бизни таништирганда, анчагина совуқ кўришди. «Куним сенларга қолдими?» дегандек тутди ўзини. Машинанинг орқасига ўтириб олиб, худди ҳар куни Фарғонага бориб келадиган одамдек кўзларини юмиб ухлаб ҳам олди. Тагин қизиқ одати бор экан, ҳеч нарса билан қизиқмайди, сўрасангизгина жавоб беради.

Бу одати Шукур билан бизни мутлақо ранжитгани йўқ. Иккаламиз маза қилиб гаплашиб кетдик.

Тошкентдан жўнаётганимизда меҳмон биздан жиндек ранжиб ҳам олди.

Танишиб бўлганимиз, қаёққа боришимизни гаплашиб олганимиздан кейин, машинага таклиф қилдим. Меҳмон ҳеч иккиланмай олдинги эшикни очиб, ўтира бошлади. Бу жойда ҳар доим, ҳозир ҳам уёқ-бу ёққа борадиган бўлса, Шукур ўтиради. Орқа ўриндикқа ўтириб қалин сочлари тўзғишини ва ҳамманинг олдида тарашни, умуман тароқ тутишни у ёмон кўради. Сезиб қолдим, жаҳли чиқиб, қошлари бир пастда чимирилиб кетаяпти. Лекин-гапиришга улгурмади.

— Илтимос, Сиз орқага ўтиринг, — дедим меҳмонга. Кейин хафа қилмаслик учун қўшиб қўйдим, — йўл-йўлакай биз маршрутни, йўлларни маслаҳатлашиб кетамиз.

Шукур тинчиб, ёнимга ўтирди.

Довонга кўтарилмасдан Тангатопди қишлоғига кираверишда, шундай сувнинг бўйида шинамгина чойхона бор. Шу ерга етиб борганимизда, Шукур иккаламиз беихтиёр бир-биримизга қарадик. Тушдик. Кабобпаз зира хиди анқиб турган қўй гўштини сихларга тортаётган экан. Чойхоначи йигит бизни салқин бир жойга ўтказиб битта кўк, битта памил чой келтирди. Тандирдан янги узилган иккита баркашдек-баркашдек жойдари нон қўйиб кетди.

Кабобпаз кабобларни кўра устига териб олдимизга келди:

— Озгина аччиқ-чучук ҳам қилиб ҳам берайми?

Миннатдор бўлди. Аччиқ-чучук бор жойда, озгина бўлса ҳам ичилади. Машинага бир-иккита шиша солиб олган эдик, биттасини келтириб, водопровод остига қўйиб қўйдим.

— Умарбеков! Бу қандай бўлар экан? — деди Шукур жиддий оҳангда. — Сиз ичмайсиз, рулдасиз. Бу одамни мен биринчи марта кўришим. Индамай у билан ичавераманми? Кейин нима бўлади?

— Фарғона тонг отгунча бўлади, — дедим мен ҳазиллашиб, кейин унга ўхшаб жиддий

оҳангда кўшиб кўйдим. — Агар меҳмон ичмаса, сиз ҳам ичмайсиз-да. Шу ҳам ташвишми?

— Бу гапингиз ҳам маъқул. — деди Шукур. — Лекин фаҳмлашимча, яхшилаб таклиф қилинса, рад этмайди.

Мен кулиб юбордим. Кулгининг боисини меҳмонга тушунтирдим. Биринчи марта унинг чеҳраси ёришганини шунда кўрдик.

Аччиқ-чучук, барра кабоб, муздек ароқ, иссиқ нон, булоқ суви... Бунинг устига ғир-ғир эсиб турган тоғ шамоли... Анча қолиб кетдик чойхонада. Мўлжал бузилди. Маршрутни ўзгартиришга тўғри келди. Кечаси соат ўн иккиларда Катта Фарғона каналининг Куйганёрдаги бўлимига кириб бордик.

Бўлим бошлиғи Нўъмонжон деган ажойиб йигит эди. Саид Аҳмад ака таништирган. У билан сўрашдик. Кимдир мотоциклда келиб биз билан кўришди-да, орқамда юринглар, деб мотоциклига ўтирди. Кўп юрганимиз йўқ. Икки кўча айланиб, Усмон Юсупов музейи ва шу ердаги кичкина меҳмонхонага кириб бордик.

Кўп ўтмай, Нўъмонжоннинг ўзи етиб келди. Қучоклашиб кўришдик. Шукурни, меҳмонни таништирдим.

Меҳмонхонага кўтарилдик. Аччиқ чой, кетидан катта бир лаганда ош келди.

— Қани олиб турайлик, — деди Нўъмонжон ва ўзи биринчи ошга қўл узатиб бошлаб берди.

— Ростини айтинглар. Уйқу босаяптими, йўқми?

— Нима эди? — сўрадим тушунмай.

— Балиқ овласак нима дейсизлар? Тунги балиқ овининг зап гашти бўлади-да!

Мен меҳмонимизга айтувдим, хурсанд бўлиб кетди.

Ўрнимиздан турганимиздан тўғоннинг бир тарафидаги сув чиқарилиб тизза бўйи қолган эди. Фонарлар, ой нурида кумушдек товланиб, ўзини ҳар ёққа ташлаётган балиқларни қўл билан тутса бўларди. Шундай қилдик. Тутганимизни челақка солиб узатамиз, зум ўтмай, қовуриб келишади... Яна тутамиз. Хуллас, оёқлар музлагунча ов қилдик.

— Мен биринчи марта қўл билан балиқ тутишим! — деди меҳмон. — Айтиб берсам, ўлай агар, ишонишмайди!

Нўъмонжон кулиб кўйди. Ўша куни у бизни хурсанд қиладиган яна бир иш қилиб кўйган экан. Буни эрталаб билдик. Меҳмонхонанинг катта даҳлизига дастурхон ёзиб, бизни таклиф қилишди. Боғда бурнининг учларигача шарбат босиб шафтоли, узум, еб юрган меҳмонни етаклаб, кўтарилдик.

Даҳлизда Нўъмонжон билан бирга фарғоналик ҳамкасб дўстларимиз Охунжон Ҳакимов, Йўлдошали Сулаймонов туришарди. Пешинда Куйганёрдаги машҳур, Охунбобоев, Усмон Юсупов, Юсуфжон Қизиқлар табаррук қилиб кетган Қорадарё устидаги чойхонада девзира палов еб, Фарғонага жўнадик.

— Тўғри Адҳам аканикига борамиз. Сизларни кутиб ўтирибдилар, — деди Йўлдошали.

Турган-битгани афсона, латифа, ҳазилдан иборат бўлган, оғзаки том-том китоблар ёзиб ташлаган атоқли ёзувчи, уруш қаҳрамони, водийнинг эрка фарзанди Адҳам Ҳамдам билан кўришмасдан бўлмасди. Аввало у хафа бўларди. Кейин у билан бир дақиқа бўлишни фақатгина биз эмас, кўпгина қалам ахли қувонч деб биларди.

Адҳам ака ҳазул-хузул гаплар билан бизни кутиб олди. Бирпас Фарғона раҳбарлари ҳақида шўх, кулгули, аммо ҳеч кимни ҳақорат қилмайдиган латифалардан айтиб берди.

Келинойимиз ярим коса-ярим косадан серқатиқ мастава олиб келди.

Кейин иккита машинага ўтириб, баланд кумушбарг тераклар соясидаги текис кўчалардан юриб, озода, одамнинг баҳрини очадиган шаҳарни айландик. Адҳам ака меҳмонни тарихий ўлка музейига олиб кириб чиқди. Соат бешларда педагогика институтида бордик. Зал тўла одам эди. Бизни пича кутиб қолишибди. Шу сабабли ректорнинг кабинетига кирмай, учрашувни бошлаб юбордик. Охунжон ҳаммамизни, шу жумладан меҳмонимизни ҳам таништириб чиқди. Савол-

жавоб, режалар ҳақида гапириб қоронғи тушганини билмай қолдик. Адҳам ака аралашмаса, учрашув тонготаргача чўзилиши мумкин эди. У киши жиддий ишларни баҳона қилиб, кечани тугатди. Ректорнинг кабинетига чой ичдик. Ҳаммамизнинг елкамизга тўн ташланди.

Меҳмон елкасидаги банорас тўнга ҳавас билан қараб, мендан сўради.

— Пулини кимга бериш керак?

— Шукурга, — дедим мен. — Унинг закази билан олиб келишган, ёқдимми?

— Жуда ҳам, — деди меҳмон. — Яна битта сотиб олсам бўладими?

— Бўлади, — дедим мен.

Фарғоналик ҳамкасбларимиз билан теракзор такъяда ўтирганмизда Шукур ёнимга келди.

— Умарбеков, бу тўн неча сўм тураркан, билмайсизми?

— Нима эди?

— Меҳмонимиз қизиқаяпти.

— Адҳам акадан сўраб кўринг.

— Ҳафа бўладилар. Совганинг ҳам баҳосини суриштирасанми, деб, қойийдилар.

— Меҳмонга худди шундай тушунтиринг. Афтидан мен ноҳўя ҳазил қилдим. Энди яхшилаб ростини тушунтириш керак.

Шукур кулиб юборди.

Ярим кечада меҳмон мени уйғоқ ўтирганимни кўриб ёнимга келди.

— Бугунги учрашув планлаштирилганмиди?

— Йўқ. Эскпромт.

Меҳмон индамади. У нималарнидир ўйлар, мулоҳаза қилар, аммо айтишга ийманарди.

— Ёзувчиларни яхши кўришар экан.

— Ҳа, бизда адабиётни, санъатни севишади, — дедим мен.

Эрталаб нонуштадан сўнг, уч-тўрт машина бўлиб, Шоҳимардонга кетдик.

У ердан қоронғида қайтиб Қўқонда тунадик.

Меҳмонимиз шу кунлар ичида сезиларли ўзгариб кетди. Аввало офтоб тегиб, юзлари, кўллари қорайди. Озгина тўлишди ҳам. Лекин гап бунда эмас, гап унинг бирдан афсона ичига тушиб қолганлигида ва бу ҳолатни яширмаётганида эди. Биз, Шукур иккаламиз унга маъқул келиб қолдик, нима уни қизиқтирса, хайратга солса, энг яқин дўстларидек бизга мурожаат қилар, билиб олар, уччаламиз қолганимизда ўзининг, онасининг ҳаётидан баъзи, ўзи учун қизик туйилган воқеаларни айтиб берарди. Ёлғиз ўғил экан. Шеърятга қизиқиб, адабиётчи бўлибди. Аммо ундан шоир чиқмабди. Яшаш керак, касалманд онани боқиш керак. Нашриётга шунинг учун ишга кирибди. Ҳали ёшлигини, шоир бўлиб кетиши мумкинлигини айтиб, биз уни юпатдик.

Хуллас, икки кунга йўлга чиққан одамлар, тўрт кун водийда қолиб кетдик.

Тушлиқда яна Қўқон такъяларидан бирида ош еб йўлга тушдик. Йўлдошали бизнинг машинамизда Пунгангача борди. Шу ерда у билан хайрлашдик. Яна бир марта ҳаммага салом ва миннатдорчилик билдириб, қўйишни меҳмонимиз биздан олдин илтимос қилди. Йўлга тушдик. Ниятимиз кечки салқинда Тошкентга кириб келиш, бизникида овқатланиб, тарқалиш эди.

Довонга етганимизда меҳмон елкамга қўлини қўйди.

— Бирон салқинроқ жойда тўхтасак бўладими?

— Марҳамат, — дедим мен.

— Йўлдошали, Адҳам акалар машина орқасига нималарнидир қўйишди. Афтидан ичадиган нарсалар ҳам бўлса керак?

— Бор, — деди Шукур. — Ҳали ўзимиз Тошкентдан олганларимиз ҳам турибди.

— Мен ичмоқчиман. — деди меҳмон.

Меҳмон амри вожиб. Чодакдан ўтгандан сўнг, йўлнинг чап томони салқин эди. Тузукроқ жой кидириб ўтирмасдан машинани тўхтатмоқчи бўлдим, меҳмон кўнмади.

— Кабоб еган жойдек жой бўлса яхши бўларди.

— Сиздан шоир чиқишига шубҳа йўқ, — деди Шукур. — Мен ҳам чиройлироқ жойда тўхтасак дейман. Сиз-чи, Умарбеков?

— Кемага тушганнинг жони бир.

Довондан тушаверишдаги булоқ бошида тўхтадик. Шу ерда чойхона бор эди. Лекин чойхонадан идиш-товоқдан бўлак нарса олишга тўғри келмади. Ҳамма нарсани Фарғоналик дўстларимиз иккита тугун қилиб, машина орқасига жойлаб қўйишган экан. Яхна гўшт, мева, ичимликлар, катта сопол товоқда полов ош, нон...

Шунга қармай, чойхоначи амаки таомил деб, иссиқ нон, қанд-курс келтириб қўйди.

Меҳмон сабрсизлик билан идишларга ичкилик куйилишини кутарди. Ниҳоят ҳамма тайёргарлик кўриб бўлингач, Шукур пиёлаларга тўлатиб ароқ куйди.

— Мана, меҳмон, олинг.

— Менинг гапим бор, — деди меҳмон. — Илтимос қиламан, эшитинглар. Мен Тошкентга келиб сизлар билан учрашишимни билганим йўқ эди. Аммо учрашганимдан хурсандман. Энди хурсандман. Шукур, сизнинг олдингизда мен Ўлмасдан кечирим сўрашим керак. Унинг ҳикояларини мен қайтариб юборганман. Ичида тақризлар ҳам бор эди. Нашриётнинг хати ҳам бор эди. Ўлмас, олганмисиз?

— Ҳа, — дедим мен.

— Ўқиганмисиз ҳаммасини?

— Ўқиганман.

— Мендан хафа бўлсангиз арзийди, Нашриётнинг хати ҳам, уюштирилган иккала тақриз ҳам ҳикояларингизга, энг муҳими, халқингизга тухмат. Сиз, ўзбек ёзувчилари шундай кўнгли очик, камтар, ёзувчига ҳурмати баланд халқингиз билан фахрлансангиз арзийди. Ўлмас, ҳикояларингиз, қахрамонларингизга ишончсизлик билдириб биз гуноҳ қилдик. Мен гуноҳ қилдим. Қўлёмаларингизни олиб кетаман. Китобингизни чоп этишни талаб қиламан. Биз Тошкентдан борган бир тақризга қаттиқ ишониб юбордик. Мени кечиринг. Шу қадах ўзбек халқи учун, Ўлмас, Шукур сиз бахтли ёзувчиларнинг қахрамонлари учун ичаман!

Мўлжалимиз қайтишда ҳам бузилди. Довонда узоқ қолиб кетиб, Тошкентга ярим кечаси кириб келдик.

Бу воқеани мен ҳикояларимни мақташ учун гапириб бераётганим йўқ. Сиз ҳам, ҳурматли ўқувчи, мен ҳам, бир нарсага севинишимиз керак.

Ажойиб халқимиз бор. Унинг ақл-идроки, қадоқ қўллари билан ҳозирги қийинчиликлардан эсон-омон чиқиб кетамиз, ҳар бир хонадонда «очил дастурхон»лар пайдо бўлади, танишми, нотанишми, ҳамма меҳмонларни иззат-икром билан кутиб оламиз. Эшик олдидаги одамга: «Ким керак эди сизга?» демай, «Қани, ичкарига киринг», деган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Халқим! Олис, машаққатли йўлинг бехатар бўлсин! Омад ва бахт ҳамиша сенга ёр бўлсин!

1994, май